Ўзбекистон Республикаси
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
АКАДЕМИЯСИ

Tadqiqot.uz

Республика илмий-амалий
конференцияси материаллари

2020-йил 23 апрель

СОЦИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ ВА СОЦИАЛ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



Тошкент - 2020

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
«СОЦИОЛОГИЯ» ва «ИЖТИМОИЙ ИШ» КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

“ИЖТИМОИЙ ФИКР” РЕСПУБЛИКА
ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

TADQIQOT.UZ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР ПОРТАЛИ

“СОЦИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ ВА СОЦИАЛ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020 йил 23 апрель

Тошкент – 2020

Социологияни ўқитиш ва социал тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, ЎзМУ, 2020. – 301 б.

Маъсул муҳаррир:

К.Каланов – социология фанлари номзоди, профессор

Тақризчилар:

А.Умаров – социология фанлари доктори, профессор
Н.Аликориев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:

А.Холбеков – социология фанлари доктори, профессор
Б.Фарфиев – социология фанлари номзоди, доцент
А.Аликориева – социология фанлари номзоди, доцент
Х.Хусанова – социология фанлари номзоди, доцент
У.Сабирова – социология фанлари номзоди, доцент
Г.Жиянмуратова – доцент
Ф.Ахмедова – катта ўқитувчи

Матнда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Конференция 2020 йил 23 апрель куни соат 14:00 да ZOOM дастури орқали онлайн равишда https://us04web.zoom.us/j/3835755919?pwd=MkFtSGtmd0RIcVd0OURTS0xmMkp3dz09 ҳавола орқали ўтказилди ва Ўзбекистон Миллий университети расмий сайти (http://nuu.uz/uzc/press/news/events/ev-univercity/444) да ёритилди.

КИРИШ СЎЗИ

Ғолибжон БОТИРОВ
Ўзбекистон Миллий университети
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

Ассалому алайкум, ҳурматли ҳамкасабалар, илмий конференция иштирокчилари!

Бугунги кунда халқаро хамжамият катта синовни бошидан кечираётган, дунё бўйлаб COVID-19 коронавирусининг тарқалиши ва ЖССТ томонидан пандемия эълон қилинган бир шароитда ҳам илм-фан ва таълим соҳаси ўз фаолиятини тўхтатгани йўқ. Шундай бўлсада, коронавирус атрофида бўлаётган илмий мунозараларда тадқиқотчи ва экспертлар кейинчалик мазкур эпидемиядан кўра жиддий ташвишланарли ҳолатлар, яъни кишилик жамияти ва инсоният олдида ижтимоий муаммолар кўламининг ошиб кетишидан хавотирга тушмоқда. Бу эса табиийки, социология фани ва социолог мутахассислар олдига жиддий изланиш ва талабларни қўяди.

Ўзбекистон Миллий Университети Социология кафедраси томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Социологияни ўқитиш ва социал тадқиқотларни ташкил этишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилаётган республика илмий-амалий конференция ҳақиқатдан ҳам долзарб масалага бағишланган бўлиб, танланган мавзу доирасида унинг иштирокчилари бугунги кундаги ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг илмий таҳлили ҳамда прогнозини беришларига ишонаман.

Ғарбий Европа мамлакатларида XIX асрнинг ўрталарида содир бўлган иқтисодий, сиёсий, маънавий инқирозлар ижтимоий ҳаётда яна бошқа бир муаммони юзага келтирди. Уни шу даврнинг жамиятшунос олимлари “социал” муаммо сифатида кўрдилар. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий тараққиёт, илм-фан ривожининг янги босқичга ўтиши содир бўлди.

Тараққиётнинг салбий оқибатлари сифатида эса, аҳоли орасида шаҳарларга иш излаб кетувчилар “армия”сининг сони ошиб борди, миграция жараёнларини авж олдириб юборди. Аҳоли орасида табақаланиш кучайиб, ишсизлар сони кескин ошиб борди. Бундай социал муаммолар жамиятдаги анъанавий ижтимоий меъёрларни издан чиқишига туртки бўлди. Оқибатда кишилар ҳулқ-атвори ва ўзаро муносабатларида салбий ўзгаришлар шаклланиб борарди. Натижада, бу каби кутилмаган социал ҳодисалар, жараёнлар ва муаммолар аниқ илмий талқин этилишига эҳтиёжни шакллантирди.

Худди шундай тарихий вазиятда 1835 йилда француз мутафаккири О.Конт ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар “социал факт”ларга таяниб, хулоса чиқарилиши шартлигини исботлади ва бу билан ижтимоий фанлар тизимида янги соҳа “Социология”нинг ўрнини кўрсатиб берди.

Бугунги кунда “социология” ўзининг илмий асосланган методологияси ва эмпирик методлари билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига тобора чуқур кириб бормоқда. Кундалик ҳаётимизда ва ижтимоий тармоқларда “социологик тадқиқот натижаларига кўра...” жумласи тез-тез такрорланмоқда ва жамият ҳаётининг кўзгуси сифатида хизмат қилмоқда. Халқаро телеканал, радиоэшиттириш ва матбуотда аҳолининг турли қатламлари орасида ижтимоий муаммоларни ўрганиш бўйича ўтказилган сўровномаларнинг натижаларини доимий эълон қилиб бориш одат тусига кирган.

Тараққий этган демократик жамиятлардаги бошқарув институтлари, турли хил идора, ташкилот, муассаса ва илмий-тадқиқот марказларида социологик тадқиқот лабораториялари ташкил этилиб, жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа жиҳатларига дахлдор масалалари бўйича жамоатчилик фикрини мунтазам ўрганиб бормоқдалар. Мамлакатимизда сўнгги йилларда жамоатчилик фикрини ўрганишда социология фанининг амалий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан,

мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони долзарб аҳамият касб этди. Фармон ижроси доирасида Республикамизнинг учта университетида “Социология” бўлимлари ташкил этилиб, нафақат кундузги бўлимлар, балки сиртқи бўлимларга ҳам талабалар қабул қилинди. Фармон имзолангунига қадар ўша вақтда 33,5 млн аҳолиси бўлган мамлакат учун ҳар йили бор-йўғи 20 та социолог кадрлар Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети базасида тайёрланиб келинган.

Социология бўлими ташкил этилганига 30 йил бўлсада, бирон бир университет ёки илмий муассаса таркибида доимий ишлайдиган Илмий Кенгаш бўлмаган. Эътиборлиси бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида Социологи фанлари бўйича учта йўналишда докторлик илмий даражасини берувчи Илмий Кенгашнинг фаолият юритиши, албатта соҳанинг юксалаётганидан далолат беради. Шу жабҳада соҳанинг янада ривожланиши учун Ўзбекистон Миллий университети раҳбарияти Ижтимоий фанлар факультетида учта мутахассислик бўйича магистратура йўналишини ташкил этилиши ва яна учта мутахассислик шифрлари бўйича (PhD) ва (DSc) ихтисосликларида ҳар йили ўнлаб тадқиқотчиларнинг илмий изланиш олиб боришларига кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Социология кафедраси профессор-ўқитувчиларининг қисқа вақт ичида социология йўналишига ихтисослашган **TADQIQOT.UZ** халқаро илмий журналлар электрон порталида фаол қатнашаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. Буларнинг ҳаммаси табиийки, соҳанинг сўнгги йилларда самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Сўзимнинг якунида илмий конференциянинг барча иштирокчиларига муваффақият тилаган ҳолда, унинг самарали якун топишини тилаб қоламан.

I ШЎЪБА. ЗАМОНАВИЙ СОЦИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МЕТОДОЛОГИК ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ: МУАММОЛАР, ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

ИЖТИМОИЙ ВОҚЕЛИКНИ СОЦИОЛОГИК ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Бекмуродов М.Б. *– ЎзРП ҳузуридаги*
ДБА "Бошқарув социологияси ва психологияси"
кафедраси мудири, соц.ф.д., профессор

Воқеликни социологик ўрганиш, деганда атрофимизда ва ўзимизда рўй бераётган жараёнларни бирёқлама эмас, балки кўпёқлама, яъни бошқа ва холис инсонлар кўзи, манфаати, мақсадлари ракурсида талқин этиб қабул қилиш тушунилади. Шу боисдан ҳам, О.Конт социологияни тадқиқ этувчининг ўзига эмас, балки бошқаларга фойда, наф келтирувчилик мақоми борлиги учун ҳам уни позитив фан, деб атаган эди. Дунёни позитив англаш, келажакда узоқ ва узлуксиз тинчлик муҳити қарор топадиган замонларга эришишнинг ягона имконияти билим, маърифат ва эзгулик эканлиги Шарқ маънавияти, илм-фани ва давлат бошқарувининг асосий тамойили бўлиб келган. Бу борада энг қадимий маънавий обидамиз бўлган "Авесто" китобида, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Доримий ас-Самаркандий, Исмоил Бухорий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн-Сино, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Нажмуддин Насафий ва бошқа буюк дарғаларимиз асарларида доимий тадқиқ этиб келинган.

Шарқ мутафаккирларининг воқеликка позитив қарашлари дунёни умумий тинчлик қадрияти сифатида англашда катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо, дунё воқелигини социологик англовчи талқин ва таснифларда Ғарб социологиясига кенг ўрин берилиб, оламни Шарқ социологияси нуқтаи назаридан ўрганишга етарли даражада ўрин ҳам, аҳамият ҳам берилмаган. Мутахассислигимизга оид нуфузли хорижий социологик энциклопедиялардаги йўналиш ва соҳалар классификациясида Шарқ социологияси ҳаттоки, махсус социологик йўналиш сифатида қайд ҳам этилмаган.

Дунё миқёсида юз бераётган глобал ўзгаришлар ва тараққиёт тенденцияларининг бугунги манзараси ва мантиғи шарқона ёндошувларни четлаб ўтишга энди мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Бу биринчи ва жуда долзарб муаммо.

Иккинчи муҳим муаммо эса, бугунги дунё миқёсида тез суръатларда кечаётган ўзгаришлар, жаҳонни бошқаришнинг янги тенденциялари, инсон омилининг ўзгарган мақомини ҳисобга олиш асосида воқеаларга социологик ёндошиш заруратини англашда намоён бўлмоқда.

Учинчи йирик муаммо ҳозирги вактда айрим давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий манфаатларни кўзлаб бирлашиши асосидаги қутблашувга интилишдан глобал, умумпланетар муаммоларнинг ечими доирасида қутблашувга ўтиш ҳаракати ва эҳтиёжларининг кучайиши билан боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, ҳозиргизамон социологиясини илмий ва амалий жиҳатлардан тизимли ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор ва масъулиятли ёндошувни зарурият даражасига кўтаради:

1. Дунёдаги мавжуд икки маданият тўқнашуви, яъни куч, тазйиқ ўтказиш орқали натижага эришувчи маданият билан тинчлик, илм-фанга таяниш, барча билан муроса қилиб яшаш орқали барқарор тараққиётга эришиш маданиятига асосланувчи қадриятли ёндошувлар ўртасидаги курашда илк дафъа куч маданияти ўзини ёпиқ, боши берк кўчага кириб қолганлик ҳолатини ҳис этмоқда. Бу ижтимоий-сиёсий ҳолат моҳиятини социологик тадқиқ этиш зарурдир.
2. Сиёсий, иқтисодий, маданий қутблашув сиёсати ҳам инқирозга кириш босқичида турибди. Бугун дунёни ўз ваҳимаси билан қамраб олган "Коронавирус пандемияси" жаҳонни

куч билан бошқариш эмас, балки давлатлараро, миллатлараро ва инсонлараро ҳамкорлик, тинчлик ва муроса орқали бошқариш заруратини кун тартибига қўйди.

3. Дунёда эндиликда давлатлараро сиёсий ва ҳатто иқтисодий якдилликнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Дунёнинг ҳозирги XXI асрдан XXII асрга соғ-омон ўта олиши учун бугунги жаҳон ҳамжамиятининг маънавий ҳамда социологик якдиллигига эришиш ўта долзарб вазифага айланди.

4. Бугунги Ўзбекистон ўзининг янги тарихий тараққиёт босқичида ривожланмоқда. Моҳиятан янги давлат ва янги ижтимоий муносабатлар билан мустаҳкам боғланаётган, ўз фуқаролари ва бошқа давлатлар фуқаролари учун позитив бўлган жамият таркиб топмоқда. Бу янги давлатнинг номини ўз мазмуни билан "Халқ давлати", жамиятимизнинг номини эса "Меҳр жамияти", дейиш мумкин. Мазкур янги социологик феноменлар моҳиятини теран тадқиқ этиш долзарб вазифалардан саналади.

5. Ватанимизда сўнгги 4 йил мобайнида жадал кечаётган миллий тикланиш ва юксалиш жараёнларининг узвий бўғини Шарқ социологияси хусусан ўзбек социологияси мактабининг тарихи, йўналишлари ва мазмунини ўрганиш ҳаракати ҳисобланади. Бу ғоятда бой ва серқирра тарихий меросимизни англаш ва тизимли ўзлаштириш учун Зардуштийлик, буддавийлик ва ислом дини маърифатининг турмуш тарзи ва менталитетимизга ижтимоий таъсири ҳамда маънавиятимиздаги ўрни ва роли борасида махсус кенг кўламли социологик тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш талаб этилади. Бунинг учун эса Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ахмад Фарғоний, Исмоил Бухорий, Абу Райхон Беруний, Ибн-Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хондамир, Фитратнинг социологик қарашларини чуқур ўрганиш, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Нажмуддин ан-Насафий сингари ҳали буюк мероси кенг жамоатчилик томонидан етарли ўзлаштирилмаган улуғ аждодларимизнинг ижтимоий қарашларини социологик тадқиқотларимиз предмети сифатида махсус ва теран тадқиқ этиш зарурдир.

6. Диний эътиқодимизнинг асосий йўналиши бўлган Ханафия мазҳаби моҳиятини теран англаш, Ватанимизда шаклланиб, дунё ислом маданиятининг мустаҳкам пойдеворига айланган Кубравия, Мотуридия, Яссавия, Нақшбандия тасаввуф ҳаракатининг ижтимоий мазмунини тадқиқ этиш лозимдир. Бу борада ҳам бошқа тегишли фанлар билан интеграциялашган ҳолда махсус социологик изланишларни амалга ошириш тақозо этилади.

7. Ижтимоий фаолликнинг мазмунан янги кўриниши, яъни одамларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга нейтрал кузатувчи ёки хайрихоҳ кузатувчиликдан бевосита иштирокчи ва фаол ташкилотчи мақомига трансформациялашувининг ҳаётимиздан тобора кенгроқ ўрин олаётганлигини эътиборда тутиб, ижтимоий фаолликни бошқариш, янада кенгроқ олганда ўзгаришларни бошқариш масаласини социологик тадқиқ этиш лозимдир.

8. Янги Ўзбекистон муҳити янги ўзбек характерини тақозо этиши ва бу жараён ҳозирги кунда фаол кечаётганлигини инобатга олиб, ўзбеклар ижтимоий характери замонавий белгиларининг шаклланиши эволюцияси, бу жараёндаги тенденциялар, позитив ва негатив хусусиятларни тадқиқ этиш, ижтимоий табақаланишнинг ҳозирги ҳолатини доимий ўрганиб бориш кун тартибидаги долзарб масалалардандир.

9. Бозор иқтисодиёти ҳамда турли иқтисодий, сиёсий, ахлоқий таъсирлар натижасида юз бераётган ижтимоий жараёнлар – одамларнинг воқеликка ёндошувларининг ўзгаришини таҳлил этиш, софдиллик, камсуқумлилик, раҳмдиллик, камтаринлик, меҳнатсеварлик, камхаржлилик сингари фазилатларни мужассамлаштирган интроверт табиатли миллатдошларимиз ҳамда ўз феъл-атвори билан ташқи вазиятлар ўзгаришига тез жавоб қайтаришга тайёр турувчанлик, ўз маданияти, тили, турмуш тарзи ва анъаналари доирасида қолиб яшаш ва ишлашга қаноатланмайдиган, муайян даражада улардан узоқлашган экстроверт табиатли инсонларнинг давлат ва жамиятга кўрсатувчи таъсирини махсус социологик тадқиқ этиш муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир.

10. Сўнгги 4 йилда янги Ўзбекистоннинг ижтимоий структураси ҳам ўзгарди. Жамиятимизнинг янги ижтимоий структурасидаги ўзгаришлар янги норматив қадриятларга эга тузилмалар, янги ижтимоий институтлар, жамғармалар, янги ролли мақомлар, янги муносабатлар тизими билан изоҳланади. Мазкур воқеликни социологик ўрганишда тузилмалараро боғлиқликлар, мазкур боғлиқликларнинг миллий, анъанавий, шунингдек, замонавий моҳияти, тузилиши, ана шу боғлиқликларга вертикал ва горизонтал таъсир даражаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

11. Янги Ўзбекистонда ижтимоий муносабатларнинг анъанавий-тарихий шакллари бўлган ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, якдиллик омилларини янада теранроқ социологик ўрганиш, бу омилларга мақсадли тарзда кўрсатилаётган механик ҳамда органик таъсирларни махсус тадқиқ этиш асосида асосли социологик хулосалар тайёрлаш зарурдир.

12. Ижтимоий жараёнларни тадқиқ этишда фанлараро интеграциялашув сустлиги, асосан тадқиқот предметидан узоқлашмаслик умумий приоритетга айланганлиги жиддий муаммодир. Замонавий тараққиёт эса, барча илмий инновация ва кашфиётларнинг фақат уйғунлик, интеграция ва ўзаро сингишув асосида юзага келганлигини социологик эътибор марказига кўчириш лозимдир. (Масалан: квантмеханика, биохимия, генинженерия, этнопсихология, микробиология ва ҳ.к.).

13. Мамлакатимизда жадал амалга оширилаётган ислоҳотларнинг инсон манфаатларига мослигини ижтимоий назорат қилиб боришнинг нечоғли муҳим аҳамиятга эгалигини эътиборга олиб, бу жараённинг икки жиҳатини таққослаш, яъни ҳуқуқий асосланган норматив индексли баҳолаш ҳамда фуқаролик институтлари томонидан амалга оширилувчи ижтимоий назорат индикаторлари орқали баҳолаш самарадорлигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ижтимоий назоратни амалга оширишдаги “респонсив” ёндашув, яъни давлат тузилмалари раҳбар ва масъул шахсларининг халққа ҳиссиётли, меҳрли ёндошуви, одамларга ғамхўрликнинг кенгайиши, бу борадаги асосан вертикал муносабатларнинг горизонтал муносабатларга трансформациялашуви жараёнларини тизимли тадқиқ этиш кун тартибидаги вазифалардандир.

14. Воқеликни социологик тадқиқ этишда Р.Розенталь асослаб берган “Пигмалион эффекти”га йўл қўймасликка жиддий эътибор бериш зарур. Зеро, бу ҳолат ўтказилаётган тадқиқот мобайнида ўрганиш ва кузатишлар кутилмаган натижалар беришидан қочишдан халос бўлишни тақозо этади. Декарт айтганидек, тадқиқот ўтказиш асносида кутилганидан ташқари қандайдир кутилмаган бир нарсага дуч келишни орзу қилмаслик, ҳақиқий олимнинг иши эмас.

15. Бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан бири – бу Янги Ўзбекистоннинг социологик манзарасини яратишдир. Бу ижтимоий манзарада а) ўзбек халқининг инновацион-интеллектуаллашув тенденциясининг кучайиб бораётганлиги (илмга интилишнинг оммалашуви, фан соҳаларига жамият ҳурмати ва эътиборининг кучайганлиги, турли касб ва соҳаларни пухта ўзлаштириб олишга интилишнинг ортганлиги, хорижий тилларни ўзлаштириш кўлами ва суръатининг тезлашгани, китобхонлик маданиятнинг узлуксиз юксалиб бораётганлиги); б) фуқароларга авторитар тарзда ҳамда асосан вертикал асосларда бошқарилувчи масса сифатида ёндошув эмас, балки улар билан горизонтал асосларда муносабат ўрнатилувчи шахслар сифатида ёндошув қарор топаётганлиги; в) ўзбек халқининг ахборот омили билан малакали ишлай оладиган ахборотлашган этносоциум сифатида жадал шаклланиб бораётганлиги (одамлар ва ташкилотларнинг виртуал маконда ахборот олиш ва беришга бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятидан самарали фойдаланаётганликлари, ахборотни тўғридан тўғри эмас, балки саралаб, ақл тарозисидан ўтказиб қабул қилиш маданияти шаклланаётганлиги ахборотни сиёсий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда қабуллов негизида турли аҳоли қатламлари вакиллари орасида ўзига хос страталашув - ижтимоий табақалашув жараёни юз бераётганлиги). Илмий тадқиқот ишларимизни янги Ўзбекистонимизнинг ана шу янги социологик манзараси белгиларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш тавсия этилади.

17. Атоқли социолог ва психолог Эрих Фромм XX асрда инсоният ижтимоий характерида туб бурилиш юз бериб, одамлардаги рационал авторитет аноним қиёфага киради, улар ўз “мен”ларидан ажраладилар ва моҳиятан янги инсон таркиб топади, деган эди. Янги инсон XXI асрга келиб ҳамма соҳаларнинг машиналашуви, тотал компьютерлашув, роботлашув натижасида ўзлигидан тамомила бегоналашади, деган эди. Аммо, XXI асрнинг биринчи чорагида Фромм айтган миллий ўзликнинг асосий илдизлари бўлган миллий тил, миллий ғурур, раҳмдиллик, ҳамжиҳатлиликдан тамомила бегоналашув юз бермади. Халқнинг ўз миллий маънавий ўзлигидан бегоналашуви тезкор жараён эмаслиги ойдинлашди. Илмий тадқиқотларда ана шу тенденция ҳисобга олиниши зарур.

18. Илмий тадқиқотларда америкалик олим Давид Рисман томонидан билдирилган илмий қарашни, яъни замонавий инсон моҳиятан ўзгариб, асосан ўз манфаати йўлида индивидуал ҳаракат қилишга ўтади ва ҳаётга бўлган ижтимоий мўлжали бўйича асосан ташқарида юз бераётган жараёнларга муносабат кўрсатувчи реактив субъектларга айланади, инсониятнинг ягона халос йўли эса проактивликдир, деган мулоҳазани ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, олимнинг таъкидлашишига қараганда, айрим реактив табиатли инсонларда барқарор миллий феъл-атвор ҳам, миллий ўзлик ҳам, она тилига ҳурмат ҳам, мустақилликнинг бош этатик қадрият сифатида англаш ва қалбан ҳис этиш ҳам юқори даражада бўлмайди. Реактив инсонлар муҳитида коррупция, таниш-билишчилик, сиёсий дезориентация, манипуляция устувор мавқега эга бўлади. Бундай инсонлар космополитизмга кўпроқ мойил бўладилар. Уларнинг ҳаёт мўлжаллари битта – “қаерда яшаш яхши бўлса, ўша жой менинг ватаним”.

19. Дин социологияси илмий йўналиши доирасини кенгайтириш ва теранлаштириш, бу борада нафақат тасаввуфни чуқур ўрганиш, балки ислом оламида эгалланган ғоятда юксак тарихий мавқеимизга мос бўлган соҳа – Ҳадисшунослик илмини социологик нуқтаи назардан тизимли назарий тадқиқ этиш зарурдир.

20. Ўзбек тилининг сиёсий, маданий, тарихий мақомини тиклаш, бу тил Олтин Ўрда, Аштархонийлар ҳамда Хива ва Қўқон хонликларининг салкам 400 йил мобайнида ягона давлат тили бўлиб келганлиги Хуросон, Бухоро, Қашқар давлатларида мустаҳкам мавқега эга тил бўлганлиги тарихдан яхши маълумдир. Шу боисдан ҳам, айрим чаласаводлар томонидан тилимизнинг буюклигини шубҳа остига олинишига қарши социологик жавобни ҳам тайёрлашимиз, мазкур соҳа ривожининг барқарор кечиши юзасидан конкрет социологик тадқиқотларни мунтазам ўтказиб бориш зарурдир.

20. Воқеликни социологик ўрганишнинг асосий мақсади турли жамоалар ва жараёнларнинг аниқ ўлчамлардаги ҳолати ва бу ҳолатларни яхшилаш йўлларини назарий ва эмпирик жиҳатдан ишлаб чиқишдан иборатдир. Ижтимоий ҳолатни яхшилашнинг энг мақбул йўли сифатида адолатлилик, тўғрилик ва ҳамжиҳатлилик тамойилларини социологиянинг бош мезонлари сифатида амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ИССЛЕДОВАНИЙ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОЙ СОЦИОЛОГИЧЕСКОЙ НАУКИ

Рахимова Н.Х. *– д.э.н., директор*
РЦИОМ «Ижтимоий фикр»

Сложившийся за короткий исторический период времени новый климат общественной жизни в Узбекистане, формирование принципиально новой политической культуры взаимодействия власти с народом, способствовали интенсивному развитию общественного мнения в стране как необходимого условия, обусловливающего процессы демократического обновления общества, национального возрождения и роста самосознания народа.

Радикальное осмысление общественных отношений влечет за собой пересмотр и новое осмысление социальной реальности с точки зрения перспектив развития, возможностей учета последствий происходящих трансформаций в обществе, вызванных модернизационным рывком страны.

В современных реалиях дальнейшее развитие изучения общественного мнения в стране предполагает совершенствование теории и методологии социологических исследований, синхронизацию отечественной социологии с европейскими и мировыми социологическими исследованиями, новые подходы и новые методы интерпретации основных тенденций в общественном сознании и поведении людей.

В настоящее время ощущается необходимость в социологических исследованиях, раскрывающих направленность и восприятие социально-экономических и политических процессов в общественном сознании различных социальных групп и социальных общностей. Это определяется тем, что важнейшей задачей социологических исследований является их применение для принятия эффективных управленческих решений, своевременного разрешения возникающих социальных противоречий, преодоления культурных и психологических препятствий, изучение как процессы модернизации формируют новые модели общественного развития.

Необходимо подчеркнуть, что изучение формирования, функционирования и развития общественного мнения по различным вопросам жизнедеятельности общества и учет его в государственном управлении социально-экономическими и политическими процессами имеет непреходящее значение в демократическом обществе. В этой связи особую значимость имеют социологические исследования, связанные с изучением социальных приоритетов, обеспечивающих интересы семьи, процессов формирования среднего класса, законодательных основ экономических преобразований, структурных преобразований в экономике, повышение роли человеческого потенциала, интеграция в мировое сообщество и др.

Значимыми среди приоритетных направлений в социологических исследованиях являются проблемы, связанные с изучением духовности, просветительства, формирования патриотического и гражданского самосознания, а также интерпретацией ценностных основ общественного сознания, детерминированных образом жизни людей, национальным самосознанием, традициями, культурой, принимая во внимание происходящую смену поколений необходимо фронтальное изучение ценностных ориентаций подрастающей молодежи.

Такой подход к изучению общественного мнения требует более глубокого проникновения в реальную жизнь, выявления ее сложностей и противоречий.

Исходя из перспектив развития страны, приоритетными направлениями являются: продолжение и совершенствование исследований, связанных с изучением особенностей формирования и функционирования гражданского общества, анализом форм и перспектив гражданского участия, определяемых спецификой институциональной структуры общества в стране, новое осмысление должна получить такая социальная реальность, волнующая все общество, как коррупция.

Особенно востребованы исследования, предлагающие рекомендации по реализации комплексных мер, направленных на увеличение степени доверия между государством и населением, в частности формирование тех форм и каналов взаимодействия между гражданским обществом и государством, которые способствуют социальной интеграции и уменьшению дезинтеграционных процессов в обществе.

В практическом плане исследования общественного мнения должны внести вклад в решение сложных, многоаспектных задач дальнейшего укрепления государственной независимости, формирования гражданского общества и правового государства, развитие социально-политических и духовно-нравственных отношений на демократической основе, расширение динамизма политической культуры узбекистанского общества.

В настоящее время в обновленном демократическом Узбекистане утверждение основополагающего принципа: «Не народ должен служить государственным органам, а

государственные органы должны служить народу», развитие в стране работы с обращениями граждан через институты Виртуальной и Народной приемных Президента страны являются наиболее показательным индикатором состояния общественных отношений в стране, свидетельствующим о формировании принципиально новой политической культуры взаимодействия власти с народом.

В этой связи роль общественного мнения в стране значительно возрастает, а социологические исследования становятся ориентирами для процессов преобразования и реформирования в конкретных сферах общественной жизни. Этому способствует широкое распространение социологической информации среди общественности, социологическое просвещение общества. В дальнейшей перспективе представляется крайне актуальным развитие публичной социологии, основной функцией которой должно являться непосредственное участие в принятии решений, особенно касающихся острых социальных ситуаций, функция мобилизации общественного мнения, при необходимости воздействия общественности на те, или иные значимые процессы, происходящие в общественной жизни страны.

Ярким примером этого могут послужить результаты одного из последних исследований РЦИОМ «Ижтимоий фикр» (с 26 марта по 1 апреля 2020 года), проведенного телефонного опроса среди узбекистанцев, где выявлено отношение населения к мерам, принимаемым руководством страны по обеспечению санитарно-эпидемиологического благополучия населения и предупреждению распространения коронавируса COVID-19 в Узбекистане.

Результаты проведенного телефонного опроса показали, что абсолютное большинство граждан – 97,8%, полностью поддерживают меры, предпринимаемые в нашей стране по противодействию распространения коронавирусной инфекции COVID-19.

В ходе телефонных интервью участники опроса отмечали, что введение ограничений, в том числе прекращение транспортного сообщения с другими странами и между регионами страны, карантинные меры для граждан, прибывших из-за рубежа и/или находившихся с ними в контакте, запрет на проведение массовых и семейных мероприятий и торжеств, введение режима самоизоляции, запрет на движение общественного транспорта и передвижение на автомобилях являются необходимыми мерами, направленными на защиту населения от коронавируса.

Телефонный опрос показал, что респонденты высоко оценивают действия, принимаемые руководством страны, в Узбекистане по усилению социальной защиты граждан, насыщению рынка продовольственными товарами, лекарственными препаратами и средствами индивидуальной защиты, недопущению роста цен на продукты питания.

Результаты проведенного телефонного опроса показали, что меры, принимаемые в стране по недопущению распространения коронавирусной инфекции, организованная санитарно-просветительская работа в средствах массовой информации по разъяснению факторов, способствующих распространению COVID-19, а также профилактических мероприятий, необходимых для предотвращения инфицирования, социальная помощь населению, оказывают позитивное воздействие на социальное настроение граждан, вселяют чувство уверенности в то, что все трудности будут успешно преодолены. Как показал телефонный опрос, большинство граждан соблюдают спокойствие, не поддаются панике, адекватно воспринимают ситуацию, связанную с периодом противодействия коронавирусу. По мнению 76,6% участников телефонного опроса, они испытывают «стабильное, ровное спокойное настроение» и уверенность в том, что все проблемы разрешатся позитивно.

Результаты телефонного опроса показали, что в общественном мнении преобладают две основные составляющие позитивного настроения, которые воодушевляют респондентов, вселяют в них чувство уверенности и оптимизма и способствуют хорошему расположению духа. С одной стороны – это действенные и своевременные меры, принимаемые под руководством Президента страны по предотвращению распространения коронавируса и снижения негативного воздействия пандемии на социально-экономическое развитие Узбекистана и жизнь каждого гражданина. С другой стороны, представители всех регионов

страны, мужчины и женщины, молодежь и представители старшего поколения отмечали, что чувствуют и высоко ценят заботу руководства страны в этот сложный период и выражают уверенность в том, что, соблюдая рекомендации медицинских работников, принципы гуманизма, взаимовыручки и сплоченности, справятся с этим испытанием.

Республиканский Центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» намерен активно использовать все имеющиеся возможности для практического обеспечения использования результатов социологических опросов общественного мнения и настроений граждан в целях успешной деятельности органов государственной власти и управления, с тем, чтобы общественное мнение стало действенным атрибутом повседневной политической, социально-экономической и духовно-нравственной жизни нашего общества, одним из важнейших механизмов осуществления постоянного диалога между государством и обществом.

В Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису обозначены основные программные установки и ориентиры в деле решения тех злободневных задач, которые Глава государства поставил на ближайшую перспективу. Предложенные установки играют важную роль и при определении основных стратегических направлений в изучении общественного мнения. В этой связи усилия социологов должны быть направлены на то, чтобы способствовать разъяснению общественности основных тенденций социальных, политических и мировоззренческих процессов, происходящих в стране, тем самым способствуя консолидации общества вокруг идеи построения нового Узбекистана, обозначенной Президентом Шавкатом Мирзиеевым в программных документах страны.

ОСОБЕННОСТИ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СОЦИОЛОГИИ И СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЫ В КРИЗИСНЫХ УСЛОВИЯХ

Ганиева М.Х. *– д.с.н., проф. НУУз*

Сегодня человечество переживаем тяжёлые времена. Но, безусловно, пройдёт волна эпидемии и люди постепенно будут возвращаться к нормальной жизни. Но это будет уже другая жизнь, в которой люди начнут больше ценить спокойствие, обнажаться действительно важные для них ценности.

В этих кризисных условиях несомненно важную роль для благополучия и самочувствия человека должна сыграть социология. Как писал классик социологической наук Фердинанд Тённис: – «Социология – это исследование человека, но не его телесного, душевного, а его социального существа, стало быть, телесного и душевного лишь постольку, поскольку оно обуславливает социальное. Таким образом, мы хотим познать и изучить не только те умонастроения и движущие силы, которые соединяют одних людей с другими, удерживают их вместе, побуждают или стимулируют их к совместным действиям и взаимодействию, но и, прежде всего, возникающие вследствие этого продукты человеческого мышления, необходимые для сохранения и поддержания общей сущности»[1].

Пока сложно говорить о долгосрочных прогнозах, но, несомненно, то, что социология, также, как и социальная работа должна сыграть определённую роль в поддержке общества, вывода людей из кризисной, стрессовой ситуации. Это обусловлено тем, что и в социологии, и социальной работе показательным фактором является интерес к изучению человека. В связи с чем возникают различные подходы к исследованию проблем человека, одной из которых является социология социальной работы.

Современные теоретические модели социальной работы ориентируют специалистов на то, чтобы помочь клиенту оптимизировать собственные усилия по изменению ситуации, возникшей на уровне индивида, группы, социума. В соответствии с этим становятся приоритетными те концепции, которые позволяют социальному работнику помочь клиенту

[1]Тённис Ф. Общность и общество//Социологический журнал. 1998. № 3/4.– С.207.

раскрыть и реализовать свои личностные и социальные ресурсы. К ним, в частности, можно отнести и кризисную концепцию теории социальной работы, или концепцию переживания кризиса и применения технологии кризисного вмешательства, которая до сих пор, в основном, описывает и объясняет только индивидуально-личностный уровень переживания кризиса[1].

Социологическая наука в целом и социологические исследования, в частности, способны высказывать предположения о долгосрочном политическом, экономическом и социальном воздействии кризисных ситуаций, как на общество, так и на человека. Использование технологии кризисного вмешательства должно стать интегративной частью системы социального обслуживания населения, где кризисная работа должна быть особенно чувствительной к комплексному учету личностных, семейных и социокультурных проблем.

Данная ситуация в полной мере относится и нынешней ситуации пандемии короновируса (COVID-19). Поэтому представляется актуальным социологическое исследование этой ситуации с точки зрения социальной работы. Необходим поиск оптимальных условий преодоление человеком кризисных состояний, применения на этой основе технологии кризисного вмешательства в практику социальной работы.

В связи с этим значимость социологических исследований как на уровне индивида, так и на уровне группы позволяет выявить степень, уровни сопряженности реализации их жизненного потенциала личности и средств его поддержания, реабилитации.

Нынешняя кризисная ситуация, связана со стрессом, характеризуется состоянием напряжения, которое возникает под влиянием сильных воздействий, реакцией нашего мозга и тела в ответ на неблагоприятные изменения окружающей среды. Больше всего подвержены стрессу пожилые люди, люди, находящиеся в учреждениях интернатного типа, люди с инвалидностью, дети и подростки, в целом, уязвимые категории населения. медицинские работники, сотрудники системы оказания социальных услуг, сотрудники правоохранительных органов.

К базовым принципам преодоления стресса психологи относят: отвлечение от стрессовой ситуации; активное поведение; умение расслабляться; позитивное мышление.

Как отмечает историк медицины Чарльз Розенберг, «эпидемии начинаются в определённый момент времени, развиваются на ограниченной сцене, следуют сюжетной линии с нарастающим напряжением, затем переходят к кризису индивидуального и коллективного характера и, наконец, движутся к завершению». В этих условиях необходим социальный анализ, который покажет, что действительно важно для населения и что они по-настоящему ценят. Все известные эпидемии объяснялись не только как кризис общественного здоровья, но и как нравственный кризис[2].

В этих условиях важно оказание психосоциальной помощи населения, включающую в себя создание безопасных условий, используя имеющиеся ресурсы, направленность социальных служб на защиту и укрепление благополучия людей.

Усиливается теневая пандемия: насилие в отношении женщин и девочек. Так, ЮНИСЕФ недавно опубликовало техническое руководство, которое призывает помочь властям усилить меры по защите детей во время пандемии[3]. Буквально за несколько месяцев COVID-19 в корне изменил жизнь людей по всему миру. Меры по обеспечению карантина, такие как закрытие школ и ограничения передвижения, хотя и считаются необходимыми, но все же нарушают привычный ход жизни детей и работу систем по оказанию им поддержки. Они также добавляют новые факторы стресса для родителей и опекунов, которым, возможно, приходиться отказаться от работы.

---

[1] Корхонен Т.В. Кризисная концепция теории социальной работы в контексте виталистской социологии: теоретико-методологический аспект. Автореф. дис. на соиск.степени кандадата соц.наук. Барнаул, 2003 168 с. http://www.dslib.net/teoria-sociologi

[2]Крастев И. Эпидемии – это события, а не тренды. https://globalaffairs.ru/artic

[3]https://www.unicef.org/eca/ru/documents/

Детский фонд ООН совместно со своими партнерами по Альянсу по защите детей в гуманитарной деятельности призвал оказывать поддержку органам власти и организациям, участвующим в осуществлении борьбы с пандемией.

Альянс рекомендует правительствам и органам по защите детей предпринять конкретные шаги для обеспечения того, чтобы защита детей стала неотъемлемой частью всех мер попрофилактике и борьбе с COVID-19, включая: информирование персонала служб здравоохранения, образования и защиты детей о рисках для детей в связи с COVID-19; обучение работников служб первой помощи тому, как управлять раскрытием информации о гендерном насилии; расширение обмена информацией о функционирующих в интересах детей службах по оказанию специализированной помощи и другой поддержки; адресная поддержка центрам временного ухода и семьям; предоставление финансовой и материальной помощи семьям, у которых оказались нарушены возможности для получения дохода и др.[1]

Следует отметить, что в условиях карантина возрастает угроза увеличения случаев домашнего насилия. Это показал и опыт Китая, где увеличилась численность бытового насилия и как следствие после преодоления кризисной ситуации с эпидемией короновирусом, резко увеличилось количество разводов.

Факторами риска в условиях COVID-19 являются: замкнутое пространство; напряжение (страхи, тревожность, финансовая неопределённость); злоупотребление алкоголем; ограниченные социальные контакты.

Как пишется в сообщении Комиссии по обеспечению гендерного равенства Республики Узбекистан совместно с Фондом народонаселения ООН (ЮНФПА) и Центром поддержки гражданских инициатив ЮНФПА: «Период карантина оказался временем серьезных испытаний для многих семей. В эти дни во всех странах мира наблюдается тенденция роста числа семейных конфликтов и разводов». В целях защиты прав женщин, предотвращения притеснения и насилия по отношению к ним, гендерная комиссия запустила телефон доверия по вопросам домашнего насилия. Он будет действовать во время карантина. Теперь женщины смогут получать от оператора «Телефона доверия» бесплатную консультацию по вопросам профилактики правонарушений в семье[2].

Подобные горячие линии оказывают психоэмоциональную и социальную поддержку, направляют, обратившихся за помощью людям к организациям, предоставляющим услуги.

Защита от сексуальной эксплуатации и сексуальных надругательств должна быть включена в комплекс мер по реагированию на COVID-19, заявлено в Предварительной технической инструкции ВОЗ, ЮНФПА, ЮНИСЕФ, УВКБ ООН, МПП, МОМ, УКГВ ООН, Альянса по основным гуманитарным стандартам, Альянса международных НПО InterAction[3]. Как и в случае любой чрезвычайной ситуации, предотвращение сексуальной эксплуатации и сексуального надругательства над женщинами и детьми, подвергающимся повышенному риску и реагирование на подобные действия должны занимать центральное место в скоординированной деятельности, осуществляемой в гуманитарной сфере.

Кризисы всегда сопровождаются нарушением сложившегося социального порядка, социумы встают перед необходимостью искать выход из создавшегося положения (которое может быть тягостным, сложным и болезненным). В связи с неконструктивностью и разрушительностью ряда кризисов любое общество заинтересовано в разработке стратегии их предупреждения и разрешения[4].

---

[1]https://www.unicef.org/eca/r

[2]Запущен телефон доверия по вопросам семейного насилия. https://www.gazeta.uz/ru

[3]Предварительные технические инструкции МПК: защита от сексуальной эксплуатации и сексуальныхнадругательств в период реагирования на коронавирусную инфекцию COVID-19. МПК ООН. Межагентский постоянный комитет ООН. Март 2020 года.

[4]Разрешение и предупреждение конфликтов в СНГ. Международный справочник организации / Ред. и сост. Л. О. Зимина, Е. Ю. Садовская; Конфликтологический Центр. Алматы, 2002. 504 с.

Какова задача социологии в этих условиях? Чрезвычайно важным в новой ситуации является разработка и анализ модели переживания и управления кризисом как сущностной основы кризисной концепции теории социальной работы в контексте социологии.

В этом отношении интерес представляет социологический опрос, предпринятый активистами, независимыми исследователями, практиками сферы общественного общественного здравоохранения, социальной работы и других сфер в Казахстане, Кыргызстане, России, Таджикистане, Узбекистане и Украине. Опрос направлен на то, чтобы лучше понять ситуацию с COVID-19, которая продолжает оставаться напряжённой.

Задачами опроса, проведённого в два этапа с 5-18 апреле 2020 года, явилось изучение нынешней ситуации и того, какое влияние оказали на людей предпринятые государством ограничительные меры, с какими сложностями они столкнулись и что нужно предпринять в первую очередь. Всего в онлайн-опросе приняли участие 344 респондента[1].

Как показал опрос, уровень поддержки к осуществляемым со стороны государственных органов ограничительных и защитных мер довольно высок: 93% респондентов полностью или в той или иной мере поддерживают эти меры. При этом, 7% опрошенных не очень или вовсе не поддерживают нынешнюю политику по сдерживанию.

Оценивая свои денежные и продуктовые запасы, 76% респондентов отметили, что они сделали запасы на несколько недель и месяцев. Наиболее благоприятная ситуация складывается у респондентов с Украины: 50% указали, что денежных и продуктовых запасов хватит на несколько месяцев вперед. В Узбекистане никто из опрошенных не отметил отсутствие продуктовых запасов.

Пандемия существенно повлияла на гигиенические привычки участников опроса: почти 52% отметили, что сейчас они моют руки гораздо чаще, чем до пандемии. При этом 81% сказали, что они всегда используют мыло (17% используют его в большинстве случаев).

В нынешней ситуации 68% респондентов стали больше времени уделять общению с близкими и родными, 35% оказывают психологическую поддержку тем, кто находится в более трудном положении, 30% респондентов смогли убедить людей, распространяющих непроверенную информацию, не делать этого, 20% респондентов оказали материальную поддержку тем, кто находится в более трудном положении, 18% перечислили деньги на благотворительность, 17% сходили за покупками для человека, находящегося в более трудном положении, и 7% написали письмо благодарности людям или организациям, занятым в решении вопросов жизнеобеспечения. 60% респондентов оценивают состояние своего здоровья, как отличное и хорошее.

Люди стали рационально использовать возможности, предоставляемые им в нынешних условиях карантина: 42% читают книги, 38% изучают новый материал в новой для них области науки или культуры, 26% занимаются кулинарией, 24% - фитнесом, 20% изучают новые технологии (компьютер, социальные сети, блоггинг), а 13% в качестве волонтёров оказывают помощь уязвимым слоям населения. Опрос показывает, что наша личная безопасность – значит намного меньше, чем безопасность семьи, детей, родственников, знакомых, соседей, которым требуется помощь: 65% респондентов опасаются за своих близких, и 49% - за себя и своё здоровье.

Конечно, при малом объёме выборки результаты могут быть не в полной мере репрезентативны. Вместе с тем, угрожает репрезентативности выборки не её объем, а смещение, то есть отклонение от принципа случайности. В данном случае отбор был именно такой. По мнению экспертов, вопросы, поднятые в онлайн опросе могут быть важны, и собранная информация может помочь с поиском наиболее оптимальных решений.

Онлайн опросы имеют как преимущества, так и недостатки. Так, среди преимуществ имеются в ввиду: динамичность опроса, составление анкеты, подбор команды, участие наиболее социально активных онлайн-пользователей, дешевизна. Среди рисков, связанных с

[1] RUS_IASC_interim, Guidance_on_COVID. EpiCOVID RoundTwo. https://ee.humanitarianresponse.info/x/#YKvCaTJf/

подобными опросами следует указать: искажения ответов респондентами в процессе сбора и ввода данных;высокая в крупных городах (более 1 млн. чел.), где доля пользователей интернета превышает показатель в 70%, в остальных географических зонах репрезентативность пока недостаточна и др.[1]

Несмотря на это, многие международные и неправительственные организации в условиях карантина проводят свои онлайн опросы. В рамках Международного молодёжного проекта ЮНИСЕФ "U-Report Uzbekistan" проводился онлайн опрос среди молодёжи. Результаты опроса Ю-Репорт будут использованы агентствами ООН для содействия национальным партнерам в информировании молодёжи о COVID-2019.

В ходе разработки кризисных стратегий эти и другие подобные исследования помогут вернуть доверие к науке, экспертам, профессионалам, легитимность которых возросла в условиях борьбы против вируса. Ситуация с COVID-2019 изменила и межпоколенческие связи. Не только старшие члены общества, но и средние возрастные группы стали более уязвимы и ощущают угрозу из-за того, что некоторые члены общества не желают менять свой образ жизни. Говорить с родными и близкими о своих чувствах, волноваться за них, сконцентрироваться на позитиве, оказывать психосоциальную поддержку в условиях эпидемии/пандемии – «вид поддержки, направленной на защиту или психосоциальное благополучие и/или профилактику психических и психоэмоциональных расстройств[2].

К проблемам, которые требуют дальнейшего исследования можно отнести прогнозирование социальных кризисов, анализ и оценка деятельности существующих сегодня многочисленных антикризисных служб и кризисных центров, дальнейшее совершенствование социологических исследований, направленных на изучение социальных проблем.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КУТУБХОНАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Умаров А.А. *– соц.ф.д., профессор*

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси туб ижтимоий-маданий ислоҳотларга тўла жараённи бошлаб берди.

Бу ислоҳотлар маданий-маърифий муассасалар ҳисобланган кутубхоналарни ҳам четлаб ўтмади. Ушбу жараён ўзига яраша ютуқ ва камчиликлар билан кечди-ки, уни қисқача экскурс асосида кўриб чиқамиз.

2006 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-381-сон Қарори қабул қилинди. Унга кўра Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги 5748 та барча тоифа аҳолига хизмат кўрсатадиган олммавий кутубхоналар бошқа вазирлик ва идоралар ихтиёрига ўтказилди.

Жумладан, Қорқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги марказий илмий-универсал кутубхоналар Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агенлигига берилиб, улар негизида 14 та Ахборот-кутубхона марказлари (АКМ), бошқа оммавий кутубхоналар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва халқ таълими вазирлигига берилиб, улар негизида 1173 та Ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ташкил этилди.

[1]Подробнее: https://adindex.ru/publication/tools/2013/03/27/97779.phtml

[2] Психическое здоровье и психосоциальные аспекты в условиях вспышки COVID-2019. Предварительный Бриф IASC. 17 марта 2020. –С.2.

Мазкур қарор яхши ниятлар билан катта режаларни кўзлаб қабул қилинган эди. Уни бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди, албатта. Кутубхоналарга ахборот технологиялари кириб келди, уларнинг халқаро миқёсдаги амалиёт билан танишуви, интеграциялашув, қисман бўлса-да, рўй берди, илғор мамлакатлар кутубхоналарининг тажрибаларини ўрганиш маълум даражада йўлга қўйилди.

Лекин, шу билан бирга, кутубхоначилик амалиётида салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланди. Хусусан,

1.АКМлар республика, кейинчалик маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган юридик мақомга эга давлат муассасалари бўлиб қолди. Аммо бошқа кутубхоналар эса таълим муассасаларининг таркибига киритилиб, юридик шахс мақомидан маҳрум бўлди. Шунга кўра фондларнинг тўлдирилиши ҳам қолдиқ принцип асосида олиб борилди. Кутубхоналар бошқаруви марказлашган ҳолда мувофиқлаштирилмади.

2.ПҚ-381-сон Қарор “аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида” қабул қилинганига қарамасдан аслда тескариси бўлиб чиқди.

Ҳатто қарорда янгидан ташкил этиладиган “ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишини ҳамда аҳолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини таъминласин” (Қарорнинг 5-банди, 6-хатбоши), деган топшириқ берилганига қарамай, вазирлик ва идоралар таълим муассасаларини ҳар хил хавфлардан эҳтиёт қилиш мақсадида мактаб ва лицей-коллежлар ҳудудига бегоналар киришини қатъий назорат қилиш ҳақида ўзларининг ички йўриқномаларини чиқардилар.

Таълим муассасалари Президент Қароридаги топшириқни эмас, ўзларининг бевосида раҳбарлари чиқарган йўриқномаларни бажаришга киришиб кетдилар. Уларнинг ҳудудларига ўзларининг ўқувчи ва ўқитувчиларидан бошқалар, яъни оддий аҳоли эмин-эркин кира олмайдиган бўлди. Бу эса ота-оналар, айниқса бобо-бувиларнинг омавий равишда кутубхоналардан узилиб қолишига олиб келди. Оқибатда мамлакатимизда китобхонлик даражаси пасайиб кетди, мутолаа маданиятининг ривожланишига путур етди.

Жамиятда содир бўлган бундай нохуш ҳолат илғор ва хушёр кишиларнинг диққатидан четда қолмади, албатта. Президент Шавкат Мирзиёев юксак лавозимга сайланганига ҳеч қанча ўтмасдан бу муаммога эътибор қаратди: 2017 йил 12 январда “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида” ПФ-4789-сон Фармойишга имзо чекди. Шу йил 13 сентябрда эса мазкур масала юзасидан комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаб, ПҚ-3271-сон Қарор қабул қилди. Бу билан жамиятда китобхонлик масалаларини бир ўзанга солишга эришилган бўлса-да, кутубхоналар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш соҳасида ҳали оқсоқлик бор эди.

Президентимиз ўзининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбилари тўғрисида” 2018-йил 19-февраль, ПФ-5349-сон Фармони асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфига ўтказиб бериши билан бу борадаги камчиликларга барҳам берди.

2018 йил 12 майда эса Президентимизнинг ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини ҳар томонлама оммалаштиришга йўналтирилган “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3721-сон Қарори эълон қилинди ва у мамлакат ижтимоий ҳаётига тезда татбиқ этилди.

Юртбошимиз мутолаа масаласининг ёшлар тарбиясидаги ва, умуман, жамият ҳаётидаги ҳал қилувчи аҳамиятига катта эътибор бераётганини 2019-йил 19-мартда у киши томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг туртинчиси айнан ёшларни китоб ўқишга жалб қилиш эканидан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1919 йил 7 июнда “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-4354-сон Қарори қабул қилиниши юртимизда ҳаммабоб, барча кириб фойдаланиши мумкин бўлган кутубхоналар тармоғини кенгайтиди. Қарорга биноан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларини шакллантириш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида мавжуд бўлган барча ахборот-ресурс марказларини тугатиш вазифаси қўйилди.

Мазкур АКМларни ташкил этиш натижасида 3 534 та янги иш ўринлари яратилади (битта АКМга ўртача 19 штат бирлиги), уларнинг бир йиллик сақлаб туриш харажатлари 100,0 млрд. сўмни ташкил этиши режалаштирилди.

Қарор билан “2019–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси” ва “2019–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди. Хуллас, бу ҳужжат мамлакатимизда кутубхоначилик соҳасини самарали бошқариш ва тизимли ривожлантириш ҳамда кутубхоналар фаолиятини изчил мувофиқлаштириш учун мустаҳкам замин ҳозирлаб берди.

НАСУЩНЫЕ ЗАДАЧИ СОЦИОЛОГИИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Холбеков А.Ж. *– д.с.н., проф. НУУз*

Человеческий мир вступил во второе десятилетие третьего тысячелетия, который ознаменовался тревожными признаками. Оказалось, эпоха глобализации приготовила человечеству проблемы огромного масштаба, начиная от экономических до экологических. Данные проблемы во многом «рукотворны», т.е. являются следствием человеческой деятельности. К примеру, экологические проблемы относятся к этой категории. Парадокс: род человеческий, сумевший в процессе развития цивилизации ответить опасностям и угрозам ее существования, в эпоху бурного развития науки, техники и технологий начал испытывать громадные сложности в противостоянии рисков, угроз и опасностей к ней. Пандемия коронавируса служит наглядным примером.

Так или иначе, жизнь всякого общества в современном мире соответствует глобальным процессам, происходящим в мире, состояние которых можно охарактеризовать как «турбулентными», т.е. как крайне неустойчивыми. Можно понять состояние всякой науки, в том числе социальных наук. Действительно, изменения происходят настолько стремительно, что социальные науки не успевают «ухватиться» за ними, не говоря уже о прогнозе и анализе. Это относится и к социологии прежде всего. Тем самым, к сожалению, налицо отставание и оторванность социологии от реальности и процессов. Поэтому необходимо бить тревогу о том, что наша социологическая наука отстает от практики.

Итак, социология призвана найти адекватные ответы вызовам времени в методологическом, эмпирико-аналитическом и прогностическом плане. В этой триединой сущности и заключается востребованность социологии как науки и отрасли знания в современном мире.

Вместе с тем, инициативы Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева, носящие глубоко социальное значение и имеющие четкий социальный вектор, ставят перед отечественными социологами задачи по решению очень значимых вопросов как научно-теоретического, так и практического характера.

Прежде всего о проблемах *научно-теоретического* характера. Нам предстоит создать адекватный «социологический портрет» нашего общества, определив при этом параметры его социального развития. Для этого необходимо вести комплексный анализ, прежде всего

разработать программу масштабного исследования жизни общества. На наш взгляд, эта программа включает в себя следующие пять направлений:

1) Методологический анализа социальной жизни узбекского общества:

-теоретико-методологические основы социологического анализа общественных систем и процессов;

-анализ социальных проблем общества путем выстраивания основных концепций;

-конструирование социальных проблем как аспекта модернизации гражданского общества;

-исследование социальных проблем методом контент-анализа;

-всесторонний анализ социальной сферы общества.

2) Разработка проблем безопасного и устойчивого развития общества:

-социологический анализ реализации концепции безопасного и устойчивого развития современного общества, включая современных социальных механизмов (экономических, социальных, экологических, военно-политических и научных) ответа глобальным и региональным угрозам обществу;

-разработка механизмов социальной стабильности как условия обеспечения жизненно важных интересов нашего общества

3) Проблемы социальных изменений, развития и динамики:

-концептуальный анализ объективных изменений как фактора социальной модернизации общества;

-поиск действенных факторов консолидации, приводящих его к стабильности и прочности;

-анализ проблем уровня, качества и образа жизни людей как констант социального благополучия

4) Разработка проблем регионалистики:

-социально-экономические основы региональной политики в условиях трансформации общества;

-социологический анализ социального благополучия населения регионов;

-управление социальной безопасностью гражданского общества на региональном уровне

5) Разработка актуальных направлений социального прогнозирования:

-прогнозирование перспективных моделей социального благополучия граждан, социальных групп и населения регионов;

-разработка социального прогнозирования реформ жизни общества;

-прогноз возможных угроз по отношению к социуму.

Естественно, проблемы многообразны, системны и сложны. Для их изучения и разработки рекомендаций потребуются много сил. На наш взгляд, прежде всего необходимо создать Институт социологии в структуре Академии наук Узбекистана или Национального Университета. Подобного научно-исследовательского учреждения не было никогда в нашей стране, хотя аналогичные институты функционируют в некоторых странах СНГ уже давно. Учитывая социальный вектор развития Узбекистана в настоящее время, нельзя откладывать этот организационный вопрос на долгий ящик.

Все вышеизложенное направлено на решение вопросов методологического характера в целом и организационно-тактического характера в частности. О первом выше было отмечено. Что касается *эмпирико-практического* аспекта вопроса, то думается, что у нас созданы некоторые условия для решения подобных задач. В стране с 1997 года функционирует Центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр», ставший основным фактором формирования у населения социологического воззрения, о чем свидетельствуют проводимые Центром многочисленные периодические массовые опросы населения их опубликования в СМИ страны. Плодотворно функционирует и научный журнал «Ижтимоий фикр - Инсон хукуклари», издаваемый при Центре.

Достаточно успешно ведет свою деятельность и Институт социальных исследований при Кабинете Министров, который ведет научно-практическую деятельность и по инструментариям социологических исследований. Существуют также некоторые неправительственные, частные социологические службы коммерческого характера, которые не решают общенаучные проблемы. Хотелось бы подчеркнуть, в организационном плане необходимо объединить, координировать деятельность перечисленных институтов. В этом смысле настало время активизации деятельность недавно учрежденной Ассоциации социологов Узбекистана, которая объединила бы воедино всю гамму социологической деятельности людей данной сферы – социологов-специалистов, учёных, творческой интеллигенции и всех интересующихся социологией в стране.

Важное значение имеет и подготовка кадров. Не секрет, что одной из главных задач социологии как образовательного предмета заключается в формировании социального мировоззрения. Однако социальное мировоззрение, иначе говоря социологическую культуру, необходимо формировать не только у будущих специалистов-социологов, но и у широкой массы населения, у всех образованных людей, ибо мы хотим создать гражданское общество. С 2004 года была внесена специальность «Социальный работник», данную категорию специалистов в настоящее время готовят Национальный Университет, Самаркандский и Ферганский госуниверситеты, однако этого недостаточно. Считаем, что необходимо подготовить кадров по специальности социологии (особенно социальных работников) во всех университетах. С учетом того, что специальность социолога не исчерпывается только социальным работником, целесообразно открыть факультеты социологии в ведущих ВУЗах страны.

Необходимо отметить и *эмпирико-аналитическую функцию социологии.* Как отметил в свое время Эмиль Дюркгейм, социология - это наука о социальном факте. А факты всегда связаны с эмпирикой. Возможно, в XIX веке, когда еще не существовали сети СМИ, сама социология была аккумулятором социальных фактов. В наше время эту задачу берет на себя СМИ, ИКТ, ТВ, Интернет, мобильные средства связи и др. Во многом все эти вездесущие факторы жизни общества, заполнившие все социальное пространство, облегчают работу социологов. Но социологи в наше время должны не отставать от них, быть наплаву, а не «тонуть» в них. Социология должна воспользоваться также услугами статистики, которая еще еле успевает за высокими темпами социальных изменений.

Действительно, социолог, отталкиваясь от актуального факта из общественной жизни и размышляя об этом системно строит свои воззрения и мыслительные конструкции. Иногда он может использовать один единственный факт из громады социологической эмпирики. И этого достаточно.

Необходимо задействовать и прогностическую функцию социологии. Многие знают, что в 60-70 годы прошлого века существовал Римский клуб, организованный итальянским ученым Печчеи. Римский клуб в свое время привлек многих знаменитых ученых и был знаменит своими прогнозами развития человечества. Было проделано много плодотворных работ: сделаны анализы, статистические разработки и самое главное - прогнозы, ставшие впоследствии предвидением многих глобальных проблем, начиная от миграционных до экологических. Однако, ответственные люди, прежде всего политики всех уровней и стран не в полной мере оценили деятельность данного учреждения. Видимо развитие цивилизации, также общественно-политическое развитие имели другие векторы и темпы, чем нынешние. Так или иначе, голос ученых не был услышан, а зря.

Сейчас все изменилось кардинально, скорость изменений всей реальности просто космическая. Время требует активной творческой работы. Мы должны поддержать эти начинания и социологи должны быть в первых рядах активной научно-практической деятельности.

ДИСПЕРСИОННЫЙ АНАЛИЗ КАК МЕТОД АНАЛИЗА ДАННЫХ В СОЦИОЛОГИИ

Аликариев Н.С. *– д.э.н., профессор НУУз*

При изучении и анализе социально-экономических факторов, одним из важнейших моментов является выявление значимости влияния тех или других факторов в их общей совокупности на результативный показатель. На практике это весьма затруднительно. Задача облегчается, если здесь можно воспользоваться методом дисперсионного анализа, являющегося одним из разделов математической статистики.

Дисперсионный анализ – это выявление и оценка отдельных факториальных признаков, обусловливающих изменчивость результативного признака. Каждый факториальный признак варьирует в общей совокупности единиц. Принятый способ измерения и анализа вариации этих признаков и является основой дисперсионного анализа как метода изучения значимости факторов.

Задача дисперсионного анализа состоит в том, чтобы из общей вариативности признака вычленить:

- изменчивость, обусловленную действием каждой из исследуемых независимых переменных;
- изменчивость, обусловленную взаимодействием исследуемых признаков;
- случайную изменчивость, обусловленную всеми другими неизвестными переменными.

Идея дисперсионного анализа состоит в разложении общей дисперсии результативного признака на части, обусловленные влиянием контролируемых факторов, и остаточную дисперсию, объясняемую неконтролируемым влиянием или случайными обстоятельствами. Выводы о существенности влияния контролируемых факторов на результат производятся путем сравнения частей общей дисперсии при выполнении требования нормальности распределения результативного признака.

Известно много моделей дисперсионного анализа. Они классифицируются, с одной стороны, по математической природе факторов (детерминированные, случайные и смешанные) и, с другой стороны по числу контролируемых факторов (однофакторные и многофакторные модели). Модели с более чем одним фактором дают возможность исследовать влияние на результат не только отдельных контролируемых факторов (главные влияния), но и их наложение (взаимодействия). По способу организации исходных данных среди моделей дисперсионного анализа выделяют полные и неполные т-факторные планы, полные и неполные блочные планы и рандомизированные (случайные) блочные планы[1].

Объектом исследования дисперсионного анализа являются стохастические связи между откликом (реакцией) и факторами, когда последние носят не количественный, а качественный характер. Основная идея дисперсионного анализа состоит в сравнении «факторной дисперсии», порождаемой воздействием фактора, и «остаточной дисперсии», обусловленной случайными причинами[2]. Если различие между этими дисперсиями значимо, то фактор оказывает существенное влияние на X; в этом случае средние величины наблюдаемых значений на каждом уровне (групповые средние) различаются также значимо. Если уже установлено, что фактор существенно влияет на X, а требуется выяснить, какой из уровней оказывает наибольшее воздействие, то сравнение средних дополнительно производят попарно. Существует две модели дисперсионного анализа:

- ✓ с фиксированными уровнями факторов,
- ✓ со случайными факторами.

[1] Бережная Е.В., Бережной В.И. Математические методы моделирования экономических систем: Учеб. Пособие. - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2011. – 432 с.

[2] Гмурман В.Е. Теория вероятностей и математическая статистика: Учеб.пособие для вузов / В.Е.Гмурман. – 9-е изд., стер. – М.:Высш.шк., 2003. – 479 с.

В зависимости от количества факторов, определяющих вариацию результативного признака, дисперсионный анализ подразделяют на однофакторный и многофакторный.

Основными схемами организации исходных данных с двумя и более факторами являются:

- перекрестная классификация, которая характерная для моделей с фиксированными уровнями факторов.
- иерархическая (гнездовая) классификация, характерная для моделей со случайными факторами.

В основе дисперсионного анализа лежит разделение дисперсии на части или компоненты. Внутригрупповая дисперсия объясняет влияние неучтенных при группировке факторов, а межгрупповая дисперсия объясняет влияние факторов группировки на среднее значение по группе.

Однофакторный дисперсионный анализ может быть использован для выявления наиболее существенных связей между переменными при качественном исследовании объектов различной природы. Однофакторный дисперсионный анализ используется для сравнения средних значений для трех и более выборок.

В качестве недостатка, возможно говорить о невозможности выделить те выборки, которые отличаются от других. Для этой цели необходимо использовать метод Шеффе или проводить парные сравнения выборок. Многофакторный дисперсионный анализ, помимо функций однофакторного дисперсионного анализа, оценивает межфакторное взаимодействие.

На практике часто возникает необходимость проверки существенности различия выборочных средних m совокупностей ($m > 2$). Например, требуется оценить влияние различных факторов на эффективность труда преподавателей, повышение познавательной активности студентов на показатели качества образования, совершенствования механизмов системы социального управления на изучаемые показатели и т.п. Для эффективности решения такой задачи нужен новый подход, который и реализуется в дисперсионном анализе.

Как отмечалось, дисперсионный анализ - это статистический метод анализа результатов испытаний, цель которого оценить влияние одного или нескольких качественных факторов на рассматриваемую величину X, а также для последующего планирования. То есть, это анализ изменчивости признака под влиянием контролируемых переменных факторов. В зарубежной литературе дисперсионный анализ часто обозначается как ANOVA, что переводится как анализ вариативности (Analysis of Variance). Автором метода является Р.А.Фишер (Fisher R.A., 1918, 1938).

По числу факторов, влияние которых исследуется, различают однофакторный и многофакторный дисперсионный анализы. Сущность дисперсионного анализа заключается в расчленении общей дисперсии изучаемого признака на отдельные компоненты, обусловленные влиянием конкретных факторов, и проверке гипотез о значимости влияния этих факторов на исследуемый признак.

Дисперсионный двухфакторный анализ применяется в тех случаях, когда исследуется одновременное действие двух факторов на различные выборки объектов, то есть, когда различные выборки оказываются под воздействием различных сочетаний двух факторов. Может случиться, что одна переменная значимо действует на изучаемый признак только при определенных значениях другой переменной. Суть метода остается прежней, как и при однофакторной модели, но в двухфакторной дисперсионном анализе можно проверить большее количество гипотез[1].

Решение задачи двухфакторного дисперсионного анализа зависит от количества проведенных наблюдений при каждой комбинации уровней факторов, если, иначе говоря, в

[1] Богданова М.Г., Старожилова О.В. Теория вероятностей и математическая статистика // Учебное пособие (Часть 2. Регрессионный анализ, дисперсионный анализ). – Самара: ИНУТПГУТИ, 2015. –144 с.

каждой клетке двухфакторного комплекса.

Дисперсионный анализ предназначен для оценки влияния различных, но контролируемых факторов на результат эксперимента. Пусть результатом эксперимента является некоторая случайная величина *Y*, называемая также откликом. На значения случайной величины *Y* влияет фактор *X*, состоящий из *n*-уровней. В зависимости от количества факторов, включенных в анализ, различают однофакторный, двухфакторный и многофакторный дисперсионный анализ.

Проведение дисперсионного анализа возможно, если результаты измерений являются независимыми случайными величинами, подчиняющимися нормальному закону распределения с одинаковыми дисперсиями. При однофакторном дисперсионном анализе выявляется степень влияния одного фактора *X* на математическое ожидание отклика *M(Y)*. Фактор может быть количественным или качественным. В процессе эксперимента фактор *X* поддерживают на *n*-уровнях. На каждом уровне фактора проводится m дублирующих опытов. Значение m может быть одинаковым или разным для каждого из уровней. Результаты всех измерений представляют в виде таблицы, которую называют матрицей наблюдений.

Вначале для каждой серии дублирующих опытов вычисляют средние арифметические μ_i, являющиеся оценками $M(Y_i)$ и дисперсии воспроизводимости $S_{вi}^2$

Если $F_{набл} \leq F_{кр}(□; k_1; k_2)$, то влияние фактора *X* несущественно. Следовательно, все полученные результаты измерений принадлежат одной генеральной совокупности, распределенной нормально с параметрами м и $S_{общ}^2$.

При $F_{набл} > F_{кр}(\alpha; k_1; k_2)$ влияние фактора принимают существенным. Полагают, что в данном случае есть *n* нормально распределенных совокупностей, каждая из которых имеет соответствующее математическое ожидание μ_i и одну и ту же дисперсию $S_в^2$. Оценка эффекта влияния *i*-го уровня фактора равна разности общей и групповой средних ($F_i = \mu_i - \mu$).

Предположим, что фактор *X* влияет на отклик *Y*. Для измерения степени этого влияния используют выборочный коэффициент детерминации, равный отношению дисперсий:

$$\overline{d} = \frac{S_{факт}^2(n-1)}{S_{общ}^2(N-n)} = \frac{S_{факт}^2(n-1)}{S_{факт}^2(n-1) + S_в^2 n}$$

Выборочный коэффициент детерминации показывает, какую долю выборочной общей дисперсии составляет факторная дисперсия (групповых средних), т.е. какая доля общей дисперсии объясняется зависимостью отклика *Y* от фактора *X*.

Существуют условия применения дисперсионного анализа:

1. Задачей исследования является определение силы влияния одного (до 3) факторов на результат или определение силы совместного влияния различных факторов (пол и возраст, физическая активность и питание и т.д.).

2. Изучаемые факторы должны быть независимые (несвязанные) между собой. Например, нельзя изучать совместное влияние стажа работы и возраста, роста и веса детей и т.д. на заболеваемость населения.

3. Подбор групп для исследования проводится рандомизированно (случайный отбор). Организация дисперсионного комплекса с выполнением принципа случайности отбора вариантов называется рандомизацией (перев. с англ. - random), т.е. выбранные наугад.

4. Можно применять как количественные, так и качественные (атрибутивные) признаки.

Классический дисперсионный анализ проводится по следующим этапам:

1. Построение дисперсионного комплекса.
2. Вычисление средних квадратов отклонений.

3. Вычисление дисперсии.

4. Сравнение факторной и остаточной дисперсий.

5. Оценка результатов с помощью теоретических значений распределения Фишера-Снедекора

6. Современные приложения дисперсионного анализа охватывают широкий круг задач экономики, биологии и техники и трактуются обычно в терминах статистической теории выявления систематических различий между результатами непосредственных измерений, выполненных при тех или иных меняющихся условиях.

7. Благодаря автоматизации дисперсионного анализа исследователь может проводить различные статистические исследования с применение ЭВМ, затрачивая при этом меньше времени и усилий на расчеты данных. В настоящее время существует множество пакетов прикладных программ, в которых реализован аппарат дисперсионного анализа. Наиболее распространенными являются такие программные продукты как: MS Excel, Statistica; Stadia; SPSS.

В современных статистических программных продуктах реализованы большинство статистических методов. С развитием алгоритмических языков программирования стало возможным создавать дополнительные блоки по обработке статистических данных. Дисперсионный анализ является мощным современным статистическим методом обработки и анализа экспериментальных данных в гуманитарных науках. Он очень тесно связан с конкретной методологией планирования и проведения экспериментальных исследований.

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ СОЦИОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Содиқова Ш.М. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА*
“Бошқарув социологияси ва психологияси”
кафедраси профессори в.б., соц.ф.д.

Замонавий бошқарув социологияси муаммолари, асосан, республикамизда фаннинг умумий ҳолати билан белгиланади. Маълумки, фан ҳозирги замон жамиятининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда фанни молиялаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, кадрлар таркибини мустаҳкамлаш муаммолари биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Илмий йўналишлардан бири ҳисобланган социология жамиятда юзага келувчи муаммоларни ечиш учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқиши лозим. Бу социологлардан “социология” фанининг мавжуд назарий-методологик ва методик асосларини қайта кўришни талаб этади. Ҳозирги кун талабига кўра, социологик тадқиқот соф билим олиш, одатдаги ҳисобот ва натижаларни эълон қилиш билан эмас, балки уни реал ижтимоий амалиётда қўллаш, ижтимоий технологияларни ишлаб чиқиш билан якунлаши лозим. Мазкур технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда социолог бевосита иштирок этиши талаб этилади.

Бошқарув социологияси муаммоларига келсак, уларни ечишга оид ёндашувлардаги умумий жиҳатларни кузатиш мумкин. Буларнинг барчаси бошқарув ўзаро муносабатлари иштирокчиларининг ички захираларини аниқлаш ва ривожлантиришга қаратилган. Бунда инсон ижтимоий бошқарув тизимида асосий бўғин сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли унга бошқарув объектининг пассив бўғини сифатида эмас, балки топшириқларни бажариб, мустақил қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишга қодир бўлган фаол ижодий шахс сифатида қаралиши лозим. Ушбу ёндашув қуйидагиларда ифодаланади:

- “Ҳолат таҳлили – қарор – амалга ошириш – натижа” бошқарув кўринишининг такрорийлиги ортади. Натижада тезкорликнинг роли кучаяди ва тескари алоқа кичик тизимнинг функциялари кенгаяди. У ҳаққонийликнинг мақбул даражасини, катта тезликни,

бирламчи ахборотнинг тўлиқлиги ва очиқлигини, унинг (вазиятга қараб) мослашувчанлигини қатъий таъминлаши лозим;

- таҳлилий фаолиятнинг роли ва унинг сифатини белгиловчи мезонлар сезиларли даражада ошади. Унда мазкур хизматларнинг ходимларини ўқитиб-ўргатиш ва мустақил ўқиб-ўрганиш омили асосий бўғин сифатида белгиланиши лозим;
- тадқиқот методлари бошқарув фаолиятидан алоҳида эмас, балки муайян муаммоларни ечишга қаратилган қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш технологияси сифатида қаралиб, қўлланилиши лозим;
- фанлараро ёндашувга қараб мўлжал олиш. Ушбу ёндашув доирасида турли илмий фанларнинг методларидан бир вақтда ёки модулли тамойилга мувофиқ фойдаланилади. Ҳозирги вақтда республикамизда кузатилувчи бошқарув вазиятларига ташкилотлар социологияси, кичик гуруҳлар социологияси ва психологияси, ижтимоий инженерия, бошқарув маслаҳатлари бериш ва ўзини ўзи ташкил этишнинг ички захираларини рағбатлантиришга қаратилган инновацион ёндашувлар кўпроқ мос келади;
- бошқарувга маҳорат, санъат сифатида янада изчилроқ ёндашиш лозим, бунда интуиция муҳим роль ўйнайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳозирги замон бошқарув социологиясининг асосий муаммоси илмий ёндашув ва йўналишлардан бошқарувда комплекс фойдаланиш ҳамда усулларини ишлаб чиқиш, мақсади эса – фанлараро технологияларни амалиётга жорий этишдан иборат.

Таъкидлаш лозимки, эмпирик тадқиқотнинг роли ортиб бормоқда. Жамиятни ўзгартириш функциясининг кучайиши, олинган маълумотларни жамоатчиликка тақдим этишдан “амалий тавсиялар” ишлаб чиқишга ўтиши лозим. Аниқроқ айтганда, социология доирасида олинаётган билимлар янада *технологик* тус касб этиши лозим. Амалий тадқиқотларнинг ташкилотчилари ва муаллифлари ижтимоий ҳаракатларда янада фаолроқ иштирок этишлари даркор. Социология бугунги кунда мавжуд бўлган “келажак салоҳияти”га янада синчковлик билан қараши даркор. Эмпирик фан саналган бошқарув социологияси учун бу ҳолатларни эмас, балки жараёнларни ўрганиш имконини берувчи усулларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш зарурлигини англатади. Маълумки, мамлакатни ривожлантиришда кадрлар ҳал қилувчи кучга айланади, “ишчи кучи” ёки “инсон ресурслари” сифатида эмас, балки айнан кадрлар сифатида намоён бўлади. Бундай вазиятда раҳбар ўз функцияларини бажариши учун муайян касбий билим ва кўникмалардан ташқари қўшимча қобилиятга, чунончи: кутилмаган мураккаб масалаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига тўлиқ олишига тайёр бўлиши лозим.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Ҳудди шунинг учун ҳам давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрдаги 2019 йил учун энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбиқ этишимиз зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон Фармонини ижро этиш борасида[1], шунингдек, республикамизда рақамли иқтисодиётни давлат бошқарув тизимида замонавий ахборот технологияларни ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, ҳамда ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун бутун дунё COVID-19 каронавирус пандемиясидан азият чекмоқда. Ўз навбатида айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳам каронавирусга қарши курашишда жуда катта ишлар амалга оширилиб борилмоқда. Бунда мамлакатдаги каратин даврида интернет билан

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5349-сон Фармони.

боғлиқ бўлган тадқиқотлардан фойдаланиш ўринли. Бундай тадқиқотлар киберсоциология, интернет социологияси, онлайн жамоаларининг социологияси, ижтимоий медиа социологияси, кибер маданият социологияси ва б.қ. уларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Бунда рақамли социология киберсоциология билан бир хил масалалар билан шуғулланади, мобиль компьютерларнинг янги даврига кириб келади.

Бошқарувда рақамли социологиядан фойдаланишнинг асосий илмий йўналишларининг мавзуси: 1) рақамли медиа воситаларини профессионал мақсадлар учун ишлатиш, яъни тармоқлар, электрон профиллар, нашрлар, илмий тадқиқотлар ва аҳолини ўргатиш учун.

2) рақамли ахборот воситаларидан фойдаланишни ижтимоий таҳлил қилиш, фуқароларнинг шахсий ҳис-туйғуларини, ижтимоий муносабатларини шакллантирадиган усулларни ўрганиш.

3) рақамли маълумотларни таҳлил қилиш, ижтимоий тадқиқотлар, миқдорий ёки сифат учун рақамли маълумотлардан фойдаланиш.

4) танқидий рақамли социология: ижтимоий ва маданий назариялардан фойдаланган ҳолда рақамли медиа маълумотларни акс эттирувчи танқидий таҳлил қилиш.

Бошқарувда рақамли социология кўплаб саволлар ва ҳодисаларни қамраб олади, бироқ уларнинг баъзилари алоҳида қизиқиш уйғотади.

Бошқарувда рақамли социологиянинг таъсири қандай? Шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади, янги тадқиқотларни прогноз қилиш имкониятларини беради. Бугунги кунда биз фақат унинг таъсири остида бозорда юзага келадиган потенциал имкониятлар ва ўзгаришларни олдиндан белгилашимиз мумкин.

Рақамли социология методлари. Интернет социологияси (киберсоциология, виртуал социология, онлайн социология) – интернетда ўтказиладиган тадқиқот тури бўлиб, унинг предмети компьютер воситасида шахслараро мулоқот жараёнида юзага келадиган жамоалардир.

Бунда тармоқ ўз фаолиятининг турли соҳаларида (саломатлик, мулоқот, қизиқишлар, сиёсат, раҳбар фаолияти) фойдаланувчилар (сайтлар, блоглар, ижтимоий тармоқлар, форумлар, википедия сайтлари ва б.қ.) томонидан маълумотлар тўплами сифатида қаралади.

Асосий социологик онлайн методлардан бири – кузатиш бўлиб, қуйидаги турларга ажратилади:

1) кузатув – тадқиқотчининг ўзи интернет хизматидан фойдаланувчи ҳисобланади (масалан, портал, интернет-магазин, ижтимоий медиа: блоглар и микроблоглар, виртуал тармоқ, ижтимоий тармоқ Facebook, Twitter) ва билишни истаган муҳитга мос келади ҳамда гуруҳга тўлиқ аъзо бўлишни талаб қилади.

2) пассив кузатув – тадқиқотчи фаолиятининг ташқи фаолиятни кузатади, уларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилмайди.

3) пассив қўшилган кузатув оралиқ хусусиятга эга: тадқиқотчи фаол, гуруҳ ичида ишлайди, лекин унинг фаолиятида тўлиқ иштирок этмайди, мақсадлар амалга оширилади.

Рақамли социологиянинг ўрни ва аҳамияти умумий ижтимоий тадқиқотлар доирасида унинг ўрни ва талабига боғлиқ. Биринчидан, бу тушунтириш модели қўшимча манба бўлиши мумкин. Унинг устуворлиги шундаки, қўшимча маблағ талаб этилмайди. Иккинчидан, бир вақтнинг ўзида бир нечта усулларни бирлаштириб қўлланилиши мумкин. Ўз навбатида, асосий усулларнинг ҳолати ижтимоий тадқиқотлар объектининг хусусиятларини, масалан, ижтимоий ҳаётни ҳисобга олиш зарур. Бироқ, тадқиқот амалиёти шуни кўрсатадики, социолог кўплаб қийинчиликларга дуч келиши мумкин, масалан, онлайн режимида вертуал тармоқда диний масалаларни талқин қилишда иштирок этиши. Мазкур методологик муаммолар универсал характерга эга. Социологнинг дуч келадиган биринчи муаммолардан бири унинг субъектларга нисбатан позицияси билан боғлиқ. Савол туғилади: тадқиқотлар қай тарзида ўтказилиши керак – очиқми ёки ёпиқ? Бу эса тадқиқотлар ва ундан олинган маълумотларнинг сифати ва ишончлилигига боғлиқ. Кўпинча, тадқиқотчи ўзини очиб, фойдаланувчиларнинг бошқа вазиятда тақдим этилмайдиган маълумотларини,

материалларини у билан баҳам кўришга тайёр бўлишга эришиши мумкин (бу нафақат интернет фойдаланувчилари сўзлари, балки шахсий расмлар, видеолар).

Агар веб фойдаланувчилар билан яқин муносабатда суҳбатлашиши кучайтирилса, унда бу тўпланган маълумотларни объектив таҳлил қилишга, хулосалар чиқаришга таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқот материалларни режалаштириш, йиғиш ва таҳлил қилиш босқичида пайдо бўлган методологик масалалар алоҳида гуруҳлардан иборат бўлиши зарур. Шубҳасиз, танлов мезонлари, масалан, веб-сайтлар учун янгиланиш тезлиги, ташрифлар сони, қарашлар ёки фойдаланувчилар орасида сайтнинг бошқа машҳурлик кўрсаткичлари бўлиши мумкин. Тармоқда инсонлар турли соҳа мутахассиси сифатида кўриниши мумкин. Интернет фойдаланувчилари тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотлар олиш мушкул, чунки виртуал маконда инсонлар турли қиёфадаги “маска”ларни кийиб олиши шубҳасиздир.

Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, реал ҳаёт билан виртуал тармоқлар ўртасида қандай боғлиқлик мавжудлигини аниқлаб беради. Шунинг учун интернетдаги кузатув ижтимоий тадқиқотларнинг бир қисми бўлиши керак. Кўпгина тадқиқотларда оптимал ечим интернет тадқиқот ва анъанавий тадқиқотлар ҳаётнинг икки томонини онлайн ва офлайн режимида қамраб олиши тавсия этилади.

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА БЎШ ВАҚТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОСИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Каланов К. *– ЎзМУ “Социология” кафедраси мудири с.ф.н., профессор*

Давримизнинг ўзига хос ходисаси бўлган бугунги кундаги эпидемия ва пандемия илм-фан учун бегона жараён эмас. Турли даврларда ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожида пандемияга ўхшаган вазиятлар *вабо, ўлат* кабикасалликлар шаклида кўп такрорланган бўлиб, олимларнинг эътироф қилишларича бу 18-си экан. Аввалги пандемиялар 16 аср ўрталарида Миср ва Эфиопияда 50 млн.гача одамнинг “ёстиғи”ни қуритганлиги манбаларда келтирилади. Тиббиёт юқори даражада ривожланган ҳозирги шароитда коронавирус давоси учун вакциналар яратиш мумкинлигини мутахассислар инкор этмаяптилар. Бу жабҳада иқтисодчилар ҳам карантин, яъни кишиларнинг ўзларини ўзлари ихоталаш муддати якунига етганидан сўнг, маълум муддатга бориб дунё молиявий бозори ва иқтисодини тартибга тушиши тўғрисидаги прогнозлар устида бош қотирмоқдалар.

Ушбу вазиятда социологлар олдида ҳам юзага келган ва келиши кутилаётган жиддий ижтимоий муаммолар таркибини аниқлаш, уларнинг илмий ечимини топиш ва прогнозини бериш масалалари юзага келди. Ҳар бир мамлакат ёки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари миллий, ментал ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилар экан, бу ўз навбатида миллий социологиянинг мавжуд масалага нисбатан илмий ёндашувларини талаб қилади.

Мен ўз маърузамда икки масала, яъни ахборотлашган жамият ва бўш вақт муаммоларининг ҳозирги шароитдаги ўрнини социолог позициясидан туриб таҳлил этишга ҳаракат қилдим. Шу пайтгача миллий социологияда ушбу муаммолар юзасидан ўнлаб бакалаврлик, магистрлик ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилди ва ҳимоя қилинди. Аммо Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан COVID-19 коронвируси туфайли пандемияни эълон қилиниши натижасида, дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида карантин эълон қилиниши ахборотлашган жамият имкониятлари ва унда инсоннинг бўш вақтини ташкил этиш маданиятини синовдан ўтказмоқда. Карантинда ўтган бир ойдан зиёд вақт ичида мен қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратдим:

1. Интернет макони бугунги дунёнинг ажралмас қисмига айланганлигини барча мутахассис-тадқиқотчилар тажрибада кузатдилар ва унинг имкониятлари чексиз эканлиги

учун, юқори тезликда ишлайдиган Интернет тизимини ижтимоий ҳаётга тўлиқ жалб этиш кераклиги маълум бўлди;

2. Замонавий бошқарув тизими илмий асосда йўлга қўйилганлиги ва ривожланганлиги, “давлат-жамият-шахс” ҳамкорлигидаги мавжудлик асосида ижтимоий ҳаётдаги ўз инъикосини кўрсатди ва у мамлакат миқёсида синов-тажрибадан муваффақиятли ўтмоқда;

3. Таълим, тиббиёт ва илм-фан соҳасида олиб борилган ислоҳотлар тўғри ва ўз вақтида амалга оширилганлиги туфайли, ушбу тармоқларда хизмат кўрсатаётган фидойи инсонлар карахт ҳолатга тушиб қолмади, аксинча улар ўзларидаги мавжуд имкониятларни талаб даражасида бажармоқдалар;

4. Бугунги мураккаб вазиятда замонавий инсоннинг иродаси ва характери қайтадан ўрганилмоқда ва аввалги тарихий даврлар билан қиёслаш имкони юзага келди;

5. “Моддият”, “маънавият”, “саломатлик”, “фарзанд тарбияси”, “оилавий муносабатларда ота-онанинг ўрни ва роли”, “кийиниш маданияти”, “овқатланиш маданияти”, “миллий руҳият”, “ахборотлашган жамиятда диний эътиқод масалалари”, “миллий ўзликни намоён этиш”, “шахснинг фуқаролик позицияси” каби тушунчаларга нисбатан янгича илмий ёндашув ва қарашлар шаклланиши кераклиги намоён бўлмоқда;

6. “Ахборот хавфсизлиги”, “ахборот олиш маданияти”, “ахборотлар билан ишлаш”, “ахборот-статистик маълумотлар” каби шаклланган ёндашувларга нисбатан янгича назарий-методологик қарашлар кераклиги кузатилмоқда;

7. Аҳоли, биринчи навбатда мактаб ўқувчилари ва тарбияланувчиларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш маданиятини ишлаб чиқиш, уни миллий ифтихор ва миллат соғлом турмуш тарзининг асосий механизмига айлантириш учун ижтимоий соҳа мутаҳассислари илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш кераклиги;

8. Карантин тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳар бир оилада замонавий телевизор, юқори тезликда ишловчи интернет тармоғига уланган компьютер ва ноутбук бўлиши шарт экан. Бу айниқса мактаб ўқувчиларининг ўз тенгдошлари олдида кўнгли ўксимаслиги, берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши, биринчи навбатда ота-онаси ва жамиятга нисбатан меҳр-муҳаббатини янада ошишига олиб келади. Шу боис ушбу масалани давлат дастури даражасига олиб кириш ва ҳар бир оила замонавий электрон-техник воситалар билан таъминланган бўлишлиги кераклиги ва зарурати кузатилди;

9. Интернет ахборот макони бугунги кунда инсонга ўз таъсирини ўтказмоқда, шу боис “бўш вақт маданияти” тизимини соҳалар, тармоқлар ва ёш даврлари доирасида кўриб чиқиш;

10. Ўзбекистон телеканалларидан бирида қисқа фурсат ичида доимий равишда фаолият юритадиган турли ёш ва даражадагилар учун мўлжалланган, юқори профессионал маҳорат билан ўтиладиган “Инглиз тилини ўрганиш ва сўзлашиш” ҳамда кишиларнинг истиқболда ҳаётий режаларини амалга ошириш, бандлик масаллари ечимини топишга кўмак берадиган муҳим “компьютер дастурлари” дарсларини ташкил этиш. Бугунги карантин муддатидан бўш вақтдан унумли фойдаланишни ташкил этиш нафақат ўзини ҳимоя қилиш, балки мақсадли натижаларга эришишни ҳам талаб этади;

11. Карантин муддатидан, инсонларнинг уйда ўзларини ихоталаган бўш вақтларида “турмуш маданияти”, “жамоатчилик жойларида ўзини тутиш маданияти”, “жамоатчилик транспортлари, биринчи навбатда такси транспорти хизмати, метро бекатларига киришда жетон сотиб олиш учун навбатга туриш маданияти” каби тарбиявий-тушунтириш ишларини телевидение ва интернет сайтлари орқали намоён этиш орқали онг ва тафаккурни шакллантиришга эътибор қаратиш. Умуман олганда мамлакат аҳолисининг “навбатда туриш” маданиятини юксалтириш;

Халқаро пандемия инсоният, хусусан Ўзбекистон жамияти учун ҳам истиқболда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар муддатини тезлаштириб юборди. Турли соҳаларда бўлгани каби социология йўналишида ҳам янгича илмий муҳит доираларини

белгилаб олиш керак бўлади. Ушбу масалада мен ўзимнинг қуйидаги таклифларимни бериб ўтишни лозим топдим;

1. Бир неча йиллардан бери бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистон шароитида ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан социологияни ўқитиш ва ижтимоий ҳаётга жалб этиш масалалари кўтарилади. Аммо ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан Социологиянинг таълим тизимидаги ўрнига етарлича илмий асосланган далиллар келтирилмайди. Шу боисдан инсоният ва жамият ҳаёти ҳар доим бир текис кетмаслиги, фавқулодда ҳолатлар исталган вақтда юзага келиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда ижтимоий фанлар, жумладан социологиянинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш йўлларини излаш;

2. Миллий социологиянинг рақобатбардошлигини ошириш, сифатли социолог кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларининг юқори сифатли бўлишига эришиш учун дунё тажрибасидан келиб чиқиб, магистратура талабаларини энг камида 50 та, мустақил ва таянч тадқиқотчиларни 100 та, докторлик диссертацияси устида ишлаётганларни 200 тагача бўлган миқдорда бирламчи манбаларни тўлиқ ўқиб чиқишини шарт қилиб белгилаш. Ушбу бирламчи манбалар рўйхатини шакллантириш ва улар асосида минимум имтиҳонларини етакчи мутахассислар иштирокида ЎзМУнинг “Социология” кафедрасида ўтказиш;

3. Социология соҳасининг академик нуқтаи-назардан энг такомиллашган шакли бугунги кунда Ўзбекистон миллий университети “Социология” кафедрасида (кафедрада 4 та фан доктори, 5 та профессор, 8 та фан номзоди, доцентлар фаолият юритади ва 52 та тармоқ фанлардан ўзбек ва рус тилларида машғулотлар олиб борилади) мавжудлигини инобатга олиб, (PhD) ва (DSc) илмий ҳимоялари учун тавсия қилинган барча талабгор диссертация ишларини ҳимоядан олдин мазкур кафедрада илмий муҳокамадан ўтказиш миллий мутахассис кадрлар ва уларнинг илмий раҳбарлари фаолиятини янада такомиллаштирган ва илмий ижтимоий ҳамкорликни янада кучайтиради. Бу соҳанинг рақобатбардош бўлишлиги, турли салбий иллатлар учраши мумкин бўлган жиҳатлар (кўчирмачилик, интернетдан мавзуга оид тайёр диссертация ишини олиб таржима қилдириш ва шаклини ўзгартирган ҳолда ҳимояга олиб чиқиш, амалий-методологик камчиликларга йўл қўймаслик, етарли илмий асосга эга бўлмаган социологик тадиқотларни исботлаш, диссертация ишининг рақобатбардошлик жиҳатини янада ошиши ва шу кабилар)га йўл қўймаслик, диссертация ишининг сермаҳсуллигини янада ошириш, энг асосийси миллий социологиянинг ворисийликка асосланган шакли (кафедрадаги муҳокама ишларида кўплаб тадқиқотчи, магистр ва юқори курс бакалавр талабалари қатнашади) таъминлашда ўзига хос имконият бўлади;

4. Ахборотлашган жамият имкониятларини тўлиқ ҳис этган ҳолда ва дунёнинг исталган вақтда катаклизмлардан холи бўлолмаслигини инобатга олиб Социология бўлими “Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот-психологик хавфсизлиги” магистратура мутахассислигини узвий давоми сифатида бугунги кунда фаолият юритаётган ва диссертациялар илмий ҳимояси учун ташкил этилган Илмий кенгашда янги мутахассислик шифрини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФА ВА СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ФАНЛАРАРО ҲАМДА ТРАНСДИЦИПЛИНАР ХАРАКТЕРИ

Мадаева Ш.О. *– ЎзМУ “Фалсафа ва мантиқ” кафедраси мудири, профессор*

Замонавий ижтимоий - гуманитар фанларнинг бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёдаги ўрни анча баҳсли фикрларни уйғотади. Фалсафа, тарих, социология, адабиёт каби бутун дунё ижтимоий тафаккурини яратган фанларнинг ҳозирда фанлар аро аҳамияти ва уларга берилаётган эътибор жиҳатдан иккинчи планга ўтиб қолгани бу фанлар олимларининг аниқ фан соҳа вакиллари кашфиётлари ёки зарурий ишланмаларидан кам

аҳамиятга эга бўлган маҳсулот бераётгани эмас, балки бошқа бир қатор сабаблар туфайлидир. Сабаблардан энг асосийси, бу жамият онгининг бошқарилиши гуманитар, толерант ва маърифий характер касб этган ижтимоий-гуманитар фанларга нисбатан кам боғлиқ бўлиб қолди. Кибермакон орқали инсоният фикрини жалб қилаётган ва маҳв этаётган ахборот оқими маълумот, билим кўринишида инсоният онгу тафаккурини эгалламоқда. Хусусан Ўзбекистон ҳам глобал кибер макон ҳудудига интернет орқали боғланган мамлакат сифатида бу муаммолардан ҳоли эмас.

Қолаверса ҳозирги кунда Ўзбекистонда илм-фан савияси ва ҳолатига катта эътироз бўлаётган бир даврда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам умумий савияси, яратаётган илмий қадриятлари, соҳа олимларининг компетентлик даражаси, етиштирилаётган кадрларнинг дунё стандартлари асосида рақобатлашиши юзасидан ҳақли-танқидий саволлар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистонда 2012 йилдан кейин фанлар академияси тизимида ижтимоий гуманитар институтларнинг бир неча марта реформация қилиб, тугатилиб қайтадан очилиши, бу орада “Фалсафа ва ҳуқуқ” институтини умуман дисформацияга учрагани ушбу соҳага оид сиёсатда ҳам оптимал позитив ёндошув шаклланмаганини кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистондаги илм-фан тараққиётида чет эл тажрибасини ўрганиш асосида ҳориж моделларига мурожаат қилингани ҳолда, ҳориж тажрибасини ижтимоий – гуманитар соҳага халигача қўлланилмаётгани бу соҳанинг деструктив жараёнини кучайтириб юборди. Хусусан, Германиянинг Гумбольдт университетида тўртта “Фалсафа” факультети борлиги, ёки Россиянинг Москва давлат университетида фалсафа, политология, социология, психология ва замонавий янги йўналишларга тегишли 11 та факультетнинг (жумладан, “Социология”, “Политология”, “Психология”, “Дунё сиёсати факультети”, “Глобал жараёнлар факультети”, “Замонавий ижтимоий фанлар олий мактаби” факультетлари ва б.) мавжудлиги, биргина “Фалсафа” факультетининг ўзида 16 та кафедра ва иккита: “Инсон онгини ўрганиш” ва “Креатив технологиялар маркази”нинг мавжудлиги Россиядек дунё рейтингида жуда ҳам илгарилаб кетмаган давлатда ҳам ижтимоий-гуманитар фанларнинг ролига катта аҳамият қаратилганини кўрсатиб турибди.

Шунингдек Ўзбекистоннинг 21 –асрдаги 34 миллионлик аҳолиси ўз хусусиятига кўра Шарқ халқлари ментал стереотипига эга анъанавий жамият эканлиги, бу мамлакатда кучли ижтимоий сиёсат ва маданий, маърифий йўналишдаги тарғиботни кучайтириш лозимлигини кўрсатади.Маданий, маърифий тарғибот деганда бундан ўн, йигирма йиллар аввалги миллий ғояни тарғиб қилиш мазмунидаги шиор, чақириқ, маъно-мазмуни чуқур англанмаган ҳолда миллий қадриятларга оид маълумотларни енгил елпилик билан қилинган тарғибот назарда тутилмаяпти. Бу ерда замонавий ижтимоий гуманитар фанларнинг жамиятда ижтимоий, гуманитар тарбия ва онгни такомиллаштиришга қаратилган функцияларини таъминлаб берувчи илғор метод бўлган трансдициплинар метод тўғрисида фикр юритиляпти.

Трансдициплинар метод ўтган асрнинг 80-йилларида ҳали ўз аҳамияти ва ўрнини йўқотмаган дициплиналар аро тадқиқотлар методлари ўрнига кириб кела бошлади. Техноген цивилизациявий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарилаётган дунёда ўз ўрнини кибер макон бошқарувига бўшатиб бераётган ижтимоий-гуманитар фанлар методологиясида трансдициплинар метод бир томондан ўз-ўзини сақлаб қолиш учун табиий зарурият сифатида, шуниндек инсоният маънавий борлиғи учун курашиш воситаси сифатида дициплиналаро методнинг юқори тузилган кўриниши сифатида вужудга келди.

Дунёни англаш қамрови жиҳатидан методлар ҳозирда тўртта туркумга бўлиниб, булар дисциплинар, дисциплиналаро, мультидисциплинар (полидисциплинар) ва трансдисциплинар тизимли ёндошувдан иборатдир. Дисциплинар ёндошув бизни ўраб турган оламни алоҳида предметлар орқали турли қисмларга бўлади, алоҳида предмет доирасида ўрганади. Дисциплиналаро метод эса метод ва муаммоларни бир фан доирасидан иккинчисига тўғридан – тўғри ўтказиб, ўхшаш муаммо билан боғлайди. Мультидициплинар ёки полидициплинар ёндошув эса тадқиқот предметига доир барча

фанларда ҳосил бўлган маълумот, билим тизимини тадқиқотни ўрганиш жараёнида умумлаштиришга асосланган.

Нисбатан юқори бўлган трансдициплинар метод эса инсонлар онгини ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, у бирор бир фан доирасидан ташқарига чиқиб таъсир қилади. Шунингдек, бу мақсад макродунёни англашга, одамлар фикрлашини кенгайтириб нарсалар моҳиятига чуқурроқ кириб боришга ундайди. Чунки алоҳида фанлар, қизиқишлар, кашфиётлар тизимидан иборат бўлган бугуннинг им-фан тизими аслида ягона макродунёнинг алоҳида эпизодлардаги акси, хусусийлашган кўринишидир. Макродунёнинг ҳар бир фрагменти фан тизимида ажратилгани билан унинг мантиқий структураси, хусусан фалсафа, социология каби фан доирасидан чиқиб жисмоний, табиий ва макродунёга қараб бирлаша боради. Хаттоки асоси дициплиналараро методдан келиб чиққан: антропология, экология, маданиятшунослик, замонавий табиатшунослик концепцияси, давлат бошқаруви назарияси каби фанлар ҳам ўз ядросини трансдициплинар методга, мураккаб тизимларни синергетик усулда тадқиқ қилишга борган сари яқинлаштирмоқда. Тизим ва онгнинг ижтимоийлашуви феномени билан ишловчи фалсафа ва социология фанлари эса бундан мустасно эмас. Чунки замонавий глобализацион инқироз информация оқимини ўсиши ва унинг фонида ахборот қабул қилишдаги тарангликнинг кучайиши ҳолатини яратар экан, дунёни фрагментар қабул қилиш билишнинг когнитив функциясини бажара олмайди. Инсон табиатан билишда объектни тизимли, мантиқий изчил ва моҳиятан англашга инстилади.

Юқорида таъкидлаганимиз, Ўзбекистондаги ижтимоий-гуманитар, хусусан социология ва фалсафа фанларининг тўлақонли фан тизими сифатида мавжуд бўлиши ва унда бутун дунёда функционал амал қилаётган трансдициплинар методнинг ишлаши глобал дунё тараққиётига интеграциялашаётган юртимизда диний омилнинг фундаменталь-ақидавий таъсирига, ислом феминизми, ислом космополитизми каби иллатларнинг кириб келишига қалқон бўла олади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СОЦИОМАДАНИЙ ҚИЁФАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИ СИФАТИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ОРҚАЛИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Ғаффорова М. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА докторанти*

Социология фанлар тизимида турли тадқиқот методларидан фойдаланиб келинмоқда. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида Франция, Испания, Америка Қўшма штатлари ва Россияда сифатий социологик тадқиқотлар жамиятнинг барометри сифатида эътиборга моликдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга нисбатан аҳолининг фикри, қарашлари, янгиликларни қабул қилиши ва ҳаётга татбиқ этилишига муносабати турли ижтимоий сўровлар орқали изчил ўрганиб борилмоқда[1]. Айни жараёнлар социологиянинг муҳим фан, кенг тармоқли йўналиш эканини ифода этади[1].

[1]Ёшларнинг жамоатчилик фикри: ўзгаришларнинг ижобий жараёнлари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – CivilSociety. – 2008. – №1. – Б.17-19; Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш даврида жамоатчилик фикрини ўрганиш тизимининг ривожланиши (1991-2000 йй.) // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. – 2013. – №3. – Б.46-50; Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш давридаги жамоатчилик фикрини ўрганиш жараёнлари (2001-2013 йй.) // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. – 2013. – №4. – Б.40-44; Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш – ижтимоий ҳаётнинг доимий белгиси. “Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society” журналидаги давра суҳбати материалларидан // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. – 2013. – №4. – Б.37-39; Сайлов жараёнидаги жамоатчилик фикри сўровлари // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. – 2014. – №2. – Б.19-23; Жамиятда оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик фикри: тадқиқот муаммолари ва услублар // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – CivilSociety. – 2015. – №2. – Б.28; Аҳоли билан фаол ва очиқ мулоқот қилиш бўйича янги тизим // Фуқароликжамияти – Гражданское общество – Civil Society. – 2017. – №3. – Б.24-

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667 сонли “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони[2]да жамоатчилик фикрини ўрганишда сифатий социологик тадқиқотлардан кенг фойдаланишга ҳам эътибор қаратилган. Жамоатчилик фикрини ўрганишда қўлланиладиган усуллардан яна бири **“Фокус-гуруҳ”** тадқиқоти ҳисобланади. Социологияда фокус-гуруҳ тадқиқотида сифатий тадқиқот сифатида ёндашилади. Бу усул объект ҳақида нафақат рационал билимларни, балки унга нисбатан эмоционал муносабатларни ҳам тадқиқ қилиш имконини беради. “фокус-гуруҳ” тадқиқоти олинган маълумотлар нафақат жараённинг умумий қонуниятларини кўриш, балки уни чуқур ҳис этиш имконини беради.

“Фокус-гуруҳ” тадқиқоти, олинадиган маълумотларнинг даражаси, жамоавий ўзаро таъсир этиш муҳокама объектининг ижтимоий контексидан тортиб онг ости мотивлари асосида юзага келишини, иштирокчилар уни танлаш ёки рад этиши асосида ташкил топади[3].

Жумладан, тадқиқ этилаётган хотин-қизларнинг кийиниши, маданияти, жамиятдаги ҳамда оиладаги ўрни ва мавқеини ўрганиш муаммоси долзарблигини ўрганиш бўйича тадқиқот давомида хотин-қизларнинг диний, миллий бағрикенглик масаларига ҳам эътибор қаратилди.Эътиқод қилувчининг диний туйғуларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, диний эътиқод қилиш, фуқаролар ёки уларнинг турли диний ташкилотларга аъзо бўлишлари фуқароларнингшахсий эркинлиги сифатида тан олинганлиги, тенг ҳуқуқ ва эркинлик кафолатланиши, эътиқод қилмайдиган фуқароларга мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди[4].

Ўзбекистон геосиёсий нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган минтақада жойлашганлиги сабабли, Ислом динини сиёсийлаштиришга интилиш йўли билан амалга оширилаётган ғоявий таъсирни кузатишимиз мумкин. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси вақт чорлови ва талаблари мамлакат олдига янгидан янги вазифаларни қўймоқда. Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни бегона менталитетларнинг парчаловчи ғояларидан муҳофазалаш масалалари янада долзарб характер касб этиб бормоқда. Жамиятда барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, ўзаро ҳурмат, миллатлараро ва динлараро келишувни таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсатининг тегишли тузилмаларини амалга оширишнинг самаралилиги масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Мажмуавий Дастури доирасида 2019 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳри ҳамда Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида “Хотин-қизларнингноанъанавий кийинишига муносабат” мавзусида ўтказилган фокус-гуруҳ тадқиқотлари натижаларининг таҳлили юқорида кўтарилган долзарб муаммонинг ечимини топиш бўйича гипотезалар ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади. Ўтказилган тадқиқотда қуйидагилар экспертлар сифатидатанлаб олиндилар: Ўзбекистоннинг етакчи социолог ва сиёсатшунослари, диний соҳа вакиллари, ижроия ҳокимиятининг вакиллари (Тошкент ш. ҳокимияти), Тошкент вилояти бўйича Хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний масалалар бўйича маслаҳатчилари ва бошқалар. Экспертларнинг фикрларини таҳлил қилишда мазкур мавзу бўйича оммабоп адабиётлардан фойдаланилди.

25; Коррупциягақаршикурашсоҳасидагисоциологиктадқиқотлар // Фуқароликжамияти – Гражданское общество – Civil Society. – 2018. – №3(55). – Б.23-26; Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги социологик тадқиқотлар // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil Society. – 2018. – №3(55). – Б.23-26 вабошқ.

[1]Тадқиқотлар шаффофликни таъминлайди. 2018 й. 23 апрель // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) нинг веб-сайти – www.uza.uz.

[2]http://lex.uz/docs/4211807Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2019 й., 06/19/5667/2648-сон

[3]Ф.Парманов, А.Сеитов, П.Пак “Социологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича методик (услубий)таклифлар”. – Тошкент.2017.-Б. 12.

[4]Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 31-моддаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.08.2018 й., 04/19/1895-III/КҚ-391-III/2827-сон

Ўзбекистоннинг яқин истиқболга мўлжалланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга ошириш, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш; социологик сўровлар орқали аҳолининг вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти натижаларига, улар томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатига баҳо бериш тизимини жорий этиш; ишчи индикаторлар тизими ва социологик сўровлар орқали давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашни назарда тутади.

Мамлакатимизда социология соҳаси тобора такомиллашиб, ривожланиб борар экан, бу борада, малакали мутахассислар фаолиятини йўлга қўйиш, тадқиқотчи-изланувчилар учун шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш ҳам алоҳида эътибор талаб этилади. Шу боисдан, юртимиздаги бир қатор олий таълим муассасаларида социолог йўналишида мутахассислар тайёрланмоқда[1].

Социологик сўровлар ўтказишнинг муҳим объекти – бу фуқаролар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларидир. Шу маънода ҳам, сўнгги йилларда катта ишлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлари тенденциялари мавзусини тадқиқ этиш жараёнида демография, оила социологияси, оилавий психология, ижтимоий фаолият бўйича кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш борасидаги социологик тадқиқотлар олиб борилди.Ҳозирда, айниқса, Интернет орқали хотин-қизлар учун уй хизматкорлиги, ошпазлик, болалар энагаси, котибалик, маиший соҳа ходими, стюардессалик каби ишлар таклиф қилиниб, юқори маош ва қулай иш шароитлари тўғрисида ёлғон маълумотлар берилмоқда. Ушбу таклифларга кўнган хотин-қизлар эса тезлик билан ўзлари ҳақидаги маълумотларни яна Интернет орқали “иш берувчилар”га тақдим этадилар. Ўз навбатида, “иш берувчилар” ҳам уларга виза ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиришда, баъзан йўл чипталарини олишда ҳам “беминнат” ёрдам берадилар. Хорижга алдаб олиб чиқилган ва фоҳишалик билан шуғулланувчиларнинг 3/4 қисми 30 ёшгача бўлган аёллардир.Сўнгги йилларда бу “касб” билан шуғулланувчилар орасида 13-14 ёшдаги ўсмир қизлар ҳам учраётгани аянчлидир”[2].

Шу маънода, жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш концепциясида белгилаб берилган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ўрнида Ўзбекистон социологлари ассоциацияси ташкил этилмоқда ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

Илмий тадқиқотлар, ижтимоий мезонлар методологиясини такомиллаштириш бўйича ишларда, мамлакатимиз социология ҳамжамиятининг интеллектуал ва илмий-техник салоҳиятини юксалтиришда иштирок этиш, шу жумладан, ижтимоий тажрибалар ўтказиш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистонда ва хорижда демографик жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишга кўмаклашиш;

Социологлар ва бошқа ходимларнинг малакасини ошириш;

[1] Тадқиқотлар шаффофликни таъминлайди. 2018 й. 23 апрель // www.uza.uz.
[2] Интернет оламигағарқбўлаётганёшлар. 2018 й. 10 май // www.uza.uz.

Олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига социология фанидаги энг янги ютуқларни ва социологик тадқиқотлар ўтказишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш бўйича улар билан ҳамкорликқ илиш;

Халқаро ва хорижий социологлар ассоциациялари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли социологик ишларни, шу жумладан, хорижда ўтказиш мақсадида консорциум ташкил этиш;

Халқаро социологлар ассоциациясига аъзо бўлиш, бутунжаҳон социологик конгресслар ва форумларда иштирок этиш.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда фуқаролар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилашда социологик сўровлар ўтказишнинг янги амалиёти жорий этилмоқда.

НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ОПЕРАТИВНОГО ИЗУЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ

Сеитов М.Ш. *– начальник отдела*
Экспресс исследований «Call-центр»
РЦИОМ «Ижтимоий фикр»

В соответствие с пунктом №6 Указа Президента Республики Узбекистан от 22 февраля 2019 г. “О мерах государственной поддержки проведения социологических исследований”[1] Республиканскому Центру общественного мнения «Ижтимоий фикр» было поручено создание call-центра для проведения блиц-опроса населения по телефону по актуальным текущим вопросам общественно-политической, социально-экономической и других направлений жизни страны”. В целях исполнения данного пункта в 2019 году РЦИОМ «Ижтимоий Фикр» совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан организовал работу отдела Call-центра.

Сегодня телефонные опросы являются эффективным методом для получения оперативной информации, так как доказали свое преимущество по следующим критериям:

географическая дисперсия выборки (снимаются ограничения по количеству точек опроса);

разброс интервью внутри населенного пункта (не ограничен несколькими маршрутами);

более высокий уровень достижимости респондента;

единство методологического опыта - одна команда обученных интервьюеров-операторов (с одинаковым опытом и стилем работы) проводит опрос на всей территории исследования;

автоматический контроль выборки по заданным параметрам;

контроль над проведением интервью;

программное администрирование анкет со сложной внутренней структурой;

минимизация ошибок, связанных с человеческим фактором;

оперативность

В тоже время, как и любой метод получения информации, телефонный опрос не лишен и некторых недостатков, таких как – небольшая продолжительность интервью, ограничение на применяемый инструментарий, большое количество отказов респондентов от опроса по разнообразным причинам и поводам.

РЦИОМ «Ижтимоий Фикр» разработано программное обеспечение для CATI исследовании. CATI (Computer Assisted Telephone Interviewing) это способ анкетирования,

[1] Указ Президента Республики Узбекистан “О мерах государственной поддержки проведения социологических исследований” от 22.02.2019 г. № УП-5667, НБДЗ, 22.02.2019 г., № 06/19/5667/2648. https://lex.uz/ru/search/nat?form_id=3973&from=22.02.2019&to=22.02.2019

который предполагает опрос респондента по телефону и регистрация данных полученных в ходе опроса в электронную анкету[1].

Отдел Call-центра РЦИОМ «Ижтимоий Фикр», в рамках блока мониторинга EXPRESS MODUS имеет полнофункциональный CATI-центр с двуязычными операторами, который работает на профессиональном программном обеспечении. Метод CATI позволяет полностью автоматизировать все стадии выполнения опросов и осуществляет:

- разработку скриптов анкет любой сложности;
- предоставление пользователям статистической и отчетной информации как в реальном времени, так и за любой промежуток времени;
- доступность отчетов по анкетам, телефонам, квотам, операторам и т.д.;
- аудиозапись 100% звонков;
- встроенная система автодозвона. Звонки переводятся на оператора в автоматическом режиме, только при результативном дозвоне до респондента. На каждого оператора в зависимости от настроек создается несколько звонков;
- полный контроль за операторами в режиме реального времени;
- прослушивание не менее 20% разговоров каждого оператора;
- возможность осуществлять прослушивание в реальном времени;
- система проверки анкет с автоматическим пересчетом квот;

В используемом программном обеспечении проработана сложная система контроля операторов.

Автоматическое умное определение фальсифицированных анкет: по продолжительности интервью, по определенной логике заполнения, по дублированию ответов и пр.

Интервью, не соответствующие требованиям, выбраковываются и возвращаются в работу.

При проведении опросов используются собственные базы EXPRESS MODUS, состоящие из номеров фиксированной и мобильной телефонной связи, базы, предоставленные клиентами, а также базы, сгенерированной из случайных номеров.

Опрос может проводиться из города Ташкента и из всех регионов республики. Для обучения операторов используются специально разработанные методические пособия, а также аудио и видео инструктажи, проводимые специалистами головного офиса.

Результаты исследования могут быть представлены в следующих форматах:

- База данных в любом удобном формате – MS Excel, SPSS
- Кросс-таблицы в формате MS Excel
- Доступ к онлайн-аналитике с построением dashboard
- Аналитический отчёт в формате MS Word или MS PowerPoint.

На сегодняшний день отделом Call-центра проведено около двадцати исследований. Были охвачены разнообразные актуальные темы по текущим вопросам общественно-политической, социально-экономической и других направлений жизни страны, также в рамках блока мониторинга «Express-Modus» было проведено 6-этапов исследования по изучению электоральной активности и настроения граждан страны, за период с 5 сентября по 4 декабря 2019 года в рамках 6-ти этапов исследования по предстоящим выборам. Поллстерами отдела экспресс исследований по данной тематике, было осуществлено более 50 000 звонков по всей Республике, «Выборы 2019» 1-ЭТАП, «Выборы 2019» 2-ЭТАП, «Выборы 2019» 3-ЭТАП, «Выборы 2019» 4-ЭТАП, «Выборы 2019» 5-ЭТАП и заключительный этап «Выборы 2019» 6-ЭТАП.

Одним из последних исследований было посвящено изучению общественного мнения на тему «Граждане Узбекистана о периоде противодействия коронавирусу (COVID-19)», целью которого было изучение отношения узбекистанцев к мерам, предпринимаемым в

[1]https://exmd.uz/

стране по обеспечению санитарно-эпидемиологического благополучия населения и предупреждению распространения коронавируса (COVID-19) в Узбекистане.

Опрос общественного мнения проведен с 26 марта по 1 апреля 2020 года. Были опрошены респонденты в возрасте от 18 лет и старше, из них 55,5% составляли мужчины и 44,5% – женщины. Общенациональная репрезентативность опроса на уровне 5% погрешности и 95% надежности была обеспечена путем использования случайной стратифицированной выборки размером в 465 респондента, отобранных среди всех абонентов стационарной и мобильной телефонной связи страны.

Репрезентативность результатов исследования в разрезе регионов, типа местности, пола и возраста обеспечивалась путем использования данных Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике, в частности наиболее отклоняющиеся от официальной статистики пропорции между мужчинами и женщинами были приведены в соответствие путем стандартной процедуры “взвешивания”. Данный подход широко распространен в мире с целью избежать применения квот. При этом подходе данные собираются случайным образом без контроля пропорций, а результаты вычисления взвешиваются при необходимости в соответствии с официальными данными статистики.

Сбор информации осуществлялся посредством проведения телефонного опроса по единому стандартизированному количественному вопроснику, подготовленному специалистами Центра. Далее представлены результаты ответов респондентов (в % от числа опрошенных).



Рис. 1. **Поддерживаете ли Вы меры руководства страны, предпринятые в целях предотвращения и недопущения распространения коронавирусной инфекции в Узбекистане?**



Рис. 2. **Считаете ли Вы достаточными меры, предпринятые руководством страны в целях предотвращения и недопущения распространения коронавирусной инфекции в Узбекистане?**

Рис. 3. **Скажите, пожалуйста, следите ли Вы за новостями о ситуации в стране, связанной с реализацией мер по предотвращениюи недопущению распространения коронавирусной инфекции?**



Рис. 4. **Из каких источников средств массовой информацииВы знакомитесь с новостями о ситуации в стране, связанной с реализацией мер по предотвращению и недопущению распространения коронавирусной инфекции?**



Рис. 5. **Скажите, пожалуйста, в каком настроении, расположении духа Вы находитесь в настоящее время?**

В целом, результаты телефонного опроса свидетельствуют о том, что практически все социальные слои населения, мужчины и женщины, жители всех регионов страны, представители всех возрастных категорий положительно оценивают меры, принимаемые в Узбекистане в период противодействия COVID-19.

Большинство узбекистанцев настроены оптимистично и испытывают чувство уверенности в том, что все трудности и испытания, связанные с пандемией коронавирусной инфекции, будут с успехом преодолены. Граждане Узбекистана полностью поддерживают беспрецедентные меры, осуществляемые в стране под руководством Главы государства, в целях предупреждения распространения коронавируса на территории Республики Узбекистан, обеспечения благополучной санитарно-эпидемиологической обстановки и охраны здоровья населения, а также мер по смягчению негативного воздействия

коронавирусной пандемии на экономику страны, поддержке малого и среднего бизнеса, социальной поддержке и недопущению резкого снижения доходов граждан.

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА СОЦИОГРАВИТАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАР

Юнусов К.А. *– Андижон давлат университети*
“Фуқаролик жамияти назарияси”
кафедраси профессори, с.ф.д.

Умумсоциологик назариялар умумий социология фанининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар социология фанининг назарий-методологик асосларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Социогравитация**га** оид билимлар айнан ана шу жараёнларни ташкил қилади.

Ушбу жараёнлар объектив характерга эга бўлиб, бизнинг онгимиз, иродамизга боғлиқ бўлмаган қонуният тарзида кечади. Бу эса уларни англаб, ўрганиб бориш ҳамда муҳим тамойилларига амал қилиб яшашимизни тақозо этади. Акс ҳолда, ҳаётимизда, турмушимизда муайян қийинчиликлар, муаммолар юзага келиши мумкин. Баъзан эса йўл қўйган хатоларимизни ўнглаб бўлмайди ва натижада кўплаб кўнгилсизликларга дучор бўлишимиз тайин.

Жамият ҳаётида рўй бераётган воқеликни унда амал қилувчи объектив қонунлар ва уларга таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар билан ўзаро узвий боғлаган ҳолда таҳлил қилиш, ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш муҳим илмий- назарий, методологик ҳамда амалий аҳамиятга эга. Бу қонунларни ўрганиш, уларнинг жамият ҳаётида, хусусан, инсон, шахс, оила, ижтимоий гуруҳлар, халқ, миллат, жамият, давлат ва давлатлараро – халқаро муносабатларда ҳамда уларнинг ривожланиш жараёнида амал қилиши, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Афсуски, фалсафа ва социологияга оид адабиётларда бу хусусда бирон-бир илмий талқинни деярли учратмаймиз. Шунинг учун ҳам айни мавзудаги фикр-мулоҳазаларимизни баён қилишга жазм қилдик.

Социогравитация (лот., “sosiotas” – жамият, лот. “gravitas” – тортилиш) қонуни жамият ҳаётининг объектив ривожланиш қонуни бўлиб, социогравитация жараёнида кишилар ўртасидаги ўзаро бир-бирларини хуш кўриш, ёқтириш, севиш, муҳаббат, меҳр-оқибат, қўллаб-қувватлаш ёки буларнинг акси, инсонлар ўртасидаги ўзаро бир-бирларини хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик, ёмон кўриш, нафрат, ғазабланиш, адоват каби хусусиятлар ҳам намоён бўлади. Табиатдагидан фарқ қилиб, жамият ҳаётида бу қонуният ўзига хос хусусиятларга эгадир. У ақл кучи, биоқувват, характер, темперамент, майл, таб, одат, тарбия, дид, эътиқод, севги, муҳаббат, қизиқиш, ҳиссиёт, манфаат, руҳий кечинмалар ва шу каби ижтимоий-руҳий омиллар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб гравитацион асосини ташкил қилади. Шундай муносабатлар асосида кишилар, оила, ижтимоий гуруҳлар, халқ, миллат, давлат каби ижтимоий тизимлар, бирликлар ўзаро бир-бирларига тортиладилар, яқинлашадилар, ўзаро муносабатда бўладилар ёки узоқлашадилар, зиддиятда, адоватда бўладилар.

Социогравитация қонуни – жамият ҳаётининг барча соҳаларида, ижтимоий тизимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам амал қилади. Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида шундай фикрларни ёзиб қолдирган: “...одамлар ўртасидаги боғланиш робиталари шу одамларнинг хулқ-атвори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигига асосланади. Ҳар бир халқ ўзига хос мана шундай хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳар бир халқ вакиллари бошқа халқ вакилларига аралашиб, қўшилиб кетмаслиги керак. Чунки, турли халқлар худди ана шу хусусиятлари билан фарқланиб туради”[1]. Бундан

[1]Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

кўриниб турибдики, узоқ ўтмишда яшаган олимлар социогравитация қонунининг кишилик жамияти ҳаётида амал қилиши тўғрисида муайян, аниқ тасаввурларга эга бўлганлар.

Қуйида социогравитация қонунининг шахслараро ва турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларида намоён бўлишини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Шахслараро муносабатларда рўй берадиган барча воқеа-ҳодисалар, кечинмалар, қандай кўринишда бўлмасин, охир-оқибат, социогравитация қонуниятига бўйсунади. Улар ўртасида кечадиган дўстлик, хуш кўриш, ёқтириш, севги-муҳаббат, фидойилик ёки, аксинча, ёқтирмаслик, нафрат, адоват кабиларнинг барчаси мазкур қонуниятнинг шахслараро муносабатларда намоён бўлишини англатади. Бундай муносабатлар замирида эса шахс фаолиятини бошқарувчи, социогравитацияни юзага келтирувчи муҳим омиллардан бири – турли манфаатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро тўқнашуви ётади.

Социогравитация қонунияти, айниқса, оилавий муносабатларда, кичик ижтимоий гуруҳларда яққол намоён бўлади ва ўзининг амалий аҳамиятига эга. Оила ижтимоий-руҳий, маънавий муносабатларнинг мураккаб йиғиндисидан иборат бўлган жамоа бўлиб, жамиятнинг бир бўлагидир. Шунинг учун ундаги социогравитация холати ҳар қандай давлат ҳаётига, тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади.

Оилада эр-хотиннинг ҳар жиҳатдан ўзаро уйғунлиги, яъни социогравитацияси бир неча йўналишларда: жисмоний, жинсий, руҳий-психологик, ижтимоий ва маънавий соҳаларда намоён бўлади. Эр-хотин характер хусусиятларининг ўзаро мос келиши эса уларнинг мучал ва буржлари ўзаро мувофиқлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Мучал ва буржлар эса инсон ва коинот объектлари ўртасидаги ўзаро узвий гравитацион боғлиқликни ўзида ифодалайди[1].

Социологик сўровлар ва олиб борган эмпирик-социологик тадқиқотларимиз шуни тасдиқламоқдаки, мучал ва буржлари ўзаро уйғун эр-хотинлар характери, руҳий-психологик жиҳатлари, жисмоний кўрсаткичлари ва жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқ бўлиб, уларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатлар мунтазам давом этади, улар узоқ йиллар биргаликда ҳаёт кечирадиларБундай уйғунликдаги ҳаёт уларнинг ўзаро муносабатларига, саломатлигига, узоқ умр кўришларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Ғарбда тобора кенг тус олиб бораётган бир хил жинсдагиларнинг оила бўлиб яшашлари – ғайритабиий ҳол бўлиб, социогравитация қонунига бутунлай зиддир. Еврокомиссия маълумотига кўра, Европа давлатлари аҳолисининг 44 фоизи бир жинсли оила тарафдори экан[2]. Францияда 2000 йилдан 2012 йилгача – 12 йил давомида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра 60 фоиз аҳоли (Канадада 75 фоиз) бир жинсли оилани ёқламоқда. Интернет маълумотларига кўра, ҳозирда Англияда 15,5 мингта, Канадада эса 20 мингта (аҳолининг 2 фоизи) бир жинсли оилалар бор. Кишилар ўртасидаги муносабатларда социогравитация қонуниятининг бундай тарзда бузилиши охир-оқибат маънавий фожеаларга, уларнинг ҳалокатига, жамиятнинг эса емирилишига олиб келиши аниқ.

Ғарб давлатларида “Оммавий маданият"нинг кучаюви, унинг турли кўринишлари социогравитация қонунининг амал қилишига путур етказмоқда. Фикримизга мисол сифатида қуйидаги маълумотларни келтирамиз. Ҳозирда ғарбда, ота-оналар ўз фарзандлари билан бир суткада 15 дақиқагина ўзаро мулоқотда бўлар экан. Бу эса улар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганини билдиради. АҚШда ҳозирда 37 миллион нафақадагиларнинг ярми қариялар уйларида истиқомат қиляпти. Ачинарлиси шуки, уларнинг кўпчилигининг вояга етган фарзандлари бор[3].

Социогравитация кўп ёқлама таъсир кўрсатиш ҳусусиятига эга бўлиб, айниқса, инсон вужудида, унинг руҳий фаолиятида, характери ва кайфиятида ўзини кўпроқ намоён қилади. Айрим олинган шахс, ижтимоий гуруҳ, давлатлараро муносабатларнинг барчасида икки ва ундан ортиқ қутбли социогравитация амал қилади. Бир қутбли инсоний муносабатлар ва бир

[1]http://grand.ru/blogs/free/entries/211639.html Иван Симочкин. Однополые браки: мифы и реальность. Часть вторая «Политики навязывают, а народ ропщет».
[2]http://www.proza.ru/2019/02/10/1615.
[3]http://www.proza.ru/2019/02/10/1615.

қутбли дунёга интилиш (масалан, АҚШнинг дунё миқёсида ягона ҳукмрон бўлиш йўлида олиб бораётган буюк давлатчилик сиёсати) – инсон ва инсоният учун ғайритабиий ҳолат, бу социогравитация қонуниятига мутлақо зиддир. Бундай субъектив омил инсониятни ҳалокатга элтади.

Социогравитация қонунининг намоён бўлиш хусусиятлари жуда мураккаб бўлиб, биргина маърузада уларни тўла ёритиб бўлмайди. Шунинг учун социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлари мутахассислари ушбу долзарб муаммо хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради, деган умиддамиз.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Социогравитация қонуни умумсоциологик қонуният сифатида кишилар ҳаётининг барча соҳаларида, ижтимоий муносабатларда амал қилади.

2. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида социогравитация қонунининг изчил амал қилиши ижтимоий ҳамкорлик, барқарорлик ва уйғунликни таъминлайди.

3. Айрим олинган шахс, ижтимоий гуруҳ, давлатлараро муносабатларнинг барчасида икки ва ундан ортиқ қутбли социогравитация амал қилади. Бир қутбли инсоний муносабатлар ва бир қутбли дунёга интилиш инсон ва инсоният учун ғайритабиий ҳолатдир ва социогравитация қонуниятига мутлақо зиддир. Бундай субъектив омил охир-оқибат инсониятни ҳалокатга элтади.

4. Умамий социология фани доирасида жамиятда амал қиладиган социогравитация қонуниятининг механизмларини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият ва долзарблик касб этади.

СИНЕРГЕТИКА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАШКИЛЛАШТИРУВЧИ ТИЗИМ СИФАТИДА

Негматов И. *– СамДУ Ижтимоий иш кафедраси мудири, доцент*

Синергетика олам тараққиётини таҳлил қилиш жараёнида янги методологик ёндашув бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам оламда содир бўлаётган воқеа ҳодисаларни мазмун-моҳиятини илмий асослаб бериш жараёнида синергетик методга таянмоқ мақсадга мувофиқдир. Синергетика (юн. sinergetika-ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) - тизимларининг ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, ночизиқли ҳодисаларни ўрганиш, оламни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнлар табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услуби[1]. Синергетика ўзида ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим компонентларини мужассамлаштирар экан, у нафақат ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнлари асосида ётувчи умумий қонуниятларни ва тамойилларни билиш балки, у ёки бу муаммони ҳал қилиш йўлларини ҳам аниқлаш имконини беради. Шунингдек, синергетика «учинчи минг йиллик фани»[2] сифатида қаралмоқда.

Синергетика физика, биология ва социологияга қараганда умумийроқ фан. Лекин, диалектика, фалсафа илми синергетикага қараганда янада умумийроқ. Синергетика ҳеч вақт фалсафа фани даражасигача кўтарила олмайди. Чунки, синергетиканинг асосий объекти бўлган ўз-ўзини ташкиллаштириш бир томондан диалектика қонуниятига, зиддият қонунига бўйсунади, иккинчидан синергетика, фалсафа сингари билиш назарияси, дунёқараш, объект-субъект муаммолари билан шуғулланмайди. Дарҳақиқат, материя-онг, моддийлик-маънавийлик, яхши-ёмон, эски-янги, прогресс-регресс, эътироф-инкор, миқдор-сифат каби

[1] Фалсафа: энциклопедии луғат. – Тошкент, 2010. – Б. 242.

[2] Хакен Г. Информация и самоорганизация: микроскопический подход к сложным системам. – Москва: Ком.книга, 2005. – Б.249.

зиддиятлар синергетика доирасига сиғмайди-да, диалектика мазмунига киради[1].

Синергетика тараққиётнинг қатор фундаментал ўзига хосликларини очиб беришга имкон беради. У қуйидагиларни кўрсатади: 1) тараққиёт жараёнида флуктуацияларнинг ўрни кескин ўтиш, сифат жиҳатдан сакраш нуқтасига яқин босқичда ҳал қилувчи ҳисобланади, улар бу сакраш арафасида кучаяди ва у ҳақида дарак беради, 2) бу сакраш жараёнида амалдаги шароит ва вазифаларга боғлиқ бўлган тараққиётнинг кўриниши шаклланади, бифуркация нуқтасида тараққиётнинг бундан кейинги йўналишининг аниқ бир вариантининг кўпдан кўп мумкин бўлган вариантлардан «танлови» содир бўлади; 3) тараққиётнинг бундай бифуркацион табиати оқибатида тараққиётнинг қайтмаслик хусусияти пайдо бўлади; 4) тараққиёт жараёни умумий ҳолатда мувозанатсиз тизимлар тараққиёти ва мувозанатсиз босқичли ўтишлар билан боғлиқ ва шунинг учун ўзида тебранишлар, фазовий тузилмалар ва тартибсизликлар шаклланишини камраб олади; 5) тараққиёт жараёни когерентлик, турбулентлик, динамик тартибсизлик, диссипатив ва автотўлқинли тузилмалар динамикаси, кенг масштабли спонтан флуктуациялар каби бунгача тараққиёт концепцияси қамраб ололмаган кўпгина бошқа феноменларни ўз ичига олади;[2] 6) тараққиёт жараёнида детерминациянинг ўзига хослиги мавжуд ва бифуркация нуқталари орасида детерминистик қонунлар, бифуркация нуқталарида эса эҳтимолий қонунлар устунлик килади; 7) ҳар қандай тизимларнинг тузилиши барқарорлигининг чегаралари мавжуд бўлади, тегишли мувозанатдан чиқарувчи таъсирлар орқали уларга етиб бориш мумкин, кейин янгиланиш унсурлари ва янги тизимлар шаклланади ва бу жараён туганмасдир; 8) тараққиёт жараёнининг макро ва микродаражалари ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд .

Фан сифатида синергетика очиқ, номувозанатли тизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини, бу жараёнларга олиб келадиган ночизиқли ҳодисалар, улардан хоссалар ва қонуниятларни ўрганадиган илмий йўналишдир. Айни пайтда, синергетика билимлар синтезини амалга ошириш, бир-биридан нисбатан узоқ турган илмий ва маданий-маънавий қадриятларни яхшилаштириш, уларга хос бўлган умумий ёки ўхшаш хислатларни англаш имкониятини берадиган назарий-методологик ёндашув ва тафаккур тарзи функциясини ҳам бажаради[3].

Синергетика жамиятнинг тараққиёт жараёнидаги кескин ўтиши сифат ўзгаришининг сакраш нуқтасига боғлиқ бўлишини, сакраш жараёнида турли вариантлар пайдо бўлиши ва улардан «танлов» содир бўлишини илмий асослаб беради. Тараққиёт жараёнида мувозанатсиз тизимларнинг ҳаракати, турли тартибсизликлар ва улардаги янги тизимларнинг шаклланишини асослаб беради. Синергетика ҳозирги давр постноклассик фанида содир бўлаётган тармоқларида ҳамкорлик ва интеграциялашувнинг энг салмоқли ва самарали натижаларидан биридир. Шундай фаолият натижаси ўлароқ у аввало кибернетика, тизимлар назарияси каби фанларида қўлланган методларнинг вориси бўлди ҳамда уларни ўзининг «шаклланиш» ва «ўз-ўзидан ташкилланиши» ҳақидаги илмий-онтологик ғоя ва қонунлари билан бойитди. Синергетика оламнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш, макон ва замонда нарса ва ҳодисаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алокадорлиги, уларнинг муайян мураккаб тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга қаратилган янгича илмий ёндашувдир. У асосан физикавий, кимёвий, биологик ҳодисалардаги ва ночизиқли каби ҳолатларнинг йўналиш қонуниятини топишга интилади.

Синергетиканинг асосий мавзуси қуйидаги ғояларда ўз ифодасини топади: емирувчанлик ва бунёдкорлик, деградация ва тадрижий жараёнлар коинотда тенг ҳуқуқлидирлар, бунёдкорлик жараёнларида мураккаблик ва тартибсизликнинг ўсиши ягона алгоритм асосида рўй бериб, тизимларнинг моҳиятига боғлиқ эмас. Ҳар қандай тизим синергетиканинг объекти сифатида ўрганилиши мумкин эмас. Синергетика объекти бўлиши учун тизим очиқ, яъни ташқи муҳит билан модда ёки энергия алмашуви бўлиб туриши керак,

[1] Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Тошкент, 2006. – Б. 93.

[2] Пригожин И., Стенгерс И. Время, хаос, квант. – М., 1985. – Б. 37.

[3] Қўшоқов Ш.С. Синергетика ва ундаги парадигмал тушунчаларни туркумлаш муаммоси/Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари. – Наманган, 2009. –Б.42.

мувозанатсиз ёки термодинамик мувозанат ҳолатидан узоқда жойлашган бўлиши керак.

Синергетик ёндашувга кўра, оламдаги ўз-ўзини ташкиллаштириш натижасида шундай динамик объектларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, ўзаро қўшилиб таъсирланиши ва ниҳоят, қайта пайдо бўлиши юзага келадики, бу динамик объектлар ўзларини пайдо қилаётган муҳит унсурларидан ахборот маъносида янада мураккаброқ кўринишда намоён бўлади. Шунинг учун хам синергетикада тизим ва унинг ташкил этувчилари асосан динамик тузилмалар бўлиши қайд этилади. Шунингдек, синергетик ёндашувга кўра ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларининг йўналганлиги объектнинг ички хоссаларининг индивидуал ва жамоавий суратда намоён бўлиши, яъни, тизимни ўраб турган муҳит томонидан бериладиган таъсирлар билан белгиланади.

Синергетика янги фанлараро билим соҳасини асосини ташкил этувчи ўз-ўзини ташкиллаштириш муаммосининг ишлаб чиқилиши фан методологиясининг янгича маъно-мазмунга эга бўлган назарий негизини ташкил этди. Синергетика турли фан соҳаларидаги ўз-ўзини ташкиллаштириш механизм (мурват)лари ҳақидаги қарашни илгари суради. Чунки, ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида янги фан соҳасининг вужудга келиши асосан ундаги кашфиётлар, ихтироларни пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шундай қилиб, янги парадигма пайдо бўлиши постноклассик фан тараққиётининг кейинги тараққиёти ҳақидаги янги қарашнинг шаклланишига ҳам туртки берди. Бу янги фан соҳаларини яна бир таҳлилдан ўтказишга кенг имконият яратди. Зеро, янги фан соҳаси ривожига мана шу тариқа имконият яратилди. Шунинг учун ҳам бу вазифаларни фанлараро тадқиқот усуллари тадқиқ қилмай туриб ҳал қилиш мумкин эмас.

Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи жараёнларда ушбу ҳолатлар кузатилиб, яъни «тизимда кучли мувозанатсизлик ҳолатининг юзага келиши оқибатида тизим барқарорлигини йўқотади. Бундай ҳолатни тавсиялайдиган параметрлар критик деб номланиб, бу критик ҳолатдан мумкин бўлган янги барқарор ҳолатларнинг бирига сакраш орқали ўтилади. Тизим ривожи йўлининг бундай тармоқланиш имконияти бифуркация нуқгаси, деб номланади. Эҳтимол бўлган ҳолатларнинг қайси бирига ўтиш тасодифнинг ишидир. Бифуркация нуқтасида кўп сонли флуктуациялар содир бўлиб, улардан бири тасодифан тизимни янги барқарор ҳолатга олиб чиқади»[1]. Ўз-ўзини ташкиллаштириш – бу ниҳоятда мураккаб бўлган барқарорликни сақлайдиган, ҳамда янги структураларни ҳосил қилиш имкониятига эга бўлган ҳаракат усулидир. Бундай хоссага бўлган тизимлар ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимлар турига киради. Ўз-ўзини ташкиллашлаштириш тизимда флуктуацияларни бифуркация (лот. бифуркус - бўлиниш) олиб келиш йўли билан спонтан тарғибот ва янги барқарор структуранинг ўрнатилишда намоён бўлади. Бу ерда структуранинг ўзгариши ва янгиланиши тизим эволюциясини билдиради. Шу боис ҳам ўз-ўзини ташкиллаштириш тизим эволюциясининг асоси бўлиб хизмат қилади. Флуктуациялар микродаражада содир бўладиган тасодифий оғишлар (ўртача холатдан четланиш) бўлиб, уларнинг тўпланиб бориши бифуркацияга олиб келади. Номувозанат тизимлар да флуктуация, бифуркация ва натижада янги структураларнинг ҳосил бўлиши ўз-ўзини ташкиллаштириш тизим эволюциясининг асосий босқичларидир. Микродаражадаги флуктуациялар кескин меъёрий чегара ўтгандан кейин бифуркация орқали макродаражада намоён бўладиган янги динамик ҳолатга ўтилади. Демак, номувозанатли тизим эволюциясининг бир бутун тараққиётини бир-бирини тўлдирадиган икки хил жараённи тасодиф ва заруриятнинг бирлиги сифатида олиб қараш мумкин.

Ўз-ўзини ташкиллаштириш концепцияси ва диссипатив структуралар назарияси геологик, кимёвий, биологик, экологик ва хатто ижтимоий-маданий тизимларда бўладиган кўп эволюцион жараёнларни тушунтиришга қодир эканлигини кўрсатади. Албатта, бу йўлда ҳам кўп аниқланмаган муаммолар бор. Лекин, ўз-ўзини ташкиллаштириш ғояси ва диссипатив структуралар назариясини ўз ичига олган синергетика тафаккур парадигмаси олам ва унинг тизимларининг келиб чиқиши ва тараққиётини қандайдир «ҳаёт кучи»

[1] Ровинский Р.Е. Самоорганизация как фактор направленного развития/ Вопросы философии. 2005. №3. – С.64.

«энтелехия» (номоддий) хаётий бошланғич, «эмерджентли эволюция» (тўсатдан пайдо бўлиб тараққиёт эттирадиган номоддий куч), деб аталган мистик кучларни жалб қилмасдан тушунтириш имкониятини беради[1]. Синергетиканинг тараққиёти нафақат диалектик тафаккурга янги маъно-мазмун олиб кирди, балки, позитивизм, онтологизм, редукционизм, релятивизм, постмодернизм ғояларини ўзгаришига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Шу боисдан ҳам ундан табиат, жамият, инсон, маънавий эстетик муҳит, информацион ва техноген фаолиятни янгича тасвирлаш, таҳлил қилиш, уларни гуруҳларга ажратиш, кузатиш, талқин қилишга доир интегратив тадқиқот методларини аниқлаб олиш мумкин[2].

Синергетика ўз тадқиқот объекти ва предметига кўра, бизга оламнинг янги илмий манзарасини кўрсатмоқда. Булар: беқарорлик, ночизиқлик, очиқ тизим, эволюцион яхлитлик, бифуркацион бурилиш, флуктуацион ўзгариш, аттрактор ҳолатдаги алоқадорлик, диссипатив тизим ҳолати ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан маълум бўладики, синергетика ўзининг асосий тушунча ва тамойиллари орқали фалсафада онтологик ва гносеологик жиҳатдан муҳим универсал қонуният вазифасини бажаради. Шу билан биргаликда синергетика оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўзаро муносабат ва алоқада бўлувчи ва муайян яхлитликни, бирликни ташкил этувчи унсурлар тўплаши мумкин бўлган тизимни очиқ ва ёпиқ тизим сифатида тадқиқ қилишда ҳам фалсафий методологик аҳамиятга эга.

Синергетика мустақил илмий соҳа эмас, у фанлараро янги илмий йўналишдир, унинг мақсади табиатшуносликнинг турли соҳалари, шунингдек социология ва ҳатто лингвистиканинг умумий қонунуниятлари ва умумий ғоя ва методларини юзага чиқариш ундан ташқари синергетика доирасида турли махсус соҳаларнинг кооперацияси юз беради[3]. Шунингдек, синергетика янги илмий ёндашув сифатида очиқ тизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш юзага келиши ва уларни қўллаб-қувватловчи жараёнда жамоавий, кооператив ўзаро ҳаракатларни тадқиқ қилишга мўлжалланган тамойилларни инъикос эттириш билан ҳам кенг жамоатчиликни қизиқтириб келмоқда. Кейинги вақтларда синергетика ҳақида турли илм соҳаларининг вакиллари ўз илмий тадқиқотларини синергетик ёндашув асосида амалга ошираётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Шунингдек, синергетикани айрим олимлар фан даражасига кўтарилганлигини, айримлари эса фанлараро янги илмий йўналиш, деб ҳисобласа бошқалари эса янгича дунё қараш, янгича усул, атама маъносида талқин этмоқдалар.

Кўпгина олимлар синергетикани диалектика билан алмаштириш керак, деган ғояларни ҳам илгари сурмоқда. Бизнинг фикримизча, синергетика диалектикани турли қирраларини бойитади, фалсафий дунёқарашни юксак поғонага кўтарилишини таъминлашга хизмат қиладиган янгича ёндашувдир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, синергетика табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиёти тўғрисидаги қарашларимизни янгича маъно ва мазмун билан бойитишга кўмаклашадиган янгича методологик усул эканлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

СОЦИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Камалова Х. *– Қорақалпоқ Давлат Университети «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти,*
Кутымова Г. *– Қорақалпоқ Давлат Университети «Ижтимоий фанлар» кафедраси ассистенти*

Умумий социологияни ўқитиш социологиянинг асосларидан бошланади, унинг мақсади талабаларни социологиянинг асосий тушунчалари ва тармоқлари, шунингдек

[1] Қўшоқов Ш.С. Табиатшунослик фалсафаси. – Самарканд, 2004. –Б. 169-170.
[2] Бозоров Д. Синергетик парадигма. – Тошкент 2010. – Б.29.
[3] Климонтович Ю.Л. Введение в физику открытых систем//Соросовский образовательный журнал. 1991. №8, – С.111.

жамиятни социологик ўрганишнинг умумий вазифалари билан таништиришдир. Бу жуда муҳим, чунки университетга кирган кўпчилик абитуриентлар университетда ўқиш пайтида ўқиш керак бўлган фанлар тўғрисида ҳали аниқ тушунчага эга эмаслар.

Умумий социологияни ўрганишдан мақсад илмий дунёқараш асосларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, жамиятдаги зиддиятли вазиятларнинг пайдо бўлиши ва уларни ҳал қилиш усуллари, социализация жараёнлари, ижтимоий табақаланиш ва ижтимоий ҳаракатчанликнинг хусусиятлари, шахслар, гуруҳлар ва ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хатти-ҳаракатларидир. Шунингдек, умумий социология ижтимоий ҳодисаларни ҳам моддий, ҳам маънавий шарт-шароитларни очиб беради, жамоатчилик фикри фаолиятининг хусусиятларини йўналтиришга ёрдам беради[1].

Умумий социологияни ўқитишнинг замонавий стратегияси қуйидаги жиҳатларни қамраб олади:

- социологиянинг таркибий-мантиқий ва тарихий-илмий таҳлили;
- жамиятнинг таркибий ва функционал таҳлили;
- жамиятнинг таркибий ва генетик таҳлили;
- саноат социологиясининг ўзига хос хусусиятлари;
- социологик тадқиқотнинг услубий ва амалий жаҳатлари.

Ушбу жиҳатларнинг ҳар бирида назариянинг категориялик даражаси, ўзига хос эмпирик асоси, ўзига хос тарихий ва илмий қатлами мавжуд бўлиб, у жамиятнинг фаолияти ва социологиянинг ривожланишини тавсифловчи тегишли тушунчалар, тузилмалар ва парадигмаларнинг шаклланишини очиб беради.

Шундай қилиб, умумий социологияни ўқитишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- социологиянинг умумий хусусиятларини ва унинг бўлимларини тушунтириш;
- социология кўриб чиқадиган муаммоларнинг илмий аҳамиятини тушунтириш;
- социологлар томонидан ўрганилган асосий муаммоларнинг мазмунини очиб бериш;
- социологияда энг кенг тарқалган ижтимоий тушунчаларнинг маъноларини изоҳлаш;
- социологияда алоҳида ўрганиш объектлари ўртасида мавжуд бўлган мантиқий боғлиқлик ҳақидаги тушунчани ривожлантириш;
- социологнинг касбий фаолиятининг тавсифи;
- талабаларнинг итиборин замонавий жамият учун, бутун инсоният учун характерли бўлган ижтимоий муаммолар, жараёнлар ва ҳодисаларга йўналтириш.

Умумий социология бўйича ўқув курсини режалаштиришни бошлаб, қуйидаги саволларга жавоб бериш керак:

- Ёш одамлар социология, социологик терминология ва замонавий жамият муаммолари ҳақида нималарни билиши мумкин?
- Университетда ўқиётганда у янги нималарни идроқ қилмоғи мумкин?
- Келажакда талаба университетда ўқиш жараёнида уларга суянмоқ учун қандай илмий тушунчаларни очиб бериш керак?
- Мантиқий занжирни яратиш учун ушбу тушунчаларни қайси тартибда баён қилиш яхшироқ?

Ушбу саволларга берилган жавобларга асосланиб, битта мавзу бўйича тегишли маърузалар, семинарлар ва тестлар ўтказилиши учун тематик дарс режасини тузиш мумкин. Масалан, «Социология фан ва академик фан сифатида» мавзусида қўйидаги бўлимларни олиш мумкин:

- Асосий усул ва вазифалар;
- Социолог касб сифатида;
- Социология соҳалари;
- Жамият социологик ўрганиш объекти сифатида;

[1] Шишкина Е.В. Методика преподавания социологии // https://urait.ru/book/metodika-prepodavaniya-sociologii-433098

- Ижтимоий ўзаро муносабатлар ва ижтимоий муносабатлар;
- Ижтимоий жараёнлар ва уларнинг динамикаси;
- Ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар ва муассасалар;
- Шахснинг социализация жараёни, ижтимоий мавқе ва ижтимоий рол;
- Ижтимоий табақаланиш ва ижтимоий ҳаракатчанлик ва бошқалар.

Умумий социология барча бакалавриатнинг 3-курсларида ўқитилаётганлиги сабабли, ушбу фан бўйича мустақиллик ишлари: рефератлар ёки докладлар жуда мураккаб бўлмаслиги керак. Шу билан бирга, улар ижодий ва талабани қизиқтириши, уни мустақил фикрлашга ундаши ва социологик фанга қизиқишни уйғотиши керак. Ва улар мажбурий равишда назарий тушунчаларни таҳлил қилишни ўз ичига олиши керак[1].

Умумий социология бўйича саволлар биринчи навбатда терминологияга тегишли бўлиши керак, чунки унинг билимисиз бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш мумкин эмас. Баъзи масалаларда, талаба социология яланғоч назария эмас, балки ҳаёт билан боғлиқ фан эканлигини тушуниши учун сиз мисоллар сўрашингиз керак. Масалан, «Нима учун жамият ижтимоий тизим сифатида намаён бўлиши мумкин?», «Жамиятнинг асосий хусусиятлари нимада?», «Ижтимоий муносабатлар нима, улар қандай қурилган ва қандай турлари бор?», «Ижтимоий институт нима? Сиз қайси институтларни биласиз? Уларнинг ҳар бири қандай ижтимоий функцияларга эга?».

Умумий социологияда олинган билимларни мустаҳкамлашда яхши ёрдам бу фан бўйича назорат синовларидан – тест синовлари бўлиб ҳисобланади. Шуни ёдда тутиш керакки, тест саволлари жуда мураккаб бўлмаслиги керак ва баъзи бир жойларда бошқа гуманитар фанлар бўйича саволлар билан кесишиши мумкин, масалан, миллий мустақиллик ғояси, ижтимоий фалсафа, Фуқаролик жамият, Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси ёки Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Шунингдек, улар маълум манбаларга ёки дарсликларга таяниши мақсадга мувофиқдир. Тестлардан нафакат семинарларда билимларни синаш, балки жорий, оралиқ ёки якуний назоратлар учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Социология тестларига таклиф қилинган вазиятлардан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган моментларни ажратиб кўрсатиш талаби билан мини-кейсларни киритиш мантиқан бўлади деб фикрлаймиз. Баъзида тестлар жадвал шаклида амалга оширилади, унда талабалар танланган жавоб вариантлари олдида хоч (плюс белгиси) қўйишади. Жадвалнинг қулайлиги шундаки, бу ўқитувчига вақтни тежашга имкон беради: тест натижаларини текширишда тўғри жойлаштирилган хочлар сони шунчаки хисобланади[2].

Социология дарсларида тадқимот кўпинча ишлатилади – кичик матнлар ва расмлар, битта график услубда яратилган ва проектор ёрдамида намоиш қилиш учун мўлжалланган. Тадқимотнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг интерактивлиги – одамнинг компьютер воситалари ёрдамида яратилган тасвир билан ўзаро алоқа қилиш қобилияти.

Социология дарсларида тадқимотнинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Ва гарчи дарсга тайёргарлик кўраётган маъқул томонлари аҳамиятли бўлиб кўринса-да, сиз тадқимотдан фойдаланиш ёки қилмаслик тўғрисида ўйлашингиз керак[3].

Республикамизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар лойиҳа семинарни янада долзарб ва университетларда талабчанликка олиб келади. Бу нафақат бўлажак мутахассисларни ўқитишнинг энг яхши усули, балки ўқув муассасининг илмий обрўсини ошириш воситасидир. Лойиҳа – бу пухта режалаштирилган ва изчил фаолият бўлиб, уни якунлаш ва янги маҳсулотни яратиш учун аниқ муддат керак. Лойиҳавий фаолият жараёнида яратилган маҳсулот назарий ва амалий жиҳатдан ҳам ноёбдир.

---

[1] Елсуков А.Н. Методика преподавания социологии в высшей школе: учеб. Пособие // https://www.studmed.ru/e2d8b338ef3.html

[2] Берденникова Н.Г., Меденцев В.И. Организационное и методическое обеспечение учебного процесса в вузе // https://www.books.ru/books/398085

[3] Ткаченко А.В. Методика преподавания социологии: Учебник и практикум для академического бакалавриата // https://www.ozon.ru/context/detail/id/143449319/

Ўзининг соддалигина қарамастан, ҳатто анъанавий турдаги семинар ҳам турли хил бўлиши мумкин, шу жумладан ўйинлар ҳам мавжуд. Масалан, талабалар гуруҳларга бўлинган ҳолда мунозара олиб борилади, тайёрланади ва кейин ижтимоий муаммо бўйича ўзаро баҳслашади. Бу ерда сиз ўқитувчи билан биргаликда энг фаолни баҳолайдиган мутахассисларни танлашингиз мумкин. Ёки «Табличкалар билан ўйин», социологик тушунча варақаси талабанинг орқасида осилганида, талабага саволлар берилади, уларга жавоб бераётганда варақада қандай сўз ёзилганлигини тушуниши керак. Табличкаларни ўзгартириш мумкин.

«Шахсни тахмин қилиш» деган яна бир ўйинини таклиф қилишингиз мумкин. Масалан, «Социология тарихи» мавзусидаги семинарда индивидуал ғоялар ёки доно сўзлари бўйича уларнинг қайси социологга тегишли эканлигини аниқлаш керак. Ёки бирон бир ижтимоий синф ёки субкультуранинг вакилининг жамоавий қиёфасини яратишингиз мумкин.

Социологияни умумий фан сифатида ўрганишда семинарларнинг барча шаклларидан фойдаланиш мумкин. Социологиянинг аниқ икки қисмга – назарий ва амалий қисмларга бўлинишини ҳисобга олсак, семинарлар мавзуларини ва уларни ўтказиш стратегияларини аниқлаш учун кафедра ёки ўқитувчининг ўзи томонидан белгиланади. Ушбу стратегия социология бўйича семинарларга ажратилган соатлар сони ва кафедра ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалар билан белгиланади.

Шундай қилиб, социологияни ўқитиш методологияси – бу муайян усул ёки усулларини амалга ҳаракатта оширишнинг ўзига хос услублари тўпламидир, у социологиянинг назарий ва амалий маъноси намоён бўладиган талабаларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантиришга интилади.

ИБН ҲАЛДУН ТАЪЛИМОТИДА РАЦИОНАЛИЗМ ТАМОЙИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Фарфиев Б.А. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси доценти,соц.ф.н.*

Социология фанининг асосчиларидан бири сифатида эътироф қилинадиган, 1332 йилда Тунисда туғилган, Шарқнинг яна бир машҳур мутафаккири – Ибн Халдун ҳам тафаккур масалалари таҳлилига алоҳида ўз эътиборини қаратган. Ўзининг "Муқаддима" асарида айнан тафаккур қилиш хусусияти туфайли инсон илм ва ҳунарга эга бўлиб,унинг ёрдамида бошқа махлуқотлардан ажралиб туриши ва улардан улуғроқ мақомда бўлишини таъкидлайди[1]. Мутафаккир мазкур асарида Форобийнинг фикрларини давом эттириб, инсонларнинг жамиятга бирлашуви уларнинг ўз ҳаёти эҳтиёжларини қондириш зарурияти туфайли содир бўлишини тасдиқлайди. Жумладан, бу ҳодисани қуйидаги фикрлари билан асослайди. "Одам ўз табиатига мувофиқ ижтимоий мавжудотдир, яъни уни бошқа кишилар билан ўзаро бирлашуви зарурияти дир. Бундай бирлашувни ифодалаш учун улар шаҳар сўзини ишлатишади. Бу эса ижтимоий ҳаётнинг маъноси бўлиб, унинг талқини қуйидагичадир: Аллоҳ (унга ҳамд-санолар бўлсин!) одамни шундай қилиб яратдики, унинг ҳаёти ва мавжудлигини озиқ-овқатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Парвардигор одамни унга берган ақл билан бундай емакка эришиш кўникмаларини излаб топишга қодир қилди"[2].

Аммо, зарур ноз-неъматларга эришишга ёлғиз одамнинг жисмоний имкониятлари етишмайди. Зеро, бу жараён мураккаб бўлиб, у бир нечта босқични тақозо этади. Масалан,

[1]ИБН-ХАЛДУН. Введение (фрагменты). перевод С. М. Бациевой// Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. Составители: С.Н.Григорян и А.В.Сагадеев. –Москва.: Изд. Социально-экономической литературы, 1961.

[2]ИБН-ХАЛДУН. Введение (фрагменты).перевод С. М. Бациевой// Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. Составители: С.Н.Григорян и А.В.Сагадеев. –Москва.: Изд. Социально-экономической литературы. 1961.

нон неъматига эришиш учун фақат буғдой бошоғига эга бўлиш кифоя қилинмайди. Дастлаб уни янчиб, ун ҳолатига келтириш, кейин бу ундан хамир қориш ва ниҳоят, нонни ёпиш талаб қилинади. Бу ишларнинг барчаси эса турли хил асбоб-усканаларни тақозо этади. Шунинг учун бунча юмушларни бир кишининг кучи билан бажариш имкониятлари мавжуд эмаслиги туфайли уни шундай неъматларга эришиш пайида бўлган бошқа кишилар билан бирлашиши зарур. Демак, биз бундай шароитда инсон ҳаёт фаолиятининг дебочаси сифатида унга берилган ақл неъмати ҳодисаси билан дуч келаяпмиз.

Ибн Ҳалдун инсоннинг хавф-хатардан сақланишида ва бунда ақлнинг ўрнига катта эътибор қаратишида ҳаётий мисолларга таяниши таҳсинга лойиқдир. Унинг фикрича, одам жисмоний жиҳатдан қараганда ҳайвонлардан анча заифдир. Масалан, от, эшак, буқа, арслон, фил ва ҳоказоларнинг кучи одамнинг кучдан бир неча баробар кўпдир. Махлуқлар ўртасидаги душмандлик ва адоват табиий ҳодиса бўлгани учун Худо уларнинг тана аъзоларини бошқалар ҳамласидан сақланишга мослаб яратган. Одамга эса бунинг учун тафаккур ва қўлни ато этди. Одамнинг қўли тафаккур ёрдамида ҳунармандчиликка мослашади ва у ҳайвонларнинг тана аъзоларидек ҳимоя воситалари каби муҳофаза қуролларини яратади. Масалан, найза шохни, қилич ўткир чангални, қалқон қалин терини ва ҳоказоларнинг ўрнини босади. Лекин унинг ёлғиз ўзи бундай мудофаа воситалар билан ҳайвонлар, айниқса, йиртқичлар таҳдидидан ҳимоялана олмайди. Чунки бир одамнинг кучи шунча миқдордаги хафсизлик воситаларни ишлаб чиқаришга сира етмайди. Зеро, бундай ҳимоя қуролларини ишлаб чиқариш кўпгина ҳунармандчилик соҳасининг иштирокини тақозо этади. Бундай ҳолатни биз Форобийнинг қарашларида ҳам кузатган эдик. Фикримизча, унинг таълимотидан яхши хабардор бўлган Ибн Ҳалдун ўз илмий қарашларини ишлаб чиқишда бевосита Форобий фикрларига ҳам таянган, деб ҳисоблашга тўлиқ асос мавжуд.

Ибн Ҳалдуннинг юқоридаги фикрларидан маълум бўлаяптики, одамдаги энг муҳим имконият бу ундаги фикрлаш қобилиятидир. Шу ерда собиқ тоталитар тузум даврида унинг илмий фаолияти материалистик талқин негизида таҳлил этилганини таъкидлаш лозим. Гуёки, ўз таълимотида у табиат ва жамият муносабатларини таҳлил этиш учун илоҳиятга рамзий маънода мурожаат қилишни амалга оширди. Амалда эса моддиюнчилик тамойилига риоя қилган деган асоссиз иддаолар билан дуч келамиз. Ҳатто, унинг таълимоти В.И.Ленинни ҳам қизиқтириб, у “Шарқда бундай мутафаккирлар яна бўлганми?” деган саволни берган, деб даъво қилинишини айрим олимлар ўз асарларида кўрсатиб ўтганлар[1]. Ҳолбуки, у ўзининг ҳар бир муҳим фикрларини изҳор этишда илоҳиётни зикр этади ва қуйидаги мулоҳазалари уни материалистик таълимотдан узоқлигини кўрсатади. “Ақл ва руҳ жисмсиз ва номоддийдирлар”[2].

Унинг асарларида илгари сурилган илмий хулосаларнинг мазмуни ва ўзига хослигини холис тарзда тушуниб етишимиз учун эса бу асарлардан тўлиқ хабардор бўлиш талаб этилади. Бахтга қарши, унинг асарлари ўзбек тилига ҳали таржима қилинмаган. Биз ўз тадқиқотларимиз, жумладан, мазкур илмиймақолани таёрлашда ўтган асарнинг 60-80 йилларида рус тилида чоп этилган адабиётларга мурожаат қилаяпмиз. Ҳолбуки, ўша даврда ҳам Ибн Ҳалдуннинг асарлари тўлиқ нашр этилмаган, фақат айрим асарларидан парчалар келтирилиб, улар рус тилига таржима қилинган. Лекин улардан маълум бир маънода, бирламчи манба сифатида фойдаланишимиз мумкин, албатта. “Муқаддима”да яна бир жиҳат ўзининг муҳимлиги билан ажралиб туришига эътиборни қаратмоқчимиз. Асарда Ибн Ҳалдун одам зотини аввалambор, ҳайвонот оламидан унга берил ган фикрлаш қобилияти ту файли кескин фарқ қилишини таъкидлаб, ундаги тафаккурни 3та турга ажратади.

Биринчиси, одамнинг табиий ва кишилар томонидан ўрнатилган ташқи ҳодисаларнинг тартибини англаши орқали ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга қодир

[1]Игнатенко А.А. Ибн-Халдун. – Москва: Мысль, 1980.

[2]ИБН-ХАЛДУН. Введение (фрагменты).перевод С. М. Бациевой// Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. Составители: С.Н.Григорян и А.В.Сагадеев. –Москва.: Изд. Социально-экономической литературы, 1961.

бўлишига йўналтирилган. Тафаккурнинг бу тури одам тасаввурларининг катта қисмини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, у «фарқлайдиган қобилият», деб номланади. Унинг шарофати билан одам ўз турмуш эҳтиёжлари учун зарур бўладиган воситаларга эга бўлади ва ҳаётидаги фойдалиликни зарарлиликдан фарқ қилишга эришади.

Иккинчиси, унга мувофиқ, одам кишилик жамиятида ўрнатилган дунёқараш ва тартиб-қоидаларга амал қилади. Бундай тартиб-қоидаларнинг катта қисми ҳаётий тажриба негизида, давомли тарзда шундай ташкил этиладики, проварида улар инсонларга фойда келтиради. Шу туфайли у тажрибавий тафаккур, деб номланади. Ҳозирги кун социологиясида бу ҳолат ижтимоийлашув жараёни сифатида таърифланиши бежиз эмас экан.

Учинчиси, билишда ёки бирор-бир нарса ҳақидаги фикрни юзага чиқаришда фойда келтиради. Бунда ҳиссий идрок қилиш ва ҳаракат билан бевосита боғлиқ эмас. Тафаккурнинг ушбу тури – мушоҳидага асосланган, яъни абстракт тафаккурдир.

Ибн Ҳалдуннинг фикрича, одамнинг уни ўраб турган оламдаги ҳеч бир хатти-ҳаракати ҳар қандай нарсанинг бошқаси билан боғлиқлигининг сабабини дастлабки тасаввурни шакллантирмасдан амалга оширилишининг иложиси йўқдир. Фақат шундай мулоҳазадан кейин одам муайян ҳаракат содир қилиши мумкин. Одамнинг тафаккур қилиш қобилияти туфайли унга ердаги барча жониворлар бўйсинтирилганини Ибн Ҳалдун Қуръон ояти асосида таъкидлайди. Демак, унинг фикрича одам ўзида мужассамлашган фикрлаш сифати билан бошқа махлуқотлардан фарқ қилар экан, кишилар ўртасидаги фарқ ҳам айнан тафаккур қилишнинг даражаси асосида ўрнатилади. Зеро, у ёки бу одамнинг ҳодисаларнинг сабаби, оқибати ва кетма-кетлигини қанчалик даражада фикрлаш орқали кузатиб боришига қараб, унинг ақл кучи аниқланади.

Ибн Ҳалдуннинг фикрича, шундай одамлар борки, улар бир-биридан кейин келадиган икки ёки уч ҳодисанинг ўзаро сабабли боғлиқлигини тасаввур қила оладилар. Айрим кишилар эса шундай ҳолатдаги беш, ёки олтита ҳодисанинг алоқасини ўз тафаккурлари ила кузата оладилар. Айнан ўшалар ақлнинг энг юқори даражадаги кучига эга ҳисобланадилар.

Абу Наср Форобийнинг кишилардаги фикрлаш қобилиятининг маҳсули бўлган ривожланиш жараёнига табиий иқлимнинг таъсири ҳақидаги ўзига хос ёндашуви ҳам Ибн Ҳалдун томонидан ижодий тарзда, янада юксак савияга кўтарилган десак, сира муболаға бўлмайди. Агарда Форобий табиий кўникма ва ахлоқ, характер ва тилни кишилардаги фикрлаш салоҳиятини оширувчи ҳамда жамият ривожининг ўзига хос омили, деб эътироф қилса, Ибн Ҳалдун эса иқлимларнинг ранг-баранглиги ҳам бу жараёнда аҳамиятли ўрин топишини таъкидлайди. Чунончи, у иқлимларни мўътадил ва номўътадил шаклга эга бўлган 7та турини ажратиб, уларнинг ҳар бирини ўзига хос сифатга эга эканлигини тавсифлашга ҳаракат қилади. Турли иқлимда истиқомат қилувчиларнинг турмуш тарзи ҳам турлича бўлишини у уй-жойлар қурилишида ишлатилаётган материалларга боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади. Масалан, мўътадил иқлимда яшовчилар уйларини тошли пойдевор устига қурсалар, номўътадил иқлимдагилар эса лой ва қамишдан қуришига у ўз эътиборини қаратади.

Шундай қилиб, иқлим ҳам одамларнинг ақлий қобилиятига ва ҳаёт сифатининг даражасига фаол таъсир кўрсатади. Ибн Ҳалдуннинг юқоридаги фикрларига таяниб, биз ҳам мазкур масала бўйича қуйидаги мулоҳазаларимизни илгари суришга жазм этдик: бизнинг мамлакат ҳам мўътадил табиий иқлим ҳукмронлик қилаётган минтақада жойлашган. Унга мувофиқ ҳудудимизда барча фаслларда муайян меъёр мавжуд. Масалан, қиш жуда совуқ келмайди, албатта, чилладаги 10-15 кундаги қахратон совуқни ҳисобга олмасак. Умуман бу фасл минтақамизга хос тарзда бўлади ва шимолий мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Баҳор фасли ҳам шундай хусусиятга эга, ёғингарчилик ҳам вақти-вақти билан, кишига ёқимли тарзда таъсир қилиш хусусияти орқали содир бўлади ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига ўхшаб ёмғир хафталаб, “челакдан қуйгандек” ҳолатда бўлмай, ҳалокатли сел ҳодисаларини деярли келтириб чиқармайди.

Ёз фасли ҳам ўзгача кўринишда бўлиб, кунлар етарли даражада исийди, жазирама иссиқ фақат чилла вақтида ва у ҳам 10-15 кундан ошмайди, лекин жазирамалик ҳолати экваторга яқин мамлакатлар каби фасл давомида сақланиб турмайди ва ҳаво температураси $+55\text{-}60^0$ даражада бўлмайди. Мамлакатимиз аҳолиси кузни ҳақиқатан "олтин куз", деб бежиз атамайди. Бу фаслда илиқлик даражаси мўътадил, ёғингарчилик вақти-вақти билан, асосан октябрнинг 20-кунларидан бошланди. Ушбу мисоллардан қуйидаги этно-социологик хулосани чиқарса бўлади, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимиз аҳолисининг характери ҳам мўътадиллик хусусиятига эга: ўзбекни бирор-бир ҳодисадан қаттиқ таъсирланиб, жаҳли чиқиши дарҳол юз бермайди, агарда бундай ҳолат юз берган тақдирда, бир оз вақт ўтиб, у яна ўзининг нормал эмоционал ҳолатига қайтади. Иссиқ иқлимда туғилиб ўсган кишилар ҳис-ҳаяжонга жуда тез берилувчан ва сержаҳл характерга эгалар. Бу ҳолат уларни ўта жазирама шароитида туғилиб, вояга етганликлари билан изоҳланиши мумкин. Балки, айнан шу сифатлар қора танли кишилар асосан спортнинг агрессив турларидан ҳисобланган профессионал боксда фаолият кўрсатишларига сабабдир. Шимолий мамлакатларнинг фуқаролари характерида ўта совуққонликни кузатиш мумкин. Уларнинг ҳис-ҳаяжонини унча-мунча сабаб билан қўзғатиб бўлмайди. Демак, Форобий ва кейинроқ Ибн Ҳалдун томонидан табиий иқлим шароитини миллат дунёқараши, яъни менталитетининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган восита сифатида тан олиниши илмий асосларга эга, жуғрофий муҳит эса жамият ривожининг муҳим бир омил бўлиб хизмат қилади, деб ҳисобласак муболаға бўлмайди.

Абу Наср Форобий ва Ибн Ҳалдун томонидан рационализм тамойилига асосланиб ишлаб чиқилган илмий хулосалар ижтимоий тараққиётнинг замонавий таълимотлари ҳамда тамойиллар учун ҳам ўзининг долзарб аҳамиятини ҳам сақлай олган қимматли тарихий-маданий меросдир, деган фикрни дадил илгари суриш мумкин.[1] Жумладан, ҳориж ва мамлакатимиз социологлари ҳам мазкур меросдан унумли тарзда фойдаланишларига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Социология фанлар доктори Р.Т. Убайдуллаева мазкур мерорсга таяниб, "Рационалликнинг шарқона тури ўзининг уюштирувчанлик хусусияти билан ажралаб туради. У умумий манфаатни кўзлашга, шахснинг маънавий-ахлоқий сифатлари, хусусан унинг туйғуларини қадрлашга йўналтирилган мазмунни тараннум этади. Агарда Ғарб рационаллиги ҳақиқатни ҳуқуқ сифатида тушунса, Шарқ рационаллиги учун эса ҳақиқат маъсулият ва авторитет бўлиб гавдаланади. Шунинг учун айрим мутахассисларнинг фикрича, замонавий конфликтлар – бу икки цивилизация, қадриятлар ва устуворликлар ўртасидаги келишмовчиликлардир"[2].

Хулоса қилиб айтганда, жамият аъзолари фикрлаш тарзининг юксалиб бориши масалалари тадқиқотини олиб боришда Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий таълимотларида ўз асини топган рационалистик ғоялар муҳим тарихий-илмий манба сифатида хизмат қилиши исбот талаб қилмайдиган феномендир.

СОЦИАЛ ИНФРАТУЗИЛМА ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА

Хусанова Х.Т. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси доценти,соц.ф.н.*

Замонавий жамиятларда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар инсон ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида тарихан шаклланган ижтимоий-маданий меъёр ва қадриятларнинг ўзгаришига, турмуш тарзи, кундалик ҳаёт ва меҳнат фаолияти, турли гуруҳлар ва қатламларнинг мавқеи ва мақомига ўз таъсирини ўтказмоқда. Одатда бу каби

[1]Холбеков А. Бошқарув социологияси. – Тошкент: Академия, 2007.
[2]Убайдуллаева Р.Т. О социальной рациональности и ее типах//Социс, 2013.№11.

ўзгаришлар ва бурилишлар аҳолининг ижтимоий ожиз қатламлари, жумладан ногиронлиги бор кишилар ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий-физиологик ҳолатида кескин акс-садо беради. Жаамиятнинг худди шундай ижтимоий ожиз қатламларининг меъёрий турмуш тарзини таъминлаш тизими компонентларидан бири эса социал инфратузилма саналади.

Социал инфратузилма – аҳолининг меъёрий турмуш тарзини таъминловчи тармоқлар ва корхоналар йиғиндисидир. Бунга, тураржойлар, унинг қурилиши, ижтимоий-маданий аҳамиятли объектлар, уй-жой-коммунал хўжалигининг барча соҳалари, соғлиқни сақлаш, таълим, мактабгача тарбия муассасалари, дам олиш ва ҳордиқ билан боғлиқ ташкилотлар ва муассасалар киради. Шунингдек, чакана савдо, жамоатчилик овқатланиши хизмат соҳаси, спорт-соғломлаштириш муассасалари, йўловчи транспорти ва аҳолига химат кўрсатиш соҳасидаги алоқа, ҳуқуқий, молиявий-кредитлаш хизматини кўрсатувчи муассасалар тизими (юридик маслаҳат, нотариус хизмати, жамғарма кассалари, банклар ва ҳ.к.) киради.

Социал инфратузилма самарадорлигини таъминловчи бош омиллар, қуйидагилар саналади:

1. Истеъмолчилик – бу бош омил саналади (аҳолининг жойлашиши);
2. Табиий-заҳирали омил – сув ҳавзалари, ўрмонлар, тоғлар билан боғлиқ;
3. «Фанга йўналтирилган» омил – илмий-тадқиқот марказлари, олий таълим (академик даража);
4. Транспорт омили[1].

Авваломбор шуни алоҳида таъкидлаш шартки социалинфратузилмага аниқлик киритишда уни тукумлашнинг нисбатан кенг тарқалаган шаклидан бири бу иқтисодий соҳа бўлиб, у иккига бўлинади, яъни, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳамда ноишлаб чиқариш ёки социал инфратузилма[2].

Социал инфратузилма бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ тармоқ ва тармоқ ости бўлиб, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаолияти, маданий, маиший, ижтимоий ва шахслараро муносабатларидаги фаолиятида шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган. Ўз ўрнида, социал инфратузилма қуйидаги турларга бўлинади:

1) Ижтимоий-иқтисодий – шахснинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият);

2) Маиший – аҳолининг ҳаётий фаолияти учун маълум шарт-шароитларни яратади (чакана савдо, коммунал хўжалиги, уй-жой фонди ва ҳ.к.)[3].

XX асрнинг ўрталаридан бозор иқтисоди ривожланган давлатларда социал инфратузилманинг ривожланиш жараёни тезлашиб кетди. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

Биринчидан, ишчи кучи сифатини юқори интеллект, мустаҳкам соғлиқ, меҳнат мотивациясини ўзгариши ҳисобига кескин ошишини талаб этди. Бу ўз ўрнида, социал инфратузилманинг турли соҳалари ривожига туртки берди.

Иккинчидан, социал инфратузилма соҳалари ва тармоқларида сифат жиҳатидан янгиланган моддий-техник база яратилди.

Учинчидан, илмий-техник тараққиёт ишчи кучининг моддий ишлаб чиқариш соҳасидан хизмат кўрсатиш, жумладан, социал инфратузилма соҳасига қайта тақсимланишига олиб келди. Шу тариқа, социал инфратузилма оъектларининг ривожланиши, самарали фаолият юритиши, аҳоли ундан фойдаланишида тенг имкониятлар яратилганлиги мамлакат аҳолисининг асосий қисми турмуш даражасининг кўтарилиши ва сифатини ошиб боришида асосий шартлардан саналади.

Давлат ижтимоий ожиз қатламлар, хусусан, ногиронлиги бор кишилар, ёлғиз кексалар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдамга

---

[1]Сафронов Н.А. Экономика организации. – М.:Экономистъ, 2004. – 251 с.

[2] Кокурин Д.И., Назин К.Н. Формирование и реализация инфраструктурного потенциала экономики. – М.: Транслит, 2011. – С. 54-55.

[3]Кокурин Д.И., Назин К.Н. Формирование и реализация инфраструктурного потенциала экономики. – М.: Транслит, 2011. – С. 248-250.

бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олади. Хусусан, бундай қатламларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган дастурларини амалга оширилиши, уларнинг жамиятда социал интеграцияси учун зарурий инфратузилмани яратилишини кафолатлайди.

Имконияти чекланганлик бўйича Бутунжаҳон маърузага кўра қуйидаги ҳолатлар кишиларнинг меъёрий ҳаётига тўсиқларни яратувчи омилларни шакллантирмоқда, булар:

- номукаммал инфратузилма ёки ижтимоий меъёрлар боис имконияти чекланган кишилар эҳтиёжлари доим ҳам эътиборга олинмаслиги мумкин. Масалан, ногиронларга мўлжалланган инклюзив таълим бўйича ушбу маърузада кўрсатилиша мониторинг натижалари 28 давлат иштирокчилардан 18 тасида таълимнинг ушбу тури борасидаги маълумотлар аҳолига етказилмайди;

-хизматлар доирасининг торлиги имконияти чекланган кишилар тиббий-санитар, реабилитация, қўллаб-қувватлаш хизматларидан фойдаланишда танқисликни шакллантиради;

- хизмат кўрсатишдаги муаммолар хизматларнинг мувофиқлаштирилмаганлиги боис сифатсиз бўлиб қолмоқда. Бу борада жаҳоннинг 51 давлатида ўтказилган тадқиқот кўрсатишича, ногиронлиги бор инсонларга хизмат кўрсатишда мутахассисларнинг билим ва кўникмалари талаб даражасида эмас;

- молиявий танқислик турли давлатлар ва минтақаларда хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш самарадорлигига асосий тўсиқ саналади. Масалан, иқтисодий ривожланган давлатларда ногиронларнинг атига 20-30% кўрсатилаётган хизматлардан қониқмасалар, ривожланаётган давлатларда бу кўрсаткич икки-уч карра каттадир[1].

Хуллас, жисмоний ва руҳий соғлиғида муаммолари бор инсонлар эҳтиёжларининг тўлақонли қондирилмаслиги ўз ўрнида, қуйидаги соҳаларда уларнинг ортда қолишига олиб келади:

Таълимдаги ютуқларининг пастлиги – бошланғич мактабга қатновчи ногирон болаларнинг нисбий кўрсаткичи Ҳиндистонда 10%ни ва Индонезияда 60%ни ташкил этади. Шарқий Европада эса кўпгина ногирон болалар мактабга бормайдилар.

Иқтисодий фаоллик даражасининг пастлиги – ногиронлар орасида ишсизлик юқори бўлиб, жаҳон миқёсида Соғлиқни сақлаш бутунжаҳон ташкилоти маълумотларига кўра эркак ногиронларнинг атига 35%, аёл-ногиронларнинг 20% иш билан банд холос. Ногиронларнинг ўртача иш билан бандлиги 44%ни ташкил этган ҳолда соғлом инсонларнинг бу кўрсаткичи 75%ни ташкил этди.

Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг 67 сессиясида «Ногиронлиги бор инсонларни қўллаб қувватлашнинг 2014-2021 йилларга мўлжалланган глобал Режаси» қабул қилинди. Ушбу режа дунё миқёсида ногиронликнинг турли шаклларидан азият чекаётган 1 млрд. киши ҳаёти сифатини яхшиланишида туртки бўлиб хизмат қилади[2]. Ушбу режа бўйича ҳаракат дастури уч вазифадан иборат:

- соғлиқни сақлаш хизматлари ва дастурларидаги тўсиқларни бартараф этиш ва тенг имкониятларни яратиш;

- тиббий-ижтимоий ишда реабилитация, абилитация, кўмакчи технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

-ногиронликни тадқиқ этишни қўллаб-қувватлаш, уни халқаро кўламда ташкил этилишига ёрдамлашиш.

Ногиронлиги бор кишиларга зарурий инфратузилмани яратилиши уларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлиги ҳамда малакасини ошириш кабилар, мактабгача ва ўрта мактаб таълими, оилада ҳамда мустақил таълим олиш усулларига таянган ҳолда давлат таълими стандартлари асосида, ишлаб чиқариш фаолиятидан ажралган ёки ажралмаган тарзда амалга

[1]Haualand H, Allen C. Deaf people and human rights. Helsinki, World Federation of the Deaf and Swedish National Association of the Deaf, 2014.

[2] Haualand H, Allen C. Deaf people and human rights. Helsinki, World Federation of the Deaf and Swedish National Association of the Deaf, 2014

оширилади. Улар одатий меҳнат шароитлари асосида фаолият олиб борувчи корхоналарда, ихтисослаштирилган ташкилотларда, ногиронлар кучидан фойланувчи цех ҳамда бўлинмаларда, шу каби хусусий-меҳнат ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиботларида қонунчилик томонидан белгиланган барча тузилмаларда фаолият юритиш ҳуқуқига эга. Шу қаторда меҳнат шарт-шароитлари, хусусан иш ҳақи, иш тартиби, меҳнат қилиш ва дам олиш вақти, йиллик ҳамда қўшимча меҳнат таътили давомийлиги ногиронлиги бор кишилар имтиёзларини ҳисобга олувчи амалдаги қонунчилик томонидан тартибга солиб борилади.

Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиеёв ташаббуслари билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш»[1] устувор йўналишлар қаторидан ўрин олган.

Замонавий жамиятларда ижтимоий ожиз қатламларнинг эркин интеграциялашуви, ўз ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, нормал ҳаётий фаолиятига тўсиқ бўлувчи ижтимоий омиллар ҳамон сақланиб келмоқда. Ушбу тўсиқлар боис, имконияти чекланган инсонлар социал изоляция ҳолатида яшайди. Улар учун зарурий ижтимоий нормалар, тиббий ва реабилитация хизматларининг етарли даражада эмаслиги, транспорт, биноларнинг махсус мосламалар билан жиҳозланмаганлиги, ахборот танқислиги каби ноқулай инфратузилма натижасида имконияти чекланган кишилар меъёрий ҳаётий фаолият юритибликларга дуч келадилар.

ЭЛЕКТОРАЛ СОЦИОЛОГИЯНИНГ ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ

Жиянмуратова Г.Ш. *– ЎзМУ Социология кафедраси доценти*

Электорал социология ёки сайловлар социологияси (лот. eligo – танлаш маъносини англатади) социологиянинг сайловолди компанияларида аҳолининг хатти-ҳаракати билан боғлиқ қатор муаммоларни, шу жумладан социал жамоалар ва алоҳида фуқароларнинг сайлов йўналишларини ўрганиш, сайловларда иштирок этишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш соҳаси ҳисобланади.

Электорал социология ҳақида гапирар эканмиз, аввалambор сайлов ва социология тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги, шунингдек ушбу алоқадорликнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз бўлади. Демак, сайловлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотлар бошқа бир пайтларда ўтказиладиганларидан бирмунча фарқ қилади, ушбу фарқларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- ✓ социологларнинг тадқиқот давомида берган хулосаларидан тортиб то уларни текширишгача бўлган муддат жуда қисқа вақт давом этади, шунинг учун тадқиқот марказларининг иш юритиш қобилияти ва ишончлилик даражаси жуда тез аён бўлади.
- ✓ сайловолди тадқиқотлари ўзига хос рақобат майдони, кейинги фойдали буюртма ва таклифлар учун рақобат шакли бўлиши бежиз эмас.
- ✓ маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш усулларининг кенг арсенали қўлланилади ва бу қаттиқ онлайн режимда амалга оширилади.

[1]2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бандида кўрсатилганидек.

✓ бундайшароитдатурлимутахассисликвамалакали социологларданфойдаланиш, бошқафанвакилларинингиштирокиталабэтилади.

✓ социологларнинг сайловолди ташвиқотлари фаолияти бошқа соҳаларда бўлмаганидек, оммавий қизиқишни кучайтиради, оав социологик маълумотлардан фойдаланади.

✓ кузатувчилар, сиёсатчилар, таҳлилчилар ва б. сайловолди давридаги хулосаларида аниқ социологик маълумотларга таянадилар, чунки улар фақат социологик ўлчовлар орқали жамоатчилик фикрининг табиати ва йўналиши, сайловчиларнинг кайфияти ва ниятлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Электорал социологиянинг фан сифатида шаклланиши тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, биз ушбу фаннинг ватани сифатида албата АҚШни эътироф этамиз. АҚШ – электорал социологиянинг, шунингдек ушбу фан доирасидаги асосий мактаблар, услублар ва техникалар ватанидир. Сайлов жараёнлари, хусусан улар таркибида сайлов хулқ-атвори XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб АҚШда ижтимоий фанларнинг тадқиқотлари мавзуси бўлиб келган. Бу борада аввалambор, электорал социология ривожланишининг биринчи босқичи сифатида овоз бериш натижаларини башорат қилиш учун сайлов куни овозларни санашнинг махсус тизими йўлга қўйилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз бўлади. Социология тарихида бу ҳодиса “сомонли сўровлар” (straw-Polls) номи билан пайдо бўлган. “New Political Dictionary” нашри инглиз юристи Ж.Селденни[1] “сомонли сўров” атамасининг муаллифи деб атайди, у қуйидаги сатрларни ёзган: “Сомонни олиб, уни ҳавога улоқтиринг – шамол қаерга эсаётганини кўришингиз мумкин”[2]. Бу атама дарҳол илмий муомалага киритилмаган, лекин 1866 йилга келиб “Clevel and Leader” газетасида: “...кеча поездда ўтказилган сомонли сўров натижалари ... кўрсатди”[3], сатрлари билан мақолалар нашр этилган.

Сайлов участкалари тадқиқотчиси К. Франкович 1824 йилда Американинг “American Watchmanand Delaware Advertiser” газетасида эълон қилинган эслатмадан иқтибос келтиради: “Биз ҳурматли фуқароларимизни ушбу ташаббусда – аҳолининг фикрларини аниқлашда иштирок этишга чорлаймиз. Вашингтондаги ва бошқа жойлардаги сиёсатчиларга халқнинг хоҳиш-иродаси тўғрисида хабар беринг ва агар бу муаммони ҳал қилмаса ҳам одамлар ҳеч бўлмаганда маълумот оладилар ...”[4].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, XIXасрбошидаги АҚШ сайловтизимининг хусусиятлариданкелибчиққанҳолда,
бундайанкеталарнингянабирмуҳимфункцияси намоён бўлади. Бу даврда барча фуқаролар ҳам овоз бериш ҳуқуқига эга эмас эди, шунинг учун анкеталар аниқ норасмий сайловларга айланган ва шу билан фуқаролар агар овоз бериш имкониятига эга бўлганларида кимга овоз беришлари мумкинлигини кўрсатган.

Б.З. Докторов ўзининг “Сомонли сўровлардан тортиб то Гэллапдан кейинги овоз бериш усулларигача” асарида электорал социологияшаклланишининг биринчи босқичини уч даврга бўлишини таклиф этади[5]:

✓ сомонли сўровлардан олдинги тарих (1789-1824);

✓ сомонли сўровларнинг йўлга қўйилиши ва кенгайтирилиши даври (1825-1915);

✓ “Literary Digest” журнали даври (1916-32).

Сомонли сўровлардан олдинги даврда АҚШда президентлик институтининг пайдо бўлиши жараёни, шунингдек жамиятнинг, айниқса ижтимоий элитанинг турли ҳокимият институтларининг роли, шунингдек, Америка матбуотининг шаклланиши, унинг фаолиятини

[1]Жон Селден (1584-1654) – инглиз ҳуқуқшуноси, ҳуқуқ тарихчиси, антиквар, сиёсий арбоб.

[2]Политическая социология в 2 ч. Часть 2. Изд. 2-е, исп. и доп. Учебник и практикум для академическогобакалавриата / под ред. Т.В. Евгеньевой. – М.: Юрайт, 2018. – С. 132.

[3]At a Glance: The Iowa Straw Poll // Washingtonpost.com. 13.08.1999. URL: http://www.washingtonpost.com/wp-srv/politics/campaigns/wh2000/ stories/strawpoll081399.htm.

[4]Frankovic K.A. Election Polls. The Perils of Interpretation //Media Studies Journal. 2000. Vol. 14.No. 1.P. 104-109.

[5]Докторов Б.З. От соломенных опросов к постгэллаповским опросным методам. – М.: Радуга, 2013.72 с.

тартибга солиш ва унинг АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини аниқлаш бўйича қарашлари тизими шаклланиши даври бўлган. Сайловлар прогнозларига қизиққан сиёсий гуруҳлар 1824 йилги президент сайловларининг эҳтимолий натижаларини 1821 йил бошида баҳолай бошлаганлар, шунингдек 1824 йилда компания давомида маълумот тўплашнинг тўртта усулини қўллаган ҳолда сўровномалар ўтказган[1]. Шунинг учун айрим тадқиқотчиларэлекторал социология фан сифатида АҚШда президент сайловлари институтини ташкил этиш пайтида пайдо бўлган, деган хулосани беради.

Бевосита сомонли сўровларнинг йўлга қўйилиши ва кенгайтирилиши даврига тўхталадиган бўлсак, унинг дастлабки босқичларида сўровлар асосан газета нашрлари томонидан ўтказилган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб сомонли тадқиқотлар янада мураккаблашиб кўп босқичли тадқиқотга айланган.Хусусан, 1883 йилда АҚШнинг “The Boston Globe” газетаси сайловлар натижасинибашорат қилиш учун ўша давр учун маълумот тўплашнинг инновацион усулидан фойдаланган, яъни сайлов арафасида нашрларнинг кузатувчилари алоҳида сайлов округларига юборилган ва шундан сўнг уларнинг ҳисоботлари асосида штат сайловларининг натижалари башорат қилинган. Бошқа нашрлар, хусусан, “Chicago Records” газетасиҳам бу даврда 60 минг долларлик анкета сўровномасини ўтказиб, сайловлар натижаларини тўғри прогнозлайди[2]. Кейинчалик бундай сўровлар ўтказадиган нашрлар сони кенгайиб борган. Хусусан, “Literary Digest” журнали улар ичида энг муваффақиятлиси ҳисобланади.

“Literary Digest” журнали 1916 йилдан бошлаб сомонли сўровларўтказа бошлади. Шунингдек, 1920 йилда 11 млн, 1924-йилда 16,5 млн, 1928 йилда эса 18 млн дона карточка тарқатган ҳолда сўровномалар ўтказди ва сайлов натижалари бўйича тўғри прогнозларни берди. 1932 йилги прогноз журнал тарихида энг аниғи бўлиб қолди. 1932 йил 5 ноябрда журнал губернатор Рузвельтнинг 55,99% овозга эга бўлиши ва 474 сайловчилар тарафдорларига эга эканлиги тўғрисида далиллар эълон қилди. Расмий статистика мосравишда 57,4% овозва 472 сайловчининг овозларини берди[3]. Шундай қилиб, “The Literary Digest” журнали ҳеч қачон ўз прогнозларида хато қилмади, 1920 йилдан 1932 йилгача президент сайловлари натижаларини прогноз қилди ва шу билан обуналар сонини икки миллион нусхага кўпайтирди. Сомонли сўровлар электорал социологиянинг ривожланиши муҳим босқич ҳисобланиб, электорал социологияда илмий услублар ва техникаларни янада ривожлантиришга асос бўлган пойдевор яратдилар.

АҚШда XX аср 30-йилларининг охирида электорал социология институционаллашув босқичига ўтди. Ушбу босқич сиёсий қарашлар ва электорал хулқ бўйича тадқиқотлар олиб борадиган тадқиқот марказларининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Бундан ташқари, профессионал ҳамжамиятни шакллантириш жадал суръатлар билан олиб борилган ва университетларда электорал социологияни мустақил фан сифатида ўқитишбошланган.

Бундай марказлар орасида 1935 йилда ташкил этилган Гэллап институти алоҳида ўрин тутади ва бугунги кунда ҳам у дунёнинг кўплаб мамлакатларида тадқиқотлар олиб боради. Институт асосчиси Ж. Гэллап сайлов жараёнларини ўрганишнинг бир қатор усул ва техникаларга сифатий ўзгартиришлар киритди, биринчи навбатда, у сайловолди сўровларининг танланма усулини ишлаб чиқди ва такомиллаштирди. Демак, ушбу даврдан бошлаб биз электорал социологиянинг тўлақонли мустақил фан сифатида ўзини намоён қила бошлаган, деган хулосага келишимиз мумкин бўлади.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим тизимида 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 5А210101 – Социология (йўналишлар бўйича) мутахассислиги ўқув режасига киритилган ва ўқитила бошлаган электорал социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланиши тарихи ҳақида

[1]Қаранг: Smith T. The First Straw? A Study of the Origins of Election Polls // Public Opinion Quarterly. 1990.Vol. 54. No. 1. P. 21–36.

[2]Қаранг: Gallup G., Rae S. F. The Pulse of Democracy: The Public-Opinion Poll and How It Works. NewYork: SimonandSchuster. 1940.

[3]Қаранг: Докторов Б.З. От соломенных опросов к постгэллаповским опросным методам. – М.: Радуга, 2013.72 с.

етарлича маълумотлар берилди, деб ўйлаймиз. Келгуси ишларимизда ушбу фаннинг ўзига хос тарздаги ривожланиш босқичлари ҳақида маълумотлар бериб ўтишни мақсад қилиб оламиз.

СОЦИОЛОГИК ДИСКУРС – МУРАККАБ ВА КЎП ЎЛЧОВЛИ ҲОДИСАДИР

Сияева Г.А. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА*
“Хорижий тиллар” кафедраси доценти

“Аҳоли билан очиқ, тенг мулоқотни ташкил этиш
бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир”[1]
Ш.М.Мирзиёев

Социологик дискурсни мураккаб ва кўп ўлчовли ҳодиса деб қарашимизнингсабаби унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, тарихий тизимлилик, функционал концептуал ва бошқа жиҳатлари борлигидадир. Шунинг билан бир қаторда, социологик дискурсни бир бутун бирликда қараш, дунёқараш сифатида баҳолаш, таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Социологик дискурс кўп тармоқли билимлар тизимини ўз ичига қамраб олганлиги боис унинг асосий таркибий қисмлари, шаклланиш босқичлари бошқа ижтимоий фанлар билан муносабати ҳозирча тўла ўрганилмаган. Социологик дискурснинг тадқиқот объекти ва предмети ҳақида ҳам мунозаралар давом этмоқда.

Социологик дискурс ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг таркибий қисмидир. Социологик дискурс объектив борлиқ сифатида мавжуд бўлиши билан бирга, ижтимоий тил, ижтимоий матн ва ижтимоий нутқ тарзида ҳам намоён бўлади, яъни у ижтимоий борлиқ сифатидаги муайян тушунчалар, категорияларда ифодаланади. Шу маънода, социологик дискурсдаги аниқ ва ноаниқ шакллар ҳар қандай жамиятда бирга яшайди. Социологик дискурснинг вазифаси ижтимоий дунёдаги фикрлар, ғояларни англаб етиш ва тушунчалар моҳиятини очиб беришда тил имкониятларини рационал баҳолашдан иборат деб қаралади. Социологик дискурс ижтимоий тил билан боғлиқ фактларни оддий ва қуруқ тартибга солиш билан шуғулланмайди, балки унинг моҳиятини очиб беради. Социологик дискурс ижтимоий-сиёсий мулоқотдаги бутун билан бўлак, умум билан якка, назария билан амалиётнинг ўзаро нисбати, эркинлик, адолат, тенглик, озодлик масалаларини мулоқот билан боғлиқ ҳолда ўрганади[2].

Социологик дискурс тил билан боғлиқ умумий тенденция, тамойиллар, қонуниятлар билан шуғулланар экан: ***“ишонтириш ва иноитириш”,“жамият”, “демократия”, “фуқаролик”, “инсон капитали”, “ҳокимият”, “халқ билан мулоқот”, “одамларни рози қилиш”***тушунчаларини изоҳлаш билан бирга, ҳар бир умумий тил қоидалари муайян шароитда, конкрет халқ, миллат ҳаётида ўзига хос шаклда намоён бўлишини ҳисобга олади.

[1] Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017й. 44-бет.
[2]Dijk T.A. van Ideology and discourse. A multidisciplinary introduction, 2001. //[Электронныйресурс]. Режимдоступа: www.discourses.org/Unpublished/ideo-dis2.htm.

Маълумки, инсон ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқ масалаларни мулоқотга эътиборсизлик билан, унинг муаммоларини ҳал қилмасдан туриб, мақбул ечимларини топа олмайди. Яъни, ижтимоий-сиёсий жараённинг аҳамияти, жамиятдаги ролини ҳисобга олмасдан мулоқотнинг таъсирчанлиги масаласини ҳал қилиб бўлмайди.

Социологик дискурс фақат ижтимоий-сиёсий тажриба сифатини ўзгартириши ёки онгимизда янги имкониятлар очиши, шу пайтгача англанмаган ранг-баранглиқни синтезлаши ёхуд бошқа турдаги ички ўзгаришларни амалга ошириши билан белгиланмайди. Балки у муайян ижтимоий фикрлар ва бошқа ҳаракатларнинг далилларини бир-бири билан баҳам кўрадиган ўзаро ҳамжамият бўлган жамиятга уйғунлашишга ёрдам беради. Социологик дискурс ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни талқин қилишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Яъни, социологик дискурсни ҳеч ким ўйлаб топмайди ва кашф қилмайди, у ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан бирга шаклланади. Социологик дискурсга ижтимоий-сиёсий талаблар қўйилади, уларда ўзига хос тарзда акс этади[1].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади миллий мафкурамиз билан уйғун келади. Унда асосий мақсад халқни рози қилиш, аҳолини турмуш даражасини оширишни ифода этади. Бунда миллий мафкура миллатни-миллат, халқни-халқ қилиш ғоясини илгари суради. Зеро, ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшай олмайди. Шу боисдан ҳам, социологик дискурс тилнинг ижтимоий-сиёсий ўз-ўзини ташкил этиш имкониятлари, қонуниятлари, уни белгиловчи омиллар, шунингдек, ижтимоий-сиёсий атамаларнинг пайдо бўлиши, ўзгариш ва тарқалиши ёки сақлаб қолиш сабаблари билан қизиқади.Унинг кўриниш, мазмун-моҳияти ва қонун-қоидаларини очишга ҳаракат қилади.

Социологик дискурснинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини тўғри баҳолаш муҳим масалалар сирасига киради. Зеро, социологик дискурс ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маданий ислоҳотларни муҳокама қилиш орқали мураккаб воқеликлар ҳақида керакли билимларни ҳосил қилишга ёрдам беради. Билимлар, ўз навбатида, воқелик ва унинг умумий қонун-қонуниятларини ифода этади. Билим ва маърифат ўзаро уйғунликда инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди. Жумладан, машҳур олим Зуннун ал-Мисрий маърифатни “билим нури” деган. Илк ислом алломалари маърифатни “билиш”, “билим”, “билдириш” маъноларида қўллаганлар. Лекин, IX-XII асрларда араб тилида ижод этган

[1]Кожемякин Е. Лингвистические стратегии институциональных дискурсов // Современный дискурс-анализ. 2011 Вып.3. [Электронный ресурс] / Электронное издание. [Обращение к документу 29.08.2014]. Режим доступа: http://www.discourseanalysis.org/st30.html.

олимлар “маърифат” деганда билим орқали эзгуликни тарқатишни тушунганлар. Масалан, ал-Кумарий “Ҳар бир илм бу маърифат, маърифат эса илм, худони англовчи ҳар бир киши маърифатлидир”, – деб ёзган[1].

Социологик дискурсда жамиятнинг ҳақиқий моҳиятини англаш, ижтимоий-сиёсий матндаги турли-туман унсурларнинг хилма-хил функцияларини тушуниб етиш, уларга ҳар томонлама мос муқобил ғояларни топиш кенг қамровли ва мураккаб жараён ҳисобланади. Жумладан, муайян халқ ижтимоий маданияти, дунёқараши, нарса ва предметларни аташдаги ўзига хос хусусиятлар, тушунчалари бошқа халқларникидан фарқ қилади. Бундай ўзига хосликлар шу халқнинг ижтимоий тафаккур шакли, хатти-ҳаракатлари, ижтимоий анъаналари каби ўзига хос хусусиятлари билан бошқа халқлардан ажралиб туради. Натижада фақат шу халққа тегишли бўлган ижтимоий-сиёсий воқеликни ифодаловчи сўзлар вужудга келади, бу сўзлар, англатган тушунчалар ўзга халқлар тилида мавжуд бўлмайди.

Социологик дискурс мулоқот, ижтимоий реаллик ва ижтимоий тафаккур ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, бу ижтимоий муносабатларни ифодаловчи ва изоҳловчи назарий-методологик билимларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларни ўзига қамраб олади.

СОЦИОЛОГИК МАДАНИЯТ – СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Файзиева Ф.Б. *– ЎзМУ Социология кафедраси (PhD) докторанти*

Ҳозирда даврда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг умуман барча соҳаларини демократлаштиришга, соҳалар ривожланишида инновацион технологияларни жорий этишга, инсон салоҳиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Шундай бир шароитда муайян соҳадаги вазиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш ҳамда илғор хорижий ва маҳаллий назарий-методологик воситалардан фойдаланиш асосида уни ривожлантириш вазифаларини давом эттириш хусусида социологик сўровлар ўтказишнинг янги ва замонавий тадқиқот амалиётини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг "Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони қабул қилинди[2]. Ушбу фармон социологик тадқиқотларни ташкил этишга бўлган катта эътибордан далолат беради, умуман бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан социология соҳасига катта эътибор қаратилмоқда.

Социологик тадқиқотлар инсон ҳаётининг фаровонлигини оширишга ёрдам беради. Тадқиқотлар орқали аҳолининг ҳар бир қатлами ўрганилиб борилади. Социологик тадқиқотларни амалга оширишнинг мақсади инсон омилидир, демак инсон омили учун хизмат қилувчи фаолиятни доимо такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Социологик тадқиқотлар самарадорлигида аҳоли орасида социологик маданиятни шакллантириш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Яъни аҳоли респондент сифатида сўровномада иштирок этишини тўғри англаб етиши лозим. Юзаки ахборот бериш учун эмас, балки

[1]Холбеков А. Маънавий қадриятларни тиклаш, мустақиллик мафкурасини яратишда миллий кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти/ Республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Т., 2015.

[2] Мирзиеев Ш. “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони Тошкент 22 февраль 2019 йил.

жамият муаммоларига ўз қарашлари билан баҳо бера олиши муҳим. Бунда эса аҳоли орасида социологик маданиятни шакллантириш асосий омил ҳисобланади.

Мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларини ўрганиш мақсадида мамлакатнинг барча ҳудудларида аҳолининг фикри эшитилади. Баъзида аҳоли, яъни сўровномада иштирок этувчи респондент нима сабабдан ушбу сўровномада иштирок этаётганини англаб етмайди. Уларда қандайдир ҳадик, саволларга нотўғри жавоб бериб қўймаслик каби чўчиш каби уй ҳаёллар орқали ўз фикрларини очиқ билдирмаслик, ҳаммаси яхши каби юзаки жавоблар бериш ҳолатлари жуда кўп учрайди.

Президентимиз Ш.Мирзиеев томонидан 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда “фуқаролар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онги ҳолати ва мазмунини белгилаш, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш” ни вазифа сифатида айтиб ўтилди. Албатта фуқороларнинг дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларини ўрганиш ва уларни ривожлантиришда айнан уларда социологик маданиятни шакллантириш ушбу вазифа учун муҳим омилдир. Яъни ҳар бир фуқоро атрофида, умуман жамият ҳаётида бўлаётган ҳодисаларга ўз дунёқараши асосида баҳо беради. Фуқоролардаги кенг шаклланган дунёқараш эса, атрофдаги вазиятни чуқурроқ, кенгроқ, тўғри баҳолашга ва вазиятни инсонлар омили учун хизмат қилишга йўналтира олиш учун ёрдам беради.

Ҳўш социологик маданиятга қандай таъриф бериш мумкин. Айни вақтда илмий луғотлар ва кўпгина социологик адабиётларда социологик тасаввур тушунчаси мавжуд бўлиб, “imagination sociological “ ушбу тушунча Ч.Милс томонидан талқин қилинади, яъни инсонлар ўзини англаши, инсонлар ўз интеллекти, онги орқали ўз хатти-ҳаракати бошқариш мумкинлиги акс этади[1].

Социологик маданият шундан иборатки инсон яшашдан мақсадга эришишда нафақат ўзининг, балки атрофида бошқа инсонлар манфаати ҳақида ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади. Яъни бизнинг ўз мақсадларимиз мавжудлиги ҳам айнан атрофимиздаги инсонларнинг ўзаро алоқалари асосида пайдо бўлиб бораверади. Ёшлигимизда бирор мақсад сари интилган бўлсак, каттароқ бўлганда ва бошқа муҳитда яшаётган бўлсак, албатта ана шу мақсадларимиз ўзгаради, баъзида ёшликдаги кўзлаган мақсадларимиз ўзимизга бироз кулгили ҳам туюлиши мумкин. Бизнинг ҳаётимиздаги руҳий, ижтимоий, маънавий ўзгаришлар ижтимоий муҳит ва борлиқ, мавжудликдаги инсонлар ҳатти-харакати, уларнинг алоқалари асосида занжир каби боғланиб бораверади.

Америка ёзувчиси Рэй Бредберининг “И грянул гром” [2] деб номланган илмий-фантастик ҳикоясида жуда катта пул эвазига мезозой эрасига овчилик учун сафари уюштирилади, ушбу сафари қонун қоидаларига кўра, фирма томонидан белгиланган антигравитационйўлакчадан ҳеч қаерга тушмаслиги ва фақат айнан маълум дақиқаларда ҳалокатга учрайдиган диназаврларга ов қилинади. Навбатдаги овда экстремал овларни ҳуш кўрувчи Экельс исимли овчи триннoназаврни кўриб қўрқиб кетади, бу ов доимгидай, асоратсиз тугамайди. Барча овчилар ўз замонасига қайтганда илгариги муҳитдан асар ҳам қолмаганини, либерал-президент бошқарувининг ўрнида диктарор ўтирганини ва хаттоки сўзлашувда бошқа орфаграфик тил пайдо бўлганини сезишади. Бунинг сабаби Экельс ов вақтида антигравитацион йўлакдан бир сония тушиб кетади ва шу вақтда капалакни оёқ кийими билан босиб олган бўлади.

Ана шу сабаб мезозой эрасидаги боғлиқлик занжиридаги арзимаган ўзгариш бутун эволюцияга ўз таъсирини кўрсатади. Рей Бредбери ўз ҳикоясида ҳаётимиздаги ҳар бир ҳатти-харакат ва бунинг оқибатида ким бўлишимиз бизни ўраб турган табиат атроф-муҳит,

[1]Лоусон Т., Гэррод Д. Социология. А-Я: Словарь-справочник. пер. с англ. – М.: Фаир-Пресс, 2000. – С. 444.

[2] Рэй Брэдбери «И грянул гром» Сборник научно-фантастических повестей и рассказов / Составитель К. К. Андреев. — М.: Знание, 1963. — С. 221—235.

инсонлар гуруҳи, воқеалар кетма-кетлиги барчаси бир-бири билан боғланишини кўрсатади, ушбу занжир боғлиқлигида бошқачароқ воқеа, жой ёки умуман муҳитни бошқа бўлиши анча катта ўзгаришга сабаб бўлишини асослаб беради.

Демак, берилган таҳлилда муносабатлар занжири, боғликликвоқеалар занжири бузилган тарзда бутун бир инсоният цивилизацияси ўзгариб кетади. Социология орқали айнан ушбу ***занжирларни боғликлигини ўрганиб, айнан инсон омилига ижобий натижа берувчи занжирнинг давомига ҳалқа қўшишга ҳаракат қилади.*** Ушбу занжирлар ҳалқасини тузишда инсонлар жамоаси, онги катта ўрин эгаллайди. Ижтимоий муҳит, жамоа боғлиқлик воқеалар занжирини ижобий мақсадда шакллантириш учун инсонларнинг ўзи иштирок этиши лозим, яъни социологик маданият ҳар бир инсонда шаклланган бўлиши замонавий реал, шаффофлик замонида асос бўлиб хизмат қилади.

Социологияда ҳар қандай фикр қадрланади, инсоннинг ҳар бир фикри қадрлидир, чунки фикр турли тажрибалар, билимлар, ижтимоий алоқалар, ўзаро муносабатлар, турмушга бўлган қарашлар асосида шаклланган бўлади. Ҳаётимизни фаровон бўлишини ҳохласак, социологик маданиятни ўзлаштиришимиз лозим, яъни социологик маданият шаклланган бўлиши керак. Ҳар бир шахс, инсон ҳаёти давомида социологик сўровномаларга жавоб беришни ўз бурчи деб ҳисоблаши мақсадга мувоффиқдир.

Чунки, социологик тадқиқотлар инсон ҳаётидаги муаммолар ечимини топишга, умуман жамият бошқарувининг инсон омили учун хизмат қилишига ёрдам беради ва буни айнан инсоннинг ўзи яшаш ҳақидаги ўз фикр мулоҳазалари орқали намоён қилади.

Демак, шу ўринда яна бир муҳим нарсани айтиб кетиш жоиз, яъни бугунги кунда аҳолининг социологик маданиятини ошириш учун биз мактабданоқ ўқув фанлари орқали ўргатиб боришимиз лозим. Бола кўпгина билимлар баъзасини бошлағич синф программалари орқали ўзлаштиради.

Жамият доимо ривожланишдан иборат ва янги тўқнашувлар, янги шароитлар, янги муаммолар пайдо бўлиб бораверади. Социологиянинг ўрни эса айнан шунда, жамиятни доим ўрганиб бориш, янги муаммоларни таҳлил қилиб ечим топишдир. Демак жамият қанчалик ривожлангани сари социологияни жамиятдаги ўрни ҳам ошиб бораверади. Унинг мактаб программасидаги ўрни ҳам шунчалик ошиб бормоқда.

Мактаб давриданоқ ўқувчи жамиятни англаши, жамиятдаги муаммоларни таҳлил қилиш учун ўз лойиҳасини ўйлаб топиши ва уни бажариши, келажак авлодда яшаб турган жамият ўзгаришларини тўғри баҳолай олиши, жамиятда ўз ўрнини топишига қатта ёрдам беради. Асосийси барчани ўраб турган оламга, атроф-муҳитга бошқача, эътиборли ёндашади, шу билан бирга ватанпарварлик туйғулари ҳам тўғри шаклланади. Бу эса дунёдаги бўлиш эҳтимоли бўлган навбатдаги жаҳон уришларини ёки кибер уришларни олдини олишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчи мактаб давриданоқ социология каби тушунчага эга бўлса, ушбу ўқувчи уйлаймизки ҳаётнинг ҳар қандай муаммоларига тўғри ечим топа олади. Бугунги кунда социологияга асос солган ва бугунгача социологиянинг ривожланишида ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган олимларимиз ҳақида бемалол ғурурланиб айтишимиз лозим. Шу билан бирга уларнинг ҳаёти ва илмий ижодлари ҳақида ўқувчиларга етказиш ҳам асосий бурчимиз ҳисобланади.

Масалан, бугуннинг ўзбек социологиясига ўз ҳиссасини қўшган олимларимиз мавжуд. Булар Б.Ота-Мирзаев, Р.А.Убайдуллаева, Н.С.Алиқориев, М.Бекмуродов, А.Холбеков, М.Х.Ганиева, А.Умаров каби социолог олимларимиздир.

Болалар мактаб программаси орқали социология фанида жамиятдаги турли ўзгаришларни таҳлил қила олиш ва ўз лойиҳасини ярата олиш кўникмаларига эга бўлиши керак. Шунда мактаб ўқувчиларида ёшлик давриданоқ секин – аста социологик маданият шаклланади. Мамлакатда социологик маданиятнинг шаклланиши аввало давлат бошқарувининг инсон омили учун хизмат қилиш даражасини орттиради.

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ КЎНГИЛЛИЛАР ФАОЛИЯТИ

Ахмедова Ф.М. *– ЎзМУ докторанти*

Кўнгиллилик тушунчаси ёки волонтёрлик (лотинчадан “voluntarius” – кўнгиллилик маъносини англатади[1] нисбатан ривожланиб бораётган йўналишлардан биридир. Кўнгиллилик фаолияти халқимизнинг онгига ва менталитетига чуқур сингиб кетган кўп асрлик қадриятларга эга. Хусусан, “ҳашар”, “жамоавий кўнгиллилик” кабилар волонтёрликнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири ҳисобланади.Кўнгиллиликнинг асосий тамойили бу ихтиёрий танлов бўлиб, шахсий позицияни намаён этади. Мамлакатимизда кўнгиллилик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт бобида катта салоҳиятга эга институт сифатида тараққий этиб бормоқда.

Айниқса, хозирги дунёдаги пандемия холатида кўнгиллилар фаолиятини хар жабхада ўзини фаол намён этаётганларини кузатиб бораяпмиз. Ушбу фаолиятининг мақсадлари жисмоний ва юридик шахсларга, умуман жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда уларни ташкил этувчиларнинг розилиги билан иштирок этиш, жамиятда фуқаролик нуқтаи назарини, ўзини ўзи ташкил этишни, ижтимоий масъулият, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантиришдан иборатлилиги, фуқароларни аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган турли хил жамоат фаолиятига жалб этиш механизмларини шакллантириш, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда жамиятга ёрдам кўрсатиш, волонтёрлик фаолиятини ташкил этишга қаратилган фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, аҳолида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, фуқаролар томонидан ижтимоий вазифаларни ҳал этиш учун ўзини ўзи намоён этиш ва ўзини ўзи ташкил этиш кўникмаларини олиш каби вазифаларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳозирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кўнгиллилар дастури мавжуд бўлиб, ушбу дастур асосида волонтёрлик ҳаракати доирасида бутун дунёда тинчликни ўрнатиш ва ривожланишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кўнгиллилари ўзининг ҳамкорлари билан бирга бутун дунё бўйлаб кўнгиллиларни бирлаштириб, кенг кўламдаги лойиҳа ва дастурларда қатнашиши учун йўл очиб бериш орқали жаҳонда кўнгиллилик ҳаракатини қўллаб-қувватлайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг волонтёрлик, кўнгиллилик ҳаракатига хос бўлган содиқлик, фаоллик, ҳамфикрлилик ва жонкуярлик каби қадриятлар байроғи остида ўз фаолиятини юритади. Бутун дунёда кўнгиллиларнинг саъй-ҳаракати натижасида ҳукуматларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва халқ олдидаги ҳисобдорлиги ошмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кўнгиллиларнинг бош идораси Германиянинг Бонн шаҳрида жойлашган бўлиб, мазкур дастур қарийб 130 та мамлакатда ўзининг кенг кўламли фаолиятини олиб бормоқда. Дастур 80 та мамлакатда ўзининг ҳудудий ваколатхоналарига эга[2].

Мамлакатимизда 2019 йил 2 декабрь куни ЎРҚ-585-сонли “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланди[3]. Қонунга мувофиқ, волонтёрлик фаолияти – жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бепул асосда амалга ошириладиган, жамоат учун фойдали бўлган ихтиёрий фаолият ҳисобланади. Кам таъминланганларни, ишсизларни, кўп болалиларни ва бошқа шу каби шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёрдам кўрсатиш волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш йўналишларидан биридир. Волонтёрлик фаолияти қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

---

[1]https://ru.wikipedia.org/wiki/

[2]Методические материалы к тренингу «Работа с волонтерами: методы и технологии», Центр АННА (Москва), КАРИТАС (Австрия), при финансовой поддержке программы ТАСИС. – М., 2002.

[3]Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.12.2019 й., 03/19/585/4096-сон.

- якка тартибдаги волонтёрлик фаолияти;
- волонтёрлар гуруҳи таркибидаги волонтёрлик фаолияти;
- волонтёрликташкилотиорқаливолонтёрликфаолияти.

Кўнгиллилик ҳаракати, ёки “ҳашар” тушунчаси Ўзбекистонда асрлар давомида мавжуд бўлиб келган. Бугунги кунда мазкур ҳаракат янги шакл касб этиб, бутун мамлакат миқёсида халқ фаровонлигини оширишга қаратилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кўнгиллиларнинг Ўзбекистондаги фаолияти доирасида кўнгиллилик ҳаракатини илгари суришга қаратилган кенг кўламдаги тадбирларнинг ўтказилиши одат бўлиб қолган.

Ёшлар жамиятимизнинг ривожланиши ва юксалишида муҳим роль ўйнайди, шунинг учун уларни қўллаб-қувватлаш катта аҳамият касб этади деб ҳисоблайди. Бутун дунё ёшлари жаҳонда тинчликни ўрнатиш, жамиятнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишга интилади, бироқ бу йўлда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар мавжуд.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотларва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришорганлари қўмитаси раиси Акмал Саидов ушбу қонун юзасидан: “Ўзбекистонда кўнгиллилик ҳаракати кенг ривожланган. Лекин ҳозирга қадар бу масала умуман ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шу туфайли, қонундан кўзланган мақсад ҳам юртимизда кўнгиллилар фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, волонтёрлик фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйишни таъминлаш ҳамда ривожлантиришдан иборат”дир дейдилар[1].

“Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга асосан 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар волонтёрлик фаолиятини амалга ошириши мумкин. Волонтёрлар ушбу фаолиятни амалга ошириш учун волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси ўртасида ёзма шаклда тузилган шартнома асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси, агар у волонтёрлик фаолияти билан ойига 20 соатдан кўпроқ банд бўлса, волонтёр билан волонтёрлик шартномасини тузиши шарт деб белгиланган қонунда.

Ҳозирги кунда дунёдаги коронавирус туфайли эълон қилинган пандемия холатидаги карантин жараёнида ёшларимизнинг ўз жонини тахликага қўйиб кўнгиллилар фаолиятида юртимизда иш олиб бораётгани уларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром ошиб бормоқда. Ёш йигит ва қизларимиз меҳр-шавкат улашишда, эл-юртга хизмат қилишда фидокорона беғараз меҳнат қилмоқдалар.

Шундай қилиб, кўнгиллилик инсонни шахс сифатида ижтимоий мавқейни ривожлантиришда ёрдам беради. Кўнгилли сифати инсон ўзи учун ҳаётда кўп нарсани ўрганиши ва дўстлар орттириши мумкин. Бу, айниқса, ёшлар учун фойидалидир. Кўнгиллилик иши уларда маълум сохаларда маъсулият, бағрикенглик ва профессионалликни ўргатади. Кўнгиллилик бу калбнинг эзгулик сари чақириғи деб биламан. Ва агар сизда шундай туйғу бўлса, унда сиз бу дунёда бахтли одамсиз.

СОЦИОЛОГИЯ КАК ВАЖНАЯ ЧАСТЬ СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВОЗНАНИЯ

Мажидов Ш.Ф. *– Стар. препод. кафедры Гуманитарных и социально-экономических наук,Сам ГосМИ*

Социологическая наука или просто социология бесспорно является одной из важнейших обществоведческих дисциплин современного знания. Сформировавшись в виде целостной научной дисциплины в странах Запада (слово «социология» введено французским

[1]http://protoday.uz/uz/archives/267087.

философом О.Контом в первой половине 19 века) она прошла долгую эволюцию, обогащаясь теориями и парадигмами из других смежных наук, изучающих общество.

Ни одно современное цивилизованное государство в настоящее время невозможно представить без социологии, представленной в виде презентации опросов общественного мнения, рейтингов отдельных политиков, предпочтений населения по тем или иным вопросам повестки дня. Социологическая наука гармонично сочетает в себе целостный симбиоз теоретического знания и эмпирию реалий жизни, и являет одной из немногих общественно-гуманитарных дисциплин, имеющих конкретно прикладной характер.

Прикладной характер социологии, её методов изучения общества в особенности актуально для нашей республики в настоящее время, когда происходит активизация роли общественных/негосударственных структур в делах управления государством, возрастает значимость мнения «общественности» в общественно-политической жизни страны. Об этом, в частности, свидетельствует и Указ Президента Ш.М. Мирзиёева «О создании Общественной Палаты при Президенте Республики Узбекистан», согласно которому данная общественная структура будет нацелена на установления тесного взаимного сотрудничества граждан, общества и государства, а также усиления общественного контроля за деятельностью государственных органов и учреждений[1].

В данном контексте усиление своего рода наукоёмкости проводимого реформирования старых и создания новых общественных институтов в контексте обновления и модернизации страны является на мой взгляд возможным и посредством усиления социологической науки.

За последние годы можно воочию видеть отказ от гуманитарного знания, как неотъемлемого элемента образованности гражданина. Берёт вверх рациональность и прагматика, причиной чему является склонность к копированию, и порой слепому, западных стандартов узконаправленного образования (опыты типа внедрения STEAM и т.д.), которое, на мой взгляд не всегда подходит под специфику условий нашей республики, где изначально был провозглашен принцип, что «образование и воспитание неотделимы друг от друга». Западная системы образования, в частности высшая, в своём подавляющем большинстве направлена на оказание преимущественных услуг в овладении человеком определённых узких профессиональных навыков, и она не ставит своей задачей нацеленность на одновременное «воспитание» обучаемого.

В качестве примера актуальности отраслей социологической науки для изучения стабильности и устойчивого развития общества можно привести этносоциологию. Её классическое определение гласит, что этносоциология – это отрасль социологической науки, исследующая социальные процессы в разных этнических средах и этнические процессы в социальных группах. Она изучает явления и события социальной жизни, так или иначе связанные с проблемами этносов, влиянием особенностей этнической культуры и традиций на социальную жизнь, межэтническими взаимоотношениями и конфликтами. Если этнография рассматривает, описывает и анализирует обычаи и традиции, образ жизни и культуру, язык и фольклор различных этнических групп, то этносоциология представляет собой специальную социологическую дисциплину среднего уровня, которая исследует этнические группы, их взаимоотношения в более широком контексте социальных отношений, рассматривая их как части общества, более или менее интегрированные в него и включенные в общественно значимые процессы.

Этносоциология как направление социологического знания сформировавшись в основном в трудах западноевропейских и российских учёных в Узбекистане обогатилась в значительной степени и трудами отечественных исследователей. Это в первую очередь труды доктора социологических наук, профессора М.Х.Ганиевой, а также Э.Х.Бабамурадова,

[1]Указ Президента Республики Узбекистан от 16 апреля 2020 г. № УП-5980 «О создании Общественной Палаты при Президенте Республики Узбекистан»// режим доступа: https://lex.uz/docs/4789930.

А.Бегматова, М.Б.Бекмурадова, Р.З.Жумаева, А.Г.Каххарова, Р.Р.Назарова, И.Р.Ачилдиева, Н.Т.Умаровой, Б.А.Фарфиева, А.Ж.Холбекова, М.Холматовой и др.[1]

Область этносоциологического изучения социальной действительности чрезвычайно широка, сюда входит и этнические особенности социальных изменений (прежде всего в среде государствообразующих этносов, меньшинств и диаспорах), в том числе тенденции в профессиональных ориентациях, темпы социальных перемещений в этнических группах, внутриреспубликанская и внешняя миграция, в т.ч. и на постсоветском пространстве; этническая специфика внутрисемейных отношений; тенденции изменений в использовании национальных языков народов республики в различных социальных группах; соотношение современной и традиционной культуры в социальных группах; роль традиционализма в политической жизни и социальном поведении, процессах модернизации, постиндустриальном развитии; межкультурные взаимодействия, проблемы межкультурных границ, роль религии в культурной дистанции, этническое самосознание, авто- и гетеростереотипы, внутриэтническая солидарность; этнические интересы и установки на межэтническое общение, межэтнические ориентации, толерантность и нетерпимость, проблемы национализма, социальные и социально-психологические основы межэтнических конфликтов. По существу, этносоциология изучает этническую специфику всех социально значимых областей жизни общества, рассматривая их с точки зрения социологических критериев и с применением методики социологического исследования. В условиях интенсификации межгосударственных отношение в нашем регионе, провозглашение Центральной Азии как приоритета внешней политики Узбекистана как никогда ранее делает актуальным проведение этносоциологических исследований в странах региона для выработки научно обоснованных рекомендаций по дальнейшему укреплению дружественных и добрососедских отношений между «соседями по истории», которыми бесспорно являются все проживающие в центральноазиатском регионе народы.

В данном контексте развитие социологии и её отраслей является актуальной задачей как с точки зрения сферы образования, так и в контексте общественно-политических процессов внутри и вне нашей страны. В связи с этим было бы целесообразно вновь внести социологию в программу обязательных предметов общего профиля высшего и среднего специального образования, разработать спецкурсы по проведению опросов общественного мнения, так называемым PR (связи с общественностью) и GR (связи с государством). Последнее особенно актуально в свете небывалой доселе политики открытости и транспарентности деятельности государственных органов в условиях активности социальных сетей и увеличения числа её субъектов в виде блогеров. Социологию надо развивать и расширять поле её деятельности во благо государство и общества – говорят и наука, и реалии повседневной жизни.

ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМА ВА ТИЗИМНИНГ СОЦИОЛОГИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ

Хусанова Х.Т. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси доценти, соц.ф.н.*
Раджаматова Х. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси магистри*

Ижтимои тузилма ва тизим тушунчаларини илмий таҳлил этиш ва шарҳлашга интилишлар дастлаб антик давр мутафаккирлари томонидан жамиятнинг тартибга солинганлиги нуқтаи назаридан амалга оширилган бўлса-да, фақатгина замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар

[1] Ганиева М.Х. Этносоциология. – Т., 2006. –С. 7.

тараққиёти натижасида батафсил талқин этилди. Ҳозирда, илмий адабиётларда тузилма ва тизим тушунчаларининг турли соҳа вакиллари томонидан илгари сурилган 50 дан ортиқ изоҳи мавжуд.

“Тизимлар умумназарияси” атамаси 1933 йилда Л. Фон Берталанфи томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, ўз вақтида Чикаго университетида илгари сурилган “Очиқ тизимлар ва ҳаракатдаги мувозанат ҳолати” назариясининг илмий номи сифатида талқин этилди[1]. Аслида биология соҳасида банд бўлган Берталанфи тадқиқ этилаётган объектнинг икки жиҳатини, яъни – унинг ташкилланганлиги ва ўзаро алоқалар хилма-хиллигига аниқлик киритиш мақсадида тизимли ёндашувни қўллайди. Тизимлар назариясининг пайдо бўлиши умумилмий ҳаммабоп концепциянинг яратилишига сабаб бўлди.

Тизимлар умумназарияси илмий муомалага киритилгунга қадар Э.Дюркгейм томонидан унинг социологик моҳиятига аниқлик киритиш хатти-ҳаракатлари амалга оширилган эди. Э.Дюркгеймнинг социал ўзгаришлар функционаллиги назарияси диққат марказида турувчи тузилмали дифференциация муаммоси XX асрнинг бошларида шаклланган америкача функционал неоэволюцион ёндашув пойдеворини яратади. Бу назариянинг кейинги ривожи Т.Парсонс ва Н.Смелзерлар номи билан боғлиқ. Хусусан, Т.Парсонс Э.Дюркгейм концепциясининг ўта долзарблигини таъкидлар экан, “Ижтимоий тизимларнинг тузилмали дифференциацияси эволюцион хусусият касб этиши”ни тан олади. Шу тариқа XX асрнинг 30-йилларида тизимлар умумназариясининг социологик пойдевори яратилади.

Т.Парсонс фикрича, “Ҳар қандай мавжудлик тизимли фаолият асосида барқарор ижтимоий тузилмани ҳосил қилади”[2]. Олимнинг 1951 йилда яратилган “Ижтимоий тизимлар” асарида тузилма ва тизим бир-бирини тўлдирувчи ва бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган эквивалент тушунчалар сифатида таърифланади[3]. Бизнингча ҳам, бу икки тушунча инсоният мавжудлигининг, жамият ижтимоий ҳаётининг асосий икки устқурмаси, яъни, ҳаракатсиз шакл ва ўзгарувчан моҳиятдан иборатдир. Таъкидлаш жоизки, тизимнинг афзаллиги жамиятда содир бўлаётган воқеа ва жараёнларнинг, яъни, социал воқеликнинг тартибга солиб туриши орқали барқарорликни таъминланишидир. Зеро, тизим ижтимоий воқеликни тартибга солиш давомида социал институтларнинг шаклланишга туртки бўлади. Шу тариқа, жамиятнинг ҳар бир элементи улкан тизимнинг (general action system) таркибий бўлагини ташкил этади.

Кейинчалик Дюркгейм ғояларидан илҳомланган инглиз ижтимоий антропологлари Б.Малиновский ва А.Р.Радклифф-Браунлар “тузилма” ва “функция” тушунчаларининг методологик асосларини яратадилар. Бунда муаллифлар “функция” бевосита динамикани англатиши, динамика эса ўз ўрнида тизим эканлигини уқтирадилар[4]. Дарҳақиқат, жамият яхлит тизим сифатида унинг таркибий қисмлари бир-бири билан яхлитликни ҳосил қилувчи алоқадорликни ўрганишни талаб этади. Шу тариқа, Радклифф-Браун ушбу назарияни турли жамиятлар таҳлилида илк бор қўллаган дастлабки олимлардан бири бўлди.

Тизимнинг таркибий элементларини ўрганган Х.Абельснинг фикрига кўра, тизим бу;

- таркибий элементларнинг тузилмавий алоқаси;
- мақсадга йўналтирилганлик;
- таркибий қисмларни яхлитликка бўйсундирилганлиги;
- узоқ муддатли барқарор ва мувозанатланган мавжудлик;
- атроф-муҳитдан ўзгарувчанлик ва алоқадорлик каби хусусиятларнинг йиғиндисир[5]. Дарҳақиқат, тизим ўзароалоқадорликда бўлган бирликларнинг йиғиндиси сифатида уларнинг биргаликдаги мавжудлиги мутаносиблигини таъминлайди.

Замонавий социологик мактаб вакилларидан Ю.Г.Волковнинг таърифича: “Тизим – бу маълум вақт давомида у ёки бу даражада ўзаро муқим алоқадорликда бўлган қисмлар

---

[1]Берталанфи Л. Общая теория систем: Критический обзор //Исследование по общей теории систем. – Москва: 1999. – С. 14-15.

[2]Добреньков В.И., Кравченко А.И.История зарубежной социологии. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 294 с.

[3]Парсонс Т. Структура социального действия/Парсонс Т. О структуре социального действия. – Москва: Академический проект, 2000. – 99 с.

[4] История социологии в Западной Европе и в США. Под ред. Осипов Г. – М.: НОРМА-Инфра, 2001. – 320 с.

[5]Абельс Х. Проблема социального порядка в социологии [www.soc.pu.ru: 8101 /publications/pts/abels.html].

йиғиндисидир”[1]. Демак, тизимлар, хусусан, ижтимоий тизимлар назарияси ижтимоий-гуманитар фанларнинг фундаментал назарияларидан бўлиб, бир томондан, шахслар, кичик гуруҳлар, турли жамоалар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларни тартибга солиш воситаси сифатида қабул қилинса, иккинчи томондан, уларни илмий ўрганиш усули ҳамдир.

Биз тизимларни юқорида келтирилган илмий таърифларини умумлаштирган ҳолда тизим (хусусан, ижтимоий тизим) – нафақат ноорганик (техник ёки механик) бирликлардан, балки органик (биологик ва экологик) бирликлардан фарқланувчи алоҳида элементлар йиғиндисидир, деган хулоса келдик. Ноорганик ва органик тизимлардан фарқли ижтимоий тизимнинг таркибий элементларини социал бирликлар (масалан, инсонлар, ижтимоий гуруҳ ёки жамоалар) ташкил этади.

Ҳар қандай ижтимоий тизим қуйидаги тўрт муаммо билан кураша олиши керак:

1. Оқилона ташкиллантириш ва тақсимлаш муаммоси. Бунда моддий (табиий), инсоний (персонал) ва маданий заҳиралар маълум воситалар ёрдамида оқилона ташкиллантирилади ва тақсимланади. Бу эса қўйилган мақсадга эришишда самарали ҳисобланади.

2. Асосий мақсадни белгилаш ва унга эришиш жараёнини таъминлаш (мақсадга йўналтирилганлик муаммоси).

3. Бирдамликни сақлаб туриш муаммоси (интеграция муаммоси). Иккинчи ва учинчи талабни маданий тизим илгари суради. Зеро, унинг бирламчи мақсади ижтимоий тизимнинг меъёрий тартибини легитимлаштиришдан иборатдир. Мақсадга йўналтирилганлик муаммоси сиёсий фаолият ёрдамида қондирилади. Интеграция муаммоси эса диний фаолият ёрдамида ҳал этилади.

4. Талаб этилаётган ижтимоий ролларни бажариш давомида мотивацияни таъминлаш муаммоси. Бунда шахсий мотивлар тизимидаги ёпиқ тангликни бартараф этиш кўзда тутилади (латентлик муаммоси). Бу муаммонинг ечими оилага боғлиқ бўлиб, оила ижтимоий тизим талабаларини қабул қилган ҳолда дастлабки ижтимоийлашувни рўёбга чиқаради[2].

Қайд этиш жоизки, тизимли алоқалар тизимнинг элементлари бўлиб, тизимости тузилмалар миқдорига қараб алоқалар миқдори ҳам ошиб боради. Бу борада илмий тадқиқотларини олиб борган С.Давыдовнинг таърифлашича: “Тизимости – тизимга нисбатан оддий тузилмали оралиқ мажмуадир”[3]. Аммо, тизимости асосий тизим доирасида унга сўзсиз бўйсундирилган ҳолда мавжуд бўлади. Шу сабабли, тизимости элементларининг таркибий қисмларини ўрганиш бутун тизим фаолияти ва ривожланиш қонуниятларини очиб беришга кўмаклашади.

Фикримизча, тизимлар мавжудлигини таъминловчи тузилма тизимнинг таркибий қисмларининг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаб бутунлик, яхлитликни ҳосил қилади. Ўз ўрнида, ижтимоий тизим ташкилланган яхлитлик сифатида таркибий қисмларнинг ёки тизимости элементларининг узвий боғлиқлиги сифатида бир-бирини шунчалик тўлдирадики, уларнинг биридаги ўзгариш сўзсиз иккинчисига таъсир кўрсатади. Шу боис, А. Хартман ижтимоий тизимларни “маълум чегараларга эга бўлган ўзаро алоқадор ва бир-бирига боғлиқ таркибий қисмлардан иборат яхлитликдир”– деб изоҳлайди[4]. Бизнингча ҳам, ижтимоий тузилмада элементлараро алоқа ва муносабатларнинг усуллари социологик нуқтаи назардан индивиднинг ижтимоий тизим меъёрлари ва қадриятлари йиғиндисида тутган ижтимоий мавқеи ва бажараётган ижтимоий роли йиғиндисида намоён бўлади. Натижада, ижтимоий тузилма дейилганда қуйидагилар назарда тутилади;

- жамият яхлит тузилмаси элементлари орасидаги муқим алоқалар;
- бу алоқаларнинг доимийлиги, такрорий хусусиятга эгалиги;
- тузилма таркибига кирувчи элементлар иерархияси;
- элементларнинг тартибли фаолияти[5].

---

[1]Социология. /Под ред. проф. Ю.Г. Волкова. – Изд. 2-е, исп. и доп. – М.: Гардарики, 2003. – 512 с.

[2] История социологии в Западной Европе и в США. – Москва: НОРМА-ИНФРА, 2001. – 339 с.

[3] Давыдов С.А.Социология. – Москва:Эксмо, 2008. – 26 с.

[4]Введение в социологию. – СПб.: АЛЕТЕЙЯ, 1998. – 254 с.

[5]Социологический энциклопедический словарь. – Москва: КОНТУР, 1998. – 212 с.

Тузилмадаги ҳар қандай ўзгариш ижтимоий тизимга тегишли тарздаги таъсирини ўтказади. Ижтимоий тизим эса элементлари орқали тузилма тараққиётига сабаб бўлади ёки акс таъсир кўрсатади. Ижтимоий тизимларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг инсон фаолияти маҳсули ва фаолият соҳаси эканлигидадир, дейишимиз мумкин. Бунда:

Биринчидан, тизим – ўзаро алоқадорликда бўлган элементларнинг йиғиндиси бўлиб, ушбу элементларнинг тизим тузилмасида эгаллаган ўрни мантиқий кетма-кетлик ва мутаносиблик тамойилларига бўйсундирилган ва улар тизим хусусиятларини ўзида акс этади.

Иккинчидан, ижтимоий тузилма – бу шахслараро муносабатлар йиғиндисидир. Чунки, замонавий жамият иерархиялашган мураккаб тизим бўлиб, ундаги функционал жараёнлар, социал-тузилмали муносабатлар трансформацияси шахс ва гуруҳларнинг социал мобиллиги, қадриятли мўлжаллари, иерархик тузилмадаги ўрнини белгилайди.

Учинчидан, ижтимоий тизим – нафақат ноорганик (техник ёки механик) тизимлардан балки органик (биологик ва экологик) тизимлардан фарқланувчи алоҳида элементлар йиғиндисидир. Ноорганик ва органик тизимлардан фарқли ижтимоий тизимнинг таркибий элементларини социал бирликлар (масалан, инсонлар, ижтимоий гуруҳ ёки жамоалар) ташкил этади.

Тўртинчидан, жамиятдаги мавжуд барча тизимлар ва тизимости тузилмаларнинг универсал элементи инсон, шахсдир. Конкрет шахсларнинг ўзаро муносабатларидан ижтимоий тузилма ҳосил бўлади.

НИКЛАС ЛУМАН ИЖОДИДА ХАВФ МАСАЛАСИ

Жиянмуратова Г.Ш. *– ЎзМУ доценти,*
Валижонов Д. *– ЎзМУ магистранти*

Никлас Луман – постмодерниастик турдаги рефлексив социология ишланмаларига, шунингдек жамият, ҳуқуқ, хавф, ҳокимият, оммавий ахборот воситалари социологиясига аҳамиятли даражада ҳисса қўшган немис социолог-назариётчисидир. У мулоқот тизимларининг фанлараро-интеграл назарияси кўринишидаги тизимлар назариясидаги янги парадигманинг яратувчиси ҳисобланади. Унинг фикрига кўра, социумнинг ўтмиши унинг бугунги куни ва келажагига тобора камроқ таъсир кўрсатувчи ривожланиши ночизиқли кўрсаткичининг ошиб бориши айни вақтдаги жамиятнинг постмодерн ҳолатига ўтаётганлиги ҳақида гапириш имконини беради.

Никлас Луман анъанавий жамиятларда яшаган одамлар, у ёки бу тарзда турли кўринишдаги ноаниқликларга дуч келганликларини алоҳида таъкидлаб ўтади, бироқ хавф улар учун ҳеч қачон мустақил маданий аҳамиятга эга бўлмаган, у ўта чекланган ҳодиса бўлиб, касалликлар, урушлар, ҳосил бўлмаганлик каби хавфларнинг ёндош маҳсули сифатида ўта чекланган ҳодиса ҳисобланган. Хавфли фаолият билан шуғулланган одамларнинг сони ўша даврларда унча кўп бўлмаган, шу сабабли “хавф” тушунчаси немис тили луғатига фақатгина XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб, инглиз тили луғатига эса – фақатгина XVII асрнинг ўрталаридан бошлаб киритила бошлаган. “Ўтмишнинг олий маданиятлари, -деб ёзади Н.Луман, - бу каби муаммолар билан ишлашнинг умуман бошқа техникасига эга бўлган, шу сабабли улар биз бугунги кунда хавф деб атаётган сўзни ифодаловчи сўзга муҳтожлик сезмаганлар. Ўз-ўзидан маълумки, қадим замонлардан буён одамлар келажак ҳақида ўйлаганларида қандайдир ишончсизликка дуч келганлар”. Хавфни махсус, илмий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж XX асрнинг бошларида – саноатнинг етарли даражада ривожланиш даврида, иқтисодий амалиётларга, менеджерлик фаолиятига ноаниқлик эҳтимолий якунлардан бири сифатида кириб борган даврлардан бошланган. Хавф ҳодисасини изоҳлаш учун математик, иқтисодий-ижтимоий, статистик, сўнгра психологик ёндашувлар илгари сурилади.

У вақтлар турли кўринишдаги заҳматларга қалқон сифатида қаралган инсоннинг тўлақонли оқилона фаолияти имкониятларига ишонч даври бўлган. Ушбу рационалистик анъанада хавф муаммоси оддий ва аниқ жавобга эга бўлган: зиёндан имкон қадар қочиш лозим. Хавф ва ноаниқлик вужудга келган муайян шароитларда одамларнинг ўзини тутиши муаммосини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи Френк Найт илгари сурди. Олимнинг дастлабки постулати шундан иборатки, оқил индивид расмий мантиқ ва математик ҳисоб-китобларга, статистик маълумотларга, шунингдек объектив воқеликка мос бўлган баҳоловчи мулоҳазаларга таянади.

Бироқ Н.Луман хавфнинг Ф.Найт томонидан расмий мантиқ ва математикага таянган ҳолда киритилган таърифига қарши чиқади. Н.Луман хавф ривожланувчи ҳодиса бўлиб, у ночизиқ ижтимоий-маданий ривожланиш, социумнинг ўзини ўзи ташкиллаштириши ва ижтимоий акторларнинг аутопойезиси таъсири остида доимий равишда мураккаблашиб борувчи, ўзгариб турувчи ҳодиса эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, хавф маълум тарзда хавфнинг объектив воқеликлари билан қиёсланади.

Хавф ва хатарнинг ўзаро боғлиқлиги ва улар орасидаги фарқ ҳақида гапирар экан Н.Луман қуйидагича таъкидлайди: “Эҳтимолий зарар ё қарорнинг оқибати сифатида ўрганилади, яъни қарор сабабли содир бўлади. Бу ҳолатда биз хавф ҳақида, яъни айнан қарор хавфи ҳақида гапирамиз. Ёкибу каби зарарнинг сабаблари ташқарида бўлади, яъни атроф дунёга зиммасига юкланади. Бу ҳолатда биз хатар ҳақида гапирамиз... ва ўз-ўзидан келиб чиқадики, замонавий дунёда ўз қарорини инкор – бунинг ўзи ҳам қарор ҳисобланади”.

Хавфнинг динамикаси унинг келажакка интилувчанлигида, индивидлар томонидан ўзини ва ўзининг келажагини тузилмалаштиришида, бугунги кунда қабул қилинувчи қарорлар воситасида турли усулларни баҳолаш имконига эга бўлганлигида намоён бўлади. Фақатгина қарор қабул қилиш туфайли ноаниқлик аниқликка айланади.

Н.Луманнинг таъкидлашича: “бугунги кун нуқтаи назаридан келажак ноаниқ, бироқ айни вақтда маълумки келажакдаги бугунги кун унинг исталганлиги ёки исталмаганлигига нуқтаи назаридан белгиланади. Фақат бугун бунинг қандай эканлигини айтиш имкони мавжуд эмас. Бироқ, сенинг ўзинг ёки бошқа кузатувчилар келажакдаги бугунги кунда гап нимада эканлигини биладилар, ва шунда улар бу ҳолатни ҳозиргидан кўра бошқачароқ баҳолайдилар, эҳтимол уларнинг барчасининг қарашлари турлича бўлар... келажакда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар бугунги кунда қабул қилиниши лозим бўлган қарорларга боғлиқ бўлади. Чунки хавф ҳақида фақатгина қарор қабул қилингандагина гапириш мумкин”.

Умуман олганда, хавфнинг Луман талқинидаги тушунчасибешта ўзгарувчидан иборат:

- контингенция вазияти (лотин тилидан cotingere – содир бўлмоқ, туташмоқ, яъни нозарур, бошқа нарса имконияти ва нозарурва кўплаб боғлиқликлар билан боғлиқ);
- исталган нарсанинг исталмаган келажак сифатида содир бўлиши ноаниқлиги;
- келажакнинг ноаниқ ҳодисасининг (айни вақтда) бугунги кунда қабул қилинган (ёки қабул қилинмаган) қарорга боғлиқлиги;
- вақтинчалик ва ижтимоий контингенцияларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- маълум ва номаълум хавфларнинг мулоқотга киришувчи (хабарларда ифолдаланувчи) ва мулоқотга киришмайдиган хавфларнинг мавжудлигини тан олиниши (“нимадир ёмон нарса содир бўлиши мумкин”.)

Социолог индивиднинг хавфга нисбатан бўлган маконга-вақтга оид қарашлари маъносига алоҳида эътибор қаратади. Хавфни таҳлил қилиш ва англаб етиш даражаси хавф вазиятлари иштирокчиси (ва кўп ҳолларда қурбони) бўлганлар, иштирок этувчи кузатувчилар, иштирокчи бўлмаган, бироқ ушбу турдаги вазиятларнинг амалга ошиши табиати ва усуллари ҳақида етарли даражадаги билим ва тажрибага эга бўлган кузатувчилар учун турлича бўлади. Хавф тушунчаси, дея таъкидлайди Н.Луман, кўпинча ишончлиликка зид бўлган тушунча дея баҳоланади. Бироқ “мутлақ ишончилиликка эришиш имкони мавжуд эмас”, ваҳоланки хавфнинг ушбу таърифини одамларнинг амалий фаолиятининг кўплаб

(айниқса маиший ва техник) соҳаларида қўллаш мумкин. Хавфнинг оқибатлари ҳам шунингдек ўсувчандир. Улар аниқ ва яширин ҳодисалардиалектикасини тақозо қилади: улар жамият аъзоларига нисбатан парчаловчи таъсир каби, бу таъсир уларнинг фаолият олиб боришга яроқсизлигининг ортиб боришига сабаб бўлади, актерларни, уларнинг мақомга оид-вазифавий фаолиятини оширувчи, ёки алоҳида ҳолатларда бетараф таъсирга эга бўлувчи ижтимоий ҳолатларга ўтишига имконият яратиши мумкин. Бироқ вақт ва маконга оид равишда фаолият олиб боришнинг чекланганлиги яширин тарзда янги фаолият турининг ҳосил бўлишига имконият яратиши мумкин; ва аксинча: ҳаттоки бахтли ҳодиса ҳам актор учун кутилмаган салбий оқибатларга эга бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Н.Луманнинг хавфшуносликка бағишланган тадқиқотлари бугунги кунда жаҳон миқёсида катта талабга эга.

ВОЗМОЖНОСТИ ИЗУЧЕНИЕ ЦИФРОВОЙ СТРАТИФИКАЦИИ ПОСРЕДСТВОМ ОНЛАЙН-ОПРОСОВ

Решетников И.В. *-старший научный сотрудник отдела Информационного обеспечения социологических исследований РЦИОМ «Ижтимоий фикр»*

В классической социологии, теории социальной стратификации общества, рассматриваются как расслоение, основанное на неравенстве членов общества по определённым социально-экономическим параметрам таким как: образование, власть, богатство и др. Однако, современный мир предъявляет новые требования к науке, а всеобщая информатизация общества ведет к изменению классических подходов и их осовремениванию в пользу технологического развития, что порождает новые социологические подходы к изучению общества. Одним из таких подходов, является рассмотрение информационного общества сквозь призму цифровой стратификации.

Цифровая стратификация (digitalstratification) у современных ученых сводится к наличию у индивида цифровых устройств последнего поколения и широкополосного доступа в сеть Интернет, а также умению человека пользоваться этими приборами и информацией в виртуальной реальности.

В частности, в своей работе «Цифровое неравенство в процессах стратификации информационного общества» А.В.Коротков пишет, что общество постиндустриальной эпохи, как и индустриальное, неоднородно и продолжает ранжировать индивидов по вертикальной оси, разделять на бедных и богатых. Но если раньше центральными критериями неравенства были «Богатство», «Образование», «Власть» и «Престиж», то сегодня мы можем говорить еще о информационном аспекте, о том, что теперь статус человека определяют не классические Веберовские критерии, а возможность или отсутствие возможности и необходимой компетенции для пользования Интернетом[1].

Таким образом, опираясь на представленную выше концепцию, можно предположить, что существует три опорных точки в изучении цифровой стратификации:

1) Наличие современных устройств связи;
2) Возможность использования интернета;
3) Уровень владения современными интернет технологиями.

Если же рассматривать эти опорные точки с применением ресурсного подхода, предлагаемого Н.Тихоновой, то первый пункт будет означать наличие некоего ресурса, второй – активность ресурса, третий - качество ресурса. В то же время социальное

[1]Колодин Д.В. Социальная стратификация в виртуальных социальных обществах. Электронный ресурс // https://cyberleninka.ru/article/n/sotsialnaya-stratifikatsiya-v-virtualnyh-sotsialnyh-soobschestvah

неравенство и соответствующее изменение социального статуса напрямую будут связаны с возможностью капитализации данного ресурса.

Для рассмотрения этого подхода на эмпирическом уровне был проведен тестовый опрос небольшого количества респондентов среди подписчиков Telegram канала https://t.me/budnisociologa. Опрос проводился посредством использования онлайн сервиса GoogleForms с 7 по 8 апреля 2020 года, всего приняло участие 19 респондентов в возрасте от 18 до 54 лет, из них мужчины - 36,8%, женщины – 63,2%.

Одной из гипотез тестового опроса следующее утверждение, наиболее часто люди тратят время в интернете на разного рода развлекательные ресурсы, и это свидетельствует о низком уровне капитализации данного интернет ресурса как квалификационного. Для проверки данной гипотезы было задано два вопроса (Диаграммы 1,2).

Диаграмма 1



Диаграмма 2



Как видно из результатов опроса, по первому вопросу наибольшее число респондентов ответило, что проводит в сети интернет **более 5 часов в день**, на второй вопрос два самых часто встречающихся варианта ответа – «Социальные сети» и

«Информационный контент». Для сопоставления этих данных был использован двумерный частотный анализ этих вопросов, однако его результаты не дали однозначной картины и соответственно не подтвердили гипотезу в полной мере (Таблица 1).

Таблица 1

Ресурсы какой направленности Вы посещает чаще всего?	Как часто Вы пользуетесь интернетом в течении дня?				
	Один час	Два часа	От трёх до пяти часов	Более пяти часов	**Всего**
Развлекательной	1	1	0	3	**5**
	20,0%	20,0%	0,0%	60,0%	
Учебной	0	1	0	2	**3**
	0,0%	33,3%	0,0%	66,7%	
Информационной	0	1	5	3	**9**
	0,0%	11,1%	55,6%	33,3%	
Социальные сети	0	2	3	6	**11**
	0,0%	18,2%	27,3%	54,5%	
Мессенджеры	0	1	2	3	**6**
	0,0%	16,7%	33,3%	50,0%	
Всего	**1**	**3**	**6**	**9**	**19**

Подводя итоги следует отметить, что данный подход рассматривается лишь как один из теоретически возможных, а результаты тестового опроса как первая предварительная ступеньк последующему расширению возможностей использования технологии онлайн опросов для изучения цифровой стратификации. Несмотря на то что результаты тестового опроса не претендуют на репрезентативность, исследование дало осмысление для последующих работ, которые будут продолжены после внесения соответствующих поправок и доработок в программу исследования.

СОЦИОЛОГИЯ: КЕЧА ВА БУГУН

Муродова Ф.– *ЎзМУ 2-босқич талабаси*
Самаров Д. – *ЎзМУ 2-босқич талабаси*

Агар фанлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, улар инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжлари ва жамиятнинг ривожланииши учун пайдо бўлганлигига гувох бўлишимиз мумкин. Ўз навбатида, социология жамиятда юзага келаётган муаммолар орқали шаклланган ва шаклланишда давом этмоқда. Бугунги кунда, бошқа давлатлар каби Ўзбекистон Республикасида ҳам ижтимоий муаммолар ўзининг ниҳоятда хилма-хиллиги ва кўплиги билан машҳурдир. Буларни ҳал қилмоқ мамлакатимизда фундаментал ва амалий тадқиқотчиларни ҳар томонлама кенгайтиришни, тезлаштиришни ва ижтимоиёт соҳасида интиграция жараёнларини янада юқори поғоналарга кўтаришни ва кучайтиришни талаб этади.Шу жараёнларни инобатга олган ҳолда, Юртбошимиз томонидан ижтимоий ривожланиш учун ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлактимизда 2019йилнинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилингани ва социология соҳасига доирЎзбекистон Республикаси Президентининг “Социологик тадқиқотлар

ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”[1]ги 2019 йил 22 февраль ПФ-5667-сон Фармони фикримизнинг яқол далилидир. Шунингдек, 2020 йил “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлангани эса таълим соҳасида,хусусан, социология учун ҳам бир имкониятдир. Аслида, фанни ривожланишидан олдин унинг тарихига эътибор қаратишимиз даркор. Ўзбекистон Республикасида социология йўналишининг пайдо бўлиши ва тарихи 1989 йил билан боғлиқ.

В.И.Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг 1989 йил 25 майида бўлиб ўтган Илмий Кенгашида Фалсафа-иқтисод факультети негизида “Социология” кафедрасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижросини таьминлаш учун шу йилнинг 27 августида ректор Ш.А.Алимовнинг кафедра фаолиятига оид етти банддан иборат буйрйғи имзоланди[2]. Ҳужжатнинг учинчи бандида кафедра мудири вазифасини вақтинча бажариш университетнинг илмий ишлар бўйича проректори, фалсафа фанлари номзоди, доцент С.И.Николаев зиммасига юклатилди.

Табиий савол туғилиши мумкин, қандай қилиб, 1989 йили Тошкент давлат университетида “Социология” бўлими ва кафедрасини ташкил этиш истаги пайдо бўлди? Баьзи маҳаллий тадқиқотчилар шу кунгача Ўзбекистонда бўлим ва кафедра асосчиси сифатида Сергей Ипполитовични кўрадилар. Расмий рўйхатга олинган ҳужжатлар нуқтаи назаридан бу тўғри. Аммо, СССР дек улкан давлат ҳукумати томонидан қўйилган мажбурий талаб юзасидан олиб қаралса, бу С.Николаев чекига тушган “туҳфа” эди. Агар бу инсон бўлмаса, Москва (Кремль)дан келган мажбурий топшириқ асосида барибир кимдир “республиканинг бош социологи” вазифасини ўз зиммасига олишга мажбур бўларди.

ХХ асрнинг 80 йиллари охирида улкан мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида долзарб муаммолар меъёридан ошиб кетган, коммунистик партия эса жар ёқасига келиб қолган эди. “Советлар жамиятидаги асосий муаммоларнинг ечимини топишда марксча-ленинча социологиянинг ролини ошириш тўғрисида” га қарори, фикримизча, жамиятнинг ижтимоий таназзулини тан олиш билан баб-баробар эди. Ҳукумат раҳбарлари инқироздан чиқиш учун социологларга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Улар социологиянинг имкониятларини яхши англаб етсалар-да, узоқ сукут сақладилар. Бу эса, маьлумки, ҳалокатли натижаларга олиб келди.

Шу топда беихтиёр ҳаёлга келади: биз ҳамма вақт тарихидан хулоса чиқаришимиз керак. Зеро, тарихга лоқайд муносабатда бўлсак, у такрорланиши мумкин. Хушёр туриш ва бунга мутлақо йўл қўймаслик лозим[3]...

Таъбири жоиз бўлса, социология – фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. “Жамоатчилик фикри-фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Лекин, бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим[4]. Мамлакатимиз Биринчи Президенти таъкидлаганидек, бу масалага эътиборни кучайтириш лозим.

Ўзбек социологиясининг илк куртаклари собиқ иттифоқ социология мактаби билан чамбарчас боғлиқликда шаклланиб борган. Илк қадамларни бошлаб,мутахассис сифатида фаолият юритган социологларни файласуфлар, иқтисодчилар, тарихчилар, демографлар, журналистлар ва гуманитар соҳада фаолият юритувчилар ташкил этган.

Ўзбек социология фанининг ривожи ўтган асрнинг 70-йилларида тартибсиз ҳолатда амалга оширилган бўлса, мустақиллик йилларида у тизимли равишда тараққий этиб боради. Миллий тилимизда ХХ асрнинг 90-йилларидан бошлабоқ социологияга оид дарслик ва ўқув

[1]Ўзбекистон Республмкаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - 2019 йил. 22 февраль ПФ-5667

[2]В.И.Ленин номидаги ТошДУ ректорининг 21.02.1989 й. № 01-225 сонли Буйруғидан кўчирма.

[3] Ленин В.И.номидаги ТошДУ ректорининг 21.02.1989 й. № 01-225 сонли Буйруғидан кўчирма.

[4]Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тапаққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Тошкент Ўзбекистоню 2003. – Б 26.

қўлланмалар чоп этилди. М.Бекмурадов, А.Бегматов ва М.Юнусовлар томонидан ёзилган китоблар ўқувчини фанга нисбатан қизиқишини уйғонишига муносиб ҳисса қўшади. Кейинчалик муаллифлар жамоасидан шакллантирилган адабиётлар туркуми яратилди. Н.Алиқориев, Р.А.Убайдуллаева, М.Бекмурадов, С.Николаев, М.Ганиева, А.Холбеков, О.Ата-Мирзаев, А.Қаххаров, В.Сухомлинова, Ф.Набиев, А.Хайдаров, А.Умаров, Н.Маматов, Р.Т.Убайдуллаева, А.Джолдасова, К.Каланов, Ў.Каюмов, М.Хаджимухамедов, Н.Латипова, И.Агзамходжаев, Б.Фарфиев, А.Алиқориева каби етук мутахассислар раҳбарлигида мумтоз социологиянинг назарий-методологик жиҳатларини батафсил изоҳлаб берган дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди. Бунда миллий социология ривожи илк тамал тошини қўйган биринчи авлоднинг ўрни ва роли жуда ҳам юқори. Айнан шу авлод вакиллари ичида бир гуруҳ олимлар XX асрнинг улуғ мутафаккири Э.Гидденснинг “Социология” номли асарини ўзбек тилида чоп этишга эришдилар.

Давр кутиб турмайди. Ахборотлар асрида эса унинг “ғилдираги” янада тез айланиб кетди. Нафақат ахборот ва технократик технологияларнинг янги авлоди пайдо бўлди, балки ижтимоий ҳаётда кишилардаги авлодлараро алмашинув жараёнлари тезлашиб кетди. Ўзбек социологларининг иккинчи авлоди шаклланди. С.Отамуратов, Ф.Пармонов, А.Сеитов, Х.Хусанова, А.Юнусов, А.Норбеков, Б.Каримов, Г.Жиянмуратова, Л.Мустафаева (Сафарова), Р.Умурзакова, Н.Субхонов, Б.Очилов, И.Пономарева, С.Ходжаевлар макро ва микросоциология методларини тарғиб этишда ворсийликни изчиллик билан давом эттирдилар. Бу вақтда миллий социология дунёсига Т.Матибаев, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, А.Абдулазизовлар давримизнинг долзарб ижтимоий масалаларини кўтарган ҳолда жадал суръатлар билан кириб келдилар.

Социологларнинг учинчи ўн йилликдаги вакиллари Н.Абдукадирова, У.Сабирова, С.Каланова, В.Алексеева, А.Абдуҳалилов, Х.Акрамов, З.Узакова, Х.Ф.Акрамов, А.Абдуллаев, Ф.Олимов, Қ.Қаюмов, Э.Заитов, Ш.Рашидова, Ф.Ахмедов, О.Дуленбаева, И.Решетников, М.Саидова, Х.Зияева, Н.Ахмедовлар соҳанинг тармоқ йўналишини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Нафақат мамлакат миқёси ва халқаро даражада танилган маҳаллий тадқиқотчи-олимлар мактаби пайдо бўлди, балки ўз фикр-мулоҳазалари қарашлари билан маълум даражада социологияда янгича методологик ёндашувларни ментал хусусиятларга уйғунлаштира оладиган усуллар илгари сурилди[1].

“Социология” кафедраси Ўзбекистондаги “Социология” кафедралари ва марказлари, жумладан, Ижтимоий фикр Жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Маданият институти, Давлат ва жамият қурилиши Академияси билан кенг илмий алоқасини олиб бормоқда.

ЎзМУ “Социология” кафедраси социолог-олимлар ва профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш борасида ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Социолог-олимлар томонидан махсус дастур яратилиб, унинг асосида Минтақавий малака ошириш марказида ушбу соҳа ўқитувчиларига социология фанининг энг долзарб ва замонафий муаммолари йўналиши бўйича назарий ҳамда амалий машғулотлар олиб борадилар. Айтиб ўтиш лозимки, социолог тингловчиларга қўшимча равишда миллий ғоя ва мафкуранинг ижтимоий асослари бўйича ҳам маърузалар давра суҳбатлари олиб борилади.

Тошкент шаҳрида очилган ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Фармонидан[2] сўнг Республика миқёсида фаолият олиб бора бошлаган Ижтимоий фикр Маркази академик Р.А.Убайдуллаева раҳбарлигида йилдан йилга ривожланиб ижтимоий муаммоларни ҳал қилмоқда. Ўзбекистонда социологлар Ассоциацияси ташкил этилди[3].

Шу жумладан, Социология кафедраси Республикамиздага бир қатор ОТМлар, кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб бормоқда ва республикамизда социологик тадқиқот марказлари ўз фаолиятини юритишмоқда.

---

[1]В.И.Ленин номидаги ТошДУ ректорининг 21.02.1989 й. № 01-225 сонли Буйруғидан кўчирма.

[2]Ўзбекистон Республмкаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. -2019 йил. 22 февраль ПФ-5667

[3]Каланов .К. Ўзбек социолиянинг тараққиёт йўли // Ижтимоий тадқиқотлар журнали // Тошкент, 2019. №3 (2019). – 25 б.

Сўнгги 10 йилликда, Республикамизда етакчи социологларимиз йўлидан кетган, социологиянинг тармоқларини ривожлантириш учун илмий изланишлар олиб борадиган, тўртинчи авлод вакиллари етишиб чиқишади. Тўртинчи авлод вакиллирини том маънода ҳақиқий социологлар ташкил қилишига ишончимиз комил. Чунки, уларга бир эмас, икки эмас, уч авлод социологлари ўз билимларини беришмоқда, уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаб, бор имкониятлари даражасида йўл-йўриқ ва илмий тавсияларини беришмоқда. Тўртинчи авлод вакиллари сифатида мақола муаллифларини мисол келтиришимиз мумкин.

Биз, яъни ЎзМУ “Социология” йўналиши 2-босқич талабалари Ф.А.Муродова ва Д.Қ.Самаров “Ҳарбий социология” ва “Спорт социология”си йўналишларидан кетиб, келажакда ўз илмий мактабимизни яратиш ниятидамиз. Хусусан, бу ҳаракатларимизни бошланиши сифатида мен сизларга шуни айта оламанки,“Ҳарбий социология” фанини ривожлантириш йўлида кафедрамиз ва Чирчиқ Олий Танк Қўмондонлик-Муҳандислик билим юрти “Гуманитар фанлар кафедра”си ўртасида ўзаро ҳамкорлик бошланди. Бу ҳамкорликнинг олдига қўйган мақсадлари илмий изланишлар билан биргаликда “Ҳарбий социология” соҳасида илмий-услубий қўлланма яратиш ва уни олий таълим соҳаси учун дарслик сифатида шакллантириш. Бу учун анчагина илмий изланишлар, ҳаракатлар ва вақт сарфланади. Лекин, ҳаракатларимиз зое кетмайди. Биз, албатта, муваффақиятга эришамиз.

II ШЎЪБА. РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШДА СОЦИОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

Алиқориев Н. *– ЎзМУ профессори*
Сайдимуратова Д. *– ЎзМУ Социология кафедраси талабаси*

Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, саноатни модернизациялаш, пул-кредит тизимини либераллаштириш ва молия секторини ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётининг узоқ муддатда барқарор ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу стратегик ахамиятга эга бўлган чора-тадбирларни амалга оширишда асосий ўринда кадрлар туради, шу жиҳатдан ҳам миллий иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига хос иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар бандликнинг соҳа ва касблар бўйича ўзгаришини тақозо этиб, олий таълимга бўлган талабни оширмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, илгари юқори малакани талаб этмаган ишчи лавозимлар ҳам, бугунги кунда олий маълумотли мутахассислар томонидан амалга оширилиши талаб этилмоқда. Прогнозларга қараганда, рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янги босқичда олий таълимга эҳтиёж ошиб боради. Билимларга асосланган жамиятда аҳолининг 60% олий маълумотли бўлиши талаб этилади[1].

Амалиётда олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлашнинг икки усули кенг тарқалган бўлиб, булар, пастдан юқорига ва юқоридан пастга усулларидир. Пастдан юқорига ҳисоблаш усули мамлакатда фаолият юритувчи барча корхоналардан сўров ўтказилиб прогноз даврида иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналарга қанча миқдорда олий маълумотли кадр кераклиги аниқланиб умумийлаштирилади. Бунда сўровнома ўтказувчи ташкилот прогноз давридаталаб этиладиган олий маълумотли кадрларга эҳтиёж айнан қайси иқтисодий ёки демографик жараён (ишлаб чикаришни кенгайиши, янги ишлаб чикариш объектларининг қурилиши, янги конларнинг очилиши, ишчиларнинг нафақага чиқиши, ўлим даражаси, кадрлар қўнимсизлиги ва бошқалар) натижасида бўлишини ёритиб ўтади. Прогнозлаштиришнинг иккинчи усули эса мамлакат иқтисодиёти макроиқтисодий прогноз натижаларини амалга ошириш учун қанча миқдорда олий маълумотли кадрлар кераклиги аниқланади. Макроиқтисодий прогноз орқали иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш мамлакатдаги модернизацион, инновацион жараёнларнинг юқори маълумотли мутаххасисларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш имконини беради.[2]

Келажакда белгиланадиган ишлаб чикариш ҳажмига эришиш учун керак бўладиган ишчи кучи унинг маълумот даражаси ва мутахассислиги бўйича тақсимотдан маълумот даражасига кўра ва мутахассислиги бўйича қўшимча ишчи кучини прогнозлаштирилади. Прогнозлаштириш мобайнида нафақага чиқиш коэффициенти ва аҳолининг ўлим коэффициенти узоқ йиллар мобайнида бир хил бўлади шунинг учун бу кўрсаткичнинг ўртачасини прогнозлаштиришни барча даврларида ўзгармас деб олинади.

Иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш усули қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

---

[1]Карпенко М.П. Телеобучение. –М.: СГА, 2008. –С. 53.

[2] Миллий иктисодиётда олий маълумотли кадрларга бўлган талабни прогнозлаштириш: тахлилий маълумот. – Т.: 2017.

1-босқич. Макроиқтисодий прогноз асосида меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

2-босқич. Меҳнат ресурслари прогнози асосида уларни маълумот даражасига кўра эҳтиёжни аниқлаш;

3-босқич. Олий маълумотли кадрларга бўлган умумий эҳтиёж асосида уларни мутахассислик бўйича тақсимланишини аниқлаш;

4-босқич. Прогноз даврида иқтисодиёт тармоқларида қўшимча олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.[1]

Олий таълим билан қамров даражасининг ортиши мамлакат иқтисодиётининг инновациявийлигининг ортишига таъсир кўрсатади. 26 та давлат бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида ушбу иккита кўрсаткич орасида тўғридан-тўғри боғликлик мавжудлиги аниқланди, ўртача корреляция коэффициенти 0,88ни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши иқтисодий ўсишнинг интенсивлигини таъминлайди. Олий таълим муассасаларига қабул миқдорининг ортиши ва ўз навбатида олий маълумотли мутахассислар сонининг кўпайиши иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини кенгайтириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириб, натижада иқтисодий ўсишни таъминлаши тасдиқланди. Шуни айтиб ўтиш керакки, олий таълим тизимида тайёрланаётган мутахассислар миқдорининг ортиши унинг сифат кўрсаткичларининг ҳамоҳанг равишда ошиши билан биргаликда содир бўлиши лозим.

Жаҳон амалиётида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни прогноз қилишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Шартли равишда иккига ажратиш мумкин, булар: биринчиси, пастдан юкорига ва иккинчиси, юқоридан пастга. Шуни айтиб ўтиш керакки, ривожланган давлатларда ҳам минглаб мутахассислар, кенг статистик маълумотлар ва катта молиявий маблағлар асосида доимий равишда амалга ошириладиган прогнозлар ҳам сўнгги хулоса сифатида эмас балки, аксарият ҳолларда меҳнат бозорининг турли хил иштирокчилари ва сиёсатчилар учун фойдали қўшимча маълумот сифатида хизмат қилади.[2]

2020 йилгача олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш натижасида йилига ўртача 70 мингга яқин олий маълумотли мутахассисга қўшимча эҳтиёж бўлиши аниқланди. Прогноз олий маълумотли мутахассисларнинг жами иш билан бандлар таркибидаги улуши, демографик силжиш даражасидаги жорий суръатларнинг сақланиб қолиши шарти билан амалга оширилган.

Сифатли прогнозни амалга ошириш кенг қамровли статистик маълумотларни талаб этади. Ушбу прогноз Республикада иш билан банд аҳолининг хар бир ёш-жинс гурухининг таълим ва малака таркиби бўйича статистик маълумотларнинг чекланганлигини хисобга олган холда амалга оширилган. Илмий асосланган сифатли прогнозларни амалга ошириш учун республикада олиб бориладиган статистик ҳисоботни такомиллаштириш талаб этилади. Шу билан бирга меҳнат бозори ва олий таълим тизими орасида мутаносибликни таъминлаш мақсадида “Иш берувчиларнинг сўровлари” каби доимий равишда олиб бориладиган сўровларни ўтказиш лозим. Бундан келиб чиққан холда меҳнат бозоридаги олий маълумотли кадрларнинг талаб ва таклифини самарали тарзда режалаштириш мақсадида иқтисодиётнинг тармоқлари ва мутахассисликлар кесимида кадрларга булган эхтиёжни мунтазам равишда аниқлаб борадиган механизмни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистондаолий таълим тизими, жумладан, уларга қабул миқдорини белгилаш бир қатор меъёрий ҳужжатларасосида тартибга солинади. Олий ўқув юртларига қабул қилишнинг умумий кўрсаткичларини жаҳоннинг ўртача даражасига етказиш максадида олий таълим тизимида хусусий секторнинг иштирокини рағбатлантирадиган, нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этилишининг ҳуқуқий асосларини белгилайдиган меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш лозим.

---

[1] Математическое моделирование динамических процесссов в системе “Экономика-рынок труда-профессиональное образование”. –СПб. Изд-воСПетерб. ун-та, 2006. -350 с.

[2] G.Tudose, L.5 7o (an, S.E.Cristache Models for the analysis of the labor market in Romania. Theoretical and Applied Economics. Volume XX (2013), No4(581), pp. 113-122.

Узоқ муддатга белгиланган мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йуналишлари доирасида мутахассисларни тайёрловчи етакчи хориж университетларининг филиалларини ташкилэтиш амалиётини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

ПАРЛАМЕНТНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аликориев О.Ф. *– Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби менежери, и.ф.н., доцент*

Бюджет – иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар жараёнининг муҳим воситаси ва шартидир.Маълумки, мамлакатнинг жамият ижтимоий ва иқтисодий тузилмасининг шаклланиши ва тараққиётида Давлат бюджети муҳим роль ўйнайди. Айнан у,пировардида,иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган давлат функциялари, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий вазифаларини амалга ошириши учун зарур молиявий ресурслар ҳажмини таъминлашизарур бўлган ва қонун билан тасдиқланадиган давлатнинг молиявий режаси ҳисобланади.

Зотан, давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллаган Давлат бюджетини ҳам қонунчилик, ҳам ижроия органлари иштироки орқали шакллантириш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш ҳаётий муҳим бўлган демократиянинг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати таъминланишиакс эттиради.

Бунда парламент бюджет ҳуқуқининг асосий қоидаси шундан иборатки, ҳеч бир янги солиқ, эски солиқларнинг ҳар қанақа ўзгариши, давлат қарзи олиниши ва давлат дастурини молиялаштирилиши ҳам парламент розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас.Бюджет ҳуқуқини амалга оширилиши халқ вакиллари давлат бошқаруви ва ҳукумат фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини назоратида иштирок этишининг кучли воситасини таъминлайди.

Ушбу функция ривожланган мамлактлар парламентида муҳим функция ҳисобланади. Қолаверса, Давлат бюджети деярли давлат институти пайдо бўлган пайтдан буён мавжуд.

Аввало, қайд этиш лозимки, энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларқаторида бюджет тизимини ислоҳ қилиш борасида ҳам муҳим чоралар кўрилди.

Жумладан, Давлат бюджетини шакллантиришнинг мутлақо янги принциплари ва механизмлари жорий этилиб, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди, давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очиқ ва ошкора бўлишини таъминлаш, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори қабул қилиниб, унга кўра, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари вауларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек,“Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинишини назарда тутадиган механизмларбелгилаб қўйилди.

Эндиликда Давлат бюджети лойиҳаси келгуси ўрта муддатга мўлжалланган, яъни уч йиллик йўналишлари белгиланиши, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари

бюджетлари ахборотлар батафсил баён этилган, илғор халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқлананиши тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, “Очиқ бюджет” ахборот порталининг ишга туширилиши, Халқаро валюта жамғармасининг тавсиясига мувофиқ бюджет таснифи, бюджет ҳисоби тартибини Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига уйғунлаштириш масаласи, давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорликни Жаҳон банки мезонлари асосида баҳолаш, Халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очиқлиги индексида иштирок этиш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Дарҳақиқат, Давлат бюджети параметрларини тайёрлаш, қабул қилиш, бюджет ижроси устидан назоратни амалга ошириш мураккаб жараён ҳисобланади. Шу боис, бюджетни тушуниш, соддалаштириш ва уни профессионал таҳлил қилиш орқали мукаммал бюджетни қабул қилишни учун парламентга малакали кадрлар керак бўлади.Агар жаҳон амалиётига назар ташласак,аксарият мамлакатларда парламент фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджети билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилувчи, таҳлил қилувчи ва баҳоловчи мустақил таҳлилий марказ сифатида парламент қошида Бюджет бошқармаси ташкил этилган.

Масалан, Корея Республикасининг Миллий Ассамблеяси Бюджет бошқармаси, Америка Қўшма Штатлари Конгресси Бюджет бошқармаси, Буюк Британиянинг Бюджет масъулияти бошқармасива Италия, Канада, Австралия, Ирландия, Австрия, Греция, Грузия, Сербия парламентларининг бюджет бошқармаларива бошқалар.

Шуниси аҳамиятлики, парламентнингмазкур ёрдамчи органларининг кадрлар таркиби иқтисодиёт ва молия соҳасидаги юқори малакали мутахассислардан, уларнинг иш тажрибаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тавсиясига кўра, бундай мустақил фискал муассасалар қонун чиқарувчи ҳокимият ихтиёридаги, давлат томонидан молиялаштириладиган мустақил орган бўлиб, парламент ва унинг аъзоларига Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш борасидаги ваколатларини амалга оширишда, жумладан, парламент топшириғи бўйича назорат тадбирларини ўтказиш йўли билан кўмак беради.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида янграган долзарб таклифлардан бири – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш масаласи амалга оширилаётган улкан ислоҳотларда навбатдаги қадам бўлди.

Мазкур ташаббуснинг аҳамиятини кун сайин ўзгариб бораётган тенденцияларва реал ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Унинг моҳиятига тўхталадиган бўлсак, биринчидан, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтканидек, мамлакат парламенти назоратининг самарали ва таъсирчаншаклариданбирибўлган. Давлат бюджетини шакллантириш ва қабул қилиш ҳамда унинг ижросини кўриб чиқишга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Иккинчидан, давлат раҳбарининг мазкур ташаббуси ривожланган демократик мамлакатларнинг амалиётига тўғри келади.

Учинчидан, ушбу масалани сифатли ва юқори профессионал даражада йўлга қўйиш учун Олий Мажлис ҳузурида унинг таркибий бўлинмаси сифатида Давлат бюджетини шакллантириш ва ижроси боришини назорат қилиш борасида ёрдамчи органини ташкил этиш устувор мақсаддир.

Бу борада парламент бюджет бошқармасининг пировард мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, уларнинг қўмита ва комиссиялари, депутат ва сенаторларга мустақил эксперт-таҳлилий кўмак тақдим этиш орқали Давлат бюджети шакллантирилиши ва ижроси борасида парламент назоратини кучайтиришдан иборатдир.

Парламентнинг мазкур бошқармасига қуйидаги вазифа ва функцияларни юклатилиши парламент фаолиятини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади:

- Давлат бюджети, иқтисодий сиёсат билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Олий Мажлис палаталари, уларнинг қўмита ва комиссиялари, сенаторлар ва депутатларга мустақил, холис ва профессионал маслаҳат ва таҳлиллар тақдим этиш;

- Давлат бюджетини қабул қилиш, бюджет билан боғлиқ қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар, шунингдек, Давлат бюджети ижросининг бориши устидан назоратни амалга ошириш ва Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни кўриб чиқиш жараёнида Олий Мажлис палаталари, уларнинг қўмита ва комиссиялари, сенаторлар ва депутатлар фаолиятини ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлаш;

- Олий Мажлис палаталари, уларнинг қўмита ва комиссиялари топшириқларига кўра бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини ўрганиш, бюджет тизими бюджетлари ва давлат томонидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асослилигини баҳолаш;

- солиқ ва бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш орқали бюджет соҳасидаги парламент ишининг замонавий усулларини жорий қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Таъкидлаш керакки, бу органларнинг аҳамияти Давлат бюджети борасидапарламент палаталари фаолиятини эксперт-таҳлилий таъминлашда комплекс, маълум аниқ масалага қаратилган ёндашувни амалга ошириш,шунингдек, солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширишнинг усул ва механизмларини халқаро тажриба ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, хусусан умумиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, бунда иқтисодий ўсиш, давлат бюджетининг баланслашганлиги ва иқтисодиётдаги нархлар даражасининг барқарорлиги бўйича ўзаро ҳаракатлар ва мақсадларнинг келишилганлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобланади.

Зеро, бундай ташкил қилинадиган тузилма халқ вакилларининг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади ҳамда парламентнингнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари устидан парламент назоратини амалга оширишдаги ахборот-таҳлилий фаолиятини такомиллаштиришга олиб келади.

СОЦИАЛЬНАЯ ИНЖЕНЕРИЯ В УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Узакова З.Ф. *– Начальник учебно-методического отдела, д.ф.н. (PhD)*
Филиал РГУ нефти и газа имени И.М.Губкина в г.Ташкенте

Президентом Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёевым в докладах, посланиях к народу постоянно уделяется внимание подготовке управленческих кадров, деятельности каждого руководителя «критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя»[1]. Так как хороший руководитель не только обязан выполнять поставленные задачи, но и прогнозировать, результаты своих действий направленных во благо народа.Социальное прогнозирование - это метод научного познания, позволяющий предвидеть будущее состояние социального объекта. Без такого предвидения невозможно принятие обоснованного, эффективного управленческого решения. Социальный прогноз

[1]Доклад Президента Республики Узбекистан ШавкатаМирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшимприоритетным направлениям экономической программы на 2017 год

носит вероятностный и альтернативный характер. Отличительной особенностью прогнозирования - как научного метода - является стремление дать количественную оценку перспектив развития объекта, предварительно выбрав из всего множества вариантов возможных изменений наиболее вероятностное.

В данном направлении необходимо рассмотреть вопрос подготовки кадров в области социоинженерии, так как специалист в области социальной инженерии должен быть подготовлен как управленец. Причем, ни как руководитель, а именно как управленец, обладающий необходимыми знаниями, компетенциями и опытом управленческих решений.

Впервкe термин “социальная инженерия” встречается в работе Роско Паунда 1922 год, более подробно раскрыл социальную инженерию Карл Поппер определяя социальную инженерию как способ организации воздействия на человеческую деятельность, направленный на ее преобразование с помощью соиальных технологий[1].

Социоинженерная деятельность представляет собой логически связанную цепочку последовательных процедур: социологическая диагностика состояния социального объекта; социальное прогнозирование его дальнейшего состояния; в случае отрицательного прогноза и необходимости модернизации социального объекта осуществляется моделирование социальной конструкции и осуществление социального эксперимента; при положительном результате эксперимента осуществляется разработка социального проекта нового состояния социального объекта; далее производится социальное планирование в соответствии с проектом; для реализации социального проекта подбираются известные, апробированные социальные технологии, которые принято называть алгоритмизированными и разрабатываются необходимые для успешного осуществления проекта инновационные социальные технологии; знание социологии управления позволяет правильно выстроить все взаимодействующие управленческие звенья в процессе управления реализацией проекта и принять грамотные управленческие решения.

Социальный инженер по сравнению с социологом исследователем или социальным антропологом должен быть значительно лучше подготовлен в области экономики, теории управления и организации, эргономики, физиологии, технических наук. Особое место в подготовке профессиональных социальных инженеров занимают управленческие дисциплины. Такие специалисты обязаны знать общую теорию управления, основы управленческого консультирования, организационного проектирования, анализ управленческих ситуаций, социологии и психологии менеджмента[2].

Социоинженерная деятельность – это деятельность по проектированию, конструированию, созданию и изменению организационных структур и социальных институтов, инструментарием которой является комплекс прикладных социологических и других социальных методов, с использованием наукоемких технологий и инженерного подхода.

Разумеется, социальный инженер в отличие, например, от социального работника не обязан решать конкретные проблемы практическим путем. Его задача - обнаружить источник и найти оптимальный способ решения, а также помочь социальному работнику реализовать конкретный социальный проект или программу.Социальный инженер выражает свои результаты не в форме пророчеств или предсказаний, а в виде гипотез, подвергая их в дальнейшем эмпирической проверке. Главная задача, стоящая перед социальным инженером, «установить, что не может быть достигнуто».

На стадии подготовки управленческого решения они проводят диагностику проблемной ситуации и разрабатывают социальный проект и программу его реализации. На стадии принятия управленческого решения социальные инженеры дают комплексное обоснование и экспертную оценку принимаемого проекта. На стадии реализации

[1]Поппер К. Нищета историцизма // Вопр. философии. 1992. № 9.

[2]Резник Ю.М. Социальная инженерия в системе подготовки кадров. Научно-практический журнал «Управленческое консультирование». 2011. №4

управленческого решения и организации управленческой деятельности они вырабатывают практические рекомендации по эффективному внедрению проекта. Для каждой стадии разрабатывается соответствующая технология.

Глубокое изучение методов социальной инженерии и применение их на практике позволит руководителям, прогнозировать влияние принятых решений и отражении их на защите общества минимизируя ошибки в реализации тех или иных задач направленных на социальную защиту и развитие общества.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСТАКЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИ

Махкамова Ш.Ю., *и.ф.н.,*
Аликариева Б.Н. *– Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти*

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 24.01.2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида[1] мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўяётгани ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш кераклигини, кўрсатиб берди. Ёшларга оид олиб борилаётган давлат сиёсатининг самарадорлигини ва уни такомиллаштириш масаласи социологик тадқиқот орқали ёшлар истакларини ўрганиш билан бевосита аниқлаш мумкин. Ҳозирги кунда ёшлар келажагини яхшилашга эътибор янада юқори даражага кўтарилган бўлиб, энг муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Бугунги кунда ва келажакда ёшларнинг иш билан бандлигини таъминланиши жамиятнинг ижтимоий барқарорлигининг асосий омиллари сифатида кўрилади.

Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий истакларини тизимли мониторинг қилиш муҳим аҳамиятга эга. “Мониторинг” сўзи кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш маъноларини билдиради. Объектнинг, яъни ўрганилаётган ёш когортасида ёшларнинг, 1-ўринда ижтимоий демографик тавсифини кузатишимиз даркор. Бунда респондент ёши, ота-она маълумоти, иш жойи, оиланинг ўртача даромади, оила фаровонлигини респондентнинг субъектив баҳолаши (1-блок масалалари) индикаторлари асосий ҳисобланади. 2-блок масалаларига таълим жараёни ва ёшларнинг муаммолари масалалари киритилиб, бу ўз навбатида ёшларнинг мутахассисликни ўзлари танлаганликлари, ўқитиш жараёнидан қониқишлари каби асосий ва етакчи индикаторлардан иборат. 3-блок масалалари ёшларнинг маданий-маърифий ишлар, дам олишга талаб, ижтимоий-сиёсий фаоллик, оила, никоҳга муносабат, армияда хизмат қилиш, динга эътиқоди индикаторларидан иборат.

4-блок - ҳудудлар, турмуш даражаси, ижтимоий ҳимояланганлик бўйича меъёрларга амал қилинишини аниқлаш индикаторларидан иборат. Ёшларнинг ҳудудларда турмуш даражаси бўйича меъёрлар бузилиши ва ундан четга чиқишларни назорат этиш 5-блок индикаторлари ҳисобланади[2].

Коллеж, лицей битирувчилари орасидан 1178 та 2018 йилда ва 2019 йилда мактаб битирувчиларидан 612 та, уюшмаган ёшлардан 513 та тасодифий танланма усулида анкета сўровномаси ўтказилди. Уюшмаган ёшлар деб 16 дан 30 ёшгача ҳеч қаерда ўқимайдиган, расман ишламайдиган ёшлар олинган.

---

[1]Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 24.01. 2020 й. Олий Мажлисга Мурожаатномаси http://uza.uz / oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-

[2]Махкамова Ш., Умарова У. Ёшларнинг табақаланиш даражасини мониторинг қилиш усуллари //Ахборотлашган жамиятда замонавий социологиянинг долзарб масалалари: илмий-амалий конференция. 2019 йил 1 май. -Тошкент, 2019. -Б. 104-106.

Танланма шакллантирилиши икки босқичда бажарилган бўлиб, биринчи босқичда вилоят, туман ва шаҳарлар географик жойлашувига қараб аниқланди, иккинчи босқичда эса тасодифий усулда уюшмаган ёшлар кўп маҳаллалар танлаб олинди.

Танланмани аниқлашда Ўзбекистонда 14-30 ёшлилар аҳолининг 30%[1] ини ташкил қилиши, меҳнат ресурслари 19,9 млн бўлиб, ҳар йили 500 мингдан ортиқ мактаб, коллеж битирувчиси учун иш жойи топиш кераклиги, 2019 йил биринчи чорагида ишсизлик даражаси 9,4% (ўтган йил шу даврида - 9,7%), ёшлар ўртасида (30 ёшгача) 15,3%, аёллар ишсизлиги - 13,0%[2] эканлиги эътиборга олиниб, қуйидаги танланма аниқлаш жадвалидан фойдаланилди (1-жадвал):

1-жадвал

Танланма миқдорини аниқлаш жадвали

Бош тўплам	**Хатолик даражаси**			**Ишончлилик даражаси**		
	10%	**5%**	**1%**	**90%**	**95%**	**99%**
100	50	80	99	74	80	88
500	81	218	476	176	218	286
1000	88	278	906	215	278	400
10 000	96	370	4900	264	370	623
100 000	96	383	8763	270	383	660
1 000 000+	97	384	9513	271	384	664

Манба: https://www.surveymonkey.ru/mp/sample-size/

Ўтказилган тадқиқотнинг асосий илмий методини коллеж/лицей битирувчиларидан анкета усули билан ўтказилган сўров ташкил этади. Тадқиқот ўтказиш учун 2017 йилда мутахассислар томонидан анкета ишлаб чиқилган бўлиб, 2018 йилда замон талабига мос равишда ушбу анкета янада такомиллаштирилди ва қуйидаги бўлимлардан ташкил топди:

Тадқиқот анкетаси паспорти;

A. Ижтимоий-демографик кўрсаткичлар (7 та саволдан иборат бўлиб, шундан 2 таси ҳам ёпиқ, ҳам очиқ саволдан иборат. Ёпиқ савол - бу жавоб вариантлари белгиланадиган савол, очиқ саволда респондент ўз жавобини ўзи ёзиши мумкин. Очиқ саволлар қиймати юқори бўлиши билан бирга, маълумотларни қайта ишлашда қийинчиликка олиб келади);

B. Таълим жараёни ва ёшлар муаммолари блокида 18 та савол бўлиб, ҳаммаси аралаш, яъни ҳам очиқ, ҳам ёпиқ саволлардан иборат (Сон билан белгиланган жавобларнинг фақат биттасини респондент белгилайди, ҳарф билан белгиланган саволлар жавобларидан эса бир нечасини белгилаши мумкин. Сон билан белгиланган жавоб вариантларидан таркибини аниқлаш учун диаграммалар қуриш мумкин. Ҳарф билан белгиланган жавоблардан эса жавобларнинг ранглари, яъни тутган ўрни бўйича кетма-кетлигини кўрсатувчи гистограммалар чизиб ифодалаш мумкин);

C. Яқин келажакдаги режалар (4 та аралаш саволдан иборат);

D. Бандлик ва иш ҳақи (фақат коллеж битирувчилари учун) (6 та аралаш саволдан иборат);

E. Ёшлар ва тадбиркорлик (11 та аралаш саволдан иборат).

Жами 51 та савол ва 325 та жавоб позициялари тайёрланган анкета дастлаб пилот тадқиқот қилинди, пилот тадқиқотда хато ва камчиликлар аниқланиб, такомиллаштирилди. Кейинги босқичда ҳудудлар бўйича танланма (3-илова) ҳисоблаб чиқилди ва ҳар бири жамланди.

Танланмани шакллантириш 2 босқичда бажарилган бўлиб, биринчи этапда вилоят, туман, шаҳар аниқланди, иккинчи этапда коллеж/лицейлар ихтисослигига қараб танлаб олинди. Танланма йўналишлар бўйича халқаро танланма стандартларига мос келади.

[1]https://uznews.uz/ru/article/14309
[2]http://www.uzdaily.uz/ru/post/44469

Тадқиқотнинг кейинги босқичида тадқиқотни ўтказиш учун ҳужжатлар тайёрланди (республика, вилоят, шаҳар ҳокимликларига, олий ва ўрта махсус таълим муассасалирига, Ёшлар иттифоқига хатлар жўнатилди, пилот (текшириш) ўтказилгандан кейин ҳужжатлар (анкета саволномаси, анкетёр учун анкетани тўлдириш йўриқномаси тушунтирилди, ўқитувчилардан олинадиган сўров йўналишлари) тайёрланиб кўпайтирилди (тираж). Ўқувчилар сони 0,5% хатолик билан, репрезентатив танланма асосида аниқланган.

Танланманинг умумий сонини аниқлаш учун тасодифий такрорланмайдиган танлов усули ишлатилган:

$$n = \frac{t^2 * \delta^2 * N}{\Delta^2 * N + t^2 * \delta^2}$$

Бу ерда:

n - респондентлар сонининг ҳисобланган сони;

δ^2 - бош тўплам дисперсияси;

Δ - танланманинг чегаравий хатоси;

t - танланманинг ўртача хатосининг такрорланиши;

N - бош тўплам сони.

Танланманинг чегаравий хатоси 5% дан ошмаган ўртача арифметик қийматдан келиб чиқади. Ўртача арифметик қиймат учун 56,22 умумий баҳо олинган. Бунда Δ = 56,22*5%=2,811.

t ни аниқлаш учун аҳамиятлилик қиймати ε=0,05 берилади, унга γ=0,95 ишончлилик эҳтимоллиги мос келади.

Бу танланманинг ишончлилиги 95% интервалда. Стьюдент функцияси махсус жадвали бўйича γ=0,95 учун t =2 мос келади.

Бош тўплам дисперсияси ўхшаш тадқиқотлар маълумотлар базаси бўйича баҳоланиб аниқланган:

$$\delta^2 = \frac{\sum (x_i - \bar{x})}{n-1}, \qquad \delta = 19{,}9$$

Бош тўплам умумий сони N=500 000 (ҳар йили Ўзбекистонда коллежларни битирувчи ёшларнинг сони).

Респондентлар сонини ҳисоблаш формуласидан келиб чиқиб, қуйидагилар аниқланди:

$$n = \frac{t^2 * \delta^2 * N}{\Delta^2 * N + t^2 * \delta^2} = \frac{2^2 * (19{,}9)^2 * 500000}{(2{,}811)^2 * 500000 + 2^2 * (19{,}9)^2} = 200.$$

Шундай қилиб, ифодалаш учун танлов мажмуаси сони n ≥ 200 ташкил этиши керак. Худди шундай қилиб,ҳудудий танланма ва умумий танланма ҳисобланди.Коллеж/лицей битирувчи ёшлари сони танланмаси қуйидагича:

Ўзбекистон *Республикаси (n) = Қорақалпоқистон Республикаси (n_1)+Фарғона вилояти (n_2)+* Сурхондарё вилояти *(n_3)+Тошкент вилояти(n_4)+Тошкент шаҳри(n_5)= 279+200+200+246+253=1178 та*

Кейинги босқичда танлаб олинган ҳудудлардаги ўқув муассасига борилиб, тасодифий қадамли танлаб олиш усули билан (200 битирувчидан сўров ўтказилиши керак бўлса, умумий битирувчилар сони, масалан, 2000 та бўлса: 2000/200=10, қадам 10, яъни ҳар 10 - битирувчи танлаб олиниб, анкета сўрови ўтказилади) танлаб олинган коллеж/лицей битирувчиларига сўров ўтказиш йўриқномаси таништирилгач, анкета тўлдириш учун

ўқувчиларга ўз фикрларини очиқ баён эта олишлари учун тарқатилиб, сўров ўтказилди. Жойларда анкеталар бирламчи текширилиб, маълумот йиғилди.

Якуний босқичда маълумотлар персонал электрон ҳисоблаш машинаси (ПЭҲМ) базасига киритилди, таҳлилий файллар тайёрланди, махсус программа орқали жадваллар ишлаб чиқилди. Маълумотларни қайта ишлаш ва маълумотлар базасига киритилган ахборотлар SPSS дастурий мажмуада амалга оширилди.

Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий истаклари мониторинги учун: 1178 (коллеж/лицей битирувчиси) + 612 (мактаб битирувчилари) + 513 (уюшмаган ёшлар) = 2303 та ёшлардан тасодифий усулда сўров ўтказилди. Анкетанинг айрим саволлари коллеж/лицей битирувчилари, мактаб битирувчилари ва уюшмаган ёшлар учун бир хил бўлиб (қайси тармоқда ишлаш истаклари, ишга жойлашгандаги иш ҳақи мўлжаллари, келажак режалари), кўп саволлар уларнинг тоифасига қараб фарқ қилган, масалан тадбиркорликка муносабати, ҳуқуқий саводхонлиги ва бошқалар.

Шаклланган маълумотлар базаси шаҳар, қишлоқ жойлари, йигитлар ва қизлар, турли ижтимоий қатламга оид оилалар, ўқувчиларнинг ота-онасининг бандлиги, маълумот даражасига қараб табақалашган ҳолда маъмурий ҳудудлар, туман, шаҳар, алоҳида коллеж/лицейларни таҳлил қилиш ва ёшлар, жумладан, уюшмаган ёшлар истакларини баҳолаш орқали аҳоли фоаровонлигини стратегик ошириш учун чоралар кўриш имконини беради.

MODERN RESEARCH METHODOLOGIES: THE DIFFERENCE BETWEEN INTERNATIONAL AND NATIONAL SOCIOLOGICAL APPROACHES DURING FEASIBILITY STUDY IN UZBEKISTAN

***Azizova N.M.** – Ph.D., National University of Uzbekistan, Department of Social Work*
***Muratova N.** – Dr,DSc, Tashkent Institute for Postgraduate Education of Doctors, Department of medical techniques and innovative technologies*

Introduction. Since 1991, the Government of the country has applied for the financial assistance from International Financial Institutions (IFI) and organizations. Large scale projects in energy, construction, agriculture, transport, healthcare and education sectors were implemented from received loans from World Bank (WB), Asian Development Bank (ADB), FAO, JICA, Asian Infrastructure Investment Bank (AIIB) and others. During the preparation of the project documents the relevant state research institutions, ministries ang agencies who have expressed their interest in receiving the loans have provided assistance to the IFI. Each of these IFIs has their own Country Partnership Strategy with Uzbekistan which includes key indicators of the social and economic aspects. According to the President Decree #3857 from 2018, the pre-project report has been included the documentation of the substantiating feasibility study of the project under the proposed parameters and including an evaluation document, procurement plan, feasibility study of the project and procurement documentation. In the outlines of the national standards for the developing of the preparatory phases, it has been mentioned only ones about the need to study the social aspects of the project area.[1]However, the significant social and economic indicators are not observed by national feasibility studies. Majority of the local Design Institutes mostly observe general social indicators without conducting the detailed socio-economic assessment of the project zone. In addition, there

[1] Attachment to the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 16, 2018 No. PP-3857 “Agreement on the procedure for the preparation and implementation of projects with the participation of international financial institutions and foreign government financial organizations”.

are no national guidelines for conducting the social research with the list of specific social indicators which are mandatory for the consideration.

In contrast to the national standards of the socio-economic assessment, majority of the international organizations have their own methodological approach for determining the key poverty and social challenges of the project zone population which should be included in the final project preparation documents. Based on the IFI's guidelines national research institutes, consulting firms, and agencies are providing Project Preparatory Technical Assistance.[1]

The World Bank as well as other IFIs have developed the new cooperation strategy "Concept of structural transformation of the economy of Uzbekistan 2030" which is based on the deep analyses of the poverty reduction, gender aspects, and community development. The ADB's Country Partnership Strategy also pays special attention to the development of the (i) main text, (ii) results framework, (iii) some link documents such as thematic and sector analyses, and (iv) indicative rolling country operations business plan.[2] The main goal of this strategy is to identify priority sectors and programs for the development of the economy and other analytical and advisory activities.[3] Although the national design institutes in each sector are conducting pre-feasibility and feasibility studies, their final results and reports have not focused on the development and implementation of the appropriate social measures and dimensions such poverty reduction, inclusion of the marginalized people, and gender aspects.

In 2019, the Government of Uzbekistan (GoU) through the Ministry of Housing and Communal Services (MHCS) initiate the Bukhara Region Water Supply and Sewerage Project (BRWSSP) and seeks financial assistance from the Asian Infrastructure Investment Bank (AIIB) for this purpose. In line with the GoU regulatory and AIIB policy requirements, MHCS has commissioned a study to address the environmental and social impacts of this project. As an outcome of this project, the Environmental and Social Management Planning Framework (ESMPF) has been prepared.

The purpose of the ESMPF is to ensure that the activities are assessed and implemented in conformity with the policies of the Republic of Uzbekistan, the Bukhara Region, the City of Bukhara as well as the AIIB Environmental and Social Policy (ESP) and Environmental and Social Standards (ESSs). The ESMPF identifies generic impacts of the project activities and identifies generic mitigation measures to address these impacts. It sets out principles and procedures to carry out environmental and social assessment as well as involuntary resettlement planning for the project activities.

The AIIB has developed the Environmental and Social Policy (ESP) which comprises mandatory environmental and social requirements for each Project. Three associated mandatory Environmental and Social Standards (ESSs) set out more detailed environmental and social requirements.

One of the main social dimensions required by Environmental and Social Assessment and Management (ESS 1) of the AIIB is the Social Development and Inclusion. For the Bank, inclusion means empowering people to participate in, and benefit from, the development process in a manner consistent with local conditions. Inclusion encompasses policies to promote equity of opportunity and non-discrimination, by improving the access of poor, disadvantaged and disabled people to education, health, social protection, housing, environmental quality, infrastructure, affordable energy, water and sanitation, employment, financial services and productive assets. It also embraces action to remove barriers against vulnerable groups, who are often excluded from the development process, and to ensure that their voices can be heard.[4]

[1] Attachment to the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 16, 2018 No. PP-3857 "Agreement on the procedure for the preparation and implementation of projects with the participation of international financial institutions and foreign government financial organizations".

[2] Handbook on Poverty and Social Analysis, Asian Development Bank, 2012, Manila, Philippines.

[3] https://mfa.uz/en/cooperation/international/1225/

[4] Environmental and Social Framework, Approved February 2016 (Amended February 2019), AIIB, China

The next important dimension is a **Gender Equality**. The Bank recognizes the importance of gender equality for successful and sustainable economic development. The Bank encourages Clients to enhance the design of their Projects in an inclusive and gender-responsive manner to promote equality of opportunity and women's socioeconomic empowerment, particularly with respect to access to finance, services and employment and to promote positive impacts on women's economic status, with particular regard to financial resources, property ownership, and control.[1]

The **Stakeholder Engagement** provides that the transparency and meaningful consultation is essential for the design and implementation of a Project. Meaningful consultation is a process that begins early and is ongoing throughout the Project. It is inclusive, accessible, timely and undertaken in an open manner. It conveys adequate information that is understandable and readily accessible to stakeholders in a culturally appropriate manner and in turn, enables the consideration of stakeholders' views as part of decision-making. Stakeholder engagement is conducted in a manner commensurate with the risks to, and impacts on, those affected by the Project.2

Findings of the analysis. Although the definition of the poverty level, gender equality and community inclusion are recognized by the government, the modern sociological methods and approaches for their development are not still developed.[3] Moreover, only general social indicators are considering during the implementation of the nationalfeasibility study by design institutes and local ministries

The national feasibility study does not contain accurate guidelines for conducting the socio-economic assessment of the project area. Due to lack of the clear directives for social assessment the relevant state organizations, ministries, design institutes and agencies usually include only basic demographic indicators depending from the sector of economy. Particularly, during feasibility study the design institutions do not consider next dimensions: (i) poverty, inequality, and exclusion; (ii) gender; (iii) stakeholders and participation; (iv) social risks and vulnerabilities; and (v) institutions and capacity.

For example, during the development of the ESMPF for the MHCS, social development specialists of the consulting firm have used the data obtained from the Technical feasibility study by PIU «O'zbekkommunalloyihaqurilish», 2019. Based on the received report from the Design Institute it was revealed that the national Technical and Economic Assessment of this project have devoted one section named 2.1.1"Social and Economic Conditions" where indicated just general issues of the water sector in the Bukhara region. In other sections of the report there are demographic data and forecasts for the access to the water supply and sewerage system. However, during national feasibility study the social indicators such poverty level, gender aspects of the water supply and early involvement ofLocal Voicesof the project area were not observed. The old style of the national methodology with general conclusion "increasing the living standards" does not coincide with the international standards of the feasibility study. Mostly, in these cases, state organizations apply to consulting firms' assistance aiming the development of the additional social and economic assessment of the project area.

Research Methodology for Social Survey. In 2019, this research methodology was developed by the social team in the frame of the Bukhara Region Water Supply and Sewerage Project (BRWSSP) funded by AIIB. It is based on the development of the important social indicators such as poverty level of the local population, water supply and sanitation challenges of the inhabitants, women's participation in this project as well as people with disabilities and children. These socio-economic data have collected with aim of the analysis possible socioeconomic benefits of the Project, primarily for vulnerable groups of the population; analysis of water supply and sanitations problems for population, impact of access to water and sewerage systems on life quality and living standards of population; analysis of water and sewerage demand for the support of main Project objective study, i.e. rehabilitation and construction of water delivery

[1] Environmental and Social Framework, Approved February 2016 (Amended February 2019), AIIB, China
[2] Handbook on Poverty and Social Analysis, Asian Development Bank, 2012, Manila, Philippines
[3]https://www.gazeta.uz/ru/2020/01/24/poverty/

system; analysis of the problems related to potable water shortage including health issues; analysis of coping strategies used by the population where water shortage exists; assessment of the potential negative impacts of the Project; analysis of the gender aspects of the access to water supply and sewerage system; and provision of information for Gender Action Plan.

Both quantitative and qualitative methods of data collection were used for the socio-economic survey. This included a review and analysis of available information about the sub-project area (using official statistics in the first instance), findings from the extensive household survey, in-depth interviews with key informants and focus group discussions.

It was planned to conduct 12 Focus Group Discussions (FGDs) in the nine districts of the Bukhara region of the Project's first priority phase. Two out of the 12 FGDs were conducted in Bukhara and Kagan cities which are covered with centralized water supply systems. Six female and four mixed FGDs were organized for population in rural districts of the Bukhara region. In average 12 women (two elderly, four middle aged, four young mothers, two adolescents) participated in the each female FGD. The representatives of the healthcare, education, small business and local authorities participated in the mixed FGDs as well. In addition, face-to-face interviews have been taken from the officials of project stakeholders and Bukhara region Suvoqava department.

In compliance with the goals and objectives of the socio-economic survey, in December 2019, 300 households were interviewed within nine districts of the Bukhara region, including Bukhara, Kagan, Peshku, Rometan, Qorovulbozor, Jondor, Karakul, Olot, Gijduvon and also Bukhara and Kagan cities. During the preparatory phase, a brief review of relevant official statistics was carried as well. The data of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics and Bukhara Region State Statistics Committee are used as a basic source of secondary information. In addition, information was supported by the department of economy and statistics of local Khokimiyats and at times at local self-governance bodies.

Conclusion. The national methodology of the feasibility studies developing with aim of the preparation of documents for project implementation funded by IFI needs to be modernized. In addition to technical parameters of the feasibility study the detailed socio-economic assessment of the project area should be presented. Particularly, the important social dimensions such as poverty level, gender equality, stakeholder participation, and community development indicators should be explored and be mandatory for the future implementation by the state organizations and design institutes during feasibility study of the projects funded by international as well as national organizations.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Шайманова А.Э. *– ф.ф.н., доц.,*
Қарши давлат университети

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан буён мамлакатимизда амалга оширилаётган жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотлар ва модернизациялаш жараёнлари фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилишига сабаб бўлди. Жамиятни барқарор ва ҳар томонлама мутаносиб ривожлантириш ҳар доим энг долзарб муаммолардан бўлиб келган. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида баён қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг устувор йўналишлари бу масаланинг долзарблигини янада оширди. Мазкур концепциянинг бешинчи йўналишифуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган. Ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамияти билан боғлиқ кўплаб янги жамоат ташкилотлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жаҳон амалиётида тенги йўқ бўлган маҳалла

институти вужудга келди, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган жуда кўплаб қонунлар қабул қилинди.

Фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий, иқтисодий, маънавийманфаатларини илгари суриб, жамиятда манфаатлар мувозанатинитаъминлашда, энг асосийси – фуқароларнинг барча соҳалардаги фаоллигини оширишда, ўз ижодий ва бунёдкорлик имкониятларини юзага чиқаришда тобора аҳамиятли бўлмоқда. Шу билан бир қаторда улар шиддат билан ўзгараётган ҳаёт талабларига мослашиб боришлари зарур. Уларни янада ривожлантириш, замонавий жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маданий асослари ва илмий салоҳиятини кучайтириш-мамлакатимизда ижтимоий шерикчилик муносабатлари ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали фуқаролик жамиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Аҳолининг дунёқараши, кайфияти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ҳодисаларга муносабати, турли қатламлар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш учунуни аввало ижтимоий ҳодиса сифатида илмий асосланган ҳолда ҳар томонлама ўрганиш зарур. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) вакилларини ўз ҳудуди ва маҳалласининг устувор ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий муаммоларини ўрганиш ва ўзаро алоқадорлигини социологик тадқиқотлар асосида таҳлил қила олиш тажрибасига эга бўлишини тақозо қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотларида ўз маҳалласи ёки ҳудудидагидолзарб ижтимоий-иқтисодиймуаммоларниўрганиб, таҳлил қилиш, вазиятни баҳолаш кўникмалари унчалик юқори эмаслигини кўрсатмоқда. Шу сабабли уларнинг кўпчилиги аниқ стратегик мақсад, режа ва дастурлар тузишда қийналиб қолмоқдалар. Натижада, вазиятни пухта ўрганиб, таҳлил қилмасдан маблағ топиш ёки ижтимоий шерикчилик муносабатларини ўрнатиш учун қилган уринишлари самарасиз бўлган ҳолатлар кўплаб учрайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ишлаб чиққан лойиҳалар ўрганилганда уларнингаксарияти муаммонинг долзарблиги мақсадли гуруҳлар эҳтиёжлари ҳамда вазият таҳлили асосида ўрганилмаганлигини, мақсад ва вазифалар илмий-амалий жиҳатдан асосланмаганлигини кўрсатди. Шунингдек, ННТ вакиллари орасида ўтказилган сўров натижалари кўрсатишича, деярли барча ННТ ларда вазият таҳлилини социологик тадқиқотлар асосида амалга ошириш ҳамда хулоса ва прогнозлар қилиш бўйичамутахассислар ёки зарурий билим ва кўникмалар жуда кам. Бу эса улар фаолиятини пухта ишлаб чиқилган, аниқ мақсадли гуруҳга қаратилган чора-тадбирлар дастури асосида юритилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Зеро, социологик тадқиқотлар бугунги кунда муҳим ва тезкор ривожланиш босқичида турибди. Жамиятнинг турли муаммолари нафақат олимлар балки кенг жамоатчилик томонидан атрофлича ўрганила бошланди. Бундай қизиқиш турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларни янгича баҳолаш юзасидан социологик тадқиқотлар имкониятларига бўлган ижтимоий эҳтиёжларнинг кескин ортиши билан изоҳланади.“Социология” атамасииккита сўз бирикмасидан ташкил топган: лотинча “societas” – жамият ва юнонча “logos – таълимот,[1] сўз, ўрганиш демакдир. Демак,социология жамият ҳақидаги фан маъносини англатади. Социологиякишилар оммаси билан иш кўради, уларнинг фикрини сўровномалар ёрдамида ўрганади.

Социологик тадқиқотларни ўрганган киши ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий жамоалар моҳиятини, уларда юз бераётган ўзгаришларни, шунингдек, ижтимоий тараққиёт қонунлари моҳиятини чуқурроқ тушунади,амалиётга назарий – методологик жиҳатдан қуролланган ҳолда кириша олади, кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш ва уни

[1]Ҳолбеков А.Ж., Идиров У.Ю. Социология: изоҳли луғат-маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.

мустақилликни мустаҳкамлаш ва истиқлол йўлига тўла сафарбар этиш амалиёти сирларидан воқиф бўлади.

Социологик тадқиқотларнинг фаолият майдони кенг бўлиб, у кўчада кишиларнинг тасодифий тўқнашувларидан тортиб, то глобал ижтимоий жараёнларни тадқиқот қилишгача бўлган соҳаларни қамраб олади. Бир сўз билан айтганда, социологик тадқиқотларни ташкил этиш, маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш услубларини ўрганишни талаб этади.

Шундай қилиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги асосий муаммолар амалий(эмпирик) социологик тадқиқотлар ўтказиш орқали ўрганилгандажамоат ташкилотлари, ННТ ходимлари, мутахассислар,талабалар ҳамда кенг жамоатчилик оммаси социологик ахборотлар тизимини яратиш имкониятларига эга бўладилар. Социологик тадқиқотлар жамиятнинг турли соҳалари фаолиятини мўътадил ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида жамиятнинг турли соҳаларини бир-бирига мувофиқлаштириш лозим бўлади. Буни амалга оширишда социологик тадқиқотларнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Эмпирик тадқиқотлар тажрибасидан ҳар хил соҳадаги ва касбдаги ходимлар, шунингдек, ННТ лари ҳам ўз ишларида кенг фойдаланишлари ва шу асосда турли маблағларни жалб этишлари мумкин. Хулоса қилганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни пухта ўрганиш, уларнинг сабаб ва оқибатлариниилмийтаҳлил қилиш ва шу асосда уларнинг ижтимоий ҳамкорликнийўлга қўйиш салоҳиятини оширишда ёрдам беради.

ЁШЛАРДА АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Хусанова Х.Т. *– ЎзМУ “Социология” кафедраси доценти, соц.ф.н.*
Эргашев Т. *– ЎзМУ “Социология” кафедраси магистри*

Ахборот (лотинча – “informatio” – тушунтирмоқ, баён этмоқ) аслида инсоният олами, ҳодиса ва воқеалар, предметлар, далил ва жараёнлар ҳақидаги тизимлаштирилган маълумот оқимини англатиб, дастлаб кишилар томонидан оғзаки, сўнгра ёзма шаклда узатилган. Ҳозирда ахборотни турли, яъни, матнли, товушли, видео, анимация каби тараққий этган кўринишларда узатиш ва қабул қилиш мумкин. Ахборот-коммуникацион технологиялар кишини ўз муҳитидан узиб узоқ масофалар билан боғланиши мумкинлиги аён бўлди. Натижада, индивид чала шаклланган ва охирига етказилмаган шахсият ва уни ўраб турган хатарли ахборот майдони таъсирида қолди. Шахсиятни шаклланишига таъсир кўрсатувчи глобал тармоқ ҳудуд, чек-чегарасиз ва жонсиз ҳаётни ёшлар онгидаги бирламчи қадриятга айлантирди.

Коммуникациянинг замонавий ва ўта оммалашган воситаларидан бири бу мобиль телефонларидир. Мобиль телефон исталган жойда мулоқот ўрнатиш мумкинлиги билан инсон кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Мобиль телефондан фойдаланувчи аудитория борган сари ёшариб бормоқда. Мобиль телефонларнинг кундан кунга жаҳон бозорида турлича ўта мураккаб функциялар ва командаларни бемалол бажаришга мўлжалланган ривожланган мультимедиали моделлари орқали Интернетга кириш ҳеч қандай қийинчиликни туғдирмай қўйди. Шу боис, инсон бир зумда дунёнинг турли бурчагида содир бўлаётган воқае-ҳодисалардан тезкорликда хабар топмоқдалар. Чунки, биргина мобиль телефонлар орқали нафақат ахборот олиш ёки узатиш, балки, бошқа турдаги амалларни қисқа фурсатда юқори тезликда амалга ошириш мумкин. Айниқса, дунё миқёсида

содир бўлаётган воқеа ҳодисалар борасидаги маълумотларни алмашиш имкони кенгайиб бормоқда.

Мобиль телефонлар замонавий виртуаль ўйинлар имкониятини янада кенгайтирди. Кўп тармоқли “сунъий интеллект”га эга интернет ўйинлари ёшларда реал ва виртуаль ҳаёт билан қоришиб кетган ишқибозлик, адреналин, ўткир, ёркин тассуротга эга бўлишга олиб келади. Маълумки, Интернет ўйинлари яратилишида нафақат дастурчилар, кўпроқ психологлар ишлайди. Улар фойдаланувчининг руҳиятига таъсир кўрсатиш қандай қилиб жалб этишни яхши биладилар. Натижада, Интернет ўйинлари ўта замонавий технология ва психология фани ютуқларининг синтезига айланди. Бу синтез кишида кучли мойиллик ва кўникиш ҳосил қилишга қодир. Интернет ўйинларга мойиллик шаклланган ўсмирлар ва ёшларда реал борлиқ билан муштараклик туйғуси парчаланади. Натижада, ўйин лавҳалари реал ҳаётга кўчирилади. Уларнинг ҳатти ҳаракатини яна виртуал майдонга киришнинг енгиб бўлмас иштиёқи бошқаради. Ажабланарлиси, онлайн режимда ўйин ўйнайдиганларнинг 55% и қизлар экан[1].

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида қайд этилган даҳшатли қотилликлардан “интернет ўйинлари асосида қотиллик” деган янги тури тан олинди. Демак, бу ўйинлар ёшларда руҳият, маънавиятни бутунлай парчалаб ташлайди ва асоциал хулқни шакллантиради. Бу турли социологик тадқиқотлар асосида ҳам ўз исботини топмоқда. Хусусан, Эронда ўтказилган тадқиқотларга кўра, ёшларнинг 35%-интернетдан мулоқот учун, 28%-ўйинлар учун, 30%-электрон почтани кўриш учун, 25%-глобал тармоқда ахборот қидириш мақсадида фойдаланар эканлар[2].

Глобал ахборот тармоқлари ёшлар ахлоқига таъсир кўрсатиш давомида уларнинг ижтимоий ҳолатини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Масалан, интернет мойиллик оилада ва таълимда жиддий муаммоларга олиб келиши тайин. Агарда фойдаланувчи бир ой давомида интернетдан кўнглини узаолмаса ва доимий ишласа унда интернет мойиллик шаклланиб улгурганлигини англаш мумкин. Афсуски, биз ёшлар орасида айнан шу муаммога тез-тез дуч келмоқдамиз. Бу вақт ўтиши билан жисмоний соғлиққа путур етказиши мумкин. Шундай бўлса-да ижтимоий нуқтаи назардан бу зарарли одатлардан бири ҳисобланади, холос. Интернетга мойиллиги кучли бўлган ёшларнинг ижтимоий фаоллик даражаси аксинча ҳолатда бўлган ёшлардан бир неча бор паст турар экан.

Миллий қонунчилигимизда хам ёшларни носоғлом ахборотлардан химоялаш механизмлари мавжуд. Хусусан, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистонда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, хаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган хар қандай хатти-харакатлар ман этилиши, “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда эса порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини тахқирловчи, болалар онгига зарарли таъсир кўрсатувчи ва хуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш хамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши белгиланган.

Аммо, бугунги ахборот маконидаги тенденциялар, ахборот экспансияси, агрессив ахборотларнинг кучайиши ахборот-психологик хавфсизликнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Зеро, социологик тадқиқотларга мувофиқ бугунги ёшлар учун Интернет ахборотнинг асосий манбаси саналади. Улар деярли ярмиси (49%) ҳар куни интернетдан фойдаланадилар[3].

---

[1]Усманова З.Б. Влияние некоторых сайтов интернета на сознание молодежи // Теория и практика образования в современном мире: материалы II междунар. науч. конф. – СПб.: Реноме, 2012. – С. 222-224.

[2] Современная молодёжь. www.pro-net.

[3] Махмудова М.М., Хусанова Х.Т. Камилов Ф.О. Вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг социологик таҳлили. – Тошкент: ComplexPrint, 2018. – Б. 12-13.



1-расм. Ёшларнинг Интернетда сарфлаётган вақт кўрсаткичлари, %.

Социологик тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 30% Интернетда бир мартада 20-30 минут вақт сарфласалар, 27,5% 1 соатгача вақт давомида узлуксиз интернет хизматларидан фойдаланадилар. Уларнинг аксарияти (81%) социал тармоққа бир кунда бир неча ташрифларни амалга оширар экан. Бунда асосий мақсад, дўстлар, синфдошлар, курсдошларни қидириш ва улар билан мулоқотга киришишдир. Сўралганларнинг деярли ярмиси (55%) социал тармоқлардан фойдаланиш уларнинг шахсий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатган, деб биладилар[1].

Интернет орқали ёшларнинг 89%-ўйинлар, 90%-мусиқий ва видеоли сайтлардан фойдаланса, 59%-виртуал энциклопедиялар ва расмий манбалардан кенг фойдаланадилар. Шундай бўлса-да уларнинг аксарияти (75%) мобиль телефонлар орқали интернетдаги турли туман маълумотлардан узлуксиз фойдаланиш инсон рухиятига салбий таъсир кўрсатиши қайд этган. Сўралганларнинг 25% эса турли мазмундаги ахборотларни топиш қулайлиги боис, мобиль телефонлари орқали Интернетдан кўп фойдаланади ва бу улар учун ижобий социал ҳодиса саналади.

Тадқиқотда иштирок этган 67% ёшлар мобиль телефонлардан мунтазам фойдаланадилар. Маълум бўлишича, 69,1% сўралганларнинг ота-оналари тез-тез ўз фарзандларининг телефонларини текшириб турадилар (2-расм).



2-расм. Мобиль телефонларни ота-оналари томонидан текширилишига муносабат тақсимоти, 0%

Тадқиқотда иштирок этган ёшларнинг 85% ўз телефонни ота-оналари томонидан текширилишига қаршилик кўрсатмайди. Аммо, мобиль алоқа воситаларига кучли боғлиқлик синдроми ҳосил бўлганлиги туфайли, 65,5% сўралганлар агарда телефон аппарати бузилиб қолса ёки йўқолса зудлик билан телефонни таъмирлашга ёки қидиришга тушишларини билдирганлар. 26% сўралганлар аввало, ота-онаси назоратида интернет янгиликлари ва маълумотларини олиш учун телефондан фойдалансалар, 20% ўртоқлари билан доимий мулоқотда бўлиб туриш учун, 16% эса мобиль телефонлардаги ўйинларни ўйнаш мақсадида

[1] Махмудова М.М., Хусанова Х.Т. Камилов Ф.О. Вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг социологик таҳлили. – Тошкент: ComplexPrint, 2018. – Б. 15-16.

телефондан фойдаланар эканлар. 20% эса бу каби ўйинларни вақти-вақти билан ўйнаб турсалар, 67,3% ўқувчилар ўз уйларидаги компьютерларда турли ўйинларни ўйнашни ёқтирар эканлар. 20% эса (аксарият ота-онасининг таъқиқилашдан хавфсираб) қўшни тенгдош болаларнинг уйларида турли ўйинларни ўйнашлари аниқланди[1].

Интернетнинг бу каби кўламли таҳдидлари, ахборот хуружларидан ёшларни ҳимоялаш масаласи борган сари долзарблашмоқда. Бу борадаги уринишлар Интернетдаги таҳдидлар шакли ва турларининг борган сари мураккаблашувчи, кўз илғмас тарзда айёрлашуви, кутилмаган ҳолатларда пайдо бўлиши каби омиллар натижасида баъзида самарасиз кечмоқда. Шунингдек, интернет мойиллик ҳосил бўлган ёшлар ҳар қандай тўсиқ ёки чекловларга қарамасдан ўзлари учун маъқул келувчи сунъий виртуал дунёсини топиб олиш учун барча имкониятларни ишга соладилар.

Аммо, бу борада қатор ишлар қилинмоқда. Масалан, таъқиқлар, фильтрлар ўрнатилиши орқали тубан сайтлардан фойдаланиш кўлами чеклашга ҳаракат қилинмоқда. Бу фильтрлар ҳаёсиз сайтларга киришни назорат остига олади ва улардан фойдаланишни тақиқлайди. Шунингдек, интернет-кафе ва компьютер клубларига ташриф буюрувчиларнниг ёшига цензлар ва фойдаланиш вақтига чекловлар ўрнатилган. Бунда Шимолий Кореяда тажрибасидан келиб чиқиб интернетни таъқиқлаб қўйиш ёки Хитойда бўлгани каби ундан фойдаланишга расмий чеклов ўрнатиш мумкин. Аммо, сўнгги 10-15 йил давомида мобиль алоқа воситалари орқали Интернет хизматларидан муттасил фойдаланиш аксарият ёшларнинг кундалик юмушига айланиб улгурганлиги боис бу жараён бирмунча мураккаб кечиши мумкин.

Бу хусусда, Президент Шавкат Мирзиёев: “...кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани – бу ҳам бор гап. Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан, электрон китобхонликни кучайтириши зарур. Нега деганда, биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз[2]” – деб бежиз таъкидламаганлар.

Бунинг учун ёшларда интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиши ва унинг фойдали манбалар асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, ғаразли маълумотларни инкор эта билиш кўникмаларини шакллантириш лозим.

Бунинг учун қуйидаги амалий чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, социопсихологик методикалар асосида ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига тшиб қолишларида туртки бўлувчи социал муаммолар, уларнинг ахборот хавфсизлигига оид билим савияси, ахборотни фильтрлаш кўникмалари, унинг замонавий манбаларига тобелик даражасини ташҳислаш.

Иккинчидан, назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида бугунги кун ёшларининг социал образини яратиш, уларнинг социал мобиллигига туртки бўлувчи мотивларнинг иерархик моделини ҳосил қилиш.

Учинчидан, ёшларнинг ахборот хавфсизлигига таҳдидлар солаётган омилларга қарши маънавий-аҳлоқий иммунитетни мустаҳкамлашнинг илғор механизмлари ва технологиялари бўйича инновацион ўқув-услубий модулларни ишлаб чиқиш.

---

[1] Махмудова М.М., Хусанова Х.Т., Камилов Ф.О. Вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларининг социологик таҳлили. – Тошкент: ComplexPrint, 2018. – Б. 52-53.

[2] Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июлда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ДИАЛЕКТИКАСИ

Нишанбаева Э. *– ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети доценти в.б.*

Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикаси нимани англатади? – деган масала алоҳида диққатни талаб қилади. Аввало, таъкидлаш жоизки, шахснинг бир томондан давлатга мансублигини билдирса, иккинчи томондан, шахснинг эркин жамият аъзоси эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятида ижтимоий шериклик асосини инсонларнинг мақсадга мувофиқ ўзаро самарали ҳамкорлиги ташкил этади, яъни бу жараёнда ўзаро ҳамкорларнинг ўз қизиқишлари муваффақиятга эришишларининг юқори даражадаги кафолати таъминланади. Шунинг учун ҳам М.Вебер давлат ва фуқаролар ўртасида ташкил этиладиган муносабат ўзаро мақсадли хатти-ҳаракатларнинг маҳсули эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.[1] Ижтимоий шериклик шакллари, уларнинг жамиятда бажарадиган вазифалари, ҳуқуқий бошқарув, ифодаланиши характери ва шартлари асосида ажратиб ўрганилади.

Айни шу маънода, Г.И. Авицинова “Ижтимоий шериклик, бу турли субъектларнинг, институтларнинг, тузилмаларнинг бевосита ёки билвосита, ички ёки ташқи муносабатлар, алоқалар жараёни, бу объектларнинг, шунингдек бутун жамиятнинг, давлат институтлари, бизнес ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади”[2]деб таъкидлайди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ижтимоий шериклик жамиятда барқарорликни таркиб топтириш учун керак, албатта. Чунки, барча қатламларнинг асосий қизиқишларини алоҳида ҳисобга олиш лозим.

Шунинг учун ҳам, ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра шериклик муносабатлари гуруҳли эгоизмга, сиёсий лоббизмга ва либерал индивидуализмга қарама-қарши тушунчадир. У давлат органлари, ташкилотлари фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ўртасидаги диалог моделига асосланади. Шу маънода ижтимоий шериклик муайян тизим сифатида намоён бўлади ва бу жараёнда у ўзида умумий қадриятлар, маънавий ва ғоявий асосларга таяниб, ўзаро ён бериш, шунингдек жамоавий-келишув шартномаларини (иштирок этаётган барча ижтимоий субъектлар томонидан) акс эттиради[3].

Ҳозирги даврда фуқаролик жамиятини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олган давлатларда ижтимоий субъектларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ижтимоий диалог, ҳуқуқ ва манфаатлари тенг, зиммасига олинган мажбуриятлар сингари белгилар мавжуд бўлган ижтимоий шериклик шаклланмоқда. Шу нуқтаи-назардан қараганда, фуқаролик жамиятида ижтимоий шериклик янги бошқарув усули, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган тамойилдир. Ушбу тамойил давлат ва фуқаролик жамияти институтлари муносабатларини замон руҳига мос равишда белгиланган шакл ва тамойилларга асосланган ҳолда яхшилашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ижтимоий шериклик ижтимоий субъектлар интеграциясининг ва ижтимоий тизим яхлитлигини мустаҳкамловчи қурол сифатида намоён бўлади.

Шу ўринда ижтимоий шерикликни меҳнат муносабатлари жабҳасини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган индустриал жамият шаклланиши босқичида юзага келган ҳамкорликнинг доимо функционал ва ижтимоий-позитив шакли сифатида тушуниш ноўринлигини таъкидлаш лозим. Чунки ижтимоий феномен сифатидаги шериклик хронологик, соҳа ва деярли чегараланмаган мақсадли универсаликка эга ва ижтимоий

[1] Вебер М. Избранное: Образ общества. – М.: Центр гуманитарных инициатив 2012. – 767 с.

[2] Авицинова Г.И. Принципы трёхсекторного взаимодействия и тенденции его развития/Г.И.Авицинова //Государство, НКО и бизнес: процесс и взаимодействия: материалы межд.науч.-прак.конф.М:МГОФ «Знание», 2007. - 320 с.

[3] Грин Д.Дж. Возвращение в гражданское общество: Социальное обеспечение без участия государства Пер.с англ. - М.: Новое изд-во, 2009. - 220 с.

субъектлар томонидан нафақат ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга, балки бундай мазмунга эга бўлмаган фаолиятдаги мақсадларга эришишни ҳам назарда тутади. Шунинг билан бир қаторда ижтимоий шерикликнинг ўзига хос таснифи фақат унгагина тегишли бўлган жиҳатларни очиб беришга хизмат қилишини унутмаслик лозим.

Иқтисодий соҳадаги муносабатлар нуқтаи-назардан қараганда, фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикасига ижобий таъсир этадиган тизимни ривожлантириш – меҳнат жабҳасида турлича намоён бўладиган ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари орасида нисбий мувозанатни, келишувни шериклик асосида вужудга келтиришга шароит яратади. Шунинг учун ҳам файласуф олим А.Бегматов меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклик масаласига тўхталиб "Ижтимоий шериклик назариясининг мақсади жамиятдаги меҳнат муносабатларида, анагонист синфлар манфаатлари ўртасида мавжуд бўлган зиддиятларни бартараф этиш ва консенсусни таъминлашга қаратилган эди"[1] деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ижтимоий шериклик иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатнинг бирга акс этиши механизми бўлиб ҳисобланади. Шу маънода, фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикаси деганда давлатнинг фаол иштирокида вужудга келадиган ижтимоий-меҳнат соҳасида ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳам тушунилади.

Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий-меҳнат муносабатларининг алоҳида бир тизими бўлиб, у давлат, иш берувчилар ва ходимлар манфаатлари мувозанатини таъминлашга хизмат қилади. Бундай шерикликни амалга ошириш механизми эса жамоа шартномалари ва келишувлари, қўшма қарорлар, локал ҳужжатлар, касаба уюшмалари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларни тузиш ва тадбиқ этиш асосида амалга оширилади. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳужжатларида бу тамойил "ижтимоий мулоқот" деб номланган бўлиб трипартизм (яъни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги уч тарафлама ҳамкорлик) асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда эса меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўртта, яъни умуммиллий, тармоқ, худудий ва локал миқёсларда амалга оширилади. Ҳар бир поғонадаги ижтимоий шерикликнинг ўзига ҳос ижтимой шериклик ҳужжати мавжуд бўлиб, булар бош, тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва жамоа шартномалари бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикасига кўра, аввало давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни ижтимоий шериклик соҳасидаги қонунчилик актлари билан тартибга солиниши, яъни уларни қонун ҳужжатларининг «таъсир доираси» билан қопланиши лозим. Шундай қилиб, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг вакиллик органлари, алоҳида ҳолларда ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда ижтимоий-сиёсий муносабатларни белгилаш, ижтимоий-иқтисодий вазифаларини аниқлаш, улар ўртасидаги ижтимоий шериклик шаклларининг амалга оширилиши механизмларини тобора такомиллаштириб бориш фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикасини таъсирини кучайтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу эса, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари жамоатчилик назорати институти билан бир қаторда, фуқароларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини кафолатловчи ишончли воситалардандир.

Демократик тараққиёт йилларида жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиши, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий фаоллиги тобора ошиб бориши, нодавлат нотижорат ташкилотлари мустақиллиги таъминланиши натижасида давлат ҳокимияти органлари билан улар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини янги сифат босқичига олиб чиқиш имконияти янада ортиб бормоқда[2]. Шу ўринда қайд этиш керакки,

[1] Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // Жамият ва бошқарув. 2014. - №1. –Б.44.

[2] Ахмедшаева М., Нажимов М. Ижтимоий шериклик — демократик янгиланишларнинг муҳим омили// Халқ сўзи. - 2014. 22 октябрь

ижтимоий шериклик ҳам институт сифатида, ҳам мафкура сифатида бир томондан, турли важларни белгилаб олиш, биргаликдаги фаолият давомида уларга қатъий риоя қилиш, иккқинчи томондан, юзага келаётган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда уларни ўзгартириш имконига муҳтож бўлади. Чунки файласуф олим А.Бегматов таъкидлаганидек, ўз даврида “Ижтимоий шериклик мафкураси синфий зиддиятларни юмшатиш, манфаатларни уйғунлигини таъминлашга қаратилган мафкура эди”[1].

Фуқаролик жамиятида шериклик ҳар бири учун турлича вазифаларга мувофиқ тузилгани ва фаолият кўрсатгани туфайли, унинг бошқарув объектлари ҳам, шакллари, усуллари, воситалари ҳам янги шароитлардаги фаолиятни ифодалаши ҳақида гапириш мумкин бўлади. Дарҳақиқат, шериклик субъектларининг тавсифи муносабатлар турини белгилайди ва шериклик фаолият кўрсатадиган барча босқичларда уни бошқаришга имкон беради. Чунки, шериклик субъектлари ҳар хил суръатларда ҳаракат қилади. Бу жараёнда яна хронологик жиҳатдан хилма-хилликнинг бошқа миқёслари ҳам юзага келиши мумкин.

Иккинчидан, ижтимоий шериклик тизими – шериклар томонидан тузиладиган органларнинг доим амал қиладиган йиғиндиси; уларнинг ўзлари томонидан белгиланган ўзаро ҳамкорлиги ва ушбу органлар фаолият кўрсатишининг тартиби; халқаро нормалар, миллий қонунлари асосида ижтимоий шериклар томонидан қабул қилинадиган биргаликдаги ҳужжатлар (битимлар, шартномалар)дан иборатдир.

Шунинг билан бир қаторда ижтимоий шериклик моҳиятини англаш ва турли субъектлар (ҳокимият тизимлари, касаба уюшмалари, иш берувчилар, жамоатчилик бирлашмалари ва ҳ.к.) ўзаро ҳамкорлигининг янги шаклларини ривожлантиришга оид тадқиқотлар, уларнинг энг мақбул ҳамкорлик йўллари, умуман жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши, ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва бошқа жабҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал этиш, жамиятда эҳтимолли низоларни прогноз қилиш ва уларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ана шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ижтимоий шерикликни жамият ривожи ва давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикаси самарасини таъминлайдиган иқтисодий, сиёсий ва маънавий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш тизимига оид масалаларни ҳал этиш зарурати, ижтимоий шерикликнинг назарий ва амалий хусусиятлари етарлича ўрганиш илмий тадқиқотчилар олдида турган энг муҳим жиҳатларидан биридир. Зеро, масалага ижтимоий-фалсафий ёндашув ижтимоий шериклик тушунчасининг кўп қиррали эканлиги, унга нисбатан хилма-хил қараш ва ёндашувлар мавжудлиги ва бугунги кунда мазкур соҳадаги мавжуд тажрибада турли тадқиқотларда фойдаланиш имкониятлари ҳақида муайян таассуротни шакллантиришга ёрдам беради. Бу эса, ҳар қандай илмий тадқиқотнинг энг асосий мақсад ва вазифаларидан бири ҳисобланади.

МЕЖПАРТИЙНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В КОНТЕКСТЕ РЕАЛИЗАЦИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ В УЗБЕКИСТАНЕ

Якубов Б.С. *– к.п.н., ИКПС УзЛиДеП*

За последние годы одной из важных тенденций во внешней политике Узбекистана остается последовательное развитие и всестороннее укрепление всесторонних связей с Россией. Узбекистан и Россия - проверенные временем стратегические партнеры. При этом особое значение имеет дружеский характер взаимоотношений между Президентами,

[1] Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент: 2014. - №1. – Б.43.

решительные усилия которых по укреплению стратегического партнерства и союзничества подняли двусторонние отношения на качественно новый, более высокий уровень.

Последние года отмечаются высокой динамикой и интенсивностью узбекско-российских контактов на различных уровнях по ключевым вопросам двусторонней и многосторонней повестки, наполнением двустороннего многопланового сотрудничества конкретным практическим содержанием. Данная тенденция отражает динамику отношений между Узбекистаном и Россией, курс на более плотное экономическое сотрудничество и политическое взаимодействие. В числе значимых для укрепления культурно-гуманитарных и торгово-экономических связей между странами стали визиты в Узбекистан главы Татарстана Р.Миниханова, Чеченской Республики Р.Кадырова, губернатора Санкт-Петербурга Д.Полтавченко и других (более 20 визитов с 2018 года).

Между нашими странами продолжаются процессы укрепления межпарламентского сотрудничества, в том числе в рамках международных парламентских структур. Повышается также роль парламентов в активизации диалога между странами. Так, в ноябре 2018 г. в рамках визита в Россию делегации верхней палаты парламента было подписано Соглашение о сотрудничестве между Сенатом Олий Мажлиса Республики Узбекистан и Советом Федерации Федерального Собрания Российской Федерации, а также проведено заседание Комиссии по сотрудничеству Сената и Совета Федерации Федерального Собрания.

Большое место в наших отношениях отводится сотрудничеству в культурно-гуманитарной сфере. На сегодняшний день в Узбекистане проживает около 900 тыс. граждан русской национальности. В республике действует Русский культурный центр, который структурно объединяет 19 областных и городских общественных культурно-просветительских русских объединений.

В Узбекистане имеются все возможности для получения базового образования и дальнейшего продолжения учебы по специальности с русским языком обучения. Действуют 824 школ со смешанным обучением на русском и узбекском языках, где учатся около 452 тыс. школьников. Практически все вузы страны имеют факультеты с русским языком обучения. В Узбекистане на протяжении ряда лет действуют и открываются новые филиалы российских ВУЗов, таких как Российской экономической академии имени Г.Плеханова, Московского государственного университета имени М.Ломоносова, Российского государственного университета нефти и газа имени И.Губкина и других.

В целом, все это наглядно показывает высочайший уровень отношений между Узбекистаном и Россией, процессы дальнейшего развития и углубления стратегического партнерства. В этом отношении как очередной шаг по пути дальнейшего расширения отношений между странами в политической сфере является межпартийное сотрудничество между УзЛиДеП и партией «Единая Россия». Так, обе партии стоят на близких идеологических платформах, по большинству вопросов повестки дня мы имеем схожие позиции, в первую очередь, относительно важности поддержки развития предпринимательства, защиты частной собственности, создания благоприятного делового и инвестиционного климата и т.д.

Как партия, выражающая на политической сцене Узбекистана взгляды предпринимателей и фермеров, отметим высокую заинтересованность нашего электората в соответствующем уровне торгово-экономического сотрудничества с Россией. Активизируются прямые контакты между деловыми кругами наших стран, создаются новые совместные предприятия и реализуются перспективные инвестиционные проекты. В частности, в России, как известно, высок спрос на сельскохозяйственную продукцию, а Узбекистан имеет большой потенциал в этой отрасли. Как один из примеров успешного сотрудничества приведу бизнес-форум в «он-лайн» формате «Узбекистан и Россия - перспективы взаимовыгодного сотрудничества регионов», организованного в прошлом году нашей партией совместно с Комитетом по внешним связям Администрации г. Санкт-Петербург.

На наш взгляд, наши партии могли бы существенно расширить формат и количество такого рода мероприятий, которые на практике будут оказывать содействие в активизации торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества между регионами двух стран, установлению прямых деловых контактов предпринимателей, их кооперации, например, в сфере производства плодоовощной и пищевой продукции, выявлению проблем, мешающих активному развитию сферы. Уверены, что этот формат востребован на сегодняшний день и будет служить дальнейшему укреплению сотрудничества между нашими партиями.

Как известно, наши партии обладают наибольшим представительством в законодательной ветви власти. Это создает благоприятную почву для координации усилий по созданию благоприятных правовых условий для развития взаимовыгодных контактов, в первую очередь, по наращиванию и диверсификации торгово-экономического сотрудничества. Тем самым, наши партии внесут свой достойный вклад в решение задачи, поставленной Главами наших государств, по доведению торгового оборота между странами до 10 миллиардов долларов.

При этом, мы в УзЛиДеП уверены, что наши депутаты призваны обеспечить не только необходимое законодательное сопровождение тех решений, которые принимают лидеры наших государств, но и могут инициировать свои правовые региональные механизмы активизации межгосударственного сотрудничества.

Например, одно из таких направлений сотрудничество - агропромышленный комплекс. Узбекистан круглый год поставляет в Россию овощи и фрукты. Увеличение его объемов связано с решением проблем логистики, нехватки специализированных центров, которые занимались бы распределением грузов и регулированием потоков, совершенствованием системы расчета за поставленные товары и т.д. Установление и развитие контактов между УзЛиДеП и «Единой России» в состоянии внести свой достойный вклад в укрепление стратегического партнерства между нашими странами.

Наполнение межпартийного пространства конкретным содержанием будет способствовать налаживанию практического сотрудничества и в сфере партийного строительства. В этой связи, в сентябре 2019 года после насыщенных межпартийных консультаций по ряду перспективных направлений взаимовыгодного партнерства, а также других вопросов, представляющих обоюдный интерес, состоялось подписание Соглашения о взаимодействии и сотрудничестве между УзЛиДеП и «Единой Россией». Данный документ основывается на принципах взаимного уважения, невмешательства во внутренние дела друг друга, надежного и взаимовыгодного партнерства, руководствуясь курсом равноправного и доверительного партнерства между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией. Так, в рамках Соглашения активизирована деятельность по проведению совместных консультаций, обмену опытом в области партийного строительства, организации встреч экспертов и т.д.

Особое внимание предполагается уделять существенному расширению межпартийных связей и контактов на региональном уровне, в том числе, между представителями деловых кругов, проведения под эгидой партий соответствующих семинаров, конференций и «круглых столов», демонстрирующих инвестиционный и бизнес климат на местах. Стороны намерены содействовать развитию взаимовыгодного взаимодействия и сотрудничества молодежных и женских партийных организаций в целях укрепления дружбы, воспитания молодежи в духе патриотизма и трудолюбия.

В целом, указанный межпартийный документ является практическим воплощением намерения обеих партий содействовать расширению и углублению взаимодействия и сотрудничества между Узбекистаном и Россией, рассматривая межпартийные связи как их важную составную часть.

ИНСТИТУЦИОНАЛ МУАССАСАЛАР БИТИРУВЧИЛАРИНИ ПОСТИНСТИТУЦИОНАЛ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Заитов Э.Х. *– ЎзМУ "Ижтимоий иш" кафедраси доценти*

Давлат ижтимоий ҳимоя тизимининг бирламчи субъекти сифатида аҳолининг турли қатламларини истисносиз қамраб олади. Жумладан, етим болалар, "социал етим" ёки ота-она қаромоғисиз қолган болалар давлат ижтимоий сиёсатининг диққат марказида туради. Етим болалар – ота-онаси ёки улардан бири ўлган 18 ёшга тўлмаган болалар бўлса, "социал етимлик" ёки ота-она қаровисиз қолган болалар эса – ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, лаёқатсиз деб топилганлиги, даволаш муассасаларида бўлганлиги, ёки бошқа сабаблар боис ота-онасининг иккаласи ёки бирининг васийлигидан маҳрум 18 ёшгача бўлган болалардир. Бу каби болалар давлатнинг тегишли органлари ва ташкилотлари томонидан ижтимоий ҳимояланади ва балоғат ёшига етгунга қадар улар учун яратилган махсус институционал муассасаларга жойлаштирилади.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек "Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 млрд. кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фразандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унниг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз"[1]. Ўз ўрнида, институционал муассасалар - етим ва ота-она қаромоғисиз қолган ёки алоҳида эҳтиёжли болаларни узоқ муддатга давлат таъминоти ва жамоатчилик ҳаёт тарзи ўрнатилган муассасаларга жойлаштириш шаклидир.

Институционал муассасалар битирувчиларини қўллаб-қувватлашнинг методологик асосини "социал кузатиб бориш" парадигмаси ҳосил қилади. Унинг мақсади – постинституционал адаптация даври (дастлабки 2-5 йил) да битирувчиларда фаол ҳаётий позицияни ривожлантиришга қаратилган шарт-шароитларни яратиш, яъни, таълим олиш, ишга жойлашиш, уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқларини кафолатланиши, жамиятга руҳий, маънавий, ижтимоий мослашиш кўникмаларини ҳосил қилингунга қадар уларни қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашишдан иборат.

Олимлар постинституционал социал адаптациянинг муваффақиятли кечишини таъминловчи қуйидаги омилларини ажратиб кўрсатадилар:

- Бола ижтимоий ҳаётидаги барқарорлик ва мунтазамлик.
- Таълимни яхши ҳаётга эришиш воситаси сифатида қадрловчи яқин катталарнинг мавжудлиги.
- Институционал муассасани битириб шахсий ва касбий ҳаётда муваффақиятга эришган дўстлар билан мунтазам мулоқот.
- Боладаги интилувчанлик ва қизиқувчанлик хусусиятлари[2].

Аммо, бу каби муассасалар фаолияти болада ўзига ўзи маиший хизмат кўрсатиш ва мустақил ҳаётий фаолиятни юритиш кўникмаларини суст ривожланиши, боқимандалик ҳислатларини шаклланиши, айрим вазиятларда улар ҳулқида оғишларга туртки бўлувчи оммавий-ялпи яшаш тарзи, маиший шарт-шароитлар ва таълим-тарбия усуллари қўлланилиши билан тавсифланади.

---

[1]Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқи. 2017 йил 19 сентябрь.

[2]Груздова О.В, Старосветская Н.А, Свириденко А.Г, Котлярова Е.А, Каблукова И.Г. Постинтернатное сопровождение детей-сирот и детей оставшихся без попечения родителей: мониторинг трудностей и запросов работников детских домов // Вестник Красноярского Государственного педагогического университета. 2015. – С. 20-21.

Ўтказилган тадқиқотларга биноан постинституционал адаптация давридаги битирувчиларни шартли равишда қуйидагича туркумлаш мумкин:

Биринчи гуруҳ – социал компетент, масъулиятли битирувчилар. Уларнинг мустақил ҳаётдаги режалари мукаммалишланган.Умумий таълим дастурлари яхши ўзлаштирилган бўлиб, улар ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришга ёки ишга жойлашишга тайёр. Бу гуруҳга мансуб битирувчилар институционал муассасани битириш ва мустақил ҳаётиниизга тушириш даврида ижтимоий-педагогик ва психологик ёрдамга муҳтож бўлишлари мумкин.

Иккинчи гуруҳ битирувчилари – социал кўникмалар, аниқ ҳаётий мақсад, мустақил қарор қабул қилиш қобилияти етарлича шаклланмаган ёшлар. Уларда ижтимоий фаоллик даражаси паст. Мулоқотга киришишдаги ички чекловлар боис, ўқиш ёки меҳнат жамоасида мустаҳкам ўрнашиб кета олмайди. Битирувчиларнинг бу гуруҳи ахборот, ижтимоий-педагогик ва психологик ёрдамга эҳтиёж сезадилар. Уларни мунатазам кузатиб бориш ва хаётини изга туширишда қўллаб-қувватлаш зарур.

Учинчи гуруҳга жисмоний ёки руҳий ривожланишдаги нуқсонлари бўлганглиги туфайли социал адаптацияда муаммолари бўлган битирувчилар мансуб. Улар социал кўникмаларни етарлича ўзлаштирмаганлиги боис, жамиятга мослашиш, таълим ва ишга жойлашишда жиддий муаммоларга дучке лади, Бу битирувчилар мураккаб ҳаётий вазиятларни енгишда четдан мунтазам ёрдам ва айни пайтда мультидисциплинар профессионал жамоа (ижтимоий иш ходими, социолог, педагог, дефектолог, тиббиёт ходимлари)нинг узоқ муддатли (ўртача 5 йил) кузатиб боришига эҳтиёж сезадилар.

Ўзбекистон Республикаси етим ва қаровсиз болалар тарбиясини ўз оталиғига олган, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар ташкил этилган. Етим ва ота-онанинг ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган болалар учун давлат томонидан очилган таълим-тарбия муассасаси сифатида Меҳрибонлик уйларига шунингдек, ота-оналари суд ҳукми биланота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, ота-оналари томонидан воз кечилган болалар ҳам жойлаштирилади. Меҳрибонлик уйларида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаши ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади. Бунда муассасалар 3-7 ёшли болалар болалар боғчаси тартибида, 7-16 ёшли болалар учун умумий ўрта таълим мактаби тартибида ишлайди ва мактаб таълим-тарбия дастурига мувофиқ иш олиб боради. Мустақиллик йилларида халқ таълими вазирлиги томонидан болалар уйлари “Меҳрибонлик уйлари” деб номланиб бошланди[1].

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар 21 та Меҳрибонлик уйлари, 13 та гўдаклар уйлари, 2 та болалар шаҳарчалари, 3 та SOS-болалар маҳаллари. 1 та оилавий болалар уйи, 6 та “Мурувват” интернат уйлари тарбияланадилар[2]. Меҳрибонлик уйлари фаолияти тарбияланувчиларнинг мактаб ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштиришлари, уларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жисмоний камол топишлари, ахлоқий ҳамда эстетик тарбия олган баркамол шахслар бўлиб етишишларига қаратилган бўлса-да, муассаса шароитида таълим-тарбия олаётган болаларнинг аксариятида ўз шахсияти ва атроф-муҳитга нисбатан дунёқараш асосини ташкил этувчи ҳаётий кўникмалар, қадриятли мўлжаллар етарлича шаклланмасдан қолади. Шу боис, институционал муассаса битирувчиларининг мустақил ҳаётий фаолиятида тўсиқ бўлаётган объектив ва субъектив муаммолар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни институционал муассасага жойлаштирилган дастлабки пайтдан уларни жамиятга тўлақонли интеграциялашуви учун мақсадли чора-тадбирлар тизимидаги узилишлар;

[1]Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти. – М ҳарфи. – 503 б. www.ziyouz.com кутубхонаси.

[2]Хрульнова Г.В. Задачи модернизации системы социальной защиты детей-сирот и детей оставшихся без попечения родителей в Узбекистане//Социальная защита детей в Узбекистане: наука и практика. Монографический сборник / отв. редактор Л.Р.Муминова. – Ташкент:SpektrumMediaGroup, 2015. – С. 72.

иккинчидан, постинституционал адаптация босқичида битирувчилар билан ишлаш тизими субъектлари фаолиятининг етарлича мувофиқлаштирилмаганлиги;

учинчидан, институционал муассаса битирувчиларининг дастлабки вақтда кузатиб бориш тизимнинг ташкилий асосларини ишлаб чиқилмаганлиги, улар билан ишлаш технологияларининг мукаммал эмаслиги.

Ушбу муамоларни ечимни топишда қуйидаги асосий йўналишларда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

Биринчидан, институционал муассасада оилавий тарбияга мувофиқ шарт-шароитни яратиш, турли ёшга мансуб болалардан иборат “оилавий гуруҳларни” шакллантириш, гуруҳда мунтазам иш олиб борувчи тарбиячилар фаолиятини йўлга қўйиш.

Иккинчидан, битирувчилар билан якка тартибда ишлашга мўлжалланган мультидисциплинар профессионал жамоанинг социал, психологик-тиббий, педагогик кузатиб бориш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Учинчидан, жамиятда институционал муассаса битирувчисининг позитив имижини шакллантириш ва оммалаштириш.

Тўртинчидан, институционал муассасалар битирувчиларини касбий таълим олишларини таъминлаш, таълим муассасаларида социал мослашишида қўллаб-қувватлаш.

Олтинчидан, уларни ишга жойлашиши ва меҳнат фаолиятида қўллаб-қувватлаш.

Еттинчидан, институционал муассаса битирувчиларни уй-жой билан таъминланишида кўмаклашиш.

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИНСОН КАПИТАЛИГА САРМОЯ

Олимов Ф.Ҳ. *– ЎзМУ катта ўқитувчиси*

Иқтисодчилар одатда ишлаб чиқаришнинг уч омилини эътироф этишади: ер, меҳнат ва жисмоний капитал. 1960 йиллардан бошлаб асосий диққат меҳнат сифатига қаратилди, жумладан ишчи кучининг билим ва касбий тайёргарлик даражасига эътибор қаратилди. Шундай қилиб ўзида шахсий иқтисодий ва ижтимоий наф келтирадиган инсонларнинг билим, кўникма ва бошқа хусусиятларини ўз ичига олган инсон капитали концепцияси вужудга келди. Тажриба ва салоҳият кўпроқ ўқиш ва ишлаш жараёнида шаклланади, лекин шу билан бирга табиат томонидан берилган Деҳқон орқали ҳам белгиланиши мумкин. Инсоннинг айрим ҳатти-ҳаракатлари ва ҳаракатга ундовчи омиллари, шунингдек унга тегишли бўлган жисмоний, эмоционал ва руҳий соғлиқ кабилар ҳам инсон капитали сифатида эътироф этилиши мумкин.

Инсон капитали бу – инсоннинг кўплаб шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида қўлланиладиган билим, кўникма, тажрибалар мажмуасидир. Бу атамани илк бор Америкалик иқтисодчи-социолог Теодор Шульц ва унинг издоши Гэри Беккер томонидан XX асрнинг 60 йилларида қўлланилган. Инсон ҳатти-ҳаракатларига иқтисодий ёндошув назарияси илгари сурилди ва инсон капиталига сармоя киритиш самарадорлиги асослаб берилди. Инсон капитали назарияси асосларини яратгани учун Теодор Шульц 1979 йилда ва Гэри Беккер 1992 йилда халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланишган[1].

Дастлаб инсон капитали дейилганда инсоннинг ишлаш салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган таълим ва касбий кўникмаларга сармоя киритиш тушинилган. Ўтган 50 йилдан ортиқроқ вақт давомида бу тушинча моҳияти анча кенгайди. Жаҳон банки экспертларининг қилган сўнги ҳисоб китоблари инсон капитали истеъмоли ўз ичига

[1]Бабосов Е.М.Социология: Энциклопедический словарь. От классики до современности. Изд.(МФЦП). Минск.2009. 480 с. ISBN 978-5-397-00009-3

оилаларнинг ва давлатнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, соғлиқни сақлаш, маданий эҳтиёжларини қондиришга ажратадиган харажтлардан иборат бўлади[1].

Инсон капиталини қуйидагича классификация қилинади:

1. Индивидуал инсон капитали.
2. Ташкилотнинг инсон капитали
3. Миллий инсон капитали

Билим, кўникма, салоҳият, шунингдек, инсонга шахсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаат келтирадиган инсоний хусусиятлар.

Инсон капитали назарияси моделлари инсон капиталига инвестиция киритиш келажакда унинг иқтисодий аҳволи яхшиланишини самарадорлигини назарий даражада баҳолаш имкониятини беради. Бундай сармоя киритишнинг турлари жуда хилма хил бўлиши мумкин. Бевосита сарф – китоблар, ўқиш учун пул тўлаш, стипендия ва ҳар хил тўловлар кўринишида бўлади. Билвосита сарф – ўқиш давомида олиниши мумкин бўлган даромадни бой берилиши.

Бевосита сармоя – бу келгусида олий маълумоти бўлмаган ходимга қараганда кўпроқ иш ҳақи оқимидир. Билвосита сармоя – бу қўшимча ишончли даромад, келажакда кўтарилиш имкониятлари, ижтимоий таъминот нисбатан юқори бўлган социал ва ижтимоий мақом каби малакали ходимга бериладиган қўшимча номоддий фойдалардир. Таълим асносида тўпланган инсоний сармоя, шунингдек иш давомида орттирилган кўникмалар келажакда иш ҳақини потенциал ўсиши ёки янада нуфузли иш ўрнига эга бўлиш учун яхши имконият.

Инсон капитали назарияси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришда ишчини иш фаолиятидаги иш самарадорлигига қараб иш ҳақи фарқланади. Малакали ишчиларни иш самарадорлиги унумли бўлади ва шунга кўра иш ҳақи ҳам ўз-ўзидан кўп бўлади.Инсон капитали назариясининг аксиёмаси эса таълим олишга сармоя киритиш фақатгина катта миқдордаги иш ҳақи билан таъминлангандагина мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий маълумотли мутахассислар тушум ёки иш ҳақи “капиталлашган тушим” бор, таълим муассасида ўқиш давомидаги ставка фоизига қараб йиғилади. Шу тариқа айтиш мумкинки мутахассисни йиғилган иш ҳақи икки қисмга бўлинади. Асосий иш ҳақи бу мутахассиснинг шу йилги ишга сарфлаган меҳнатининг мукофоти. Қўшимча иш ҳақи бу ўтган йиллари ишдаги ўқишга сарфланган меҳнатининг мукофоти.

Билим ва салоҳият асносида қурилган “инсон капитали” кенг қамровли ўлчаш ва аниқлаш, инсон характери ва табиатан берилган иқтидори эвазига ўз натижасини, билим эгаллашни киргизган ҳолда янада ёрқинроқ кўрсатиш кучига эга.

Инсон туғилгандан то ўлгунга қадар кўникма ва билимни ўзлаштириш имконига эга.Умри давомида тўғридан тўғри билим олиш нафақат катталарни мутахассис қилиб тайёрлаш, балки мактаб ёшидан бошлаш назарда тутилади. Инсон капитали қуйидагилар билан шаклланади:

Оилада билимга эътибор, яъни ёшликдан ўқитиш;

Расмий билим ва касбий тайёрлов, боғча ёшидаги билим, мактаб ёшидаги билим, касбий билим ёки умумий мажбурий билим, олий таълим, катта ёшдагиларни ўқитиш ва х.к.

Иш жойидаги махсус таълим, ҳамда ахборот камуникация таълими, бевосита иш жараёнидаги малака ошириш таълими ва изланишлар натижасида олинган билим.

Иш жараёнида норасмий ахборот олиш ва яшаш давомида, оддий ҳаётда орттилган тажриба.

Шундай кенг қамровли билим олиш даражаси инсонни ўз ўзидан билимга интилиш “инсон капитали” назариясини тушинишга олиб келади. Ваҳоланки, инсон капитали 1998 йилги ОЭСР маърузасида таъкидланишича инсон капитали концепциясида иқтисодда инсонни ўрни, билими асосий ўринда деб белгиланади.

Инсон капитали кенг қамровли тушунча.Тажриба ва компетенция умумий бўлиши мумкин (масалан ўқиш, ёзиш ва гапириш) ёки юқори даражадаги билим. Билим ва

[1]Корчагин Ю. А. Современная экономика России.- Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. ISBN 978-5-222-14027-7

кўникмани аксарият қисми ҳеч қандай хужжатда қайд этилмаган ёпиқ ҳолда бўлади.Бу қандайдир қийинчилик туфайли хужжатларни стандарт тасдиқланмаганлиги ёки умуман тасдиқдан ўтмаганлиги. Қанчалик ёпиқ ва ноаниқ ҳолда олинган билим, шунчалик малака алмашишда қийинчилик туғдиради. Lundvall ва Johnson (1994) Билимни тўрт тоифали **классификация** қилишган:

1. Нимани билиш: билимга аниқ факт орқали интилиш
2. Нима учун билиш: билимга принцип ва табиат қонунларига асосланиб ёндашиш, инсон тафаккури ва жомоа бўлиб ўрганиш.
3. Қандай билиш: тажрибага суяниш (аниқроғи деҳқонига қараб намадир қилиш)
4. Ким билиш: Социал лаёқатига қараб ҳар қандай гуруҳга кирувчи инсонлар билан фикр алмашиш.

Инсон капитали бу – ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, тажриба ва кўникмалар заҳирасидир. Унга сармоя эса таълим, ишлаб чиқариш амалиётининг ошиб бориши, соғлиқни сақлаш, географик ҳаракатчанлик, ахборот излаш кабилар кўринишида амалага оширилади.

Инсон капиталида бир неча кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш мумкин бўлсада, ҳозиргача алоҳида ҳамма бир хил қабул қиладиган кўрсаткичлар мавжуд эмас. Г.Беккер бу кўрсаткичлар қаторига таълим капитали(умумий ва махсус билим), саломатлик капитали, касбий тайёргарлик капитали(квалификация, кўникма, ишлаб чиқариш тажрибаси), миграция капитали, шунингдек иқтисодий аҳамиятли ахборот ва иқтисодий фаолиятга ундовчи интилиш кабиларни киритади. Л.Туроу инсон капиталига сиёсий ва ижтимоий барқарорликни ҳурмат қилишни ҳам қўшиб қўяди.[1].

В.Марцинкевич инсоннинг бунёдкорлик қобилиятига фаоллик, маъсулиятлилик, ҳалоллик, коллективизим киришимлилик каби ўлчаш имконияти бўлмаган ва верификацияга учрамайдиган тушунчаларнинг таъсирини ўрганишга ҳаракат қилади[2].

Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон капиталининг кўрсаткичлар орқали ўрганилиши миқдорийдан кўра кўпроқ сифатий аҳамият касб этади. Унинг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш тизми ҳали тўла қонли ишлаб чиқилгани йўқ. Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар, уларнинг таркибий қисмларини ўлчаш бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Фақатгина аниқ қилинган харажатларини ҳисоблаб чиқиш мумкин, лекин бу нарса мазкур кўрсаткичларнинг иқтисодий қийматини кўрсатмайди. Бундан ташқари инсонда табиат томонидан берилган биологик кўрсаткичлар(гўзаллик, мустаҳкам соғлик) ва интеллектуал қобилият (математик, шоирлик) ўзига хос аждодларнинг келажак авлодга туҳфаси ҳисобланади.

Т.Шульц, Г.Беккер ва уларнинг издошлари меҳнат иқтисодиёти ва меҳнат социологиясида тўнтаришларни олиб кирди. Улар бир мартали жорий кўрсаткичлардан инсоннинг бутун ҳаётини қамраб олган(доимий даромад) кўрсатгичларни ҳисоблашга ўтишни амалга оширдилар. Меҳнат бозоридаги агентларнинг ҳатти-ҳаракатида “капитал” сармояларни кўришга, шунингдек инсон вақтини муҳим иқтисодий манба эканлиги тан олинишига эришдилар.

Инсон капитали назарияси шахсий даромадлар тақсимланиши тизимини, дарномаднинг инсон ёшига боғлиқлик динамикаси, эркаклар ва аёллар меҳнати баҳосидаги нотенгликлар, миграцйия сабаблари ва бошқа шунга ўхшаш кўп нарсаларни тушунтириш имкониятига эга. Шу назариядан келиб чиқиб, таълимга қилинадиган сармоя иқтисодий ривожланиш учун қилинадиган сармоя билан тенглаштирилди.

Ҳозирги кунда назарияда ҳам амалиётда ҳам инсон капиталининг индивидуал, корпоратив ва миллий инсон капитали турларга бўлиб ўрганилмоқда.

[1]Цит. по: Майбуров И.А. Эффективность инвестирования и человеческий капитал в США и России. Мировая экономика и международные отношения. 2004, N 4, с. 4.

[2] Марцинкевич В.И., Соболева И.В. Экономика человека. М., 1995, с. 14.

Индивидуал инсон капитали – бу ўзига хос ва махсус билимлар йиғилмаси, индивиднинг қўшимча даромад олиш учун керак бўладиган ва бошқа инсонларда учрамайдиган тажриба ва кўникмалари.

Корпоратив инсон капитали – фирма, корхона, ташкилотнинг бошқа рақобатдошлари билан солиштирадиган инсон капитали бўлиб, бунда нау-хау, интелектуал капитал, ўзига хос бошқарув ва интелектуал технологик капитал каби рақобатбардошликни оширадиган бошқа нарсалар йиғилмаси ҳисобланади.

Миллий инсон капитали — бу глобализация шароитида жаҳон бозорида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардоршлигини таъминлашга хизмат қиладиган ҳар қандай интеллектуал капитал, инновацион манбалар, меҳнат ресурслари кабилар мажмуасидан иборат бўлади.

Инсон капиталини белгилашнинг тор, кенгайтирилган ва кенг кўринишлари эътироф этилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, инкапитали тушунчаси аста-секинлик билан шаклланган. Биринчи босқичда одатда махсус таълимга сармоя киритиш инсон капитали таркибига киритилган ва тор маънода инсон капиталини таълим капитали деб ҳам юритишган.

Иккинчи босқичда инсон капитали таркибига (кенгайтирилганкўринишда) тарбияга, таълимга, илм-фанга, инсон соғлигига ахборот хизматига, маданият ва саънатга киритиладиган сармоялар ҳам қўшиб ҳисобланадиган бўлди. Бу ишларда жаҳон банки экспертларининг инсон капиталини баҳолашдаги хизматларини алоҳида эътироф этиб ўтиш керак.

Инсон капитали иқтисодий-ижтимоий категория сифатида ривожланишининг учинчи босқичида унга инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти ривожланишига ҳисса қўшадиган элита қатламини тайёрлаш, инсон капиталига кўрсатиладиган хизматни институционал ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида мамлакатга ёки ҳудудга ташқаридан жалб этиладиган сармоялар киритилди.

Ҳар бир халқ инсон капиталининг асосий таркибий қисми сифатида ана шу халқнинг менталитети эътироф этилади (аҳолининг маданияти, анъаналари, меҳнатга, оилага, қонунларга, динга иқтисодий эркинлик даражасига ва турмуш тарзига бўлган муносабати) шунингдек, халқнинг таълим сифати, илм-фаннинг ривожланиш даражаси, аҳоли соғлиги, бизнес ва фуқароларнинг қонуний муҳофаза қилинганлиги кабилар ҳам инсон капиталининг таркибий қисми сифатида қайд этилади.

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ТАЛҚИНИ ВА ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахимова Ш.А. *– ТАТУ*
катта ўқитувчиси

XXI аср – ахборотлашган жамият асри дея тан олингани ҳаммага маълум.Иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган давлатларда ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг барча соҳаларга самарали жорий этилгани муваффақиятлар гарови бўлганини жаҳон афкор оммаси яхши билади.

Ахборотлашган жамиятни тадқиқ этиш тарихи кўздан кечирилса, дастлабки пайтларда аксарият назарияларининг технократик ёки иқтисодий детерминизмга мойиллигини кўриш мумкин. Кейинчалик, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборотнинг аҳамияти ошиб бориши туфайли бу таъсир сусайди ва жамиятнинг маълум бир соҳасидаги ахборот жараёнлари билан бевосита боғлиқ бўлган назариялар пайдо бўлиб, уларда кўпроқ фалсафий, социологик, ахлоқий жиҳатлар қамраб олина бошланди.

Ахборотлашган жамиятнинг шундай назарияларидан бири япон социологи ва футурологи Йонэдзи Масуда томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у мазкур жамиятнинг чуқур фалсафий талқини билан ажралиб туради. Олим ўзининг 1972 йилда нашр этилган

“Ахборотлашган жамият – постиндстуриал жамият” номли китобида компьютер технологияларини келажакда ижтимоий тузилманинг асоси сифатида кўриб чиқди, саноат муносабатларида ақлий меҳнатнинг устувор ролини таъкидлади. Й.Масуданинг фикрича, “ахборот технологияларидаги инновация бу ижтимоий ўзгаришларнинг яширин кучи бўлиб, у ўзини ахборотлар сони ва сифатининг кескин ўсиши, шунингдек, ахборот алмашинуви ҳажмининг ошишида намоён қилади. Ахборотнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у истеъмол қилинганида йўқ бўлиб кетмайди ва уни моддий товарга сингари бошқа шахсга тўла-тўкис бериб бўлмайди.

Япон социологининг ахборот жамияти концепциясига қўшган ҳиссаси, аввало, ахборотлаштириш билан компьютерлаштиришни ижтимоий тараққиётнинг алоҳида соҳалари сифатида бир-биридан ажратгани бўлди. Шу туфайли Й.Масудага “Ахборот жамиятининг отаси” деган ном берилган. Немис файласуфи ва социологи Юрген Хабермас ахборотлашган жамиятнинг манбасини *оммавий ижтимоий соҳада* кўради. XIX ва XX асрларда ижтимоий муаммоларни, хусусан, сайловлар пайтидаги масалаларни очиқ муҳокама қилишда оммавий муассасалар (кутубхоналар, статистика бошқармаси ва бошқалар)даги маълумотлардан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ахборотга бўлган талабнинг ошишига ва жамоатчилик фикрининг шаклланишига олиб келгани олимнинг шундай хулоса чиқаришига сабаб бўлган эди.

Ахборотлашган жамият назариясининг йирик вакилларидан бири социолог Мануэл Кастеллс биринчилардан бўлиб ахборотлашган жамиятда тармоқларнинг аҳамияти масаласини кўтариб чиқди. Унинг “ахборот жамияти” (information society) билан “ахборотлашган жамият” (informational society) концепциялари орасида сезиларли фарқ борлиги ҳақидаги фикрлари муҳим. Агар биринчи ҳолда ахборотнинг жамиятдаги ҳал қилувчи роли таъкидланган бўлса, янгидан пайдо бўлаётган “ахборотлашган жамият” шундай қурилмоқдаки, унда “ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва узатиш меҳнат самарадорлиги ва куч-қудратнинг асосий манбаига айланади”[1].

Унинг сўзларига кўра, инсоният тарихи давомида ахборот ва ахборот алмашинуви ривожлана бориб, барча цивилизациялар ва жамиятларда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Олимнинг фикрича, янги даврнинг асосий хусусияти бу билимларни яратиш эмас, балки ундан фойдаланишда намоён бўлади. Ахборот инсон ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориб, ижтимоий ҳаётни ўзгартиради, индивиднинг ахборот тармоғига тобора чуқур шўнғиши натижасида унинг хулқи, хатти-ҳаракатларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади ва у мумтоз тасаввурларни кўпроқ рад эта бошлайди. Иқтисодиёт, сиёсат ва шахсларнинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар шундан далолат беради.

Бизнингча ҳам М.Кастеллснинг “ахборот жамияти” ва “ахборотлашган жамият” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш кераклиги ҳақидаги фикри диққатга сазовор. Ахборотлашган жамият термини масаласида ҳам бирхиллик йўқ: баъзи манбаларда “ахборотлашган жамият”, бошқаларида “ахборот жамияти” деб ишлатилмоқда. Бу эса илмий талқинда чалкашликларга олиб келиши мумкин. Мазкур масалага мутахассислар кўпчилик бўлиб, баҳамжиҳат ойдинлик киритсалар нур устига нур бўлар эди.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг етакчи мутахассисларидан бири А.Н.Арипов ахборотлашган жамиятнинг Ўзбекистон шароитидаги хусусияти қуйидаги ҳолатларда намоён бўлишинии кўрсатади:

- жамият ҳаётида ахборот ва билимлар роли ортиб, улар кишилар фаолиятининг турли соҳалари ривожланишига таъсирини кучайтираётгани;
- ахборот йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва унга кириш ҳуқуқига эга бўлиш имкониятининг сезиларли даражада ортаётгани;
- ахборот индустриясида банд бўлганлар сонининг кўпайиши хисобига бандликнинг замонавий шаклларига ўтиш ва янги меҳнат ресурсларини шакллантириш жадал кетаётгани;

[1]Абдуллаев И.З. Информационное общество и глобализация: Критика неолиберальной концепции. –Ташкент: Фан ва технология, 2006.– С. 26.

- кишиларнинг самарали ахборот алмашинуви, уларнинг жаҳон ахборот ресурсларига киришларини таъминловчи, ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондирадиган глобал ахборотлашган майдоннинг яратилгани[1].

О. Абдуазимов оммавий коммуникация воситаларининг тараққиёт тарихини уч даврга бўлиб ўрганишни таклиф этган ҳолда, учинчи даврда электрон воситали ахборот алмашинуви пайдо бўлиши билан ахборотлашган жамиятга ўтиш содир бўлганини таъкидлайди[2].

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилишида Ўзбекистон жамиятининг бутунлай ахборотлашув йўлига тушиб олганига, эртанги тараққиётимиз иқтисодиётни тўла рақамлаштириш билан боғлиқлигига ишора бор. Дарвоқе, бугунги вазиятда, яъни бутун дунёда короновирус хавфи кезаётган бир даврда жамиятнинг ахборотлашув даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат янги ахборот технологиялари билан қанчалик таъминланган бўлса карантиннинг ноқулайчиликларини осонроқ бартараф этишга имкон бўлишини ҳаётнинг ўзи исботлади. Мактабларда, олий ўқув юртларида масофавий дарслар мунтазам ўтилаётгани, таълим жараёнлари тўхтамаётгани бунга яққол мисолдир.

Маълумки, табиат ва ҳамиятдаги ҳар қандай ҳодиса, одатда, кўп қиррали бўлади. Ахборотлашган жамият ҳам бундан мустасно эмас. Шунга кўра, мутахассислар ахборотлашган жамиятнинг ижобий ва салбий хусусиятларини ажратиб кўрсатадилар.

Ижобий томонлари:

- ахборот инқирози муаммоси, яъни ахборот кўчкиси ва ахборот очлиги ўртасидаги қарама-қаршилик ҳал қилинади;
- бошқа манбаларга нисбатан ахборот устуворлиги таъминланади;
- замонавий ахборот технологиялари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда билимларни автоматлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш жамиятнинг асосини ташкил этади;
- ахборот технологиялари инсоният ижтимоий фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи глобал хусусиятга эга бўлади;
- бутун инсоният цивилизациясининг ягона ахборот бирлиги шакллантирилади;
- информатикадан фойдаланган ҳолда ҳар бир инсон учун бутун цивилизациянинг ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш имконияти яратилади;
- жамиятни бошқаришнинг инсонпарвар тамойиллари ва атроф-муҳитга таъсири тизимли тарзда амалга оширилади.

Салбий жиҳатлари:

- ахборот технологиялари ёрдамида одамлар ва ташкилотларнинг шахсий ҳаётига дахл қилиш имконияти пайдо бўлди;
- оммавий ахборот воситалари ва ушбу воситаларни бошқарадиганларнинг жамиятга таъсири кучайди;
- ахборот уммони ичидан юқори сифатли ва ишончли маълумотларни танлаш муаммоси юзага келди;
- кўп одамларнинг ахборот жамияти муҳитига мослашуви ва ўз касбий даражасини доимий равишда ошириб бориш зарурати туфайли бир қатор қийинчиликлар келиб чиқмоқда;
- виртуал ҳақиқатга дуч келганда нима рост-у, нима ёлғон эканини ажратиш қийинлиги сабабли баъзи кишилар, айниқса ёшларда номақбул психологик муаммолар пайдо бўлмоқда;

[1]Арипов А.Н. Закономерности и тенденции формирования информационного общества // Материалы научно-методического семинара. – Тошкент,2013.

[2] Қаранг: Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашдаоммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида) .Монография.–Тошкент: Fan va texnologiya, 2016. – Б. 49–50.

- ахборотлашган жамият кишиларни ижтимоий табақаланишдан фориғ қилмайди, бундан ташқари, мавжуд тенгсизликка ахборот тенгсизлиги ҳам қўшилиб, ижтимоий кескинликни кучайтириши мумкин.

Ахборотлашган жамиятнинг ҳозирги босқичига хос бу зиддиятли ҳолатлар унинг кейинги тараққиёти жараёнида бартараф бўлиб бориши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Неъматова Д. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси ўқитувчиси*
Нозимахон А. *–ФарДУ "Ижтимоий иш" кафедраси ўқитувчиси*

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи бугун халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини тубдан яхшилашда асосий замин бўлмоқда. Бугунги кунда бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсадларидан бири ҳисобланади. Чунки, иш билан бандлик аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим шартидир.

Республикамизда бозор муносабатларини самарали тадбиқ этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш, энг аввало, мавжуд ишчи кучи унумли фойдаланишга боғлиқ. Меҳнат потенциали эса бугунги иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларида муҳим салмоққа эга бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини микро, мезо ва макро даражаларда кўриш мумкин.

Меҳнат потенциалининг микродаражадаги аҳамияти уларнинг корхона (ташкилот) фаолиятидаги ўрни ҳамда ишлаб чиқаришдаги иштироки билан белгиланади. Маълумки, меҳнат потенциали ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб, уни юзага келтирувчи барча ресурслар бевосита мазкур омил орқали бошқарилади. Ҳудудлар ва минтақалар иқтисодиётида меҳнат потенциалининг роли унинг мезо даражадаги аҳамиятини кўрсатади. Мамлакатнинг қайси ҳудудида меҳнат потенциали юқори кўрсаткичга эга бўлса, у ерда ишлаб чиқариш, саноат, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ва коммуникация ривожланади. Меҳнат потенциалининг макро аҳамияти унинг мамлакат ялпи иқтисодиётидаги ўрни ва асосий бойлик сифатида эътироф этилиши билан асосланади. Айнан меҳнат орқалигина мамлакатда моддий ва номоддий бойликлар яратилади. Мазкур меҳнатнинг субъекти (муаллиф ва ижрочиси) эса бевосита инсон, яъни меҳнат потенциалидир. Демак, меҳнат потенциалининг барча даражадаги аҳамияти уни тадқиқ этишнинг ҳам илмий ҳам иқтисодий долзарблигини белгилаб беради.

Меҳнат потенциалини тадқиқ этиш, унинг мазмун-моҳиятини сифат ва миқдор жиҳатидан очиб беради. Меҳнат потенциалини ижтимоий-иқтисодий категория сифатида шаклланиши, унинг тадқиқ этилиши ва ўрганилиши бир неча босқичларни босиб ўтди.

Меҳнатга оид муносабатларнинг ўрганилиши, тадқиқ этилиши ҳамда алоҳида фан сифатида шаклланишида шарқ тафаккури ва таълимотининг ҳиссаси беқиёсдир. Чунки, ёзма манбаларда ва ҳаётий муомалада меҳнат муносабатларининг илк пайдо бўлишини айнан шарқ маданияти ёдгорлик-лари ва мутафаккирларининг асарлари билан бевосита боғлаш мумкин. Энг қадимий ҳисобланган ва ислом дини кириб келгунча Осиё, хусусан Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган Зардуштийлик дини таълимотида инсон ва унинг меҳнатиги алоҳида урғу берилган. Ушбу диннинг муқаддас китоби саналган «Авесто» да меҳнатга оид муносабатларнинг илк талқини ўзига хос тарзда ифода этилган. Меҳнатга оид илмий қарашларнинг мукаммаллашиб, ривож топиб боришида Ислом таълимотининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши ўзига хос аҳамият касб этди. Ислом таълимотининг бош қомуси «Қуръони Карим»да иқтисодий масалаларга, шу жумладан меҳнатга оид муносабатларга ҳам алоҳида урғу берилган. Ислом таълимотида меҳнат муносабатларининг алоҳида равишда

талқин қилиниши ва эътироф этилиши шарқ мутафаккирларининг иқтисодий ғояларида меҳнат омилига янгича ёндашувнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Шарқ тафаккурининг йирик намояндалари Абу Наср Форобий («Фозил одамлар шаҳри» асари), Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб («Қутадғу билиг» асари) каби қомусий олимларнинг таълимот ва қарашларида меҳнат ҳамда инсон омили алоҳида ўрин эгаллаган. Шарқда меҳнатга оид муносабатларнинг тараққий этишида Баҳоуддин Нақшбандийнинг ҳиссаси беқиёсдир. Бу ўринда унинг биргина «Дил ба ёру, даст ба кор» (Қалбинг Оллоҳда-ю, қўлинг меҳнатда бўлсин) деган ибратли сўзларини келтиришнинг ўзи кифоя. Ушбу ибора замирида кишиларни меҳнат қилиш, интилиш ва изланишга ундаш ётади.

Меҳнатга оид таълимотларнинг замонавий кўриниш олиши ҳамда уларнинг такомиллашувида инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнснинг иқтисодий ғоя ва қарашлари туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Ўзининг «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарида Ж.Кейнс тўла иш билан бандликни таъминлаш учун миллий даромадларни солиқлар орқали тартибга солишни таклиф этади. Шу ўринда айтишимиз мумкинки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитига айрим жиҳатдан, нисбатан мос келадиган инсон ва меҳнат омилига оид ғоялар мумтоз иқтисодий таълимотда ўз аксини топган. Унда мазкур таълимот ғояларида меҳнат омили фақатгина ишчи кучи сифатида қаралган ва мануфактура ишлаб чиқариши нуқтаи назардан ўрганилган.

Демак, иқтисодиёт юритишнинг барча шакл ва кўринишларида тараққиётга эришишнинг бош омили ишчи кучи яъни бу меҳнатдир. Лекин, у барча даврларда ҳам потенциал аҳамият касб этмаган. Ҳозирги кунгача меҳнат омилига оид бир қанча қарашлар илгари сурилган бўлиб, унга нисбатан «ишчи кучи», «меҳнат ресурслари», «инсон омили», «инсон капитали» ва «меҳнат потенциали» каби тушунчалар талқин этилган.

Илмий ижтимоий-иқтисодий муомалада дастлаб «ишчи кучи» атамаси вужудга келган бўлиб, мазкур категориянинг ижтимоий- иқтисодий фанларга киритилиши мумтоз иқтисодий мактаб таълимотчилари билан боғлиқ. Дастлаб мазкур категория фақатгина мануфактура ишлаб чиқаришида иштирок этаётган ишчиларга нисбатан қўлланилган бўлса, бугунги кунда мамлакатнинг барча ишлаб чиқариш кучлари, яъни иш билан бандлар ва ишлаш истагини билдирган ишсизларни ўз ичига олади.

«Меҳнат потенциали» атамаси илк бор иқтисодий адабиётларида ўтган асрнинг 70-йилларида киритилган. «Потенциал» атамаси лотинча «potentia» сўзидан олинган бўлиб, луғавий жиҳатдан «имконият, салоҳият, қувват» деган маъноларни англатади. «Меҳнат потенциали» жамиятда меҳнат имконияти, қуввати, иш билан боғлиқ кучларнинг мавжудлиги деган маънони билдиради.

Ўзбекистонлик бир гуруҳ иқтисодчи олимлар (Р.А.Убайдуллаева, Х.П.Абулқосимов, Ш.Н.Зайнутдинов, Д.Н.Раҳимова, Ш.Р.Холмўминов, Д.А.Ортиқова, Н.Х.Раҳимова, Д.Каримова, З.А.Толаметова) меҳнат потенциалига таъриф бериб, меҳнат потенциали бу жисмоний имкониятга, маълумот, касб-кор, малакага эга бўлган, ишлаб чиқаришда иштирок этишга лаёқатли бўлган, барча фуқароларни ўз ичига олади, дейдилар[1]. Ўзбекистондаги иқтисодчи-олимлардан Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, меҳнат потенциали меҳнатга бўлган қобилиятларнинг жамини (уларнинг миқдорий ва сифатий муносабатларида), алоҳида ишчини ва жами ишчиларнинг меҳнат фаолиятида қатнаниш имкониятларини ифодалайди. [2]

Бизнинг фикримизча, «меҳнат потенциали» тушунчаси ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмун-моҳиятига кўра «меҳнат ресурслари» ва «ишчи кучи» тушунчаларига нисбатан кенгроқ маъно касб этади. Агар «меҳнат ресурслари» ва «ишчи кучи» тушунчалари ўзида

[1] Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т: ТМИ, 2005, 114-б.

[2]Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «Меҳнат», 2004, 219-б.

фақат миқдорий хусусият-ларни мужассам этса, улардан фарқли равишда «меҳнат потенциали» тушунчаси ҳам миқдор, ҳам сифат кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, Республикамизда бозор муносабатларини самарали тадбиқ этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш энг аввало мавжуд меҳнат потенциалидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Меҳнат потенциалининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини бир нечта даражаларда кўриш мумкин, шунингдек, «меҳнат потенциали» тушунчаси ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмун-моҳиятига кўра «меҳнат ресурслари» ва «ишчи кучи» тушунчаларидан кўра кенгроқ маъно касб этади. Агар «меҳнат ресурслари» ва «ишчи кучи» тушунчалари ўзида фақатгина миқдорий хусусиятларни мужассам этса, ушбу тушунчалардан фарқли равишда «меҳнат потенциали» тушунчаси ҳам миқдор, ҳам сифат кўрсаткичларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, меҳнат потенциали – жамиятнинг меҳнат соҳасидаги имконият қувватлари демакдир. Меҳнат салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳот ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлайди. Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида, уни ривожлантиришда ҳал қилувчи асос ҳисобланади.

JAMIYAT TRANSFORMATSIYALASHUVIDA SHAHAR EKOTIZIMINI BOSHQARISHNING AHAMIYATI

Xaydarova X.X. *– SamDAQI o‘qituvchisi*

Zamonaviy jamiyat o‘zining murakkab tuzilishi, beqaror rivojlanishi, turli-tuman nizolarga boyligi bilan farqlanadi. Bunday sharoitda jamiyatdagi muammolarning eng yaxshi yechimi bu salbiy tendensiyalarga qarshi o‘zgarishning har xil modellarini ishlab chiqish va eng istiqbolli va oqilona yo‘nalishni tanlash, etarlicha ijtimoiy o‘zgarishning o‘ziga xos xususiyatlarin ifoda etadigan jamiyat transformatsiyasini amalga oshirish lozim. “Transformatsiya” lotincha so‘zdan olingan bo‘lib, o‘zgartirish degan ma’noni anglatib, jamiyat transformatsiyasi jamiyatdagi o‘zgarish holatini anglatadi va bunda shahar ekotizimini boshqarish ham ahamiyatlidir.

D.Bell “Kapitalizmning madaniy ziddiyatlari” asarida ijtimoiy transformatsiya haqida o’z fikrlarini bildirib, uni rivojlantirishning uchta “ildiz”ini aniqlab ko’rsatadi: samaradorlik qonunga muvofiq rivojlanadigan texnik-iqtisodiy ildiz; ikkinchisi shaxsiy munosabatlar ildizi va uchinchisi siyosiy va madaniy rivojlanish ildizidir. U bu uch “ildizlar” hammustaqil bo’lib, ammo bir-biriga ta'sir qilishi mumkinligini aytadi[1].

D.Belning bufikri to’g’ri bo’lib, jamiyat transformatsiyasining bu uch ildizi ham nafaqat shahar ekotizimiga o’z ta’sirini o’tkazadi, balki butun jamiyat a’zolarining rivojlanishiga ham o’z ta’sirini ko’rsatadi. Jamiyat transformatsiyasida iqtisodiy muammolarning yechimini topish bilan, kishilarning o’rtasidagi turli-tuman nizolarni bartaraf etish jarayonida ijtimoiy ekologik vaziyatni ham unutmaslik joizdir. Ekologik vaziyatni inobatga olib jamiyat transformatsiyasida shaharning ekotizimini boshqarilishiga ham ahamiyat berish lozim.Bilamizki qurilishning kengayib borilishi, u yoki bu ishlab chiqarishning rivojlanishi va hududning tabiiy sharoitidan kelib chiqib shahar hududlarida o’ziga xos ekologik vaziyat shakllanmoqda. Shundan kelib chiqib shahar ekotizimini boshqarilishida islohotlarning bir tomonlama olib borilishiga yo’l qo’ymaslik eng asosiy vazifalardandir. Xususan, Samarqand shahrida olib borilayotgan islohotlar bo’yicha tahlil qiladigan bo’lsak, ayni damda Samarqand shahrida ekotizimni boyishiga hizmat qiluvchi islohotlar ko’lami kengaytirilgan bo’lib, Samarqand shahridagi ekotizimning asosiy maqsadi, shaharning tarixiy axamiyatini yo‘qotmagan holda unga zamonaviy kayfiyatni baxsh etish va shu bilan birgalikda Samarqandning turistik salohiyatidan bundanda kengroq foydalanishdir.

[1]Теория и практика общественного развития (2010, № 4).

Shaharning ekotizimini boshqarilishida davlatimiz tomonidan bir qancha islohotlar amalga oshirilib, ushbu olib borilayotgan islohotlarni ikki toifaga ajratish mumkin. Birinchi toifadagi islohotlar shahar ekotizimining boyishiga xizmat qiluvchi islohotlardir. Jumladan, Samarqand shahri bo'yicha amalga oshirilgan islohotlardan "Samarqand viloyatida kichik sanoat zonalarini kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi (556-son 19.07.2018), "Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti huzurida "Samarqand me'mor loyiha" loyiha qidiruv tashkilotini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida" gi (945-son, 27.11.2017) O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining qarori, "2018-2019 yillarda Samarqand viloyatida turizmni yanada rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi (PQ-3609-son, 16.03.2018) O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori bunga misol bo'ladi[1].

Ikkinchi toifadagi islohotlar esa ekologik muammolarni bartaraf etish va shahar ekotizimida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarni oldini olishga qaratilgan islohotlardir. Masalan, "Toshkent-Samarqand" tezyurar temiryo'l uchastkasi bo'ylab joylashgan aholi punktlarining arxitektura qiyofasini yaxshilash va unga tutash hududlarni obodonlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi (493-son, 13.07.2017) O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining qarori yaqqol bunga misol bo'la oladi[2].

Aslida har qanday jamiyat transformatsiyasida shahar ekotizimini saqlab qolishga harakat qilish lozim. Shahar ekotizimini boshqarish mobaynida ekotizimlarning ishlab turishi uchunvaqtinchalik, kutilmagan va sun'iy omillarning yaratilayotganligini ham inobatga olishimiz muhimdir. Biroq bu jarayonda tabiiy muhitni yo'qotish evaziga amalga oshirmaslikka intilish maqsadga muvofiq. Misol tariqasida Samarqand shaxridagi Sug'diyona madaniyat va istirohat bog'inioladigan bo'lsak, bu bog' o'rnida ayni damda qurilish ishlari olib borilmoqda.

Sug'diyona madaniyat va istirohat bog'idazamonaviy akvapark qurilishi rejalashtirilgan bo'lib, hududda yozgi cho'milish havzalari va qishki basseynlar, sauna-basseynlar, bolalar, o'smirlar va kattalar uchun attraktsionlar, hamda futbol, voleybol maydonchalari, oilaviy kichik kottejlar, qahvaxonalar va boshqa turdagi sport-sog'lomlashtirish, dam olish maskanlari joy oladi. Umumiy maydoni 3,5 gektar, atrofi daraxtzor akvapark hududiga qo'shimcha ravishda mingga yaqin noyob daraxtlar, butalar, gullar ekiladi. Soyabonlar qo'yiladi. Hududdagi ko'pyillik daraxtlar saqlab qolinadi, faqatgina suv havzasi bo'yidagi bir nechta daraxtlar olib tashlanishi mumkinligi aytilmoqda. Yirik basseynga o'rnatiladigan suv parki tepaligi 15 metr balandlikda bo'lib, konstruktsiyalar Xitoydan keltiriladi. Shuningdek, akvapark hududida muz ustidagi sport turlari bilan shug'ullanishga mo'ljallangan "Muz saroyi"i ham qurilmoqda. "Bu o'z navbatida, Samarqandda figurali uchish maktabiga asos solinishiga zamin yaratadi"[3]. Yuqorida amalga oshirolayotgan proyekt va amalga oshirilayotgan ushbu islohot aytilgani va rejalashtirilgani kabi amalga oshirilsa shahar ekotizimi yanada boyish mumkin. Agarda bog'ning o'niga aytilgani kabisun'iy bog' yaratilmasa, noyob daraxtlar, butalar, gullar ekilmasa, hududdagi ko'pyillik daraxtlar saqlab qolinmasa biz bu islohot bilan shahar ekotizimiga jiddiy zarar bergan bo'lamiz.

Yurtimizdagi korxona va tashkilotlarning ko'payishi mamlakat iqtisodiyotini yuksalishiga hizmat qiladi albatta. Biroq mamlakatimiz hayotida ekologik masalalar ham katta ahamiyatga ega. Shahar hududini butunligicha sanoatlashtirish yoki yashil zonalarning tubdan kamayib ketishi jiddiy muammolarni keltirib chiqaradi. Shu sababli shahar ekotizimida yashil daraxtzorga boy madaniyat va istirohat bog'larining sonini oshishi ham ijtimoiy, ham ekologik muammolarga yechim bo'la oladi.

2020 yil 1 mart holatiga ko'ra Samarqand viloyatida 32 736 ta korxona va tashkilotlar faoliyat ko'rsatmoqda, xususan, uning aksariyat qismi Samarqand shahri hududiga to'g'ri keladi. Xususan, O'zbekiston-Turkiya qo'shma korxonasi –SamKochAvto, O'zbekiston-Chexiya qo'shma korxonasi – Praga, O'zbekiston-Latviya qo'shma korxonasi – BravoSut shular jumlasidandir[4].

[1]https://lex.uz
[2]https://lex.uz
[3]Zarafshongazetasi. 2017 yil.
[4]O'zbekistonMilliyEnsiklopediyasi. Davlatilmiynashriyoti.T.: 2013. -114 b.

Shuningdek, Samarqand viloyatidagi 73 ta yirik tarixiy me’moriy yodgorlikdan ayrimlari, xususan,Registon ansambli, Shoxizinda ansambli, Ruhobod maqbarasi, Bibixonim jome masjidi, Afrosiyobga tutash tepalikda joylashgan Hazrati Xizr masjidi va shu kabi ko‘plab yodgorliklar o‘zining go‘zallligi va tarixiyligi bilan Samarqand ekotizimini boyitib kelmoqda. Ekotizimning bu bo’g’ini ekotizim siyosatida alohida ahamiyatga ega bo’lib, boshqaruvda bir qancha huquqiy normativ xujjatlar, qonun va qarorlar ishlab chiqilgan. “2018-2019 yillarda Samarqand viloyatida turizmni yanada rivojlantirishga doir qo‘shimcha chora tadbirlar to‘g‘risida”gi (PQ-3609-son,16.03.2018) O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori bunga yaqqol misoldir.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, shahar ekotizimini boshqarishda transformatsiyadan qochmaslik kerak va bu jarayonda davlat siyosati katta ahamiyatga ega bo’lib, shahar ekotizimi bo’yicha amalga oshirilayotganislohotlarning bir tomonlama bo’lib qolishini oldini olish bugungi kun zamonaviy sotsiologiyasining asosiy vazifalaridan biridir. Bu jarayonda galdagi vazifalarga alohida e’tibor berishni lozim deb topdik:

Birinchidan, shahar ekotizimini boshqarishda samarali islohotlarning ko’lamini kengaytirish.

Ikkinchidan, shahar ekotizimining boyishiga xizmat qiluvchi islohotlar hamda ekologik muammolarni bartaraf etish va shahar ekotizimida yuzaga kelishi mumkin bo’lgan muammolarni oldini olishga qaratilgan islohotlarni birday teng holatda amalga oshirish.

Uchinchidan, shahar ekotizimini boshqarishda tarixiy ahamiyatini yuqori baholab, turistik salohiyatidan kengroq foydalanishga harakat qilayotgan bir paytda yuzaga keladigan ekologik muammolarni ham inobatga olish va ularni oldini olishdagi chora tadbirlarni kengaytirish.

To’rtinchidan, shahar ekotizimini boshqarish maqsadi uzoq muddatga mo’ljallangan bo’lishini ta’minlash lozim.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНТЕРНЕТ МИЛЛИЙ СЕГМЕНТИДАГИ МУАММОЛАР

Бурханов Х.М. *–ЎзМУ мустақил изланувчиси*

Бугунги кунда Интернет сайтлари ёшлар онгига таъсир этиб, уларни дунёқарашини ўзгартириб бораётган бир шароитда, ёшларни ёд ғоялар таъсиридан асраш ва миллий ғояларни ёритиб бериш учун миллий сегментдаги сайтларни ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу борада мамлакатимиз томонидан ахборот маконида ёшлар онгини бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси шакллантирилмоқда.

Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисидаги 2020 йил 2 март кунги 5953-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинган. Давлат Дастури иловасининг Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар (5.1.) бўлими 245-банди (Ўзбекистон Республикасининг ахборот сиёсатини шакллантириш) бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур бандда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, лойиҳа билан Ўзбекистон Республикаси ягона ахборот сиёсати концепцияси тасдиқланиши назарда тутилган. Унга кўра Концепцияда:

ахборот соҳасидаги миллий манфаатларни белгиловчи ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш механизмларини шакллантириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари матбуот хизматларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик даражаси ва сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида ўзбек тилидаги сегментни ривожлантириш ва аҳолининг медиасаводхонлигини ошириш;

журналистика соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши, республиканинг глобал ахборот маконига сифатли интеграцияси бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади[1].

Ушбу Концепцияни ишлаб чиқиш Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, вазирлик ва идораларга юклатилган бўлиб, лойиҳани жорий йилнинг 1 июнига қадар тайёрлаш белгиланган.

Айни вақтда бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида ўзбек тилидаги сегментни ривожлантиришИнтернет миллий сегментидаги сайтларни ривожланишига ва уни четэл сайтлар билан рақобат қилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу борада албатта ёшларнинг қизиқиш ва талабларини ўрганиш муҳим омил эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Бугунги кунда ёшлар сайтларини ривожлантиришга талаб ошиб бормоқда ва бунга асосий сабаблар сифатида:

мамлакатда олиб борилаётган ишларга нохолис ёндашувчи чет эл веб-сайтлари иш бошлаган ва уларга мамлакат ёшларини ташрифлари кузатилган;

чет эл сайтларни маълумотларга бойлиги ва турли тилларда тақдим этилиши;

қизиқарли мақолаларнинг мавжудлиги;

дизайннинг юқори даражада ташкил этилганлиги;

маълумотларни тез янгиланиши;

онлайн суҳбатлашиш ва форумларнинг мавжудлиги сингари жиҳатларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, ёшларни таълим муассасаларида бирлаштириш мақсадида ташкил этилган таълим муассасалари веб-саҳифалари талаб даражасида эмас. Бунга асосий сабаб сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

веб-сайтлар янгиланмаган;

ахборот талабга яраша эмас;

веб-сайтларни бир неча йил ишлатилмаганлиги каби камчиликлар мавжуд.

Бу борада “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинган бўлиб унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шаффофлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида ахборотлар давлат органлари ва ташкилотларининг веб-сайтларида, ижтимоий тармоқларда, мобил мессенжерлардаги саҳифаларида кунига камида бир марта жойлаштирилиши ва янгиланиши лозим эканлиги белгиланган[2].

[1]https://lex.uz/docs/4751561, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида”ги 5953-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2 март 2020 йил.

[2]https://www.lex.uz/docs/4390513, “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, ПҚ-4366-сон,4 бўлим, ж-банди, 27 июнь 2019 йил.

Аммо ушбу қарорга амал қилинмаслиги натижасида мамлакат Интернет миллий сегментидаги сайтларни ривожланишдан ортда қолмоқда ва бир қатор муаммоларга дуч келмоқда.

Мамлакатни миллий сегментидаги фойдаланувчилари асосан ёшлар бўлган таълим муассасалари сайтларида, Интернет журналистикаси бўйича ЎзМУ мутахассисларни техник баҳолашига кўра, қуйидаги камчиликлар аниқланди:

биринчидан, визуал кўриниш (яъни сайтни кўриниши талабга жавоб бермаслиги);

иккинчидан, навигация, яъни сайтдаги ҳаракатлар бошқа саҳифаларга ўтишида қандай ўтиш аниқ эмаслиги (бу сайтни яратишдаги хатолик ҳисобланади);

учинчидан, интерактивлик меъёри камлиги (маълумотларни муҳокама қилишга, маълумотларга нисбатан ўзини фикрини билдиришга, ўша ерда қатнашишга имкон бермайди);

тўртинчидан, умумтаълим мактаблари сайтлари дизайн талабларига жавоб бермайди (дизайни қоидаларига кўра, биринчидан кўзни чарчатмайдиган ранглар танланиши керак. Иккинчидан, миллий рухдаги фонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади).

Тошкент шаҳрини умумтаълим муассасалари веб-сайтилари мониторинг қилинганда бир қатор муаммолар борлиги аниқланган. Ушбу муаммолар сабаби ўрганилганда Халқ таълими вазирлиги “Таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими” томонидан қуйидаги сабаблар кўрсатилди:

сайтлар билан шуғулланадиган штатлар йўқлиги;

бу масалаларни қўшимча иш сифатида услубчиларга юклатилганлиги;

сайтларни яратиш ва бошқаришга маблағлар маҳаллий ҳокимиятлардан етарли ажратилмаслиги.

Ушбу муаммолар умумтаълим мактаблари сайтларини ривожланишида тўсиқ бўлиб турибди. Аслида мактаблар ўз веб-сайтлар орқали ўқувчиларни ўз атрофида бирлаштириши, дам олиш вақтларини самарали ўтказишда кўмак бериши, уларга қўшимча маълумотлар бериши, масофавий таълимни йўлга қўйишга эришиши керак эди.

Бундан ташқари, таҳлил жараёнида Олий таълим муассасалари сайтларида қуйдагича камчиликлар учради:

янгиликларнинг йўқлиги;

онлайн тизими ва форумларни яхши ишламаслиги;

абитуриентлар учун бўлимларни ишламаслиги ва маълумотларни тўлиқ эмаслиги.

Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2010 йил 14 майдаги 183-сонли буйруғида веб-сайтда абитуриентларга таълим муассасаси тўғрисида тўла маълумот бериш зарурлиги қайд этилган. Амалда бу маълумотлар тўла эмаслиги кузатилган.

Натижада абитуриентлар маълумот олишда миллий сайтлардан фойдаланиш кўрсатқичи камайиб бормоқда. Хориж сайтларида эса бу масалаларга алоҳида эътибор берилади ва тўла ёритилади. Ҳатто, саҳифаларда абитуриентларни фикрлари мавжуд.

Олий таълим муассасаларининг абитуриентлар саҳифасини яхши ишламаслиги каби муаммолар миллий сайтлар нуфузини ёшлар ўртасида тушишига олиб келади. Шунингдек, Олий таълим муассасалари сайтларининг форум бўлимларини яхши ишламаслиги талабалар ва ректорат ўртасида фикр алмашиш имкониятининг мавжуд эмаслигини, талабаларни ўзаро маълумотлар алмашиш, тадқиқотлар ўтказишдаги самарали усуллардан фойдаланиш имкониятининг йўқлигини кўрсатади. Бу таълим муассасалари сайтларни зерикарли ва маълумотлар алмашишдаги сусткашлигига олиб келади.

Айни вақтда таълим муассасалари сайтларини ривожлантириш ва масофавий таълимни ривожлантириш масаласида “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да кенг ислоҳатлар бошланган бир шароитда таълим сайтларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарурдир. Шуни хисобга олган ҳолда қуйдагича таклифларни билдириш мумкин:

таълим муассасалари сайтларининг абитуриентлар саҳифасида онлайн мулоқот ва форумларни жорий этиш;

сайтларда ёшларнинг қизиқишларига оид анкета сўровномаларини ташкил этиш ва уларнинг натижалари билан онлайн танишиш имкониятини яратиш;

сайтларни турли браузерларда бемалол очилишини таъминлаш;

мутасадди вазирлик ва ташкилотлар рейтингда юқори бўлган сайтларда ўз маълумотлари ва роликларини бериб бориш;

умумтаълим мактаблари муассасаларида сайт администраторлигига “Информатика” ўқитувчилари ва “Ёшлар Иттифоқи” етакчилари жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

ФРАНЦИЯ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОД ТАНЛАШ ТАЖРИБАСИ

Кичкилов Ш.Х. *– ЎзРП хузуридаги ДБА тингловчиси*

“Бугунги кунда давлат бошқарувини модернизациялаш муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки давлат бошқарувининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат органлари фаолияти сифатига, шунингдек, давлат хизматчиларининг касбий маҳоратига боғлиқ”[1]. Бу жиҳатдан маҳоратлива муносиб кадрни танлаб олиш мезонлари ва механизмлари аниқишлаб чиқилган ва синовлан ўтган бўлиши лозим. Ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш эса бу масаланингэнг мақбул ечимидир. Жумладан, Франция административ тизимидаги регионлар, департаментлар ва округлар префекти лавозимига номзод танлаш мезонлари ва механизмларини ўрганиш ва ушбу давлатнинг синалган тажрибасидан фойдаланишЎзбекистон маҳаллий ҳокимлик органларига номзодлар танлаш муаммосига ечим бўла олади.Франция давлат административ бўлинишининг энг катта бирлиги регионлардир. Улар хуқуқий автономияга эга эмас, аммо улар ўз солиқларини ва бюджетини жорий эта оладилар. Ҳар бир регионда иқтисодий ва ижтимоий қўмиталар ҳамда займлар бўйича регионал қўмита ташкил этилган, ҳар бир регионнинг ўз хисоб палатаси бор. Регионлар сайланадиган раис бошчилигидаги регионал кенгаш томонидан бошқарилади.

Кенгашдан ташқари, ҳар бир регион ва департамент бошқарувида префект (ёкиреспублика комиссари) лавозими ҳам бор. Префект вазирлар кенгаши томонидан тайинланади ва марказийдавлат ҳокимиятининг департаментдаги вакили ҳисобланади. Маълум региондаги энг катта департамент комиссари бир вақтнинг ўзида бутун регионкоммисари ҳам ҳисобланади. У ўз департаменти ва регионида давлат ҳокимиятини ўзида акс эттиради. Департамент ижро этувчи ҳокимиятнинг асосий бўғинидир. Унда маҳаллий давлат бошқаруви консентрациясини кўриш мумкин.Унинг маъмурияти бошида префект туради, маъмуриятнинг ўзи эса жуда катта ваколатларга эга. У муҳим хизматлар бутун тизимини ўз ичига олади ва регионал даражада давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди.

Департаментдаги давлат вакили яъни префект дастлаб Вазирлар Кенгашининг йиғилишида тасдиқланади, кейин Президент қарори билан тайинланади. Префект Давлат кенгашининг буйруғи билан чекланган ҳолатлардан ташқари барча вазирлар номидан иш юрита олади ва департаментдаги давлат хизматларини бошқаради. Фақат у Олий Кенгаш олдида давлат номидан нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга.Давлат вакили департаментда миллий манфаатлар, қонунларга риоя қилиш, жамоат тартиби хақида қайғуриш ва идоравий назорат тўғрисидаги қонунда белгиланган шароитлардан келиб чиққан ҳолда бошқарувни амалга оширади. Ушбу қонунда кўрсатилмаган ҳолларда, у илгари идоравий префектга тегишли бўлган ваколатларидан келиб чиқиб, департаментда ҳукумат вакили сифатидаўз компетенцияларини амалга оширади. Бунда унга Бош котиб,ёки маълум шароитларда

[1] Давлат бошкаруви сохдсидаги мутахассислар (бопқарув кадрларини)ни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими: миллий ва хорижий тажриба//Жамоавий нашр. Ахборот-тахлилий маълукютнома. – Тошкент. “Tafakkur qanoti”. 2019. - 64 6.

округлардаги хукуматнинг ваколатли мансабдорлари ёрдам беришади. Қонунда назарда тутилган шароитларга биноан у департамент ва коммуналар компетенциясини тегишли даражада бажарилиши учун ғамхўрлик қилади.[1].

Префект – префектириал корпусга киритилган, профессионалтайёргарликка эга, Миллий административ мактабда ўқиган, энг юқори даражадаги давлат хизматчисидир. Префект дастлаб Франция Вазирлар махкамаси кенгашида тасдиқдан ўтказилиб, кейин Президент қарори билан лавозимга тайинланади. Префект давлат хизматининг юқори босқичи бўлиб, унинг карьераси бутунлай юқори давлат бошқарувига боғлиқдир.У исталган вақтда ўз хохишидан қатъий назар бошқа префектурага ишга ўтказилиши,умуман бошқа лавозимга тайинланиши ёки маълум муддатга захирага олиниши мумкин. Префект лавозимига тайинланиш номзодлар сиёсий қарашларига ёки уларнинг Президент ва Бош вазир партиясига аъзо ёки аъзо эмаслигига бевосита боғлиқ эмас. Одатда префектлар корпусга қабул қилинган ходим, хар хил департаментларда бу лавозимда узоқ вақтдан бери ишлаб келаётган бўлади.

Префект – департаментдаги ҳукумат вакили, у давлатни департаментдаги ишларнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиши шартва давлат сиёсатини маҳаллий сайланган органларга етказиш ва ушбу сиёсатни олиб боришда уларга ёрдам бериши керак.

Регион ва департаментдан ташқари нисбатан кечроқ таъсис этилган яна бир административ бирлик сифатида округ бирлигини кўрсатиш мумкин. Худди регион ва департаментларда бўлгани каби округлар ҳам икки томонлама яъни округ кенгаши ва округ префекти бошқарилади. У округдаги ягона марказий вазирлик ва идоралар маҳаллий хизматларининг кредитларини иккиламчи (бирламчи тақсимловчи тегишли вазир хисобланади) тақсимловчиси ҳисобланади.Фақат префект бу хизматларнинг бюджет маблағларини тақсимлаши мумкин, аниқроғи давлат мулки ва кўчмас мулкини бошқариш масалалари билан шуғулланади.

Префект маҳаллий давлат ўз ўзини бошқариш органларининг персоналини аттестация жараёнида қатнашади ва унинг фаолиятига баҳо бериб вазирликка бу хақда маълумот беради.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, Францияда маҳаллий давлат бошқарув органларига кадрларни тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва йўналтириш механизми аниқ босқичларга эга. Ҳокимиятни децентрилизация қилиш билан боғлиқ махсус ислохотлар ўтказилиши натижасида марказий бошқарув зиммасидаги кўплаб ваколатларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилган. Шу билан бир қаторда ушбу органлар фаолиятининг қонунийлигини назоратини қилиш учун ва давлат худудларини бутунлигини сақлаш мақсадида регионлар, департамент ва округлар бошқаруқида марказий давлат ҳокимиятининг вакилипрефект лавозими сақлаб қолинган.

Ушбу лавозимларга фақатгина А (бу тоифа юқори маълумотга (магистр даражаси, илмий даража) эга бўлган мансабдор шахсларни ўз ичига олади) даражасига эга юқорималакали карьера концепцияси бўйича даража ва рангларга эга, фақат давлат хизмати тизимида ишлаган номзодлар тайинланади. Префект лавозимига давлат хизмати тизимидан мутлоқо бошқа сохадан келган, керакли билим ва тажрибага эга бўлмаган номзодлар тайинланмайди.

Франция регионлари, департаментлари ва округлари префекти лавозимларини Ўзбекистон маҳаллий ҳокимият органлари бошқарув лавозимлари бўлган вилоят ва туман ҳокимлари лавозимига бир қанча жиҳатларда мос келади. Иккала давлат тизимида ҳам ушбу лавозимларга мамлакат Президенти томонидан вазирлар билан маслаҳатлашган ҳолда тайинланишини, уларнинг бажарадиган вазифаларида ўхшашлик бор – вилоят ёки туман ҳокимлари худди префект каби маълум худудда марказий давлат ҳокимиятининг вакилидир ва давлат номидан иш кўриш хуқуқига эга.

[1]Қонундан 1982 йил 2 мартдаги 82-213-сонли қарор.

Бошқа томондан ҳокимлар ва префектлар вазифалари ўртасида фарқлар ҳам мавжуд, бунга сабаб қилиб Франция ва Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва хатто диний тафовутларни мисол келтириш мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган маълумотлар эса, Францияда раҳбарлик лавозимига тайинланиш процедураси ва босқичлари ҳар томонлама ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган. Икки давлат механизмларини параллел кўриб чиқиш Ўзбекистон маҳаллий ҳокимият органлари раҳбар лавозимларига номзодларни тайинлаш механизмидаги етишмовчиликларни тўлдириш, такомиллаштириш ва самарали кадрларлар тайинлаш тизимига айлантиришга ёрдам беради.

ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Махамадиев М. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси магистри*

Бошқарув фаолияти инсоният жамияти пайдо бўлган даврлардан бери мавжуд бўлиб келаётган фаолият тури саналади. Ушбу фаолиятнинг замонавий шаклларидан бири менежмент бўлиб, унинг асосий мақсади – бошқарув самарадорлигини ошириш саналади. Менежмент атамаси илк бор 1598 йилда Хулио Париджи томонидан қайд этилиб, шаҳар бошқаруви самарадорлигини оширишда ҳарбий хатарларни бошқариш мазмунида қўлланилган[1]. Даврлар ўтиши билан менежмент фаолият тури аниқ тавсифига эга бўлди.

Менежмент сўзининг этимологиясига кўра, инглиз тилидан олинган "*manage*" – бошқариш, "*manager*" – мудир, бошқарувчи, "*management*" эса – бошқарув маъноларини англатади[2].

Ваҳоланки, менежмент ва бошқариш тушунчалари бир-биридан тафовутланади. Бошқарув менежментга нисбатан кенг қамровли тушунча бўлиб, уни қўлланилиш соҳаси турфа хил. Нафақат одамлар балки автомобиль ҳамбошқарилади. Аммо, менежмент эса – тор доирада, яъни, инсонларни бошқариш соҳасида қўлланилади холос. Бу маънода, бошқаришга хос бўлган айрим иборалар, масалан, "автоматик бошқариш" менежментга нисбатан қўлланилмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, менежмент ёрдамида жамият ҳаётининг қуйидаги уч йўналишда инсонлар фаолияти бошқарилади, булар;

- сиёсий – социал гуруҳларда тартиб ўрнатилиши ва уни тутиб туриш эҳтиёжи;
- иқтисодий – заҳираларни қидириб топиш, ишлаб чиқариш ва тақсимлаш;
- хавфсизлик – турли хатарлардан ҳимояланиш.

Н.Б.Криллова менежмент назариясининг шаклланиши ва ривожланишини қуйидаги тархий босқичларини ажратиб кўрсатади[3]:

1-босқич: Қадимги давр (эрамиздан аввалги 9-7 минг йилликдан эрамизнинг XVIII асригача) биргаликдаги меҳнатни ташкил этиш ва тартиблашнинг дастлабки шакллари ибтидоий қабила ва уруғчилик даврига бориб тақалади.

Қадимги даврларда уруғ ва қабила сардорлари бошқарув фаолиятининг илк шакли саналган. Бундан 7-9 минг йиллар олдин ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтилди. Айнан шу давр менежментнинг шаклланиб, ривожланиш жараёнини бошлаб берди. Қадимги Мисрда эрамиздан олдинги 3000-2800 йилларда давлат бошқарув аппарати шаклланди.

Бошқарувни тавсифлаган мутафаккир Суқрот (эр.авв. 470-399 йй). У бошқарувнинг турли шаклларини таҳлил қилди. Унинг таҳлиллари асосида бошқарувнинг универсаллиги

[1]Шеметев А.А.Управленческое консультирование. – Москва: Научная библиотека, 2014. – 416 с.
[2]Менеджмент. / Под ред. Ж.В. Прокофьевой. – Москва: Знание, 2000. – 288 с.
[3]Кириллова Н.Б.Менеджмент социокультурной сферы. – Екатеринбург:УрФУ, 2012. – С. 84.

тамойили шаклланди. Платон (эр.авв. 428-348 йй) давлат бошқаруви шаклларини туркумлаб, бошақув органлари функциялари чеклаш ҳаракатларини амалга оширди[1].

Александр Македонский (эр.авв. 356-323 йй) ҳарбий қўшинларни бошқариш назарияси ва амалиётини ривожлантирди.

Бошқарувда стратегия ва тактика тушунчаларини мазмунига аниқлик киритди. Ўрганилган даврда менежментнинг ривожланишининг илк босқичларидаги содда шаклларининг ишлаш тамойилларини қамраб олади.

2-босқич: Саноатлашган босқич (1776-1890 йй). Ушбу даврда давлат бошқаруви борасидаги илмий билимларни ривожланишида А.Смитнинг хизмати катта бўлди. У нафақат мумтоз сиёсий иқтисод вакили бўлиб қолмасдан, бошқарув соҳаси мутахассиси эди.

А.Смит давлат ва давлат бошлиғи мажбуриятларини аниқлаб берди. Меҳнат тақсимотининг турли шакллари таҳлилини амалга оширди. Ушбу даврда илмий изланишлар олиб борган Р.Оуэн бошқарувни инсонпарварлаштириш ғояси ишлаб чиқди. Ушбу ёндашувга мувофиқ, бошқарув самарадорлигини таъминлашнинг бош омили ишчи-ходимлар учун муносиб шарт-шароитларини яратиб бериш эди.

Бошқарув назарияси ва амалиётидаги бурилиш ясаган ғоя Ч.Беббиж (1833 й.) томонидан“таҳлилий машина” лойиҳасини ишлаб чиқилиши эди. Ушбу техник ғоя асосида бошқарув қарорлари тезкор қабул қилиниб бошланди.

3-босқич: Тизимлаштириш босқичи (1856-1960 йй) бўлиб, бу даврда бошқарув борасидаги илмий қарашлар ўзгарувчан моҳият касб этди. Унинг янги оқимлари пайдо бўлди. Айнан шу даврда менежмент фаолиятининг алоҳида тури сифатида ажралиб чиқди. Зеро, ишлаб чиқариш соҳасининг шиддатли ривожланиши, завод-фабрикаларнинг кўпайиши, кўп сонли ишчиларни назорат қилишдаякка бошлиқ имкониятларини чеклаб қўйди. Шу сабаб, ишчи-ходимлар орасидан ёш, иқтидорлар саралаб олиниб, ёрдамчиликка махсус тайёрланди. Ушбу ёш ишчи-ходимлар – дастлабки менежерлар бўлиб, корхона хўжайнининг манфаатини ифодалаши шарт эди.

4-босқич: Ахборотлашган (1960 йиллардан ҳозирги кунгача) давр бўлиб, замонавий бошқарув қарорларини қабул қилиш катта миқдордаги ахборот бўлган эҳтиёжни ошириб юборди. Бунда ахборот математик усуллар ва ҳисоблаш техникасида қайта ишланиб, бошқарув компьютер технологиялари ёрдамида ифодаланадиган мантиқий жараёнга айланди. Илм-фан соҳасида бошқарувнинг тизимли, вазиятли ва жараёнли ёндашувлари шаклланди.

Янги парадигмалар бўйича бошқариш ишчиларга лоял муносабат, масъулиятни ҳис этиш, горизонтал ва вертикаль коммуникациянинг таъминланганлиги, ишчи-ходимлар қобилиятини рўёбга чиқариш, умумий натижадорликда ишчи-ходим улушини ўрнатилиши, менежерлар томонидан ҳар бир ходимни тинглай олиш қобилияти, менежментнинг олтин қоидаси сифатида бизнес аҳлоқига қатъий риоя этиш, ҳалоллик ва ишонч, ўз устида тинимсиз ишлаш тамойилларига бўйсундирилди.

Хуллас, замонавий менежмент илм-фан дунёсида атрофлича ўрганилган ижтимоий ҳодиса сифатида қуйидаги хусусиятларга эга.

Биринчидан, менежмент меҳнат фаолияти тури сифатида англанилади. Зеро, бошқариш ақлий меҳнат бўлиб, бунда узлуксиз кетма-кетликдаги фаолият туриангланади. Бу жараёнда фаолият йўналиши, унинг эҳтимолий натижалари илмий прогноз қилинади ва уни амалга ошириш воситалари ишлаб чиқилади.

Иккинчидан, бошқариш жараёнининг жамики вазифалари, усуллари ва воситалари йиғиндиси менежмент деб аталади. Менежмент жараён сифатида пронозлаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, буйруқ бериш, мувофиқлаштириш, фаолиятга турткилаш, назорат ва таҳлил каби функцияларнинг бажарилишини назарда тутади.

[1]Платон. Государство / Собрание сочинений. Т.3. – М.: Мысль, 1993. С. 79-420.

Учинчидан, менежмент – бу бошқарув аппарати бўлинмаларининг йиғиндиси бўлиб, унда менежерлар фаолият юритади. Бошқача қилиб айтганда, менежментбу – ташкилий тузилма бўлиб, ташкилот, минтақа, давлатв ҳ.кларни бошқариб боришга йўналтирилган.

Тўртинчидан, менежмент дейилганда бошқариш фаолияти билан профессионал даражада шуғулланувчи ва раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган кишилар категорияси англанади.

Бешинчидан, менежмент илм-фан ва таъли мйўналиши бўлиб, бошқариш давомида юзага келаётган муаммоларни ўрганади. Бунда тўғридан-тўғри бошқариш амалиётига таянади.

Олтинчидан, менежмент бу нафақат илм-фан, балки,бошқариш санъати ҳамдир. Зеро, бошқариш амалиёти кишидан юксак маҳоратни талаб этади.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Алиқориева А. *– ЎзМУ доценти, с.ф.н.*
Очилов Х. *– ЎзМУ Социология кафедраси магистри*

Жамият пайдо бўлгандан бери инсон ахборот олиш, тарқатиш ва ундан фойдаланишга эҳтиёж сезиб келади. Албатта, қадимда бу жараён жуда содда кўринишга эга эди. Дунё тараққий этган сари у мураккаблашиб, ахборотнинг жамиятдаги ўрни янада ошди. Хатто, давримиз ҳам “Ахборот технологиялари асри” - деб ном олгани бежиз эмас. Дунёда ҳозирги пайтда ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиши жаҳон ҳамжамияти ҳаётининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Уларнинг кенг тарқалиши замонавий воқеликни ўзгартирмоқда, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда сезиларли ўзгаришларга – “ахборотлашган жамият” шаклланишига олиб келади. АКТ сиёсий коммуникация характерига, давлат тавсифига катта таъсир кўрсатиб, давлат институтлари ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро муносабатларни сезиларли даражада ўзгартирмоқда. Глобал ахборотлаштиришнинг янги шароитларида сиёсий-давлат бошқаруви ривожланишининг муҳим тенденцияси сифатида “Электрон ҳукумат” яратилишини кўрсатиш мумкин.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш дастурини шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм Ўзбекистонда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурини ўз ичига олади. “Электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси комплексларини яратишга доир лойиҳа ва тадбирлар алоҳида қисм сифатида белгиланган. Уларнинг амалга оширилиши эса кўрсатилаётган хизматларнинг зарур сифат даражасини таъминлаш, барча истеъмолчиларга тақдим этиладиган интерфаол хизматларни ривожлантириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш учун ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологияларининг замонавий юқори технологик инфратузилмасини яратиш имконини беради.

Хусусан, мамлакатимизда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш ишлари белгиланган ва ихчам кенг полосали фойдаланиш тармоқларини, маълумотлар узатиш коммутацияси ва овозли трафик марказларини кенгайтириш, магистрал телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш ва кенгайтириш, давлат бошқаруви ва хўжалик субъектлари органларининг мултимедиа хизматлари, миллий ахборот ресурслари, маълумотлар базаси ҳамда компьютер тармоқларини ривожлантириш учун зарур инфратузилмани яратишга қаратилган.

Масалан, 2020 йилгача кенг полосали фойдаланиш бўйича оптик тармоқларни кенгайтириш, оптик-толали алоқа линияларини қуриш, мамлакатимизнинг барча

ҳудудларида EVDO, 3G ва 4G LTE базавий станциялар ўрнатиш ишлари режалаштирилмоқда. Бу эса маълумотлар узатиш тезлигини 100 Мбит/сониягача ошириш имконини беради. Зарур ускуналарни ўрнатган ҳолда, Халқаро пакет коммутацияси марказини кенгайтириш ҳисобидан халқаро ахборот тармоқларига 300 Гбит/сония тезликда уланиш мумкин бўлади. Корпоратив секторга мултимедиа хизмати кўрсатиш студиялари, ахборот-маълумотнома хизматлари, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, кўп фойдаланиладиган маълумотларни сақлаш марказини ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантиришга доир зарур чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимиз алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари мутахассислари олдида турган устувор вазифалар сирасига киради. Моҳиятига кўра, ушбу тизим фуқаролар, бизнес субъектлари, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ва мансабдор шахсларга ахборот тақдим этиш ҳамда давлат хизмати кўрсатиш услуби бўлиб, унда давлат ва мурожаат қилувчи шахс ўртасидаги ўзаро алоқа минималлаштирилган, бу борада интернет тармоғи орқали интерфаол алоқа шаклидан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли ва юридик шахсларга давлат органлари веб-сайтлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали орқали интерфаол давлат хизмати кўрсатиш учун ахборот-коммуникация технологиялари мақсадли жорий этилмоқда. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ахборот хизматининг маълумотларига кўра, 2007 йилда 49 та базавий интерфаол давлат хизмати реестри тасдиқланган. 2009 йилда ушбу реестр 94 тага етказилган бўлса, жорий йил 1 июль ҳолатига кўра у 197 турдаги хизматни ўз ичига олади.

Бугун давлат органларига ўз веб-сайтлари орқали жами 617 интерфаол давлат хизмати кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг 1 июлида мй.гов.уз манзили бўйича Ягона интерфаол давлат хизмати портали синов тариқасида ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда аҳолига кўчмас телефон алоқаси ва интернет хизматига уланиш, давлат солиқ хизмати органларидан солиқлар бўйича қарздорлик йўқлиги ҳақида маълумотнома олиш, шунингдек, турли жабҳаларда рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун ариза қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш каби 60 га яқин хизмат кўрсатилмоқда. Фуқароларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги ҳокимият идораларига мурожаатини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ лойиҳа ҳамда тадбирларнинг амалга оширилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлади. Мазкур ҳужжатда “Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантиришга оид ҳуқуқий, ташкилий, техник чоралар кўзда тутилган.

Яқин келажакда “Электрон ҳукумат тўғрисида” ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, идоралараро ҳамкорлик ва маълумотлар алмашиш бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, турли йўналишлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, давлат харидлари, солиқ солиш, божхона расмийлаштируви, соғлиқни сақлаш ва бошқа кўплаб соҳаларда янги ахборот тизимларини яратиш, мавжудларини интеграциялаштириш кутилмоқда. “Ўзинфоком” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ҳузуридаги Компютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати базасида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказларини шакллантириш муҳим ташкилий жиҳат ҳисобланади.

Шундай қилиб, “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилиши натижасида тўлиқ транзаксия хизматига ўтиш кутилмоқда. Бу аҳоли ва бизнес вакилларининг давлат хизматларидан фойдаланиш учун турли босқичларга мурожаат қилиш ва давлат хизматлари билан мулоқот қилишини истисно этади. Бу эса, ўз навбатида, улар учун ўз бизнесини юритиш учун қўшимча қулайлик яратиш ва шароитларни яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимиз алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш борасида катта истиқболга эга. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон

Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш дастури мамлакатимизда ахборот жамиятини янада ривожлантириш ва унинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашуви йўлида янги имкониятлар очиб беради.

Бугунги кунда ахборот технологиялари соҳаси республикамизнинг ривожланишида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан юртимизда ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ва ривожлантириш борасида олиб борган сиёсати ҳозирги кунга келиб ўз натижаларини кўрсатмоқда.

2019 йилда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг асосий кўрсаткичлари. Иқтисодий рақамларга назар ташланадиган бўлсак, ўтган йилдаги натижаларни ижобий, деб баҳоласа бўлади. АКТ соҳасида кўрсатилган жами хизматлар ҳажми 10,6 триллион сўмгача етиб, 104% ўсишини кўрсатди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари эса 176 миллион долларгача, яъни 130 фоизгача ўсди[1].

Яна бир муҳим кўрсатқичлар:

• Компютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми 2019 йил натижалари бўйича 119 фоизгача ўсди ва 1,078 миллиард сўмни ташкил этди (режада –920 миллион сўм);

• Дастурий маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми 15,8 миллион долларгача ошди ва 158 фоиз ўсиш динамикасини кўрсатди (режада – 10 миллион доллар);

• Ахборот ва алоқа соҳасида иш ҳақи ўсиш динамикаси ҳам 119 фоизни кўрсатди. Ҳозирги кунда мазкур соҳада ўртача маош 4 миллион сўмни ташкил этади (умумреспублика бўйича иш ҳақи – 2,3 миллион сўм);

• АКТ соҳасида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони йилдан-йилга ошиб боряпти: 2019 йил натижалари бўйича уларнинг сони 269 ни ташкил этди ва 73 тага кўпайди.

2019 йилда Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича Вазирлик томонидан жами 9 та лойиҳа 177,5 миллион долларга тенг ҳажмида амалга оширилиб, 102 фоиз ўсиш кўрсаткични кўрсатди (режада – 174,02 миллион долларга тенг лойиҳалар қиймати). Жумладан:

• Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция асосида – 97,14 миллион долларга тенг лойиҳалар (режада – 94,5 миллион долларга тенг, ўсиш динамикаси – 103 фоиз);

• Ҳукумат кафолати остида хорижий кредитлар – 53,38 миллион долларга тенг лойиҳалар (режада – 43,56 миллион долларга тенг, ўсиш динамикаси – 123 фоиз);

• Корхоналарнинг ўз маблағлари – 26,93 миллион долларга тенг лойиҳалар (режада – 35,96 миллион долларга тенг, бажариш кўрсаткичи – 75 фоизни ташкил этди).

2019 йилда АКТ соҳасида яна бир қатор муҳим йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилди.

Интернет тармоғининг миллий сегменти “UZ” доменида рўйхатдан ўтган веб-сайтларни ташкил этиш орқали истеъмолчиларга қулай хизматлар кўрсатиш, ёшларнинг онлайн тарзда билим олишлари ва аҳолига электрон савдо тизимлари орқали хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Онлайн-тўлов тизимидаги ишлар ҳам яхши кўрсаткичлар билан якунланди, я‘ни 2019 йилда онлайн-тўлов тизимлари орқали 299,3 миллион транзакциялар амалга оширилди ва жами 6,5 триллион тўлов сўмни ташкил этди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан контактсиз алоқа шаклларини янада ривожлантириш мақсадида ягона интерактив давлат хизматлари порталининг янги версияси ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ягона портал орқали 176 та электрон давлат хизмати тақдим этилмоқда, ушбу хизматлардан фойдаланиш учун 15,1 млн. та ариза-буюртма келиб тушган, бу давлат органлари билан ўзаро алоқада аҳолининг вақт ва молиявий ҳаражатларини камайтиришга ёрдам берди[2].

[1] http://www.mitc.uz/uz
[2] http://www.mitc.uz/uz

Ягона интерактив давлат хизматлари портали тизими орқали ҳозирги даврда аҳолига 176 та давлат хизматлари кўрсатилади. 2019 йил якунлари бўйича 15,1 миллиона та ариза-буюртма билан иш олиб борилди.

Ягона идоралараро ижро интизоми тизими бўйича ҳозирги вақтда тизимга 4,4 мингдан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлар, 30 мингдан ортиқ фойдаланувчилар уланди.

Тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эл инвесторлари мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ва муаммоли масалаларини ҳал этиш мақсадида Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш виртуал қабулхонаси “ business.gov.uz ” портали ишга туширилди. Бугунги кунда ушбу портал орқали 34,7 мингта мурожаат келиб тушиб, шулардан 33,6 мингтаси кўриб чиқилган.Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш ягона интерактив портали фаолияти натижаларига кўра, ўтган йили жами 34,7 мингта мурожаат тўшган бўлса, улардан 33,6 мингтаси кўриб чиқилди.

Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (“saylov.gov.uz”) жорий қилинди. Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 20,5 млн. дан ортиқ фуқаролардан иборат Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилиб, Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими билан интеграция қилинди. Ҳозирда Хитойнинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда 1 босқичда Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг ягона технологик платформасини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

АКТ соҳасида 2019 йилда муҳим ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. Хитой компанияси билан умумий қиймати 11,8 миллион доллар миқдорида шартнома имзоланиб, Тошкент тиббиёт ходимларига замонавий АКТ ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 150 дона тез тиббий ёрдам автомобиллари (реанимобил) етказиб берилди ва автоматлаштирилган тез тиббий ёрдам хизмати бошқарув тизими жорий этилди.

Ҳозирда Хитойнинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда 1 босқичда Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда “Хавфсиз шаҳар” лойиҳасининг ягона технологик платформасини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ

Низомова Р. *– ЎзМУ Социология кафедраси магистри*

Дунё миқёсида ахборот технологияларининг кескин ривожланаётганлиги, Интернет тизимнинг барча давлатлар, маданий ҳудудлар, барча ёшдаги инсонлар учун қулай ахборот алмашинуви воситасига айланиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда глобал тармоқ 31 ёшга тўлди. Яқин кунларда ҳар йили We Are Social ва Hootsuite тайёрлайдиган, Digital 2020 – рақамли соҳанинг ҳолати тўғрисида янги ҳисоботи нашр қилинди. 2020 йил бошидаги кўрсаткичлар, бугунги кунда 4,5 миллиарддан ортиқ инсонлар Интернетдан фойдаланишини ҳамда ижтимоий тармоқларнинг аудиторияси 3,8 миллиарддан ошганини кўрсатади.

Рақамли технологиялар, мобил қурилмалар ва ижтимоий тармоқлар бутун инсоният кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланганлиги ҳақидаги гипотеза тасдиқланишига энди шубҳа йўқ. Исбот тариқасида, кичик таққослашни амалга оширамиз. Халқаро электрон тармоқ иттифоқи маълумотларига кўра, биринчи миллиард Интернет фойдаланувчисини топиш учун 16 йилни талаб этди.

Тармоқнинг иккинчи миллиард фойдаланувчилари эса атиги 6 йилда қўшилди. Бугунги кунда эса, Интернет тармоғига 2,7 йил ичида 1 миллиард янги фойдаланувчилар

қўшилиши тезлигида ўсмоқда[1]. Дунё аҳолисининг қарийб 60% аллақачон онлайн режимда ва йилнинг ўрталарига келиб, сайёрамиздаги барча инсонларнинг ярми ижтимоий тармоқлардан фойдаланади, деб навбатдаги гипотезани илгари суришимизва у ҳам тасдиқланиши учун ҳамма асослар борлигини таъкидлашимиз мумкин.

Ўртача ҳисобда фойдаланувчи ҳар куни Интернетда 6 соат 43 дақиқа вақт сарфлайди. Умумлаштирганда, глобал Интернет аудиторияси 2020 йилнинг ўзида 1,25 миллиард фойданувчи йил давомида онлайн бўлади ва бу вақтнинг учдан бир қисми ижтимоий тармоқларда ўтади. Одамларнинг Интернетга сарфлаш вақти турли мамлакатларда жуда фарқ қилади. Масалан, Филиппинда кунига 9 соат 45 минут, Японияда эса 4 соат 22 минут. Россияда эса ҳар куни 7 соат 17 дақиқа Интернетдан фойдаланади. Диссертациямизга бағишланган тадқиқотимизда, Ўзбекистон талаба ёшларида қуйидаги кўрсаткичлар: 15 дақиқадан 1 соатгача – 30%; 1 соатдан 3 соатгча – 36%; 3 соатдан кўпроқ – 12% ёшларни ташкил этса, 21% – бу борада ўзини чегараламасликлари (ҳисоб-китоб юритмайди) аниқланди.

Ўқув жараёнини осонлаштириш учун Интернетдан фойдаланувчи талабалар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Маълумки, бугунги кунда талаба компьютерсиз ишлай олмайди. Компьютер билан алоқа мактабдан бошланади, ўқувчилар компьютер технологияларининг асосларини ўрганадилар, Интернетнинг таълим веб-сайтлари билан танишадилар. Қоида тариқасида, университетга киришда кўпгина абитуриентлар аллақачон компьютер билан таниш, ва аксариятида ахборот технологиялари, яъни компьютер, ноутбук ёки планшетга эга.

Талаба ўқитувчи томонидан дарсликларда кўрсатилган ва тавсия этилган ишончли манбалардан фойдаланиши керак. Аммо, улар ўқув жараёнини осонлаштириш учун аксарият ҳолларда университет, миллий, электрон кутубхоналардан ёкитаълимга оид расмий сайтларданэмас, балки Интернетдаги ҳимояланмаган маълумотлардан фойдаланадилар. Шахсий компьютер билан қуролланган замонавий талаба Интернетда нима ва қаерда эканлигини яхши билади. У моҳирлик билан навбатдаги уйга вазифани, мустақил таълимга берилган иншо, реферат, курс лойиҳаси, диплом иши ва бошқалар каби вазифаларни кўчиради. Кўпинча фақат исм ва гуруҳ рақамини кўрсатади ва бироз редакция қилганидан сўнг, у принтерда чоп этади ва “ўз ишини” ўқитувчига топшириди[2]. Вақтинча, ушбу усул қўлдан келиши мумкин, бироқ, университетда ўқиш янада жиддий ёндашувни ва турли хил аниқ фанларни чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Шу маънода, Интернет энди ишончли маълумот манбаи бўла олмайди ва қайсидир маънода зарарли ҳисобланади.

Шу билан бирга, бу ўқув жараёни мобайнида, бу эса нақд 4 йил, талаба дангасалиги бир неча баробарга ортади ва бу ёндашув келажакдаги карьерада муваффақиятга эришиш еҳтимолини камайтиради. Таъкидлаш жоизки, аслида плагиаризм – алдаш амалиёти Ўзбекистон ва Россияда Ғарбга қараганда анча кенг тарқалган бўлиб, бу ғарб университетлари битирувчилари билан рақобатда нуфузли ишга эга бўлиш имкониятини пасайтиради.

Рақобатли танловда муваффақият қозониш учун жуда катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашни ўрганиш, ёзма ишларнинг намуналарини кўриш, уларнинг заиф ва кучли томонларини таъкидлаб, бошқа бировнинг матнидан энг муҳим қисмини “ажратиб олишга” ҳаракат қилиш керак. Олинган скелетга асосланиб, талаба керакли ишни қандай яратишни ўрганиши керак. Аслида, маълумотлар билан ишлаш Интернет оммалашиб кетишидан олдин кутубхоналарда китоблар ёрдамидаамалга оширилган. Текширилган, фундаментал маълумотлардан фойдаланишни ўрганишда ўқитувчининг иши жуда ҳам муҳимдир, чунки у талабани тўғри йўналтириши, Интернетдан фойдаланишни тақиқламай, балки ундан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериши лозим. Масалан, қидирувни торайтириш учун ўқитувчи маълум ахборот манбаларини маслаҳат бериши мумкин, шу билан бирга

[1] Электрон манба: https://www.web-canape.ru/business/internet-2020-globalnaya-statistika-i-trendy/

[2]Кузнецов И. Н. Интернет в учебной и научной работе: Практическое пособие. – 2-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2005. – 192 с.

талабаларни ўқув материалларни қандай тайёрлашга ўргатади ва мослаштиради, тўғри ва нотўғри маълумотларни фильтрлашни ўрганишга ёрдам беради.

Ўз-ўзини тарбиялаш нуқтаи назаридан, талаба ва умуман бутун жамият ахборот инқирози муаммосига дуч келмоқда[1]. Ахборот инқирози "ахборот очлиги" ва "ахборот портлаши"нинг қарама-қарши бирлиги, яъни уни ортиқча ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан маълумот етишмаслигидан келиб чиқади[2]. Инсон фаолиятининг маълум бир соҳаси тўғрисидаги маълумотларнинг ҳажми инсон миясининг қобилиятидан ошади[3]. Шу сабабли, ахборотни тизимлаштириш ва фильтрлашда шовқин кучайиб бормоқда.

Интернет фойдаланувчиларининг ахборот ресурсларига кириш эркинлиги давлат чегаралари билан чекланмаганлигига қарамай, тил чегаралари сақланиб қолинмоқда. Интернетнинг асосий тили – бу инглиз. Иккинчи энг машҳури – рус, учинчи ўринни эса – хитой тили эгаллайди[4]. Шу муносабат билан чет тилларини, биринчи навбатда инглиз тилини биладиган талаба кўпроқ маълумотга эга бўлади.

Шахснинг ахборот ва психологик хавфсизлиги масалаларини кўриб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлган Интернет хусусияти мавжуд. Бу Интернетда ҳеч қандай бошқарув ёки назорат қилувчи орган мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Интернетда жойлаштирилган маълумот учун жавобгарлик аслида муаллифга, кўпинча номаълум шахсга ёки провайдерга юкланмайди[5]. Шу сабабли, Интернет – инсониятнинг ҳар қандай катта ихтироси сингари, шахснинг ривожланиши, турғунлиги ва таназзулига йўл очиб беради.

Ўзбекистон Интернет сектори ривожланиши юқори даражада эканлигини намоён қилиш учун, республикамиз бўйлаб қайд этилган стастистик кўрсаткичларга бироз тўхталиб ўтамиз. 2016 йил Internet Live Stats[6]рейтингида, 201 та давлатлар кўрсаткичлари ўрганиб чиқилган. Унда Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 15,45 миллиондан ортиқ одамни ташкил этган, бу ўз ўрнида, мамлакат аҳолисининг 51% га тенг кўрсаткич. Хусусан, ушбу умумий рейтингда Ўзбекистон 37-ўринни эгаллади. 2018 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 20 миллиондан ортгани эълон қилинди[7].

2020 йилга келиб ёшларнинг 60% Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланмоқда. Шу ерда, магистерлик диссертация ишимизга бағишланган тадқиқотимиздан яна бир нечта лавҳаларни келтириб ўтиш жоиз, деб топдик. Унда, ахборот маълумотларидан фойдаланиш мавзуларини аниқлашда қуйидагича натижалар олинди, жумладан – таълим 26%, ижтимоий-сиёсий жараёнлар 25%, спорт 16%, маънавий-ахлоқий, тарбиявий 11%, ҳуқуқий 8%, кўнгилочар 8% ҳамда диний 5% характерига эга. Мазкур ҳолат, ёшлар ахборот тизимидан кундалик ҳаётда кузатилаётган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида маълумотларни кўпроқ излайди, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий мазмундаги ахборотларга эса нисбатан камроқ мурожаат қилмоқда. Бундан ташқари, ёшларнинг 85% интернетдан – асосан мобил телефон орқали фойдаланиши аниқланди. Қўшимча тарзда, тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 80% ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардан фаол фойдаланишини қайд этган бўлиб, бунинг асосий сабаблари – дўстлар ва бошқалар билан мулоқот қилиш истаги ҳамда турли мавзулар бўйича фикр ва мулоҳазалар билдириш мумкинлиги билан боғлиқ. Жумладан, Телеграм тармоғи 44%, Инстаграм 32%, Фейсбук 12%, Одноклассники 11% ва Вконтакте тармоғидан 1% ёшлар фойдаланиши маълум бўлди.

Ҳозирги замон ёшларга ўта юқори талаблар қўяди, шу сабабли, юқорида айтилган

---

[1]Соломенчук В. Г. Интернет: Краткий курс. СПб.: Питер, 2001 – 322 с.

[2] Электрон манба: URL: http://ru.wikipedia.org/wiki/Интернет.

[3] Электрон манба: URL: http://ru.wikipedia.org/wiki/Информация.

[4] Электрон манба: URL: http://ru.wikipedia.org/wiki/Интернет.

[5] Смолян Г.Л. Сетевые информационные технологии и проблемы безопасности личности // Информационное общество. 1999. № 1. С. 21–25.

[6] Электрон манба: http://stv.uz/news/newsuz/5136-uzbekistan-zanimaet-37-mesto-v-mire-po-kolichestvu-internet-polzovateley.html.

[7] Электрон манба: http://infocom.uz/2018/01/26/kolichestvo-internet-polzovatelej-v-uzbekistane-prevysilo-20-millionov/

таҳдидларни олдини олиш энг долзарб масалага айланмоқда. Юқорида айтилганидек, АКТ бўйича дарслар мактабдан бошлаб ўқитилади, бироқ, бу илмий соҳада кўникма ва ориентация кўникмалари, касбий маълумот, танқидий таҳлил ва ахборотни аналитик-синтетик қайта ишлаш усуллари ўзлаштиришини шакллантирмайди. Ўзбекистонёшлариҳар томонлама мукаммал, етук ва рақобатдош бўлиб ривожланиши йўлида ушбу муаммоларнинг ечимини топишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.Бундай билим ва кўникмаларни шакллантириш учун хориж университетлари талабарларга“Шахснинг ахборот маданияти асослари”, “Ахборот маданияти”, “Мутахассиснинг ахборот маданияти”каби факультативларини ўқув дастурига киритиган.

Хулоса тариқасида, мамлакатимиз ёшлариишончли ахборот манбаларини топиш, ундан фойдаланиш, таҳлил қилиш, ахборотни тақдим этишни ўрганиш, яъни умуман олганда, ахборот хавфсизлиги маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари тобора долзарблашиб бораётганини таъкидлашимиз жоиз.

МАССОВЫЕ КОММУНИКАЦИИ КАК МЕХАНИЗМ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЕКТАМИ

Хайрутдинов Ж.Х. *– магистр НУУз*
кафедры Социологии

На сегодняшний день управление коммуникациями в организационных системах носит, как правило, аспектный характер, при этом не учитываются коммуникационные потребности и долгосрочные интересы всех участников коммуникационного процесса.

Управление коммуникациями проекта является одной из важнейших функциональных подсистем управления проектом и представляет собой область знаний, включающую в себя процессы, необходимые для своевременного создания, сбора, распространения, хранения, получения и, в конечном итоге, использования информации проекта. Кроме того, важнейшей составляющей проектных коммуникаций является деловое общение, направленное на повышение степени интеграции усилий и согласование интересов, как участников проекта, так и команды проекта. Особенно важно обеспечить эффективность коммуникационных процессов в инновационных проектах, направленных на создание сложной наукоемкой продукции. Основной задачей при этом становится повышение степени согласованности управленческих решений на всех этапах жизненного цикла[1].

Будет правильно рассматривать коммуникации как ключевой процесс, составляющий основу управления проектами. В отсутствие коммуникаций все останавливается: руководители не имеют информации о произведенных работах, исполнители не знают, в достаточной ли мере результаты их труда соответствуют проектам и планам, менеджер проекта не может координировать выполнение работ. В результате прекращается всякая деятельность по осуществлению проекта до тех пор, пока не будут восстановлены коммуникации[2].

Эксперты в области управления проектами сравнивают коммуникации с социальным клеем, который позволяет склеить все разнообразие процессов, обеспечивающих развитие проектов, в единое целое. Это утверждение обретает особый смысл, если мы вспомним, что до 80% своего времени руководство проекта тратит на коммуникации. Поэтому процессы коммуникации, средства их диагностики, выявления проблем и их устранения чрезвычайно важны для эффективного управления проектами.

---

[1] Агеева М. А.Управление коммуникациями в инновационных проектах. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2011. – 215 с.

[2] Ворошилов В. В. Теория и практика массовой информации: учебник / В.В. Ворошилов – СПб.: Изд-во Михайлова В. А., 2006. – 434 с.

Рассмотрим общие принципы организационных коммуникаций, а затем покажем, какие параметры коммуникационной системы проекта характеризуют ее как эффективную и какие возникают проблемы в управлении проектами, если система функционирует недостаточно эффективно.

Возьмем за основу следующее определение: коммуникация проекта – это процесс, в ходе которого одни участники проекта передают другим какую-либо информацию, связанную с достижением целей проекта. Участники коммуникации обмениваются информацией, при этом цель коммуникации – добиться от принимающей стороны точного понимания отправленного сообщения. В коммуникации всегда участвуют, по крайней мере, два человека – стороны коммуникаций. Сторонами здесь могут быть группы людей (например, команда проекта) и даже организации.

Взгляд, согласно которому, коммуникация – это простая передача послания, является неверным. Это более сложный процесс, который включает следующие шаги[1]:

- возникновение идеи;
- кодирование;
- передача;
- получение;
- декодирование;
- принятие;
- использование.

Рассмотрим содержание этих шагов.

Шаг 1-й. Возникновение идеи – означает появление у отправителя информации и необходимости ее передать определенному лицу (или группе лиц), называемому получателем.Шаг 2-й. Кодирование означает, что отправитель информации придает сообщению такой вид, чтобы его можно было переслать и сделать попятным для получателя информации. Это как раз то, что происходит в процессе кодирования – перевод сообщения в такие формы, как письменная и устная речь, которые понятны собеседнику (получателю информации). Люди кодируют информацию, когда выбирают слова во время написания письма или разговора с другим человеком. Этот шаг предполагает также, что отправитель выбирает и способ доставки информации (возможности здесь достаточно широки: от голубиной почты до SMS-сообщений).

Шаг 3-й. Передача. После того как определена форма сообщения (письмо, телефонный разговор, беседа с глазу на глаз, телеконференция и т.д.), осуществляется его передача. Когда сообщение готово для передачи, вступают в дело каналы коммуникации. Канал коммуникации – это путь, который проходит информация, чтобы достигнуть получателя. Телефонные линии, радио-, теле-, зрительные каналы, почта и даже воздушные волны, которые передают вибрацию голоса – все это потенциальные каналы коммуникации. Естественно, форма кодирования влияет на способ, которым передается информация. Визуальную информацию, такую как картинки или письменные сообщения, можно послать по почте, передать с курьером или переслать по электронной почте, например, или с помощью факса. Устная информация может передаваться через телефонные, радио- и телевизионные волны, и, конечно, таким старинным путем, как личное общение. Какой бы канал не использовался, цель одна – послать закодированное сообщение желанному получателю. Отправитель также стремится «очистить» коммуникативный канал от барьеров коммуникации или помех, чтобы, во-первых, информация дошла до получателя, во-вторых, с минимальными искажениями.

Шаг 4-й. Получение означает принятие адресатом сообщения. Успех этого шага во многом зависит от подготовленности адресата: например, он должен быть хорошим слушателем, или даже наблюдательным человеком, умеющим улавливать информацию,

[1] Зосименко И.А.Социология массовых коммуникаций: учебник / И.А. Зосименко. –Ульяновск: УлГТУ, 2013. – 357 с.

скрытую в изменении интонации, тембра голоса, темпа речи или громкости. Нередко получение определяется наличием у получателя технических возможностей (компьютера, факса и т.п.).

Шаг 5-й. Декодирование необходимо, чтобы получатель информации ее понял. Это как бы расшифровка информации. Декодирование включает в себя различные процессы, например, такие, как понимание слов, выраженных в устной и письменной форме, интерпретацию сигналов (например, выражения лица или жестов), преобразование одних способов выражения информации в другие (например, преобразование электронных сигналов в текст на бумаге) и т.п. Точность восприятия информации зависит от правильности декодирования. Конечно, наша способность понимать и интерпретировать информацию, полученную от других, может быть неидеальной, она часто ограничена нашими собственными возможностями (например, неважным знанием иностранного языка). Так же, как и в случае с кодированием, ограниченность наших способностей декодировать информацию порождает целый ряд потенциальных «прорех» в коммуникационном процессе. Однако, как мы увидим далее, эту ограниченность можно преодолеть.

Шаг 6-й. Принятие сообщения означает, что после декодирования, когда информация делается доступной для восприятия, получатель решает, принять ее или отказаться, отвергнуть. В последнем случае никакой реакции на сообщение не последует. Это может иметь субъективные и объективные основания. Последнее означает, что полученная информация не релевантна существующей проблемной ситуации. Например, она не имеет никакого отношения к проблеме, содержит устаревшие сведения или получена из недостаточно надежных источников. Субъективная причина неприятия информации связана с недоверием к отправителю, сомнением в истинности его намерений, нежеланием входить в курс каких-либо проблем, последствия чего могут быть не благоприятными и т.д.

Шаг 7-й. Использование информации проявляется как принятие решений или коррекция уже принятых решений. Использованием будет считаться и прекращение какой-либо деятельности после получения сообщения. Таким образом, использование проявляется как изменение поведения получателя сообщения.

Одна из ключевых целей коммуникации проекта – указать направление действий, что означает направить поведение другого человека в нужное русло. Тем не менее общение включает усилия не одной стороны, а совместные действия. Так, для того чтобы проект нормально функционировал, члены команды должны тщательно координировать свои усилия и действия. Например, менеджер проекта должен учесть пожелания клиента в изменении конструкции строящегося здания и передать их проектировщику. Проектировщик должен на понятном прорабу языке (чертеж) внести изменения. Прораб передает информацию бригадиру, объясняя значения символов чертежа[1].

Информационная система управления проектами (ИСУП) представляет собой организационно-технологический комплекс методических, технических, программных и информационных средств, направленный на поддержку и повышение эффективности процессов планирования и управления проектами, в основе которого лежит комплекс специализированного программного обеспечения. Система управления проектами включает в себя комплекс методологических, нормативных документов, а также программно-аппаратных решений.

Внедрение единой системы планирования и управления проектами поможет существенно повысить эффективность реализации проектов компании. Основными преимуществами использования информационной системы управления проектами являются[2]:

---

[1] Шарков, Ф. И. Коммуникология. Социология массовой коммуникации: учеб. пособие: для студ. вузов / Международная академия бизнеса иуправления, Институт современных коммуникационных систем и технологий / Ф. И. Шарков и К: Альтехсофт «Издательство Шаркова», 2010. – 318 с.

[2] Стутко Н.Эффективность использования информационной системы управления проектами // Бизнес-школа SRC: семинары и тренинги в Москве: бизнес семинары, курсы и тренинги - https://www.src-master.ru.

- возможность регламентирования процедур управление проектами;
- определение и анализ эффективности инвестиций;
- использование математических методов расчета временных, ресурсных, стоимостных параметров проектов;
- централизованное хранение информации по графику работ, ресурсам и стоимостям;
- возможность быстрого анализа влияния изменений в графике, ресурсном обеспечении и финансировании на план проекта;
- обеспечение структуры контроля выполнения работ проектов;
- учет и управление рисками проектов;
- обеспечение контроля качества работ;
- управление и контроль поставок и контрактов при обеспечении проектной деятельности;
- определение информационных потоков проектной деятельности;
- возможность автоматизированной генерации отчетов и графических диаграмм, разработки документации по проекту;
- поддержка использования архива проектов и накопления знаний.

Эффективность использования ИСУП зависит от многих факторов. Необходимо уделить особое внимание процессам разработки, пилотного запуска, испытания и лишь после оценки эффективности системы проводить масштабирование решения[1].

При оценке эффективности использования информационной системы управления проектами необходимо рассматривать обширный набор аспектов-критериев. Существуют различные подходы к оценке эффективности использования ИСУП (Project Management Value), основывающиеся на методиках различных организаций (как коммерческих, так и независимых научных), оптимизированных для использования в разных областях хозяйственной деятельности.

Оценка эффективности основывается на определении, выборе критериев для рассмотрения и оценки системы по этим качествам. Набор критериев может зависеть от сферы деятельности организации, характеристики проектов и состава системы.

Таким образом, без коммуникаций люди не знали бы, что делать, и проект не мог бы эффективно развиваться. Другими словами, можно сказать, что другой ключевой функцией коммуникации является достижение согласованности действий.

ЭВОЛЮЦИЯ КОММУНИКАЦИИ МЕЖДУ НАСЕЛЕНИЕМ И ПРАВИТЕЛЬСТВОМ И ПРОБЛЕМЫ НОВЕЙШЕЙ КОММУНИКАЦИИ

Султанова Ф. *– Магистр кафедры Социологии НУУз*

Известно, что коммуникация (общение) основа формирования всех видов социальных связей и отношений. С момента появления первых обществ до современности менялись структура, элементы общества и одновременно трансформировалась коммуникация внутри общества. Для сохранения стабильности и единства, открытости в любом обществе главным фактором являлось укрепление коммуникации между центральной властью и членами общества.

В первобытном обществе племена были небольшими, что легко было сохранить устойчивые коммуникации. А коммуникации в свою очередь имели свою особенность в данный период: кроме словесных форм общений, существовали еще и связи, не основанные

[1] Федотова Л. Н. Анализ содержания – социологический метод изучения средств массовой коммуникации / Л. Н. Федотова. – М.: Научныймир, 2001. – 214 с.

на словах. Например, сигналы дыма. Но такие устройства способны передавать только очень ограниченные заранее подготовленные сигналы, такие как «опасность» или «победа».

С развитием письменности и материалов для письма эволюционировали и коммуникации между населением и правительством. В древнем мире, в первых цивилизациях для информирования населения законы записывались на твердых материалах, как камень, дощечки.

Например, всемирно известные Законы двенадцати таблиц(451-450 год до н. э.)регулировали сферу семейных и наследственных отношений, содержали нормы, относящиеся к займовым операциям, к уголовным преступлениям. Эти законы были записаны на металлических таблицах и были выставлены на Форуме у здания сената Древнего Рима[1].

Революции в письменности не только меняли форму общения власти с населением, и в то же время ставили вперед вопрос открытости. Все указы, решения королей и императоров записывались главой канцелярии. Поднимался вопрос отчетности власти перед населением. Одним из первых документов, регулирующие вопросы отношения власти и населения в Средневековье, являлась «Великая Хартия вольностей» (1215г.). В Хартии закреплялись права на защиту церкви, защиту от незаконного тюремного заключения, доступ к скорому и справедливому правосудию. Организовывался совет из 25 баронов для наблюдения за выполнением королем положений Хартии с правом захвата замков и земель короля в случае неисполнения королем обязательств. Но общение между населением и центральной власти носило односторонний характер. Народ не мог влиять на решение верхушки.

Изобилие печатных машин в Европе к началу 16-го века означает, что оборудование используется для другой и совершенно новой формы производства – быстрой печати брошюр или даже отдельных листов, которые могут быть использованы в пропагандистской войне. После вызова Лютера в римско-католическую церковь печатные машины питают и раздувают пламя. Брошюры летят во всех направлениях, поднимая народ против религиозной власти[2]. В дальнейшем с широким распространением печати и развитие торговли способствовало информированности населения о власти и управления, народ получив доступ к книгам и информации о внешнем мире начал требовать свободы и благополучия. Народ отныне не мог смириться с унижением и бедностью. Великая французская буржуазная революция ставила целью установления гражданских прав и свобод французского народа.

Коммуникация как инструмент взаимодействия населения и управления в современном мире приобретает новые формы и имеет новых каналов связей. СМИ – печать, радио, телевидение – не только выполняют развлекательную роль, но и роль моста, «канала связи» между правительством и народом. В период двух мировых войн радио пользовалось широкой популярностью среди глав государств. Они делали обращения к народу, вызывали к патриотизму и мужеству.

Феномен последней декады двадцатого столетия – Интернет- кардинально начал менять форму и структуру коммуникации не только между людьми, но повлияло на управленческие отношения. Можно сказать, что происходит социальный переворот, который характеризуется, прежде всего, кардинальными преобразованиями, соединяющими публичное управление со спонтанно вырастающими электронными механизмами самоуправления, самоорганизации и саморегулирования.

Отсюда происходит возникновение тенденции к перераспределению властных функций между государством и гражданским обществом[3]. М. Кастельс в своей книге «Сила коммуникации» (Communication power) говорит о том, что благодаря новым

[1]https://w.histrf.ru/articles/article/show/zakony_xii_tablits_lat_leges_xii_tabularum.

[2] http://www.historyworld.net/wrldhis/PlainTextHistories.asp?ParagraphID=dog#ixzz6JUhHQEDM.

[3] Красин Ю.А. Государство и общество: сдвиги во властном поле // Полис. Политическиеисследования. 2013. № 5. С. 51-58.

коммуникационным технологиям у людей появилась возможность иметь автономные сети связи, автономные – в противовес мейнстримным медиа, правительству, глобальным корпорациям. И поэтому на протяжении всей истории способность людей повышать свои требования, свои запросы – все основано на способности к общению[1].

Информационно-коммуникационные трансформации происходят в сфере административно-управленческих процессов органов власти и их взаимодействия с гражданами (переход на предоставление услуг в электронном виде, развитие систем электронного межведомственного взаимодействия, электронной идентификации граждан, раскрытия информации о деятельности органов власти, открытых данных и т.д.)[2].

Электронное правительство, в свою очередь, обладает потенциалом как, для граждан, так и для государственных органов. Он способен повысить доступность правительственной информации и услуг, делая их доступными в любое время. Эта технология может сделать правительство более эффективным и прозрачным для общественности. Электронное правительство может сделать правительство более восприимчивым к общественности с помощью опций связи, которые работают быстрее и удобнее для пользователей. Прозрачность электронного правительства могла бы сделать органы власти более подотчетными людям, которым они служат, наконец, электронное правительство способно повысить доверие граждан к правительству[3]. Однако, переход в электронное правительство требует решения несколько социальных, экономических и технических проблем. Одним из таких препятствий для широкого использования электронного правительства является отсутствие технических навыков. Чтобы воспользоваться возможностями электронного правительства, люди должны обладать определенными навыками, в том числе умением пользоваться клавиатурой и мышью, базовыми навыками работы на компьютере и базовыми навыками поиска и просмотра информации в Интернете.

Технологические навыки, необходимые для пользования Интернетом, обычно отсутствуют у людей старшего возраста, менее образованных или менее обеспеченных. Поскольку эти факторы совпадают с факторами, связанными с цифровым разрывом, эти факторы также могут усугубить пробелы в использовании Интернета, основанные на доступе. Способность развивать технологические навыки также зависит от психосоциальных факторов, как возраст, пол и грамотность. Соответственно, мотивация может быть более актуальной, чем формальное образование[4].

Кроме того, все еще существует цифровой барьер. Цифровым барьером когда-то считалось отсутствие доступа к интернету и аппаратным средствам, таким как компьютеры, телефоны и мобильные устройства. Технологический прогресс и доступность, например, мобильных телефонов исправили эту ситуацию. Но появились новые цифровые барьеры, такие как скорость и качество этих устройств, а также цифровая грамотность, или умения их использовать. Цифровая грамотность — это набор знаний, умений и навыков, которые необходимы для жизни в современном мире, для безопасного и эффективного использования цифровых технологий и ресурсов Интернета.

Многие развитые страны сделали большие шаги в сторону снятия этих барьеров. В частности, в Сингапуре правительство разработало для этих целей несколько программ, например, Silver Infocomm Initiative (SII). Она предназначена для преодоления разрыва в сфере связи в отношении пожилых людей путем их обучения[5]. Таким образом, для

[1] Castells M. Communication power. Oxford: Oxford univ. press, 2009.

[2] Пономарев С.В. «Электронное правительство»: административные и гражданские практики в современной России: автореф. дис. … канд. полит. наук. –М., 2014.

[3]Ramona McNeal, Kathleen Hale & Lisa Dotterweich (2008) Citizen–Government Interaction and the Internet: Expectations and Accomplishments in Contact, Quality, and Trust, Journal of Information Technology & Politics, 5:2, 213-229, DOI: 10.1080/19331680802298298.

[4]http://www.historyworld.net/wrldhis/PlainTextHistories.asp?ParagraphID=dog#ixzz6JUhHQEDM.

[5] Исследование ООН: электронное правительство 2018. Применение электронного правительства для формирования устойчивого и гибкого общества.

достижения полной открытости, вовлеченности и, главное, для сохранения устойчивых коммуникации с населением перед обществами стоит задача разрешение вышеперечисленных проблем.

В заключение, в каждый отдельный исторический период взаимоотношения населения и власти трансформировались под воздействием разных факторов. Одним из таких факторов являлось развитие новых видов и средств коммуникации. В эпоху ИКТ все общества, все страны миры переходят на совершенно новый формат коммуникации, где транспарентность, информированность, социальная интеграция, политическая активность могут быть обеспечены путем снятия цифровых барьеров.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ СОЦИОМАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

Алиқориева А. *– ЎзМУ доценти, с.ф.н.*
Жўраев Ш. *– ЎзМУ Социология кафедраси магистри*

Ўзбекистонда туризмнинг социомаданий ривожланишга таъсири ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Дарҳақиқат, туризм индустрияси XX асрнинг сўнгги йилларида хизмат кўрсатиш соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланиб, аҳамиятикун сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январ куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида янграган фикр-мулоҳазаларида туризм ҳақида алоҳида тўҳталиб ўтган: “Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири – жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат. Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак. Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмини ҳам жадал ривожлантириш зарур. Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган.”[1]

Туризм тармоғи бажараётган қуйидаги функцияларни санаш орқали у ҳақида янада кенгроқ маълумот олишимиз мумкин: туризм шахсни ривожлантириб, одамларнинг маънавий ва жисмоний талабини қондиришга мўлжалланган бўлади; туризм маълумот алмашиш ва ўрганишнинг самарали усули ҳисобланади; туризм йирик ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ечишга ёрдам беради. Чунки, у иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг бошқа муҳим томонларини ривожлантириш ва даромад олишнинг юқори самарадор тармоғи ҳисобланади. [2]

Туризм минтақавий социомаданият ривожланишга сезиларли таъсир кўрсатади. Туристик корхоналарни аҳоли сони кам бўлган ва индивидуал кам ривожланган алоҳида минтақаларнинг мамлакат минтақалари иқтисодий ривожланишини тенглаштиришда, маҳаллий аҳоли оқимининг катта шаҳарларга кетиши, янги иш ўринларни яратиш, маҳаллий

[1] https://president.uz/ru
[2]Усманова С.З. Туризм – хўжалик фаолиятининг соҳаси сифатида ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида уни ривожлантириш муаммолари.Иқтисод ва молия / экономика и финансы № 12, 2012.

маданий меъросни қайта тиклаш, меъморий ва маданий ёдгорликларни қўриқлаш ва тиклаш, маҳаллий маҳсулотларга талабни кўпайтиришда сезиларли таъсир кўрсатади.

Туризм ўзига чуқур ижтимоий функцияни ҳам олади. Гап шундаки илмий-техник тараққиёт замонавий жамият ҳаётини туб манода ўзгартириб юборди. Унинг ўзига ҳос хусусияти меҳнатни интенсивлашувининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг автоматлашуви ва компъютерлашуви, ишда ва ҳаётда стресс ҳолатларинг кўпайиши, шаҳар ҳаётининг анонимлиги, табиатдан ажралиб қолишлар ҳисобланади. Буларнинг барчаси инсонда жисмоний ва психологик чарчашнинг йиғилишига олиб келади бу эса ҳаётий ва меҳнат фаоллигининг пасайишига олиб келади.

Жаҳон туризми бўйича Манила декларациясида "Туризмни ижтимоий аҳамияти жисмоний маънавий хиссий кучларини тиклаш ва тўлдириш каби инсоннинг энг муҳим эхтиёжларини қондириш имконияти билан белгиланади" – деб таъкидланади[1].

Туризм кўп режали ва фаол дам олиш шакли сифатида ҳаётда ва ишда сарфланган инсонларнинг ички ресурслари ва кучини максимал тўлиқ ва ҳар томонлама янгилашга кўмаклашади. У одатдаги ҳаёт тарзини, фаолият турини ўзгартириш, вақтинчалик доимий яшаш жойини тарк этиш имкониятини беради. Туризмнинг аҳамияти инсонларнинг меҳнат қобилияти, кучини тиклаш, бутун жамиятнинг психофизиологик ресурсларини тиклашда туристик фаолиятнинг турли туман ва фаоллигида акс этади.

Инсоннинг ҳаёти маълумки, уч фазага – иш, уй ва бўш вақтга бўлинади. Сўнггисининг қиммати доимо ортиб боради. Туризм бўйича 1989 йилда қабул қилинган Гаага декларациясида инсоннинг "дам олиш, бўш вақт ва даврий тўлови амалга ошириладиган таътил олиш ҳамда кўнгил очиш ва билимини ошириш мақсадларида ушбу вақтда таътилни ўтказиш ва ҳам ички ҳам халқаро туризмдан олинадиган фойдага сарфлаш ҳуқуқи борлиги" бежизга муҳим жиҳат сифатида таъкидланмаган[2].

Туризмнинг гуманитар функцияси инсонларнинг ҳар томонлама ривожланиши, камол топишида фойдаланиш имкониятини беради. Туризм инсонларнинг дунёқарашини кенгайтиради, унинг интеллектини оширади ва дам олишни атрофдаги олам билан танишув шаклида амалга ошириш имконини беради. Саёҳат инсонга руҳий ва аҳлоқий қадриятларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, билимларини жумладан касбий билимларини чуқурлаштириш имконини беради. Туризм инсоннинг мулоқот қилиш ва ахборот алмашишда коммуникатив эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашади. Дўстлари ва қариндошлариникига ташриф буюриш, гуманитар ва ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш мақсадларида амалга ошириладиган саёҳатлар ортиб бормоқда. Туризм халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатларини ўрнатишда, халқлар ўртасида алоқаларнинг кенгайишида муҳим рол ўйнайди. Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда, унинг дунёқарашини кенгайтиришда, социал-аҳлоқий хусусиятлари шаклланишида, жамият ва атроф муҳига муносабати шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини дунёга намоён қилиш мақсадида турли даражадаги ярмарка ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб келинмоқда. Лондондаги туристик ярмаркада жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлакатидан таниқли фирмалар ва компаниялар иштирок этадилар. Ярмарканинг эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон стендлари ва кўргазмалари хорижий ташкилотларнинг вакилларида доимо катта қизиқиш уйғотиб келган. Бу Ўзбекистонда соҳанинг жадал ривожланиши имкониятини берувчи таъсирчан чора-тадбирларнинг натижаси ҳисобланади.

Сайёҳлик соҳасини жадал ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. "Ўзбектуризм" МК қошидаги Республика ўқув-консалтинг марказида гид-

[1]Организация туризма / под общ.ред. А.П.Дуровича.-М.: Новое знание, 2006. – С. 51.
[2]Организация туризма / под общ.ред. А.П.Дуровича.-М.: Новое знание, 2006. – С. 492.

экскурсоводлар, туристик ва ресторан-меҳмонхона бизнес менежерлари, чет эл ошхонаси ошпазларини тайёрлаш, туроператорлик ва меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш бўйича доимий равишда фаолият кўрсатувчи курслар ташкил этилган. 2014 йилнинг ўзида марказ томонидан 796 нафар туризм соҳаси мутахассислари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ўтадилар, шулардан 342 нафари қайта тайёрлов, 344 нафари малака ошириш курслари, 110 нафари эса ҳалқаро семинар ва мастер-классларда иштирок этдилар[1].

Фикримизча, давлат даражасида хорижий сайёҳлар учун сифатли хизматларни таклиф этиш жараёнига илғор технологиялар, билимларни жалб этиш аҳоли бандлигини ошириш ишларига ҳам ёрдам беради.

Олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистоннинг туризм ва экотуризм борасида катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади. Бунга ноёб табиий объектлар, бой маданий-тарихий мерос, ўзбек миллий маданиятининг қадимий анъаналари, туризм инфратузилмаси, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланганланганлиги катта имкониятлар яратади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- халқаро иқтисодий алоқалар тизимида миллий туризмнинг ривожланиш имкониятларини таҳлил қилиш ва рақобат устунлигини таъминловчи турларини жадал ривожлантириш;
- мамлакатнинг туристик соҳасининг рақобатбардошлигини таъминлайдиган муаммоларни аниқлаш ва унинг илмий асосланган йўналишларини топиш;
- туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун янада кенг имкониятларни очиб бериш;
- халқаро андазалар асосида туристик хизматлар сифатини таъминлашнинг оқилона бошқаруви тизимига эътиборни кучайтириш;
- туризм соҳасига инновацион технологияларни жалб этиш;
- туристик соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш. Юқоридаги фикрлардан келиб чикадики,туризм бизниг ўлкамизнинг нафакат жахон миқёсидаги нуфузини оширишда ,балки илм-фан, иқтисодиёт, социология, маданият, халқаро дўстлик каби соҳалар ривожланишидаги муҳим тармоқлардан биридир.

АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ОАВ ВА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Алиқориев Н.С.. – *ЎзМУ профессори, и.ф.д.*
Хасанов Х. – *ЎзМУ Социология кафедраси магистри*

XXI аср том маънода ахборот асрига айланди. Бугун жамиятнинг бирор жабҳасини ахборотсиз тасаввур этиш қийин. Йиллар мобайнида оммавий ахборот воситалари такомиллашган сари ахборот жамият тараққиётининг муҳим омилига айланаверганини изоҳлашга ҳожат йўқ. “Ўзбекистонимизни янада равнақ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ғоят муҳим янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чуқур ҳис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ

[1]http://uzbektourism.uz/index.php/ru/novosti-turizma-uzbekistan/975-realizovan-kompleks-mer-po-podgotovke-kvalifitsirovannykh-kadrov-dlya-sfery-turizma-v-uzbekistane.

бўлмоқда,– деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2009 йилда "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига" йўллаган табригида[1]. – Шуни қайд этиш керакки, бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан ортиқ оммавий ахборот воситаси интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юртларида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин".

Ёшлар онги ва дунёқарашини шакллантиришда ҳам кундалик ахборотлар муҳим ўрин тутмоқда. Қизиқарли ахборотлар ҳар бир ахборот истеъмолчисининг домий эҳтиёжига айланганини яхши билган бузғунчилар айнан ОАВ орқали жамиятимиз миллий хавфсизлигига таҳдид солишга ҳаракат қиладилар.

ОАВ соҳасида жамият миллий хавфсизлигини таъминлаш шу тариқа долзарб муаммога айланиб бормоқда. Негаки, дунё ахборот маконида чиройлигина сўзлар билан ифода этилган ахборот хуружлари кўпаймоқда. Уларни таҳлил қилганда, миллий манфаатларга зид бўлган, урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни таҳқирловчи вайронкор ғоялар аён бўлиб қолади. Бу ҳол шак-шубҳасиз ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўймоқда. Айрим сиёсатшунослар фикрича, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйидаги усулларини қўллаш зарур:

Биринчидан, социологик йўналиш. Бунда ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётида ахборотнинг ижтимоий воқелик сифатидаги ролидан келиб чиқиб жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари, ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қуйиш керак. Аҳоли турли қатламлари қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур.

Иккинчидан, статистик йўналиш. Кўпмиллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортиқ миллат ва элат яшаётган, 20 га яқин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можароларни, турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган сиёсий низоларни ўрганиб бориш. Бу борада аниқ таҳлилий фикрларга эга бўлиш.

Учинчидан, сиёсий конфликтология ва сиёсий психология. Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашлари, руҳияти – ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Тўртинчидан, мантиқий-тизимий ва функционал таҳлил. Ахборот тизими, хусусан, ахборот-психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида баҳоланиши лозим. Воқеликка ана шу тарзда ёндошиб, илмий-таҳлиий, назарий ва амалий хулосалар чиқариш керак. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот оқими таъсирида шаклланаётган ижтимоий фикр фан нуқтаи назаридан изчил ўрганилмоғи, унинг предмети ва методологиясини ишлаб чиқиш муҳим бўлиб қолди.

Бешинчидан, ахборот тизимида миллий истиқлол ғоясининг устиворлиги. Ҳар қандай фуқаро ахборот бозоридан "маҳсулот" танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг оқибати сифатидаги хатти-ҳаракати ва муносабатида мафкуравий иммунитет устуворлигини таъминлаш[2].

Кўриниб турибдики, ОАВ соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш –жамиятда тинчлик ва осойишталикни барқарор сақлашга хизмат қилади. Чунки, миллий

[1]Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // Халқ сўзи, 2009 йил 27 июнь.

[2]Қаранг: Жўраев Н. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг моҳияти ва унсурлари. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.

қадриятларимизга путур етказадиган ёт ғоялар билан онги заҳарланган инсонда ватан туйғуси, ўз халқига муҳаббат ришталари сусайиб бораверади.

ОАВ соҳасида миллий хавфсизлигимизга таҳдидларга қарши кураш журналистларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бирига айланиб бораётгани сабаби ҳам шунда. Зотан, ёшлар онгини мафкуравий хуружлардан ҳимоя этиш келажак пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шак-шубасиз. Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш мавзуси соҳа мутахассисларидан муттасил изланишни тақозо этади. Негаки, ахборот маконида миллий қадриятларга, маданий-маънавий бойликларимизга путур етказувчи мафкуравий таҳдидлар тўхтовсиз давом этмоқда. Бир жиҳатдан қаралганда, тезкор ахборот тарқатиш асносида мафкуравий таҳдидлар ҳам пайдо бўлмоқда. Маданийлаштириш ниқоби остида ёшлар онгига турли санъат, маданиятларни сингдиришга ҳаракат қилинмоқда. Иш шу даражага бориб етдики, ОАВда мафкуравий курашни ахборот хуружларисиз тасаввур этиб бўлмай қолди.

Назарий жиҳатдан қаралганда, ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг компонентлари ва мазмунини чуқур ўрганиб бориш ғоят муҳимдир. Мутахассислар фикрича, бу компонентлар қуйидагича:

– ахборотдан фойдаланишда инсон эркинлиги ва ҳуқуқини таъминлаш, фуқаролар томонидан очиқ тармоқлардан ахборот олиш имкониятларини яратиш, мамлакатни маънавий ривожланиш борасидаги жамиятнинг психологик ҳимояси ва маънавий қадриятларининг мустаҳкамланиши, ватанпарварлик ва инсонийлик, маданий ва миллий потенциални таъминлаш ҳамда кучайтириш;

– давлат сиёсатини ахборий таъминлаш, маҳаллий аҳолига ҳамда чет эл аудиториясига мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти ва давлат нуқтаи назари, долзарб ички ва халқаро воқеа-ҳодисалар ҳақида объектив ахборот бериш;

– маҳаллий ахборот технологияларини, миллий ахборот индустриясини, ахборотлаштириш воситаларини, телекоммуникация ва алоқаларни ривожлантириш, маҳаллий ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни сақлаш, янги йўналиш ва технологияларни шакллантириш каби омиллардан иборат.

Ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш турли ижтимоий хавфларга, жамият тараққиётига тўғаноқ бўлаётган унсурларга барҳам беришга хизмат қилади. Бироқ, мутахассислар фикрича, мамлакатимизда яқин йилларгача ижтимоий фикр, жамиятнинг умумий сиёсий-маърифий даражаси замонавий “ахборот хуружи”га ва унинг шиддатига дош бериши мушкул, аниқроғи, унинг бутун кўламини, моҳиятини, ахборот остидаги яширин ғояни ва ахборот тарқатувчи манба мақсадини етарли даражада баҳолаши қийин бўлиб келган эди. Бугунги кунда бу муаммо ҳам ижобий ҳал этилиши йўлида пухта ўйланган саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бу борада маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг рўли катта ахамиятга эга. Бир қатор далиллиар “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ўз аксини топган. Ушбу Қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат[1].

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш.

[1]https://lex.uz/docs/2911869.

Юқоридаги фикрларга хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳозирги глобаллашув даврида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда нафақат оммавий ахборот воситалари балки, маҳаллий бошқарув органлари фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга.

ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Халикова У.М. *– ЎзМУ Социология кафедраси магистри*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самаоадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармони ва “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сонли Қарорида[1] ҳамда Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қонун хужжатларида белгилаб берилган вазифалар ёшларнинг илмий ва инновацион фаолияти, миллий манфаатлари ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ёш олимларнинг жаҳон илмий майдонида рақобатбардошлигини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида, ёшларнинг интеллектуал мулк объектларини республиканинг иқтисодий ва ижтимоий тармоқларига жорий этиш назарда тутилган.

Интеллектуал ресурслардан самарали фойдаланиш қўшимча рақобат устунликларига эга бўлиш имконини беради ва инновацион йўлга ўтиш истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодкорлик ва ўз-ўзини англаш учун шароит яратишни ўз ичига олади. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда олий таълим алоҳида аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Университет битирувчилари интеллектуал капиталнинг узлуксиз ўсишини талаб қилувчи рақобат муносабатлари мавжуд бўлган меҳнат бозори иштирокчиларидир. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, инновацион иқтисодиётни шакллантиришда ҳамда юқори даражадаги касбий тайёргарликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Уни такомиллаштириш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини бошқариш жараёнини ташкил этиш зарурлиги шакллантирилган.

Умуман инсон интеллектуал салоҳиятининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидир. Бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади жамиятнинг билим, қадрият ва меъёрларини ўзлаштириши ва ёшларнинг самарали ўз-ўзини англаши, ёшлар салоҳиятининг ўсиши ва ундан шахсий минтақа ва умуман мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти манфаатлари йўлида фойдаланиш жараёнида шахснинг муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Юртимиз ёшларининг муносиб вакиллари, эртанги кунимиз эгалари бўлган сиз, азиз ўғил-қизларимиз даврасида ёшимиз, лавозимдаги фарқларга эътибор бермасдан, худдики сизлар билан тенг бўлиб, чин дилдан, самимий бир суҳбат қуришни анчадан бери орзу қилиб келар эдим. Бугун сизларнинг қалбингиз, юрагингиздаги ўй-фикрлар, мақсад-муддаолар, керак бўлса, ушалмай турган ниятлар билан яқиндан танишиш, шу асосда ёшлар сиёсати бўйича олиб бораётган ишларимизни танқидий баҳолаб, тегишли қарорлар қабул қилишни мен ўз фаолиятим учун ғоят муҳим, деб ҳисоблайман. Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва

[1] “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли Фармон; “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сонли Қарор/lex.uz.

долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо, биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”[1].

Иқтисодий ривожланишда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятининг ролини аниқлаш масаласи ҳозирги босқичда айниқса долзарбдир. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш давомида билим ва ахборотнинг роли ошади, бунинг натижасида шахснинг интеллектуал салоҳияти, унинг ҳаётий истиқболлари қиймати ошади.

"Потенциал" тушунчасини ҳар қандай мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган ресурслар, захиралар, имкониятлар мажмуи сифатида белгилаш мумкин. Ёшларнинг интелектуал салоҳияти уларнинг мақсадларни танлаш ва уларга эришиш воситаларини топа олиш қобилияти сифатида қаралиши лозим. Бу таълим даражасини ўз ичига олади, ривожлантириш, билим кўникмалари ва янада ўз-ўзини такомиллаштириш учун мотивация бўлиб хизмат қилади. Интеллектуал салоҳият касбий компетентлик масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган инсон фаолиятининг интеллектуал томонини акс эттиради.

Ёшлар, аввало, инсон ресурси, келажак ривожи ва ривожланиши учун асосдир. Юқори даражадаги интеллектуал салоҳият малакали меҳнат учун замин яратади ва шахснинг мураккаб билимга эга бўлган саноат ва технологияларда иштирок этишига имкон беради. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантирувчи, очиб берувчи ва ривожлантирувчи олий таълим алоҳида аҳамият касб етади. Талабалар каби ижтимоий гуруҳ бевосита уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

Битиргандан сўнг битирувчилар меҳнат бозори иштирокчиларига айланадилар, бу ерда рақобат муносабатлари мавжуд бўлиб, улар интеллектуал капитални тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали доимий такомиллаштиришни талаб қилади. Интеллектуал ресурслардан самарали фойдаланиш ёшлар ва ташкилотлар учун қўшимча рақобат афзалликларига эга бўлиш имконини беради. Ва кейин интеллектуал ресурслар устувор бўлади.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига қуйидагилар киради: қашшоқликни енгиш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларининг ўсишини таъминлаш, қулай ишбилармонлик, ижтимоий-маданий ва экологик муҳитни яратиш.

Давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ёшларга уларнинг дунёқараши, таълим-тарбияси, меҳнатга муносабати, жамоада ишлаш қобилияти, раҳбарликка, уларнинг тадбиркорлик қобилиятига алоҳида талаблар қўяди. Инновацион йўлга ўтиш истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодкорлик ва ўз-ўзини англаш учун шароит яратишни ўз ичига олади. Шу билан бирга, ёшлардан ўз таълим-тарбия ва карьера йўлларини қура олиш, юксак рақобат муҳитида ишлаш талаб этилади[2].

Ҳозирги кунда таълим хизматлари соҳасида самарали фаолият юритишнинг шартларидан бири битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласига тизимли ёндашишдир. Бу профессионал таълим муассасаси иш берувчиларнинг жорий ва келажакдаги эҳтиёжларига қаратилган рақобатбардош мутахассисларнинг билим, кўникма ва қобилиятларини шакллантирадиган минтақавий даражада ижтимоий шериклик “университет-иш берувчи-талаба-ҳокимият” тизимини ишлаб чиқиш ни талаб қилади. Меҳнат бозоридаги талаб иш билан банд битирувчилар сонига қараб белгиланади. Меҳнат бозори ёшлар, шунингдек, буюртмачи учун ўқув жараёнининг самарадорлигидан далолат беради ва таълим тизимига тузатишлар киритади. Бундай тизимни яратиш ўқув жараёнида корхоналарнинг ўзлари фаол иштирок этмасдан, мунтазам равишда саноат тайёргарлигини

[1] www.uza.uz/ Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир// Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи/ 01.06.2018 й.

[2] Бондаренко В.В., Танина М.А. Управление интеллектуальным потенциалом работающей молодежи на региональном рынке труда // Известия высших учебных заведений. Общественные науки.– 2010.– № 4.– С. 85-91.

таъминламасдан ва ўқув дастурларини шакллантиришда корхоналар вакилларининг иштирокисиз тўлиқ бўлмайди. Шундай қилиб, бугунги кунда, таълим тизимини ислоҳ қилиш туфайли, ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори талабларига риоя қилган ҳолда иш берувчилар иштироки сезиларли даражада кенгайди

Меҳнат бозорида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш жараёнида уни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва тартибга солиш билан боғлиқ вазифалар амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини бошқаришнинг минтақавий тизимини яратиш ундан янада самарали фойдаланиш ва уни амалга ошириш имконини беради. Ёшлар меҳнат бозорининг ўзига хослиги шундаки, бу тизимдаги муносабатлар меҳнат талаб ва таклифини амалга ошириш билан чекланиб қолмай, балки янги билим ва касбий тажрибани эгаллаш ва тўплашга имкон беради. Бу ролнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда муваффақиятли амалга оширилиши жамиятнинг янада прогрессив ривожланишига, жумладан, иқтисодий рақобатбардошликнинг ўсишига, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг барқарор яхшиланишига боғлиқ.

Ёшларнинг интелектуал салоҳиятини ошириш, улардан самарали фойдаланиш ва бошқариш учун уни муайян мезонлар асосида баҳолаш тизимини яратиш лозим. Олинган маълумотлар ёшларнинг мавжуд салоҳияти, эришилган натижаларни амалга ошириш мумкин бўлган йўналишлари ҳақида тўлиқ тасаввур беради, фаолият самарадорлигини баҳолаш ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун университетни янада ривожлантириш траекториясини аниқлаш имконини беради.

Интеллектуал капитални сифат ва миқдорий баҳолаш тизими унинг элементларини ўлчашга асосланган бўлиши керак, бу эса менежментнинг ўз мақсадларига эришиш қобилияти ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлишига имкон беради. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини баҳолашнинг ўзига хос тизимини яратиш университет ичида уни ўлчаш ва кейинчалик бошқаришни таъминлайди. Университетнинг интеллектуал капиталини баҳолаш учун университетни ривожлантириш жараёнида номоддий активлардан фойдаланишни тавсифловчи ва ташқи муҳит билан ўзаро алоқани акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олган усулни таклиф этиш мумкин. Кўрсаткичларни танлаш мезонлари – бу муҳимлик, ахборот мазмуни, ақлий фаолият натижасини акс эттириш ва иқтисодий даромад олишдир. Кўрсаткичларнинг миқдорий ифодасини олиш учун университет фаолиятига оид статистик маълумотларни кузатиш, таҳлил қилиш, қиёсий баҳолаш ва гуруҳлаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мумкин:

- талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти (илмий нашрлар, гранд фаолияти, академик мобиллик, танловларда, конференсияларда иштирок этиш);

- талабаларнинг илмий-инновацион фаолияти (инновацион ишланмалар танловларида иштирок этиш, интеллектуал мулк обектлари сони);

- меҳнат бозорида битирувчиларга бўлган талаб (банд бўлган битирувчилар сони);

- таълим жараёнида иш берувчиларнинг иштироки (ташкилотларнинг сўрови, амалиёти, талабаларни ўқитиш бўйича якуний малакавий ишларни бажариш).

Шундай қилиб, ёшларнинг таълим-тарбия савиясининг ўсиши, интеллектуал салоҳиятининг шаклланиши ва ривожланиши замонавий меҳнат бозорида юқори рақобатбардошлик гарови ҳисобланади. Узлуксиз таълим ва малака ошириш ёшларнинг интеллектуал қобилияти ва имкониятларини кенгайтириш, бу эса касбий ўсиш истиқболларини ошириш ва турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беради. Шу билан бирга, давлатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари меҳнат муносабатларига жалб этилган ёшларнинг касб-ҳунар таълими даражасини ошириш ва имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ. Бандлик сиёсатини амалга ошириш, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш, таълим имкониятларини кенгайтириш, меҳнат бозорида ёшларнинг

рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш давлат томонидан тартибга солишнинг устувор вазифалари ҳисобланади.

РЕФОРМИРОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ СФЕРЫ КАК ОСНОВНОЙ КРИТЕРИЙ НАЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

Сабирова У.Ф. *– доцент кафедры*
Социологии НУУз
Ахмедова М. *– магистр НУУз*

За годы независимости Узбекистана обеспечено широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий во все сферы общественного и государственного строительства. Последовательное развитие национального информационного пространства обеспечивает полную и всестороннюю реализацию права граждан искать, получать и распространять информацию.

Важной составляющим элементом института государственного суверенитета является информационная сфера. Именно в открытости и развитости информационной сферы общество формирует модель своего демократического функционирования. Информационная сфера формирует технологическую основу повышения конкурентоспособности национальной экономики, развития высокотехнологичных производств, внедрения инноваций и др. Именно посредством передачи информации осуществляется процессы образования и воспитания нового поколения. В соответствии с современными международными стандартами демократии информационные права граждан на свободу слова и информации отнесены к числу важнейших, основополагающих прав личности. Своевременное, полное и достоверное информирование общественности является условием устойчивого национального развития, формирования созидательной и доверительной атмосферы партнерства государства, бизнеса и институтов гражданского общества.

Учитывая высокую важность информационной сферы для жизни общества, сегодня, остается важнейшей задачей СМИ Узбекистана.

С развитием процессов глобализации и демократизации важнейшее значение для жизни общества приобретают вопросы формирования необходимых условий для эффективной деятельности средств массовой информации. Сегодня сама жизнь однозначно ставит перед нами задачу по укреплению места и роли средств массовой информации в системе институтов гражданского общества. Дальнейшая либерализация СМИ, активизация деятельности негосударственных органов – печати, радио, телевидения, их вхождение в глобальную сеть Интернет должны обеспечивать гласность и открытость проводимой в стране политики реформ, способствовать последовательному формированию сильного гражданского общества.

В Узбекистане обеспечению свободы, прав граждан на получение, распространение информации, укреплению самостоятельности, независимости СМИ, их роли в процессах демократизации способствовали демократические преобразования по реформированию информационной сферы и созданию гарантий свободы слова и информации.

Одними из приоритетных задач в информационной сфере СМИ Узбекистана считает модернизацию системы телерадиовещания, расширение зоны уверенного приема национальных телерадиопрограмм на всем телекоммуникационном пространстве и прежде всего в самых отдаленных регионах страны. Кроме того, реализация дополнительных мер, обеспечивающих поступательное развитие национального информационного пространства и повышение эффективности использования высокотехнологичного теле- и радиооборудования.

В этой связи в Узбекистане продолжаются реформы по усилению государственной поддержки средств массовой информации и укрепления экономических основ их

деятельности. К числу приоритетных направлений работы относится содействие реализации Государственной программы развития цифрового телерадиовещания в Узбекистане. Это будет способствовать созданию в стране современной развитой инфраструктуры распространения цифрового сигнала, увеличению числа актуальных информационных ресурсов, предоставлению населению, живущему в том числе в труднодоступных и отдаленных регионах, широкого спектра информационных услуг.

Весь мировой опыт показывает, что в настоящее время в глобальной экономике все более возрастающую роль и значение приобретает сектор информационно-коммуникационных технологий, включающий в себя производство компьютерных и телекоммуникационных технологий, разработку программного обеспечения и предоставление на их основе широкого спектра интерактивных услуг. Не следует забывать, что развитие ИКТ напрямую влияет на уровень конкурентоспособности страны, позволяет собирать и обобщать огромные массивы информации, открывает широкие возможности для управления на стратегическом уровне».

В этой связи можно считать важнейшей задачей выработке стратегии развития национальной информационно-коммуникационной сферы, призванной обеспечить сохранение культурной идентичности узбекского нации в условиях глобализации, создание основы для ее безопасного развития, повышение эффективности производственных и управленческих процессов.

Гражданские институты и ННО Узбекистана всегда выступает за обеспечение высокого уровня доступа населения, особенно в сельской местности, к информации, внедрение современных информационно-коммуникационных технологий, в частности, путем формирования единого национального информационного пространства. Мы будем осуществлять комплексные меры, направленные на развитие национального сегмента сети Интернет, создание в нем новых актуальных и востребованных пользователями информационных ресурсов, услуг, сайтов, способствующих развитию культуры, воспитанию молодого поколения, сохранению и приумножению культурных ценностей нашего народа. Первоочередными задачами гражданские институты и ННО в этой сфере станет также поддержка проектов создания интегрированных парламентских, межведомственных и ведомственных комплексов информационных систем в единой архитектуре электронного правительства.

В этой сфере, еще важнейшим фактором устойчивого национального развития в условиях глобализации является задача обеспечения информационной безопасности общества, государства и личности. Наряду с техническими и технологическими аспектами информационной безопасности реформы Узбекистана нацелено на обеспечение информационной безопасности в идеологической сфере, защиты общественного и личностного сознания от попыток дезинформации и манипулирования.

В первую очередь социальной средой для этого направления была и остается молодежь Узбекистана. Именно в молодежной среде, где активно осуществляются попытки деструктивного информационного воздействия, распространения низкопробных образцов «массовой культуры». В Узбекистане активно введется разъяснительная и воспитательная деятельность в информационном пространстве.

Абсолютная не приемлемость каких-либо стен, ограничений в мире информации, приводящих к самоизоляции, мы всесторонне поддерживаем стремление наших соотечественников все более широко использовать возможности Интернета. В то же время с учетом событий, происходящих вокруг нас, ни в коей мере нельзя оставлять без внимания тот факт, что деструктивные силы, стремящиеся ввести в заблуждение молодежь с неокрепшими сознанием и неустоявшимися взглядами на жизнь, стремятся использовать возможности Интернета в собственных корыстных целях, и то, к каким негативным последствиям это порой приводит.

Для предотвращения подобных угроз, как считаем мы, есть только один путь: мы никогда не должны считать второстепенными вопросы воспитания молодежи с

самостоятельным, трезвым мышлением, живущей с осознанием нашей богатой истории и наследия, с твердыми убеждениями и жизненными взглядами в духе национальных и общечеловеческих ценностей.

Если мы будем воспитывать нашу молодежь именно в духе национальных и общечеловеческих ценностей, растить наших детей гармонично развитыми личностями, то, вне всякого сомнения, мы построим прочный фундамент великому будущему нашей счастливой молодежи Узбекистана.

АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Алиқориева А. *– ЎзМУ доценти, с.ф.н.*
Абдурахимов А. *– ЎзМУ Социология кафедраси магистри*

“Ахборот-психологик хавфсизлик” моҳияти: мустақил мамлакатимизни четдан ахборот орқали қилинадиган таҳдидлардан, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш билан изоҳланади.[1]Сўнгги йилларда “мафкуравий иммунитет” атамаси сиёсат ва мафкурага оид адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Унда шахс ўз-ўзини бошқариши, миллат, жамият, давлатни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилувчи ғоявий-назарий қадриятлар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутиши баробарида дунё билан бўйлаша бошлади. Компьютер технологиясининг ажиб мўъжизаси бўлмиш интернет курраи заминни ягона ахборот маконига айлантирди. Бунинг кўпгина ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий томонлари ҳам борлигини англадик. Ўша салбий ҳолатларнинг битта кўриниши – “ахборот хуружи”дир. Оилада ана шу “ахборот хуружи”га қарши қай тариқа иммунитет пайдо қилинган бўлса, Ватанга қарши хуружларга нисбатан ҳам ўз вақтида ёш авлод онгида тўғри тасаввур ҳосил қилиб бориш улкан заруриятга айланди. Бу ижтимоий ҳодиса илмий тадқиқ қилиниши ва ўз навбатида унинг сиру синоати таълим муассасаларида ёш авлодга ўргатилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ибораси билан айтганда, “Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги кунига мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз қурол билан эмас, ғоя билан курашишимиз зарур. Бизнинг ғоямиз кучли бўлиши лозим. Авваломбор, ўзимиз, ҳаётнинг ўзида синалган ўз ғоямизга ишониб майдонга чиқишимиз даркор”[2].

Мутахассислар фикрича, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасини қуйидаги ҳолатлар асосида талқин қилиш тавсия этилади:

Биринчидан, ахборот-психологик хавфсизлик – бевосита руҳиятга таъсир ўтказиш орқали инсонни ўз ақидалари, муқаддас идеаллари ва эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало, бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир кўрсатувчи бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкуралар мавжудлигидан келиб чиқади.

Иккинчидан, ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборот таъсирини, ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари ва услублари тобора кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот-психологик хавфсизлик муаммосининг долзарблигига янада жиддийроқ эътибор қаратишга тўғри келади.

---

[1]Эшбеков Т.Ахборот-психологик хавфсизлик.Маърузалар матни. –Тошкент: ЎзМУ. – 2018.

[2] Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т.: Ўзбекиситон, 2004.

Учинчидан, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасининг моҳияти шундаки, у алоҳида олинган инсон,ўз-ўзини бошқариш, жамият тушунчалари доирасидан чиқиб кетиб, яхлит инсоният, бутун кишилик тақдири билан боғлиқ глобал масалаларни ҳам қамраб оладики, ушбу жиҳати билан у ҳозиргача мавжуд бўлиб келган глобал муаммоларнинг энг тажовузкори, энг бузғунчиси эканлиги маълум бўлади. Бу ҳолат халқаро сиёсатда, давлатлараро, минтақалараро муаммоларни ҳал этишда буюк давлатчилик шовинизми авж олиши мумкин бўлган ҳолатларда яна ҳам хавфлироқ моҳият касб этади. Бундай пайтда кўпроқ анъанавий сиёсий мувофиқлаштириш тажрибаларидан кенгроқ фойдаланиш талаб этилади.

Тўртинчидан, ахборий-психологик хавфсизлик тушунчаси маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида жиддий ижтимоий хавф туғдириши мумкин бўлган замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва барқарор тараққиёт йўлида унумли фойдаланишни ва уларни бошқаришни, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларга сиёсий тус бермаслик усулларини ишга солишни тақозо этади[1].

Глобаллашув шароитда фарзандларимиз тарбиясини виртуал олам ихтиёрига бериб қўйиш эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Жамиятимизнинг, мамлакатимиз фуқароларининг жисмоний, психологик, ахлоқий, маънавий, маданий жиҳатдан соғлом бўлиши барчамизга боғлиқлигини эътибордан соқит қилмаслигимиз зарур. Бунда эса, албатта, оила, таълим муассасалари, жамоатчилик, фуқаролик институтлари ҳамкорлиги кучайтириб борилиши, барча фаол фуқаролик позициясини эгаллаши муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда кўпчилик ахборот олиш манбаи сифатида мурожаат қиладиган, ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурган интернет хусусида баъзан кишилар бир ёқлама фикр юритаётганини кузатамиз. Айримлар интернетнинг ижобий томонлари, имкониятларини ҳаддан ташқари ёқлаб, ашаддий тарафдор сифатида уни қўллаб-қувватласалар, бошқалар эса фойдаланиш жараёнида инсон оладиган негатив, салбий таъсирларга кўпроқ эътибор қаратадилар. Шу ўринда таъбир жоиз бўлса, образли қилиб айтганда, интернетни пичоққа ўхшатган бўлардик.

Чунки ,пичоқ жиноятчининг қўлида қотиллик қуроли сифатида намоён бўлса, жарроҳ ундан инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш, ошпаз эса кишилар учун таом тайёрлаш, одамларга хизмат қилиш мақсадида фойдаланади. Айни нуқтаи назардан, интернетнинг функциялари, вазифалари, имкониятларини тўғри англаш ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ҳар бир фуқаро уддалаши лозим, деб ўйлаймиз. Баъзи ёшларнинг интернетга муккасидан кетишини эса сабаб эмас, оқибат сифатида баҳолаган бўлардик. Албатта, интернетнинг имкониятлари фақат салбий жиҳатларда акс этибгина қолмай, унинг ўзига хос ижобий томонлари ҳам мавжуд. Улар сирасига интернетнинг маълумотга дарҳол эга бўлиш, ахборот ва маълумотларнинг турфа хиллиги, шахснинг ўзини намоён қилишга ёрдам берувчи мулоқот имкониятининг мавжудлиги, таълим борасидаги имкониятларини кўрсатиш мумкин. Интернетнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда, унинг энг кам сарф-харажат билан ёшлар орасида самарали деструктив фаолият олиб бориш имконияти мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим[2].

Интернет орқали одамлар ер юзининг исталган жойидаги кишилар билан алоқа ўрнатиши, қатор сайтларга ахборотини жойлаштириши мумкин. Бундай мўъжизакор имкониятлардан баъзилар ғаразли мақсадларда фойдаланиб, “ахборот хуружи”, ахборот-психологик ҳужумлар уюштиришга ҳаракат қилмоқда. Ахборот-психологик ҳужумнинг инсон руҳиятига салбий таъсири ҳақида кўп фикрлар илгари сурилаётгани бежиз эмас. Оққўнгил, содда ва ишонувчан кишилар матбуотда босилган, телевидениедан, радиодан айтилган гапларга ишонч билан қарашидан усталик билан фойдаланиб қоладиган ва “ахборот хуружлари” уюштирадиган кимсаларга бефарқ қарамаслик учун нима қилмоқ

[1]Эшбеков Т.Ахборот-психологик хавфсизлик.Маърузалар матни.–Тошкент: ЎзМУ. – 2018.

[2]Қодиров У. Ёшлар ва ахборий-психологик хавфсизлик // Замонавий таълим / Современное образование.– 2014. –№4.

керак, деган саволга мухтасар жавоблар ҳам кўп. “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш” асарида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини кучайтириш учун аввало нималарга эътибор берилиши лозимлиги шундай асослаб берилган:

Биринчидан, одамнинг иродаси, дунёқараши бақувват бўлиши учун унинг ҳаётга, эртанги кунга, ўзининг куч ва имкониятларига ишончи мустаҳкам бўлиши керак. Айниқса, фарзандларимиз қалбида келажакка ишонч туйғусини ошириш учун уларнинг, юқорида таъкидланганидек, асослива ҳаққоний маълумот ва ахборотларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ахборий таъсирнинг фойда ёки зарари унинг ўзи эмас, балки кўрсатиши мумкин бўлган натижаси билан тавсифланади. Зеро, ахборий таъсир моҳияти унинг муайян жараёнларни бошқаришга нисбатан имкониятида намоён бўлади.

Хуллас, бугунги кунда ёшларни турли ёт ғоялар, виртуал оламнинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш эътиборга молик, давлат сиёсати даражасидаги масала эканлигидан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишларни сусайтирмаслик, уларни изчил ва тизимли олиб бориш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни, ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш кенг илмий жамоатчилик, ота-оналар ва ҳар бир онгли фуқаро олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

МИГРАЦИОННЫЕ НАСТРОЕНИЯ ГРАЖДАН УЗБЕКИСТАНА

Мирзаева Р. *– Младший научный сотрудник*
РЦИОМ «Ижтимоий фикр»

Миграция населения является актуальной темой современности, так как приобретает глобальный масштаб. Международные миграционные процессы влияют на многие сферы жизни общества, прежде всего, на демографическую и культурную сферы, состояние рынков труда и конкуренцию за рабочие места, а также на уровень преступности. В связи с этим миграцию можно считать сложным и многофакторным процессом, который изменяется в направлении, формах, масштабах, имеет различные первопричины и последствия, и который необходимо более детально изучить и оценить его влияние на общество с различных точек зрения.

Современная миграционная ситуация в Узбекистане сложилась под воздействием сложных и разноплановых социально-экономических процессов. В настоящее время в Узбекистане действует новая комплексная стратегия территориального развития, непосредственно связанная с вопросом в части мониторинга и статистики миграции, соблюдения законности, социальной защиты, безопасности, межгосударственного сотрудничества, создания единой информационной базы, совершенствования миграционного законодательства.

Выступая на пятом саммите Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии, Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев выдвинул ряд важных инициатив, направленных на консолидацию усилий стран-участниц по укреплению мира, стимулированию социально-экономического развития, обратил внимание на актуальные вопросы региона и высказал практические предложения по их решению. Он отметил, что ужесточается конкуренция на мировых рынках, усиливается экологический и демографический дисбаланс, сохраняется угроза терроризма, экстремизма и транснациональной преступности[1].

[1]Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на пятом саммите Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии, г. Душанбе, 15.06.2019

В нашей стране изучению данного опроса уделяется особое внимание как со стороны правительственных организаций и ведомств, так и со стороны частных компаний. Республиканский центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» в рамках комплексного изучения вопросов миграции и миграционной политики осуществляет ежегодный мониторинг миграционных настроений граждан страны[1].

По итогам опроса общественного мнения было выявлено, что абсолютное большинство граждан страны (98,2%) не планирует навсегда покидать Родину, и связывает свое будущее и будущее своих детей с Узбекистаном. Мониторинг результатов опроса за последние годы свидетельствует о стабильно высоком показателе числа граждан, заявивших о своем намерении жить в Узбекистане.

В то же время, на вопрос о причинах смены и выбора определенной страны пребывания респонденты дали свои ответы следующим образом:

- 55,6% опрошенных, желающих сменить место жительства, стремятся переехать в страну, где проживают их дети и близкие родственники для воссоединения с семьей;

- 22,2% в качестве причины переезда назвали стремление профессиональной и интеллектуальной самореализации и тот факт, что на сегодняшний день они не видят перспектив для своего профессионального развития и служебного роста;

- 11,1% респондентов отметили, что хотят сменить страну проживания по причине приглашения на более интересную и высокооплачиваемую работу. Об этом заявило абсолютное большинство респондентов, занимающихся индивидуальной трудовой деятельностью и предприниматели;

- 11,1% опрошенных затруднились с ответом.

Опросом было выявлено, что наиболее привлекательными для переезда странами для потенциальных мигрантов являются такие направления, как Российская Федерация, США и Южная Корея[2].

Опрос показал, что основной причиной выбора гражданами страны для постоянного проживания, по мнению 44,5% опрошенных потенциальных мигрантов, является высокий уровень жизни и, как следствие, высокий уровень заработной платы. Каждый третий потенциальный мигрант отметил, что выбор страны для постоянного проживания обусловлен наличием в стране родственников и друзей. Именно они помогают адаптироваться мигрантам в новой обстановке. Немаловажным фактором является отсутствие проблем с языком, близость культуры и образа жизни людей.

В ходе опроса было установлено, что только 22,2% респондентов, желающих переехать в другую страну на постоянное место жительство, предпринимают конкретные действия с целью выезда в другую страну: откладывают деньги на поездку, изучают условия жизни и рынок труда в предполагаемой стране въезда, при необходимости изучают язык этой страны, налаживают контакты с проживающими там родственниками и знакомыми, проходят обучение по конкретной специальности. С целью получения гражданства государства прибытия респонденты принимают участие в различных программах, таких как Программа переселения соотечественников, розыгрыш Green-card и др.

В ходе опроса было выявлено, что граждане страны испытывают самые различные эмоции и чувства к своим близким родственникам и друзьям, которые покинули свою Родину и в настоящее время постоянно проживают в другой стране: от удовлетворения за их способность адаптироваться в другой стране до жалости к ним за то, что им пришлось покинуть Родину и жить на чужбине. Около половины граждан страны, проживающих в городах и селах регионов страны, независимо от национальности, пола, возраста и социально положения ответили, что рады за своего близкого человека и довольны тем, как сложилась

[1] РЦИОМ «Ижтимоий фикр». Опрос общественного мнения «Миграционные процессы в зеркале общественного мнения» проведен с 16 по 26 апреля 2019г.

[2]Статистическое изучение миграции населения// Демографическая статистика: [учебник для вузов по специальности "Статистика" и другим экономическим специальностям / Бойко А. И., Брусникина С. Н., Егорова Е. А. и др.]. - Москва : КноРус, 2010. – С. 286.

его жизнь в другой стране. Каждый пятый участник исследования в ходе опроса ответил, что испытывает чувства жалости и сочувствия к своим близким родственникам, покинувшим страну – свою Родину, и проживающим в настоящее время за ее пределами. Такие чувства в наибольшей степени присущи молодежи и респондентам старшей возрастной группы. 14,1% респондентов испытывают досаду и сожаление по поводу отъезда близких людей, не одобряя принятое ими решение покинуть Родину.

Одной из целей исследования было выявить различные аспекты образовательной миграции граждан Узбекистана, отношение граждан к получению образования зарубежом, как к способу переезда в другую страну.

Результаты опроса свидетельствуют, что 2,5% респондентов отметили, что члены их семей за последние пять лет выезжали за рубеж с целью получения или повышения уровня образования. Большинство респондентов, ответивших на данный вопрос утвердительно, являются жителями городов и, в частности, столицы.

Результаты опроса позволили выяснить, что за рубеж с целью получения образования выезжают около 60% мужчин молодого возраста и 22,4% молодых девушек. Наиболее популярными направлениями образовательной миграции, как показали результаты опроса, являются учебные заведения Российской Федерации, Южной Кореи, европейских стран и стран СНГ.

Подавляющее большинство (88,2%) участников опроса, чьи дети или другие близкие родственники получают образование зарубежом или уже закончили учебу, хотели бы, чтобы член их семьи вернулся домой. Позиция каждого десятого участника опроса (11,8%) состоит в том, что его близкий человек сам должен самостоятельно принять решение - возвращаться на Родину или обосновываться в другой стране.

Кроме того, опрос показал, что абсолютное большинство респондентов (82,4%) крайне негативно относится к тому, что многие молодые люди, граждане нашей страны уезжают в другие страны для получения образования, но обратно больше не возвращаются, а остаются там и принимают гражданство той страны. Каждый десятый опрошенный относится безразлично к данному факту, 7,3% - положительно, объясняя это тем, что, с одной стороны – это личный выбор каждого молодого гражданина страны, а с другой – в индустриально и экономически развитых странах высокий уровень жизни, что, по мнению респондентов, там больше возможностей для достижения успеха и самореализации, развития личности и познания мира.

Опрос показал, что потенциальные мигранты готовы остаться в Узбекистане, если будут иметь материальный достаток и работу, позволяющую реализовать свой профессиональный потенциал, получить возможность карьерного роста. Именно эти две составляющие, по мнению респондентов, способствуют тому, что граждане предпочли бы жить в родном городе, в окружении близких и знакомых людей в привычной обстановке, не меняя образ жизни, не выезжая в чужую страну.

Исходя из полученных данных, можно сделать вывод об актуальности вопросов создания благоприятных условий в стране для трудоустройства, профессиональной адаптации, перспективного карьерного роста и реализации творческого потенциала молодежи, в том числе молодых специалистов, получивших образование в учебных заведениях нашей страны и мира – это всесторонняя поддержка молодых специалистов, возвратившихся из-за рубежа, повышение качества образования, создание возможностей для обмена профессиональным опытом с зарубежными специалистами, их знаниями и навыками, содействие реализации предпринимательских инициатив и инновационных идей, обеспечение их эффективной занятости.

В целом необходимо отметить, что граждане поддерживают инициативы Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева, направленные на дальнейшее совершенствование миграционных процессов и особенно системы внешней трудовой миграции, кардинальное расширение ее организованных форм, обеспечение защиты трудовых и социальных прав граждан, выезжающих на работу за пределы республики, расширение вовлечения в

предпринимательскую и трудовую деятельность вернувшихся из-за рубежа трудовых мигрантов, а также последовательную реализацию задач, определенных Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Абдуллаев А. *–ЎзМУ "Социология" кафедраси катта ўқитувчиси*
Сотиболдиев А. *– ЎзМУ Социология йўналиши 4 босқич талабаси*

Меҳнат – инсон ҳаётининг асоси ва энг муҳим шартидир. Одамлар табиатга таъсирини ўтказиб, уни ўзгартириб, ўз эҳтиёжларига мослаштириб фақат тирикчилигини таъминлабгина қолмасдан, шу билан биргаликда жамиятнинг ривожланиши ва тараққий этиши учун шарт-шароитлар яратадилар[1].

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "...саҳоватли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислоҳотлар аввалombор, унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун шу юртнинг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ - равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади"[2].

Ўзбек мутафаккирлари меҳнатнинг жамиятдаги ролига, меҳнаткаш инсонга юқори баҳо берганлар. Чунончи Юсуф Хос Ҳожиб: "Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Хизматига лойиқ тақдир кўрган ходимнинг боши кўкка етади"[3], деб ёзади.

Алишер Навоий ғазалларида меҳнатнинг ижтимоий аҳамияти қуйидагича баён этилган:

Халқ аро яхшироқ дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа, рафъ андин,
Яхшироқ бил ани улу ароким
Етса кўпроқ улуска нафъ андин[4].

Амир Темур ҳам ўз салтанатида меҳнат аҳли, касб-кор эгалари ҳурмати ўрнига қўйилишига алоҳида эътибор берган: "Агар касбу ҳунар ва маърифат аҳлларидан бўлсалар, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа билагида кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касбу корига қараб иш тутсинлар"[5].

Меҳнатга доир фанларида "меҳнат" атамасининг талқинлари кўп. Унинг қомусий таърифига кўра: "Меҳнат – инсоннинг онгли, салоҳиятини сарфлайдиган, умумэътироф этилган мақсадга мувофиқ фаолияти; ишлаб чиқаришнинг тўрт асосий омилларидан биридир"[6].

Ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари икки таркибий қисмга – моддий ресурслар (хом-ашё, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар) ҳамда меҳнат ресурсларига (муаяйн меҳнатни бажаришга қодир, билими, малака ва тажрибаси бор бўлган ходим) ажратилади. С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи капитал ва ер ресурсларини моддий бойликлар, ишлаб

[1]Абдураҳмонов Қ. Меҳнатиқтисодиётивасоциологияси.Дарслик.–Т.: «Fan», 2012 йил, 388 бет.
[2]И.А.Каримов. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир."Халқ сўзи" 2011 йил 8 декабрь.
[3]Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: 1990. -63- б.
[4]Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Т.: 1983. -21-б.
[5]Темуртузуклари. –Т."Шарқ", 2005. -80-б.
[6]Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. - 5-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2006. — С. 342.

чиқаришнинг ашёвий омиллари, деб ҳисоблашади[1]. К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюларнинг фикрига кўра, иқтисодий ресурслар моддий ва инсон ресурсларидан иборатдир[2].

Ишлаб чиқариш омиллари– ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдори, ҳажми ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлган ресурслардир. Бу омиллар ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятидир.

Меҳнат – инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматлардан иборат буюм, товар, хизмат, фан, маданият, санъат асарлари ва ҳоказоларни ишлаб чиқариш бўйича онгли, мақсадли ва тақиқланмаган фаолиятидир”[3].

Бозор муносабатлари ривожининг 300-400 йиллик тарихи шундан далолат берадики, бундай иқтисодиётга ўтишнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг турмуш даражасини узлуксиз яхшилаб бориш, шахсий имкониятлар таъсир доирасини кенгайтиришдир. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида социал адолат тамойилларини тўла амалга ошириш, шахснинг эркин иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий кафолатлаш, аҳоли турли қатламлари ва гуруҳлари ижтимоий аҳволини муттасил яхшилаб бориш айнан бозор иқтисодиётининг мақсадидир.

Бозор иқтисоди кучли иқтисодий танлов тамойилига амал қилади. Кишилар салоҳиятидаги ва тадбиркорлигидаги фарқ шахсий даромадлар табақаланишини келтириб чиқаради. Даромадлар табақаланиши кишилар меҳнатига, мулкдорлигига ва уддабуронлигига боғлиқ бўлади. Жамиятда мулкий муносабатларнинг ошиб бориши ҳозирги замонавий иқтисодий ривожланишнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Бунда киши ҳам меҳнати натижасидан, ҳам мулкидан даромад топиш имкониятига эга бўлади. Бу билан шахсий даромадларнинг бозор иқтисодиётига хос бўлган янги иқтисодий ва ижтимоий мазмуни юзага чиқади.

Меҳнат тақсимоти деганимизда, ҳар хил меҳнат турларининг бир-биридан ажратилишини, пировардида ишлаб чиқаришда иштирок этувчи турли гуруҳ кишиларининг хилма-хил меҳнат фаолиятлари билан банд бўлишини тушунамиз. Меҳнат тақсимотининг асосий устунликларидан бири шундаки, бунда ишчи ишнинг маълум бир турида чуқур иҳтисос топади, шу ишнинг бажарилиш техникаси ва тартибини пухта эгаллаб олади, зарур кўникмаларни касб этади, иш усул ва услубларини янада такомиллаштиради. Бунда махсус асбоб ва ускуналар ишлатилади. Бундан ташқари меҳнат тақсимотида ходимларни иш жараёнига тайёрлаш ҳам осонроқ бўлади.

Ишлаб чиқаришда меҳнат тақсимотининг учта тури мавжуд: умумий меҳнат тақсимоти, хусусий меҳнат тақсимоти; қисман (айрим) меҳнат тақсимоти.

Умумий меҳнат тақсимотига кишилар фаолиятининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги меҳнат тақсимоти, бу соҳалар орасида эса, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо, халқ таълими, фан, давлат бошқаруви, маданият ва ҳоказолар ўртасидаги меҳнат тақсимоти киритилади. Ана шу соҳалар ўртасида ходимларнинг тақсимланиши умумий меҳнат тақсимоти ва жамиятнинг айрим мамлакат ва унинг минтақаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнидаги ўзгаришлар таснифи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хусусий меҳнат тақсимоти умумий меҳнат тақсимотининг соҳалар ва тармоқлар ичидаги тақсимотини назарда тутади. Масалан, саноат тармоқлари кичик соҳалар, бирлашмалар, айрим корхоналарга бўлинади; қишлоқ хўжалиги деҳқончилик ва чорвачиликка, улар ичида эса ихтисослаштирилган тармоқларга (ғалла, пахта, картошка етиштириш, боғдорчилик, гўшт, сут, жун етиштириш ва шу кабиларга) бўлинади. Саноатда бўлгани каби кишлок, хўжалигида ҳам хусусий меҳнат тақсимотининг пировард боскичи ихтисослаштирилган айрим корхона ҳисобланади. Бу хилдаги хусусий меҳнат тақсимоти

[1]Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика/ Пер. с англ. со 2-го изд. –М.: Дело ЛТД, 1995. –С..323.
[2]Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т./ Пер. с англ. 2-е изд. Т.1.–М.: «Республика», 1992. –С.37.
[3]Абдураҳмонов Қ.А. Меҳнат иқтисодиёти. –Т.: «Mehnat», 2009. -54-б.

ноишлаб чиқариш соҳасининг ҳар қандай тармоғида: халқ таълимида, тиббиётда, давлат бошқаруви ва ҳоказоларда мавжуддир.

Айрим меҳнат тақсимоти ишлар ва меҳнат функцияларининг айрим корхона ёки алоҳида ташкилот ходимлари ўртасида: цехлар, участкалар, бригадалар, звенолар, айрим ижро этувчи ходимлар бўйича, шунингдек, уларнинг касб-малака гуруҳлари ўртасида тақсимланишини назарда тутади. Меҳнат тақсимотининг бу тури анча мураккаб ва муҳим бўлиб, унда муайян меҳнат жараёнлари алоҳида меҳнат тақсимоти доирасида содир бўлади;

Иқтисодий натижалар ҳам ана шу даражада амалга оширилади: ижрочиларнинг ихтисослашуви ва улар касб маҳоратининг ортиши, ихтисослашган юқори унумли асбоб-ускуналарнинг татбиқ этилиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши. Муболағасиз шуни айтиш мумкинки, барча даражалардаги меҳнат тақсимотисиз ҳозиргизамон техникаси ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлиши мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат тақсимотининг ҳар хил шакллари қўлланилади. Технологик меҳнат тақсимоти ишлаб чиқариш жараёнларининг қайта ишлаш, фаза ва цикларига қараб бўлади. Бунда, энг муҳими, уларни бажаришнинг технология жиҳатидан бир хиллигидир. Қайта ишлаш ва фазалар ичида айрим гуруҳ ишлар: чилангар (токарлик, слесарлик), қиздирилган ёки совуқ металлни икки бўлак қолип (штамп) орасига олиб уриб, буюм тайёрловчи ва ҳоказо бўлади. Гуруҳлар ичида эса ишлаб чиқариш жараёнлари содир қилинади.

В завершение отметим, что одним из путей решения проблемы деления в истории человеческого общества на основные ступени его развития, как говорилось выше, является океанический принцип деления (или морские, водные цивилизации).

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Каланова С.М. *– ЎзМУ, доц.в.б. социология фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори таълим тизимидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди[1]. Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги 05.06.2018 й.N ПҚ-3775Қарори. – Тошкент, 2018.

Ҳаракатлар стратегияси” доирасида кейинги йиллар ичида юз берган туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун муҳим шарт-шароитларни яратди[1]. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бугунги таълим тизимини ислоҳ этишда янги замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Узлуксиз таълим тизимининг олдида турган энг муҳим ва энг долзарб вазифалардан бири-бу ўқитишда иннавацион таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш ва жаҳон стандартлари талабларига билимли, уддабурон, тадбиркор, ишининг кўзини биладиган ва рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, шу билан бирга комил инсон шакллантиришдан иборатдир.

Интерфаол услуб нафақат талабаларни ўз устида чуқур ишлашга олиб келади, балки ўқитувчидан ҳам ўз имкониятларини бир неча баравар оширишини талаб этади. Интерфаол услубларни барча турдаги аудиторияларда қўллаш мумкинми, деган саволга жавоб бериладиган бўлса, айтиб ўтиш керакки, мутахассислар ушбу методни асосан ўртача катталикдаги ва кичик аудиторияларда қўлланса, самарали натижалар бериши мумкинлигини эътироф этадилар.

Интерфаол услубларни қўллашда қандай воситалардан фойдаланиш лозим бўлади? Биринчи босқичда асосан ўртага доимий саволлар кетма-кетлиги ташланади. Талаба учун дарсда бўш ўтириш имкони қолмаслиги керак, у фақат ва фақат фикрлаш ва мушоҳада юритиш билан банд бўлиши керак. Ўзининг олган билим ва кўникмаларини аудитория олдида кўрсатиши керак. Инсоннинг психологияси шундан иборатки, у асосан ўзини намоён этишни яхши кўради, демак у ўзи учун доимо имкон берилишини ич-ичдан сўрайди. Аммо, атрофдагилар кўпинча буни сезмай ўтиб кетишади. Иккинчи босқич, слайд, топшириқ материаллар, кичик ҳажмдаги маълумотларни икки-учта гуруҳга бўлиниб таҳлил этиш ва муносабат билдириш каби ўйинларни ўтказиб бориш. Бу услуб ислоҳотни ислоҳ қилиш деб номланади. Мавжуд яратилган қоида ва назарияларга нисбатан муносабат билдириш, унга юзаки ёндошиш эмас, балки унинг тавсифига баҳо бериш имкониятини яратиш.

Ҳар бир талаба яратилган назария ва таълимотлар ижодкори ўзи каби инсон эканлигини ҳис қилиши керак. Етук назариётчи ва тадқиқотчи таълимотига нисбатан танқидий фикр шаклландими, демак табиий равитшда айтиш мумкинки, талаба томонидан муаммони ичига кириб бориш бошланади. Энг асосийси энди у плагиаторлик, яъни кўчирмачилик қилиш ёки тафталогия билан шуғулланиш ўрнига ўз устида кўпроқ ишлаш лозимлигини ҳис этади. Талаба энди маълум вақт дарс устида қаёғурмасдан, доимо ва хатто уйда юрган вақтида ҳам муаммони ичида юришга мажбур бўлади.

Интерфаол услубнинг яна ўзига хос томони шундаки, у талаба учун бирон бир нарсани баҳона қилиш имконини бермайди. Ҳар бир муаммо унинг муаммоси эканлиги ҳис қилинади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педогогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талабалар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига,ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган[2].

Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бирга, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида талаба асосий фигурага айланади. Ўқув-тарбия жараёнида педогогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқувчиларнинг бу

[1] Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда) . – Тошкент, 2017.

[2] Атабаева, К. Р. Замонавий педагогик технологияларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти // Молодой ученый. – 2017. – № 24.1 (158.1). – С. 7-9.

жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талабалардан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади. Ҳар қандай педагогик технологиянинг ўқув — тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиққан ҳолда, талабани ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганлигига боғлиқ. Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.

Бугунги кунда республика таълим муассасаларида интерфаол таълимни ташкил этишда қуйидаги энг оммавий технологиялар қўлланилмоқда:

1. *Интерфаол методлар*: «Кейс-стади» (ёки «Ўқув кейслари»), «Блиц-сўров», «Моделлаштириш», «Ижодий иш», «Муносабат», «Режа», «Суҳбат» ва б.

2. *Стратегиялар*: «Ақлий ҳужум», «Бумеранг», «Галерея», «Зиг-заг», «Зинама-зина», «Музёрар», «Ротация», «Т-жадвал», «Юмалоқланган қор» ва ҳ.к.

3. *График органайзерлар*: «Балиқ скелети», «ББББ», «Концептуал жадвал», «Венн диаграммаси», «Инсерт», «Кластер», «Нима учун?», «Қандай?» ва б. Интерфаол таълим бевосита интерфаол методлари ёрдамида ташкил этилади.

4. *Модулли-кредит тизими* замонавий таълимнинг энг такомиллашган шакли саналади. Бугунги кунда тараққийпарвар инсоният давлатлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳаларда ўзаро келишувга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйишнинг янгидан янги йўлларини излашда давом этмоқда.

Бугунги кунда таълим тизимида билимларни эгаллашнинг янги консепцияси – замонавий инновацион таълим технологияларнинг турли хил кўринишларини қўллаш жуда яхши самара бермоқда. Бунда таълимнинг янги методлардан фойдаланишда таҳсил олувчиларнинг интеллектуал, эркин фиклашни ривожлантириш, ўз фикрини асослаб беришга интилиши, ўзгалар фикрини тинглай олиши, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилиши, ижодий ва ахлоқий тараққиёти жараёнларига самарали таъсир этади.

Таълимда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш ҳам албатта ўз самарасини беради. Баъзи фикр-қарашлар замонавий ахборот технологиялар ёшлар онгига таъсири борасида танқидий мулоҳаза юритиши табиий ҳол сабаби ёшларнинг қизиқувчанлиги интернет ва мобил алоқа воситаларга боғланиб қолиши билан изоҳланади. Муаммони мобил технология ва интернетни чеклаб қўйиш билан ечиб бўлмаслигини барчамиз биламиз, лекин барибир ёшлар танқид остида қолаверади.

Ҳозирги кунда баркамол авлодни тарбияларшда албатта интернетдаги маълумотлардан фойдаланиш маданиятини (информацион иммунитет) ўргатиш талаб этилади. Бу технологияларга қизиқишни тўғри мақсадга йўналтириш миллий маълумотлар баъзасини кўпайтириш билан боғлиқ. Айниқса, таълим тизимида электрон қўлланмалар ва виртуал таълим тизимлардаги миллий маълумотлар баъзасининг кўпайиши ёшларнинг таълим олишлари учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

ПЕРСПЕКТИВЫ КОММУНИКАТИВНОЙ СРЕДЫ СОВРЕМЕННОГО ВУЗА

Сабирова У.Ф. *– к.соц.н., доцент*
кафедры Социологии НУУз
Шамионова К.Р. *– магистр НУУз*
кафедры Социологии

Социально-коммуникативная среда вузов трактуется в научно-педагогической литературе по-разному, в том числе и как информационно-коммуникативная образовательная среда.

Коммуникативная среда ВУЗа – это пространство, где может осуществляться подготовка творческого, активного, свободного человека, который ориентирован в своей

жизни на высокие достижения, на общий успех окружающих его людей, организаций, сообществ. Таким образом, все виды учебной и внеучебной деятельности должны быть направлены на развитие коммуникативной составляющей[1] .

В современном мире коммуникативные инновации выступают мощным ресурсом развития учреждений образования и культуры. Формирование системы интегрированных коммуникаций позволяет повысить эффективность взаимодействия общественных институтов в рамках совместной реализации значимых социокультурных и финансово оправданных проектов. Развитие единого информационно-коммуникативного пространства способствует эффективной реализации как адресных программ развития конкретных учебных заведений, так и общегосударственных инициатив по модернизации образования[2].

Образовательная среда видится нам как коммуникативный феномен. В данном случае понятие коммуникации можно связать в первую очередь с теорией символического интеракционизма, которая показывает, что именно в коммуникации происходит конституирование базовых инстанций «Я», другого, пространства, времени и т. д. Поэтому задача коммуникации – не символический обмен для создания единого пространства, а символическая дифференциация. Соответственно, главным механизмом функционирования образовательной среды становится коммуникация[3].

По опыту многих зарубежных высших образовательных учреждений раскрывается некоторые перспективы существования системы образования и экономического сектора страны. Например, ярким примером успешной адаптации института образования к новым условиям рынка является процесс реструктуризации и репозиционирования высшей системы образования в Великобритании.

В начале XX в. в Англии и Шотландии было около пяти классических вузов (Оксфорд, Кембридж, Университет Абердина и др.), которые готовили специалистов различного уровня (бакалавр, магистр и доктор философии). Данные заведения были самыми престижными учреждениями в стране, имели государственное и частное финансирование, развивали фундаментальные направления естественных и гуманитарных наук.

Однако в 50-е гг. XX в. стало очевидно, что выпускники вузов не востребованы на послевоенном рынке труда. В основном выпускники Оксбриджа становились управляющими банков, послами, судьями, руководителями крупных корпораций, в то время как страна нуждалась в специалистах технического профиля, в инженерах и техниках, способных развивать экономику страны. В это время правительство взяло на себя обязательства по повышению квалификации населения страны. Почти до конца 1970-х высшее образование было бесплатным для всех граждан Великобритании, открывались многочисленные технические колледжи и гуманитарные институты, которые обслуживали потребности общества.

В 1979 г. консервативное правительство во главе с Маргарет Тэтчер проводило политику унификации системы управления классических вузов, академий и колледжей, что привело к резкому сокращению государственного финансирования высшего образования. Так, практически все учебные заведения стали платными как для жителей страны, так и для иностранцев. На протяжении 1970–1980-х гг. в Великобритании было принято несколько законодательных актов, регулирующих процесс переориентации системы высшего образования на потребности экономического сектора и запросы рынка труда. С одной стороны, теперь вузы имели равные условия развития, с другой – искусственно была создана

[1] Артюхова Т.Ю. Образовательное пространство ВУЗа как условие для раскрытия личностного потенциала человека// Монография «Профессиональное образование: теория и практика» / Артюхова Т.Ю., Автушко Л.И., Ахтамова С.С. и др. – Новосибирск: Издательство НГТУ, 2011. – 325 с.

[2] Ромашко Т.В., Белякова Н. Ю. Модель коммуникативного пространства современного университета: социо-экономические и культурно-антропологические факторы, 2014.

[3] Университет как центр культуропорождающего образования. Изменение форм коммуникации в учебном процессе / М.А. Гусаковский, Л.А. Ященко, С.В. Костюкевич и др.; Под ред. М.А. Гусаковского. – Мн.: БГУ, 2004. – 279 с.

жесткая конкуренция на рынке образования. В целом это положительно отразилось на качестве вузовских услуг: неконкурентоспособные заведения постепенно ушли с рынка, а оставшиеся продолжали совершенствовать не только качество образовательного процесса, но и качество менеджмента (формы отчетности перед обществом и государством, поиск спонсоров, управление учебным процессом, позиционирование и формирование предложения под запросы потребителей и т. д.).

По словам Ж.Л'Этанг, профессора шотландского Университета Королевы Маргариты, процесс успешной адаптации вузов к новым условиям существования был бы невозможен при отсутствии бурно развивающихся технологий общественных коммуникаций. Сэм Блэк, профессор Университета Стирлинга и родоначальник «британской ветви» связей с общественностью, в начале 70-х гг. выступал на публичных лекциях перед руководителями вузов с тезисами «о пользе общественных коммуникаций учреждения», организовывал образовательные программы по связям с общественностью для топ-менеджеров высших заведений, а также руководил многочисленными проектами в сфере «паблик рилейшнз» в своем университете[1].

Анализируя развитие национальных вузов, гуру британских «паблик рилейшнз» неустанно доносил до их сотрудников (а также органов местного самоуправления и др.) мысль о том, что в рыночной экономике возможно выжить только в случае учета организацией потребностей и запросов клиентов. В зависимости от того, насколько своевременно образовательный институт реагирует на запросы работодателей, абитуриентов и их родителей, сотрудников и педагогов, органов власти и пр., будет в перспективе зависеть его востребованность, в том числе возможность осваивать ресурсы заинтересованных сторон (стейкхолдеров) и потребителей услуг. Высшее учебное заведение выступает экономически обособленной структурой, миссия которой заключается в формировании самостоятельного и ответственного гражданина посредством создания благоприятных условий развития образовательной, воспитательной, культурной и социальной среды учреждения.

Аналогичные условия возможны только при наличии постоянной, двусторонней коммуникации с обществом. Еще пять лет назад среднестатистическое образовательное учреждение могло обойтись несколькими каналами коммуникации (сайт, телефон, личные контакты при обращении в администрацию вуза), по которым в основном транслировалась официальная или служебная информация.

Сегодня ведущие практики интегрированных коммуникаций (А.Яблонских, И.Балахнин, И.Манн, И.Алексеева, В.Титов) свидетельствуют о принципиальном расширении возможностей для коммуникации с потребителем. При этом происходит их концентрация в «сфере digital»; наибольшую динамику развития демонстрируют социальные сети и сервисы (все их многообразие – от пользовательских онлайн-сообществ до мобильных приложений, подкастов, видеоплатформ и др.).

При этом эффективная социальная коммуникация по каждому из каналов возможна только в случае контента, адаптированного под специфику ресурса и пользовательские предпочтения одновременно. Сегодня при принятии решения об отборе маркетинговых технологий для продвижения специалисту приходится сопоставлять эффективность и потенциал использования на образовательном рынке множества вариантов маркетингового «промоушена»[2]. Отражая меняющееся информационное поле и новые потребительские коммуникационные предпочтения, арсенал технологий маркетингового продвижения принципиально расширился и изменился качественно.

Однако, «паблик рилейшнз» вуза – это не сиюминутная борьба за потребителя. В XXI в. антропологические ценности по-прежнему являются первоочередными для образовательного учреждения. Институт связей с общественностью является главным

[1]L'Etang J. Public relations and democracy: historical reflections and implications for practice. / Handbook of corporate communications and public relations// Oliver S.M. - Glasgow: Bell & Bain Ltd., 2004. - P. 342-357.

[2] Ромашко Т.В., Белякова Н.Ю. Роль информационно-коммуникативной среды в становлении современного образовательного пространства. – М., 2014.

инструментом в развитии двусторонней симметричной коммуникации вуза и общества на основе равноправия и учета запросов и потребностей внешних и внутренних целевых аудиторий.

В современном обществе коммуникативные инновации выступают мощным ресурсом развития учреждений образования и культуры. Формирование системы интегрированных коммуникаций позволяет повысить эффективность взаимодействия общественных институтов в рамках совместной реализации значимых социокультурных и финансово оправданных проектов.

Развитие единого информационно-коммуникативного пространства способствует эффективной реализации как адресных программ развития конкретных учебных заведений, так и общегосударственных инициатив по модернизации образования[1].

Таким образом, информационно-коммуникационные технологии и ценностные ориентации личности изменяют не только алгоритм образовательной вузовской среды, смысловую наполненность самого знания и параметры его использования, но и активизируют поиск моделей образования, в том числе и вузовского. Для каждого нового молодого поколения студентов вуза важным выступает способность к синтезу знаний, понимание прошлого и проекта будущего, способного оценить события, себя и других в исторической и современной ситуации.

Обучение в вузе предоставляет широкие перспективы для личностного и интеллектуального роста, а также для установления длительных дружеских отношений и профессиональных контактов. Однако эти возможности не навязываются человеку, а должны активно реализовываться им самим.

Образовательная среда вуза создает коммуникативное пространство, в которой раскрывается личностный потенциал. Таким образом, образовательная среда вуза для студентов – это условие развития личностного потенциала, поскольку в условиях коммуникации студент «выступает автономным и саморегулируемым субъектом активности, оказывающим целенаправленные изменения во внешнем мире и сочетающим устойчивость к воздействию внешних обстоятельств и гибкое реагирование на изменение внешних и внутренних ситуаций.

ВОСТОЧНЫЕ МЫСЛИТЕЛИ О ВОСПИТАНИИ И ОБРАЗОВАНИИ

Ахмедова Ф. *– Старший преподователь НУУз*
Ахмедова Х. *– Преподаватель Алмазарского медицинского колледжа*

В системе развития образования и воспитания молодого поколения в стране ведется большая работа, чтобы наша молодёжь приобретали современные знания и навыки, росли физически и духовно зрелыми людьми, реализовывали свои способности, таланты и интеллектуальный потенциал, развивали чувство патриотизма и преданности Родине.

Труды наших великих мыслителей средневековья о гармонично развитой личности очень важны в воспитаний и решении проблем формирования и совершенствования личностных качеств молодого поколения. В произведениях наших предков выдвигается мысли о духовно развитом человеке, которому можно достичь только на основе формирования высоких нравов, манер, владением науки и практики.

Изучаю историю восточной философской мысли о воспитании и образовании особое внимание уделялось проблемам человеческих отношений и социальной среде, где утверждается личность человека, а также его ценности идеи. Основные идеи о

[1] Ромашко Т.В., Белякова Н.Ю. Роль информационно-коммуникативной среды в становлении современного образовательного пространства. – М., 2014.

необходимости учёта в образований и гармонизации формирования личностных и профессиональных качеств отражены в социологических взглядах среднеазиатских мыслителей.

Из великих восточных мыслителей Мухаммад ибн Муса Аль-Хорезми, приобрел известность в истории как теоретик и педагог, создавший инновации главным образом в области математики. Хорезми уделял большое внимание личным наблюдениям ученика в познаний и практического использования полученных им знаний. Мыслитель раскрыл следующую мудрую идею о том, как отличить познание от интуиции логическим воображением: “познание интуицией – если оно частичное познание, то логическое познание есть проявление важного аспекта истинного познания”[1].

Хорезми внес важный вклад в теорию познания: он, будучи одним из первых, опираясь на методы проверки-наблюдения и тестирования, разработал решение математических задач по алгоритму на основе таблицы, отражающей движение небесных тел. Великий ученый имеет свое место в познаний интеллектуального совершенства личности.

Развитие средневековой социально-философской мысли связано с именем мыслителя Абу Насра Фараби, учение которого о совершенстве личности имеет огромное значение. В честь знаменитого греческого философа Аристотеля, сделавшего себе имя на Востоке своими знаниями, широтой круга мысли, они называют Фароби "Муаллим ас-Соний" ("вторым учителем"). Его взгляды о гармоничной личности выражены в таких произведениях, как "Город добродетельных людей", "о достижении к счастью", "Ихсо ал-улун", Происхождения наук", "О смыслах разума".

Главным критерием совершенства Фараби является то, что в нем сформировались основные качества совершенной личности, способного служить и отвечать требованиям общества. Мыслитель считает, что только человек на Земле обладает способностью знать. Он считает, что знание истины есть одно из естественных состояний развития человека. Две особенности принадлежат человеческой расе, считает ученый.

Одна из них – это особенности, которые даны ему от природы, другая – особенность, которые приобретаются образованием и воспитанием по собственному усмотрению и воли. Просвещение, по его мнению – это искусство управления желанием и волей воспитателя в желаемом направлении.

Ученый-энциклопедист Абу Райхон Мухаммад ибн Аль-Беруни жил и творил во второй половине X века и в начале XI века – в чрезвычайно сложный исторический период. Мыслитель указывает о необходимости ученым хранить свои сердца от злых пороков, ситуаций, в которых человек не может себя хорошо чувствовать, закоренелых нравов, честолюбия, тщеславной конкуренции, жадности и славы.

Мыслитель объясняет важность значения труда в совершенствовании человека. В зависимости от труда каждого ремесленника он подразделяет на категорий. Труд строителей, угольщиков, ремесленников и научную деятельность считает каторжным трудом. Особенно призывает быть доброжелательным и помогать учёным занимающимся наукой.

Беруни подчеркивает, что в человеческом совершенстве важны три вещи. Это социальная среда, образование и воспитание а также наследственность, которую также признает современная наука. В глазах Абу райхона Беруни важным фактором в достижении человеческого совершенства является обладание большим количеством знаний и высокой моралью.

Одним из известных ученых – Абу Али ибн Сина, является великим мыслителем Средневековья востока. Известно, что Ибн Сина, как и другие мыслители, высказывал свои взгляды на гармоничную личность в своиих философских трактатах.

[1]Ал-Хоразмий Мухаммад ибн Мусо. Танланганасарлар "Алнобрва ал мукобалахисобихакидакискачакитоб," Т.-С.77-73

Ибн Сина сказал, что социальная среда, которая окружает его в становлении личности, играет особую роль, что эта среда не только делает человека осведомленным об окружающем мире, но и навязывает ему содержание хороших или плохих сторон в его поведении, так что он должен быть осторожен в воспитании детей, держа его подальше от негативной социальной среды.

Вопросы гармонии личностных качеств, физического и умственного воспитания имеют большое значение в учениях великого мыслителя Абу Али ибн Сина. В философском мировоззрении средневекового учёного Востока выделяется идея развития общества. В связи с этим особое внимание уделяется идее здоровой социальной среды, которая определяет совершенство человека и основу для совершенствования его материального и нравственного существования. Ученый Абу Али Ибн Сина выразил свои глубокие философские взгляды на взаимосвязь между личностью и окружающей средой, которая способствует добродетелям человеческого совершенства.

Анализ медицинской науки в тесной связи с воспитанием человеческого тела и духа является характерной чертой философии Ибн Сины. Взгляды Ибн Сины на гуманизм, личность и его духовность выражены в его моральных идеях. Ученый в «Трактате об этике» говоря о совершенстве личности размышляет о достоинствах честности, щедрости, терпения, чести, трудолюбия, секретности, знания, открытости, добросовестности, и понятие верности, дружбы, правдивости. “Мудрость - это воздержание от поспешности в проявлении, например, гнева по отношению к тому, кто совершает проступок, наказание за который непременно должно настигнуть его. Иногда это называется благородством, снисхождением, великодушием, рассудительностью, терпеливостью и выдержанностью”[1].

Юсуф Хос Ҳожиб (XI век) был одним из самых великих мыслителей того времени, глубоко образованным, мудрым человеком. Произведение “Қутадғу билиг” ("Знание, ведущее к счастью") очень знаменитое и востебованное и в наши дни при воспитаний молодого поколения.

“Қутдғу билиг” – знание, воспитание, приносящее счастье и ведущее к счастью. Поэтому даже по названию произведения видно, что это обобщённая просветительская работа, которая воспитывает всестороне развитое поколение.

Перечисление моральных качеств, выдвигаемых в произведений, является показателем того, насколько ученый знает проблему гармоничной личности. Прославляются такие положительные качества, как человечность, правдивость, честность, чистота, любовь, верность, сострадание, благородство, доброта, справедливость, доверие, верность, милосердие, мягкость, смелость, великодушие, смирение, уважение и почтение, предприимчивость, ум и знание[2].

Современное высшее образование должно создавать соответствующие условия для подготовки компетентного специалиста, ориентированного на постоянное профессиональное развитие, самосовершенствование, что обеспечит в дальнейшем высокий уровень конкурентоспособности, продуктивности профессиональной деятельности и, как следствие, карьерный рост и самореализацию.

Будущее нашей страны в руках молодого подрастающего поколения. Наша обязанность передать духовное наследие и труды наших великих мыслителей средневековья о гармонично развитой личности, которые очень важны в воспитаний и решении проблем формирования и совершенствования личностных качеств молодого поколения. Опыт, знания и мышление предков, созданные ими материальные и духовные ценности послужат надежной и прочной основой для развития нашего общества.

[1]Абу Али Ибн Сина. Сочинения.Душанбе , «Дониш».- 2005.-С.-742.
[2]Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: «Юлдузча», 1990. С.–192.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Туратошева С.Р. *– ЎзМУ таянч докторанти*

Ҳозирги замонавий педагогикада ишлаб чиқиладиган таълимнинг мақсади энг аввало инсон билан боғланган бўлиб, бунда маъно ва мазмун сезги, маданият, маънавият, ижодиёт, экология ва бошқа муносабатлар билан туташган. Бу эса ўз навбатида педагогикада янги парадигма – гуманизм ўрнини яққол белгилаб берди.

Педагогика назарияларининг гуманитар тавсифи математика назариясисиз таълим жараёнини тўлиқ тавсифлаб бера олмайди. Математика методларини таълим жараёнинг элементларида қўллаш педагогик тушунчаларга бўлган талаб ва фан учун зарур қатъиятни оширади. Шунинг учун математика билан гуманитар – педагогик метод ва технологиялар интеграциялашуви зарур тизим ҳисобланади.

Илмий ишлар олиб боришда математика методлари орасида математик моделлаштириш алоҳида ўринга эга, чунки айнан шу усул билан тизим тузилишида рўй берган исталган ўзгаришни миқдор жиҳатдан ифодалаш мумкин. Шунинг билан бир қаторда математик моделлар таълим тизими фаолиятинингсамарадорлигини таҳлил қилиб, унинг ривожланиши учун зарур бўлган прогноз ва лойиҳалаш имконини беради.

Моделлаштириш усули моҳиятига кўра, ҳар қандай илмий тадқиқот усулига асосланади. Фалсафий ва умум илмий масалалар моделлаштириш билан боғлиқлиги Г.Вайл, В.А.Веников, Б.А.Глинский, Б.С.Грязнов, Л.Ю.Королев, К.Е.Морозов, Е.П.Никитин, А.И.Уемов, В.А.Стофф каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Математик методларни педагогика фанларида қўллашнинг долзарблиги бўйича Ю.К.Бабанский, Б.Битинас, Дж.Гласс, М.И.Грабарь, В.И.Загвязинский, Л.Б.Ительсон, В.В.Краевский, К.А.Краснянская, В.И.Михеев, А.Я.Найн, В.С.Черепанов каби хориж олимларининг педагогик методология муаммоларини ўрганишга бағишланган илмий ишларида ўз аксини топган. Бугунги кунда педагогик объектларни моделлаштиришда бир қанча математика қурилмалари (семантика тармоғи, алгебра методи ва бошқалар) мавжуд. Аммо ўқитиш жараёнида математик моделлаштиришнинг долзарблигига қарамасдан гуманитар фанларда қўллашда бир қатор қийинчиликлар мавжуд.

В.АСадовничийнинг фикрича[1], гуманитар фанларда “Инсон омили” нинг мавжудлиги ижтимоий жараёнларни алоҳида инсон сифатида, шунингдек бир бутун ижтимоий жамият сифатида англашда иштирок этиш учун, ушбу соҳа доирасида реал математик моделнинг яратилишида бир қанча фундаментал муаммолар келиб чиқади. Биринчидан ўрганилаётган манбаа бўйича урнатилган универсал ҳолда кўрсаткичларини аниқ кўрсата оладиган маълум бир фундаментал қонуннинг йўқлиги; иккинчидан ижтимоий кўрсаткичларнинг саёз “ўлчови”, хатто қандай ўлчов олиш зарурлиги аниқ бўлсада, ҳақиқатга яқинлаштирувчи саёз бўлмаган интеллектуал аниқликни талаб этиши; учинчидан турли масштабдорлик, яъни кичик социал гуруҳлардан тортиб этнос ва катта этносларда турли туман ва тизимли бўлмаган ижтимоий объектларнинг мавжудлиги; тўртинчидан ижтимоий объектларнинг доимо мураккаблашиб бориши, уларнинг рефлектив хусусиятини белгиловчи билимлар эртами ёки кечми объектнинг таркибий қисми бўлиб қолиши санаб ўтади.

Е.В.Бережная, Б.Битинас, Я.Д.Лебедев, К.Б.Малышев, В.В. Никандровлар математик моделлаштиришни иқтисодиёт, психология ва бошқа фанларда қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Қўйилган мақсадни амалга амалга ошириш ва жорий ҳолатни текширишда муаллифлар томонидан назарий ва эмпирик тавсифидаги мажмуавий методлардан фойдаланилган.

[1] Садовничий В.А. Гуманитарное образование в России: мысли вслух. Выступление на всероссийском совещании –конференции «Традиции и инновации в образовании: гуманитарное измерение», 12 февраля 2007 г. - Москва, МГУ. –С 215-218.

Замонавий ривожланиш босқичи, олий таълим муассасаларини бир бутун ижтимоий-иқтисодий объект тизими сифатида қараш ва бу тизим моделида мутахассисларни янги шароитда тайёрлашни кўзда тутади. Олий таълим муассасаси ижтимоий-иқтисодий объект сифатида ривожланаётган ижтимоий фаолият тизимининг мураккаб динамикасидир. Бироқ таълим жараёнини маҳсулдор натижали бошқариш учун педагогик ҳолат ва жараёнларни субъектив тасвирлашдан, қатъий ва объектив баҳолашга асосланган математик моделлаштиришга ўтмасдан амалга оширишнинг иложи йўқ. Таълим жараёнида математик моделлаштирни қўллаш муаммолари билан хориж олимларидан А.А.Аветисова, Т.В.Камышников (1998); таълим муассаларида талабаларни баҳолаш ва сифатини бошқаришнинг оптимал модели тасвирлаш билан В.П.Сухинина ва М.В.Горшенин (2005); мутахассислар тайёрлашнинг оптимал бошқарув тизимини математик моделлаштиришнинг бўйича В.Н.Васильев (1997) ва бошлар тўлиқ кўриб чиқишган[1].

В.П.Сухинин ва М.В.Горшенин томонидан таълим жараёнини бошкариш модели ишлаб чиқилиб, уни қуйидагича тасвирлайдилар[2]:



Бунда, сигнал омили *(M)* – бу талабгор томонидан ўрнатиладиган омил. Бошқарув омили *(U)* - мазмуни учун ишлаб чиқарувчи жавоб берадиган лойиҳалаш параметри. Ҳар бир параметр бир нечта мазмун(даража)га эга бўлиши мумкин. Лойиҳалашнинг мақсади сўнги босқичда энг яхши кўрсаткич даражасини таъминлашни кўзлайди. Масштабли текислаштирувчи омил *(R)* – турдош бошқарув омили бўлиб, жавоб рекциясида белгиланган даражага олиб чиқишни кўзлайди. Чекловчи омил (W)- жавоб реаксиясига ўз таъсирини кўрсатиш даражаси ташқи шароитга боғлиқ бўлган, бошқариб бўлмайдиган омил. Жавоб реакцияси *(Y)* – омиллар таъсирида кўзланган мақсадга эришилганлик самарадорлиги.

О.А.Граничина (2006) томонидан битирувчилар тайёргарлигининг функционал сифатини баҳолаш усуди таклиф этилади[3]. Айтайлик, “яхши” ва “аъло” баҳоларни битирувчилар: w^1 – диплом иши ҳимояси бўйича; w^2 – мутахассисликдан давлат имтихонларини топшириш бўйича; w^3 – давлат аттестация синови натижаси бўйича олишган. Шунда w^4 – жами мутахассислик бўйича талабалар сони деб белгиласак, унда “яхши” ва

[1] Аветисов А. А., Камышникова Т. В. Оптимизационная модель оценки и управления качеством подготовки студентов в ВУЗе //Проблемы качества, его нормирования и стандартов в образовании. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. 1998. С. 105-109; 1. Васильев В. Н. и др. О математических моделях оптимального управления системой подготовки специалистов. Петрозаводск: изд-во Петр. ГУ. 1997. -250 с;

[2] Сухинин В. П., Горшенина М. В. Проектирование дополнительных образовательных услуг на основе методов Г. Тагути //Управление качеством высшего образования: теория, методология, организация, практика, СПб-Кострома: Смольный институт РАО, изд-во КГУ. 2005. Т. 3. – С. 80-85.

[3] Граничина О.А. Математические модели управления качеством образовательного процесса в вузе с активной оптимизацией. 2006. – 108 с.

“аъло” баҳоланган битирувчиларнинг улуши $b_k = \frac{w^k}{w^4}$ ни ташкил этади. Олий таълим муассасасидаги якка тармоқлар сони N билан, нолдан w^k оралиғидгача бўлган қиймат β билан билгиласак, битирувчилар тайёргарлигининг функционал сифати бўйича математик моделлаштириш

$$X = \frac{N}{\beta} \sum_{k=1}^{4} \frac{w^k}{\sum_j b_{kj}}$$

тенглик билан ифодаланади. Агар X>1 бўлса, таълим муассасасининг N тармоқлари бўйича тайёрлайдиган мутахассислар сифати ўртачадай юқорилиги англатади.

О.М.Киселева (2007) нинг олиб борган илмий тадқиқотларига кўра[1], педагогика соҳалари бўйича математик моделлаштиришнинг қўйидаги методларидан фойдаланилади:

- Эҳтимоллар методи – хусусият ва боғлиқлиги аниқ бўлган педагогик ҳолатларни тасодифий характерлайдиган кўп қиррали педагогик жараёнларда;
- Графов методи – структурали таълим жараёни элементларида (бунда, таълим жараёни элементларининг ҳам тартиби, ҳам ташқи тузулиши моделлаштириш мумкин)
- Алгебра методлари – катта ҳажмли ахборотларни формаллаштириш зарур бўлган педагогик жараёнларда;
- Чизиқли дастурлаш методи – танлаб олинган вазифанинг исталган натижалар миқдорини бир ёқлама баҳолаш мумкин бўлган ҳолларда;
- Ўйинлар назарияси методи – танланган ҳаракат турли тасодифий ҳолатлар бўйича аниқ эҳтимоллик билан ҳар хил натижа берган педагогик жараёнларда .

Таълим жараёнида математик моделлаштиришнинг алоҳида методларидан фойдаланиш қуйидаги умумий алгаритм босқичларни ўз ичига олади:

1.Таълим жараёни элементларининг моделини тузиш.

2.Модел билан эксперимент ўтказиш;.

3.Олинган натижалар интерпитациясини дидактик тил билан изоҳлаб, модел хусусияти кўра хулоса чиқариш.

Қилинган хулоса кўра, объект хусусияти бўйича сўз юритиш. Математик модел ва методларни педагогикага йўналтиришда таълим тизими хусусиятини ҳисобга олган ҳолда гуманистик ва технологик принципларга асосланиши керак. Хориж олимларининг олиб борган илмий тадқиқотлари шуни кўрсатадики, математик метод ва моделлаштириш таълим сифатини такомиллаштиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Педагогик фаолиятда ташхислаш, прогнозлаш, коррекциялаш, бошқариш, назорат қилиш ва бошқа шу каби функцияларни бажариш имконини беради. Таълим амалиёти учун математик методларни жорий қилишда илмий ёндашишган ҳолда аниқ асос ва самарага эга бўлган усуллардан фойдаланишни талаб қилади.

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДАГИ ИЖТИМОИЙ МЕЪЁРЛАРДАН ОҒИШ ПРОФИЛАКТИКАСИ БОРАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Тожибаев Б.Т. *– НамМТИ, соц.ф.б.фал.д. (PhD)*
Шарипова Р.Н. *– Наманган вилояти Чуст тумани 57-мактаб ўқитувчиси*

Таълим-тарбия муаммолари ўтмишда ҳам замонавий дунёда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Таълим-тарбия соҳасидаги энг долзарб муаммалардан бири бу ўқувчи-ёшларни

[1] Киселева О.М. Применение методов математического моделирования в обучении. Автореф. кан.пед.наук. Смоленск-2007. – 16 с.

ижтимоий меъёрларга риоя қилмаслик ва унинг профилактикасидир. Бу борадаги хориж тажрибасини ўрганиш маъмурий ташкилотлар учун ёки илмий жамоатчилик учун тажрибада исботини топган дастурий жараёнлардир. Ривожланган Ғарбда ижтимоий меъёрийликни таъминловчи профилактик дастурларида ўқувчи-ёшларни дарсдан ташқари, асосан ҳафтанинг иккинчи ярмида, турли кўнгилочар масканларда тадбирлар (граффит дарслари, велоспорт, футбол, скейтбординг мусобақалари, фильмлар томошаси, аэробика, фитнес, дизайн дарслари) уюштиришади. Асосий ташкилотчи сифатида жамоатчилик ва маҳаллий ҳокимият вакиллари иш олиб боришади.

Бу борада янада мукаммалроқ ташкилий ишлар ўтган асрнинг 70-йилларида Данияда бошланган. Даниядаҳар бир муниципал кенгашда SSP (S (school – мактаб), S (social services – ижтимоий хизмат), P (police – полиция) белгиси остида тузилган ташкилий тузилмалар мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифасида 3 хусусиятни кўриш мумкин: биринчиси, мазкур ташкилот аъзоларини кунлик профилактик ишларига қараб, малака даражалари, иш ҳақлари белгиланади; иккинчиси, алоҳида олинган хатар гуруҳлари билан махсус дастур асосида тадбирлар ўтказиш; учинчиси хатар гуруҳи билан тўғридан-тўғри актив алоқа боғлаш ва назоратга олиш.

Албатта, бундай лойиҳалар муайян маблағларни талаб этади, лекин мазкур соҳадагикўп йиллик меҳнат натижасида Дания Европа Иттифоқида девиантликнинг турли кўринишлари бўйича жуда паст кўрсаткич намоён этди. Шундай ижтимоий вазифаларни бажарувчи Францияда ETE-JEUNES дастури амалга оширилса, Нидерландияда эса ҳар бир полиция бўлимида ижтимоий хизмат ходимлари мавжуд[1]. Шунингдек, таълимни бошқариш ҳам анчагина либерал кўринишда, вертикал бошқарув услуби танланмаганлиги туфайли раҳбарият ўқитувчилар томонидан сайланиши жамоатчилик назоратини самарали механизмига имкон беради.

Хориж профилактикасидаги асосий юклама давлатнинг ўзида қолиб кетмайди, балки турли жамоат бирлашмалари, ОАВ ва жамоатчилик, расмий тизимлардан кўра, актив фаолият юритади. Японияда эса ҳамжиҳатликка кўпроқ эътибор беришади. Япония олий мактаби ўқитувчиси одатда талабаларни кичик гуруҳларга ажратади, уларни ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал этганларидан сўнг, эришилган натижаларни бутун курсга эълон қилади. Бундай ҳолат талабаларда ўзаро ёрдам ва ўз жамоаси муваффақияти учун ғурурланиш туйғусини туғдиради. Шундай қилиб, жамоачилик мезони японлар қалбида фақат муайян гуруҳнинг эмас, балки курс, бутун олий ўқув юрти ва мамлакатнинг ҳам аъзоси эканлигини англаш ўргатилади[2].

Баъзи қўшни давлатларда таълим кластери тузилганки, унда таълим оид вазифалар фақатгина таълим вазирликларигагина эмас, балки бутун жамоатчилик ва ҳукуматнинг ҳам вазифаси сифатида қаралган. Бу борада қўшни давлатларда ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтган даврларда бизга нисбатан жуда кўпгинаишлар амалга оширилган.

Яқин даврларгача таълим институтиниёш авлоддаги ижтимоий меъёрлардан оғиш ҳолатларини асосий сабабчиси сифатида кўришга мойиллик мавжуд эди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида АҚШда шу масала бўйича Коулман бошчилигида ўтказилган кенг кўламли тадқиқотларни қисқача хулосасига кўра, мактабнинг моддий ресурслар билан таъминланганлик даражаси ўқув жараёни самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмайди. Аммо ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши бунда муҳим аҳамиятга эгалиги кўринди[3].

Европа хамжамияти давлатлари тажрибасида ижтимоий меъёрларга риоя оғиш профилактикаси бўйича иккита даражада белгиланади. Уларнинг биринчиси – ижтимоий, иккинчиси – вазиятли. Ижтимоий олдини олиш – инсон шахси шаклланишидаги салбий шароитларни ўзгартиришга қаратилган бўлиб, у микромуҳит ва макроижтимоий вазиятлардан келиб чиқади. Вазиятли олдини олиш – алоҳида олинган меъёрлардан

[1]Белоусов К.Ю. Феномен девиантности в подросковой среда. – СПб., 2012. - С. 39-40.

[2]Абдуллаев Ю.Н. Хорижий таълимнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари: тажриба ва тараққиёт тамойиллари. Пед.фан.докт.диссертация. –Самарқанд, 2000. – Б. 81.

[3]Гидденс Э. Социология. Тарж. Н.Маматов ва А.Бегматов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 469.

оғишларни аниқ вақт ва жойларда белгиланган шахслар томонидан содир этилишидан келиб чиқади. Вазиятни ўзи муайян ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имкон яратади ва шахсни унга даъват этади[1]. Ўқувчи-ёшлардаги ижтимоий меъёрлардан оғиш профилактикасини мазмунига кўра, икки муқобил усулда олиб бориш мумкин: биринчи усул – таълим предметларини ўқитиш давомида ўқувчи-ёшларни соғломлаштирувчи билимлар, кўникмаларни сингдириш. Масалан, ижтимоий фанлар, санъат, спортга оид ўқув предметларида муайян профилактик кўникмаларни шакллантириш мумкин.

Иккинчи усул эса ўқув предметларига профилактик кўникмаларни сингдиришдан ташқари, махсус социологик-психологик тадқиқотларни олиб бориш, кичик экспериментларни ўтказиш каби профилактик вазифаларни кўрсатиш мумкин. Ушбу вазифаларни қуйидаги ҳилма-ҳил кўринишларда: маъруза ва амалий машғулотларда, суҳбат, конференциялар, "театр усули", санъат ва маданият кўргазмалари, спорт мусобақалари, инновацион-ихтирочилик ишланмаларни рағбатлантириш, ижтимоий-экологик лойиҳалар, психологик диагностика, девиантлик мониторингини олиб бориш, девиантологик тест, социологик сўровномалароркали олиб бориш мумкин.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ АМАЛИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Худайназаров Т. *– ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети декани ўринбосари*

Мустақил Республикамизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, уни ривожлантириш, ёшларга замонавий талаблар даражасида билим ва тарбия бериш, талаба-ёшлар онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш халқимизнинг билим салоҳиятини юксалтириш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Бу вазифаларни бажариш эса, олий таълим тизимида ва ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялардан фойдалана оладиган, сиёсий онги ва сиёсий маданияти юксак бўлган малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш демакдир. Замон талаби талабадан мустақил фиклашни, эшитган ўқув ахборотларни ижодий умумлаштиришни, муҳим қисмларини ажрата билишни, адабиётлар устида мустақил ишлашни ва доимий асосий маълумотларни ёзиб боришни талаб этади. Бугунги кунда талабаларга таълим-тарбия бериш ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, у услубий ишлари мустақил билим олиш усулларини, ва воситаларини такомиллаштиришга қаратилиши зарурлиги ҳақидаги талаб янада долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Талабаларнинг мустақил интеллектуал меҳнатини фаоллаштириш унинг форма ва методларини олий ўқув юртларида ўқитилаётган ҳар бир фаннинг хусусиятига қараб ташкил этиш талаб сифатида қўйилган. Биз талабаларнинг мустақил иши ва унинг айрим хусусиятларини ижтимоий психологик нуқтаи назаридан кўриб ўтмоқчимиз.

Бугунги кунда талабаларни муҳим инсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жуда мақсадга мувофиқдир. Чунончи, Шарқ мутафаккирларининг асарлари ҳамда халқ педагогикаси мазмунида ўз ифодасини топган меҳр-шафқатлилик, халоллик, катталарни ҳурмат қилиш, мехнатсеварлик, тинчликсеварлик каби сифатларни талабаларда тарбиялаш, уларнинг маънавий камолотини таъминлашда муҳим қадам саналади. Замонавий таълимда миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда ижтимоий тарбиянинг мақсади ва вазифалари тартиби қуйидагича белгиланади:

- юксак маънавийлик сифатларини тарбиялаш; талабаларда ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш;

[1]Амиров З. Ҳуқуқбузурликларнинг олдини олишда хуқуқий тарбия: назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти. – Тошкент: "LESSON PRESS", 2016. – Б. 73.

- эстетик, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда сиёсий-ғоявий онгни тарбиялаш;
- ижодкор, соғлом ижтимоий муносабатларни ташкил этиш кўникмаларига эга, ижтимоий фаол шахсни тарбиялаб вояга етказиш.

Мазкур ўринда маънавий-ахлоқий тарбиянинг моҳияти билан танишамиз. Бинобарин, у бир қатор тарбиявий элементларни ўзида намоён этади. Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашларидан қуйидаги таълим-тарбиявий қадриятлар ажратиб кўрсатиш мумкин:

- демократик йўналганлик;
- инсон, унинг тарбияси;
- инсонпарварлик ва шахснинг ҳар томонлама ривожланиши; билимларга қўшилиши;
- интеллектуал ривожланиши;
- юксак маънавийлик сифатлари;
- меҳнат тарбияси.

Бўлажак ўқитувчиларнинг таълимини ташкил этишда халқ педагогикаси катта қимматга эга. Бинобарин, унинг мазмунида ифода этилган ғоялар, мавжуд билимлар инсон камолотининг сифатларини тарбиялашга хизмат қилади. Халқ оғзаки ижоди намуналари – афсона, достон, қисса, ривоят, эртак, мақол ва қўшиқларда эзгулик ифода этилади. Шунингдек, уларда ёш авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш усуллари, панд-насихат ва талаблар мавжуд.

Халқ ўйинлари ўқув-тарбиявий хусусиятга эга восита ҳисобланади. “Халқ педагогикаси – замонавий таълимнинг ҳамда педагог кадрларнинг янги авлодини тарбиялашда муҳим қадриятлардан бири саналади”[1].

Ҳозирги кунгача таълим жараёнида шахсни тарбиялаш ва ривожлантириш тамойилининг устуворлиги тўла амалга оширилмаган. Таълим масканлари ўзларининг муҳим ижтимоий вазифаларини суст бажариб келмоқда. Ёшларни яхлит, мақсадга мувофиқ тарбиялаш тизимини шакллантириш зарурияти юзага келди. Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчиларни миллий-маданий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш (оптималлаштирилади) долзарблашиб боради. Бу жараёнда Шарқ мутафаккирлари ва халқ педагогикаси меросидан имкон қадар самарали фойдаланиш зарур.

Бўлажак ўқитувчи тарбия жараёнининг моҳияти, мазмуни, ушбу жараённинг хусусиятлари, диалектикаси, умумий қонуниятлари ҳамда хусусиятларини билиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги буюк ислоҳотлар амалга оширилаётган Ўзбекистон шароитида мустақил фикрловчи ёшларнинг бўлиши давр тақозоси бўлиб, шахсий дунёқарашга эга бўлган инсонларгина жамият тараққиётини таъминловчи кўплаб лойиҳаларни ишлаб чиқишга қодир бўладилар. Шуни алохида таъкидлаш лозимки, мустақил фикрлаш бир қарашда шахснинг индивидуал хусусияти бўлса-да бу хусусият жамиятда, инсонлар ўртасидаги муносабатлар мухити яхши бўлганда ривожланади. Яъни, агар кичик ёшиданоқ боланинг кўплаб берадиган “нега?”, “нима учун?” кабилардаги саволларига ўринли жавобларнинг берилиши, ундаги шахсий фикрнинг рағбатлантирилиши, ўқитувчи фикрининг сўралиши ва вақтида жавобларнинг маъқулланиши каби омиллар мустақил фикрлашнинг шарт-шароитларидан хисобланади. Демак, мустақил фикрлаш ижтимоий муҳитга боғлиқ қобилият экан, гуруҳ шароитида ташкил этиладиган тўғри мулоқот ва самимий мухит, бахс ва тортишувларнинг омилкорона йўлга қўйилиши бунда катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Талабаларнинг ўз-ўзини такомиллаштириш, шу жумладан, касбий такомиллаштирилишларига янгича ёндашув зарур. Уларда шаклланиши зарур бўлган асосий кўникма – мустақил таълим олиш кўникмасидир. Мустақил таълим олиш кўникмасига эга бўлиш мустақил ўқиш (ўз-ўзини ўқитиш) ва ўзини яратиш демакдир. Фаолиятнинг махсулдор бўлиши, унинг ижодий мазмун касб этиши шахснинг ўз йўлини топишга

[1] Ғозиев Э., Тошимов Р. Педагогик фаолиятингизни баҳолашни уддалайсизми? – Тошкент, 2001 . – 34 б.

интилиши, унинг ўз «Мен» ига эга бўлиши билан боғлиқ. Е.Крюкова мустақил билим олишнинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатади:

1. Экстенсив-жамловчи; янги билимларни эгаллаш.

2. Йўналтирувчи; ўзини маданиятда аниқлаш ва жамиятда ўз ўрнини топиш. Тўлдирувчи – таълим мазмунида акс этувчи камчиликларни бартараф этиш, таълим жараёнидаги бўшлиқларни тўлдириш.

3. Ўзини ривожлантириш – онги, хотираси, фикрлаши, ижодий сифатларини мукаммаллаштириш.

4. Методологик – муайян касб-ҳунарга хос бўлган тор йўналишни инкор этиш.

5. Коммуникатив – фан, касб-ҳунар, шунингдек, ёш даврлари ўртасида маълум алоқаларни ўрнатиш.

6. Биргаликда ижод қилиш – бирга бўлмоқ, ижодий ишда ёрдам бериш, уни тўлдириш.

7. Яшовчанликни таъминлаш – фикрлаш ёки ҳаракат жараёнидаги қийинчиликларни енгиш, муайян ижтимоий нуқтаи назарнинг барқарор бўлишига эришиш.

8. Психологик – инсониятнинг интеллектуал ҳаракатларни ташкил этишдаги иштирокчилик хиссини сақлаб қолиш.

9. Геронтологик – ижтимоий жамият билан мустаҳкам алоқада бўлиш асосида организмнинг ҳаётий қобилиятини сақлаб қолиш. “Мустақил таълим олиш шахснинг умумий ривожланиш йўли сифатида индивиднинг ўз маънавий «Мен»ининг турли жиҳатларини шакллантиришга хизмат қилади”[1].

Мустақил таълим олиш кенг кўламда мавжуд илмий билимларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини такомиллаштириш демакдир. Бизнинг фикримизча, ушбу жараёнда бўлажак ўқитувчилар ҳодисалар, жамиятда рўй бераётган ҳодисаларнинг моҳияти хусусида ўз қарашлари бўлишини тақозо этади, унинг билиш ва англаш имониятлари чегарасини кенгайтиради. Президентимиз сиёсатининг бош омилларидан бири ҳам теран фикрловчи, ўз мустақил дунёқарашига эга бўлган иқтидорли шахсларни камол топтириш ва тарбиялашдир. Чунки, ўзгалар фикрига қарам бўлиш, турли биддиятлар ва ёт мафкурага эргашиш психологияси жамият маънавиятини таназзулга олиб келиши шубҳасиз.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Тўрахўжаева Р.Р. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА ўқитувчиси*

Дунёдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар янги авлод тарбиясига, таълим олишига янгича ёндошувларни тадбиқ этишни тақазо этмоқда. Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар шунчалик шиддат билан ўзгармоқдаки, давр талаби уларга етиб олишни эмас балки янада илгарилашни талаб этмоқда. Маълумки, айнан таълим тизими мамлакатнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлардан бири саналади. Мамлакатдаги таълим тизими ўсиб бораётган ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўзгаришларга мос равишда ривожалиниши лозим. Таълимнинг ривожланиши кадрларни рақобатбардошлигини талаб этади. Турли мамлакатларда таълимнинг ҳолатини социологик таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланган мамлкатлар ўртасидаги рақобат айнан юқори малакали мутаҳасисиларни тайёрлашга қаратилган. Таълим тизимига қаратилган эътибор натижасида мамлкатнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланиши бўйича Эстония тажрибасини мисол келтимоқчимиз.

Эстонияда таълим тизими Ўзбекистонда бўлгани каби, бошланғич ва ўрта таълимга бўлинмайди, бироқ у бир вақтнинг ўзида ягона қоидаларга асосандавлат мактаблари ва

[1] Нишанова З.Т. Психологик хизмат. – Тошкент, 2006. – 15 б.

хусусий мактаблардан иборат. Эстония болалар боғчаларидаги ўзига хос инновацион усуллардан бири бу – тарбияланувчиларда ижтимоий, таълим, ўйин ва ўзини ўзи бошқариш кўникмалари каби умумий кўникмалар ишлаб чиқилади. Одатда, барча таълим жараёни Эстон тилида олиб борилади[1].

Эстонияда ўрта таълим Болани қайси мактабга қабул қилиниши ота-она хоҳишига эмас, балки оиланинг яшаш жойига асосланган бўлади. Яъни, мактаб боланинг яшаш уйига имкон қадар яқин жойда жойлашган бўлади. Эстонияда биринчи синфдан тўққизинчи синфгача мажбурий таълимни ўз ичига олган тўрт босқичли тизим мавжуд. 1 дан 3 гача синф; 4 дан 6 гача синф; 7-синфдан 9-синфгача; 10-12 синфлар (гимназия таълими). Эстонияда ўқишнинг уч босқичи ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган ягона умумтаълим дастурига мувофиқ амалга оширилади. Синфдан синфга ўтиш фақатгина ўқувчи керакли маълумотни ўзлаштирганидан сўнг ўқитувчи баҳоси асосида ўтади. Ўқиш натижалари қониқарсиз бўлган тақдирда ўқувчи ёзги таътил вақтида қўшимча машғулотларга жалб этилиши мумкин.

У умумий ўрта мактабда ўқишни давом эттириш (ўн икки йилга) ҳуқуқига эга ёки у ихтисослаштирилган ўрта таълим муассасаларига ўқишга кириши мумкин. Ўқувчи Олий таълимни яъни, университет таълимини режалаштирса, у ҳолда у мактабда 12 йиллик таълим тизимида ўқишни давом эттиради. Бу академик гимназия таълими дейилади. Агар у ишга киришни режалаштирса, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълимни тўққизинчи синфдан сўнг давом эттиради. (масалан тиббий таълим).

Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари мактаблар томонидан ўтказиладиган якуний имтиҳон асосида ўтказилади. У жойлардаги танловлар ўтказиладиган қўшимчалар ва сертификатлар бўйича ўтказилган баҳолаш натижаларига асосланади[2].

Барча университетлар икки турга бўлинган: амалиётга асосланган ўқув муассасалари ва университетлар. Улар орасида фақат битта фарқ мавжуд: қонунга кўра, амалиётга асосланган ўқув муассасаларида таҳсил олиш фақатгина маълум бир соҳа бўйича олиб борилса, университетлар нафақат бакалавр даражасини, балки турли мутахассисликлар бўйича магистр ёки докторлик даражасини ҳам таклиф қиладилар.

Бакалавриатда одатда уч йилдан ортиқ вақт мобайнида ўқилмайди, бу эса Европа ECTS тизимида 180 кредитга тўғри келади. Бакалавр даражасидан сўнг магистр даражасини олишингиз мумкин. Бу 100 га яқин ECTS балларини қўшиб беради ва сиз танлаган мутахассислик бўйича Европанинг исталган ерида муаммосиз ишлаш имконини беради. Эстонияда 6 та давлат ва 3 хусусий университет мавжуд, давлат университетларида Эстонияликлар учун таълим бепул ташкил этилган.

Эстония университетлари орасида Тарту университети алоҳида ўрин тутади. Университет Quacquarelli Symonds World University Rankings рейтингида дунёнинг энг еткачи универтитларининг 300 талиги сафига киради[3]. Татру университети нафақат маҳаллий балки бутун жаҳон талабалари учун дунё университетлари орасида етакчи бўлиб қолмоқда. Жаҳонга машҳур биотехнологик кластер ушбу университет ҳузурида жойлашган. У Тарту университети билан биргаликда илмий тадқиқотлар, клиник синовлар ва илм-фаннинг инновацион йўналишларини ишлаб чиқадиган 70 дан ортиқ компаниядан иборат. Кластер, генетика, молекуляр ва биёмаркер тестлар ўтказишга ихтисослашган[4].

Иккинчи ўринда гуманитар ва ижтимоий фанларга ихтисослашган Таллинн университети.

Учинчи ўринда Таллинн Технология Университети, унда муҳандислик ва техник фанлар ўқитилмоқда, шунингдек халқаро алоқалар ва бизнес дастурлари мавжуд.

Таълим тизимининг яна бир аҳамиятга молик жиҳати бу олий таълим муассасалари ҳузурларида “Start Up Club”лар, Бизнес инкубаторлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Бу

[1]https://www.hm.ee/en/activities/pre-school-basic-and-secondary-education.
[2]https://www.hm.ee/en/activities/higher-education.
[3]https://www.topuniversities.com/university-rankings.
[4]https://tartu.ee/et.

университетларнинг бевосита иқтисодиёт ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб мутахассис тайёрлашлари ва улар бевосита амалиётдаги мавжуд муаммолар билан ишлашлари ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Натижада мана бир неча йилдирки Эстония аҳоли жон бошига Start Uplар сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Хусусан 2018 йилда, Эстониядаги Start Up лойиҳалари мамлкатга 329 млн. Евро инвестиция жалб этди ва 3800 га яқин кишилар бандлигини таъминлади[1].

Эстония олий ўқув юртларида таҳсил олишни истаган хорижий талаба, ўз мамлакат университети дипломига ва хорижий тил билим даражасини тасдиқловчи тестининг ижобий натижаларига эга бўлиши етарли. Эстонияда таълим муассасаларида ўқув курсларининг камида 60% эстон тилида бўлиши лозим. Қолган 40% ўқув курслари муассаса раҳбарияти томонидан белгиланади.

Эстония Европа Иттифоқининг аҳоли таълим олиш имконияти юқори бўлган ноёб мамлакатларидан бири ҳисобланади. Шунга қарамасдан, давлат, асосан, келажакда мамлакатда қолиш, иқтисодиётни ривожлантиришни истаган маҳаллий аҳоли учун ҳаракат қилмоқда. Хорижий тиллардаги деярли барча ўқув дастурлари (айниқса инглиз тилида) пуллик. Албатта ушбу дастурларда грант ва субсидиялар олиш имкониятлари мавжуд. Чет эллик талабалар учун стипендия тизими мавжуд.

Таълим тизимидаги инновациялар: Эстония Маълумотлар Ахборот тизими (EHIS) – Эстония таълимига тааллуқли барча ахборотларни бирлаштирадиган давлат маълумотлар базаси. Маълумотлар базаси таълим муассасалари, талабалар, ўқитувчилар ва маърузачилар, битирув ҳужжатлари, ўқув қўлланмалари ва ўқув дастурлари ҳақидаги маълумотларни сақлайди. Ушбу хизмат таълим тизимидаги, умумий, профессионал, юқори ёки севимли машғулотларига қизиқувчи талабалар ёки ўқитувчи ва педагоглар учун мўлжалланган. Шунингдек, ўқитувчилар ва олимлар томонидан амалга ошириладиган малака ва малака ошириш бўйича маълумотларга бепул кириш мумкин. EHIS шунингдек, таълим тизимини мониторинг қилиш билан шуғулланади, бу орқали ҳокимият вакиллари келажакда меҳнат бозорига тайёрланаётган кадрларга бўйича ишонч хосил қилади. EHIS 2005 йилдан буён киритилган катта миқдордаги маълумотларни ўз ичида сақлайди ва у барча даражадаги таълим олувчилар фойдаланишлари мумкин. Университетларга қабул қилиш учун ҳужжат топшириш ҳам айнан шу тармоқ орқали амалган оширилади.

Эстония Ахборот технологияларни жорий этиш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. 2018 йил рейтингида электрон ҳукумат рейтингида 16 ўрин, электрон иштирок рейтингида 27 ўринни эгаллади. Бугунги кунга келиб Эстонияда аҳоли ва бизнес вакиллари 2500 га яқин давлат хизматларини электрон тарзда интернет орқали қабул қилиш имконига эгалар[2].

Эстонияда электрон имзо, шахсни тасдиқловчи ID карта 2002 йилдаёқ жорий этилган. Эстониянинг ҳар бир иш билан банд фуқароси эса бир йилда 5 кун вақтни иқтисод қилади. Эстониянинг бу соҳадаги жуда кўплаб мамлакатлар учун ҳозиргача андоза бўлиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб Эстония аҳолисинг 70 фоизи олий маълумотга эга. Аҳолининг 80 фоизигача қисми инглиз ва рус тилини билишади.

Хулоса қилиб айтагидан бўлсак Эстония таълим тизимидан қуйидаги тажрибаларни андоза сифатида олинши юқори натижалар бериши мумкин.

Амалиётга йўналтирилган Олий таълим муассасалар фаолиятини кенгайтириш. Жаҳон талабларига мос рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада кучайтириш ва улардан амалий фойдаланиш. “Start Up” лойиҳаларини қўллаб қувваталаш таълим соҳасини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Шунингдек, аҳолини ахборот билан таъминлашда рақамли технологиялардан кенг фойдаланишда Эстония тажрибасини ўрганиш ижобий натижа беради деб ўйлайман. Зеро,

[1]https://www.eu-startups.com/2019/01/10-estonian-startups-to-watch-in-2019-and-beyond/
[2]https://e-estonia.com/solutions/business-and-finance/

2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”[1] деб номлашни таълим тизимга бўлган эътиборни янада кучайиши, рақобатбардош кадрларни кўпайишига замин яратади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИДА СОЦИАЛ МЕХАНИЗМЛАР САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР СИФАТИДА

Рахматов Н. *– БухДТИ ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар бугунги кунда тизимда учраётган барча муаммоларни бартараф этиш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълимни миқдор ва сифат уйғунлигида ривожлантиришни мақсад қилмоқда. Олий таълим тизимида таълимни сифат жиҳатдан ривожлантириш билан боғлиқ йиғилиб қолган муаммоларни комплекс ёндашув асосида ўрганишни тақозо этмоқда. Бугунги кунгача олий таълим тизимида таълим сифати ва унинг самарадорлиги, тизимда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кадрларнинг салоҳияти ва меҳнатининг натижадорлигинингбаҳоланмаслиги самарадорликни таъминловчи омиллар ва механизмларнинг илмий ўрганилмаслиги ва амалий ҳаётда тадбиқ этилмаслиги натижасида тизимда чуқур илдиз топган муаммоларни келтириб чиқарди ва ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар келишининг камайиб бориши, замон талабларига жавоб берадиган кадрларнинг камлиги, уларнинг мамлакатимизнинг кўпгина соҳаларида маънавий жиҳатдан юксак даражада камол топмаганлиги натижасида меҳнат самарадорлигининг пасайиб кетганлиги ижтимоий ҳаётда учраётган муаммоларнинг йиллар давомида йиғилиб қолиши натижасида ривожланишга салбий таъсир кўрсатиб келмоқда, коррупция, таъмагирлик, бировнинг ортиқча меҳнатидан фойдаланиш ва ҳаққини бермаслик меҳнат жамоларида бирдамликнинг йўқлиги, жамоанинг ҳар бир аъзоси ҳаёти фаровонлиги ва меҳнат самарадорлиги учун раҳбарларнинг жон куйдирмаслиги соҳаларни яхши ривожланмаётганидан дарак беради ва меҳнат жамоасининг маънавий онги ва дахлдорлик ҳиссининг пасайиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Мана шунинг натижасида олий ва ўрта маҳсус таълим тизимининг мамлакатимиз тараққиётида кўрсатаётган улушининг сезиларли даражада пасайиб борганлигини кузатишимиз мумкин бўлиб қолди.

Бугунги кунда фан ва таълимни кўтаришнинг энг асосий чораси сифатида тизимни молиявий ва моддий-техник қўллаб-қувватлаш бўлсада, аммо ундан ташқари қўшимча чора-тадбирларсиз биз тизимдаги муаммоларнинг ечимини топа олмаймиз. Мазкур муаммолардан бири таълим ва унинг дастурларини жамият ва ҳалқаро мақсадли дастурлар асосида жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатини ўрганиб, профессор-ўқитувчилар ватизимдаги кадрларнинг профессионал квалификацияси ва маънавий аҳлоқий сифатларига замонавий талабни жорий этиш, олий таълим тизимининг барча соҳаларида тўғри қарор қабул қила оладиган раҳбарларни тайинлаш, кафедра мудиридан тартиб, институт ректоригача ҳамда олий таълим вазирлигигача бўлган тизимда нотўғри қабул қилинадиган қарорларни огоҳлантирадиган ва жорий этишга қўймайдиган тизимни яратиш, олий таълим тизимида жамоатчилик, яъни сиёсий партиялар, касаба уюшмалар, ота-оналар, талабалар кенгаши, буюртмачи ташкилотлар, ННТ ва ОАВлари таъсирини кўрсатишнинг самарали механизмларини жорий этиш зарурдир.

Бугунги кунда жамоатчиликнинг олий таълимга таъсир этишнинг асослари бўлсада амалда ўз ифодаси топмаётганлиги жамотчиликнинг ишлаши учун ҳеч қайси олий таълим

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/3324.

муассасасида шарт-шароит яратилмаганлиги, уларнинг фаолияти натижалари бўйича хеч қандай ОАВларида ахборот берилмаганлигини кўришимиз мумкин. Ҳар бир олий таълим муассасасида танқидий таҳлил тизимни ишлаб чиқиш орқали муассасада ички назоратни мукаммал жорий этиш зарур, ушбу тизимнинг асосий мақсади эса камчиликларни аниқлаб кимларгадир жазо эмас, балки ушбу камчилик олий таълим муассасаларида ўзаро мусобақа руҳиятини доимий ушлаб туришда алоҳида профессор-ўқитувчиларнинг виждонли ва тўғри ишлаши муҳим бўлиб, ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатмаслиги керак.

Ривожланган мамлакатларда кўп тармоқли олий таълим муассасасаларида айниқса йўналишлари бўйича ҳамкорлик, илмий жамоавийлик яхши натижаларини қўлга киритишнинг кафили бўлиб хизмат қилиши аллақачон тажрибада синалган бўлсада, аммо мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида бундан кам фойдаланишади. Юқори сифатли ўқув жараёнини шакллантиришда инсоннинг ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиш, жамоавийлик маданиятини шакллантириш, аввало раҳбариятнинг энг асосий мақсади бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам, келгуси моддий рағбатлантиришнинг ҳар қандай кўриниши жамоавийликка салбий таъсир кўрсатмаслигини инобатга олиниши лозим.

Шуниси маълумки, ҳар бир инсоннинг меҳнат натижадорлиги қуйидагиларда намоён бўлади.

-самарали ишлашда қобилиятли бўлиш;

-самарали ишлаш учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;

-самарали ишлашга тайёр бўлиш, тайёргарлик ҳолати.

Баъзи раҳбарлар меҳнат жамоасининг мехнат фаолияти самарадорлигидан нолиганларида уларнинг ҳақиқий мавжуд аҳволни шакллантира олмасликларида кўришимиз мумкин.

Умуман олганда меҳнат жамоасига ва кадрларга самарали ишлашга доим тайёр бўлишлари учун уларга қаттиқ танбеҳ орқали таъсир кўрсатишдан олдин уларнинг квалификациясини ва қобилиятини ошириш ҳамда самарали ишлаш учун шарт-шароитлар ва имкониятларни яхшилаш вакеракли ресурслар билан таъминлашлозим ҳисобланади. Агарда кадр берилган вазифаларни бажаришда ўзининг квалификацияси даражасидаги иш қобилиятига, ижтимоий-коммуникатив, маънавий-аҳлоқий, жисмоний сифатлар ва соғлом танга эга бўлмаса, унда ҳеч қандай мотивацион методлар самарадор фаолиятни таъминлаб бера олмайди. Раҳбарлар кўпинча лавозим йўриқномалари доирасида ҳаракат қилишади, уларда қоида бўйича касбларга мажбурият, ишончлилик, коммуникативлик, эшита олиш ва ўқиш, унинг имконият ва шароитини компетенциясини ҳисобга олиш бўйича ҳаракатларни назарга олишмайди.

Шунинг учун ҳам, раҳбарларни ишлаётган ва танлаб олинадиган кадрларга вазифаларни беришларида аниқ ва тўлиқталабларни шакллантиришлари зарур ҳисоблади. Бундай вазифалар ҳар бир ишловчи профессор-ўқитувчининг социал компетентлигини моддий яратиш орқали ҳал этилиши мумкин.Бу эса меҳнат сифати ва самарадорлигининг пасайишига олиб келади. Профессор-ўқитувчиларни таълимга кўпроқ жалб этиш ва улардан натижадорликни кутиш ҳам барқарор ижобий оқибатларни беравермайди. Мотивациянинг эффектив методларини қўллаш маълум бир давр самарасини бериш мумкин, аммо кейинчалик вақт ўтиши бўйича демотивация жараёни содир бўлишига олиб келади. Бунда раҳбарларнинг роли катта бўлиб, демотивацияга йўл қўймаслиги зарур ҳисобланади.

Р.Шпренгернинг фикрича, мотивация бу- ўзини даволайдиган касаллик деб ҳисобланади[1]. Асосан энг кўп қўлланиладиган кўриниши бу моддий рағбатлантиришдир. Албатта ҳар бир киши яхши пул топишини ҳоҳлайди ва моддий рағбатлантириб туриш қисқа муддатларда жуда катта эффектив кўрсаткичларини бериш мумкин. Аммо, юқори даражадаги самарадорликни узоқ муддатга сотиб олиб бўлмайди. Агар меҳнат жараёни маънисиз, фойдасиз, самарасиз ва қизиқарли бўлмаса, жамоавий муҳит ва ўзаро бирлик

[1] Райнхард К. Шпренгер. Мифы мотивации. Выходы из тупика. – Калуга: «Духовное познание», 2004. – 296 стр. (ст. 80).

ҳамда ҳамкорлик бўлмаса, унда энг яхши кадрлар ҳам ташкилотни тарк этиши мумкин, хеч қандай моддийлик инсоннинг салоҳиятини тўла даражада намоён этишга сабабчи бўлмайди чунки инсон соғлом бўлган пайтда моддийликнинг ортидан қувади, маълум бир ёшда ва соғлиғи пасайган вақтда моддийлик билан соғлиқ ортидан қувади.

Шунингдек, меҳнат жамоасида турли мусобақаларнинг ўтказилиши ҳам самарадорлиги паст бўлиб, ўзининг натижасини дарров кўрсатганидек, кейин узоқ муддат кўринмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, доимий юқори ўринларга эришаётган кадрларга нисбатан ўрин ола билмаган кадрларда салбий муносабатларни олиб келиши ҳам мумкин: кўролмаслик, адолатсизлик ва бошқа натижасида бир неча ғолиблар ҳам бир қанча демотивацияга учраганларини меҳнат соҳасида ўтказилган тадқиқотлардан кўришимиз мумкин.Бу эса жуда салбий таъсир кўрсатмоқда ва муаммоларни дахлдорлик асосидатизимли равишда бартараф этиш чораларнини кўриш механизмларини жориш этишни тақозо этади.

Ҳар қандай касалик сўз, амал ва тиғ орқали тузалганидек, тизимдаги муаммоларини ҳам инсон потенциалини ўрганиб, уни тўғри йўналтириш, унинг меҳнати самарадорлигини баҳолаб бориш ва уни қўллаб-қувватлаш, ўргатиш ва малакасини ошириш натижадорлиги қўлланган чораларга қарамай салбий кўрсатиш касб этса, ундан воз кечиш чораларини кўриш керак бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларини бартараф этиш тизимини жорий этишда олий таълим муассасасининг ўзи таъсир кўрсата олмайди. Бунда таълим муассасасида меҳнат қилувчи персоналнинг (шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг) иш натижадорлиги унга ижобий таъсир кўрсатувчи социал факторлар билан боғликдир. Кадрларнинг тўғри танлови, уларнинг ривожлантириш, улар билан ишлаш, унинг нормал шарт-шароитлари ва мотивацион тизимни яратиш билан боғликдир.

Инсон социал мавжудот, инсонда ўзига хос ақл-заковат, салоҳият ва маънавият яширин. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда ушбу шахс факторларининг ижтимоий ҳаётда юзага чиқарилишида социал механизмларини ўрганиш бугунги кунда тез фурсатларда ислоҳ ва ривожлантиришни талаб қилаётган олий таълим тизимида жуда муҳимдир.

ЎҚУВЧИЛАР ЎРТАСИДА ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ЎРНИ

Мадрахимов А.М. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти таянч докторанти*

Мамлакатимиз келажаги ҳозирги глобаллашув муҳитида замонавий билим ва дунёқараш асосида ижтимоий, иқтисодий, илмий ва маърифий соҳаларни ривожлантириш орқали амалга оширилар экан, янгича қарашга ва интелектуал билимга эга бўлган ёшлар билан шакллантириш давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Шундай экан мактабларда ўқувчиларга таълим билан тарбияни бирга олиб бориш, бу жараёнда таълим муассасаларнинг педогог-ходимларини ҳам замон билан ҳамнафас тарзда билим беришга, тарбия муҳитини бугунги кун боласига таъсир қиладиган усулда, қалбига юрагига етиб борадиган қилиб таъсирли ва самарали тарзда олиб бориш талаб этилмоқда. Бундай тарбия муҳити ўқувчи-ёшлар ўртасида зўравонликни олдини олишда ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ижтимоий тармоқларда кунора таълим муассасасида ўқувчи калтактанди, мактабда қизлар жанжали бўлди, ўғил болалар оммавий муштлашди каби хабарлар чуқурроқ мулохаза этишга чорлайди. Бундай жанжал ва муштлашувлар замирида нима ётибди, эътиборсизликми, тарбияни сусайишими ёки оилавий муҳитми каби долзарб ечимини кутаётган масалалар етарлича топилади.

Бугунги кунда мактаб ўқувчилари ўртасида зўравонлик – буллинг ҳолатлари тез-тез рўй бериб, катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. “Буллинг” – қўрқитиш, таъқиб, таҳқирлаш, калака қилиб кулиш, камситиш, уриш, лақаб қўйиш, ажратиб яккалаб қўйишкаби зўравонликлар ўқувчиларга салбий таъсир кўрсатиб, боланинг билим олиши пасайишига, соғлиғи ёмонлашиши ва ҳатто аянчли ҳолатларга ҳам олиб келмоқда[1]. Афсуски, айрим мактаб ўқитувчилари ҳам, ўзлари билиб-билмай бу жараёнга салбий таъсир кўрсатмоқдалар. Бизнинг вазифамиз таълим бериш, тарбия билан ота-оналар шуғулланиши лозим деб фикрлайдиган педогоглар етарлича топилади.

Тарбия жараёни – шахсни шакллантиришга мақсадли йўналтирилган, тарбияловчи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги учун махсус ташкил этилган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган, ўзининг пировард мақсади сифатида шахсни шакллантирадиган жараён[2]. Демак, шундай экан тарбия жараёнида таълим муассасасининг директори, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, амалиётчи психологи, ёшлар етакчиси, синф раҳбарлари йиллик иш режаларида тарбия муҳити, ўқувчилар тарбияси деган бандлар қатор берилган. Қандай ҳолатда бу иш режалар ўзини самарасини беради, албата бу тарбиявий режалар қулай, хаётий ва аниқ бўлса, уни амалга ошириш мумкин бўлади. Мактабда зўравонликни олдини олишда ўқувчи бўш вақтини мазмунли ўтказиш, замонавий билимга эга тарбияли устозлар томонидан қизиқарли тўгараклар ва сифатли тадбирлар ўтказиш, қадриятларимиз билан ҳамоҳанг тарзда замонавий ўйин ва маросимлар ташкил этиш ўқувчиларда дўстона муҳитни шаклланишига ва ривожланиб боришига ижобий таъсир қилади.

Мактабларда зўравонликни олдини олишда тарбия муҳити бир қанча омиллар асосида шакллантирилади. Хусусан, аниқ бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнини ишлаб чиқиш, тарбиявий тадбирларни сифати ва сонини ортириш, тарбия тизимини тўғри йўлга қўйиш кабилар шунақа омиллар сирасига киради. Юқоридаги омиллар орқали ўзига хос фаол ёндашувлар юзага келади.Ўқувчилар билим олиши, билиши, меҳнатга бўлган муносабати, спорт билан шуғулланиши, эркин мулоқатга киришишни ўрганиши энг аҳамиятлиларидир. Зўравонликнинг олдини олишда тарбиянинг ўрни катта экан, ҳар бир болага муносабатда албатта мақтов ва эътибор, маънавий қўллаб қувватлаш зарур.

Зўравонликка учраган ўқувчи мактабда биринчи навбатда устозларига, синф раҳбарига кўпроқ суянади. Шу боисдан, педогог-ходимлар бундай ҳолатда нима қилишни билишлари керак. Буллинг ҳолатини олдини олувчи дастурлар халқ таълими тизимида амалга оширилмоқда, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда, лекин барча мактаб ўқувчиларни тўлиқ қамраб олишнинг иложи йўқ. Мисол учун, зўравонликка учраган болага ота-она ва ўқитувчилар муаммоингни ўзинг ҳал қил ёки чақимчилик қилма каби дошномлар билан чекланиб, жабрланувчига ҳеч ким ёрдам бермайди, уни таъқиб қилган жазосиз қолади. Баъзида эса, ўқитувчилар ҳам ўзлари билмаган ҳолда зўравонлик муҳитини ҳосил қилиб қўяди.

Масалан, умумий ўрта таълим мактабида бир синф раҳбари кеч қолаётган ва вазифани бажармаган болани синф ўқувчиларига ўзлари ўртага олиб чора кўришини тайинлайди. Бу кўрсатмани нотўғри тушунган ўқувчилар топшириқни бажармаган боланиўзлари ноқонуний муҳокама қиладилар (“самосуд”), жисмоний жазолайдилар, ажратиб қўядилар. Бу жабрланувчи психологиясига жуда ёмон таъсир қилади, иккинчи томондан эса, бошқа ўқувчилар тарбиясига ҳам салбий таъсир қилиб, шунақа ҳолатларда ноқонуний, ўзбошимчалик билан бошқаларни жазолаш мумкин экан тасаввур шаклланишига олиб келади. Шундай экан, ўқитувчи ва педогог-ходимларни зўравонлик ва буллинг ҳолатларини олдини олишга доир билимларини ошириб бориш керак.

---

[1]Горлова И.Ю., Кузнецова О.З. Буллинг в образовательных учреждениях // Электронный научно-методический журнал Омского ГАУ. 2019. №S6. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/bulling-v-obrazovatelnyh-uchrezhdeniyah (дата обращения: 10.03.2020).

[2]Қуронов М. Болам бахтли бўлсин десангиз. –Т.: Маънавият, 2014. – 14 б.

“Фарзандларимизнинг қорни тўқлиги таъминлангани билан уларнинг қалби, юраги оч бўлса зўравонлик келиб чиқаверади”[1]. Агар зўравонликка учраган ўқувчи билан лозим даражада иш олиб бориб, зўравонликни содир этаётган ўқувчилар билан ишламасак, бизнинг олиб бораётган ишимиз мукаммал бўлмайди. Бундай зўравон ўқувчини порфилактик рўйхатга олиш, ота-онаси олдида қизартириш, жабрдийда ўқувчидан кечирим сўратиш билан натижага эришиб бўлмайди. Зўравон ўқувчи фаолияти нима билан ўтмоқда, у кимлар билан ўртоқ, оиладаги муҳит қандай каби тезлик билан аниқлаш керак бўлган жиҳатлар, боладаги иқтидор ва қизиқишни аниқлаш, реал мисоллар ёрдамида ундаги салбий иллатларнинг оқибатини тушунтириш ва кўрсатиб бериш мақсадга мувофиқ. Зеро “зўравонлик билан эришилган ҳамма нарса омонат ва сохта”[2] – деган тушунчани зўравонликка мойиллиги бор болаларга етказиш керак.

ИЗУЧЕНИЕ ФАКТОРОВ МОТИВАЦИИ К УЧЁБЕ У СТУДЕНТОВ-МЕДИКОВ

Кушматова Д.Э. *– Преподаватель СамГосМИ*

Указом Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёевым №5847 от 8 октября 2019г. утверждена Концепция развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года. Согласно концепции, основными целями в развитии системы высшего образования Республики Узбекистан определены: повышение качества подготовки высококвалифицированных кадров, развитие человеческого капитала на основе требований рынка труда для модернизации и стабильного социально-экономического развития страны; создание необходимых условий для повышения уровня охвата высшим образованием, подготовки высококвалифицированных, креативно и системно мыслящих кадров на основе международных стандартов, способных самостоятельно принимать решения для реализации их интеллектуальных способностей и формирования в качестве духовно развитой личности; формирование здоровой конкурентной среды, повышение привлекательности и обеспечение конкурентоспособности сферы на международном уровне. Достижение этих результатов в профессиональной деятельности будущих врачей невозможно без осознания самим студентом необходимости приобретения знаний, умений и навыков в медицине, что является мотивацией для студента в приобретении знаний, информации в соответствующей области здравоохранения.

Профессия врача имеет многовековую историю и уходит корнями в далекое прошлое. Несмотря на это, эта профессия до сих пор важна, престижна, интересна для современного социума, ведь от степени компетентности и профессионализма медицинского работника зависит здоровье, а иногда и жизнь людей. Задачи современного образования и общества в целом требуют формирования у выпускников высших медицинских учебных заведений высокого уровня профессиональных знаний, навыков и умений. Побуждение к профессиональному развитию будущих врачей, освоению навыков и знаний во врачебной деятельности, осмысление ее общественной ценности, осознание необходимости и успешной результативности учебной деятельности определяются профессиональной и учебной мотивацией студентов-медиков. Современный уровень профессиональной подготовки будущих врачей характеризуется высокой степенью эмоциональной и интеллектуальной напряженности, направленной на усвоение обширных медицинских знаний, и это в неполной степени содействует формированию у студентов-медиков представления о врачебной деятельности, заинтересованности к ее задачам и содержанию.

Изучение условий развития учебной мотивации, которая обуславливает стремление студентов к достижению высоких результатов и показателей, самореализации в учебной и

[1]Қуронов М. Болам бахтли бўлсин десангиз. –Т.: Маънавият, 2014. – 15 б.
[2]Корчак Я. Дурдоналар. –Т.:Фан технологиялар, 2018. – 82 б.

будущей врачебной деятельности, позволит улучшить и оптимизировать систему профессионального развития и становления будущего врача. Мотивация – побуждение к действию, активность и способность человека, направленная на удовлетворение своих потребностей. Мотивация – психофизиологический процесс, управляющий поведением человека. Изучение учебной мотивации у студентов является актуальным, так как именно мотивация является одним из основных факторов успешного обучения. Знания, умения и навыки, полученные студентами, помогут им добиться желаемых целей и стать компетентными специалистами, востребованными в обществе.

Цель нашего исследования – изучить учебную мотивацию у студентов 3 курса лечебного и педиатрического факультетов Самаркандского государственного медицинского института.

Нами был проведен анонимный опрос на добровольной основе 158 студентов. Опрос проводился по анкете «Учебной мотивации» по Т.А.Новиковой. Анкета включала в себя 20 вопросов. Выборка состояла из студентов в возрасте 20-26 лет, из опрошенных респондентов девушки составляли 35,4% (56 студенток) и парни 64,6% (72 студентов). По семейному положению структура опрошенных была таковой - доля семейных (вступивших в брак) студентов составила 19% и соответственно доля несемейных студентов – 81%.

Почти все студенты (97%) считают, что выбранная ими специальность соответствует их интересам и способностям, что является положительным моментом в нашем исследовании. Решающую роль в выборе профессии сыграли: 1) мнение и рекомендации родителей, родных и близких (42%), 2) личная склонность к определенному виду деятельности («желание помогать людям») (45%), 3) престижность профессии (10%), 4) «мечта детства» (3%). На вопрос: какова цель обучения в институте предпочтения расположились в следующем порядке – получить профессиональные знания по специальности (83%), получить диплом (10%) и затрудняются ответить на данный вопрос (7%). Стремятся улучшить результаты своей учебы большинство респондентов - 153 студента (97%), достаточно хорошо понимают содержание своей будущей профессии подавляющее число опрошенных – 147 студентов (93%).

Планируют дальше продолжить обучение в магистратуре и ординатуре все опрошенные студенты. Черты характера, которыми должен обладать врач по мнению опрошенных, являются высокий интеллектуальный потенциал (50%), личная организованность и дисциплина (32,9 %), кропотливость и усидчивость (8,9 %) и, увы, на последнем месте – коммуникабельность (общительность) (8,2 %). На вопрос считаете ли вы, что по окончанию института получите востребованную и престижную специальность, большинство респондентов ответили положительно (55%), 34% - не уверены в этом и 11% ответили отрицательно. Уверенность в возможности найти в перспективе работу по выбранной специальности имеют по данным опроса 79%, не уверены, но не исключают такую возможность - 17%, вообще не уверены - 4%. Ответы на вопрос: изменилось ли Ваше отношение к профессии врача за время обучения в вузе, распределились таким образом - стало лучше (55%), стало хуже (35%) и не изменилось (12%).

Причинами низкой успеваемости студентов по данным опроса являются: несистематическая работа в семестре (83%), неэффективность аудиторных занятий (10%), завышенные требования преподавателей (7%). Существуют также проблемы, которые уменьшают потребность в мотивации у определённой части студентов. Среди них студенты-медики определяют: недостаточность научной и практической материально-технической базы, качество получаемых знаний, недостаточное внимание преподавателей к индивидуальной работе, большая доля получаемых знаний теоретического характера, продолжительность обучения.

Актуальность этих моментов существует и требует поиска путей их решения. На вопрос, что может способствовать повышению успеваемости студентов приоритеты расположились в следующем порядке: систематическая и плодотворная работа студента на занятии (43%), методические материалы с типовыми задачами и примерами решений (26%),

другое (21%) и постоянное ведение конспектов лекций (10%). Методами поощрения студентов за результаты учебы и участие в общественной жизни являются: повышение стипендии (34%), предоставление «выходных дней» (31%), аттестация по успешно изучаемым предметам «автоматом» (24%) и другие (11%).

Таким образом, было выявлено, что главным мотивом студентов института является мотив стать компетентным специалистом в своей профессии. В результате исследования были определены первоочередные условия, которые, по мнению студентов, будут способствовать повышению их мотивации к учебе:

1) ещё более широкое внедрение и применение информационных технологий и инноваций в обучении;

2) создание условий материального стимулирования студентов;

3) увеличение доли часов практических занятий и приобретение необходимых умений и навыков в процессе обучения;

4) создание здоровой конкурентной среды среди студентов с применением методов поощрения, включая, например, «автоматическую» сдачу зачетов и экзаменов по результатам учебы, стимулирование творческого подхода преподавателями.

На основании данных, полученных в процессе исследования, а также анализа литературы мы пришли к выводу, что общая удовлетворённость студентами медицинских вузов увеличивается в условиях учебно-познавательного и воспитательного процессов, благоприятными взаимоотношениями между однокурсниками, а также преподавателями и руководством факультета, института, чувством удовлетворенности выбранной профессией, здоровьем, бытом, материальными условиями жизни и досугом.

ТАЪЛИМНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИҚТИСОДИЙ СОЦИОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАР

Мамасолиева Ш.А. *– СамМИ,*
“Ижтимоий саломатлик ва умумий гигиена,
экология билан” кафедраси ассистенти

“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм,
энг катта мерос – бу яхши тарбия,
энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”

Республикамизда келажак авлод учун олий таълимни тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва кўникма, шуниндек юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, узоқни кўра оладиган, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бу борада олий таълим тизимини модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш – иқтисодиётимизнинг муҳим вазифаларидан бири хисобланади. Бу борада давлатимизда олий таълим тизимига бир нечта ўзгаришлар киритилди. Жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш,олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз

ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш,олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш шулар қаторидандир[1].

Таълим тизимини ривожлантириш борасида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатадики,республикамизда бир қанча ўзгаришлар олиб борилди. Давлатимиз Президенти Ш.М.Мирзияев томонидан "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ишлаб чиқилди. Бу борада республикамизда таълим борасида олиб борилган ислохатлар кузатуви мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилганлиги, бунинг ҳисобидан келажак авлодимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилганлии маълум бўлди. Шунингдек, республикамизда 2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлаганлиги, олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали ва етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги ҳамда олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинганлиги кузатилди[2].

2020 йилга"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилиши билан биргаликда давлатимиз Президенти Ш.А.Мирзиёв томонидан 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш, шунингдек, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказиш зарурияти ва бу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилганлигини таъкидлади. Жумладан давлатмиз тарихида илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинганлиги, бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этишини айтдилар. Президентимиз бу борада 2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланиши ва 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 141 тага етказилишини мурожатномада қайд этдилар[3].

Иқтисодий социологик кузатувлар ўрганилганда, шуни кўрсататдики республикамизда олий таълим тизимини ривожлантиришда олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиши, бунда таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилганлиги, унга асосан мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилиши маълум бўлди. Республикамизда олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилганлиги,бу борада жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланиши намоён бўлди.

Шунингдек, илм фан тарққиётини ривожлантириш борасида илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш, бунда ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шартлиги кўрсатилган. Ваҳоланки, таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши ҳам олий таълимни прогнозлашда мухим ахамиятга эгадир. Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони, Тошкент ш., 2019 йил 8 октябрь ПФ-5847-сон.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / https://review.uz/oz/.

[3]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / https://review.uz/oz/.

механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак. Буларнинг хаммаси ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда ва унинг самарадорлигини оширишда айнан таълим сохасида ташкилий иқтисодий механизмлардан биридир. Тиббиёт йўналишидаги таълим тизимини тиббий базавий назарий-амалий билимларни оширишда шакллантириш мухимдир.

Президент Фармонига кўра, мамлакатдаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро рейтинглардаги биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига ҳамда Ўзбекистон миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ҳам мақсад қилинган. Президент Фармонида нодавлат олий ўқув юртлар сонини, жумладан давлат-хусусий шерикчили ҳисобига 5 тадан 35 тага етказиш мақсад қилиб белгиланган[1].

2017-2019 йилларда таълим жараёнига 1154 нафар хорижлик юқори малакали педагог ходим ва олим жалб этилди (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар, Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДҲ мамлакатларидан 316 нафар). Олий таълим муассасаларида фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга оширилди [2].

Хулоса қилиб айтганда, давлатимизда таълим тизимини ривожлантириш учун олий таълим билан қамров даражасини юксалтириш, бу борада жахон андозаларидан фойдаланиш, амалдаги малака талаблари қайта кўриб чиқиш, фан йўналишлари ва фан сохалари борасида ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда жаҳон фан тараққиёти ва давлатимизни юксалтириш борасидаги амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилиш, олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйиш, ўқув режаларида асосий урғуни мутахассислик фанлари улушига алоҳида ахамит бериш, талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантириш ва мустақил ижодни уйғотиш, ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар базавий холатини самарали ташкил этиш ва узвий боғлиқлигини намоён этиш, битирувчи мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига жавоб бериши учун хорижий давлатларда тажрибасини оширишни йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш асосий ахамиятга эгадир.

Таълимни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда социологик механизмларни янада такомиллаштириш борасида ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этиш ва талабаларни оғзаки ижодини бахолашни шакллантириш, эркин фикрлашни йўлга қўйиш ва илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият соҳасида: олий таълим муассасалари илмий фаолияти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкиллаштириш, таҳлиллар асосида инновацион ривожланишни прогнозлаштириш фаолияти йўлга қўйиш.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида фан олимпиадаларини ўтказишнинг шаффоф механизмлари жорий этиш иқтидорли ёшлар орасидан олий таълим муассасаларига талабаларни саралаб олиш механизмлари яратиш, олий таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш мухим хисобланади.

[1]Ўзбекистон: Олий таълим қамрови даражасини Мирзиёев 50 фоизгача ошира оладими? / https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan. Ўзбекистон: Олий таълим қамрови даражасини Мирзиёев 50 фоизгача ошира оладими?

[2]Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси / https://tma.uz/

АҲОЛИНИНГ ЗАИФ ҚАТЛАМЛАРИ – НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Толибов Б.Х. *– ФарДУ*
таянч докторанти

Оилаларда саломатлик даражаси ва оиладаги ижтимоий-гигиеник ҳолатни илмий таҳлил қилиш қай даражада долзарб бўлса, ногирон болани тарбиялаётган оила саломатлиги, ижтимоий-тиббий-гигиеник ҳолати, ногирон болаларни соғломлаштириш, реаблитация қилиш ҳамда коррекцион-педагогик ишларни оилада такомиллаштириш ҳам бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан яна бири, айнан таълим билан қамраб олинмаган ногирон болаларни таълим ва тарбия билан қамраб олиш, уларнинг бундай жамиятда ажраб қолишининг объектив ҳамда субъектив сабабларини аниқлаш ва муаммоларни бартараф этишдир.Халқ таълими вазирлиги тасарруфида бугунги кунда республикамизда кўплаб махсус мактаб ва мактаб интернатлар фаолият юритади.

Давлат қонунчилиги ота-оналар ҳоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда, болаларни уйда таълим-тарбияга жалб этиш ҳақида ҳам бош қотиради, хусусан ногиронлиги бўлган болаларни уйда якка тартибда таълим дастури асосида ўқитилади. Шунингдек, Фарғона вилоятида 2020 йил феврал ҳолатига кўра 3 та “Мурувват” уйлари, 1 та “Саховат” уйлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Албатта, оилада тинчлик ва саломатлик бу бир саодат, агар оилада фарзанд саломатлиги билан боғлиқ муаммо юз берса, ота-она мушкул аҳволга тушади. Туғилган болада аниқ фиизологик ёки ақлий заифлик бўлса, она унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни ярата оладиган биринчи инсон ва фақатгина чидам, тушуниш, болага меҳр, муҳаббат билан унга ёрдам бера олади, шу билан биргаликда уни келажакда таълимга йўналтира олади ва энг муҳими унинг “Мурувват” уйига тушиб қолмаслигига виждонан эриша олади. Лекин, бунинг учун у ўз устида ишлаши ва боласини чуқур ўрганиши зарур.

Ота-она тушкунлик ҳолатига тушганда эса ҳар қандай фаолиятга қисқа муддатга бўлса ҳам қизиқиши сўнади. Одамлардан қочишга, эски қадрдонлари билан алоқани узишга ҳаракат қилишади. Айнан шундай ҳолатда оналарга касал бола билан қандай мулоқот қилиш уни бошқариш масаласида ёрдам керак бўлади.

Бугунги кунда ногирон боласи бор оилаларни жамиятимиз, маҳалла аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, ногирон фарзанди бор оилаларнинг ўзига хос руҳий-эмоционал кечинмалари борки, бу оилалар кўп ҳолларда табиийки, ногирон фарзандлари туфайли ўз иш жойларидан ажраладилар ёки воз кечадилар, жамоат ишларида фаол иштирок эта олмасликлари, ўзларини четга олиб ажралиб қолишларига олиб келади. Бундан ташқари, кўп ота-оналар ногирон фарзандлари борлигини яширишга ҳаракат қиладилар. Баъзи ҳолларда эса фарзандлари мактаб ёшига етгач, мактабга юбормаслик ҳолатлари ҳам учраб туради.

Натижада, бундай болалар ҳеч қандай таълим билан қамраб олинмайди. Яна кундалик ҳаётда ногирон болаларидан умуман воз кечиб, “Мурувват” уйларига ёки меҳрибонлик уйларига топшириб юборадиган оилаларни ҳам учратамиз.

Аслида ногирон бола жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида бошқа болалар каби таълим олишга тўла ҳақли экан, бу борада айниқса ота-оналар манфаатдор эканликларини ҳар лаҳза ёддан чиқармаслик жуда муҳимдир. Бундай оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш лозим.

Айниқса, ногирон фарзанди бор ота-онага уйидан узоқ бўлмаган жойда иш ўринлари ташкил этиб берилса, бизнингча бундай оилаларга кўрсатилган энг мурувватли ёрдам ҳисобланар ва бу ҳол ногирон боланинг мурувват уйига тушиб қолмаслигини ўзига хос тарзда таъминлашга ёрдам берадиган муҳим омиллардан бири бўлар эди.

“Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелекьуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларидан хеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” – деб таъкидлайди Президентимиз Ш.Мирзиёев[1].

Ҳаракатлар Стратегиясида белгшилаб берилган вазифалар асносида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди[2].

Мавзуни ўрганиш юзасидан Фарғона шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказилди. Олиб борилган тадқиқотнинг мақсади айни вақтда имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг қизиқишлари, шунингдек уларни ўз қизиқишлари доирасида мутахассисликларга йўналтирилганлиги, ахборот технологияларидан хабардорлигини аниқлашдан иборат эди. Сўровномада жами 105 нафар респондент иштирок этди, шундан уларнинг 51 нафарини ўғил болалар, 54 нафарини қиз болалар ташкил этди.

Мазкур касб-хунар коллежининг 70 нафар ўқувчилари Фарғона вилоятининг турли туман ва шаҳарларидан келишган бўлса, 35 нафар ўқувчилар бошқа вилоятлардан келиб таълим олишаётганлиги маълум бўлди.

2019-2020 ўқув йилида Фарғона шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежида жами 7 та йўналиш бўйича ўқувчилар касб-хунарга тайёрланмоқдалар.

Жумладан, коллежда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, “Тикувчилик”, “Компютер технологиялари”, “Косибчилик”, “Радио-техника”, “Чеварчилик”, “Кутубхона иши” йўналишларида Республикамизнинг турли худудларидан келган ўвувчилар таълим олмоқдалар.

Маълум бўлишича, коллеж ўқувчилари ўртасида энг кўп қизиқиши “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналишига бўлаётан экан. Коллежда ёшларнинг таълим олишлари учун қулай шароитлар яратилган, ўқувчилари учун спорт майдончалари, ювиниш овқатланиш хоналари фаолияти талаб даражасида. Шунингдек, уларнинг дарсдан ташқари вақтларида турли йўналишларда тўгараклар ташкил этилган.

Тадқиқот давомида мазкур имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежида ўқиш истагида келган ногиронлигиги бўлган ёшлар таълим муассасасидаги мавжуд йўналишлар билан кифояланишга мажбур бўлаётганлиги, шунингдек уларда тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув фанларида эҳтиёж борлигига гувоҳ бўлдик.

Ҳақиқатдан ҳам ногиронлиги бўлган шахсларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сабоқларини бериш фойдадан холи бўлмайди.

Келажакда улардан ҳам турлича инновацион йўналишларда тадбиркорлар чиқиши мумкин. Шу орқали уларнинг бандлигини таъминланиши, шунингдек ўша ногиролиги бўлган шахс ўзи таҳсил олаётган мутахассислик асосида савдо ёки хизмат кўрсатиш бўйича бизнес юритиши эҳтимоли юқори.

[1]Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз. –Тошкент. Ўзбекистон, 2016. 14-бет.

[2]Толибов Б.Х. Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари. ЎзМУ Хабарлари. –Тошкент, 2018 йил. 327-бет.

ЁШЛАРДА ТАЬЛИМ ВА ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ КАФОЛАТИ

Рашидова Ш.Б. *– ЎзМУ Социология кафедраси ўқитувчиси*
Исроилова Ч.И. *– ЎзМУ Социология йўналиши талабаси*

Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши, икки дунё саодатига эришиши, юртининг тараққиётига ҳисса қўшиши ва шу ватанга муносиб бир фарзанд бўлишини таълим-тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни биз қушнинг икки қаноти бўлмаса осмонга кўтарилиб, кўкларга парвоз қила олмаганига қиёсласак бўлади. Шунинг учун ҳам бизда таълим-тарбиянинг бир-бири билан узвий боғлиқлигига ва фарзандни камол топтиришда бу икки нарсани уйғунликда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Таълим-тарбиянинг ўртасида очиқ-ойдин фарқ бор. Таълим, тарбиянинг бир жузъи. Тарбия эса таълимни ўз ичига олади, аксинча эмас. Демак, тарбия ўз-ўзидан таълимга нисбатан комил ва кенг қамровлидир. У эса ақлни ривожлантиради ва сайқаллаштиради. Натижада у ўз ҳаётида керак бўладиган илму маърифатни ашёлар тўғрисидаги турли маълумотларни, касбий маҳоратини ёки касб-ҳунарларга тегишли бўлган фанларни ўрганади. Лекин, тарбияга ўхшаб кенг қамровли бўла олмайди. Чунки, таълим инсонни руҳий, ақлий ва жисмоний тарафларини бирдек қамраб ололмайди. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия доимо бирга бўлиши талаб этилади.

Ҳасан Басрий айтадилар: “Кимники одоби бўлмаса, унинг илми йўқ”. Уларнинг бу сўзлари, инсон қанча илмга эга бўлмасин, агар унда одоб бўлмаса ўша инсонни илмига эътибор йўқ деганидир.

Ҳикматларда: “Одоб бамисоли бир дарахт. Илм эса ундаги бир мева. Агар дарахт бўлмаса, мева қаердан ҳам бўлсин”, деб айтилиши ҳам бежиз эмасдир. Агар аҳамият берилса, ҳикматларда аввало тарбия кейин таълим ҳақида сўз боради. Тарбия энг аввал оиладан бошланишини ҳисобга олсак, инсон ҳаётида таълим ва тарбия олиш масаласида ота-она масъулдир.

МИГРАЦИЯНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИДА ОИЛА ВА БОЛАЛАР ДУЧ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Таджиходжаева О. *– Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази бош мутахассиси*

Инсон борки бу ҳаётда яхши яшашни, тўкин ва фаровон ҳаётни орзу қилади.Бу каби мақсадларга етишиш учун кимдир ўз ватанида ишлайди ва тирикчилик қилади. Яна кимдур ўзга юртларда яшаб, оиласи ва фарзандларидан узоқда, мусофирчиликда меҳнат қилиб пул топади. Мигрантлар ва миграция масаласи бугунги кунда катта баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб, бутун дунё муаммосига айланди. 2019 йил 18 сентябрьдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизматининг берган маълумотида юртимизда 2,6 млн. нафар киши хорижий мамлакатларга ишлаш учун чиқиб кетганлиги маълум қилинган[2].Бу рақамлар бугунги глобаллашув даврида миграция масаласи кучайиб бораётганлиги, айниқса, ўзга юртга ишлаш учун кетган ота-оналар томонидан уйда қолдирилган вояга етмаган болаларнинг таълим-тарбияси, хавфсизлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада кучайтириш муҳим эканлигини англатмоқда.

Миграция таъсиридан жабрланаётган оилаларни аниқлаш, миграциянинг салбий оқибатларини чуқур ўрганиш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, болаларни қаровсиз қолдириш масалаларини назоратини кучайтиришга қаратилган ишларни олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва ЮНИСЕФ, Европа Иттифоқи кўмагида, миграция таъсиридан болаларни ҳимоялаш бўйича лойиҳа ишга туширилган.Мазкур лойиҳа Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган бўлиб, "Жанубий-шарқий, жанубий ва Марказий Осиёдаги миграция таъсирига учраган болаларни ҳимоя қилиш" лойиҳаси деб номланган.

---

[1] Рахматова Д. Женская доля и роль: чего не хватает Узбекистану для гендерного равенства [Электронный ресурс]. - Режим доступа: https://uz.sputniknews.ru/analytics/20181107/9900246/Zhenskaya-dolya-i-rol-chto-ne-khvataet-Uzbekistanu-dlya-gendernogo-ravenstva.html.

[2]Миграциянинг фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этаётганлигини чуқур англаш ва унинг олдини олиш мақсадида тегишли ташкилот вакилларига ота-она қаровисиз қолган болалар ҳақида ўз вақтида маълумотни тақдим этиш.

Ҳозирда мазкур лойиҳа доирасида Бухоро, Фарғона, Сурхандарё ва Хоразм вилоятларида миграциянинг салбий таъсиридан жабрланаётган оилалар ва уларнинг болаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳар, Янгибозор ва Хазорасп туманларида миграциянинг салбий таъсиридан азият чекаётган оила ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламда амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, 2019 йилнинг май-декабрь ойларида **91** нафар болалар тарбияланаётган **55** та оиланинг ижтимоий ҳолати ўрганилди. Ушбу оилаларга психологик, ижтимоий, тиббий, таълимий, ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатлар ишлари, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш ҳамда тўғри йўл кўрсатиш ишларида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтш жоизки, муаммони ҳал этиш ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида ҳамкорликдаги ишларга алоҳида эътибор берилди. Миграциянинг салбий таъсиридан жабрланган оилалар ва болаларнинг мавжуд муаммоларига амалий ечим излашда Хоразм вилояти ҳокимияти, хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар иттифоқи, васийлик ва ҳомийлик органи, маҳалла фуқаролари йиғини мутахассисларини ва бошқа ташкилотларни жалб этиш орқали биргаликда амалий ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилди.

Иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилаш учун бошқа мамлакатларга ишлаш учун кетаётган ота-оналарнинг аксарияти вояга етмаган фарзандларини асосан яқин қариндошларига бобо ва бува, амма, хола, тоға ва бошқалар зиммасига қолдириб кетадилар. Шу ўринда айтиш мумкинки, ўзининг оиласидан ёки фарзандларидан вақт орттириб, қолган болаларнинг таълим-тарбияси ва моддий таъминотини зиммасига олиш, уларнинг назорати билан шуғулланишнинг ўзи яқин қариндошлар учун ҳам масъулиятли ва жиддий масала ҳисобланади.

Ўрганишлар жараёнида миграциянинг салбий таъсиридан азият чекаётган оилалар ва болалар дуч келаётган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- вояга етмаган болалар ота-она меҳрисиз улғаймоқда, болалар катталарнинг меҳрига ва руҳий қўллаб-қувватланишга муҳтождирлар;
- болаларга қонуний вакил белгиланмаганлиги сабабли улар қаровсиз ва назоратсиз қолмоқдалар;
- баъзи ота-оналар фарзандлари олдидаги мажбуриятларини бажармайдилар;
- баъзи ота-оналар ҳатто фарзандининг аҳволи билан қизиқмайди, қўнғироқ ҳам қилмайди;
- назоратсиз қолдирилган болаларнинг тарбиясида салбий ўзгаришлар бўлиб, оқибатда болалар бахтсиз холатларга ва ҳуқуқбузарликка қўл урмоқда;
- ўсмирлик ёшидаги болаларда катталарга нисбатан тақлид, уларда ҳам чет давлатларига бориб ишлаш истаги йўқ эмас;
- баъзи ота-оналар фарзандининг таълим-тарбиясини мактаб ёки қариндошлар зиммасига ташлаб қўйганлар;
- хорижга ишлаш учун кетган баъзи ота-оналар ўзларининг эҳтиёжларидан орттириб фарзандларига ортиқча пул жўнатолмай қийин вазиятларга тушган ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Санаб ўтилган ушбу салбий ҳолатлар вояга етаётган болаларнинг ҳаётини издан чиқишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги мулоқотнинг камлиги ёки йўқлиги, фарзандининг таълим-тарбиясида иштирок этмаслик ҳолатлари эса ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлардаги бузулишларга сабаб бўлади. Шундай ота-оналар ҳам борки фарзандидан узоқдалиги сабаб, унинг барча ҳохиш истакларини сўзсиз бажарадилар ва катта-катта вадалар берадилар. Ота-онанинг бундай ҳатти-ҳаракатини сезган бола ўз талабини янада оширишга ўринади.

Натижада ота-онанинг бола кўнглига қараб муносабатда бўлиши ва барча истакларини муҳайё қилиш бола тарбиясининг бузулишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, айрим болаларда ота-онасининг кучли соғиниши натижасида стресс (асабий таранглик), ва бошқа нохуш ҳолатлар ҳам кузатилганлигини гувоҳи бўлганлигимизни

айтишимиз мумкин. Ушбу ҳолатлар вояга етаётган боланинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар дея белгилаб қўйилган. Ушбу модданинг моҳияти шундаки, ҳар бир ота-онанинг зиммасидаги асосий фазифа бу фарзанд тарбияси бўлиб, унга жиддий эътибор қаратиш тушунилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанада сўзлаган маърузасида ҳам ёш авлод таълим-тарбияси ва унда ота-оналарнинг вазифалари хусусида алоҳида тўхталгани бу масала ҳақиқатан ҳам «ё ҳаёт ё мамот» масаласи эканлигини англатади[1].Айниқса, маърузадаги «Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим»деган сўзлари жуда чуқур мазмун-моҳиятни ўзида мужассам этади.

Ота-она ўз боласининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт эканлиги Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 73-моддасида белгилаб қўйилган[2].Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасининг ғамхўрлигидан фойдаланиш, ҳамда улар билан яшаш ҳуқуқига эга. Ота-оналарнинг ишлаши ёки ўз оиласидан узоқдалиги боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47-моддасида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган[3].Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ота-онларнинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини янада ошириш ва фарзандлари тарбиясига масъулиятсизлик билан қараган ота-оналарга нисбатан чоралар кўриш лозим.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, миграциянинг салбий таъсирига дуч келган оила ва болаларнинг муаммоларини ўрганиш, унинг ечимини излашга доир ишларни янада кучайтириш айниқса, болаларни зўравонликдан ҳимоялаш, уларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишини таъминлаш ва ҳар бир бола ўз ота-онаси бағрида тарбияланиши учун имкониятларини кенгайтириш муҳим чоралардандир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш ва олдини олишда қуйидаги таклиф ва тавсияларга эътиборни қаратиш лозим:

1. Миграциянинг фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этаётганлигини чуқур англаш ва унинг олдини олиш мақсадида тегишли ташкилот вакилларига ота-она қаровисиз қолган болалар ҳақида ўз вақтида маълумотни тақдим этиш;

2. Ота-оналар билан фарзандларини тарбиялаш ва боқиш учун масъул эканлиги тўғрисидаги ҳуқуқий мажбуриятларини англаб олишлари учун тушунтириш ишларини олиб бориш (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, хавфсизлиги, таълим-тарбияси ва бошқалар);

3. Фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарни аниқлаш ва улар билан ишлаш;

4. Оилаларни қўллаб-қувватлаш марказлари, васийлик ва ҳомийлик органлари ва ННТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарур;

5. Оила аъзоларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш лозим;

6. Хорижга ишлаш учун кетаётган ота-оналарнинг кетиши сабабини аниқлаш ва профилактик ишларни кучайтириш;

7. Узоқ вақт ота-онасини курмай вояга етаётган болаларни аниқлаб, улар билан психологик, ижтимоий ва таълимий ишларни олиб бориш;

[1]Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабулқилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси;
[2]Ўзбекистон Республикаси "Оила" Кодекси 1998й;
[3]Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс 1994й.

8. Ишсиз ва иш излашда қийинчиликка дуч келаётган фуқаролар билан якка тартибда ишлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ва давлатимиз томонидан яратилаётган шароитлар ва борасидаги маслаҳат бериш ишларини кучайтириш.

ИЗУЧЕНИЕ ЖЕНСКОЙ ГЕНДЕРНОЙ СУБКУЛЬТУРЫ ЧЕРЕЗ КОГНИТИВНЫЙ ПОДХОД

Набиева З.А. *– докторантка (PhD) НУУз*

В условиях современной глобализации социально-экономические и политические изменения, происходящие, как и во всём мире так и в нашей стране, не обходят стороной научные сферы жизни. Следует отметить, что сегодня наша страна старается двигаться к целям построения демократических институтов в обществе. И одним из таких институтов является гендерное равенство.

В данном тезесе представлена попытка изучения гендерной субкультуры женщин с помощью когнитивного подхода. Что такое гендер?

Термин «гендер» был введён в научный обиход в 1960-х году американским психологом Р.Столлером. Он одним из первых разграничил понятия «биологический пол» и «социокультурный пол»[1]

Р.Столлер считал, что понятие гендера имеет больше психологическое и культурное значение, чем биологическое. Если пол подразделяется на мужской и женский, то понятию гендера соответствует деление на маскулинные и фемининные свойства, которые могут быть совершенно независимы от (биологического) пола[2]. Это деление принято и в современной литературе.

Таким образом, термин «гендер» относится к социальным и культурным различиям в поведении мужчин и женщин, а также к социальному восприятию женственности и мужественности, в то время как «пол» относится к биологическому определению различий между мужчинами и женщинами (анатомических, физиологических).

В современной науке «разнообразие культурных теорий объясняется разнообразием исследовательских задач, и все они имеют право на существование”[3]

Одним из эффективных и перспективных направлений в изучении гендерной субкультуры женщин является когнитивный подход. Он является относительно новой областью исследований в социальной психологии. Женская субкультура понимается как объект социально-психологического исследования, в связи с чем необходимо определить ее место в культуре как более сложного структурного образования.

В широком смысле женская субкультура, как отмечают Ю.Е.Алешина, П.И.Гнатенко, Ш.Берн, О.Вейнингер и В.В.Кочетков, является частью основной культуры, которая обладает уникальными ценностями, мировоззрением, характеристиками, поведенческим содержанием и образом жизни женщины в систематических отношениях со всей культурой.

Если следовать когнитивному подходу, то согласно российскому ученому М. Соколову, культуру можно понимать, как набор ментальных систем, присущих большинству общества, а субкультуру - как один из возможных культурных вариантов: «Каждая субкультура содержит набор правил, которые позволяют вам решать все, что вы можете выбрать.

Если у них нет удовлетворительного выбора, они должны что-то придумать»[1].

---

[1] Слюсаревский Н.Н. Субкультура как объект исследования / Н.Н. Слюсаревский // Социология: теория, методы, маркетинг. – 2002. – № 3. – С. 117 – 127.

[2] Stolker R.J. Sex and Gender. The Development of Masculinity and Femininity. – London, 1984.

[3] Слюсаревский Н.Н. Субкультура как объект исследования / Н.Н. Слюсаревский // Социология: теория, методы, маркетинг. – 2002. – № 3. – С. 117.

С точки зрения Г.М.Андреевой, В.П.Трусова, П.М.Шихирева, А.В.Юревича особый интерес представляют традиционное представление женской субкультуры как социального объекта знания, а также кодирование данных, полученных с помощью когнитивной науки. Как указывали У.Найссер, Д.Норман женские субкультуры могут проявляться в «ментальных» репрезентативных формах, которые включают семантические сети, категориальные структуры и концепции.

Известный исследователь тем пола и гендера И.С.Кон считает, что в социальном восприятии субкультуры женщины существует «логика», которая отражает единство и причинность ее логического представления. Логика - это семантически завершенные лексико-синтаксические структуры, которые являются формами выражения субкультуры, например, «если женщина дома, там больше порядка», «если женщина хочет, она делает невозможное возможным», «если ребенок в опасности, тогда женщина сможет сделать что угодно ради его спасения".

Для И.С.Кона важным компонентом социального познания женской субкультуры является субкультурная идентичность женщины. Это подразумевает четкий культурный статус, включая стиль поведения, выполняемые роли и функции, предпочтительную еду, гендерные отношения и так далее.

В результате исследований по субкультурной идентичности женщин сделаны определенные выводы. Они касаются соблюдения женщинами обычаев, владения принятыми методами ведения домашнего хозяйства, установления традиционных межличностных отношений, учета поддерживаемых ценностей, обычаев и ритуалов, а также представительства женщин в других культурах. На этом основании делается вывод, что женщина - это «она», то есть принадлежащая к определенной женской субкультуре, или «незнакомая», то есть соответствующая другим культурным нормам.

Говоря о субкультуре женщины в современных условиях, необходимо подчеркнуть некоторые ее особенности. Многим ученым кажется, что женская субкультура является определенной стадией развития, через которую должен пройти каждый, и ее суть заключается в поиске социального статуса.

По утверждениям В.С.Агеева, Т.М.Афанасьевой и Н.А.Коваля появившаяся в обществе либеральная система ценностных ориентаций, с одной стороны, создает новые возможности для самореализации женщин и раскрытия «я».

С другой стороны, условия жесткой конкуренции, традиционная дискриминация женщин в основных сферах жизни, доминирование «мужской культуры» серьезно ограничивают раскрытие их потенциала.

Результатом знакомства женщины с социально установленными нормами, ценностями и формами поведения может быть отклонение от общепринятых ценностей и, наоборот, их идеализация.

Таким образом, традиционные семейные ценности теряют свое прежнее значение. По мнению современных исследователей, с одной стороны, среди женщин широко распространены альтернативные формы брака: гражданский, экстерриториальность и т. д., что приводит к увеличению числа внебрачных детей. Семья, с другой стороны, сегодня теряет свою первостепенную роль для некоторых женщин как яркий пример социализации: они не хотят копировать семейную жизнь своих родителей, они берут это за образец.

Отсюда делается вывод, что жизненные ценности и чаяния женщин, на которые влияют социально-культурные факторы меняющегося общества, образуют особую субкультуру, требующую своего изучения.

---

[1] Соколов М. Как писать этнографию молодежной субкультуры / М.Соколов // http: // www. countries.ru /library/typologu/sokolov.doc.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Рашидова Ш.Б. *– ЎзМУ, Социология кафедраси ўқитувчиси*

Маьлумки, дунёда бир улуғ зот бор – бу инсон. Инсонларнинг ичида янада улуғроғи – бу аёлдир. Аёл зоти нозик дидли, нозик табиатли, нозик қалбли зотдир. У ўзининг нафис ва пок қалбли, назокати ва гўзаллиги билан бу табиатни безайди, эркак зотини забт этади. Эркакларнинг соғлиғи, бақуватлиги ақли-заковати, марду-майдонлиги, она Ватанни ҳис қилиши, миллат ва ўзликни таниши, барча-барча ҳиссиётлари аёл туфайлидир. Зеро уни аёл туққан, оқ сут берган ва тилга ўргатган аёлдир. Аёл зотининг ўрни ва роли биздан олдинги ўтган барча доноларнинг китобларида тўла баён этилган. Аёл ва унинг жамиятдаги роли ва ҳуқуқлари барча диний китобларда ҳам очиқ ва равон ёзилган.

Ўтмишда ота-боболаримиз хотин-қизларни эьзозлашган ва она зотини биринчи ўринда кўришган. Она ҳадису шарифларда у дунё ва бу дунё жаннатининг калити ҳисобланади. «Жаннат оналар оёғи остидадур» дейилади, ҳадисларнинг бирида. Аёллар ҳурмати ва мавқеини кўтариш борасида ҳадису шарифлар, асарлар ва лойиҳалар жуда кўп. Дунёнинг 5та қитьасида жойлашган давлатларнинг ҳар бирида ўзига хос ва мос қонунлар ва қадриятлар яратилганким, улар аёл ҳуқуқи ва қадрини кўтаришга қаратилган.

Қонунлар, қадриятлар ва маданиятлар орқали инсонлар бу соҳада анча ютуққа эришганлар. Аммо шунга қарамасдан ўтган ва ҳозирги жамиятда аёлларнинг камситилиши, хўрланиши кўпроқ кузатилмоқдаким, бу гендер муаммосига айланди. Натижада хотин-қизларнинг таьлим олиш даражаси, соғлиғи ва турмуш даражаси эркакларникига нисбатан анча пасайиб кетди, бундай ҳолни исботловчи фактлар ва рақамлар жуда кўплаб топилади.

Хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги мавқеини доимо ошириб бориш, аёлларга оналик ва болалик ҳуқуқини бериш, уларга таьлимнинг барча эшикларини тўла очиб қўйиш, раҳбарлик лавозимларини кўпроқ эгаллаш ҳуқуқини бериш, соғлиғини сақлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ҳам катта ислоҳотлар ва амалий ишлар Юртбошимизнинг шахсан иштирокида олиб борилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида бешта устувор йўналиш белгиланган[1]. Президентимиз томонидан инсон манфаатларини таъминлаш, унинг қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари белгиланган. Яъни, шахс, давлат ва жамият узвийлигини таъминлаш биринчи ўринга қўйилган. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш масаласига ҳам кенг урғу берилган.

Ҳозирги даврда республикамизда 36 миллионга яқин аҳоли яшаса, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 58,5 фоиз[2] дан кўпи зиёли хотин-қизлардир. Хотин-қизлардан жамиятнинг янги ижтимоий қатлами – тадбиркор, ишбилармон, фермер ва менежерлар етишиб чиқиб, улар республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Аёллар миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатда барқарорлик ва тинчликни таъминлаш борасида фаоллик кўрсатмоқдалар. Аёлларда фуқаролик масъулиятини ортиб бораётгани, айниқса аҳамиятлидир. Аёлнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, унинг фаоллигини оширишда қуйидагилар муҳимдир:

- фуқаролик фаолиятининг доимий равишда қўллаб-қувватлаб борилиши;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент, 2017. – 7 февраль.

[2] Демографический ежегодник Узбекистана. – Ташкент.: Госкомстат, 2016. – 65 с.

- уларда мустақиллик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғусини шакллантириш;

- чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятнинг таркиб топтирилиши, миллий қадриятлар ва урф-одатларнинг улар онгига сингдирилиши;

- бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик, тадбиркорлик, ижодкорлик ва ташаббускорлик хислатларининг барқарорлашуви ва бошқалар.

Таълим ислоҳотлари ҳам хотин-қизлар фаоллигини оширишни талаб этади. Айниқса, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, замонавий билимлар беришни босқичма-босқич амалга ошириш аёл зиммасига энг муҳим вазифани юклайди. Буларсиз аёл жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлмайди.

Алоқа воситалари ҳамда компьютер техникаси ёрдамида тезкор ахборот оқимини узатишда ҳам хотин-қизлар муҳим ўринга эгалар. Бироқ, хотин-қизлар ҳаётининг оммавий ахборот тизимида тўлиқ ёритилмаётганлиги аёл қадр-қимматини ошириш имкониятларини чеклаб қўяди. Бу эса ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида қатнашиш учун хотин-қизларни муайян кўникма ва малакаларга эга бўлишларига эришишни тақозо этади.

Мустақиллик шарофати билан олиб борилган статистик ва социологик таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда хотин-қизлар муаммоси биринчи даражали муаммолардан бўлиб қолмоқда. Маьлумотларнинг кўрсатишича, хотин-қизларимизнинг 70% дан ортиғи турли хил касалликларга, айниқса, анемия касалига учраган, уларнинг 30% дан кўпроғи доимий ва унумли иш жойига эга эмас, зиёли ва олима аёлларнинг улуши ҳам кўп эмас, ҳокимият, вазирликлар ва ижтимоий ҳаётда ҳам уларнинг раҳбарлик иштироки талаб даражасидан паст.

Ўзбек хотин-қизларининг чет элга ишга кетаётганлиги (асосан оғир ва қора ишларга) ва мардикор бозорларидаги иштироки миллатимиз учун аянчли ва шармандали аҳвол эканлигини англаш қийин эмас. Хотин-қизлар тирикчилик дардида ўзларини барча оғир ишларга, ҳаттоки ўзини ўзи ўлдириш, террористик ишларга, фоҳишабозлик ва савдо-чайқов ишларига мажбур қилмоқдалар. Бозордаги савдогарларнинг деярлик 60-70% аёллардир.

Умуман олганда, давлатимиз хотин-қизлар равнақи учун қилаётган жуда катта ишларига қарамасдан, баъзи ўзбек аёлларининг ҳозирги аҳволи замон талаби даражасидан анча йироқ бўлиб қолмоқда.

Республикада фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар қўмиталари, хотин-қизлар уюшмалари, марказлари ва нодавлат жамғармалари фаолияти билан танишиш, шунингдек, «Соғлом авлод» ҳамда «Она ва бола» Давлат дастурларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда шу хулосага келдикки, айни вақтда хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Булар:

- муайян ижтимоий-иқтисодий тузумдан янгича, демократик бошқарувга ўтаётган мамлакат ва жамият учун хотин-қизлар муаммосини демократик ва инсонпарварлик ғоялари нуқтаи назаридан ҳал этиш бўйича илмий мажмуаларнинг мавжуд эмаслиги;

- хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ахборотлар ва ишланмаларнинг етарли эмаслиги;

- хотин-қизларнинг жадал фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида бир қатор камчиликларнинг мавжудлиги.

Шу ўринда хотин-қизлар фаоллигини социологик усуллар ва технологиялар ёрдамида тадқиқ ва таҳлил қилиш йўли билан қуйидагича масалаларни ечиш зарурдир:

- мажмуавий социологик тадқиқот дастурини яратилиши;

- хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеини социологик сўровнома орқали ўрганиш;

- хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳолатини ва уларга нисбатан бўлаётган турли-хил тазийиқ ва чеклашларни социологик усуллар ёрдамида ўрганиш;

- хотин-қизларнинг таьлим ва илм бўйича салоҳияти ва ҳолатини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

- хотин-қизларнинг меҳнатга муносабатлари ва моддий томонларини ўрганиш;

- хотин-қизларнинг соғлиғи ва турмуш даражасини социологик тадқиқ қилиш;
- хотин-қизлар фаоллигини оширишда уларнинг ижтимоий фикрларини ўрганиш;
- хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишнинг омиллари ва йўлларини яратиш;
- хотин-қизлар фаоллигини оширишнинг омилларини акс эттирувчи рисолалар чоп этиш ва уни бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйича тарқатиш.

Аниқ маълумотлар асосида рисола яратиш ва уни маҳаллалар орқали бутун мамлакат ҳудудига тарқатилса, бу рисола маҳалла қошидаги хотин-қизлар қўмитаси фаолияти учун асосий дастурий амал бўлиб хизмат қилади.

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш натижасида қуйидаги ютуқларга эришиш мумкин:

1. Хотин-қизларнинг сихат-саломатлиги мустаҳкамланади.
2. Хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеи янада мустаҳкамланади.
3. Гендер муаммосининг аста-секин ечим топишига олиб келади.
4. Хотин-қизларнинг меҳнат фаолияти фаоллашади.
5. Хотин-қизларни камситиш ва эзиш ҳолатлари камайиб боради.
6. Хотин-қизларнинг турли хил диний оқимларга кириши, террорда иштироки камаяди.
7. Хотин-қизларнинг ўртача умри аста-секин ортиб боради.
8. Оилада психологик муҳит яхшиланади, бола тарбиясига эътибор ортади, эр-хотин муносабати яхшиланади.
9. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа салбий ҳолатлар камаяди.
10. Хотин-қизлар ўртасида ишбилармонлар, зиёлилар кўпайиб боради.
11. Хотин-қизларнинг миллий истиқлол ғоясига ва миллий мафкурага нисбатан ҳурмати ортиб боради.
12. Хотин-қизларнинг маънавий, маърифий, сиёсий ва маданий савияси ошиб боради.
13. Хотин-қизларни соғлом, маданиятли, маърифатли, илмли, ишблармон, ватанпарвар қилиб тарбиялашнинг жуда катта ижобий оқибатлари кузатилади.

Аввало, баркамол, соғлом, меҳнатсевар, ватанпарвар, билимли авлод шаклланади. Мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик вужудга келади. Мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги мавқеи янада ошади.

КЕКСАЛИК МАҚОМИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Заитов Э.Х. *– ЎзМУ доценти*
Рохаталиев М.М. *– ЎзМУ магистри*

Геронтология муаммоларининг тадрижий ривожланишини фақат тарихий-демографик ва этнографик фанлардаги қариликка оид тадқиқотларга асосланган ҳолда тавсифлаш мумкин. Бундай тадқиқотлар илк бор XX асрдагина амалга оширилди. Геронтология муаммоларининг тадрижий ривожланиш жараёнини ўрганиш борасидаги тажрибани таҳлил қилиш ва ижтимоий ҳаётнинг геронтология тармоғидаги ҳолатга баҳо бериш кексаларнинг ижтимоий мақоми ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради[1].

Тарихий-этнографик фанларда аҳолининг ёш таркибини ўрганишга оид тадқиқотлар турли тарихий даврларда аҳоли умрининг узунлигини ўрганиш билан узвий боғлиқ бўлган. Бу кўрсаткич инсон ҳаётининг ёш чегаралари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради, шунингдек, муайян жамиятнинг ривожланиш босқичи, унинг маданий мақоми, иқтисодий қудрати, сиёсий тизими, урбанизация даражаси ҳақида анча муфассал маълумот бериши мумкин. Аҳоли умрининг узунлик кўрсаткичи, ўлим даражаси ва туғилиш

[1]Александрова М. Проблемы социальной и психологической геронтологии. – М.: Владис,1997. – С. 350.

коэффициенти билан бир қаторда, демографик ривожланиш босқичининг ишончли индикатори ҳисобланади.

“Демография” тушунчаси юнонча “демос”– халқ ва “графейн”– ёзмоқ сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “халқ тавсифи” деган маънони англатади. Роланд Пресса демографияни “ижтимоий, иқтисодий, географик, шунингдек, биологик омилларни таҳлил қилиш йўли билан аҳоли таркиби, жойлашуви ва динамикасидаги ҳодисалар ва жараёнлар қонуниятини ўрганувчи, шунга асосланиб аҳоли назариясини ишлаб чиқувчи фан» сифатида талқин қилади[1]. Тадқиқотчилар демографик таҳлил усуллари, методлари ва технологияларининг ривожланишини қайд этадилар.

Ўрта асрлар демографияси ҳақида маълумотлар етарли бўлмаса, қадимги дунёнинг демографик манзарасини билиш мушкул. Бевосита манбаларнинг йўқлиги демографик динамиканинг билвосита далилларигагина таяниш имконини беради. Қадимги дунёнинг анча катта вақт оралиғидаги қариш ҳамда аҳоли ёш таркиби билан боғлиқ жараёнларнинг демографик таҳлили фақат ахборот йиғишнинг икки йўлини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Биринчиси – археологик қазишлар чоғида олинган маълумотларни таҳлил қилиш, иккинчиси – уларни антропологик ва демографик нуқтаи назардан талқин этиш.

Қадимги демография соҳасида билимларни тўлдиришнинг бошқа бир манбаи мутахассисларнинг маълумотлари ва сайёҳлар қолдирган гувоҳликдир. Юқорида қайд этилган икки манбадан олинган маълумотлар талқини субъектив идрок этиш хусусиятлари ва бунда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар билан боғланади. Бундай талқинларга тегишли тузатишлар киритиш лозимлигини Э.Россет, Л.Кшивицкий, Г.Вайнерт, Т.Дзержикали-Рогальский ва Э.Проминьская каби олимлар асослашга ҳаракат қилганлар.

Қадимги даврлар демографияси ҳақидаги муҳим ахборот манбалари – археологик қазилма ёдгорликлари бунинг ёрқин далилидир. Улар, бир томондан, ўша давр вакилларига хос антропологик хусусиятларга ойдинлик киритади. Бошқа томондан, археологик тақдим этилган миқдорий хулосалар тўғри деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки бирон-бир қабила мозорларини ўрганиш умрнинг узунлиги ва ўлимлар сонининг тўла манзарасини акс эттирмайди. Масалан, Ф.Вайденрайх 38 синантроп қолдиқларини ўрганиб, уларнинг атиги 60% да ибтидоий одамлар ёшини аниқлашга муваффақ бўлган[2]. Палеодемографик материалда болаларнинг суяк қолдиқлари деярли мавжуд бўлмаган, чунки улар катталарнинг суякларига қараганда тезроқ емирилади.

Венгриялик паталогоанатом Г.Регелу-Мереи геронтологларнинг Будапештда бўлиб ўтган конференциясида мозийдан олдинги ва мозийнинг илк давридаги мозорларни ўрганиш асосида қилинган тахминларнинг ишончсизлиги ҳақидаги гипотезани тасдиқлади. Унинг фикрича, навқирон, энг соғлом, жисмонан бақувват эркаклар қабилалар ўртасидаги урушлар чоғида ҳалок бўлган ва шу ернинг ўзида дафн қилинган. Польшалик тарихий демография мутахассиси Витольд Куль одам суяклари ва қабр тошларидаги битикларни таҳлил қилиб, қадимги қабристонларда болалар қолдиқларининг йўқлиги болаларни дафн этишнинг алоҳида расм-русумлари мавжуд бўлгани билан изоҳланса керак, деган тўхтамга келган.

Америка, Франция ва Россия тадқиқотчиларининг маълумотлари популяцияни тартибга солиш қай тарзда амалга оширилганидан далолат беради. Бу ерда популяция шаклланишининг икки йўналишини қайд этиш мумкин. Биринчи йўналиш болалар ва кексаларни атайлаб ўлдириш техникалари бўлиб, бу жараён оқибатларини аниқлаш мумкин эмас. Иккинчи йўналиш ёш, соғлом эркаклар ва аёллар сони овда, урушда (эркаклар) ва жисмоний оғир ишлар таъсирида (аёллар) камайиши ҳисобланади. Аёллар туғиш пайтида ҳам ҳалок бўлганлар, чунки қаров ва даволаш ҳали шаклланмаган эди. Бироқ оғир жисмоний ишларни бажариш бу даврда аёлларнинг паст мақомидан далолат бермаган. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам ёшликда ва балоғат даврида ойлаб давом этган очарчилик қурбони бўлганлар.

[1]Волков А. Новый метод демографического прогноза // Вопросы статистики. 2002. №3. – С.16.
[2]Альперович В. Социальная геронтология. – М., 1997. – С. 23.

Ибтидоий одам ўлимининг бош сабаби ҳар хил шаклдаги зўрлик бўлган. Қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар кўпинча одамлар ўлимига олиб келган. Қурол-аслаҳанинг ҳалок бўлганлар билан бирга кўмилиши, дафн этилганларнинг бир қисмида мавжуд жароҳат излари шундан далолат беради. Бундан ташқари, инсон емиш ғамидаги йиртқич ҳайвон ёки бошқа одам қурбони бўлганининг моддий гувоҳликлари қолмаган.

Қадимги давр тўғрисида сўз юритганда, аҳолининг энг ҳимоясиз гуруҳлари, хусусан, болалар ва кексаларни ўлдириш амалиётлари шаклланган муҳитни аниқлаш қийин. Зироатчилик эндигина юзага келаётган, оловдан эса фақат исиниш ва йиртқич ҳайвонлардан ҳимояланиш учун фойдаланилган ўша даврда озиқ-овқат ресурслари ўта чекланган эди. Натижада ожиз ота-онани ўлдириш ёки уларни қаровсиз қолдириш, йиртқич ҳайвонларга ем бўлиши учун ўрмонга жўнатиш имконини берувчи маданий меъёрлар шаклланган. Қувватдан қолгач, кексалар мавжуд анъаналарга амал қилиб, ўз фарзандларига ўзларини ўлдиришни сўраб мурожаат этганлар. Тадқиқотчилар, аввало, озиқ-овқат тақчиллигини кексалар ўлдирилишининг асосий сабаби деб ҳисоблайдилар.

Жамиятда ҳукм сурган бундай ижтимоий-демографик тартибнинг оқибати ўлароқ ижтимоий-маданий динамика суръатлари анча суст бўлган, бу ҳол анъаналар, маданий мерос, урф-одатлар, тўпланган билимлар авлоддан-авлодга ўтишининг бирдан-бир манбалари йўқ қилиниши билан белгиланган. Ибтидоий одамларнинг кам сонли қабилалари бу оқибатларни англамай, маданий қадриятларни қабул қилиш ва ўзлаштириш имкониятидан маҳрум бўлганлар, ўзларини беихтиёр маданий таназзулга маҳкум этганлар.

Кексаларга бўлган муносабатнинг ўзгариши демографик эволюция жараёнларини фаоллаштирди. Кексаликни донолик ёши, анъаналар, урф-одатлар ва ҳаёт тажрибасининг чексиз манбаи сифатида тушуниш аста-секин шаклланди.

Кексаларнинг ижтимоий “реабилитацияси” илк бор амалга оширилган маданият қарор топди, илк бор уч авлод вакиллари баҳамжиҳат яшай бошладилар. Бу ерда болаларга шундай тарбия бериш одат тусини олдики, уларнинг ота-оналари ҳаёти уларнинг ўзлари учун андоза бўла бошлади. А.Валуа палеолит ва мезолит даврига оид 186 марҳум қолдиқларини ўрганиб, ёшга доир ўлимнинг тақсимланишини ўрганиб чиқди ва қуйидаги хулосага келди: биринчидан – болалар ўлими резонанси, иккинчидан – балоғат даврида (21-30 ёш) ўлиш даражасининг юқорилиги. Палеолит ва мезолит давридаги болалар ўлими табиий танланиш натижаси сифатида тавсифланади. Балоғат давридаги ўлим асосан зўрлик ишлатилиши билан боғлиқ. Зўрлик ишлатилишининг эҳтимол тутилган кўринишларига одамлар ва ҳайвонлар билан тўқнашувларда, одамхўрлик натижасида, совуқ, тўйиб овқат емаслик, табиий офатлар ва қурбонлик келтиришлар оқибатида ҳалок бўлишни киритиш мумкин.

А.Валуа материаллари Марокашдаги Ужа шаҳридан 55 километр нарида жойлашган Тафоралт ғорида амалга оширилган қазиш ишлари жараёнида ўз тасдиғини топди. 186 та одам жасадини ўрганиб, турли ёш тоифаларида ўлганлар сонини тадқиқ этди. Д.Ферембах, Г.Ачади, Я.Немешкери олган маълумотлар яшаш жадвалини тузиш имконини берди. Бу жадвалда 40 ёшдан кейин ўлганлар ўрганилаётган марҳумлар сонининг 1% ни ташкил этди. Келтирилган маълумотлар ўлганлар ёш таркибида бимодалликнинг мавжудлигини ва ҳаётнинг 26 ёшдан иборат модал давомийлиги ҳақидаги гипотезани тасдиқлади[1]. Шундай қилиб, қадимги ўрта тош асрлари даврида ҳаётнинг ўртача давомийлик даражаси пастроқ бўлган. Шу нарса диққатга сазоворки, бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, Б.Урланис айнан модаллик омилини таҳлил қилади.

Роланд Пресса келтирган маълумотлар ҳаётнинг ўртача давомийлиги чегараси янада пастроқ – 20 ёшга тенглигидан далолат беради. А.Сови табиий кўпайиш циклини таҳлил қилар экан, уни узунроқ – 25 ёш деб баҳолайди[2].

---

[1]СодиқоваШ.М. “Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялашнинг социологик таҳлили”.Социология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.Тошкент – 2016. 236-б.

[2]Елютина М. Геронтологическое направление в структуре человеческого бытия. – Саратов: Сарат. гос. техн.ун-т, 1999. – С.89.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсон ўз бошидан кексалик даврини ўтказар экан, унинг хис-туйғулари ва уларнинг болалик ва ёшлик даврларидаги хотиралари ҳамиша ҳамроҳ бўлади. Кексаликни ўрганувчи геронтолия фани кексалик муаммоларини илмий-тарихий ўрганиб, келажакда кексалар дуч келаётган муаммоларни аниқлаб, уларни жамиятга яхши ижтимоийлашувига кўмак беради. Биз ёш тадқиқотчилар ҳам шу мавзуни илмий жиҳатдан тадқиқ қилар эканмиз, бир оз бўлсада уларнинг дардларини эшитишга ва турмуш даражасини яхшилашга ҳаракат қиламиз.

ЁШЛАР СОЦИАЛ МОБИЛЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Абдуллаев А. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши ва мамлакатда янги давлат ва янги жамият қурилиши натижасида Ўзбекистон жамиятининг модернизациялаш даврида социал мобиллик муаммолари алоҳида долзарблик касб этди. Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда, социал мобиллик (ҳаракатчанлик) концепциясининг жадал амал қилиши учун қулай шароит юзага келди. Демократик тузум шароитида кишилар ўзларининг шахсий қизиқишлари, тиришқоқликлари билан жамият ижтимоий таркибидаги мавқеларини яхшилаб бориш имкониятига эга бўлди. Жамият тараққиётида унинг таркибий тузилиши, функционал алоқадорлик ўзининг "табиий қонунлари", эволюцион ривожланиши, ижтимоий соҳаларнинг бир маромдаги мутаносиблиги асосидагина ривожланди. Мамлакат мустақиллигига эришиши ва мустақилликни мустаҳкамлаш учун учун олиб борилган ҳаракатлар ва сиёсий курашлар тугатилиб, энди инсоният юқори интеллектуал тараққиёт босқичига қадам қўйди. Ижтимоий тараққиётнинг бу босқичи янги, жамиятнинг ўзига хос қонуниятлар асосида қурилиши айни хақиқат бўлди. Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, аслида илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади. Халқ ҳаққоний тарихини билиб ўзликни англай бошлади[1].

Бугунги кунда мамлакатимиз олимлари ижтимоий-касбий ва иқтисодий ҳаракатчанликни, шу жумладан, унинг субъектив жиҳатини таҳлил қилиш, замонавий Ўзбекистон жамиятининг турли қатлам ва гуруҳлари социал мобиллигининг тенденцияларини кўриб чиқиш ҳамда замонавий шароитларда социал мобилликнинг турли кўринишларини эмпирик ўлчаш методикалари ишлаб чиқиш устида ишламоқда.

Шу билан бирга, социал мобилликка бағишланган бугунги тадқиқотлар қатор ислоҳотлар ва янгиланишлар шароитида меҳнат қилаётган аҳолининг, аввало, ёшларнинг янги иқтисодий шароитларга мослашиш усулларини ўрганишга қаратилган. Ўзига хос социал-демографик гуруҳ сифатида жамиятни модернизациялаш шароитида ёшларнинг социал мобиллиги жараёнлари етарли тадқиқ этилмаган.

Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётида энг жадал социал мобилликлар қисман 14 ёшдан ва тўлиқ 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган даврда рўй беради. Ёшларнинг социал мобиллик даражаси юқори бўлган социал-демографик гуруҳга айлантирадиган омилларга қуйидагилар киради:

1. Таълимдан меҳнат фаолиятига ўтиш, индивиднинг жамиятнинг ижтимоий-касбий тузилишига интеграция бўлиши, мустақил иқтисодий мақомга эга бўлиш. Қатор тадқиқотчилар меҳнат фаолиятига ўтиш вақтини ёшлар ёшининг энг паст чегараси, деб билади. "Ёшлар деганда, - деб таъкидлайди М.Н.Руткевич, – одатда аъзолари ўз жисмоний ва маънавий камолотида, болалар ва ўсмирлардан фарқли улароқ, жамият ҳаётида, аввало ишлаб чиқаришда фаол, мустақил иштирок этишга тайёр бўлган социал-демографик гуруҳ

[1] Булгаков П.К. Жизнь и труды Беруни. Фан.Т.1972.стр.134.

тушунилади»[1]. Шунга ўхшаш фикрни Ф.Р.Филиппов ҳам илгари суриб, унинг назарида ёшлар ёшининг ижтимоий табиати кўп жиҳатдан меҳнат фаолияти билан белгиланади[2].

2. Одатда, 30 ёшга тўлишга қадар инсоннинг шахсий ютуқлари натижасида унинг бўлажак хизмат карьераси учун замин яратилади ва у ўсиб борувчи вертикаль ҳаракатчанликни амалга оширади.

3. Ёшларнинг ўз меҳнат фаолиятини бошлаши турли қатламлардан чиққан одамлар учун ота-оналар эришган ижтимоий ютуқларни таққослаш, ижтимоий келиб чиқишнинг бўлажак касбий ва бошқа муваффақиятларга таъсир даражасини ҳамда авлодлараро социал мобилликнинг бошқа жиҳатларини аниқлаш имконини беради.

4. 30 ёшга тўлишга қадар ёшлар ўз оиласини қурадилар ва ўз фарзандларини дунёга келтиради.

Шу тарзда бошқа гуруҳларга қараганда айнан ёшларга ўсиб борувчи социал мобилликлар, фаоллик ҳамда социал мобиллигида асосий ўринни эгаллайди. Буларнинг барчаси ёшларни энг жадал гуруҳ сифатида таърифлаш имконини беради ҳамда ушбу социал-демографик гуруҳ социал мобиллигини тартибга солиш механизмларини тадқиқ этишнинг долзарблигини изоҳлайди.

“Ёшлар социал мобиллиги” тушунчаси икки жиҳатга эга.

Кенг маънода **социал мобиллик** – бу ёшларнинг ижтимоий динамикаси, яъни ёшлар, уларнинг алоҳида гуруҳларининг турли омиллар таъсири остида ижтимоий ҳаракатланишидир. Жамият тузилиши кўплаб социал позицияларни ўз ичига олиши ижтимоий ҳаракатланиш жараёнларнинг хилма-хиллигини изоҳлайди.

Ҳаракатлар йўналиши, улар рўй берадиган жамият ҳаётининг соҳаларидан, иштирокчилар миқдори ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб ёшлар социал мобиллиги қуйидаги турларга бўлинади:

1. Йўналишига кўра. “Социал мобиллик” тушунчасининг маъноларидан бири социал структуранинг стратификациявий ўлчами билан изоҳланади. Ҳар қандай стратификациявий модель табақалаштирилган позицияларнинг иерархик тизими бўлиб, улар узра ҳаракатланиш идеал ҳолатда икки йўналишда амалга ошади:

- олий қатламлар, синфлар, страталарга ўтиш (ўсиб борувчи мобиллик);
- паст қатламлар, синфлар, страталарга ўтиш (пасайиб борувчи мобиллик).

Социал воқеликда фақат вертикаль бўлган ҳаракатланишлар кенг тарқалмаган ҳамда кўп жиҳатдан идеал тип бўлиб, ушбу жараёнларни тадқиқ этишда фандан чекиниш билан изоҳланади. Индивидлар, оилалар, социал гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий позицияларини табақалаштириш (даромад даражасига кўра) мураккаб эмас. Аҳолини таълим жиҳатидан табақалаштириш ҳам осон иш. Лекин, бу икки ўлчамни бир тизимга солишга уринилса, юқори даромад доим ҳам юқори таълим даражасининг сабаби эмаслиги, кўп ҳолларда тескари, яъни сармоялар таълимнинг ҳажми ва сифатини белгилаши аён бўлади.

Сиёсий ва касбий табақалаштириш ҳам айнан бир натижани бермайди. Индивидлар ва социал гуруҳларнинг бир социал позициядан бошқасига, лекин шу даражадаги позицияга (тенг мавқега эга бўлганига) ўтиши горизонтал ҳаракатчанликни ташкил этади. Айни пайтда шуни эътиборда тутиш лозимки, объектив жиҳатдан тенг бўлган социал позициялар қўшимча омиллар таъсири остида субъектив жиҳатдан фойдалироқ ёки фойдасиз бўлиши мумкин. Шу сабабли, бир диний конфессиядан бошқасига, бир давлат фуқароликдан бошқасига ўтиш, бир никоҳдан бошқасига ўтиш, бир касбдан бошқасига ўтиш ва ҳоказо ижтимоий ҳаракатлар соф горизонтал ҳаракатлар ҳисобланмайди, чунки кўп ҳолларда иқтисодий, сиёсий, шахслараро мавқеининг ўзгаришига ҳам олиб келади.

Янги ижтимоий мавқе ҳар ҳолатда ҳаракатчанлик субъекти томонидан аввалги мавқедан кўра фойдалироқ, деб ҳисобланади, шу сабабали горизонтал ҳаракатчанлик

[1] Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов / Под ред. Т.И. Заславской, Р.В. Рыбкиной. - Новосибирск: Наука, 1974. - С. 289.
[2] Филиппов Ф.Р. От поколения к поколению. - М.: Мысль, 1989. - С. 64.

тушунчаси анча қарама-қарши тусга эга. Миграцияга келсак, у соф горизонтал ҳаракатчанликка мисол бўла олмайди, чунки яшаш жойини ўзгартириш мавқенинг юксалиши (пасайиши)га олиб келиши мумкин. Чекланган муддатга меҳнат сафарлари билан чиқиш бундан мустасно.

2. Ёшларнинг социал мобиллиги жамият ҳаётининг турли соҳаларида рўй беради. Бу социал мобилликни иқтисодий, касбий, таълим ва бошқа йўналишларга бўлинишига мезон бўлиб хизмат қилади.

Ёш инсоннинг иқтисодий мавқеини ўзгартирадиган ҳаракатлар иқтисодий ҳаракатчанликнинг моҳиятини ташкил этади. Замонавий шароитларда, бу турли социологик тадқиқотлар натижалари билан ҳам тасдиқланмоқда, индивиднинг иқтисодий мавқеи унинг даромади, у меҳнат қилаётган корхона мулкчилик шакли, мулкка бўлган муносабати каби энг муҳим кўрсаткичлар билан белгиланади[1].

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати ҳокимият субъектлари фаолиятининг энг муҳим йўналиши бўлиб, унинг асосий вазифаларини самарали рўёбга чиқариш мамлакатдаги демографик вазиятни барқарорлаштириш, ёшлар ва ёш оилаларнинг маиший ва ижтимоий шароитларини яхшилаш, даромадларини ошириш, ишбилармонлиги, бандлиги ва мустақил бандлигини юксалтириш, уларнинг тўлақонли маънавий-аҳлоқий ва фуқаролик-ватанпарвалик жиҳатдан камолга етиши, пировардида, ёшларнинг вертикаль ўсиб борувчи социал мобиллигини тезлаштиришга олиб келиши лозим.

Модернизациялашаётган Ўзбекистон жамияти социал тузилишининг ўзгараётгани, биринчидан, иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар ва тизимли ўзгаришларни (турли мулкчилик шакллари – давлат, акциядорлик, чет эл сармояси иштирокидаги ва ҳ.) унинг таназзулларини ёки ўсишини белгилайди. Иккинчидан, меҳнат ва бандлик тизимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ чуқур ўзгаришлар (ижтимоий табақалашувнинг кучайиши, меҳнат мотивациясининг ўзгариши, турли тоифадаги ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ўртасидаги кескин тафовут).

Учинчидан, аҳоли аксарият қисми турмуш даражасининг кўтарилаётгани. Модернизациялашаётган Ўзбекистон жамияти итимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалга ошишининг муҳим кўрсаткичлари – бу янги иқтисодий ва сиёсий воқеликка мос келадиган қадриятлар-меъёрлар тизимининг қайта шаклланаётгани ҳамда индивидлар ва гуруҳларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун моддий ва маънавий ресурслардан фойдаланувчиларга кенгроқ йўл очилаётганидадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, социология фанида социал мобилликни ўрганишнинг асосий йўналишлари иш кучи ҳаракати ва корхоналардаги кадрлар қўнимсизлигини ўрганиш; иш жойини ўзгартириш механизмларини тадқиқ этиш ва меҳнат карьерасини таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиқиш; жамиятнинг социал тузилишини ўрганишга стратификациявий ва синфий ёндашув доирасида социал мобилликнинг турли концепцияларини ишлаб чиқиш; ёшларнинг авлод ичидаги ва авлодлараро социал мобиллигини ва унинг омилларини тадқиқ этиш; ёшларнинг меҳнат бозоридаги аҳволи, ислоҳотлар даврида ёшлар ижтисодий мавқеининг ўзгаришини ҳамда ёшларнинг қадриятларини ўрганиш; ҳаракатчанликни ўлчашнинг миқдорий ва сифат методикалари, инструментал воситаларини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Социал мобиллик кенг маънода – бу ёшларнинг ижтимоий динамикаси, яъни ёшлар, уларнинг алоҳида гуруҳларининг турли омиллар таъсири остида ижтимоий ҳаракатланишидир. Ёшлар ижтимоий динамикасни таснифлашнинг мезонлари – ижтимоий ҳаракатларнинг йўналиши, улар рўй берадиган соҳалар, ижтимоий ҳаракатларда иштирок этувчи индивидлар миқдори, давлатнинг ҳаракатчанликка таъсир даражаси ва бошқалар.

Ёшлар социал мобиллиги, субъектнинг, аввало ёш инсоннинг ўз ижтимоий мавқеини ўзгартирадиган ижтимоий ҳаракат содир этаётганини таърифлайди ва бу тушунча ёшлар

[1]Анурин В.Ф. Экономическая стратификация: аттитюды и стереотипы сознания //Социологические исследования. - 1995. - №1. - С. 104-115; Богомолова Т.Ю., Тапилина В.С. Мобильностьнаселения по материальному положению: субъективный аспект // Социологические исследования. - 1998. -№12. - С. 28-37.

социал динамикаси жараёнининг босқичларидан бири (кенг маънодаги социал мобиллик)ни, яъни ҳаракат қилиш қобилияти (социал мобиллик)ни англатади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Алиева Ш. *– ТТЕСИ катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган демократик-ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг истиқболи ёшларимизнинг таълим-тарбиясига, қандай фуқаро сифатида ҳаётга кириб боришига боғлиқ эканини инобатга олиб, ушбу эзгу мақсадлар давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар сиёсатига доир изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва у ўзининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларига эга. Мазкур сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда соҳага тегишли кўплаб қонунларда ўз ифодасини топган. Яна бир жиҳат – мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган дастлабки қонун ҳужжатларидан бири – 1991 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун экани катта рамзий маънога эга. Қонун асосида ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун зарур асослар мустаҳкамланиши билан бирга уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида урғу берилган.

Шунингдек, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб фармон ва қарорлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, 2008 йилда қабул қилинган “Ёшлар йили” Давлат дастури, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 2014 йилнинг 6 февралида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сонли Қарори ўз вақтида айнан шу мақсадга йўналтирилган ҳамда шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларидан келиб чиқилган ҳуқуқий эҳтиёж сифатида намоён бўлди. Ушбу қарорда белгиланган устувор вазифалар мамлакатимизда юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадидаги давлат сиёсатини изчил давом эттириш мақсади йўлида қўйилган яна бир қадам бўлди. Мазкур Қарор асосида махсус Давлат дастури тасдиқланди.

Ўзбекистонда 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили” муносабати билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бу борада ўзига хос янги босқични бошлаб берди. 2016 йил 15 сентябрда кучга кирган мазкур қонун ёшлар сиёсатининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган. Қонун бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

Замон талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган. Булар сирасига ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатлари киради. Шу асосда ёшларнинг очиқ ва сифатли таълим олиши таъминланади. Ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашилади. Уларни ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратилади. Уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилади. Ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, спортни, тадбиркорликни ривожлантириш доимо диққат марказида бўлади.

Қонун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат ташкилотларининг, аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиради. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришда, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муқаррар иштирокининг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланди.

Қонуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишига ҳуқуқий асос яратди. Бу борада масъул бўлган давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтирди. Бу имкониятлар ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 7 февралидаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони Биринчи Президентимиз томонидан амалга оширилган ишларнинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди. Фармонга кўра 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари белгилаб олинган бўлиб, улардан тўртинчи йўналиш ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига қаратилган.

Фармоннинг 8-иловасида Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 4.5-банди бевосита ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда амалга ошириш назарда тутилган вазифалар қаторида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш вазифаси ҳам белгилаб олинган эди.

Шу маънода, ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмагани қайд этилиб, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида нишонланадиган бўлди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгиланди.

Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил

этиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга ошириши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланадиган бўлди.

Муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018-2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйларини барпо этиш дастури ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг давлат дастурларида белгиланаётган устувор йўналишлари соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтириш каби мақсадлар йўлида амалга ошираётган ишларимизнинг самарадорлигини кафолатлайди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин.

ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЯТ

Сабирова У.Ф. *– ЎзМУ Социология кафедраси доценти*
Бозорова Ў.Ш. *– ЎзМУ Социология кафедраси магистри*

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган. Моҳият-мазмунини миллий истиқлол ғоясининг мақсад-манфаатлари ташкил этган бу жараёнда ижтимоий муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида қарор топиши, эркин фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланишига алоҳида аҳамият берилиши натижасида: бир томондан, жамият тараққиётига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий парадигмалари шаклланмоқда, бошқа томондан, жамиятда ижтимоий қатламлар ўртасида янги муносабатлар уйғунлиги қарор топмоқда. Бу эса, оила, оилавий муносабатларни миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар негизида ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов оиланинг жамият ҳаётидаги роли ҳақида тўхталиб: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади”[1], деган эди.

Шунингдек мамлакатимизда оила ва никоҳни мустаҳкамлаш институтидаги фаолиятни янада такомиллаштириш борасида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида бир қатор йўналишларнинг устуворлиги белгиланди. Хусусан, “...оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш”[2], жамиятда репродуктив

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 52–53-б.
[2]Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 346-б.

саломатлик ҳамда демографик ривожланиш, замонавийликка асосланган ўзбек оиласининг жамиятдаги ролини ошириш, оила ва никоҳ маросимлари борасидаги хорижий тажрибага эътибор қаратиш ва амалиётда қатнашиш бўйича миллий илмий-тадқиқот институтлари, жаҳонда тан олинган халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида фундаментал илмий тадқиқотлар олиб боришни долзарб масалага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллабқувватлаш тўғрисида”ги 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон ҳамда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли Фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқимизнинг азал-азалдан шаклланган шарқона этномаданияти муайян даражада хизмат қилади[1].

Никоҳ инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал, одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросимдир. Қадим аждодларимиз турмуш тарзида оила ва никоҳ анъаналарининг алоҳида мезонлари кўҳна Шарқнинг буюк маънавий ёзма мероси “Авесто” китобида баён қилинган[2].

“Авесто”да айтилишча, зардуштийлар жамоасида оила ва никоҳ муқаддас саналганлиги сабабли кўп хотинлилик жамиятда қатъий ман қилинган ва эркакнинг ҳаётни бўйдоқ яшаши ҳам мумкин бўлмаган.Хорижлик олимлар Р.Шинвари, Г.Гадамер, К.Леви-Стросс, А.Тойнби, З.Фрейд, Ф.Ницше, Й.Хайзингалар никоҳнинг келиб чиқиши, унинг урф-одат ва халқларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ айрим этноэстетик жараёнларни тадқиқ этганлар. Уларнинг илмий қарашларида этноэстетик хусусиятлар никоҳни объектив баҳолаш учун назарий асос вазифасини бажаради. МДҲ мамлакатлари олимларидан Ю.Б.Борев, Л.Н.Гумилев, С.Н.Иконникова, М.С.Каган, Л.Н.Коган, Д.С.Лихачевлар мавзуга оид турли йўналишларда тадқиқот олиб борганлар. Улардан Л.Н.Гумилёвнинг қадимги турк қабилаларининг Осиё цивилизациясини шакллантиришдаги оила ва никоҳ масаласига доир изланишлари бошқалардан ажралиб туради[3].

Жамият ва инсон муносабатларининг ичида никоҳчалик таъсир кўрсата оладиган институт ёки тартибот йўқ. Ҳар қанақа давлатнинг тинчлиги эса эрхотинлик никоҳи қонунларининг баркамоллигига боғлиқ. Улар жамоат осойишталигига, тинчлигига ва шахсий ҳуқуқ ва мулкка таъсир кўрсатадилар, ҳатто қадимда салтанат, тахт ишлари ҳам никоҳга боғлиқ ҳолда ривожланган. Шу маънода никоҳ – икки қарама-қарши жинс ёки кишилар ўртасида вужудга келадиган иттифоқ бўлиб, у ўзида ахлоқий императивлар, эстетик туйғулар ва ҳуқуқий меъёрларни жамлайдиган маросимлар мажмуасидир. Никоҳ маросимлари инсоннинг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўз-ўзини сақлаш, ўз-ўзини кўпайтириш, шахсни ривожлантиришни таъминлаш, ўз мулкини кўпайтириш ва сақлаш, ўз ҳиссиёти ва туйғуларини рўёбга чиқариш эҳтиёжи ва тамойилларга таянган ҳолда ижтимоий тартиботни юзага келтирган.

Инсониятнинг энг қадимги ҳаётидан то ҳозирги ривожланган жамиятларгача бўлган даврда никоҳ маросимлари инсонларнинг жинсий ҳаётини, қариндошлик муносабатларини тартибга солиб турган, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаб турган ахлоқий-эстетик воқеликдир. Никоҳ маросими инсонга оилали бўлиш, меҳнат қобилияти, ишчи кучи, мулкка эгалик ҳуқуқидек имкониятларни бериб келмоқда. Никоҳнинг натижаси оила эса инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойидир. Никоҳ инсон ва жамиятга нисбатан бир

[1]Комилов Р.Р. Ўзбек миллати никоҳ маросимларининг генезиси ва эстетик эволюцияси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати,2019й.

[2]Авесто. Тарихий-адабий èдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. 224-б.

[3]Комилов Р.Р. Ўзбек миллати никоҳ маросимларининг генезиси ва эстетик эволюцияси. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати,2019й. 6-б.

қанча функцияларни бажаради. Чунки никоҳ кишилараро қариндошлик муносабатини тикловчи, янги авлодни яратувчи, жамият учун янги ҳужайра – оилани вужудга келтирувчи, табиатан икки қарма-қарши жинс вакилларини бир-бирига эҳтиросли яқинлигини ахлоқий ва эстетик жиҳатдан қуршалган тарзда намоён қилувчи, давлатлараро сиёсий-дипломатик муносабатларни тартибга солувчи функцияларини ўтаб келган.

Ўзбек халқининг миллий никоҳ маросимларини ўтказиш ҳар бир ҳудуд, ҳар бир хонадон учун қадимдан шаклланиб келган урф-одат ва маросимлар асосида янгидан қурилаётган оила учун маънавий қадриятлар ўчоғи саналади. Бундай ҳаётбахш ахлоқий ва эстетик қиёфани ўзида мужассам этган никоҳ жараёнлари доимо халқимизнинг келажак авлодлари дунёга келиши учун хизмат қиладиган юксак миллий тараққиёт мезонларига йўл очади.

Шундай экан, биз ўзбек халқининг қадимий ва замонавий маънавий қадриятларининг уйғунлигига эътиборимизни қаратишимиз, уларнинг ҳаётбахшлиги, давомийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда ҳамиша огоҳлик ва ҳушёрлик билан ёшларни камолот сари чорлашимиз даркор. Никоҳ маросимлари Ўзбекистоннинг турли ҳудудида бир-биридан фарқ қиладиган, ўзига хос гўзал эстетик қадриятларни намоён этадиган этноэстетик воқеликдир. Шунинг билан бирга никоҳ маросимлари асли архаик жамиятларда вужудга келган бўлсада ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган ажойиб маросимлардан иборат бўлиб, буларда барча миллатлар учун зарур ахлоқий ва эстетик ҳис-туйғулар ўз ифодасини топган.

Инсоният тарихидан маълумки, никоҳ асосида барпо этилган оила қанча соғлом, бутун ва мустаҳкам бўлса, давлат ва жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланаверади. Шу сабабдан ҳам ўзбек миллий никоҳ маросимлари азалдан ўзига хос ахлоқий тарбия ва гўзал эстетик жиҳатлари билан юксалиб келмоқдаки, буни албатта оилаларнинг мустаҳкам бўлишига қаратилгандир. Бу урф-одатлар кенг жамоатчилик томонидан доимо нишонланиб келиниб, даставвал одат сифатида, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштириб қўйилган маросимлардир.

Ўзбек халқининг миллий никоҳ маросимлари ўз эстетик эволюцион тараққиётига эга бўлиб, ундаги урф-одат, таомиллар замонавий, диний мансубликка қараб мазмун-моҳиятига кўра бойиб борган. Бундай ҳаётбахш ахлоқий ва эстетик қиёфани ўзида мужассам этган никоҳ жараёнлари доимо халқимизнинг келажак авлодлари дунёга келиши учун хизмат қиладиган юксак миллий тараққиёт мезонларига йўл очади.Демак, биз ўзбек халқининг қадимий ва замонавий маънавий қадриятларининг уйғунлигига эътиборимизни қаратишимиз, уларнинг ҳаётбахшлиги, давомийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда ҳамиша огоҳлик ва ҳушёрлик билан ёшларни камолот сари чорлашимиз даркор, дейишимизга барча асос бор.

Оила муҳити – бу оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижаси бўлиб, катта ёшдаги кишиларнинг ҳар тарафлама олиб борган тарбиявий иши натижасидир. Соғлом, ўзаро манфаатли никоҳ қариндошлик муносабатларининг шаклланишига, узоқ қариндошлик ришталари бир-бирига боғланган, оила қариндошлари, яъни уларнинг барчасини, ҳаёт бўлганларни, вафот этганларни, узоқ ва яқинларни, маълум ва номаълумларни бирлаштиради.

Никоҳ жараёнидаги миллий маросимчилик, ирим-сирим, таомиллар исломий қадриятлар билан уйғунлашиб, никоҳ-покланиш диний маросимларини ташкил этиб, 17 фориғлантирувчи (катарсис) функцияси; регламентловчи (белгиловчи) функцияси; бошқарувчи функцияси; мулоқот (коммуникатив) функцияси; ижтимоий-императивлик функцияси; рекреатив (дам олиш ва ҳордиқ чиқаришни уюштириш) функцияларини бажариб келган[1].

[1]Абдурауф Фитрат. Оила. – Т.: “Маънавият”, 2000.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак,оила – тарбия маскани, унга барча эзгу ниятларимиз, қадриятларимизнинг асоси деб қарашимиз, фарзандларимиз онги ва шуурига урф-одатларимиз, анъаналаримизни сингдириш, маънавиятимизнинг бой хазинаси билан таништиришда оиланинг роли ниҳоятда катта эканлигини ҳисобга олиб, бу муҳим соҳанинг фалсафий, ижтимоий, сиёсий, эстетик, ахлоқий, психологик, педагогик қирраларни тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш давлатимизнин ва жамиятимизнинг пировард мақсадидир.

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Жиянмуратова Г.Ш. *– ЎзМУ доценти,*
Йўлдашев Ш. *– ЎзМУ магистри*

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ўз мазмун-моҳиятига кўра халқнинг, аввалambор, бу халқнинг келажаги тимсоли бўлмиш ёшларнинг жамият, халқ тақдирига масъулиятли, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол бўлишларини тақозо этади. Бугунги даврда ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот объектига айланиб улгурди. Шу билан бирга, 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар натижалари халқимизнинг, хусусан ёшларимизнинг ҳам ижтимоий-сиёсий фаоллигининг амалдаги кўрсаткичи сифатида намоён бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли умумий сонининг 60%дан ортиғини 18 млн нафар ёшлар ташкил этади. Айнан мана шунинг учун, ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларида намоён бўлади. Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда.

Жумладан, 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги, кейинчалик эса 2016 йил 14 сентябрь куни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир. Ушбу қонун билан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари яна бир бор кафолатланди.

2017 йил 30 июнда мамлакат ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди, унинг асосий фаолияти ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон тарихида илк бор 30 июнь “Ёшлар куни” деб эълон қилинди ва “Ўзбекистон Республикасида ёшлар кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Охирги 2 йил давомида ёшлар масалаларига оид 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича комиссия ва “Ёшлар клуби” тузилди.

Буларнинг барчаси ўз келажаги ҳисобланган ёшлар масаласида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги кўрсаткичидир.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг фаолияти ҳам жамият келажагини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Сиёсий партияларнинг сиёсатнинг фаол субъекти сифатида ёшларга оид сиёсатни амалга оширишдаги иштироки долзарб масаладир. Чунки, жамиятда фуқароларнинг ўзаро мувозанатли, келишув асосида муносабатлари таркиб топиши, аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг давлат бошқарувидаги иштироки сиёсий партиялар фаолияти орқали амалга ошади. Тадқиқотчилар партияларнинг вазифаси

манфаатларни ифодалашгина эмас, уларнинг муҳим функцияларидан бири – ўз таянч базаси бўлган ижтимоий қатламнинг ўз манфаатларини англаш даражасига эришишига кўмаклашиш эканлигини таъкидлайдилар. Сиёсий партиялар ёшларнинг фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнига жалб этиш ва уларнинг бу жараёнда фаол иштирокини таъминлаш омили ҳисобланади.

Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий партияларнинг Дастурларида ёшлар сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг ёшлар қатламига муносабатида умумий жиҳатлар бўлгани ҳолда, партиялар Дастурларида уларнинг ўз сиёсий платформаларига хос мақсад ва вазифалар ҳам белгиланганлигини қайд этиш лозим.

Мисол учун, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришни, ёш тадбиркор ва фермерларга шарт-шароит яратиб беришни асосий вазифаларидан деб билади. Бу вазифа партиянинг мулкдорлар қатламига таянишидан келиб чиққани табиий ҳолдир.

“Миллий тикланиш” демократик партияси Дастурида ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари, “Адолат” социал-демократик партияси Дастурида эса ижтимоий адолат, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш вазифаларига эътибор қаратилади. Мазкур вазифалар қўйилишидан ҳам партияларнинг ўзига хос сиёсий платформалари, Дастурий мақсад ва йўналишлари мавжудлигини билиш мумкин.

Мамлакатимиз сиёсий партиялари айни вақтда ёшларга оид ўз сиёсатини “Ёшлар қаноти”, “Ёшлар кенгаши” каби тузилмалар, клублар воситасида амалга ошириб келмоқда. Сиёсий партиялар ёшлар тузилмалари фаоллигининг кучайиши асосан 2004 йилдаги парламент сайловларидан кейинги даврга тўғри келади.

Шундай бўлсада, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган “Ёшлар қанотлари”нинг фаолиятини, афсуски, қониқарли, деб бўлмайди. ... Сиёсий партиялар, аввало, истиқболли ёш раҳбарларни тайёрлаш мактаби бўлиши лозим. Партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиряпти ҳам – буни яширишнинг ҳожати йўқ”[1]. Бу фикрлар мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида сиёсий партиялар олдига ёшлар тарбияси, уларнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлаш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш каби улкан вазифалар қўйилаётганидан далолат беради.

Хусусан, сиёсий партияларнинг ёшларга оид фаолияти ҳақида гап борганида, ўтган сайловларда партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига илгари сурилган номзодларнинг ёш таркиби бўйича маълумотларида 25-30 ёшли номзодлар ҳақида қуйидагиларни кўриш мумкин: ЎзЛиДеП – йўқ, “Адолат” СДП – 1 нафар, ЎзМТДП – 3 нафар, ХДП – 5 нафар, Экологик партия – 2 нафар. Кўриб турганимиздек, бешта партиядан бор йўғи 11 нафар ёшлар номзод сифатида қўйилган, сайлов якунида эса улардан 9 таси етарли овоз тўплаган, бу сайланган 150 нафар депутатларнинг бор йўғи 6%ини ташкил этади. Бизнингча, бу ёш мамлакат саналган Ўзбекистон учун жуда паст кўрсаткич ҳисобланади.

Бизнингча, сиёсий партияларнинг ёшлар билан боғлиқ масалалардаги фаолиятида ислоҳотлар даври бошланиши зарур, айниқса ўз кадрлар захирасини яратиш масаласида. Шунингдек, сайловларда худди аёлларга берилгани каби депутатликка ёшлар номзодини беришда мажбурий 20 %лик квота белгиланиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, сиёсий партиялар фақат сиёсий манфаатларни ифода этадиган, бошқа жамоат ташкилотларида мавжуд бўлмаган алоҳида ҳуқуқларга эга, ёшларнинг сиёсий ҳаётдаги ва давлат бошқарувидаги иштирокини таъминловчи асосий

[1]Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак // 2017 йил 12 июль. www.prezident.uz.

демократик воситадир. Ҳеч бир жамоат ташкилоти партияларчалик ёшларни сиёсий жараёнларга фаол жалб этолмайди.

Фуқаролик жамияти шароитида ёшларда турли манфаатлар шаклланиши, уларда миллий ифтихор, дахлдорлик ҳисси уйғониши ҳамда уларнинг манфаатлари гуруҳий манфаатлар шаклида давлат вазифаси даражасига кўтарилиши учун сиёсий партиялар кучли ва таъсирчан бўлиши лозим. Ёшларимиз сиёсий партияларимиз тимсолида ўзларининг манфаатларини доимий ва изчил ҳимоя қиладиган, ўзига хос ғояларни илгари сурадиган фаол сиёсий кучларни кўришни исташади.

JAMIYAT TARAQQIY ETISHIDA OILADA SHAXSNING UMUMMADANIY DUNYOQARASHINING SHAKLLANISHI

Mirsagatova D. *– "Ijtimoiy fikr" Respublika Jamoatchilik fikrini o'rganish Markazining kichik ilmiy xodimi*

Oila ijtimoiy hayotning abadiyligini, avlodlarning davomiyligini, tarbiyaning uzluksizligini ta'minlaydigan, kelajak nasl qanday bo'lib yetishishiga o'z ta'sirini ko'rsatadigan ijtimoiy makon va pedagogik omil vazifasini o'taydi. Inson oilada shakllanadi. Oila muhabbat, hurmat, birdamlik va mehribonlik manbai. Aynan shu qadriyatlarga har bir rivojlangan jamiyat suyanadi.Xalqimizda «Oilang tinch — olam tinch» degan hikmat bejiz aytilmagan. Oilada tarbiyaviy muhit oqilona yo'lga qo'yilgan bo'lsa, jamiyatda tinchlik va komillik bo'ladi. Shu jihatdan, oilaning mustahkamligi mamlakat rivojiga bevosita ta'sir ko'rsatadi.

Mamlakatimizda oilaning jamiyat taraqqiyotidagi rolini oshirish maqsadida ko'plab ishlar qilinmoqda. Birinchi galda huquqiy asoslar takomillashtirildi, oila salomatligini saqlash, uning farovonligi uchun shart-sharoit yaratish uchun chuqur islohotlar amalga oshirildi. Xususan, Konstitutsiyamizning alohida bobi oilaga bag'ishlanib, unda "Oila jamiyatning asosiy bo'g'inidir hamda jamiyat va davlat muhofazasida bo'lish huquqiga ega.Nikoh tomonlarning ixtiyoriy roziligi va teng huquqliligiga asoslanadi" [1](63-modda) deb aytilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.06.2018 yildagi PQ-3808-son qarori bilan uning ustuvor vazifalari va amalga oshirish bo'yicha chora-tadbirlar tasdiqlanishi, shuningdek, 2019 yildan boshlab har yili 15 may mamlakatimizda Xalqaro oila kuni nishonlanishi davlatimizdagi oilaviy muhit va uni mustahkamlash uchun qilinayotgan amaldagi sa'y-harakatlarning yaqqol na'munasidir. Shuningdek,O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 18-fevraldagi "Jamiyatda ijtimoiy-ma'naviy muhitni sog'lomlashtirish, mahalla institutini yanada qo'llab-quvvatlash hamda oila va xotin-qizlar bilan ishlash tizimini yangi darajaga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida"gi[2] PF-5938-son Farmonigamuvofiq:O'zbekiston Respublikasi "Mahalla va oilani qo'llab-quvvatlash" vazirligi tashkiletildi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek: "Biz uchun muqaddas bo'lgan oila asoslarini yanada mustahkamlash, xonadonlarda tinchlik – xotirjamlik, ahillik va o'zaro hurmat muhitini yaratish, ma'naviy – ma'rifiy ishlarni aniq mazmun bilan to'ldirishdan iborat bo'lmog'i zarur" deb aytganlar.Darhaqiqat, asrlar davomida o'z e'tirofini topgan va diniy-axloqiy qadriyatlar darajasiga ko'tarilgan oilaviy munosabatlarda halol yashash, mehnat qilish, farzand tarbiyasi ijtimoiy hayot tarzini rivojlantirish manbaidir.Sharqona tarbiyada shaxsning umummadaniy dunyoqarashining shakllanishi asosi oiladan boshlanadi. Jamiyatimizning barqaror bo'lishida bevosita sog'lom oilaning ahamiyati juda katta.

Inson farzandi ota-onadan genetik meros oladi.Unga ajdodlari genofonidan ham ulush tegadi, albatta.Buni hayotshunoslar irsiyat, deyishadi.Yorug' olamgako'z ochgan dilbandlar dastlab oliy darajadagi moddiy qadriyatlar hisoblanmish havo, ona suti, suvdan bahramand bo'ladilar.

[1] O'zbekiston Respublikasining Konstitusiyasi 2016 yil 21 bet.

[2] https//www.gazeta.uz/oz/2020/02/18/vazrlik

So‘ngra shaxs kamolotini ro‘yobga chiqishiga asos bo‘ladigan hamda uni ta’minlaydigan muhim omillardan biri oilaviy tarbiya omili boshlanadi.Oila “millat sharafini” yuqori martabaga ko‘taradigan zaminu vosita hisoblanadi. Oilada farzandlar tug‘iladi, o‘ziga xos xususiyatlari, insoniy fazilatlari vujudga keladi, shaxs shakllanadi. Oila va oilaviy munosabatlar madaniyati hamda shaxsning, yosh avlodning umummadaniy-ma’naviy dunyoqarashining shakllanishi hamda rivojlanishiga ta’siri va muammosini ilmiy tahlil qilish qator fanlarning o‘rganish ob’ekti bo‘lib kelmoqda. O‘z navbatida oilaviy munosabatlar madaniyati shaxs kamolotiga ta’sir etuvchi birinchi omil bo‘lib, oilaviy muhitning ham jismonan ham ma’nan sog‘lom bo‘lishi jamiyat taraqqiyotiga, undagi mavjud muammolarni hal etishga ijobiy yoki salbiy ta’sir etmasdan qolmaydi.

Oiladaga talablarni ongli qabul qilish,ularga munosabat bildirishda mustaqillik, vazminlik, uzoqni ko‘ra bilishni namoyon etish va bunday munosabatning har qanday oqibatini mardonavor qarshi olishga tayyorgarlik to‘liq oiladagina yaxshi shakllanadi. Oiladagi muhit ijobiyligi inson tomonidan o‘zini –o‘zi anglashning ma’lum darajasiga erishishga, o‘z hayoti va farzand tarbiyasi uchun ma’suliyatni his etishga, oila a’zolari bilan uyg‘un munosabat o‘rnata olishga bog‘liq bo‘ladi.

Shaxsga bolaligidan yetarlicha e’tibor qaratmaslik, u bilan emotsional muloqotga kirishmaslik, “mehr yetishmaganlik sindromi”ni paydo qiladi.Bu esa, bola ulg‘aygach unda yurak-qon tomir kasalliklari va insultni shakllantiradi. Imom G‘azzoliyning “Riyozatun-nafs” asaridan quyidagi fikrlarni ko‘rib o‘tish maqsadga muvofiq, “Qachonki bolada chiroyli xulq, maqtovga arzigulik bir fe’l sodir bo‘lsa, uni hurmat bilan sharaflamoq, ko‘nglini quvontiradigan narsa bilan taqdirlamoq, ko‘pchilik orasida bu fe’lini izhor etmoq zarur” deb aytilgan.

Aksariyat psixologlar ham oilada bolaning psixologik ehtiyojlari haqida so‘z yuritganda, yuqoridagi ta’kidlanganlarga uyg‘un nazariyalarni ilgari surishadi. Bolada psixologik xarakterga ega farzandlik ehtiyojlari mavjud bo‘lib, ular: maqtovga bo‘lgan ehtiyoj, qo‘llab-quvvatlashga bo‘lgan ehtiyoj, pozitiv muloqotga bo‘lgan ehtiyoj, e’tiborga bo‘lgan ehtiyoj, hamkorlikka bo‘lgan ehtiyoj (o‘yin yoki xo‘jalik yumushlarida…), boshqalarning tinglashlariga bo‘lgan ehtiyojlardir.

Shuni aytish mumkinki, har bir ota-ona o‘z farzandini kamolotini ko‘rishni istaydi va bu yo‘lda harakat qiladi. Bugungi kunda ayrim insonlar “o‘z farzandlarini moddiy jihatdan ta’minlab qo‘yish bu – farzandiga mehr berishdir” degan “fikrni” qattiq ushlab olgan. Bunda ular bor shijoati bilan moddiy ta’minot ustida bosh qotiradi, tirishadi yoki moddiy ta’minlab qo‘ygan bo‘lsa “ota-onalik vazifasi bajarildi” qabilida ish tutadi. Lekin o‘z farzandlarida axloqiy, ma’naviy jihatdan og‘ish (jumladan: zararli odatlarga berilish, agressivlik, erta yosh davrlaridanoq qarama-qarshi jins vakillariga bo‘lgan qiziqish, shaxvoniylik, odamovilik, depressivlik, affektivlik, yurak va qon-tomir hastaliklari kabi turli psixologik va fiziologik salbiy o‘zgarishlar) holatlarini qayd etishganda esa buning sababini qidira boshlaydilar.

Bunda muammo qondirilmagan ehtiyoj (mehrga bolgan ehtiyoj) sababli yuzaga kelgan bo‘ladi. Chunki psixolog olim Z.Freydning fikriga va shunday nazariyasiga binoan “qondirilmagan ehtiyojlar insonda og‘ish holatini yuzaga keltiradi“. Bejizga donishmand ajdodlarimiz “mehribon bo‘linglar, dunyo – mehr ustiga qurilgan, mehr guldir” demaganlar. “Mehr-e’tibor orqali navnihol bola, kelajakda har qanday tabiiy hodisotga chidamli, baquvvat, tekis va baland, mustahkam tomirlarga ega daraxtdek shaxs sifatida shakllanadi”.Shunday ekan, farzand tarbiyasida ularga o‘z vaqtida mehr-e’tiborni taqdim etish joiz, zero “mehr ko‘rgan – mehr ko‘rsata oladi”. Shuningdek, psixologlar ogohlantiradiki, “ehtiyojlarning haddan ziyod qondirilishi ko‘ngilhushlik va be’manigarchiliklarning omili bo‘ladi”. Demak, bu o‘rinda “oltin” o‘rtameyorlikni topish zarurdir.

Shuningdek, oilada er-xotinning bir biriga ta’sir o‘tkazishi, birgalikdagi faoliyatda ishtirok etishi, o‘zaro ular o‘rtasidagi aloqalarning barchasi farzand tarbiyasida o‘z aksini topadi.Bolaning shaxs sifatida rivojlanishi ham aynan shu oiladagi muhit ta’siri yordamida shakllanadi. Farzand tarbiyasi masuliyatini his qilgan ota-onaning o‘zlari avvalambor tarbiyalangan bo‘lishlari lozim. Xalqimizning quyudagi maqoli fikrimizga yorqin misol bo‘la oladi: “Agar oilada ota tarbiyasiz bo‘lsa, farzandlarning biri, agar oilada ona tarbiyasiz bo‘lsa, farzandlarning bari tarbiyasiz bo‘ladi”. Bundan ko‘rinib turibdiki farzand tarbiyasi uchun ham ota, ham ona birdek mas’uliyatlidir.

Oilaviy munosabat madaniyati nima? Bu – oilada insonga xos va mos sharoitlarni yaratish, oilaning vazifalarini to‘la bajarish, oilaviy turmush tarzini to‘g‘ri shakllantirish, oila a’zolarining

xulq-odobi, dunyoqarashi, mafkurasini, oilaviy hayotning davomiyligini ta’minlashdir. Mustahkam oila mustahkam jamiyatning asosidir.Shunday ekan jamiyat oilalarni mustahkamlash, oilaviy munosabatlarda shaxsning umummadaniy dunyoqarashini shakllantirib, takomillashtirishgaalohida e’tibor berib kelmoqda.

Oila va oilaviy munosabatlarda shaxsning umummadaniy dunyoqarashini ilmiy tadqiq etishni uning jamiyat taraqqiyoti qonunlariga muvofiq rivojlanishini ifodalashdan boshlamog‘imiz lozim. Oilaning rivojlanishi jamiyatning moddiy ishlab chiqarishi va ma’naviy hayoti bilan bog‘liqdir. Oila shakllarining o‘zgarishi, ibtidoiy jamiyat davridan boshlab barcha tarixiy bosqichlarda moddiy ishlab chiqarish ma’naviyatidagi o‘zgarishlar bilan bog‘liq ekanligi ilmiy adabiyotlarda keng tahlil etilgan.Lekin jamiyatning, oilaning moddiy hayot sharoitlari o‘zgarishi o‘z-o‘zidan ma’naviy kamolotga olib kelmaydi. Madaniy qashshoq bo‘lgan odam boy bo‘lib qolsa, birdaniga ma’naviy kamolot darajasiga ko‘tarilib qolmaydi.

Faylasuf olimlarimiz masalaning mohiyatini ochib berishda shaxs va jamiyatning o‘zaro munosabati haqidagi umumaksiologik qonuniyatga suyangan holda, shaxs ijtimoiy munosabatlar majmuidan iborat degan nazariy konsepsiyani o‘rtaga tashlaganlar. Xuddi shu konsepsiyadan esa oilada farzand tarbiyasi ijtimoiy xarakterga ega degan boshqa bir nazariy xulosa kelib chiqishi tabiiydir.Madaniyatshunoslar oilaviy munosabatlar madaniyatining yosh avlod tarbiyasiga ta’sirini tahlil qilib kelmoqdalar.Oiladagi o‘zaro munosabatlar madaniyati malakasi tasavvuf falsafasida ham alohida o‘rin tutadi. Bu falsafaning yirik vakillari bo‘lgan Ahmad Yassaviy, Bahovuddin Naqshband, Najmiddin Kubro tariqatlarida ota va onalar o‘zaro munosabatlarining farzandlar kamolotidagi ahamiyati, farzandlarning ota-onalarga bo‘lgan munosabati mavzui alohida ta’kidlab o‘tilganligini ko‘ramiz.

Oila turlarining demografik, ijtimoiy tuzilishlariga qarab bo‘linishining o‘ziga xos xususiyatlari hamda uning oilaviy munosabatlar madaniyatiga ta’siri mavjud. Mamlakatimizda mavjud oilalarning aksariyati to‘liq oilalardir. To‘liq oila deganda ota-ona va farzandlardan iborat oila tushuniladi. Bu tipik oilaga xos xususiyatdir. Bunday oilalar, o‘z navbatida, patriarxal, nuklear, mezalyanslarga bo‘linadi. O‘zbekistonning o‘ziga xos xususiyati yana shundaki, hozirda o‘zbek oilalardagi katta patriarxal oila xo‘jaligi ham saqlanib qolingan. Bunda 2-3 avlod xo‘jaligi umumiy bo‘lib, ularning iqtisodiy birligining asosi hisoblangan oila mulki faqat oila boshlig‘i qo‘lida bo‘ladi va hamma unga bo‘ysinadi. Mana shu sababli ham qarindosh – urug‘larning quda-andachilik munosabatlari davom qilib kelayapti.Yaqin qarindoshlarning nikohi ham shu jumladandir.

Zamonaviy oilalarga xos ikkinchi xususiyat ularning nuklearligidir (Nuklear – lotincha so‘zdan olingan bo‘lib, lug‘aviy ma’nosi “yadro” demakdir. Er-xotin va bolalardan iborat). Hozirda G‘arb sivilizatsiyasi ta’sirida oilaning bu xili ko‘payib bormoqda. Bunday oilalarda qaynona va kelin yoki kelinlar alohida yashaganliklari uchun ular orasidagi nizoli munosabatlarning oldi olinadi, turmush tarzida ular bir-birlari bilan qadrliroq, mehr-shafqatliroq madaniy munosabatda bo‘lishadi. Bu masalaning ijobiy tomoni bo‘lib, oilaviy munosabatlarda shaxsning umummadaniy dunyoqarashining shakllanishiga olib keladi. Ota-onadan alohida yashayotgan kelin-kuyov musataqil hayotga, oila iqtisodiyotini rejalashtirishga, farzandlarni mustaqil tarbiyalashga o‘rganadilar. Oilaviy masalalarni dam olish, bo‘sh vaqtdan samarali foydalanish kabilarda nuklear oilalar erkinlikka ega bo‘ladilar.

Zamonaviy oilalarga xos uchinchi xususiyat – mezalyanslarning oshishidir. (“Mezalyans” – fransuzcha so‘z bo‘lib er-xotinning ijtimoiy, madaniy va iqtisodiy mavqyelari orasida katta tafovut bo‘lgan oilalar tushuniladi). “Mezalyans” deb, masalan shaharliklar bilan qishloqliklar, ziyolilar bilan ishchi-dehqon, chorvadorlar hamda turli millat kishilari orasidagi nikohlarni tushunish mumkin.Mezalyans oilalar sonining oshishi ham irsiy ijtimoiy jihatdan ijobiy holdir. Sharq tarbiyasida biz ota-onalar oila baxtliligini ta’minlashda va yoshlarni oilaga tayyorlashda jinsiy tarbiyaga alohida e’tibor qaratishimiz lozim. Mashhur faylasuf Z. Freydning ta’lim berishicha, oila faqatgina birgalikda yashash uchun emas, balki to‘laqonli hayot kechirish, insoniy ehtiyojni qondirish uchun ham quriladi.

Oilada har tomonlama sog‘lom muhitni qaror toptirishda quyidagi ijtimoiy pedagogik-psixologik, ma’naviy-madaniy mezonlarga amal qilishni tavsiya sifatida maqsadga muvofiq deb yondashishimiz mumkin:

– yoshlarni sportga, jumladan, oilaviy sportga ijobiy munosabatini shakllantirishga erishish;

– farzandlarda hayotiy faoliyatni oqilona tashkil etish va reproduktiv madaniyatni shakllantirishga erishish;

– oilada sog‘lom turmush tarzini asosiy omil sifatida xalqimizning o‘ziga xos an’analari va qadriyatlarini o‘rganish va keng targ‘ib etish;

– ota-onalarning farzand tarbiyasi yuzasidan mas’uliyatini, salohiyatini, savodxonligini, ota-onaning pedagogik-psixologik layoqatini oshirish, oilaviy va ijtimoiy tarbiya birligini ta’minlash;

– oilada ma’naviy va jismoniy yetuk avlodni tarbiyalash, yoshlarni oilaviy hayot qurishga tayyorlash, zamonaviy kasb-hunar sirlari bilan qurollantirish;

– oilaviy munosabatlarda farzandlarning umumadaniy dunyoqarashini shakllantirishga erishish.

Xulosa qilib aytganda, oilaning zimmasiga ulkan va zarur ijtimoiy missiya yuklangandir. Oila va fuqarolik jamiyati garmoniyasi asosida fuqarolik jamiyatini tashkil qiluvchi fenomenlar bilan oila a’zolari o’rtasidagi faollik yotadi. Bola tarbiyasi eng og‘ir ijtimoiy vazifa ekanligi ayondir. Ota va onaning shaxsiy va ijobiy namunasi solih va soliha farzandlarning kamolga yetishi uchun garovdir.

Ostona hatlab tashqi dunyoga qadam qo‘yilganida esa bolaga atrof-muhit va jamoatchilikning ta’siri sezilarli bo‘ladi. Ta’lim muassasalari va mahalla-kuy, umuman, ijtimoiy muhit inson farzandini to hayotining so‘ngi daqiqasigacha ta’qib qilib boradi. Shu boisdan, oilaviy munosabatlarda shaxsning umummadaniy dunyoqarashini shakllantirishga erishish, nafaqat shaxsiy hayotda, balki, mamlakatimizda yuz berayotgan ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlar va ularning taraqqiyoti jamiyatning ruhiy va ma’naviy takomilida ham muhim o‘rin tutadi.

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ РОЛИ

Эшова Ҳ.Х. *– ТИҚХММИ ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари*

Тараққийпарвар мамлакатларда ҳукумат, нодавлат ташкилотларининг фаолиятлари жамоатчилик билан алоқалар асосида ташкил этилади. Испан файласуфи ва публицисти Ортега Гассет ёзганидек, дунёни жамоатчилик фикри бошқаради[1]. Қайсики соҳанинг илмий-назарий пойдевори, ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлса, у илдизи бақувват дарахт янглиғ кўкка бўй чўзаверади.

Жамоатчилик билан алоқалар одамларни ишонтириш санъати билан амалга оширилади. Ишончга қандай эришилади? Бунинг усули оддий. Яъни, одамларга эътиборли бўлиш, уларга берилган ваъданинг устидан чиқиш, ишини амалда кўрсатиш, сўзини исботлаш орқалигина халқнинг ишончига сазовор бўлиш мумкин.

Айтиш жоизки, жамоатчилик эътиборини муттасил қозониб келаётган ташкилотлар талайгина. Таассуфки, фаолияти ҳаминқадар, жамоатчилик билан алоқалари қониқарсиз ташкилотлар ҳам йўқ эмас... Қиёсан олиб қарайдиган бўлсак, жамоатчилик бу – табиат. Табиат бағрида инсон яшайди. Жамоатчилик бағрида ташкилот, соҳа яшайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда қонун чиқарувчи ҳокимият ўз жамоатчилиги билан кучли. Ўша жамоатчиликка ахборот етказиб тура олиши билан кучли.

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, пиарменнинг аудитория билан муносабатлари – унинг фаолиятида асосий йўналишлардан биридир. Ушбу муносабатлар ҳам халқаро ва

[1] Қаранг: Холиқов Қ. Жамоатчилик фикри. //Фидокор, 2005, 28 июнь.

идоравий, турли кодекслар томонидан тартибга солинади.

Идоравий манфаатлар билан адолат манфаатларини уйғунлашган ҳолида кўзланган умумий мақсадга эришиш мумкин. Жамоатчилик билан алоқалар жараёнида вазирлик ҳам, бошқа ташкилотлар ҳам ўз фаолиятининг самарасини ошириш мақсадида ахборот хизмат орқали ахборот тарқатиб бориши муҳимдир. Бу ахборот мақсадли равишда амалга оширилади. Айтиш жоизки, Ахборот хизмати қатор вазифаларни амалга оширади. Биринчиси, ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириб боришдир. Бунинг учун Ахборот хизмати оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, таълим тизимининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш учун Ахборот хизмати аввало ўша жамоатчиликни кимлар ташкил этишини аниқлаштириб олиши зарур. Таълим тизимининг жамоатчилиги – ушбу тизим таркибида фаолият юритадиган соҳа вакилларини ташкил этади.

Биринчи Президентимиз “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га тегишли қонун зарурлигини таъкидлаб ўтганди. Яъни, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” қонун қабул қилиш зарур. Бу ўз навбатида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтириш бўлур эди.

Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминлаши зарур”[1].

Жамоатчилик билан алоқалар одамларни ишонтириш санъати билан амалга оширилади. Ишончга қандай эришилади? Бунинг усули оддий. Яъни, одамларга эътиборли бўлиш, уларга берилган ваъданинг устидан чиқиш, ишини амалда кўрсатиш, сўзини исботлаш орқалигина халқнинг ишончига сазовор бўлиш мумкин. Айтиш жоизки, жамоатчилик эътиборини муттасил қозониб келаётган ташкилотлар талайгина. Таассуфки, фаолияти ҳаминқадар, жамоатчилик билан алоқалари қониқарсиз ташкилотлар ҳам йўқ эмас... Қиёсан олиб қарайдиган бўлсак, жамоатчилик бу – табиат. Табиат бағрида инсон яшайди. Жамоатчилик бағрида ташкилот, соҳа яшайди. Шу нуқтаи назардан қаралганда қонун чиқарувчи ҳокимият ўз жамоатчилиги билан кучли. Ўша жамоатчиликка ахборот етказиб тура олиши билан кучли.

Ахборот хизмати фаолиятининг ўз қонуниятлари бор. Ҳар бир ахборот хизмати уч асосий йўналишда иш олиб боради: оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, маҳсус тадбирлар ва ташқи реклама. ОАВ билан бирга ишлаш ахборот хизмати умумий фаолиятнинг учдан икки қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) 5-моддаси “Оммавий ахборот воситалари эркинлиги” деб номланган бўлиб, унинг иккинчи бандида қайд этилганки, “ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир”[2].

Мазкур қоида Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб демократия ва ошкоралик принципи жорийланаётганини далолатидир.

---

[1] Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”// “Халқ сўзи”. 2010. 13 ноябрь.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги қонуни (янги таҳрири). //Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. – Б. 62-78.

Жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш мақсадида Ахборот хизмати бажариши зарур бўлган ишларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

– ахборот хизмати ходими жамоатчилик билан алоқалар жараёнида ҳар бир фактнинг аниқ ва тўғрилигини билишга эришиши лозим.

– жамоатчилик билан алоқалардан асосий мақсад – идоравий манфаатлар эмас, жамоатчилик манфаати. PR ходимлари фақат идора манфаатларини кўзлаб иш қилсалар, жамоатчилик эътиборидан тушиб қолишади. Сўнг, жамоатчилик уларни ҳеч қачон қўллаб-қувватламайди, фаолияти билан қизиқмайдилар ва улар билан алоқада бўлмайди.

– биринчи ўринда жамоатчилик манфаатларини ўйлаш керак. Ўшанда ҳам бу идора ўз мақсадига тўлиқ эришмайди. Чунки, жамоатчилик шу идоранинг ахборотини эшитади, қабул қилади ва шу информация доирасида иш қилади.

– жамоатчилик билан алоқалар ўрнатаётган ташкилот ўз фаолияти давомида шундай иш қилиши керакки, унинг дастурлари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотсин. Ахборот хизмати жамоатчиликка шуни кўрсата олиши керак. Яъни, жамоатчилик шу ташкилот фаолиятига қизиқсагина унга эътибор беради. Акс ҳолда, у ҳақда етарлича ахборот ё маълумотга эга бўлмаса, жамоатчилик бепарво ўтиб кетаверади.

– ахборот хизмати ходимлари ўз фаолиятлари давомида ОАВга мурожаат қилиб туришади. Улар ОАВ ходимларига ёлғон гапирмаслиги керак. Агар радио, телевидение ёки газетага ёлғон гапирса, жуда катта хатога йўл қўяди, чунки бундан катта зарар кўради.

Жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш масаласи узоқ йиллар турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани тарихий манбаларда кўп учрайди. Бу ғояни милоддан олдин яшаган Суқрот илгари суриб, ўз шогирдларини ҳақиқатни билишга ундаган. У ҳақиқатни баҳс орқали, суҳбат йўли билан билиш, англаш мумкин, деган, суҳбатда асосий эътиборни инсон онги ва тафаккурини таҳлил қилишга қаратиш зарурлигини айтган. Ўз даврида бу усул “Суқрот усули” деб аталган[1].

Шарқда ҳам азал-азалдан фикрлар хилма-хиллигига эътибор билан қаралган. Бу қатор мақолларда ҳам ўз аксини топган. Кўпдан кўп фикр чиқади, маслаҳатли тўй тарқамас, етти ўлчаб бир кес, оталар сўзи – ақлнинг кўзи сингари мақоллар замирида ахборот алмашмоқ, маслаҳатлашмоқ, фикрлашмоқ каби маънолар мужассам.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантиришда ахборот хизматининг ўрни жуда катта ва аҳамиятли. Сабаби ахборот хизмати – журналистлар учун энг тезкор ва зарур ахборот манбаи ҳисобланади. Ахборот хизмати мунтазам равишда ташкилоти томонидан ахборот оқимини ташкил қилиши зарур. Бунинг учун ахборот хизмати ходими ҳам ижодкор, ҳам ташкилотчи бўлиши зарур.

Ҳар қандай журналист ҳам исталган вазирлик ёки ташкилотдан ахборот олишда муайян қийинчиликка дуч келиши мумкин. Яъни, шу соҳага оид атамалар, иборалар, ҳужжатлар номларини ёзишда гоҳо чалкашиб кетади. Шундай пайтда ўша ташкилот ахборот хизмати журналистларга яқиндан ёрдам беради. Бирор анжуман ҳақида ёзганда тегишли факт ва рақамлар ва бошқа маълумотлар хато чиқмаслиги учун ОАВ ходими албатта ахборот хизматига мурожаат қилади.

Бу борада ахборот хизматлари ташкилот мутасаддиларига ёрдам бера олади. Улар ташкилот томонидан берилиши зарур бўлган ахборотларни изчил равишда тўплаб, тегишли веб-сайтида манба сифатида тақдим этиб бориши мақсадга мувофиқдир. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ошкоралик асосида АХ нинг жамоатчилик билан алоқалардаги ўрни ҳамда АХ нинг ҳуқуқий жиҳатларининг аҳамияти таълим тизимининг ОАВ да кенг ёритиб борилишига ҳам хизмат қилади. Бу эса, таълим тизимининг жамоатчилик билан алоқаларини янада такомиллаштириб бориш учун замин яратаверади.

[1] Қаранг: Педагогика тарихи. А.Зуннунов, М.Хайруллаев ва бошқалар. –Т.: Шарқ, 2000, –Б. 175.

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Каланова С.М. *– ЎзМУ Ижтимоий иш кафедраси доц.в.б.*
Эшов Х. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси магистри*

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгач, миллий давлатчилик қадриятлари, маънавият ҳамда миллий анъаналаримиз тикланиб, жамият ҳаётида демократик қадриятлар ривожлантирилмоқда. Ватанимизда демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган улкан сиёсий-ижтимоий ишлар олиб борилмоқда. XXI асрга хос бўлган глобаллашув натижасида мамлакатлараро интеграциялашув жараёнлари шиддат билан ривожланиб бормоқда.

XX аср охирига келиб, дунёдаги сиёсий қутблардан бири социалистик лагер барҳам топди, шу билан бирга «совук уруш» тарихнинг сиёсат саҳнасидан йўқолди. Аммо инсоният тамаддунининг янги босқичида кучли давлатлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, янги мустақил давлатларга ёки жаҳондаги ривожланиш йўлига ўтган давлатларга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Бу хуружлар инсоният ҳали ҳам урушларсиз яшашга, маънавий-маърифий ривожланиш йўлига тўлиқ ўтмаганлигидан дарак беради.

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Замонавий оммавий коммуникация воситалари ва ахборот – коммуникация технологияларининг мутлақо янги авлодининг яратилиши ахборот алмашув, уни қайта ишлаш ва жамиятнинг ҳаётига мақсадга мувофиқ равишда йўналтиришнинг мисли кўрилмаган имкониятларини яратди. Бугунги кунда ахборот технологияларининг ривожланиш суръати унинг ҳаракат майдонини кенгайтириб юборди. Сиёсий мақсадларда инсон онггига таъсир қилувчи ахборотнинг тизимлашган технологияларининг яратилиши оқибатида, ундан сиёсий мақсадларда фойдаланиш самарадорлигини бир неча марта кучайтирди. Шунга кўра, ҳозирги кунда, барча давлатлар миллий хавфсизлиги нуқтаи-назаридан ахборот хуружига қарши курашиш долзарб ҳамда муҳим муаммо ва бартараф этилиши шарт бўлган вазифага айланди. Глобаллашув шароитида давлатнинг мавжудлигини, унинг миллий манфаатлари емирилиш хавфи остига қўяётган ахборот хуружи ва унга қарши кураш ҳар бир давлатдан махсус стратегик режани, кураш методологиясини, инновацион усулларни ишлаб чиқишни кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида талаб қилмоқда.

Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеъликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Жаҳон сиёсатида ахборот омилларнинг роли интенсив равишда, турли кўринишда ошиб бормоқда. Дунёнинг оммавий компьютерлашуви, янги ахборот технологияларнинг тадбиқ этилиши ва ривожланиши таълим соҳаларида, бизнес, саноат ишлаб чиқаришда, илмий тадқиқот ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда олдинга кучли силжишни таъминлади. Ахборот глобал характердаги тугамайдиган инсон ресурсига айланди. Тамаддуннинг янги босқичи айнан ахборотни эгаллаш ва бошқариш даврига айланди. Ахборот– деганда, тақдим этилиш шаклидан қатъи назар бирор-бир шахс ёки предмет ёхуд далил, шунингдек, воқеа ва ҳодиса ҳамда жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тушунилади.

Ўз-ўзидан аёнки, ахборот аҳолининг кенг табақалари фойдаланиши учун очиқ бўлган тақдирдагина ижтимоий-сиёсий соҳада ўзининг янгиловчи вазифасини бажара олади. Зеро Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов, “Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди”, – деб таъкидлайдилар[1].

Бугунги кунда дунё миқёсида ахборот маконининг жамият ҳаётидаги аҳамияти ошиб, давлатлараро алоқалар, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Ахборот маконининг тараққий этиши натижасида, ахборот маҳсулот характерига эга бўлиб, халқаро ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар шаклланишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу ўринда “ахборот макони” нима, унинг таркибига, жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятига нималар киради? – деган саволлар юзага келиши мумкин.

Ахборот макони ёрдамида аҳоли барча қатламларининг ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳамда талаби қондирилади, жамият ҳаётида шахслараро, элатлараро, миллатлараро, давлатлараро коммуникатив алоқалар ўрнатилади ва ривожлантирилади. Шунингдек ахборот макон жамиятнинг ахлоқий-маънавий, психологик-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий руҳиятини шакллантирадиган, йўналтирадиган ахборот алоқалар тизимидир.

Ҳозирги пайтда ёш мустақил давлатларнинг миллий ахборот-психологик хавфсизлигига қарши қаратилган энг замонавий уруш технологияларидан бири - ахборот хуружига қурилган ахборот-психологик таъсирдир. Ахборот хуружига қарши курашиш – муайян давлат томонидан махсус метод (сиёсий, иқтисодий, дипломатик, ҳарбий ва ҳ.к.) лар, усуллар воситасида, ахборот-психологик макондаги мавжуд реал муҳитда ўз мақсадлари ва манфаатларини ҳимоялаш мажмуавий тизимидир[2].

Глобал ахборот маконидаги ахборот нотенглиги аввало аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда давлатнинг глобал ахборот маконда ўз ўрнига, ўз салоҳиятига эга бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ёшларнинг турли шаклдаги гуруҳлари биринчидан, жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида шаклланади. Бу гуруҳларнинг шаклланиши ва ривожланишига кўпроқ ички ва ташқи ахборот муҳити сабаб бўлади. Айнан ахборот муҳитининг шаклланиши, ундаги соғлом ёки носоғлом вазият ёшлар гуруҳларининг салбий ёки ижобий характерда йўналиш олишига кескин таъсир кўрсатади.

Давлат манфаати нуқтаи-назаридан, ёшлар гуруҳларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига таъсир ўтказувчи сиёсий, иқтисодий-ижтимоий омиллар комплексини илмий равишда ўрганиб, давлат ва жамият манфаатига хизмат қилувчи мақсадли сиёсий-ижтимоий фаолиятларни олиб бориш мумкин.

---

[1]Каримов И. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида// Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. - Т.: «Ўзбекистон», 2005. - Б.191.

[2]Умарова Н., Исломбеков У. Миллий ғоя тарғиботида «жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини қўллаш. -Тошкент: Академия, 2005. – Б.63.

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

Умаралиева К.Р. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА тингловчиси*

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳаётнингбарча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси[1]да бир қатор муҳим масалалар билан бирга, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оиладаги ролини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Дастурнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш кўрсатилган.

Маълумки шарқда оила, оила қуриш, унинг мустаҳкамлиги, фаравонлиги, барқарорлигини таъминлаш инсоннинг ўз миллати, аждод – авлодлари ва жамият олдидаги энг муқаддас бурчларидан бири ҳисобланади. Оила, эр-хотин муносабатлари қадимги қўлёзмаларда, жумладан, буюк мутафаккир Зардушт диний асар сифатида бир тизимга солган – Авестода ҳам етарлича ўз ифодасини топган бўлиб, унда барчанинг оила ва оилавий муносабатларга оид қоидаларга риоя қилиши лозимлиги таъкидланган.

Мозийга назар ташласак, ота-боболаримиз оилага мунтазам равишда жуда катта эътибор бериб келганликларининг гувоҳи бўламиз. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий сингари буюк алломаларимизнинг асарларида ҳам оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-онанинг, оиланинг ўрни масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларига мактублар, ҳикматли сўзлар орқали ўз насиҳатлари, ҳаётий хулосаларини ёзиб қолдирганлар. Ўтган асрнинг бошларида яшаган Махмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби маърифатпарвар зиёлилар баркамол авлодни тарбиялашнинг ягона чораси – оила асосларини тўғри қуриш эканини, оилани мустаҳкамламасдан жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлаганлар.

Ф.Хўжаев, А.Фитрат, Мунавварқори, М.Беҳбудий, А.Авлоний каби маърифатпарварларнинг бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамият касб этди. Масалан, А.Фитрат “Оила” асарида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги миллий озодлик, эрк учун зарурлигини таъкидлаб, улар фақат уй-рўзғор, фарзанд тарбияси билан банд бўлиб қолмасдан, Европа каби сиёсатда қатнашишлари муҳим ўринли эканлиги тўғрисидаги фикрларини илгари сурган[2].

Янги Ўзбекистонда оила масалаларини илмий-амалий ўрганиш жараёнида миллий ва диний қадриятларимизга катта эътибор берилиши эса бу борада катта имкониятларни вужудга келтирмоқда. Бу имконият оила аъзолари маънавиятини юксалтиришга, уларнинг ҳуқуқий ва тиббий онгини шакллантиришга, соғлом турмуш тарзини яратишга хизмат қилади. Юртимизда истиқлол йилларида оила институтини мустаҳкамлаш, унинг аъзолари турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг ўз имкониятларини юзага чиқаришлари учун қулай шароит яратиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони. Тошкент. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

[2]Фитрат. Оила. – Т.: Маънавият, 1999. – 28 б.

Дарҳақиқат, оиланинг муқаддаслиги, поклиги, жамиятнинг муҳим бўғини эканлиги асрлар давомида тобланган, ўз исботини топган ҳақиқатдир. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, ҳар томонлама соғлом, баркамол фарзандларнинг камол топиши кўп жиҳатдан эр-хотиннинг саломатлиги, оила қуришга тайёрлиги, зиммасидаги бурч ва мажбуриятни нечоғли англаб етишига боғлиқ. Баркамол авлод деганда, аввало, соғлом оилани кўз олдимизга келтирамиз. Жамиятнинг ушбу муҳим бўғини ва унинг манфаатларини ҳимоялаш Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётгани бежиз эмас. Оиладаги соғлом муҳит ўғил-қизларнинг ҳар томонлама етук, жамиятимиз учун муносиб инсонлар бўлиб етишишининг муҳим шартидир. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, хатти-харакати, ҳулқ-атвори дастлаб оилада, оилавий муносабат маданияти асосида шакллана бошлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, авлодлар давомийлиги оиладаги умумий муҳит, анъанавий тарбия меъёрлари ва мезонлари билангина эмас, балки оиланинг моддий шарт-шароити билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Сир эмаски, жамиятимиздаги ҳар бир оиланинг муқаддас бурчи қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларнинг жисмоний саломатлиги, маънавий-аҳлоқий камолоти ота-она ва Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашдир. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясида оила – жамиятнинг асосий бўғини, оналик ва болалик давлат томонидан ҳимояланади, вояга етган, меҳнатга яроқли болалар ўзларининг ота-оналарига ғамхўрлик қилиши шарт деб кўрсатилган. Бу ишончли ҳуқуқий кафолатларда ҳалқимиз босиб ўтган узоқ ва ёркин тарихий йўлнинг ўлмас мерослари ётибди. Зеро ота-онага, бир-бировга мурувват, ҳурмат-иззат – буларнинг барчаси асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, бизгача етиб келган ва қонимизга, танимизга синган энг ардоқли инсоний қадриятлардир.

Таъкидлаш жоизки, оиланинг гўзаллиги, фароғати, файзу камолини таъминловчи юксак мақомли шахс бу аёл кишидир. Эркаклар эса аксарият ҳолларда барча аҳлоқ ва одоб ва тарбия хусусида аёл киши маслаҳатига ҳамфикр, зотан улар ҳам ўз вақтида она меҳри ва тарбиясидан баҳраманд бўлганлар. Шу сабабли ҳам донишмандлардан бири: “Инсонлар ҳар вақт хотунлар истагани каби бўлажаклар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса хотунларга буюклик фазилатни ўргатингиз[1]”, – деган экан.

Маҳалла инсонларни бирлаштирувчи ва жипслаштирувчи катта оила ҳисобланади. Бу оила инсонларнинг бир-бирига бўлган ўзаро хурмати, муҳаббати, чуқур билим ва маданияти, мустаҳкам дўстлиги асосида яшайди, фаолият кўрсатади. Унинг барча аъзоси ҳар томонлама етук инсон бўлиши кераклиги фуқаролик жамият қуришнинг энг асосий талабларидан бири деб ҳисобланади. Оилатарбиясининг сустлиги ёшларнинг турли ёт ғояларга берилиб кетишига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

[1]Мирабобоев А. Одобнома. Марғилон, 1994. – 37 б.

“Маҳалладаги ёшларнинг ёт ғояларга берилиб қолишининг сабаблари нималарда деб ҳисоблайсиз?” деган саволга респондентларининг 36,0% “оила тарбияси”, 26,1% “ёт ғояларнинг мудҳиш оқибатлар келтиришини аниқ билмаслигида”, 17,7% “иқтисодий сабаблар”, 11,1% “диний билимлар йўқлиги”, 3,6% “жамиятимизда хавфли ҳолатларнинг олдини олиш, бир-бирини огоҳ этиш бўйича ўзаро мулоқот қилиш анъанасининг сустлиги” каби жавобларни белгилаган[1].

Ўтказилган социологик тадқиқотларнинг натижалари асосида, сўровномада қатнашган респондентларнинг жавобларидан кўриниб турибдики, мазкур ҳолатни ўрганиш жараёнида ёшларнинг ёт ғояларга берилиб қолишида оила тарбиясининг сустлиги, ёт ғояларнинг мудҳиш оқибатлар келтиришини билмаслиги, аҳоли орасида диний билимлар саёз эканлиги, одамлар орасида бир бирини турли хавфлардан огоҳ этиш бўйича ўзаро мулоқот қилмаслиги асосий омиллар сифатида аниқланди. Шу боисдан ҳам, маҳалладаги турли аҳоли қатламлари вакиллари орасида жойлардаги имом-хатиблар томонидан амалга оширилувчи диний маърифат ишларини фаоллаштиришлари тавсия этилади.

Оилаларни мустаҳкамлаш борасида ҳар бир маҳалла қошида ота-оналар дорилфунунини ташкил этиб, ундаги машғулотлар орқали аҳолининг соғлом турмуш маданияти тушунчалари, тиббий саводхонлиги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси, оила аъзолари муносабатлари ва бола тарбиясида зарур бўлган ҳуқуқий, маънавий, педагогик ва психологик билимларга эга бўлишини тўлиқ таъминлаш ўзини-ўзи бошқариш органларининг энг асосий вазифаси деб белгиланади. Зеро, ота-оналарнинг саводхонлик даражаси ошишида ўз-ўзини бошқариш органлари бўлмиш маҳаллаларнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш биз синовдан ўтказган иш услуби, яъни бевосита маҳаллалар худудида, жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлови билан ташкил этилган “Ота-оналар университетлари”нинг маънавий механизм сифатидаги таъсирчанлигидан оқилона фойдаланишни тақозо этди.

Ўтказилган тадқиқотларимиз ва олинган таҳлилий материаллардан келиб чиққан ҳолда маҳаллаларда “Ота-оналар университети”ни ташкил этиш орқали ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий-демографик саводхонлигини оширишни кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифалардан деб эътироф этиш ва қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

- Айрим оилаларда болаларнинг тарбияси фақат оналар зиммасига юклаб қўйилган, оталар эса бу ишдан ўзларини четга оладилар. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, қадимдан ўғил болалар тарбияси билан, асосан, эркаклар, қиз бола тарбияси билан оналар шуғулланганлар, аммо улар эркаклар назоратида бўлган.
- Айрим ота-оналар болаларни тарбиялаш ўз вазифалари ва бурчларини тўла ҳис қилмайдилар, яъни уларнинг педагогик тайёргарлиги етишмайди ёки улар буни тушуниб етмайдилар ёхуд нотўғри тушунадилар. Зотан, оилавий тарбия, аввало, ота-оналарнинг ўзларини ўзлари тарбиялаш демакдир.
- Ҳар бир оиланинг ўзига хос бўлган анъаналари мавжуд. Бу анъаналар бола онгига, унинг хулқ-атворига жуда кучли таъсир қилади. Масалан, оила аъзоларининг туғилган кунларини ўтказиш, қариндош-уруғлар холидан хабар олиш ва ҳоказолар. Энг муҳими ота-оналарнинг ўз ота-оналарига бўлган ҳурмати ва меҳрибончиликларининг доимийлиги, агар вафот этган бўлсалар – уларни хотирлаш анъанага айланиши зарур.
- Шундай қилиб, оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари ва таъсир қилиш омиллари мавжуд. Буларни олмасдан туриб, бола тарбиясини оилада яхши йўлга қўйиш мумкин эмас. Бунинг учун, аввало, тарбиячилар – ота-оналарнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари лозим. Ота-оналарнинг бутун хаёти, уларнинг фуқаролик қиёфаси, маънавий дунёси бола тарбиясининг негизини ташкил этади.

[1]2018 декабрь 2019 йил март ойларида Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур тумани “Кўкча дарвоза” маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари томонидан маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича социологик сўровнома натижалари.

- Оилада, болани маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда миллий ахлоқий қадриятлардан фойдаланишнинг моҳияти, ўзига хослиги ва аҳамиятини таҳлил қилиш ундан унумли фойдаланишга ёрдам беради.

ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Муротов Б. *– ЎзРП ҳузуридаги ДБА магистранти*

Оила инсонга бахт келтирувчи ва авлодлар давомийлигини таъминловчи гўша, жамият бутунлиги ва аҳиллигини кафолатловчи қўрғон. Оила тинчлиги ва осойишталиги жамият барқарорлигининг асосий омилидир. Оилани қадрият сифатида тавсифлаш ва жамият ҳаётидаги нуфузини таъкидлаш билан биргаликда, унинг мустаҳкамловчи кафолатли омилларининг ролини ўрганиш, айниқса, ёшларни оилада тарбиялаш катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир.

Шу сабаб, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларидан бошлаб то ҳанузгача оиланинг ижтимоий негизини мустаҳкамлашга ҳамда барқарорлигига эришишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Айнан 1998 йилни “Оила йили”, 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили”, 2016 йилни «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши оилага бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Республика Конституциясида ҳам “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”[1], деб келтирилган. Ҳар қандай жамиятнинг мустаҳкамлиги, унинг истиқболи шу жамият фуқаролари томонидан тузилган оила ва унинг барқарорлигига узвий боғлиқдир.

«Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша бахтли кунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!»[2], дея таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Аммо, бугунги кунга келиб ҳам, жамиятимизда оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан туғилаётган баҳслар, можаролар ва улар сабаб турмушга дарз кетиш каби ҳолатлар кўплаб учраб турибди. Оилавий ажримлар кейинги пайтларда глобал тус олиб, юристлар, демографлар, иқтисодчилар, социологлар, психологлар ва қўйингки, барча соҳа вакиллари диққат марказида бўлиб турибди. Чунки, бу ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий ҳамда психологик муаммодир. Демак, уни бартараф этиш билан кўплаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муамммолар ўз ечимини топади. Акс ҳолда, инсонлар ташвишларга кўмилиб, жамият нотинч, давлат қашшоқлашиб боради. Ажралишнинг оқибати нафақат эр ва хотинга зарар етказади, балки фарзандларнинг онасиз ёки отасиз улғайишига олиб келади.

Оилавий муносабатларга оид илмий-назарий ёндашувлар:

В.А.Сысенко фикрича, никоҳ оила муносабатлари ўрганилаётганда, асосан ажралиш ҳақидаги статистик маълумотлар тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади[3]. У ажралишлар асосида юзага келадиган бир қанча масалаларни санаб ўтган.

Хориж олимларидан З.И.Файнбург оила мустаҳкамлигининг охирги даражаси шахсни ички дунёси билан боғлиқ, жамият эса оилани ташқи омиллардан сақласа керак,- дейди[4] .

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 1993. – 27 б.

[2] https://www.xabaruz.com/siyosat/prezident-oila-kichik-vatan 22.01.2018 20:04 .

[3] Сысенко В.А. Супружеские конфликты. – М.: Финансы и статистика,1983. – 175 стр.

[4] Файнбург З.И. Эмоционально-культурные факторы функционирования семьи // Социологические исследования. 1981, №1. - 145 с.

Э.М.Тийт оила барқарорлигини кўтариш эҳтимолларини уч омилини ажратиб кўрсатади:

-биринчидан, насл-насаби ва ота-она тарбияси;

-иккинчидан, никоҳдан олдинги тарихи ва никоҳ шартлари;

-учинчидан, эр-хотин ўртасидаги муомаланинг салбий асоратлари. Унинг фикрича, юқорида санаб ўтилган муносабат ва вазият гоҳида қандайдир оила мустаҳкамлигига таъсир қилиши, энг муҳими турмуш ўртоқлардан ҳар бирининг индивидуал баҳоси ва ўзаро тушунишнинг шахсий даражаси билан намоён бўлади[1].

Хориж олимларининг изланишлари натижасига кўра, турмуш ўртоқлар ўртасидаги муносабатларда вазифалар бўлинишидаги келишмовчиликлар, оилавий роллар тақсимотини баҳолашнинг тўғри келмаслиги, турмуш ўртоқларнинг тасаввурларининг мос эмаслиги, эр-хотиннинг бир-биридан маънавий, ижтимоий, биологик эҳтиёжларидан қониқмаслик оилавий ажримларга сабаб бўлувчи асосий омиллар эканлиги келтирилган.

Ўзбек олимлари М.Г.Давлетшин ҳамда Ғ.Б.Шоумаровлар фикрларига кўра, оилавий низоларнинг келиб чиқиши ва оилаларнинг бузилиб кетишида эр-хотин феъл-атворларининг мос келмаслиги, фарзандсизлик, севги ва меҳр-муҳаббатнинг етарли эмаслиги, оила бюджетини оқилона бошқара олмаслик асосий омиллар деб тан олинса-да, уй ишларининг саранжом-саришта ва ораста эмаслиги, иқтисодий таъминотдаги камчиликлар, рашқ ва ишончсизлик, ота-оналарнинг келин-куёв муносабатларига аралашуви, дунёқараш ва маслакларнинг номувофиқлиги, жинсий муносабатларда зарур қоидаларга амал қилмаслик холатлари ҳам оилавий зиддиятлар келиб чиқишида муҳим ўрин тутишини эътироф этишган[2].

Ф.А.Акрамова фикрига кўра, оиланинг мустаҳкам бўлишида оила қуриш ёши муҳим ҳисобланади. Кузатувлардан кўринадики, ниҳоятда эрта (16, 17 ёшда) ва кеч (28, 30 ёшдан кейин) оила қуриш мақсадга мувофиқ эмас. Эрта оила қуриш йигитнинг оила бошлиғи сифатида шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин. Қиз боланинг оила юмушларига эрта жалб этилиши натижасида у бекалик, физиологик жиҳатдан эса оналик вазифаларига етилган бўлиши мумкин.

Лекин, оилада эркакнинг ёши келиннинг ёши билан баравар бўлиши, йигитнинг ёш кўрсаткичи оила мустаҳкамлигига таъсир этади. Чунки, келин томонидан у бола сифатида тасаввур этилади ва куёвни етарли даражада ҳурмат қилмаслигига олиб келиши мумкин. Кеч оила қуриш ҳам мақсадли эмас. Айниқса қизлар учун оила қуриш имкониятларини пасайтиради. Ўзига турмуш ўртоқ танлашдаги мезонлар сони ортишига, лекин номзодлар сони камайишига дуч келади. Бу ўз навбатида қиз бола учун оила қуришни мураккаблаштиради. Шунинг учун оптимал ёшни ўтказиб юбормаслик керак. Бунинг учун ижтимоий, иқтисодий, маънавий етуклик ёши танланса, маъқул бўлади. Бу эса аксарият ҳолда қизлар учун 20 ёш ва ундан юқори, йигитлар учун 24 ёш ва ундан юқори бўлган даврларга тўғри келар экан[3].

Психология фанида ҳар хил оилавий яшаш муддатидаги эр-хотинларда ўзаро муносабатларни қамралган равишда биринчи бўлиб психолог олим Ю.Е.Алёшина ўрганди. Муаллиф эр-хотин ўртасидаги шахслараро муносабатни объектив воқелик тарзида эмас, балки уларнинг бир-бирини ҳамда ўз муносабатларини идрок этиш натижаси сифатида ёндашди. Бу ишда эр ва хотин орасидаги муносабатлар параметри шахслараро идрок этиш феномени таҳлил этилди. Шу билан бирга, эр ва хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятларига таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар ҳам ўрганилган. Тадқиқот жараёнида

---

[1] Тийт Э.М. Факторы влияющие на стабильность брака //Стабильность семьи как социальное проблема. –М., 1979. – С.136-146.

[2] Давлетшин М.Г., Шоумаров Ғ.Б. Замонавий ўзбек оиласи ва унинг психологик хусусиятлари// “Ўзбек оиласининг этноспихологик муаммолари” Республика илмий-амалий анжумани маърузалари қисқача баёни. – Т., 1993. – Б.5.

[3] Акрамова Ф.А. Ёшларни оилага тайёрлашнинг асосий омиллари ва уларнинг психологик хусусиятлари. //Замонавий таълим. 2015, №10. – Б.48.

олинган маълумотларга асосланган холда, қуйидаги хулосалар баён этилган: оиланинг ривожланишидаги бир неча бошланғич босқичларда эр-хотинда оила мустаҳкамлиги даражаси пасаяди, сўнгра аста-секин оша боради. Оилани ривожлантириш цикли жараёнида рўй бераётган ўзгаришлар эр-хотиннинг оилада жинс сифатида тутган мавқеига ва оилада тутган ролига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Оилада биринчи фарзанднинг туғилиши ҳамда унинг мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшга етиши эр ва хотиннинг бир-бирининг ҳамда ўз муносабатларини идрок этишга катта таъсир кўрсатади[1].

Оила мустаҳкамлиги жамият мустаҳкамлигининг гарови экан, бу борада оилавий ажримларга етакловчи омилларни таҳлил этишнинг ҳаётий аҳамияти бор. Оилавий ажримларнинг салбий оқибатларини кўпчилик, айниқса, катта ёшдагилар яхши тушунади. Шу боис ҳар бир инсоннинг суянчи саналувчи бу муқаддас даргоҳга дарз етмасин, деймиз.

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳамда 2018 йил 7 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида оилавий ажримларнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5938-сон Фармонига мувофиқЎзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Албатта, кундалик ҳаётимизда оилавий ажримларга сабаб бўлаётган турли омиллар мавжуд. Масалан, ажримларнинг энг муҳим сабаблардан бири, бу – иккала томон бир-бирларини яхши билмай оила қуришидир. Ёки келин-куёвнинг турмушга тайёр эмаслиги, меҳнат қилишга ўрганмаганлиги, сабр ва ирода билан енгиш мумкин бўлган қийинчиликларга тоқат қилмаслигини ҳам оилавий ажримлар асоси сифатида баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, айрим куёвларнинг ичкиликка ружу қўйиши, баъзан гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлиши ҳам гулдек оилани парчалаб юбормоқда. Шунинг учун республика, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, , прокуратура, ички ишлар, суд, адлия ва ФҲДЁ органлари, тиббиётчилар, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи, маҳалла фуқаролар йиғинлари барчаси ҳамкорликда ёшлар, қуда-андалар ўртасида яраштириш, тушунтириш ва тарғибот ишлари, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этмоқдалар.

МУСТАҲКАМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Исропилов М. *– ЎзМУ Социология кафедраси магистри*

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш энг мухим вазифалар сифатида белгиланди. Ўзига хос миллий давлатчилик тарахимиз, халқимизнинг азалий қадирият ва анъаналари эътиборга олиниб, Конституциямизга “Оила боби” киритилди. Бош қомусимизнинг мазкур бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эанлиги ҳамда жамият ва давлат мухофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги мустахкамлаб қуйилган. Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз фарзандларини вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар эса ўз ота-оналари ҳақида қайғуришга мажбурликлари, давлат томонидан мухофаза қилиниши ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда оилавий

[1] Алёшина Ю.Е. Удовлетворенность браком межличностное восприятие в супружеских парах с различным стажем совместной жизни. Автореф.дисс.канд.психол.наук. – М. , 1985. – Б.13.

муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Фуқаролик ҳолатларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари, Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом, вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисида Низом, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарор, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг оила ҳуқуқи масалаларига қаратилган дастурий кўргазмалари билан тартибга солинади.

Мустақил Республика Конституциясининг қабул қилиниши никоҳ ва оила қонунига ҳам аниқлик киритди. Бундан сўнг никоҳ ва оила кодекси дейилмай, “Оила кодекси”, деб аталмоқда. Чунки, Конституциянинг 63-66 - моддалар оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидалардир. 46-моддада эса хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир, деган оила ҳуқуқининг тамойилини асосий қонунга киритди. Оила муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусияти тартибга солиш предметибиланбевоситабоғликдир.

Асосий қонунда оилага махсус боб ажратилган. Бу бобни “Жамият ва шахс” бўлимида берилиши ҳам айни муддао, чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг асосий бўғинидир. Конституциянинг 63-моддасида шундай дейилади: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”. Эр-хотин ўртасидаги муносабатнинг асосида никоҳ ёши, ота-она ва бола ўртасидаги муносабатнинг асосида қон-қариндошлик ётади. Чунки бола ота қонидан пайдо бўлади, она қорнидан туғилади. Оилани мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан унда отанинг обрўсини, аҳамиятини ошириш билан бевосита боғлиқ. Ота бўлиш муқаддас ва масъулиятли вазифадир. Чунки ҳаётий тажрибадан маълум бўлишича, оиланинг барча маънавий ва иқтисодий ташвишлари оталарга юклатилган. Ота оила бошлиғи, ўз фарзанди униб-ўсиши, вояга етиши учун биринчи масъул шахс.

Оила ҳуқуқининг асосий манбаи бутун кенг қамровли оила қонунчилигининг “ўзаги”Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидир. У 1998-йил 30-апрелда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қабул қилиниб, ўша йили 1 сентабрдан эътиборан амалга киритилди. Оила кодекси 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат. Амалдаги Оила кодекси лойиҳаси бирданига пайдо бўлгани йўқ. Уни тайёрлаш тўғрисида 1996-йил Тошкентда бўлиб ўтган “Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ахолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш” мавзусига бағишланган Республика юристлари конференциясида ҳам айтиб ўтилганди. Оилани янада мустаҳкамлаш ва унинг ижтимоий аҳамиятини ошириш учун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар мустақиллик ва миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида тайёрланди. У халқаро нормаларга ва миллий менталитетга мос равишда ишлаб чиқилди. Оила тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштириш бир қанча йўналишларда олиб борилди.

Давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги аввалambор, ҳукумат юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон ва оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборат. Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикамиз Президентининг фармонларида ўз ифодасини топмоқда. Жаҳоннинг бир гуруҳ тадқиқотчи олимлари томонидан республикада оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишлари ўрганиб чиқилди. Натижалар чет эллардаги аҳвол билан таққослаганда, бирор бир мамлакат раҳбарияти оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида биздаги каби кўп қарор ва фармонлар қабул қилмаганлиги маълум бўлди.

Жамият томонидан оила муҳофаза қилинади дейилганда, мамлакатда мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларнинг оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришлари тушунилади. Бу қоида Республиканинг Конституциясида белгиланган янги қоидадир. Мамлакатимиз жамоат ташкилотлари ҳар хил жамғармалар ҳисобидан оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқда.Жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва

вазифаларига мувофиқ равишда республикада ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўчиб, оилаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Масалан, эҳтиёжманд кишиларга ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда ногиронлар жамиятлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишда касаба уюшмалари фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин[1].

Нима учун мамлакатимизда оилага жамият томонидан бу қадар катта эътибор берилмоқда? Чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, узвий қисми бўлиб, унинг бош бўғинини ташкил этади. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Оила айни вақтда жамиятнинг, аввало, унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади. Оила ҳуқуқида барча фуқаролар миллати, ирқидан қатъий назар тенг эканлиги ифодаланган "...барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар" (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 18-модда). Бу ўзгармас қоида бўлиб, оила ҳуқуқида ўз ифодасини топиб, одамларни ҳар хил миллатга тегишли эканлиги ёки ирқига мансублиги оилавий муносабатларда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини англатади[2].

Никоҳ тузиш учун фуқароларнинг ҳар хил миллатга, динга эътиқод этиши тўсиқ бўла олмайди. Болаларни фарзандликка олишда фарзандликка олувчиларнинг болалардан бошқа миллатга тегишли эканлиги ҳам монелик қилолмайди. Ҳаётимизда никоҳ, фарзандликка олиш туфайли фуқароларнинг бир оилага бирлашганлигини кўплаб учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг амалдаги 46-моддасига биноан, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Бу тамойил конституцион қоидага айланди. Жамиятда аёл билан эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги мамлакатимизда жинсидан қатъий назар фуқароларни сиёсий тенглигига асосланади. Бу тамойил Оила кодексининг 2-моддасида қуйидагича ифодаланган: оила муносабатларини тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга этмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

Оилавий муносабат иштирокчиларининг бир-бирига муносабати умумахлоқий тамойилга ва маънавий меъёрлар билан тартибга солинади. Бу эса ҳуқуқий демократик давлатни муваффақият билан қураётган жамият аъзоларига хосдир. Оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши мана шу тамойилларга таянади ва уларга тўла мос келади. Баъзи ҳолларда қонун оила аъзоларининг ўз яқинларига ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди. Оила кодексининг 109-моддасига биноан вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Демак, мамлакатимизда оилани ташкил қилиш ва уни мустаҳкамлашнинг барқарор ҳуқуқий тизими яратилди ва у тизимли тарзда фаолият кўрсатаяпти дейишимизга тўлиқ асослар мавжуд.

АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Бобоев Ш. *– ЎзМУ "Социология" кафедраси магистри*

Бугунги кунда аҳоли кўчиши ижтимоий ҳодиса ва жараён сифатида илм-фанда кенг ўрганилмоқда. Айниқса, аҳоли популяцияси, ижтимоий-демографик таркиби, жинсий-ёш

[1]Отахужаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: "Ўзбекистон", 1995. –38 б.
[2]"Халқ сўзи" газетаси. 1996-йил 30 июль.

тузилмасидаги ўзгаришлар мониторинги, авлодлар давомийлигини таъминлаш муаммолари миграцион жараёнлар билан чамбарчас боғлиқликда ўрганилади. Зеро, XXI асрда миграция глобал ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳамда демографик мувозанатни издан чиқаришга қодир йирик омилга айланди.

Ташқи ёки халқаро миграциянинг асосий сабаби ойлик маош миқдоридаги кескин фарқ бўлиб, бир хил квалификация талаб қилинадиган иш фаолияти учун бошқа давлатда юқори маош олиш имконияти яратилади. Айрим соҳаларда мутахассислар танқислиги эса, малакали кадрларни четдан жалб қилиш мақсадида ойлик маош миқдорининг ўсишига олиб келади. Натижада, ташқи миграцияда малакали мутахассислар оқими кўпаяди. Худди шундай шартлар асосида бугунги кунда ривожланаётган давлатларда интеллектуал салоҳиятли мутахассисларнинг ривожланган давлатлар (АҚШ, Канада, Ғарбий Европа) га кўчиб кетиш тенденцияси кучаймоқда.

Халқаро миграция омилларидан бири ҳарбий низолар ва тўқнашувлар бўлиб, сўнгги пайтларда Яқин Шарқ ва Африка даватларидан АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатларига оммавий кўчиб ўтувчилар сони ошиб бормоқда. Ҳарбий низолар билан бир қаторда, табиий офатлар ҳам миграцияни шакллантирувчи омиллар қаторида туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миграциянинг ҳар қандай тури етарлича мураккаб ва зиддиятли жараён саналади. Кўчаётган кишилар ушбу жараённинг қарор қабул қилиш, ҳудудий кўчиш ва мослашиш босқичини бошидан кечирсалар, тегишли давлатлар ваколатли органлари олига нги вазифаларни қўяди.

Хусусан, миграцион жараённи бошқарувчи икки томон (жўнатувчи ва қабул қилувчи давлатлар) нинг иқтисодиётида фойда ва зарар, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозантнинг мустаҳкамланиши ёки бузилиши кузатилади. Алоҳида олинган оилаларда миграция молиявий аҳволни яхшиласа-да, оиланинг катта ёшли аъзолари доимий иш билан бандлиги туфайли болалар тарбияси билан етарлича шуғулланилмайди[1]. Давлат миқёсида эса унинг сиёсий, демографик ва иқтисодий оқибатлари қаторида оммавий ва тартибсиз миграциялар боис санитар-эпидемиологик вазият ёмонлашади.

Бугунги кунда халқаро миграция ички миграциядан кучли оқимларни ҳосил қилиб, бир томондан норасмий меҳнат миграцияси улуши ошиб борса, иккинчи томондан, мажбурий ташқи миграция сальдоси ўсмоқда. Натижада, қабул қилувчи мамлакатлар, мигрантларнинг нисбатан ожиз қатламлари саналган аёллар ва болаларни жойлаштириш ва улар учун зарурий ижтимоий шарт-шароитларни яратиб беришда молиявий муаммоларга дуч келмоқда.

Халқаро даражада мигрантларни қабул қилувчи давлатлар АҚШ, Европа давлатлари, Лотин Америкаси, жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари, ЖАР, Исроил каби давлатлар бўлиб, ушбу давлатларда ишчи кучига бўлан эҳтиёжнинг 70%и мигрантлар ҳисобидан тўлдирилади. Жаҳон меҳнат бозорида ишчи кучини етказиб берувчи давлатлар рўйхатида эса Ҳиндистон, Покистон, Жазоир, Мексика, Ирландия, Туркия ва МДҲ давлатларининг улуши катта[2].

БМТнинг статистик маълумотларига мувофиқ дунё миқёсида аҳоли кўчиш интенсивлиги назорат қилиб бўлмас даражада кучайган. Инсоният тарихининг турли даврларга нисбатан бугунги дунёда аҳолининг катта қисми ўзи туғилган давлатда эмас, кўчиб борган давлатларда муқим ўрнашмоқдалар. Сўнгги маълумотларга мувофиқ, халқаро миқёсда 2019 йилда мигрантлар сони 272 млн. га етди. Қисқа 20 йил ичида ушбу кўрсаткич 100 млн.га ошганлиги халқаро экспертларни ташвишлантирмоқда. Зеро, 2000 йилда бу кўрсаткич 173 млн.ни ташил этган эди[3]. Эътиборлиси, мигрантлар ялпи улушининг 48% ини

[1] Илимбетова А.А. Глобальный процесс феминизации миграции. // Век глобализации. Журнал. – 2013. - №1. – С. 79-91.

[2]Migrationdataportal. The total number of international migrants at mid-year 2019. Source: UNDESA, 2019.

[3] Общее будущее общими силами. Цели в области устойчивого развития. Глобальныевопросы: миграция.

аёллар ташкил этса, 38 млн. болалар ушбу жараённинг фаол иштирокчиси бўлмоқда[4]. Мигрантларнинг атига 4,4 млн. халқаро талабалар бўлса, 164 млн. меҳнат мигрантларидир. Мигрантларнинг 75% айни меҳнатга лаётқатли ёш (20-64 ёш)даги кишлардан иборат бўлиб, ўзининг жисмоний ва ақлий қувватини кўчиб ўтган давлат иқтисодиётига сарфламоқда. Қитъалар кесимида доимий аҳоли таркиби бўйича мигрантлар улуши Осиёда – 31%, Европада – 30% Шимолий ва жанубий Америкада – 26% Африкада – 10%. Океанияда – 3% ни ташкил қилмоқда[5].

Миграция бугунги кунда геометрик прогрессияда ўсиб бораётган гипердинамик жараёнга айланди. Халқаро миграция ташкилоти ҳисоботларига мувофиқ ушбу жараён худди шундай интенсивликда давом этса 2050 йилда мигрантлар дунё аҳолисининг 405 млн.ни ташкил этиш эҳтимоли баланд[6]. Ушбу жараёнда фаол иштирок этувчи давлатлар функцияларига кўра, мигрантларни чиқарувчи, транзит қилувчи, қабул қилувчилар категорияларига ажралмоқда.

Айниқса, меҳнат миграциясининг кўлами учала турдаги давлатлар учун маълум ижтимоий-иқтисодий муаммоларни шакллантирмоқда. Шундай бўлсада, қабул қилувчи мамлакатлар учун меҳнат миграцияси ишчи кучининг ёшариш, айрим соҳаларни интенсив ривожланиши(қишлоқ хўжалиги, қурилиш, шахсий хизматлар, тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя, кадрлар танқислиги)га туртки бўлмоқда. Ўз ўрнида, мигрантларни етказиб бераётган давлатлар эса валюта трансферлари улушидан катта молиявий манфаат кўрмоқдалар. Ривожланган давлатларга кўчиб борган кишилар эса, ўз юртига инвестиция, замонавий технологиялар, инновацион меҳнат кўникмалари ва тажрибани олиб кирмоқдалар.

Демак, аҳоли миграциясининг замонавий тенденциялари бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанларнинг илмий тадқиқотларининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Миграцион жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг турли жиҳатлари қуйидаги фанлар томонидан ўрганилади:

Иқтисодий ёндашувларга мувофиқ миграция универсал хусусиятли жараён саналади. Иқтисодиётда мазкур жараён тегишли мамлакат аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқатлилар улушида содир бўлаётган ўзгаришларнинг муҳим индикаторига айланди. Зеро, кўчишга туртки бўлаётган иқтисодий-молиявий эҳтиёжлар меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб шаклансада, айни пайтда соғлом рақобатни ривожлантиради.

Аҳоли яшаб турган ҳудудидан бошқа жойга кўчиб ўтар экан, кўчиб келган ҳудудда уларнинг ҳуқуқий мақомининг белгиланиши, ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатланиши, улар билан ишловчи субъектлараро муносабатлар тизимини тартибга солиш ҳуқуқшунослик фанининг долзарб масаласи саналади.

Социология эса бу маънода интегратив фан ролини ўтайди. Зеро, социологик тадқиқотлар мигрантларнинг янгича ижтимоий муҳитга мослашиши, уларнинг таълим олиши, соғлиғини сақлаш, ижтимоий ҳимоялаш каби ижтимоий аҳамиятли муаммоларини қамраб олади.

Психологияда шахснинг муқим яшаб турган жойидан бошқа ҳудудга кўчиб ўтиш мотивацияси алоҳида ўрганилади. Ушбу фанда миграция шахснинг ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондириш воситаси ҳамда кишининг ўзига бўлган ишончини синаш усули сифатида таърифланади.

[4] Migration data portal. The total number of international migrants at mid-year 2019. Gender and migration. Source: UN DESA, 2019.

[5] Total number of international migrants at mid-year 2019. Migration data portal. UNDESA, 2019. http://www.migrationdataportal.org

[6] Житин Д.В., Краснов А.И., Шендрик А.В. Географические особенности миграционных связей Европы // балтийский регион. 2016. №3. – С. 75-92.

OILANI MUSTAHKAMLASHDA AJDODLAR MA'NAVIY MEROSIDAN FOYDALANGAN HOLDA JAMIYAT TARAQQIYOTINI TA'MINLASH HAMDA SHU ORQALI MILLIY G'OYANI RIVOJLANTIRISH

Ashuroxunova Sh.– *GulDU Ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti*
Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va
huquq ta'limi yo'nalishi talabasi

Millatning o'tmishi, buguni va kelajagini o'zida mujassamlashtiruvchi, shu bilan birga, uning ruhiy olamiga chuqur ta'sir ko'rsatib, hamisha olg'a qadam tashlashga chorlovchi omil bu xalqning milliy g'oyasidir. Davlatning, jamiyatning qay darajada yuksalishi milliy g'oyaning rivojlanish darajasiga chambarchas bog'liqdir. Milliy g'oyani rivojlantirishning ijtimoiy-ahloqiy masalalaridan biri esa oila institutini to'g'ri tashkil etish va uning mustahkamligini ta'minlashdan iborat. Hozirgi globallashuv jarayonida nafaqat jamiyatimiz, balki butun insoniyat taraqqiyoti uchun turli xildagi iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ma'naviy va shu kabi bir qator ichki va tashqi omillar tahdidi ortib borayotganligi hech kimga sir emas. Xuddi shu vaziyatda oilalarning mustahkamligini ta'minlash, ularda turli ma'naviy tahdidlarga qarshi tura oladigan mafkuraviy immunitetni hosil qilish jamiyat taraqqiyotini, uning ravnaqini belgilovchi asosiy omil hisoblanadi. Zero, oila jamiyatning aaosiy bo'g'inidir. Bu masalaga bosh qomusimiz hisoblanmish O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining XIV bobida ham bevosita to'xtalib o'tilgan.

Oila va jamiyat bir-biri bilan uzviy bog'liqlikda mavjuddir. Bugungi kun jamiyati oilalar birlashuvidan tarkib topgan. Binobarin, har bir oilaning farovonligi, mustahkamligi, ma'naviy boyligi, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqligi bevosita jamiyatning farovonligiga, kelajakda qay darajada gullab – yashnashiga daxldor tushunchadir. Tarixdagi dono daholar, adolatli podshohlar, buyuk allomalar millatni og'ir vaziyatdan xalos etib, taraqqiyotini tezlashtirish uchun, birinchi navbatda, ma'naviy omillarga e'tibor berganlar, kishilarni vatanparvarlik, insonparvarlik, adolatparvarlik, mehnatsevarlik, millatparvarlik, do'stlik, birodarlik, halollik, iymon – insoflilik, vijdonlilik, mehr-muruvvatlilik, rahm-shafqatlilik ruhida tarbiyalashga, ularda milliy iftixor, burch va mas'uliyat tuyg'usini kuchaytirishga harakat qilganlar. Millat o'zini anglashi, milliy birlik, ahillik, hamkorlik va hamdardlikka intilishi ham milliy ma'naviyat rivojlanishi darajasini belgilovchi mezon bo'lgan.[1]

Yuqorida sanab o'tilgan, milliy ma'naviyatimizni rivojlantirishga xizmat qiluvchi yuksak insoniy fazilatlarning barchasi bevosita oila o'chog'ida vujudga keladi va shakllanadi. Buning uchun esa hech bir oilada ma'naviy bo'shliq kuzatilishiga yo'l qo'ymaslik lozim. Bo'shliqni to'ldiruvchi, inson dunyoqarashini kengaytiruvchi eng muhim manbaa, albatta, o'tmish daholari boy ma'naviy meroslaridan bahramand bo'lish, ularni chuqur o'rganish hamda insoniyat hayotiga to'liq joriy etishdan ibortdir. Rivoyat qiladilarki, mashhur shoir va olim Abu Bakr al - Xorazmiy o'lim to'shagida edi. Undan:

– Ko'ngling nimani xohlaydi, ishtahang nimani tusamoqda? – deb so'radilar.

– Kitob yuziga bir qarasam, –dedi u.

Demak, biz shunday ajdodlarning, beshikdan to qabrga qadar ilm izlagan insonlarning avlodlari ekanimizdan faxrlanmog'imiz va ularning ilm-u ma'rifat, ahloq-odob borasidagi ishlarini davom ettirmog'imiz lozim. Xalqimizning sevimli shoiri Erkin Vohidov ta'biri bilan aytganda ota-bobolarning kim bo'lganini bilish insonning ichki bir g'ururi uchungina emas, balki ajdodlar oldidagi mas'uliayt uchun ham kerak. Hayotiy tajriba bir avlodning umri bilangina kamolotga yetmaydi. Hayot tajribasini ko'p avlodlar yaratadi. Ajdodlarni tanish ularning tajribasini davom ettirish hamdir. Nikohga va yaqin qarindoshlikka asoslangan axloqiy mas'uliyat, o'zaro hurmat, tushunish va mehr – muhabbat umumiyligi bilan bog'langan kichik ijtimoiy guruhga oila deyiladi[2] .

[1] Erkin Yusupov. Inson kamolotining ma'naviy asoslari. "Universitet". Toshkent – 1998y. 10 b.

[2] G'.B. Shoumarov. Oila psixologiyasi. "Sharq" nashriyot – matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. Toshkent – 2010. 14 b.

Oilani kichik ijtimoiy guruh deb ta’riflar ekanmiz, demak, jamiyat uchun foyda keltiruvchi komil inson darajasidagi shaxs ham, va aksincha har bir hatti – harakati atrofidagilar uchun ziyon - zahmat yetkazishdan iborat bo’lgan tarbiyasi og’ir, hulqi buzuq odam ham aynan shu oila zaminida shakllanishini unutmasligimiz lozim. Shu boisdan ham necha asrlar davomida jahonga mashxur ko’plab donishmandlar, olim-u mutafakkirlar qarashlarida aynan oila masalasiga alohida e’tibor qaratilganligini ko’rishimiz mumkin. Jumladan, Abu Nasr Farobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Qoshg’ariy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Abdurauf Fitrat, Abdulla Avloniy kabi ko’plab allomalarning inson, shaxs va uning kamolotida oilaviy munosabatlarning o’rni haqida bildirgan fikrlari, nafaqat o’z davri uchun, balki bugungi kun ijtimoiy munosabatlarni tartibga solish uchun ham muhim dasturilamal bo’lib xizmat qilmoqda.

Shaxs tarbiyasi va kamolotida oilaning, ooilaviy tarbiyaning ahamiyatini yuqori qo’yilganligi, shaxsning aqliy va ahloqiy kamolotida oilaning o’rniga, shu jumladan, ota-ona va yaqin kishilarning tarbiyalovchi vazifalariga alohida urg’u berilganligi sharq mutafakkirlarini g’oyaviy jihatdan birlashtiruvchi asos bo’lib xizmat qiladi. Ular o’zlarining bu boradagi falsafiy-ahloqiy hamda sotsiologik qarashlarida farovon jamiyat qurish uchun kerak bo’ladigan halollik, poklik, mardlik, mehribonlik, haqgo’ylik kabi bir qator umuminsoniy fazilatlarni barcha sifatlardan yuqori qo’yadilar, shu bilan birga insoniy munosabatlarda namoyon bo’ladigan yuksak fazilatlar, avvalo, ota-onadan bolaga o’tishi va ularning jamiyat taraqqiyotiga ijobiy ta’siri haqida ko’plab bebaho fikr-mulohazalarini bildirib o’tadilar.

Xususan, XI asrning buyuk mutafakkiri Yusuf Xos Hojibning fikricha agar bolaning xulqi yomon bo’lsa, bunda bolaning aybi yo’q, hamma ayb – otasida. Demak, farzand ko’rish, uni tarbiyalab voyaga yetkazish har bir inson uchun qanchalik baxt bo’lsa, ularga shunchalik mas’uliyat ham yuklaydiki, buni uddasidan chiqish har kimning ham qo’lidan kelavermaydi. Shuning uchun ham mutafakkir bolaning ahloqiy taraqqiyotining asosi deb oilaviy tarbiyani e’tirof etadi.

Kaykovusning bola tarbiyasi, oilaviy hayot, shaxs kamolotiga bag’ishlangan mashxur asari ”Qobusnoma”da yozilishicha, har bir farzand oqil va dono bo’lishi, ota-oansini cheksiz hurmat qilishi, ularning mehr-muhabbatlariga yarasha munosib javob qaytarmoqlari uchun dastlab oilada tarbiya “Nimani eksang, shuni o’rasan” maqoli asosida yo’lga qo’yilgan bo’lishi lozim. Buyuk muhaddis bobomiz Imom al – Buxoriyning mashhur “Al-adab, al-mufrad” asarida keltirilgan quyidagi hadis ham aynan shu haqida so’zlaydi: Valid ibn Numayir (r.a.) aytishlaricha, o’tmish kishilar bolalarning solih – qobil bo’lishlari Alloh taoloning tavfiqi bilan bo’ladi, ammo ularga odob – ahloq o’rgatish otalari vazifasidir, der ekanlar. Buyuk mutafakkir bobomiz Alisher Navoiy hazratlari o’zlarining “Mahbub ul-qulub” asarida oilaviy munosabatlar, xususan, turmushdagi turli xil salbiy va ijobiy hodisalar hamda vaziyatlar haqida, shuningdek, bunday vaziyatlardan chiqishning imkonini beruvchi yuksak insoniy fazilatlar haqida fikrlarini bayon etadilar. Ular ayol kishining oiladagi o’rniga alohida to’xtalib, oqila ayol ro’zg’orning ko’rki ekanligini, bunday oilada tarbiya topgan farzandlar esa jamiyat uchun naf keltiruvchi insonlar bo’lib ulg’ayishini e’tirof etadilar.

Xulosa o’rnida shuni aytish mumkinki, avlodlararo mulooqtning jamiyat taraqqiyoti uchun ahamiyati katta bo’lib, bu muloqotni eng avvalo jamiyatning muhim qatlami hisoblanmish oila va mustahkam oilaviy munosabatlar ta’minlaydi. Avloddan – avlodga o’tib zamonlar osha yashab kelayotgan an’analar har bir jamiyatning betakror qadriyatlari, o’lmas merosidir. Oila tufayli bunday qadriyatlarning saqlanib kelayotganligi esa insoniyatning, xususan, millatimizning ma’naviy yuksalishiga xizmat qilib, jamiyatimizni farovon kelajagini, vatanimizning ravnaqini ta’minlashga qaratilgan miliy g’oyamizni rivohjlantirishning asosiy va eng muhim omilidir. Shunday ekan, biz yoshlar ajdodlarimizdan qolgan boy ma’naviy merosni avaylab-asrashimiz, kelajak avlodga to’la-ro’kis holda yetkazib berishimiz va shu orqali avlodlararo muloqotni ta’minlovchi ko’prik vazifasini bajarishimiz lozim.

НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Алексеева В. *–ЎзМУ Ижтимоий иш кафедраси в.б. доценти.*
Маллабаев Б.Р. *–ЎзМУ Ижтимоий иш кафедраси 2-курс магистри*

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, ногиронлиги бор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар амалга киритилди. Булар "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат ёшлар сиёсатининг асосий мақсади болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий чоралар тизими ва унинг фуқаролик ва касбий ривожланиш, ижтимоий фаолликни ривожлантиришдир. Зеро, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизи ёки 10 миллиони 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этади»[1].

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлиги бор ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш, ҳаётга ижтимоий мослашувини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси сиёсати даражасига кўтарилган. Бу масала давлат ташкилотлари ва бир қатор мутахассислар – педагоглар, психологлар, ижтимоий ходимлар, ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари диққат-эътиборидадир. Кучли ижтимоий сиёсат ўзбек ижтимоий ривожланиш моделининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги босқичда ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади – аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир. Ушбу мақсадни амалга оширишда замонавий жамиятининг ижтимоий тузилмасида намоён бўлган аҳоли турли қатламлари, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар учун дифференциал ёндашувни ўз ичига олган бир қатор хусусиятлар мавжуд.

Жамиятнинг соғлигида чекланишлар бўлган, ногиронлиги бўлган шахсларга бўлган муносабатининг ўзгартириши эволюцион йўл билан амалга оширилган ва ижтимоий саъй-ҳаракатларнинг йўналиши ушбу тоифадаги шахсларни сегрегация, эксклюзия қилишни бартараф этишни аниқлади. Жамиятнинг имконияти чекланган кишиларга бўлган муносабатини эволюциянинг даврийлиги Н.Н.Малофеевнинг ишларида тақдим этилади ва ушбу жараённинг беш даврини ажратганган. Муаллиф томонидан даврийлаштиришнинг асоси давлатнинг ушбу тоифадаги шахсларни ўқитиш муаммосини ҳал қилишда ифодаланган олдинги тарихий даврларга нисбатан ривожланишдаги оғиш бўлган шахсларга нисбатан давлат муносабатидаги муҳим ўзгаришнинг тарихий мисолидир.

Муаллиф томонидан биринчи даврни (милоддан аввалги IX аср – 1198 й.) таъкидлаб ўтди, унда ғарбий Европа цивилизацияси тажовуздан ва ривожланишида оғиши бўлган одамларга ғамхўрлик қилиш зарурлигини тан олишдан халос бўлди. Баварияда кўрлар учун биринчи бошпана очилиши ва даврнинг шартли чегараси бўлиб хизмат қилади. Россияда бу даврнинг бошланиши Н.Н.Малофеев Русда христианлашиш кетаётган ва биринчи монастирлар пайдо бўлишни бошлаган X аср билан боғлайди, тугашини эса Петр 1 нинг фармонлари билан туғма нуқсонлари бор болаларни ўлдиришни тақиқлаганлиги (1704 й.) ва етим, тиланчилар ва қашшоқларга ёрдам кўрсатадиган черков бошпаналар, касалхоналар очганлиги билан боғлайди (1706 й.).

[1]Мирзиёев[1]Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз; Тошкент. "Ўзбекистон", 2017 йил, 10-бет.

Иккинчи давр сенсорик нуқсонлари бор болаларни ўқитиш кераклиги ва имкониятни зарурлигини эътироф этиш ва улар учун мактабларни очиш билан боғлиқ бўлиб, бу уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини қайта кўриб чиқишнинг аниқ ифодасидир.

Учинчи даврда эшитиш, кўриш ва ақл идроки бузилган шахслар учун (ғарбий Европада - XIX асрнинг охирги чораги) параллел таълим тизими сифатида махсус таълим тизимини ташкил этиш зарурлиги билан белгиланади.

Тўртинчи давр, ривожланишида оғишлар бўлган барча болаларни ўқитиш зарурлигини англаш билан белгиланади. Муаллиф ушбу даврнинг якунланиши махсус мактабларнинг биринчи ёпилиши ва ривожланишида бузилган болаларни анъанавий оммавий мактабларга ўтказиш, шунингдек, илгари ўқитилмайдиган деб ҳисобланган чуқур ақлий заиф болалар учун синфларни очишни кўриб чиқади. Ғарбий Европа будаврниўтади, Россия эса 1927 йилдан 1991 йилгача ўтади.

Бешинчи давр Н.Н.Малофеев "институционализациядан интеграцияга" деб номлайди, бу эса дискриминацияга қарши давлат сиёсатига ўтиш билан боғлиқ изоляциядан интеграция ўтиш билан боғланади. Ижтимоий онг парадигмасининг ўзгариши "кам озчилик - тўлақонли кўпчилик" бўлинишидан воз кечиш ва турли муаммолар ва хусусиятларга эга бўлган кишиларни ўз ичига олган ягона жамиятни яратиш истаги билан боғлиқ. Шу муносабат билан, янги ижтимоий-маданий меъёрлар шакллана бошлайди, бу одамлар ўртасидаги фарқларга ҳурматни акс эттиради, бу жаҳон ҳамжамияти даражасида қонунчилик базасида қайд этилади, ёрлиқларни осиб қўйишни енгиб ўтишни ва тенг ҳуқуқлиликни таъминлашни талаб қилади[1].

XXI асрда аҳолининг имконияти чекланган кишиларга бўлган муносабати мунтазам ижтимоий тадқиқотлари бошланади. Жамиятнинг СИЧ, ногиронликги бўлган шахсларга бўлган муносабатидаги ўзгаришларни акс эттирувчи маълумотлар олинган бўлиб, ижтимоий интеграция ва инклюзия жараёнларини ривожлантириш шароитида бундай ўзгаришларнинг истиқболли йўналишларини намойиш этади.

Ушбу тадқиқотлар иккита асосий муаммоларни акс эттиради: биринчи навбатда, СИЧ, имконияти чекланганлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, иккинчидан эса, имконияти чекланганларнинг соғлом одамлар билан икки томонлама муносабатларига бўлган муносабатини белгиловчи омиллар. Тадқиқотлар натижалари улар орасида "ажратиш чизиғи", ижтимоий масофа мавжудлигини кўрсатди: таркибига аҳоли, имконияти чекланган кишилар, ногиронлар-таянувчи ва кўриш бўйича ногиронлар респондентларнинг учдан бир қисми ногиронлар бошқаларга ўхшамаганлиги ва ўзларини бошқалар каби тутмаганлиги, шунинг учун улар жамиятда изоляция қилинган деган фикр тарафдори.

Тадқиқотда Э.В.Воеводина ва Э.Э.Горина муаллифларга талабалар муҳитида имконияти чекланган кишиларнинг ижтимоий портретини яратишга имкон берадиган натижаларга эришдилар, улар университетдаги таълим шароитларига ижтимоий мослашиш омили сифатида талқин этилади. Муаллифларнинг фикрига кўра, Россия жамиятининг имконияти чекланган кишиларга бўлган муносабатга тиббий йўналтирилган ногиронлик модели сезиларли даражада таъсир кўрсатган.

Имконияти чекланган кишиларга нисбатан муносабат ўзгариб бормоқда: энди улар тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморлар сифатида қабул қилинмайди, улар ижтимоий ривожланишга ҳисса қўшмайди, балки жамиятда муносиб ўрин эгаллашига тўсқинлик қиладиган тўсиқларни бартараф этишга муҳтож одамлар сифатида. Бу тўсиқлар нафақат ижтимоий, ҳуқуқий характерга эга, балки ижтимоий онгда ҳам мавжуд бўлиб, имконияти чекланганларга бўлган муносабат фақат биологик ва ижтимоий зарар етказувчи қурбонлар сифатида қаралади. XX асрнинг иккинчи ярмида ўз фаолиятини исботлаган комплекс ижтимоий реабилитация қилишнинг ривожланган ғоялари ва самарали технологияларига

[1]Ганиева М.Х., Карамян М.Х. Профессионально-этические аспекты социальной работы с пожилыми людьми // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2014. – №4. – С. 110-116.

қарамасдан, Европа парламентлари ҳали ҳам имконияти чекланганликнинг эскирган тиббий моделидан инсон ҳуқуқлари комплексини амалга ошириш билан боғлиқ моделга ўтишни рағбатлантириш учун долзарб деб ҳисоблайдилар. Қисқача айтганда, изоляция ва сегрегация стратегияси ижтимоий ёниш стратегияси билан алмаштирилади — бу нафақат инклюзив таълимни, балки умуман инклюзив ижтимоий фаолиятни назарда тутади[1].

Юқорида таъкидлаб ўтилган барча қонунларни амалга оширишда ижтимоий ҳимояга муҳтожногиронлиги бор ёшларнинг ҳаётга мослашувида иштирок этувчи барча мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорликда ишлашини тақозо этади. Мана шу ташкилотлар яъни, таълим муассасаси, давлат органлари, маҳалла, ва оила ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик мавжуд бўлган муаммоларни олдини олишга имкон беради. Ногиронлиги бор оилаларни турар жойи бўйича аниқлаш, улар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишга амалий таъсир кўрсатади. Ушбу тизимда болалар ва ёшлар алоҳида ўрин эгаллаб, улар ёшларнинг энг ўқимишли, мобил ва ижтимоий жиҳатдан фаол қисмидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати нафақат, ногиронлиги бор ёшларнинг ижтимоий ҳимоясига балки, унинг жамиятга ижтимоий мослашувида ҳам катта роль ўйнайди. Шу билан бир қаторда ногиронлиги бор ёшларнинг ижтимоий ҳимояси ва ижтимоий реабилитацияси нафақат давлатнинг масъулиятида балки, бутун бир жамиятнинг ва ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир. Бу сиёсат оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шароитларни тубдан яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар маданиятини ривожланишига эришишга қаратилган.

ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА УРФ-ОДАТЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Кадирова Х.Б. *– ТДПУ ўқитувчиси*
Алимбоев Г. *– ТДПУ талабаси*

Ўзбек халқининг миллий урф-одат, қадрият ва анъаналари оила ва оилавий муносабатларда, жумладан ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Юртимиз истиқлолга эришган саодатли бугунги кунда, мамлакатимиз халқларининг анъана ва маросимлари ўзининг қадимий кўринишларини тиклаб, жамиятимиз тараққиётини тезлаштирадиган буюк кучга айланмоқда, жамият ҳаётига шодлик, қувонч бағишлайдиган, уларда мустақиллик ва унинг меваларидан фахрланиш ҳиссини уйғотадиган анъана ва маросимлар кенг оммалашмоқда, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда таъсирчан омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам ўтган йиллар мобайнида миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, уларнинг жамият аъзолари ҳаётидаги ўрни, тарғибот усуллари борасида кўпгина илмий-назарий ва амалий ишлар амалга оширилди, уларнинг методологик асослари яратилди. Гарчи маънавий-маърифий ишларга, унутилган, камситилган маънавиятимизни, миллий қадриятларимизни тиклашга хамда ёш авлоднинг миллий ғурурини юксалтиришга, уларни ватанпарварлик, юртпарварлик, байналминаллик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар моҳиятини очиб бериш, уларни ташкил этиш методикасини ўргатишга оид талайгина ишлар амалга оширилган.

[1]Ярская-Смирнова Е. Р., Лошакова И. И. Инклюзивное образование детей-инвалидов // Социологические исследования. – 2003. – № 5. – С. 100-106.

Биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг “Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар”[1] номли фаслида бугунги кунда маънавиятимизга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонлар чуқур таҳлил қилинган. Президентимиз ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар бу борадаги энг муҳим омиллар сифатида келтирилган.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимига киради. Булар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди. Ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш бугунги кунда энг долзарб муаммолардан биридир. Ҳозирги замонда илғор давлатлар ҳаётининг демократик тамойиллари ҳам инсон қадрини нечоғли юксакликка кўтариши билан баҳоланади. Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ислоҳотларнинг моҳияти ҳам ана шу тамойилдан келиб чиқади. Бу тамойилни амалга оширишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган янгича дунёқараш, соғлом тафаккурнинг шаклланиши катта аҳамиятга эга.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ йиллар давомида тоталитар тузумга қарамай ўзбек халқининг маданий қадриятлари, анъаналари сақланиб қолинди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратилган бебаҳо маънавий, маданий меросимиз давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши, миллий ўзликни англаши мураккаб шароитда – эски империя тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди. Ўзбек халқи Руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англатади[1]. Ёшларни, хусусан, вояга етмаганларни ахборот хуружлари ва маънавий таҳдидлардан асраш – юксак маънавиятли авлодни тарбиялашнинг муҳим омилидир. Таъкидлаш лозимки, маънавиятимиз учун ўта оғир ва таҳликали бўлган бир шароитда Юртбошимиз ёш авлодга ва уларнинг келажагига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, интернет балосига айланган ғоявий ҳужумлар ва аҳлоқий бузуқликлардан ёшларни ҳимоя килиш учун, уларда ўша ҳужумларга қарши туриб берадиган иммунитетни шакллантириш лозим. Бунинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, ёш авлодни миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва муқаддас динимиз таълимоти асосида тарбиялаш лозим.

Айтиш керакки, бизнинг халқимиз ўз қадрияти, миллий урф-одатлари ва энг муҳими муқаддас динидан узоқ ҳолда яшаш нечоғлик ёмонлигини етмиш йиллик атеистик тузум мисолида бошидан ўтказди ва бунинг зарарли оқибатларини англаб етди. Шунинг учун муҳтарам Биринчи Президентимиз мустақилликнинг бошиданоқ, миллий қадриятларимиз, гўзал урф-одатларимиз ва муқаддас динимизга алоҳида эътибор қаратган эдилар.

Бугунги кунда эса ҳар биримиз ўша эътиборнинг самарасини ўз кўзимиз билан кўряпмиз. Бу хайрли иш бардавом бўлиши учун ғарбнинг моддият ботқоғига ботиб

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 35.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 147.

қолганидан ибрат олиб, моддият билан бирга маънавиятга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Маълумки, юртимизда маънавият борасида ва уни юксалтириш йўлида, бошқа юртлар ўрнак олса бўладиган даражада кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Демак, ёшлар қалбида маънавият қанчалик юксак бўлса, жоҳиллик, ёвузлик, худбинлик, лоқайдлик каби салбий иллатлар шунчалик барҳам топади, булар ўрнида ёшларимиз онгида ватанпарварлик, бунёдкорлик туйғулари юксалади.

Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг соғлиғи ва давомийлигини таъминлайдиган, миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлаб келгуси авлодларга қолдирадиган, шу билан бирга, келажак авлод қандай инсон бўлиб камол топишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи ҳисобланади. Маълумки, жамиятнинг барқарор бўлиши, ёшларнинг миллий-диний қадриятларга содиқ ҳолда тарбия топиши, оилаларда соғлом муҳитни шаклланишида аёлларнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг илм олиши, касб-ҳунарли бўлишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Аёлларга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонининг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир[1].

Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган алломаларимизнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин берилган.

Ёшларимизни она ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида, юксак маънавиятли ва салоҳиятли қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг ишимиз. Айниқса, интернет тармоқларида тарқатилаётган диний ақидапарастлик, терроризм ғояларини ёйиш, “оммавий маданият” кўринишларини ёшлар онгига сингдириш, уларнинг турмуш тарзига айлантиришга бўлаётган уринишларга, ёшларимизнинг ана шу иллатлар таъсирига тушиб қолмасликлари, юқоридаги каби алдовларга кўр-кўрона эргашмасликлари учун энг аввало, уларнинг билим ва тафаккурини бойитиш, интернет маълумотларидан ўринли ва оқилона фойдалана билиш кўникмасини шакллантиришимиз зарур. Ёшларимизда ёт ғояларга, иллатларга қарши маънавий иммунитет, тушунча шаклланмас, қачонки, уларнинг ўзларида “бу яхши, бу ёмон” деган фикр пайдо бўлмас экан, ахборот хуружлари хавфидан, ҳаётимизга, мафкурамизга кириб келаётган иллатлардан асло қутила олмаймиз.

Бу борада ижобий натижага эришиш учун нафақат, педагоглар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ёшлар билан ишловчи ташкилотлар, балки кенг жамоатчилик ҳамкорликда иш олиб бориши, хусусан, тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Айниқса, маҳаллаларда, ҳар бир оилада ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ота-онанинг фарзанд

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони. – Тошкент, 2018.

тарбиясига, фарзандларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга бўлган эътибори ва масъулиятини ошириш лозим. Энг муҳими, фарзандларимизни соғлом, комил инсон қилиб тарбия қилайликки, улар ўз ота-боболарига, тарихимизга, Ватанимизга, она тилимизга, миллий қадриятларимизга, муқаддас динимиз анъаналарига содиқ бўлсин.Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустаҳкам маънавий иммунитетли, ўзининг фикрларини равон айта оладиган, юқори марраларга эришувчан ёшларни тарбиялаш учун аёлларимиз, айниқса, оила муҳити жуда катта аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмас, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга қаратилган турли хавф-хатарлар ҳам кучайиб бораётган бугунги кунда ўзининг кимлигини, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, имон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади. Фарзандларимизга шундай тарбия берайлики, улар ўз ота-боболарига, ўз тарихи, Ватани, она тилига, миллати, динига ва анъаналарига содиқ бўлиб камол топишсин.

НИКОҲ-ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИНИНГЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Джумабаева Ш. *–ЎзМУтаянч докторанти(PhD)*

Жамият ривожланишига никоҳ-оила муносабатлари ўзига хос тарзда таъсир кўрсатади. Оилаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларни маънавий, иқтисодий-демографик жиҳатдан мустаҳкамлаш давлат келажагини яратишга хизмат қилади.

Никоҳ-оила муносабатларининг шартлари, шакллари ва уни тузиш тартиблари турли мамлакат ва халқларда турлича бўлиб у тарихий ривожланиш жараёнларида ўзгариб туради. Оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинган[1].

Оила ташкил бўлишида асосий омил – бу никоҳ ҳисобланади. Никоҳ - эркак билан аёл оила қуришининг тарихан шаклланган ва қонун ёки дин томонидан мустахкамланган шаклидир[2]. Шунингдек, никоҳ - ижтимоий ҳодиса бўлиб, у инсоният тарихининг маълум босқичида пайдо бўлган. Жамият тараққий этиб бориши билан никоҳнинг шакли ўзгариб, ўзи эса мустахкамланиб борди. Дунёдаги барча халқлар учун никоҳни пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий қонуниятлари бир хил бўлсада, лекин унинг ривожланиш жараёни, мустахкамлиги ҳар бир халқда ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Оила” бобида никоҳ аёл ва эркакнинг ўз иҳтиёри билан билдирилган розилигига асосланиши, оилавий муносабатларда эр билан хотиннинг тенг ҳуқуқли эканлиги кўрсатиб ўтилган. Оила кодексида «ФҲДЁ органларида рўйхатдан ўтказилган никоҳгина эр-хотинлик хақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини туғдиради» деб кўрсатилган. Қонунда кишининг бир никоҳда бўлатуриб, яна бошқа киши билан ҳам никоҳланиши таъқиқланади.

Ўзбекистонда оилага муқаддас даргоҳ, никоҳга эса бузилмас ришта сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам давлатимизда оила масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб келинади. “Оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор”деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, оилада соғлом маънавий муҳит, оила аъзоларида ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳини яратиш, юксак аҳлоқий ва маънавий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш энг муҳим йўналишлар этиб белгиланган.

Никоҳ бозори – бу никоҳга лаёқатли аҳолининг турли гуруҳларидаги нисбатлар тизимини кўрсатувчи шартли белгидир. Мазкур бозордаги ҳолат никоҳга кириш

[1]Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: Адолат, 2007.
[2]Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. –Т.:Университет, 1997.

эҳтимоллигига, муайян ҳудуд аҳолисининг жинсий таркибига ва никоҳга лаёқатли аҳоли таркибидаги салоҳиятли никоҳ жуфтликларининг миқдорига боғлиқ[1].

Никоҳ айланаси никоҳдаги жуфтликлар йиғиндисидан иборат бўлиб, жамиятдаги қонунчилик, маънавий-этник меъёрлар, жуфтликларнинг шахсий сифатлари ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатлари билан белгиланади. Никоҳ танлови берилган никоҳ айланаси ичида никоҳ жуфтликларини танлашдан иборат бўлиб, унга ижтимоий-иқтисодий, маданий, психологик ва анропологик мезонлар таъсир ўтказади ҳамда уларнинг ҳар бирининг таъсири вақт давомида ўзгариб туради[2].

Такрорий никоҳ – бу ажрашганлар ва беваларнинг тузган никоҳидир. Аҳолида ажралиш даражаси юқори бўлган шароитда улар қопловчи роль ўйнайди. Янги никоҳга кириш частотаси такрорий никоҳнинг маҳсус ва ёш коэффициентлари ёрдамида аниқланади. Никоҳларни тугатиш ва такрор никоҳга кириш ҳодисаларини ўзаро таққослаш такрорий никоҳни, ажралиш ва беваликнинг қай даражада қопланганлигини баҳолашга ёрдам беради. Такрор никоҳга киришнинг ўртача ёши никоҳга кириш кетма-кетлиги ёшининг ўртача миқдорига боғлиқ бўлади[3].

Никоҳ иккита сабаб билан тўхтатилиши мумкин: ажралиш туфайли ва умр йўлдошлардан бирининг ўлими сабабли. Шунинг учун никоҳларнинг тўхтатилиш кўрсаткичлари ажралиш ҳамда ўлим ва бева қолиш кўрсаткичларига бўлинади. Умуман, ажралиш эр-хотиннинг ҳаёт даридаги никоҳни бекор қилиши ҳисобланиб, ажралиш частотасини ўлчовчи кўрсаткичлар ёрдамида ҳолатга баҳо берилади.

Никоҳ-оила муносабатларининг замонавий ҳолатини ўрганишдастатистик ҳамда социологик (анкета воситаси билан сўровнома ўтказиш) усулдан фойдаланилади.Умуман, демографик жараёнларни социологик тадқиқотлар ёрдамида ўрганиш социологик-демографик тадқиқот дейилади. Ўзбекистонда никоҳ-оила муносабатларини социологик-демографик тадқиқот ёрдамида ўрганиш 1960 ва 1970 йиллардан бошланган.

Социологик-демографик тадқиқотлар, аҳоли рўйхати ўтказилмаётган ҳозирги даврда никоҳ-оила муносабатлари ҳолатини ўрганишда катта ёрдам беради. Бунинг учунмахсус сўровнома тузилиб, аҳоли орасида тўлдирилади ва уларнинг фикрлари жамланиб умумлаштирилади, хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Никоҳ-оила муносабатларининг ички қонуниятларини очиб беришда социологик тадқиқот усули жуда муҳимдир. Чунки, ушбу усул билан бевоситаоилалар билан узвий боғланиш имконияти туғилади. Бундай тадқиқот усули билан никоҳ-оила муносабатларини авлодлар бўйича хусусиятлари, омиллари ва муаммоларини атрофлича ўрганиш мумкин.Шу боис рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитидаги ўзгаришлар даврида никоҳ-оила муносабатларини ҳар томонлама илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Қуйида Қорақалпоғистонда никоҳ-оила муносабатлари статистик маълумотлар асосида таҳлил этилган. Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистонда 2018 йил 14450 та никоҳлар, яъни янги оилалар ташкил топган (1-жадвал). Қайт этилган никоҳларнинг 54 фоизи қишлоқ жойларига, 46 фоизи эса шаҳар жойларига тўғри келди. Никоҳ коэффициенти (1000та аҳолига тўғри келган никоҳлар сони) 7,8 промиллени ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 1991йилда 13,7 промиллега тенг бўлган. Демак, янги оилалар ташкил этилиши 1991-2018 йиллар давомида мутлақ сонда 3198 тага, ҳар 1000 киши ҳисобига эса 5,9 промиллега қисқарди[4].

[1]Борисов В.А, Синельников А.Б. Брачность и рождаемость в России: демографический анализ. – Москва, 1995.15б.

[2]Тольц М.С. Демографический анализ брачности: проблемы, методы, интерпретация результатов // Демография: проблемы и перспективы. Методы исследования. – Москва, 1986.10-б.

[3]Ўша ерда 35-бет

[4]Ўзбекистон рақамларда 1991-2018. Статистик тўпламлари.

1- жадвал[1]

Қорақалпоғистонда янги ташкил топган оилалар(никоҳлар) ва оиладан ажралишлар динамикаси

Йил	Бирликда	Коэффициент	Бирликда	Коэффициент
1991	17648	13,7	1042	0,8
1995	8900	6,3	500	0,4
2000	11367	7,5	600	0,5
2005	9643	6,1	539	0,3
2010	17300	10,6	870	0,5
2015	13791	7,8	1134	0,6
2016	12760	7,1	1075	0,6
2017	14109	7,7	1309	0,7
2018	14450	7,8	1344	0,7

Никоҳ коэффициентининг қисқариши Қорақалпоғистоннинг барча шаҳар, туман ва қишлоқ жойларида кузатилди. Мустақиллик йилларида никоҳ коэффициентининг қисқаришига республика аҳолисининг демографик таркибидаги ўзгаришлар орқали содир бўлди.

Янги оилалар такрор барпо бўлишида янгидан ташкил этилаётган никоҳлар сони билан бир қаторда келин-куёвларнинг ёши ҳам катта рол ўйнайди. Амалдаги қонунларда никоҳга кирувчиларнинг энг кичик ёши йигитлар учун 18 ёш, қизлар учун 17 ёш қилиб белгиланган. Фавқулодда ҳолларда қизларнинг турмуш қуриши учун руҳсат этиладиган минимум ёшни кўпи билан 1 йилга камайтиришга йўл қўяди. Қонунда белгиланган энг кичик никоҳ ёшига етганларнинг ҳаммаси ҳам дарҳол оила қура бермайди. Никоҳ ёшига етган йигит-қизларнинг орасида баъзилари эртароқ, бошқалари кечроқ оила қуради. Баъзилари эса умуман оила қурмайди.

Маълумки, никоҳ эркинлиги ажралиб кетиш эркинлигини ҳам кўзда тутади. Вақт ўтиши билан ташкил топган никоҳларнинг бир қисми эр ёки хотиннинг вафоти туфайли, яна бир қисми эса турли хил келишмовчиликлар сабабли бекор қилинади.

Қорақалпоғистонда 2018 йил 1344 та никоҳ аҳди бекор қилинди.Ажралишларнинг 61,5 фоизи шаҳар аҳолисига, 38,5 фоизи эса қишлоқ аҳолисига тўғри келди. Статистик маълумотларга кўра, 1991-2018 йиллар орасида никоҳни бекор қилиш ҳоллари 129 фоизга ортган. 1991 йилда ажралишлар сони 1042 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 1344 тани ташкил этди[5.]. Ҳар 1000 та аҳолига нисбатан никоҳ аҳдини бекор қилиш деярли ўзгармади (0,1промилле).

2018 йилда тузилган ҳар 1000 та оила ҳисобига ўша йилнинг ўзида 93 та оила ажралиб кетди. Аммо бундан 2018 йилда 1000 та қайд этилган никоҳдан 93 таси ўша йилиёқ бекор бўлган экан деган хулосани бермайди. Бекор қилинган никоҳ аҳдларининг асосий қисмини бир неча йил аввал никоҳланганлар ташкил этади. Умуман, оила қуришдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етуклигининг паст даражадалиги оилаларнинг мувоффақиятли яшаб кетишида бир қанча муаммоларни юзага келтириб ва беқарор оилаларнинг пайдо бўлишигасабаб бўлмоқда.

Тиббиётшуносларнинг таъкидлашича, 16-17 ёшда никоҳга кирган қизларнинг оилавий хаётга тайёр эмаслиги турли салбий холатларга олиб келар экан. Йигитларнинг жуда ёш оила қуриши ва уларни иқтисодий жиҳатдан мустақил эмаслиги оила бошлиғи вазифасини бажаришга етарли даражада тайёр бўлмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам қизларнинг

[1] Манба:Ўзбекистон демографик йиллик статистик тўплами 2015-2018, Ўзбекистон рақамларда 1991-2018. Статистик тўпламлари.

никоҳга кириш ёшини жуда бўлмаганда 20 ёш бўлишига эришиш мустаҳкам ва соғлом оила шаклланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашдаги асосий омиллардан бири уларга никоҳ ва оила тушунчаларини ёшликдан сингдирмоқ лозим. Чунки, ҳар бир шахс оилада туғилади ва камолга етади. Шунингдек, оила мустаҳкам бўлишининг муҳим шарти эр-хотиннинг турмуш-рўзғор муаммоларининг қийин масалаларини биргаликда муҳокама эта билишга қодир бўлишидир. Никоҳ-оила муносабатларини ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўрганиш, уни жамият тараққиётидаги ўрнини ва аҳоли такрор барпо бўлишидаги асосий фаолиятини ҳамда унинг ўзгариб боришини ўрганиш, келажакда ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаш илмий амалий аҳамият касб этади.

Никоҳ-оила муносабатларини тадқиқ этиш оилаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашда, самарали демографик сиёсат олиб боришда ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан оилаларда вужудга келаётган муаммоларни тўғри ечишда маълум миқдорда ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЮРИТИЛЁТГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Алиқориев Н.С. *– ЎзМУ Социология кафедраси профессори*
Шаумарова Н. *– Социология йўналиши 3-курс талабаси*

Бугунги кунда диёримизда хотин-қизларга катта эътибор қаратилмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдизларига эга, аждодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан ҳурмат ва иззатда бўлишга даъват этишган. Республикамиз БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақида”ги конвенцияси, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ги конвенцияларига МДҲ давлатлари орасидан биринчилар қаторида қўшилди. Бу ҳужжатлар хотинқизлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг оила ва умуман жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар комплексининг таркибий қисмидир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллабқувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Фармонни қабул қилишдан асосий мақсад хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги

ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, салоҳиятини тўла намоён этиши, оилалардаги ижтимоиймаънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади[1].

Тан олиш керак, орада бу борадаги ислоҳотларнинг кўпи қоғозда қолиб кетди. Айрим ҳолатларда аёллар ўзларини намоён этишлари учун шароитлар камлик қилди, стереотиплар тўсиқ бўлди. Масалан, аёл тадбиркорлик қиламан, деса, преференциялар бериш тизими йўқ эди. Умуман, уларга имтиёзлар яратиш бўйича ҳуқуқий база яратилган бўлса-да, шуларни рўёбга чиқариш бўйича аниқ "Йўл харитаси" ишлаб чиқилмаган эди. Оқибатда жамиятнинг аслида фаол бўлиши керак бўлган мазкур қатлами тобора пассивлашиб кетди.

Бугунги кунда хотин-қизларимизни қийнайдиган кўплаб муаммоларнинг илдизи улар билимларининг етишмаслиги, ўз ҳуқуқларини етарли даражада талаб қила олмаслигига бориб тақалади. Афсуски, оиладаги ажримлар, келишмовчиликлар сабаб уйсиз, жойсиз қолаётган, ҳаттоки, болаларининг таъминоти учун ҳам пул талаб қила олмаётган аёлларимиз бор орамизда. Аввало, қизларимизнинг таълимига, билим олишига, касб эгаллашига катта эътибор қаратиш лозим.

Улар ўртасида турли мавзуларда кенг тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш зарур. Хотин-қизларимизни ҳаётга тайёрлашга барча тизим бирдек жавобгар бўлиши керак. Бунга бутун жамиятни жалб қилишнинг уддасидан чиқилса, аёллар масалалари билан шуғулланадиган махсус идорага ҳам ҳожат қолмайди.

Дунё давлатларида аёлларга муносабатга эътибор берсак статистика маълумотларига кўра Миср давлати дунёдаги энг кўп аёллар ҳуқуқлари поймол этиладиган давлат ҳисобланар экан. Бунинг мисолини мамлакатнинг янги қабул қилинган конститутсиясида аёллар ҳуқуқига оид бирорта қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари йўқлигида кўришимиз мумкин[2].

Саудия Арабистонда 2011-йилга қадар аёллар сайлов ҳуқуқига эга бўлмаган. 2011-йилга келиб, Саудий Арабистонда сайлов тўғрисидаги қонунининг янги таҳририда аёллар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлди[3].

Бугунги кунда хотин-қизларнинг иш қобилияти, энергияси мамлакатимизнинг тараққиётини янги босқичга кўтаришга кўмак беради. Мураккаблик ва муаммоларни ҳал қилишда эркаклардан қолишмаган ҳолда сиёсат юритганини тарих ҳам исботлаб берган. Аммо дунё мамлакатлари орасида гендр тенгсизлик масалалари ҳали ҳамон огъриқли нуқта бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли соҳа вакиллари орасида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Шу ўринда давлат ва жамоат ташкилотлари тизмида 1минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Шулардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1минг 75 нафари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда[4].

Бу натижаларга эришиш учун мамлакатимиз босқичма-босқич стратегия билан ислоҳотларни амалга оширди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг биринчи президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1991 йил жамиятда аёллар ролини янада оширишга хизмат қиладиган, айниқса, мамлакатда демографик вазиятнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда собиқ иттифоқда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда хотин-қизлар қўмитаси қайта тикланди. 1992 йил Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганидан сўнг БМТнинг "Хотин-қизларни камситишнинг ҳар қандай шакилларини тугатиш тўғрисида"ги конвенсияга қўшилди. Аёлларимизнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида 2004 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, сиёсий партиялардан аёллар

[1]"Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим омили" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами (2019 йил 26 февраль). – Т.: ТДИУ, 2019.

[2]htps//oz.sputniknews.com.

[3]www.unwomen.org.

[4]www.uza.uz.>documents> 2018/03/07.

номзодини кўрсатиш бўйича 30 фоизлик ўрин жорий этилди. Хотин-қизларга бўлган эътибор янада яхшиланиб 1999 йил “Аёллар йили”, 2000-йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Оналар ва болалар йили”, 2005 йил “Сиҳат ва саломатлик йили”, 2012-йил “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил “Обот турмуш йили”, 2014 йил “Соғлом бола йили”, ва 2015 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, она ва бола саломтлигини яхшилаш борасида реабилитассия марказлари ташкил этилиб шаҳар, туман, қишлоқ врачлик пункитларида мунтазам гиниколог назорати ташкил этилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов амалга оширган ислоҳотларни давом эттирган ҳолда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ролини ошириш бўйич бир қанча ислоҳотарни амалга оширилмоқда.

Жумладан, хотин-қизларга доир юритилётган давлат сиёсати назоратини изчил ўрганиб бориш ҳамда ижтимоий аҳволи оғир бўлган аёлларни аниқлаб рўйхатга олиш ҳамда моддий, психологик ёрдам кўрсатиш. Хотин-қизларнинг бандлигини таъмиллаш ва қишлоқ жойларидаги қизларни оилавий ҳамда хусусий тадбиркорлигини йўлга қўйишда имтиёзли кредитлар ажратиш ва шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш. Ажримлар сонини камайтириш, қизларни турмушга тайёрлаш ҳамда эрта турмуш қуришни олдини олишни назорат қилиш. Хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаб рўйхатга олиш ва тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш масаласида ислоҳотлар натижаси кузатиб борилмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳаларда фаолият юритаётган хотин-қизларни сонини янада ошириш муаммоси юзасидан олиб борилаётган ишлар яъни гендр масаласи таҳлилчиларнинг фикрига кўра сўнги 10 йилда меҳнат қилаётган аёллар сони чорак милларда кўпайган бўлишига қарамасдан, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун камида 170 йил керак бўлиши айтилди. 2018 йил 13-июн санасида Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва Францияниг техник ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги (АКТЕД) Ўзбекистонда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятини кенгайтириш орқали аёлларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш бўйича лойиҳани бошлади Лойиҳа Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида амалга оширилди.

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан асосий кўзланган мақсади: “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ равишда лойиҳа иш ўринларини ташкил этиш ва қишлоқ жойларда аёллар ҳуқуқи ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда гендер тенгликка доир масалалар режалаштирилди.

Аммо, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан юритилётган давлат сиёсати амалга оширишда уни оммалаштириш ҳамда чекка қишлоқларда кенг тарғиб этиш масаласи муаммоли масалалардан саналади. Глобал даврда содир бўлаётган хотин-қизлар ҳуқуқларининг поймол бўлиши ҳуқуқий саводхонлигини етарли эмаслигида ҳамда вилоят, шаҳар, туман қишлоқларида тўғри тарғибий-ташвиқот ишлари олиб борилмаётганида. Таълим муассасаларидан қизларнинг маънавий дунё қарашларини шакиллантириш бош омиллардан саналади. Бунинг учун мактабларда ўсмир ёшдаги қизларни касб-ҳунарли бўлиши ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш механизациясини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади. Бу механизатсия қандай тартибда амалга оширилди? Давлат томонидан молиялаштирилган тўгараклар фаолиятини кенгайтириш: Тўқиш, хорижий тил тикиш, пазандалик маҳоратларини шакиллантирувчи, сартарошлик, дизайнерликка оид тўгараклар. Аксарият ҳолатларда қишлоқ жойдаги ота-оналарнинг моддий аҳволи яхши бўлмагани учун қизларини тўгаракларга беравермайди.

Республикамизнинг чекка ҳудудлари умумтаълим мактаблари тўгарак хоналарини жиҳозлашга, техник воситалар учун маблағ ажратишга имконияти етмайди. Шу сабабдан тизимли тўгараклар фаолиятини ёълга қўйиш лозим. Вилоят, шаҳар, туманлараро нотиқ қизлар мактабини шакиллантириш иннаватсиён ғояларини қўллаб қувватлаш омма олдида

фикрини эркин баён этишга тайёрлаш зарур. Бу усул келажакда қизларнинг ўзига бўлган ишончи, қатъиятини шакиллантиради.

Тадбиркорлигини бошлаш истагида бўлган хотин-қизларга имтиёзли ўзининг тадбиркорлик йўналишига оид бепул курслар ташкил этиб соҳа сир-синоатларидан тажрибали тадбиркорларни жалб этган ҳолда етарли билим кўникмалар бериш ҳамда имтиёзли кридит олиш учун сертификатлар берилиши йўлга қўйилиши лозим. Ушбу курслар давомида тадбиркор хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини шакиллантириш алоҳида дастур сифатида белгиланиши керак.

Вилоятнинг туман, қишлоқларида юзаки ишларни амалга ошираётган хотинқизлар қўмиталари таркибини янгилаш ҳамда аёллар ҳуқуқлари бўйича билим кўникмаларга эга раҳбар ходимлар сонини кўпайтириш ҳамда жамиятимизда содир бўлаётган эрта турмуш оқибатида ёки турли сабабларга кўра ажрашган аёлларни рўйхатга олиб уларнинг ҳуқуқий ўрнини тиклаш тизмини йўлга қўйиш лозим.

Статистика маълумотларига кўра мамлакатимизда турмуш ўртоғи томонидан ҳуқуқлари поймол этилган, аммо жабирланувчи аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли бўлмагани учун қонуний жавобгарлик белгиланмаган аёлларнинг сони 40 фоизни ташкил этади. Шундай экан мамлакатимизда турмуши бузулган аёлларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашувчи бирдамлик ташкилотларини тузиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек, “Аёлларимизнинг бахти – халқимиз, жамиятимиз бахтидир” шундай экан, демократик жамиятнинг асоси бўлган ҳурфикрлик, тенг ҳуқуқлийлик ҳамда фуқаролик бурч-мажбуриятларини чуқур англашимиз, давлатимиз тараққиётида таянч бўлиб хизмат қилади. Бугун биз қураётган эркин фуқаролик жамиятида хотин-қизларнинг фаоллигини барча соҳаларда бирдек ошириш, бўлажак раҳбарларни шакиллантириш “аёл” шахсига нисбатан ҳурмат руҳини кучайтириш эртанги юрт истиқболини янги марраларга кўтаришга хизмат қилади.

MAFKURANING JAMIYATNI SHAKLLANTIRISHDAGI RO’LI

Nabiyeva N.M. *– O’zMU doktoranti*

Mafkura o'z mohiyatiga ko'ra superperativ xarakterga ega bo'lib, tubdan tekshirib bo'lmaydigan fikrlardan iboratdir. Ammo, mafkura ko'proq umumiy tizimning elementi sifatida, uning tarafdorlari ongi va xatti-harakatlarini shakllantirish va tartibga solish vositasi (mexanizmi) bo'lib, aslida tizim yuzidagi real jarayonlarni boshqarishda mustaqil mexanizm rolini o'ynashi mumkin. Chunki, mafkuraviy ta'sir predmeti - shaxs yoki jamoa. Shunday qilib, mafkura jamiyatning (jamoaviy, individual) ijtimoiy-psixologik amaliyotining elementidir. Mafkuraviy shakllar va mafkura tabiati va uning jamoatda ega bo’lgan rollari ushbu maqolada keng yoritilgan.

XIX-asrda mafkura masalalari ilmiy tadqiqotlar mavzusiga aylandi. M.Viber, E.Dyurkgeym, O.Komte, C.Manxaym, R.Merton, D.S.Mill, V.Pareto, T.Parsons, G.Spenser, M.Sheler va boshqa tadqiqotchilarning yozuvlarida korrelyatsiya masalalari ko'rib chiqiladi[1]: Mafkura va ilm, mafkura va haqiqat, mafkuraning tabiati, bilimlarning qiymati va ob'ektivligi va boshqalar. Hattoki, "Mafkura" atamasi joriy etildi. "Bilimlar sotsiologiyasi" (K. Manxaym) fani mafkura atrofida vujudga keldi, uning ma'nosi ijtimoiy hodisalar haqidagi bilimlarni tayyorlash va amalga oshirishda turli nuqtai nazarlardan "yuqoriga" o'tish va ularni bir butun holda sintez qilish yotadi.

Shu nuqtai nazardan, Manxaym umumiy va qisman mafkuralarni ajratib ko'rsatdi. Qisman mafkura – bu uning tashuvchisining siyosiy yoki boshqa manfaatlari uchun haqiqat va voqealarni aks ettiruvchi yoki kamroq buzilgan aks ettirishning ma'lum bir tizimidir. Umumiy mafkura tushunchasi ong tuzilishining o'ziga xos xususiyatlarini, o'ziga xosligini va tabiatini aks ettiradi,

[1]Turner, B. S. (2002). Cosmopolitan virtue, globalization and patriotism. Theory, culture&society, 19(1-2), 45-63.

masalan, aholining ma'lum qatlamlarini, jamiyat guruhlarini yoki umuman, davrlarni fikrlash va idrok etish.

Mafkura muammolari tushuncha va ijtimoiy hodisa sifatida chet elda ham, mahalliy fanlarda ham ishlab chiqilgan va ishlab chiqilmoqda. Asosiy e'tibor mafkuraning (mafkuraviy tushunchalarni qiyosiy tahlil qilish) va funktsional (jamiyatdagi mafkuraning o'rni, roli, vazifalari) jihatlariga qaratiladi. Mafkuraviy muammolarni tadqiq qilish ikkala uslubiy (mafkuraviy hodisalarning tabiati, uni aniqlash usullari, tavsiflari, tahlilga yondashuvlar) ham tabiatda qo'llanilishi mumkin (mafkuraviy ish, mafkura masalalari).

Tahlil darajalariga, mafkuraga yondashuvlar va qarashlarga qarab, jamiyatdagi mafkuraning maqsadi haqidagi g'oyalar o'zgarib bormoqda. L. Braun buni psixopatologik zo'riqishlarni bartaraf etishda (xayoliy-kompensator funktsiyasi, qo'rquvlarning sublimatsiyasi), A.Wiener - insoniyat uchun global strategiyani ishlab chiqishda, P.Ansar - siyosiy qarorlarni taqdim etishda (asoslash va qo'llab-quvvatlashda) (shuningdek qarang: "mafkura sifatida" mavjud tartibni intellektual asoslash "). A.Seyxi - ijtimoiy hodisalarni tushuntirish qobiliyatida, T. Parsons - odamlarni birlashtirish qobiliyatida.

M.Fuukoning fikriga ko'ra, mafkura o'ziga xos "ommaviy ong" ning o'z-o'zidan paydo bo'lishi, jamiyatning o'zini o'zi tavsiflashini ta'minlaydi. D. Bell mafkurani g'oyalarni ijtimoiy ta'sirga aylantirish, Braxer - harakatga yo'naltirilgan e'tiqod tizimi va boshqalar sifatida taqdim etadi. Mafkuraning roli va ahamiyatini baholashdagi tafovut bejiz emas, chunki mafkura ijtimoiy-madaniy hodisalarning o'ziga xos sohasi sifatida ham ijobiy, ham manfiy bo'lishi mumkin.

Uning roli va ta'sir qilish tabiati uning jamiyatdagi (tashkilotdagi) o'rnini va unga qanday munosabatda bo'lishiga bog'liq. Mafkuraning dolzarbligi quyidagi bayonotlar bilan tasdiqlanadi. C.Popper: "g'oyalar, ayniqsa axloqiy va diniy g'oyalar, hech bo'lmaganda fizikadagi kuch bilan taqqoslanadigan kuchga ega"[1].

"Fikrlar, ayniqsa axloqiy va diniy g'oyalar, hech bo'lmaganda fizikadagi kuch bilan taqqoslanadigan kuchga ega", L.Kozer: "mafkuralar har qanday harakatga kollektiv yo'nalishni beradi, ijtimoiy hamjamiyatlarni mustahkamlaydi va odamlarning kurashini markazlashtiradi", dedi E.Spranger: "... haqiqiy mafkura inson yashaydigan narsaning ifodasidir", - deydi O.Lemberg: "mafkura borliqni va sodir bo'ladigan barcha narsaning ma'nosini beradi, dunyoni odamlar uchun tushuntiradi va unga yo'naltiradi" J.Barion: "Mafkuralar odamga umumiy yo'nalishni beradi. V.I.Sorokovikovaning fikriga ko'ra, mafkurani "ijtimoiy institutlar orqali amalga oshiriladigan va jamiyatning muayyan ijtimoiy guruhining manfaatlarini ifoda etadigan ma'naviy mahsulotlarni ishlab chiqarish, tarqatish va iste'mol qilishning ajralmas tizimi sifatida" o'rganish kerak.

Mafkurani sotsiologik o'rganish asosida mahalliy fanda mafkurani tahlil qilish va belgilashga tizimli yondashuv ishlab chiqilgan. Muayyan mafkuraviy tushunchaga baho berish munosabati qanday bo'lishidan qat'i nazar, uni mafkuraviy ta'sir (mafkuraviy jarayon) asosida ishlaydigan maxsus tizim sifatidesak mubolag’a bo’lmaydi.Shuni ta'kidlash kerakki, bu holda mafkura tushunchasi nafaqat ma'lum g'oyalar tizimini, balki bu g'oyalar mafkuraviy jarayon asosida g'oyaviy ta'sir ob'ekti tomonidan shakllantiriladigan, tarqatiladigan va o'zlashtiriladigan tizimni aks ettiradi. Mafkura tizimida g'oyalar, ularning tashuvchilari va taxmin qilingan mafkuraviy ta'sir ob'ekti o'rtasidagi tarkibiy aloqalar belgilanishi mumkin. Mafkura tizimi, uning elementi sifatida, g'oyalar va qadriyatlarni amalga oshirish vositalari va vositalarini (instrumental quyi tizim) ishlab chiqadigan va yaratadigan mafkuraviy ta'sir apparati ham mavjud.

Mafkura va g'oyalar tizimi sifatida mafkura tizimi o'rtasidagi farq mafkuraning o'ziga xos xususiyatlarini hodisa sifatida tushunish nuqtai nazaridan muhim ahamiyatga ega. Masalan, mafkura tizimi o'z g'oyalari mazmuni orqali tinch tabiatning maqsadlarini (tinchlik, do'stlik, hamkorlik) tasdiqlashi va shu bilan birga umuman g'azabli, boshqa g'oyalar va ularning tashuvchilariga nisbatan murosasiz bo'lishi mumkin ("mafkuraning etishmasligi ham mafkuradir", "mafkura"deideologizatsiya "va boshqa misollar).

[1]Web:https://gtmarket.ru

Mafkura tizimi uning jamiyatdagi (tashkilotdagi) ijtimoiy-psixologik vakillik shakllari nuqtai nazaridan birinchi navbatda semiotik (belgi) tizimidir. U favqulodda haqiqatni aks ettiradi (ifodalaydi) va shaxslarning ijtimoiy aloqasi vositasi. Imo-ishora tizimlari o'zlarining tabiatiga ko'ra ijtimoiy hayotning tarkibiy qismlarini (belgilar, g'oyalar, qadriyatlar va boshqalar) shaxsiy ongning tarkibiy qismlariga aylantiradilar. Aynan shu narsa mafkuraviy ta'sirning ta'siriga asoslangan.

Ushbu tarjima mafkuraviy tizimning barcha funktsiyalariga asoslanadi. Ehtimoliy – aksiologik tabiatiga ko'ra, mafkurani amalga oshirish idrok etuvchi sub'ekt tomonidan unga (uning g'oyalari, qadriyatlari, me'yorlari) nisbatan shaxsiy-semantik munosabatning paydo bo'lishini nazarda tutadi. Bu erda biz mafkuraviy vakilliklarni (rasmlar, ramzlar, belgilar) ichkilashtirishning o'ziga xos jarayoni haqida gapirishimiz mumkin, ya'ni odam ularga nisbatan (oldindan belgilangan) munosabatni anglatadi.

Mafkura tizimini jamiyatning (tashkilotning) murakkab tizimining ichki (yashirin) munosabatlari ifoda etadigan ma'lum bir shakl sifatida uning normalarini ichkilashtirish jarayoni doirasida ko'rib chiqish mumkin. Shu bilan birga, mafkura o'zlarining talqinlari orqali ularning asl mohiyatini yashiradi. M. Arapovaning fikriga ko'ra mafkura real munosabatlarning ko'rinadigan shakli sifatida "tizim yuzasida real jarayonlarni boshqarishda mustaqil mexanizm rolini o'ynaydi".

Mafkura voqelikning "o'zgartirilgan shakli" sifatida "tizimdagi ob'ektlarni tortib olish, almashtirish va to'ldirish" funktsiyasini bajaradi.

Shunday qilib, ko'rishimiz mumkinki, xorijiy va ichki nazariyada mafkurani tushuncha va hodisa sifatida ta'riflashga ko'plab yondashuvlar va qarashlar mavjud - bir-birini to'ldiruvchi narsadan o'zaro eksklyuzivgacha. Bu, asosan, uning fazilatlari va o'ziga xos xususiyatlari tufayli mafkurani turli pozitsiyalar, turli xil usullar va turli maqsadlar va qarorlarga erishish nuqtai nazaridan ko'rib chiqilishi bilan bog'liq.

Zamonaviy mafkuraviy tadqiqotlar uchun umumiy asos bu tushuncha va hodisaga to'liq universal ta'rif berishning mutlaqo mumkin emasligini tan olishdir. Mafkura tushunchasi jismoniy, aqliy va ijtimoiy tabiatdagi hodisalar va omillarning murakkab to'plamini qamrab oladi. Til va tafakkurning g'oyaviy shakllari semantika, sintaksis, logistika, tilshunoslik va boshqa amaliy fanlarning predmetidir. Mafkuraning asosini tashkil etuvchi g'oyalarning mazmuni va funktsiyalariga sotsiologiya, psixologiya, tarix va boshqalar nuqtai nazaridan qarash mumkin.

Biroq, mafkuraviy shakllarning mohiyatini bilish jarayonida ilmiy tushuntirish va rasmiylashtirishda chegara mavjud bo'lib, bu inson ongi va tafakkurining tabiati bilan bog'liq (ongsizni ifoda etish shakllarini va uni rasmiylashtirishdan tashqarida sof tafakkur jarayonini tekshirishning iloji yo'qligi). Mafkura o'z mohiyatiga ko'ra superperativ xarakterga ega bo'lgan tubdan tekshirib bo'lmaydigan fikrlardan iboratdir. Shunday qilib, mafkura kontseptsiyasi fenomenologik xususiyatga ega (shuning uchun mafkura g'oyalari ham shunday ijtimoiy, psixologik va boshqalar).

Shu bilan birga, ma'lum bir atributlar mafkuraga xos bo'lib, uni ikkita o'zaro bog'liq ta'riflarda aks ettirishi mumkin: Eng sodda va boshlang'ich (an'anaviy) ta'rifda mafkura yolg'on, tasavvuf shaklida jamiyatning ijtimoiy guruhlari (tashkilot, jamoa, shaxs) manfaatlarini ifoda etadigan harakatlarga yo'naltirilgan va mantiqan muvofiqlashtirilgan g'oyalar tizimi sifatida paydo bo'ladi. Ushbu tizim o'z tabiatiga ko'ra ongli ravishda yoki ongsiz ravishda buzilish (voqelikni qiymat talqini) asosida voqelikning ma'lum bir turini va ifodasini aks ettiradi.

Ushbu imkoniyatda mafkurani siyosiy ta'limot, sotsiologik nazariya, harakatlar dasturi, global strategiya, ijtimoiy prognoz, diniy ta'limot, me'yoriy kod va boshqalar taqdim etishi mumkin. Bunday holda, mafkuraning o'ziga xos xususiyatlari, qaysidir darajada uning giper-mafkuraviy tabiati (voqelikning iloji boricha ko'p tomonlarini tushuntirish uchun asosni taqdim etish yoki taqdim etish istagi), fenomenologik tabiati (g'oyalarning paydo bo'lishining haqiqiy manbalarini yashirish, o'zini "sof" toifalarga taqdim etishga urinishdir), mifologiya (mafkuraviy me'yorlarni to'g'ridan-to'g'ri idrok etish, haqiqatni "almashtirish" istagi haqida o'ylash).

Shu bilan birga, mafkura ma'naviy mahsulotlarni ishlab chiqarish, taqsimlash va iste'mol qilishning o'ziga xos tizimi sifatida ko'rib chiqilishi mumkin, bu umumiy tizim elementlarini yaratish va amalga oshirish, g'oyaviy ta'sir ko'rsatish jarayonida mafkuraviy institutlar faoliyati,

shuningdek, ob'ekt va g'oyalar tizimini, sub'ektlarning g'oyaviy aloqalarini o'z ichiga oladi. Mafkuraviy ta'sir predmeti - shaxs (jamoa). Shunday qilib, mafkura jamiyatning (jamoaviy, individual) ijtimoiy-psixologik amaliyotining elementidir.

Mafkuraning o'ziga xos, sifatli xususiyati uning ramziy (semiotik) xususiyatidir. Belgilar tizimi sifatida, mafkura, mafkuraviy ta'sir qilish jarayoni doirasida ijtimoiy mavjudot tuzilmalarini (belgilar, g'oyalar, ramzlar) individual ongning tarkibiy qismlariga (mafkuraviy g'oyalarning ichki qismiga) aylantiradi. Muayyan funktsiyalarni bajarishda (integrativ, aksiologik, kognitiv, safarbar qiluvchi, prognostik, motivatsion va boshqalar) mafkura voqelikning namoyon bo'lishi va uning faol o'zgarishi jarayonini ta'minlaydi.

Va nihoyat, mafkura ko'proq umumiy tizimning elementi sifatida, uning tarafdorlari ongi va xatti-harakatlarini shakllantirish va tartibga solish vositasi (mexanizmi) bo'lib, aslida tizim yuzidagi real jarayonlarni boshqarishda mustaqil mexanizm rolini o'ynashi mumkin.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Неъматова М. *– ЎзМУ 2-босқич магистранти*

Оила миллат ҳаёти, тарихининг бир бўлаги, унда аввало аждодлар насли, руҳияти, турмуш тарзи ва ўтмиш кечинмалари яшайди, томчида қуёш акси каби оилада аждодлар ҳаётининг наслий қадриятлари намоён бўлади. Шундай экан, ҳаётнинг қадр-қиймати, оиланинг азиз ва муқаддаслигини ҳис этган ҳар бир инсон келажак учун соғлом ва миллатимизга муносиб фарзандларни вояга етказишни бурч сифатида тан олмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 98 фоизи оилаларда истиқомат қилади. Ҳар йили 250-300 минг янги оила барпо бўлмоқда. Оилаларни мустаҳкамлаш, уларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда соғлом оилани барпо этиш муҳимдир.

Соғлом оилани шакллантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда оилани ривожлантиришга глобал даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қаралади. Оила институтини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, бу жараёнда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг яқин ҳамкорлигини ҳамда фаол ролини таъминлаш асосий мақсадлардан биридир.

Шу сабабли, мазкур масалага давлат томонидан этибор берилиши бежиз эмас. Мамлакатимизда болаларни соғлом қилиб тарбиялаш учун барча шароитлар яратилиб келинмоқда. «Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша бахтли кунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!», дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти”[1].

Соғлом оилада тарбия топган бола келажакда “комил инсон” бўлиб етишиши шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам биз соғлом фарзандни шакллантиришни, даставвал тарбия ўчоғи бўлмиш муқаддас макон “оила”дан бошламоғимиз зарур. Оилада тарбиянинг негизларига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади. Оила-жамиятнинг муқаддас уйи, соғлом, баркамол инсон тарбиясига масьул бўлган энг асосий тарбия маконидир. Ота-оналар

[1]http://www.xabar.uz

ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.[1]

Бола тарбияси энг мураккаб фаолиятлардан бири бўлиб хисобланиб, болани тўғри тарбиялаш амалга оширилмаса, айрим хатти-ҳаракатлари кутилмаган кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Боланинг оиладаги тарбияси билан таълим-тарбия жараёнидаги муносабатлари орасида кўпгина тафовутлар кузатилади. Айрим ҳолларда боланинг оилада ота-онаси томонидан кўрсатилаётган ортиқча хайрихоҳлик, эркалашлар, унинг хоҳиш истагига кўра талабларини қондиришлари атрофдаги тенгдошлари билан муносабатларида тафовутларга олиб келаётганлиги амалиёти кузатилмоқда. Шунингдек, мураббий билан ота-она муносабатларидаги номутаносиблик ҳам бола тарбияси учун салбий таъсир кўрсатиш мумкин.

Фаровон турмуш ва аҳил оиладан бевосита, соғлом фарзанд дунёга келади. Фарзандлари соғлом юртнинг эртаси улуғ, мақсади равон бўлади. Шунинг учун хам оилани баркамол, соғлом авлодни вояга етказишдаги аҳамияти беқиёсдир.

Оиланинг асосий вазифаси хам жамиятга фидойи комил инсонларни етиштириб беришдан иборат, соғлом бола бу соғлом оиланинг мевасидир. Соғлом инсон деганда, фақат жисмоний сиҳат-саломатликни эмас, балки ўзбек халқига хос шарқона одоб-ахлоқ, миллий ғоя ва бағрикенглик, инсонпарварлик каби эзгу ҳис-туйғулар руҳида камол топган маънан етук инсонни тушунишимиз мумкин. Зеро, маънавий соғлом инсонлар аввало юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва халқнинг эртанги куни учун қайғура оладилар.

Оилада катталар, айниқса ота-оналар орасидаги муносабатларнинг тартибга солинганлиги даражасидан фарзандлар тарбияси сифати келиб чиқади. Оила манфаатлари билан оила аъзоларининг ҳар бирига таалуқли манфаатлар монандлиги изчиллик билан босқичма-босқич тарбияланиб борилган шароитда соғлом ижтимоий муҳит майдонга келади. Бундай оилада яшаётганларнинг ўзига хос индивидуал интилишлари инобатга олингани холда, хаётдаги хусусийликка бўлган хурмат ҳисси ҳам амалда хукм суради. Айнан шундай муҳит оила аъзоларининг ҳар бирига хос шахсий ғурур, шахсий ор-номус сингари сифатларни тарбиялаб бориш билан бирга, оила ғурури, оила ор-номуси каби ижтимоий омилларни шакллантиради. Ориятли фарзанд ўз шахсига доғ тушурадиган харакатларни қилмасликка уринибдики, у ҳеч қачон ва ҳеч қаерда оила шаънига иснод келтирадиган ишларни қилмайди. Инсон аввало оиласи мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлса, ўзини ҳар томонлама бахтли ҳисоблайди. Турмуши осойишта, бенуқсон, фарзандлари соғлом бўлган кишигина ўзини тўлақонли инсон ҳис қилиб, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаол иштирок этади.

Оилада аёл саломатлигига эътиборли бўлиш, фарзанднинг бенуқсон туғилиши, исталмаган ёки режалаштирилмаган ҳомиланинг олдини олишга асосий эътиборни қаратиш ҳам оиланинг соғлом бўлишига олиб келади. Шунингдек, кўплаб касалликларнинг ёки инсондаги руҳий бузилишлар, невроз, асабийлашиш ҳолатларининг юзага келишида соғлом овқатланиш тартибининг ҳам таъсири улкан.

Соғлом киши деб ҳам ўзини ҳам жисмонан, ҳам руҳан табиат ва ижтимоий муҳитга мослаштира олган кишини айтилади.[2]Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 2 февралдаги ”Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[3]ги фармонига

[1]Ш. Мирзиёевнинг Конституциянинг 25 йиллигига бағишланган нутқи. http://uza.uz

[2]Акрамова Ф.А. Оилада соғлом психологик муҳитни таркиб топтиришнинг ижтимоий-психологик асослари. ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2014. – Б.185.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ”Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2019 йил 2 февраль.

асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ва ҳудудий бошқармалари, туман, шаҳар бўлимлари ташкил этилди.

Бугунга қадар “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари томонидан 21 минг 200 дан зиёд жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати қабул қилиниб, улар муаммоларига ижобий ечим топилди.Оила мустаҳкамлигини таъминлаш аввало, соғлом, бақувват, баркамол авлодни тарбиялашга боғлиқ. Эрта никоҳнинг олдини олиш борасида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакилликлари, тиббиёт бирлашмалари ҳамда таълим муассасалари томонидан ҳамкорлик тизимли йўлга қўйилган.

Ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда кўмаклашиш мақсадида “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қатъий кафолатловчи мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди ва бу жараён тобора такомиллаштириб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, аёлга иззат-ҳурмат, эъзоз-эҳтиром кўрсатиш — миллатга эҳтиром кўрсатишнинг бош омилига айланди.

Бинобарин, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини мустакамлаш, уларнинг билимли, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш каби масалаларга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Инсон руҳияти бу борада устун эканлиги кўринади. Шу боис ҳам Буюк Суқрот айтганидек: “Руҳни соғломлаштирмай туриб, танани даволаб бўлмайди”. Инсоннинг ўз умрини мазмунли ўтказиши, ҳар томонлама ривожланиши фақат руҳий ва жисмоний бирлик орқали амалга ошадики, бу бирлик соғлом тандаги соғлом ақл бўлишига, саломатлик эса ҳаёт билан бирга қадам ташлашга имкон беради. Бу ўз навбатида инсон ҳаётининг гўзал ва қувончли бўлишига олиб келади.

Бу борада оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш, замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни мунтазам ўтказиб боришни даврнинг ўзи тақазо этади.

Соғлом оила жамият гултожиси бўлса, соғлом фарзанд – келажак кўзгусидир. Бугунги фарзандларимиздан эртамиз эгалари етишиб чиқади. Ҳаммага ҳам тўрт мучаси соғ насл кўриб, баркамол ўғил-қизларни вояга етказиш насиб этсин!

ЁШЛАРДА ЛИДЕРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Жўраев Ҳ. *–ЎзМУ магистранти*

Етакчи, энг муҳими, у ёшларимизнинг кўнглига йўл топиши, улар билан ҳамнафас бўлиб, дарду ташвишларини яқиндан ҳис этиб, уларни юксак мақсадлар сари бошлайдиган, уларнинг ҳақиқий ёрдамчисига, маслаҳатгўйига, маслакдошига айланиши зарур. Халқимиз менталитетига хос бўлган ўзига хослик, яъни жамоага қараб фикрлаш, қарор қилишдан

иборат мазкур тамойилдан келиб чиқиб, ёшларда лидерликни шакллантириш ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Муҳтарам биринчи Президентимиз Ислом Каримов бўлажак раҳбарнинг айби, камчиликлари йўқлигига кўра танлаш эмас, балки бўлажак раҳбарнинг яхши фазилатлари, инсонийлик жиҳатларига кўра, (ўз касбининг устаси, Ватани, халқига садоқати, фидойилиги, ўзига талабчанлиги, масъулиятлилиги, шахсий жавобгарлик ҳиссининг устуворлиги, одамларга яхшилик қилишга интилиши, ширинсуханлиги, ҳалоллиги, ўзи ёниб бошқаларни ҳам ёндириб яшай олиш фазилати, жонкуярлиги, бирлаштириш қобилияти, мақсадга сафарбар қила олиши, қатъиятлилиги ва камтарлиги) лавозимга тавсия этиш тамойилининг мақсадга мувофиқлигини асослаб берди. “Ўзини ҳоким, етакчи деб биладиган ҳар бир раҳбарда ўз ҳудудига эгалик, масъулият туйғуси бўлиши керак”, деган фикрлари диққатга сазовор. Етакчи ҳар қандай ёшда ҳам кучли, енгилмас ва иродали шахс бўлиши керак. Бироқ, ёш етакчилар ўзларига юкланган барча масъулиятни тушунмайдилар.

Маълумки, ёшетакчилар ўзларига жуда ҳам ишонган бўладилар. Бироқ, уларда тажриба етарли бўлмайди. Катта ёшдагиетакчиетарлича тажрибага эга бўлгани боис ўзи ва жамоани бошқаришни, қайерда ва қандай ҳаракат қилишни жуда яхши билади. Аммо, ёшетакчи бошқалардан ўрганади, ўз мақсадига қандай эришишни тасаввур эта олади.

Ёш етакчи дегани ўзига тенгдош шахслар манфаатлари учун қонун доирасида фаол иш юритишни англатади. Етакчи ўз кучига ишонган, жасур ва харизматик инсон бўлиши лозим. У, ҳатто ёш авлоднинг ҳимоячиси бўла олади. Одатда, ёш етакчилар тенгдошлари орасида ажралиб турадиган ёрқин хислатларга эга шахслардир. Улар нафақат тенгдошларини ўзига жалб қила олади, балки ўзидан катта ёшдагилар билан ҳам тез тил топиша олади. Бундай етакчи тенгдошларидан кўра кўпроқ маълумотга эга бўлади, бу эса унга муҳим масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Меҳнат жамоасидаги ҳар бир ходим гуруҳда ўз мавқеига эга. Бу мавқе расмий ёки норасмий тарзда бўлиши мумкин. Расмий мавқе ходимнинг мансаб поғонасидаги ўрни ва унинг лавозимидан келиб чиқувчи ваколатлари билан ифодаланади. Ҳар бир ходим ўз ҳамкасблари билан ўзаро муносабатда бўлар экан, турли омиллар таъсирида бу муносабатлар самимий тус ола бошлайди.

“Халқимизда “Икки кеманинг бошини тутган ғарқ бўлади”, деган мақол бор. Қайси раҳбар, қайси имом-хатиб у томонга ҳам, бу томонга ҳам ёқаман, деб иш кўрмоқчи бўлса, қаттиқ адашади. Бизга бундай иккиюзламачи, мунофиқ одамлар мутлақо керак эмас”1.

Психологик талқин бўйича жамоанинг расмий тизимида юқори мавқени эгалловчи ходим раҳбар ҳисобланса, норасмий тизимда юқори мавқени эгалловчи шахс лидер. Лидер, одатда, гуруҳнинг норасмий муносабатлар тизимида намоён бўлади. Муайян шахснинг лидер даражасида тан олиниши унга руҳан яқинликни, унинг иш билан боғлиқ қатор фазилатларини юқори баҳолашни, ушбу шахснинг гуруҳ манфаатларига эътибори кучлилигини англатади. Лидер - гуруҳнинг ҳамма аъзолари томонидан тан олинган шахс лидер. Лидернинг қадриятлар тизимидаги асосий жиҳати гуруҳ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, гуруҳ олдига қўйилган вазифани ҳал этишга сидқидилдан киришиб, бу жараёнга жамоани сафарбар эта билишидир. Меҳнат жамоасидаги етакчи, аввалambор, ишчанлиги ва ижтимоий фаоллиги билан ажралиб туради.

Жамоада расмий раҳбар ва норасмий лидернинг ўзаро муносабати жараёнида кўпгина раҳбарларетакчини сиқиб чиқаришга, ҳатто, ундан қутилишга интилсалар, баъзи раҳбарлар лидер гуруҳ мақсади ва манфаатига эришиш йўлида фойдаланишга интилади.

Расмий раҳбар ва гуруҳ лидер алоҳида-алоҳида шахс бўлса, улар ўртасидаги келишмовчилик ходимлар томонидан ижтимоий адолатнинг бузилиши сифатида идрок этилади. Лидер билан келишув эса гуруҳдаги кучларни тан олиш, оқиллик йўлини танлаш,

[1]Мирзиёев Ш.М. “Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир” (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи) // «Халқ сўзи», 2017 йил 25январь.

деб баҳоланади. Гуруҳда норасмий лидернинг мавжудлиги раҳбар учун гуруҳ аъзолари билан илиқ муносабат ўрнатишда қўшимча кўприкдир. Лекин, расмий раҳбар билан норасмий етакчи манфаати бир-бирига зид бўлиши, мос келмаслиги ҳам мумкин. Бу эса жамоадаги турли низоларга сабаб бўлади.

Бугунги кунда замонавий лидерлар камайиб бораётганлиги ҳаммамизга маълум шунинг учун ёш замонавий лидерларни етказиб бериш долзарблик касб етмоқда. Ҳар бир соҳада лидерларни излаб топиш ва уларни қўллаб қўвватлаб туриш лозим. Чунки, бугунги кун жамиятига ҳам мукаммал шахслар албатта керак.

Бир сўз билан айтганда эртамиз эгалари бўлган ёш раҳбарлар муҳокама ва қарор қабул қилиш жараёнида юксак ақлий салоҳиятга эга бўлишлари керак. Улар ташаббускор, муайян сиёсий ва ижтимоий мавқега эга, ишга алоқадор таниш-билишлари кўп, интуиция (ички ҳис-туйғу,сезги)си ривожланган ва ташкилот фаолияти йўналишини тезда тушунишлари керак. Бундай салоҳият кутилмаган вазиятни таҳлил этишда, муаммони тўғри ҳал қилиш жараёнида бир неча вазифани бир вақтнинг ўзида бошқариш заруратидан келиб чиқади. Масалан, ташкилотчилик, масалага оид ечимни таклиф этиш, гуруҳ манфаатлари ҳақида ғамхўрлик ва ҳ.к. Юқорида айтиб ўтилган умумий қобилиятлар муваффақиятли бошқарувни таъминловчи зарур шахс хислатларини аниқлаш ва уларни раҳбарликда ривожлантириш масаласини долзарб қилиб қўяди.

ЁШЛАР СОЦИОЛОГИЯСИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хамидова Н.А. *– СамДУ “Социология” йуналиши 1-курс талабаси*

Ёшлар социологияси- жамиятнинг барча ижтимоий соҳаларидаги ёшлар билан боғлик бўлган муаммоларни ўрганар экан, жамиятдаги ёшлар муаммосининг барча соҳалари, шулар жумласидандир. Ушбу муаммолар бўйича эмпирик ва назарий жихатдан социологик тадкикот олиб бориш, уларнинг статик ва динамик хусусиятларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ҳар қандай жамият, ҳар қандай халқнинг суянчи ва таянчи ёш авлоддир. Юртнинг камоли, элнинг бахти ҳам ёшларнинг интилиши, ақлу заковати, билим ва малакасига боғлиқ. Шунинг учун ўз келажагини, эртанги кунини ўйлайдиган халқ, миллат ёш авлодни соғлом ва баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялашни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

Ёшлар социологиясининг ўзига хос қийин мураккаблиги ҳам унинг кўп қирралигидадир[1]. Ёшлар келажак ҳаётини режалаштириш энг аввало оиладан бошланади. Бу жиҳатдан ёшлар социологияси оила билан узвий боғлиқ. Асосан, ёшлар ва оила социологиясида ёшларнинг оилага муносабати, ёш оила муаммолари, оила социал институти, никоҳ, бола туғилиши, ўлим билан боғлиқ диний маросимлар, анъаналар, урф-одатларнинг аҳамияти ва ёшлар томонидан уларнинг бажарилиши ўрганилади.

Шарқда оила азалдан муқаддас даргоҳ сифатида қадрланган. Оила жамиятнинг ижтимоий-маънавий бойлиги ҳисобланади. Тотув оила-жамият таянчи. Оилада ота–файз-баракат, ибрат тимсоли, она-меҳр-муҳаббат, фарзанд эса гўзал тарбия меросхўридир. Айни шундай хонадонда тўкин-сочинлик, шод-у хуррамлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик мужассам. Бундай муҳитда вояга етган фарзанддан барча манфаат топади. Бундай оилалар камоли оҳир оқибат жамият фаровонлигига муносиб ҳисса қўшади.

Оиланинг инсоният жамияти билан узвий боғлиқлиги унинг елкасидаги энг қутлуғ вазифа – ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлашида яққол

[1] Социология молодёжи. Учебник (Под ед. В.Т.Лисовского.) – С.-Пб., 1996. Андреенкова Н.В. Проблемы социализации личности. //Социальные исследования. – М. 1970. Вып. 3.

кўринади[1]. Оила халқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказади. Яхшиларини ўз бағрида асраб авайлайди, келажак авлодларига етказади.

Ақлли ва одобли, фаросатли ва иқтидорли, тарбияли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки жамиятнинг, халқнинг, юртнинг фахридир. Ана шундай фахрга лойиқ ота-она ва жамият қанчалик таҳсинга сазовор эканлиги барчага маълум.

Бундан ташқари, аксарият муваффақиятли оилаларда тарбия топган йигит-қизлар ўз ота-онаси оиласини, уларнинг турмуш тарзини, бир-бирларга нисбатан бўлган ўзаро муносабатларини ва қатор шу кабиларни ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун идеал деб олишади ва улар ҳам оила қуришганларидан сўнг ўғил болалар ҳудди ўз отасидек ва қизларимиз ўз оналаридек «ота», «она», «эр», «хотин» бўлишни орзу қиладилар. Чунки, улар ўз ота-оналари мисолида, бир-бирларига нисбатан салбий муносабатда бўлувчи, бир-бирлари билан низолашиб турувчи эр-хотинларни кўрмаганлар.

Мабодо, бундай вазиятлар ва низолар юзага келиб қолгудек бўлса ҳам, уларнинг ота-оналари бу ҳолатни фарзандларига сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали намунавий аҳил, бахтли оилалар ҳақида бериб бориладиган материалларда ҳам аксарият ҳолларда эр-хотинлик муносабатларини бир ёқлама, фақат яхши томондан кўрсатиш анъаналари мавжуд[2].

Буларнинг ҳаммаси ёшларда оилавий ҳаёт ҳақида бир ёқлама ижобий тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлади.

Шундай эртакмонанд тасаввурлар, орзулар оғушида оила қурган ёшлар, ўзларининг оилавий ҳаётларида дастлабки муаммоларга дуч келишлари биланоқ, уларнинг оилавий ҳаётлари ўзлари кутганларидек бўлмаётганлиги, турмуш ўртоғини танлашда «хато қилганлиги», улар олдинги (тўйдан олдинги) ҳолатига нисбатан маълум даражада (албатта) «салбий» томонга ўзгариб қолганлиги кабиларни «тушуна» бошлайдилар.

Инсондаги маънавият асослари, аҳлоқ меъёрлари айнан оилада шаклланади, шахс ички дунёсининг индивидуал сифатлари очилади[3]. Оила нафақат шахснинг шаклланишига, балки унинг ўзини кўрсатишига ҳам ёрдам беради, унинг ижтимоий, ижодий фаоллигини рағбатлантиради, ўзига хос томонларини очиб беради. Бугунги кунда жамиятнинг ривожланиши билан оила ўз зиммасидаги ғам-ташвишларнинг бир қисмини бошқа ижтимоий институт ва ташкилотларга юклади, бу билан ота-оналар кўпроқ бўш вақтга эга бўлишди, болалар эса жамиятда ижтимоийлашув имконини олишди. Оила ва бошқа ижтимоий институтларнинг ўзаро алоқаси фарзанд туғилган пайтдан бошлаб намоён бўлади, ушбу алоқа қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, боланинг тўлақонли шахсга айланиш босқичларини босиб ўтиши шунчалик осон бўлади.

Ижтимоий муҳит жамиятдаги ижтимоий меъёрларни ва маданий қадриятларни ўзлаштиришга ёрдам беради, бунда оила таянч асос ҳисобланади, шахсиятнинг пойдевори қўйилади, кейинги «бунёдкорлик ишлари»ни эса мактаб, сўнгра навбатдаги ўқув юрти, кейин ишхонадаги жамоа амалга оширади. Бола ўзининг ижтимоийлашувини оилада бошлайди, аммо оила ўз навбатида касалхоналар, мактаблар, болалар муассасалари, иш жамоаси, спорт секциялари, маданият муассасалари, давлат идоралари, норасмий бирлашмалар, диний идоралар, дўстлар ва бошқа кўплаб ташкилотлар билан мулоқот қилиш заруратига тўқнаш келади. Айнан ушбу барча ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро алоқаси жараёнида ёш шахс шаклланиб боради. Оиланинг ушбу ташкилотлар билан ўзаро муносабати қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, шунчалик ижтимоийлашган, омадли шахс балоғатга етади.

Оилавий муносабатларнинг бирламчи асосини никоҳ ташкил этади. Никоҳ – бу аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларнинг тарихан ўзгариб турадиган ижтимоий шакли бўлиб,

[1] Оила энциклопедияси. – Тошкент, 2019.
[2] “Ёшлар йили давлат дастури. - Тошкент, 2008.
[3] «Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 1991.

унинг ёрдамида жамият одамларнинг жинсий ҳаётини тартибга солади ва санкциялайди, уларнинг эр-хотинлик ва қариндошлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатади.

Аммо, оила, одатда никоҳга қараганда муносабатларнинг мураккаброқ тизими ҳисобланади, чунки у нафақат эр-хотинларни, балки фарзандлар ва бошқа қариндошларни ҳам бирлаштириши мумкин. Шу боис оилага шунчаки никоҳ гуруҳи сифатида эмас, балки ижтимоий институт, яъни ижобий ва салбий санкциялар тизими орқали кенг ижтимоий назоратга дучор бўладиган муайян қадриятлар ва меъёрлар асосида ўзаро алоқа ва муносабатларнинг барча алоқаларини тартибга солувчи ҳамда инсон наслини кўпайтириш функциясини бажарувчи индивидларнинг ўзаро алоқа ва муносабатлар тизими сифатида қараш керак.

Хулоса қилиб шуни айтамизки, ёшлар социологиясини ўрганар эканмиз, биз ёшларни оила ва никоҳ муносабатларига тайёрлаш ва ёшларнинг оиладаги ўрнини ўрганиш лозим. Қачонки. ёшлар ўз оиласида бахтли бўлар экан, улар ҳаётдаги бошқа муаммоларни осонлик билан ҳал қила оладилар.

Оилада ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини миллий қадриятлар асосида шакллантириш, ватанпарвалик, жамоатчилик, эрк, озодлик, адолатпарварлик, мардлик, дўстлик, тарбиялилик, ахлокийлик, ор-номус, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат каби кўникмаларни болалар тарбиясида вужудга келиши билан боғлиқдир. Шундай экан, оила-муқаддас макон. Унда миллатнинг давомийлиги, умуминсоний қадриятлар сақланади ва ривожланиб боради.

V ШЎЪБА. ТИББИЁТ, МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ҲАРБИЙ СОҲАДА СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

ВЫБОР ФОРМ ОРГАНИЗАЦИИ ФИЗКУЛЬТУРНО-МАССОВОЙ И ОЗДОРОВИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ С ЖЕНЩИНАМИ ПО МЕСТУ ЖИТЕЛЬСТВА С ПОЗИЦИИ СОЦИАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Набиев Т.Э.*–к.п.н., доц., зав. кафедрой «Физическое воспитание и спорт»НУУз*
Платунов А.И. *–Старший преподаватель кафедры«Физическое воспитание и спорт»НУУз*

Повсеместное развертывание физкультурно-оздоровительной и спортивно-массовой работы в нашей стране, особенно усилившееся в связи с принятием постановления «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан»[1], потребовало дифференцированного подхода к различным по возрасту и полу контингентам населения, то есть социального управления физкультурным движением.

Социальное управление основывается прежде всего на определении места каждого человека в общественной системе, его функций и социальных ролей. При этом общество, определяющее роли человека, предъявляет к нему определенные требования и создает условия для более успешного выполнения этих ролей.

В современном обществе женщина, занимающая равноправное положение с мужчиной, выполняет ряд важнейших социальных функций (трудовую, общественную, семейно- бытовую, воспитательную), совмещает ряд различных социальных ролей. Это совмещение является основной причиной недостаточного участия женщин в занятиях физической куль турой и спортом в свободное время ввиду большого объема семейно-бытовых нагрузок в общем бюджете их свободного времени. С этой точки зрения наиболее подходящей формой организации физкультурно-спортивной работы с женщинами являются занятия по месту жительства, имеющие целый ряд преимуществ: близость к дому мест занятий, организация физкультурно-спортивных мероприятий в удобное для занимающихся время, возможность индивидуально дозировать физические нагрузки, продолжительность занятий и т. п[2].

Для повышения эффективности физкультурно-спортивной и оздоровительной работы с женщинами по месту жительства необходимо выделить основные на правления организации этой работы.

Первое направление внедрение физической культуры и спорта в быт женщин. Здесь решающую роль призваны играть индивидуальные самостоятельные занятия. Анализ учебно-методической литературыпоказывает, что женщины в отличие от мужчины, предпочитают в большей мере, гигиеническую гимнастику утром или в другое время дня, в меньшей мере – ходьбу, бег трусцой и т. п[3]. Поэтому дальнейшее развитие этого направления должно идти как по пути совершенствования организации индивидуальных самостоятельных занятий всех контингентов населения на открытом воздухе (создание освещенных тротуаров для пробежек, дорожек здоровья и т.п.), так и по пути созданная для женщин портативных тренажеров, позволяющих повысить эффективность их самостоятельных занятий физической культурой и спортом дома.

---

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан от 24.01.2020г. за № 5924 «О мерах по дальнейшему совершенствованию и популяризации физической культуры и спорта в Республике Узбекистан».

[2] . Указ Президента Республики Узбекистан от 03.06.2017г. за № 3031 «О мерах по дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта».

[3]Менхин Ю.В., Менхин А.В. Оздоровительная гимнастика: Теория и методика. – Ростов на Дону: Феникс, 2002.

Второе направление - сочетание воспитательной функции женщин с занятиями физической культурой и спортом, осуществляемое в форме занятия физической культурой и спортом матерей с детьми (в различных группах и секциях),а также семей по месту жительства. Особенно эффективной формой организации физкультурно-спортивной иоздоровительной работы с женщинами по месту жительства является семейный спорт поскольку он позволяет женщине проводить свой досуг наравне со всеми членами семьи, повышает авторитет и укрепляет равноправное положение женщины в семье, а также интеграцию самой семьи. Наиболее пригодным для «семейного спорта» средством физического воспитания является подвижные и спортивные (по упрощённым правилам) игры ввиду легкой обучаемости, возможностиупрощать правила, многообразия двигательных средств и форм, хорошего снятия напряжения и т. п.[1]

Третье направление — сочетание семейно-бытовой функции женщин с занятиями физической культурой и спортом, позволяющее использовать ресурсы свободного времени женщин, высвобождающиеся от такого сочетания, для занятий физической культурой и спортом.

Это направление должно развиваться по линии создания (действия) различных спортивно-оздоровительных центров. Одна из форм таких как физкультурно-оздоровительные центры, комплексы, спортивные залы находящиеся в близи проживания, представляющие собой хозрасчетные организации, объединяющие деятельность разнообразных по направленности и задачам физкультурно-оздоровительных групп (здоровья, ОФП, женской гимнастики, закаливания и т. п.) и включающие физическую культуру в сферу услуг, оказываемых населению (сауны, массажные, косметические и прочие). Достаточно большое количествоисследований показывают, что именно совмещение бытовых услуг с занятиями физической культурой и спортом,в данном случае, обеспечивает большую популярность физкультурно-оздоровительным мероприятиям у женщин. Подобные центры (спортивные комплексы, залы, плоскостные сооружения) и т. п.дают также возможность родителям заниматься вместе с детьми ввиду разнообразной материальной базы и широкого диапазона форм физкультурно-оздоровительной работы.

Четвертое направление — сочетание занятий физической культурой и спортом, различными формами, с другими занятиями женщин на досуге. Здесь особенно необходимо учитывать мотивацию деятельности женщин на досуге. Исследования показывают, что мотивация занятий женщин физической куль турой и спортом во время досуга лежит главным образом в гедонистической и коммуникативно-развлекательной сфере. Это прослеживается у женщин разных возрастных и профессиональных групп.

Подобная мотивация характерна и для других общественно организованных занятий женщин. Она обусловлена от потребностей рекреационного характера: во встречах с интересными людьми, общении с увлекающимися аналогичным видом деятельности, совместном отдыхе в непринужденной обстановке, получении новой информации, выходящей за пределы профессиональных интересов, и т. п.

Эффективной формой общественно организованных занятий на досуге является клубная форма, позволяющая разносторонне удовлетворять сложные потребности занимающихся в саморазвитии, содержательном отдыхе, общение, развлечениях, творчестве и т. п. Возможность удовлетворять эти потребности в клубных занятиях по месту жительства подтверждается успешным функционированием в целом ряде городов нашей страны физкультурно-спортивных клубов, где учебно-тренировочный процесс сочетается с занятием в кружках художественной самодеятельности, участии в самоуправлении клубом и т. п.

Для более широкого вовлечения в эти клубы женщин необходимо учитывать их физкультурно-спортивные интересы и строить физкультурно-спортивную работу с их учетом. Очень важно также принимать во внимание материальные возможности данного

[1]Видеоселекторное совещание Президента Республики Узбекистан 19.03.2019г. Выдвижение 5- инициатив по организации социальной, духовно-просветительской работе.

клуба для культивирования тех или иных видов спорта. Так, большая распространенность групп женской гимнастики в занятиях по месту жительства объясняется тем существенным обстоятельством, что для их функционирования не нужно больших денежных средств и специального оборудования. Работать они могут круглогодично, позволяя соблюдать такой важный принцип физического воспитания, как систематичность.

Другим немаловажным обстоятельством является то, что в этих группах могут заниматься женщины разных возрастов. Женская гимнастика (различные ее формы проведения) использует специфические средства и методы, заимствованные из художественной гимнастики, и, изменяя и упрощая их, приспосабливает для решения оздоровительных задач.

Поэтому она доступна для любой неподготовленной женщины. Кроме того, упражнения проводятся с предметами (мячами, обручами, скакалками и пр.), в них используются элементы народных и массовых танцев, музыкальное сопровождение[1]. Все это делает женскую гимнастику привлекательной для женщин, высоко ценящих эстетический аспект в занятиях физической культурой и спортом.

В рамках этих основных направлений организации физкультурно-спортивной работы с женщинами по месту жительства, учитывающих особенности их социального положения в обществе, могут создаваться новые разнообразные формы физкультурно-спортивной работы, которые в еще большей степени будут способствовать решению проблемы вовлечения всех женщин нашей страны в регулярные занятия физической культурой и спортом для поддержания хорошего здоровья и продолжительного долголетия.

СОҒЛИҒИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ТАЛАБАЛАРДА ШИФОБАХШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ГИМНАСТИК МАШҚЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

Акбарова Г.Т. *– ТПТИ, “Амбулатор тиббиёти ва жисмоний тарбия” кафедраси ўқитувчиси*

Шифобахш жисмоний тарбия – бу даволаш методи саломатликни тез ва тўлиқ тикланиши, касалликни олдини олиш учун даволаш-профилактика мақсадида қўлланиладиган бадантарбия ҳисобланади.

Шифобахш жисмоний тарбия – фақатгина даволаш-профилактика йўналиши бўлмай, балки даволовчи-тарбиявий жараён бўлиб, талабаларга жисмоний машқларни тушунишга имкон беради, гигиеник холатни яхшилашга, режали машқ асосида организимнинг ташқи факторларига нисбатан тўғри тарбиялашга имкон беради.

Шифобахш жисмоний тарбиянинг объекти– инсонбўлиб, организимнинг функционал холатини ўрганади. Бунда шифобахш жисмоний тарбиянинг хар-хил турлари ва методлари қўлланилади[2].

Шифобахш жисмоний тарбияга умумий кўрсатмалар:

-кассаллик ёки унинг асоратлари оқибатида организм заифлашиб қолганда;

-динамикада беморнинг ахволи яхшиланаётганда (бемор ўзини яхши ҳис этиши оғриқ синдромининг частотаси ва интенсивлигини камайиши, клиник-лаборатор текширувларнинг яхшиланиши).

Жисмоний машқлар: жисмоний машқлардан кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидаги омилларни хисобга олиш зарур:

-шуғулланувчиларни индивидуал хусусиятлари (ёши, жинси, саломатлиги, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарликдаражаси);

---

[1]Лисицкая Т. С. Ритмическая гимнастика: Методика и физиологическое воздействие. – М.: ФиС, 1985. – 158 с.

[2] Шифобахш жисмоний тарбия / Э.А Шомансурова,С.Ш Алтибаева, Ш.А.Агзамова, С.А Убайдуллаева. Тошкент. 2014.

-жисмоний машқларнинг хусусиятлари (қийинлиги, янгилиги, махсуслаштирилганлиги, техник характиристикаси);

-ташқи омиллар (мехнат ҳолати, ўқиш, маиший холати, дам олиши, харакат фаолиятининг аниқ шартлари, об-ҳаво шароити, элементлар ва ускуналарнинг сифати, машғулот жойларининг гигиенаси).

Гимнастик машқлар:умумий қувватловчи ва махсус машқларга бўлинади.

Умумий қувватловчи машқлар бутун организимни соғломлаштириш ва мустахкамлашга каратилган.

Махсус машқлар – таянч-ҳаракат аппаратини у ёки бу қисмига танлаб таъсир кўрсатади, масалан, оёқ кафтига ясси оёқлик ёки уни травматик зарарланишида; ёки умуртқа поғонасига деформацияларида; харакат чекланганда у ёки бу бўғимга. Гавда учун машқлар ўзининг организимига физиологик таъсири бўйича, соғлом талаба учун умумий қувватловчи хисобланади.

Соғлиғида нуқсони бўлган талабаларда эса, масалан умуртқа поғонаси касаллиги билан касалланган (сколиоз, остеохондроз ва б.) махсус машқлар гуруҳига киради, чунки даволашни билвосита ҳал қилишга ёрдам беради – умуртқаникоррекциясига, мушакларни мустаҳкамлашга, умуртқа поғонаси харакатчанлигини ортишига ва бошқаларга ёрдам беради[1].

Биз остеохондроз касаллиги мавжуд беш нафар талабаларга махсус машқлар тузиб чиқдик ва ўқув йилимобайнида ушбу талабалар билан, алохида машқлар кетма-кетлигини ўтказдик.

Асосий вазифа талабаларда организимни мустахкамлаш,шикастланган сигментда қон айланишини яхшилаш,тўқималарда шишишни ва оғриқни камайтириш, харакатнинг нормал амплитудаларини тиклаш, сусайган мушакларни мустаҳкамлаш каби вазифалар қўйилди.

Бўйин учун машқлар:

- Турган ёки ўтирган ҳолатда энгашиб,бўйин пастга эгилади ва ияк кўкрак сохасига теккизилади, сўнгра секинлик билан бўйинни тўғирлаб бўшаштириш лозим. Машқ 10 марта такрорланади .
- Турган ёки ўтирган холатда пешонага қўлни қўйиб 10-15 секунд давомида сўнгра бўшаштирилади.
- Бўйинни чўзиб, қўллар бўйин орқасига қўйилади,тирсаклар бирлаштирилади. Машқ 10-15 марта такрорланади. Сўнгра қўлларни даханга қўйиб у ерда изометрик нуқта хосил қилинади.
- Полда қорин билан ётиб қўллар юқорига кўтарилади ва бўшаштирилади.

Шундай ётган холатда даханни қўлларга қўйиб, букиб бўшаштириш машиқлари бажарилади[2].

Кўкрак қисмига машқлар:

- Суянчиғи паст бўлган стул танланади ва унга суяниб ўтирилади ва максимал даражада орқага энгашилади, нафас олиб сўнгра олдинга қайтиб нафас чиқарилади.
- Эшикни чиқиш жойида туриб, қўллар четга узатилади, деворни ушлаб, қўллар билан деворни итарилади ва қўллар бўшаштирилади.
- Ўтирган холатда қўлларни тизза орасига қўйиб пастга чўзилади, нафас олинади, орқага қайтиб нафас чиқарилади.

Шунга ўхшаш машқлар кетма-кетлигини кўпайтириб бордик.

Ушбу машқлар танланган беш нафар талабалар билан ўтказилди, талабалар биз ўтказган машклар кетма-кетлигининг бошланғич 2 ой даврида 20 % организмида ижобий ўзгаришга эришилган бўлса, 4 ой давомида 50% организмда ижобий ўзгаришлар кузатилди[3].

---

[1] Дубровский В.А. Лечебная физкультура М-2004.

[2] Епифанов Е.А. Лечебная физическая физкультура М.2003.

[3]Евдокимова Т.А., Милюкова И.В. Лечебная физкультура М. 2004.

Остеохондроз нуқсони кузатилган талабаларда , шифобахш жисмоний тарбия гимнастик машқларнинг асосий вазифалари: Организмни мустахкамлаш, шикастланган сигментда қон айланишини яхшилаш,тўқималарда шишишни ва оғриқни камайтириш, харакатнинг нормал амплитудаларини тиклаш, сусайган мушакларни мустаҳкамлаш каби вазифалар бажарилди.

Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки бу берилган машқлар кетиа-кетлиги таянч харакат апаратида нуқсони бор талабаларнинг умумий холатини ижобий томонга ўзгарганлигини амалда кўрдик.

ПЯТЬ ИНИЦИАТИВ ПРЕЗИДЕНТА Ш.МИРЗИЕЕВА: ШАГИ К ПРОСВЕЩЕНИЮ И ПРИВЛЕЧЕНИЮ ВНИМАНИЯ МОЛОДЕЖИ К НАУКЕ И КУЛЬТУРЕ

Каюмов У.К. *– к.э.н., доцент*

Республика Узбекистан претерпевает на сегодняшний день кардинальные изменения. В связи с наступлением всемирного карантина и в силу COVID – 19, все больше подтверждается теория о цифровизации и глобализации всех сфер и направлений. Инициативы, разработанные и предложенные Президентом Ш.Мирзиеевым как никогда нуждаются в реализации и дальнейшем осуществлении с поддержкой молодежи. В марте 2019 года проводилось видеоселекторное совещание по вопросам усиления внимания к молодежи, широкого вовлечения ее к культуре, искусству и спорту, формирования навыков использования информационных технологий, пропаганды чтения книг среди молодого поколения и обеспечения занятости женщин.

Именно там было отмечено, что «*тридцать процентов населения нашей страны составляет молодежь от 14 до 30 лет*». Принимая во внимание тот факт, что будущим научным потенциалом являются именно они, то Президент подчеркнул необходимость и важность внедрения пять важных инициатив по организации социальной, духовно-просветительской работы по новой системе для создания светлого будущего начиная от школьников, заканчивая подростками и студентами. Далее с целью всецелого и комплексного рассмотрения нам следует по раздельности определить важность каждой из инициатив.

Первая инициатива предусматривает привлечение в 2019-2020 годы в культуру и искусство 2 миллионов молодых людей в возрасте от 14 до 30 лет. Изначально для этого были открыты дополнительные классы в детских школах музыки и искусства, кружки инструментального, вокального исполнения и изобразительного искусства, самодеятельные театральные группы и детские ансамбли в центрах культуры. В глобальном масштабе этому также поспособствовал режим самоизоляции, так как каждый школьник или студент может иметь полный доступ к музеям и выставочным залам начиная от Лувра продолжая Национальным Музеем США. В Республике Узбекистан национальный музей искусств также открыл свои виртуальные двери, чтобы все могли просвещаться и смотреть бесценные экспонаты нации, не выходя из дома.

Вторая инициатива предусматривает привлечение молодежи к занятию спортом. Спорт – это то, что также влияет на умственную активность на протяжении всей жизни. Администрацией Президента было предложено в ближайшие два года построить в каждом районе малые спортивные залы с использованием легких конструкций, чтобы все имели доступ и могли заниматься.

Третья инициатива, как показало время, оказалась чуть ли не самой необходимой для молодежи, а именно для их дальнейшего развития и образования. Данная инициатива предусматривает эффективное использование компьютерных технологий и интернета. Было поручено создать специализированные центры по обучению компьютерным технологиям в условиях информатизации и цифровизации большинства областей. Так, например, благодаря

этому направлению школьники имеют широкий доступ в онлайн-обучению (далее - онлайн-школа), также на территории республики прошла первая в истории государства онлайн-олимпиада, которая позволила школьникам проходить этапы и задания, не выходя из дома через компьютер и электронные устройства.

Великий ученый и правовед своего времени Ш. де Монтескье сказал, что «*Любить чтение — это обменивать часы скуки, неизбежные в жизни, на часы большого наслаждения*». В любые времена, книга – это источник жизни науки, культуры, а также воспитания и образования для каждого человека. Поэтому для реализации четвертой инициативы была разработана программа по повышению духовности молодежи и пропаганде читательской культуры. В первую очередь, решено было направить в каждый регион по 1 миллиону книг, в число которых войдут художественная, историческая, научно-познавательная литература. Запланированы реконструкция информационно-библиотечных центров и открытие народных библиотек по инициативе предпринимателей. Более того был открыт доступ к онлайн литературе и широкому скачиванию книг посредством интернета.

Сегодня все чаще продвигается и поддерживается малое предпринимательство, также широко поддерживаются инициативы женского населения на территории государства. Это обусловлено со Стратегией действий 2017-21, которая предусматривает в своих задачах по социальному реформированию развитие малого бизнеса и поддержку женщин предпринимательниц. Более того создание большего количества рабочих мест. В частности, Пятая инициатива предусматривает обеспечение женщин работой за счет создания в 2019-2020 годах в каждом районе швейно-трикотажных предприятий. Данные предприятия лучше всего созданы для работы женщин, ищущих работу как бы клишировано данный постулат не звучал.

Таким образом, резюмируя все вышеуказанное и рассмотренное можно определить, что в рамках режима самоизоляции и борьбы с COVID-19, население и правительство Республики Узбекистан общими усилиями, стараются не отходить от установленных целей и задач, также продолжают осуществлять все меры по комплексному развитию людей от 8 до 25 лет, а также поддержания и определения всем условиям и стандартам молодежной политики. Данные инициативы как нельзя кстати показывают, что даже в условиях самоизоляции, образование и воспитание может осуществляться, а возможно и в несколько раз лучше на виртуальном пространстве, чем в жизни.

Это заставляет также задуматься о том, чтобы позволить молодежи из сельских местностей иметь виртуальный доступ к среднему образованию в лучших школах городов Ташкента, Самарканда, Бухары и других городов с хорошими показателями школьного образования.

БЎШ ВАҚТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Камалова Х.С. *– соц.ф.н., Қорақалпоқ Давлат Университети «Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти*

Замонавий социологияда «Бўш вақт социологияси» ёки «Бўш вақтнинг социологияси» деб номланган йўналиш мавжуд – бу социологиянинг соҳаларидан бир бўлиб, инсонлар ва гуруҳларнинг бўш вақтлардаги хатти-ҳаракатларини, бўш вақтда (дам олиш, рекреация), ўйин-кулги, алоқа, шахсий ривожланиш, эҳтиёжларини қондириш усулларини, шунингдек, «дам олиш», ҳордиқ чиқариш хизматларининг қандай фаолият олиб боришини ўрганади. Кўпгина тадқиқотчилар бўш вақт бўйича иш ҳақи ва ўзгармас мажбуриятлардаги бўш вақтни (ўзларига ва бошқаларга ғамхўрлик қилиш) тушунишади. Замонавий ҳордиқ чиқаришнинг (русча – досуг, бўш вақт) турли хил ижтимоий гуруҳлардаги фарқига қарамай, янги турдаги бўш вақтлар индустриализм ва урбанизмнинг маҳсули сифатида қаралади.

Аҳолининг бўш вақтлари унинг ишламайдиган соатларининг бир қисмидир.

Жамиятнинг ривожланиши билан унинг роли ошади. Бу иш вақти билан узвий боғлиқдир. Ижтимоий ривожланишнинг аниқ натижаси ва иш вақтини тежашнинг объектив қонунининг амал қилиши, шунингдек, ушбу ривожланишнинг омилидир.

Бўш вақт ҳар қандай инсон ва умуман жамият ҳаётининг муҳим қисмидир. Биринчидан, бўш вақт талаба ёшлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, ёшларнинг маданий эҳтиёжлари бўш вақтларда амалга оширилади, ёшлар маъқуллайдиган бўш вақт шакллари шахснинг ижтимоийлашувига жиддий таъсир ўтказиб, замонавий жамият маданиятининг ҳолати ва ривожланиш истиқболларига бевосита таъсир қилади[1]. Шу сабабли ёш авлоднинг маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай шарт-шароитларни яратиш ёшлар сиёсатининг йўналишларидан биридир, чунки замонавий ёшлар келажакда фуқаролик жамиятини шакллантиради, унинг тузилиши ва динамикасини аниқлайди.

Флоренс Найтингейл Флоренция (Италия)да аристократлар оиласида дунёга келиб, ўз даври аёллари орасида юқори билим ва савияга эга бўлган. У камбағалларга ва беморларга ёрдам бериш, уларнинг аҳволини енгиллаштириш чораларини излагай. Лекин, у яшаган даврларда ночор аҳволда қолганларга, касалларга ёрдам бериш, олий табақа хонадонига мансуб бўлган аёлларга мўносиб иш эмас, деб ҳисобланган.

Шунга қарамай, Флоренс шахсий бахтини, азиз ота-оналарига бўлган юксак муҳаббатини касал ва ночор одамларга ёрдам бериш эътиқодига содиқ қолиш йўлида қурбон қилди. У 1851 йили Германияда пастор Ф.Флендернинг ҳамширалар уюшмасига кириб ўқиб, ҳамшира маълумотига эга бўлади ва ўқитувчилар касалхонасида ишлай бошлади. У узига ўхшаган 38 та кўнгилли ҳамширалар билан ҳарбий госпиталда врачлар билан бир қаторда фаолият кўрсатиб, аҳолини ўлат, вабо каби эпидемик касалликларга қарши курашишда жонбозлик кўрсатишди.

Демак, ҳамширани беморни парваришидаги аҳамияти катта эканлиги долзарб муаммога айланди. Шунинг учун ҳам, Республикада 1998 йил 10-ноябрда2107- ракамли Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонни таркибида тиббиёт институтилари

қошида “Олий маълумотли ҳамширалар” факультети ташкил этиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган эди. “Олий маълумотли ҳамширалар” факультетида ўтиладиган фанлар рўйхатида “Ҳамширалик ишида илмий текшириш асослари” фани ҳам киритилди.

Ушбу фанни ўқитишдан мақсад – олий малумотли ҳамшираларни тиббий муассасасида ўз амалий ва илмий фаолиятларида далиларга асосланган ҳамширалик амалиёти илмий-методологик нуқтаи назардан ёндошишга, материалларни топиш, таҳлил этиш, муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилишларига йўлланма беришдир.

Соғлиқни сақлашда далиларга асосланган ҳамширалик амалиёти ишончли маълумотлар асосида ҳамширалик ташҳис ва парвариш ишларини олиб бориш имкониятини яратади. Бу фан ҳамширалик иши ташкилотчилари, ташкилий-услубий бўлим ходимларини тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Бу фани бошқа фанлар билан биргаликда соғлиқни сақлашни ташкил этиш, янада ривожлантириш бўйича талабаларда зарурий билим, кўникма вамалакаларга эга бўлишни таъминлайди.

Далилларга асосланган ҳамширалик амалиёти – фани аҳоли саломатлигини, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш, бошқариш ва янада ривожлантиришнинг энг муҳим фанларидан бири ҳисобланади. Далилларга асосланган ҳамширалик амалиёти – фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим ахамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компъютер дастурлари, электрон материаллардан фойдаланилади.

“Ҳамширалик ишида илмий текшириш асослари” фанини ўқитишдан яна бир асосий мақсад шундаки, амалий машғулотлар долзарб мавзулари бўйича конференцияда иштирок этиш учун маърузалар тайёрлашни, амалий машғулотларни энг долзарб мавзулари бўйича жадваллар, графиклар ва диаграммалар тузишни, амалий машғулотларида муаммоли масалаларни ечишни, амалий машғулотлар учун презентациялар тайёрлаш ва уни тақдим этишни ўргатади.

Бакалавр ҳамшира мутахассислари илмий изланиш қилишга тайёрлашдан, яъни информацион материаллар, клиник текширув ва кузатув асосида ўрганилаётган гуруҳлар орасида таҳлиллар қилиш ва мавжуд қонуниятларини топиб, уларнинг натижаларини тиббий исботлар ва илмий материални танкид баҳолаш асосида доклад, реферат, илмий ёки оммабоп мақолалар, обзор ёки диплом иши кўринишида мужассамлаштиришдан иборат. Буларнинг ҳаммаси беморларни илмий асосланган парваришини скрининг қилиш ёки анкеталаштириш, ҳамда шу материалларни баён килиш куникмаларини ишлаб чикиш билан амалга оширилади.

Талаба фанни ўзлаштириб, қуйидаги амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши керак: патент-информацион изланиш ва уларни таҳлил қилиш, режани тўғри тузиш, библиография ва унинг илмий изланишдаги аҳамиятини ўрганиш, хулоса натижасида тўғри карор қабул қилиш, илмий текшириш лойиҳасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, текширув гуруҳлари танлови ўтказиш, муайян бир вақт давомида текширув гуруҳларини мониторинглаштиришни (жамлаш, хулоса килиш) таъминлаш, зарурат бўлганида қўшимча маълумот йигишни ташкиллаштириш, олинган маълумотларни таҳлил килиш, олинган маълумотларга статистик ишлов бериш ва мақсадга мувофиқ хулосага келиш.

Фанни ўзлаштиришдан максад, бу – талабани қуйидагиларни билишини таъминлашдир: ҳамширалик жараёнининг асосий босқичларини босқичма-боскич асослаш даражасида билиши кераклигини, ҳамширалик иши назариясини тўлиқ даражада ўрганиш, ҳамширалик ишида асосий ва ёрдамчи муолажалар техникасини амалда қўллай билиш, диагностиканинг лаборатор-инструментал усулларини ва уларнинг интерпретациясини тўлиқ асослаш даражасида, операциядан олдинги ва кейинги даврларда беморлар кузатуви тамойилларини вабеморлар парвариш тамойилларини малакали равишда, адабиётларни бирламчи манбалари билан ишлаш ва ундан фойдаланишни, библиографик мундарижа тузишни ва ундан қачон қандай фойдаланишни, муайян бир текшириш ёки мавзу бўйича адабиётлар обзорини тузиш (бу шундай тузилиши керакки, ундан ҳамшира керак холатларда

фойдалана олсин), журнал маколалари, реферат ва докладлар ёзиш (бу билан у нафақат даволаш ёки парваришлашни балки илмий-тадқиқот ишлари ҳақида ҳам билимларга эга бўлиши керак), хорижий адабиётларни, компьютер техникасини ва интернетдан информацион манбалар олиш (замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланишни).

Илмий тадқиқотларнинг қўлланиши тиббиёт фанларидан бири бўлиб, ҳозирги вақтда исботланган тиббиёт асосларининг назариясини ташкил этади ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди.

DEVELOPMENT OF SPECIALIZED MEDICAL ASSISTANCE TO THE POPULATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR 2017-2021

Tukhtarova I. *– Fergana State University*

In our country today formed a holistic system for the provision of highly qualified and high-tech specialized medical services that are provided by the republican and territorial specialized medical institutions equipped with modern medical equipment that allows an accurate diagnosis and effective methods of treatment, including high-tech diagnostics and surgical interventions.

Due to the implementation of large-scale measures to develop specialized medical care, over 150,000 surgical interventions have been carried out in specialized centers over the past five years alone, including more than 80,000 high-tech operations, and more than 80 new complex and unique treatments have been introduced.

At the same time, a number of systemic issues have accumulated in this area, requiring prompt action and concrete measures.

In particular, there is a noticeable lag in the development of specialized medical care at the regional and district levels of the health care system. Taking into account the above, the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan “On Measures for the Further Development of Specialized Medical Assistance to the Population of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021” provides for the identification of the most important areas for further development of specialized medical assistance of the Republic, expanding the geography of its provision to the district (city) level , increasing the responsibility of the republican specialized centers for organizational and methodological guidance of the territorial profile medical organizations, the introduction of modern methods and technologies of medical care into their practice.

The Resolution provides for the further reform of the system of rendering specialized medical services at all levels: at the national level, the provision of the most advanced high-tech specialized medical services in specialized areas, at the regional level - modern high-tech specialized medical services in the specialized areas, at the regional (city) level – specializedmedical services on the basis of newly created specialized profile departments. And at the level of organizations of primary health care – consultationsby narrow profile specialists on a specially approved schedule, as well as the provision of certain types of specialized medical assistance in medical and consultative and diagnostic areas.

The Resolution provides for the active introduction into the system of rendering specialized medical assistance of the latest advances in research activities on the timely detection of incidence trends in the whole of the republic and in each region separately.

The Decree approves the scheme of rendering specialized medical services to the population and the Program of Measures for the Further Development of Specialized Medical Aid to the Population of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, which provides for the renewal of the legal framework aimed at improving the access of the population to quality and effective specialized medical services, improving the financing system of the Republican centers, strengthening the material and technical base of medical organizations that provide specialized services Bathrooms health services, improving the system of training, retraining and advanced

training of medical staff, improving the quality of specialized medical services to the population, the introduction of modern methods of prevention, diagnosis and treatment.

Within the framework of the Program in 2017-2021, more than 373.5 billion soums and more than 100 million US dollars will be allocated for the further development of specialized medical services in the Republic of Uzbekistan, of which 60 billion soums will be allocated for the construction, reconstruction and overhaul of the facilities of the Republican specialized scientific - practical medical centers and more than 97 million US dollars – toequip the republican and territorial specialized medical institutions with the most modern medics equipment.

The implementation of the measures provided for under the resolution and the program will help to raise the quality of medical services in the republic to a new level, especially at the regional and district (city) levels, to broaden access to high-tech medical care, to introduce the latest scientific and research achievements activity and advanced foreign experience in the sphere of rendering high-tech specialized medical services.

ЭМОЦИОНАЛЛАШАЁТГАН ЁШЛАР

Мирзаҳмедов Х. *– НамДУ*
таянч докторанти

Янги аср илм-фан, янги технологияларни шиддати инсониятнинг турмушини тубдан ўзгартириб, ёшларнинг илм олиши, камолга етишишида маънавият, айниқса ахлоқий маърифат ва тарбия масаласини миллий барқарорлик билан бевосита боғлиқ эканлигини қўрсатмоқда. Зеро дунё халқларининг ўзаро бирлиги ва миллатларнинг алоҳида ижтимоий тараққиётда нафақат иқтисодий, балки ғоявий таҳдид ва бўҳронларга рақобатбардошлигини талаб этиши ижтимоий янгиликдир[1]. Шу боис, инсоният тарихининг энг муҳим жиҳати ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар томонлама дунёқарашининг кенглиги, ижтимоий фаол ҳатти-ҳаракатларга тайёрлиги билан миллий муаммо, давлат сиёсатининг мақсад-мудаоосини белгилаб беради. Зеро миллат ҳар доим ўзининг тақдирини ёшларнинг феьл-атворида кўрган.

Глобаллашув, ахборот технологияларининг беқиёс ўсиши шароитида ёшларнинг таълим-тарбияси, маърифатининг ортда қолиши туфайли ижтимоий муносабатларда қадриятларнинг қадрсизланиши, одат ва аньаналарнинг ўзгариши билан тарбияни самарасига ижтимоий муҳитнинг салбий таъсири кузатилмоқда.

Мозийга қайтиб иш кўришнинг зарурияти тарих сабоқлари, миллий қадрият ва анъаналарда жамият тараққиётининг муҳим элементларини кўришга имкон беради. Маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг панду насиҳати, яьни «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат...» масаласи эканлиги бугун ўз исботини топмоқда. Шу боис, ОАВда ёшларга оид кўрсатув, ток-шоу, эшиттириш ва мақолалар ёшлар ҳаётидаги ўзгаришларни эътироф этилмаслигидан аньанавий “чиройли” ҳисобот ва кўрсатув сифатида муаммони “шаклан” таҳлил ва талқинларидан нарига ўтмади.

Ёшлар жамият ижтимоий-сиёсий, маьнавий-маданий, иқтисодий янгиланишининг муҳим субъектларидан бўлиб, жамиятда содир бўлаётган мураккаб жараёнларга ўз таъсирини ўтказишда ва тараққиётни ҳаракатга келтиришда фаол иштироки ўсиб бориши билан давр муҳим сиёсий тусга кирмоқда.

Миллий янгиланишда Стратегик ҳаракатлар туфайли ижтимоий-иқтисодий, айниқса, унинг маданий-марифий соҳаларида содир бўлаётган сифат ўзгаришлари ёшлар онги, дунёқарашига жиддий таъсир кўрсатмоқда[2]. Натижада ёш авлоднинг янги қатлами мамлакат

[1] .Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 сонли қарори.

тараққиётида давлат бошқаруви ишига бефарқ қарамаётганлигини интернет сайтларида кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг ҳорижий давлатлар билан алоқаларининг кенгайиши билан умуминсоний ва миллий қадрият, аньанавийлик ва замонавийлик ёшлар одоб-ахлоқи, нафосатида меъёрни сақлай билиш кўникмасини ҳосил қилишга эҳтиёжни ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Замонавий урбанизация ҳаётда кўп қаватли биноларнинг "осмонўпарлиги", ахлоқий эркинлик, тўй-хашамларда миллий аньаналарга амал қилмаслик, "янги ўзбеклар"нинг пойгаси, эскиларини моддий ночорлиги, ишлаб чиқариш, айниқса миллий телеканалларнинг қиморлашуви, тамаки ва алкагол маҳсулотлари рейтинггининг ортиши ёшлар феъл-атворида тузатиб бўлмас одобсизликларни юз беришига янги ижтимоий шароитни яратади.

Ёшлар маърифатида ички ва ташқи омил тарбияни шаклланишини бевосита белгилаб бериши билан ўзига хос жиҳатга эга бўлиб бормоқда. Ички омил деганда ёшлар тарбиясида маҳаллий ҳокимият органларининг жойларда тарбия билан боғлиқ муаммоларни ташкилида тажрибага эҳтиёжи, ёшларнинг демократик эркинликларни суистемъмол қилиши, қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг зарурияти эканлигидан ҳуқуқий маданиятга кейинги йилларда зарурият борлиги тарбияни мураккаблашувига таъсир қилмоқда. Бир сўз билан айтганда ёшлар ҳокимларнинг ҳалқ билан мулоқотни бевосита назоратини қўлга киритишини гувоҳи бўлдик.

Ташқи омил деганда «Оммавий маданият» деган ниқобида ёшлар маънавиятига таъсир этувчи "Эмо" ғояси ёшлар менталитетига салбий хатарлардан биридир. Шу билан бирга юртимизга этноконфессионал ғоялардаги вайронкор таъсирларни тарқатувчи кучларнинг фаолиятини ҳам мавжудлигини инкор эмаймиз. Биз аҳлоқий маърифат замонавий тарбиядаги энг муҳим йўналишлардан бири эканлиги, ёшлар эмоционаллашуви жараёнига эътибор қаратишни мақоланинг марказига қўйдик.

Эмо (инг. emo - ҳиссий-эмоционал) субмаданият бўлиб, тушкун кайфиатдаги мусиқий жанр орқали Ғарб жамиятида шаклланган. У ижтимоий ҳаётда *эмо-кидс* (эмо инг. kids - бола), *эмо-бой* (инг. boy - ўғил, йигит), *эмо-грёл* (инг. girl - қизалоқ, қиз) шаклларда намоён бўмоқда[1]. Бу субмаданият вакиллари жамият манфаатларига зид миллий аньана ва одатлар, умуминсоний қадрият, ахлоқий маданият нормаларини менсимаслик, шахсий манфаатларга берилиб, субъектив эҳтиросларни намойиш қилишга интилишдир. Мазкур ҳаракатнинг юртимизга кириб келиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги эришилган ютуқлар туфайли тадбиркорликдаги янги қатламнинг шаклланиши, айниқса саньаткорларнинг ёш эстрада юлдузларининг миллий маънавиятга салбий таъсир этувчи оммавий чиқишлари, баҳс-мунозаралари, кўп ҳолатларда саньат асарларини енгил-елпи, паст савияда оммага ҳавола этиши нафақат саньатни, балки миллатни миллий идеал ва нафосатига таҳдид солади.

Шу маънода ёшлар ижтимоий руҳиятида толарантлилик, қаноатлилик, сабрлилик, тоқатлилик, чидамлилик, бағрикенглилик, юмшоқлилик, ишончлилик, саҳийлик, иродалилик, мурувватлилик, хурсандлилик, интизомлилик, айбдорлилик, кечиримлилик, уятлилик, тавба қилиш, рашқлилик, хушёқишлилик, миннатдорлилик каби ижобий руҳий-ҳислатлардан жиззалик, қахрлилик, ғазаблилик, нафрат, қайғу, ғам, кўрқув, исёнкорлик, депрессия, хасадлилик, қаноатсизлик, бефарқлик, лоқайдлик, умидсизлик, безовталик, қўполлик, ажабланиш каби салбий ижтимоий-руҳий ҳолатларга трансформацияси табиийлашаётгани хусусида маълумотлар базаси ҳосил бўлмоқда.

Бизнинг социологик таҳлилларимиз ёшлар орасида салбий руҳий ҳолатлар охирги 30 йилликни солиштирма қиёси ҳаёт суратларида ижтимоий тараққиёт таъсирида содир бўлган руҳий ҳолат эканлигини тасдиқлади. Шу билан бирга тадқиқотда ёшлар психологик-руҳий кайфияти ижтимоий мўлжаллари давлат келажагини белгилашини эътиборга олинди. Шу боисдан Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзбек халқи ёшларининг эмоционал

[1].Wikipedia. Эмо (субкультура) // https://ru.wikipedia.org/wiki / Эмо_(субкультура), (кўрилган муддати:18.02.2020).

ҳолатига «...юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга ёшлар дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун ...» давлатимиз бор куч ва имкониятларини сафарбар этишига эътибор қаратган[1].

Шу ўринда, ёшлар табиатида эмоционаллик инсоннинг янги моделини шаклланиб, замонавий илмий техника тараққиётининг ижтимоий-руҳий муҳитига глобаллашув таъсирининг ифодаси деб ҳисоблаймиз. ОАВ орасида Интернет ва мобил алоқалардаги янги имкониятлар ёшлар маънавиятида қадрият трансформациясига олиб келмоқда. Натижада ахборот ресурсларидаги «Оммавий қадриятлар» - Заррача бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш жараён бўлиб, кўп ҳолларда ёшларимиз ўзлигининг миллий қадриятларимиздан узоқлаштириб юбормоқда. «Оммавий маданият»даги эмоционал-руҳий таъсир эса ёшлар онги ва қалбида енгил табиатлилик андозасини “одат”лантириб, оила ва жамият қадриятларига нисбатан совуққонлик ҳиссини тарбияламоқда.

Фикримизни кейинги йилларда ёшларда вулгар модалашган кийиниш, инсонни кучли эмоцияга олиб борувчи жараёнлар майлнинг ортиши ҳаёт мазмунига айланиши туфайли бўш вақтни мазмунсизлиги, нафис дидни дағаллашуви остида «Китч дид» – (нем. Kitsch - сифатсиз, арзон, енгил-елпи, савияси паст) Эстетик савияси паст, арзон ва жўн, бўш яратилан нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш орқали пайдо бўладиган жараённинг шаклланиши ёшларда миллий қадриятларга муносабатни ўзгариши билан далиллаймиз. Бу ҳол беҳаёлик ва зўравонлик, нотабиийлик, андозасизлик, маданиятсизлик, маънавиятсизлик, миллат ва унинг маънавий қадриятларига беписандлик билан ижтимоий манфаатларга дахл қилувчи ҳолатни туғдиради.

Биз, ёшлар социологияси бўйича эмоционал феъл-атворни келиб чиқиш ва ёшлар ҳаётига салбий аҳлоқий таъсирини шартли равишда қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- ёш оилалардаги маиший келишмовчилик;
- видео ва компютер ўйинлар орқали;
- мураккаб оиладан оддий оилага ўтиш орқали;
- оилада катта авлоднинг таъсирини жиддий қисқариши;
- нотўлиқ оилаларнинг миқдорини ортиб бориши;
- оилада тарбия усули сифатида моддийликка урғу берилиши;
- оилавий тарбияда ота мақомини жиддий пасайиши, она ролини ортиши;
- ёшлар эмоционаллашувига салбий таъсир этувчи саньат, медиамаданият тарбиясига зарурият;
- носоғлом турмуш тарзи;
- ёшлар ахлоқида меҳнат, ҳарбий ватанпарварликдан енгил табиатлилик ижтимоий меъёрга айланиши;
- ҳорижий ва миллий саньатда ёшлар (айни вақтда ота-оналар) турмушида эротика, порнографик сурат, видеоёзувлар, саньат асарларини кириб бориши, уларни назоратини издан чиқиши кабилар ҳисобланади.

Юқоридаги муаммолар таҳлил ва талқинлари ёшлар тарбиясида соғлом ҳис-туйғуларни эстетик тарбиясини ташкили ўта муҳим миллий вазифага айланишини гувоҳи бўлдик. Ёшлар эмоционаллашуви салбий ва ижобий жиҳатга эга бўлиб, кейинги йилларда салбийлик жиҳатлари ёшлар орасида ижтимоий бўҳронларга олиб келиши мумкинлигини тахмин этиш мумкин. Ўзбек ҳалқи миллий ҳаётида аньана ва одатлар ўзга ҳалқдан кўра муҳимроқ аҳамиятга эга ҳисобланиб, миллий тараққиётимизни асосида оила турганлиги масаласида олимларимиз якдил фикрга келган.

[1] Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.



Республикамизда оилавий ажримлар ҳақида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази 2019 йилнинг 6 ойида 18506 нафар ажралиш арафасида турлигини аниқланган. Биз оиладаги никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ масалаларни қуйидаги шаклда схемалаштирдик[1].. Оила ва никоҳда ёшларнинг гендер маданияти муаммолари давлат миқёсида яна бир бор таҳлил ва талқинларини амалга ошириш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатади. Ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясида жиддий ўзгариш, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан муносиб фуқарони тарбиялаш вазифасини ўз зиммасига олишига тўғри келади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига ҳуқуқий-ахлоқий ва тиббий-психологик жинс билимларини ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёндир.

Биз кейинги пайтларда аёллар томонидан ўз чақалокларини сотиши “чақалоқ тижорати”, оналар томонидан фарзандларидан воз кечиши, айниқса боладан қутулиш учун ахлатхона, канал-ариқларга, “метро”ларга ташлаб кетиш, ҳатто қотилликлар эмоционаллашувининг ижтимоий ҳалокатли кўрсаткичи деб ҳисоблаш мумкин.

Республика миқёсида мактаб ўқувчиларининг “ҳомиладорлиги” ҳолатини очиқлантириши, ҳомиладор бўлмаганларини “сони” аниқлаштириш, маънавий-ахлоқий маърифатга заруриятни ҳаёт ё мамот масаласи эканлигини далиллаш шарт бўлмай қолди.

Глобаллашувнинг салбий оқибатларидан «Оммавий маданият» ниқобидаги аксилмаданият ва турли ғаразли, нохолис ахборотлар хуружининг таъсирини имкон қадар камайтириш учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданиятини юксалтириш талаб этилади. Навқирон янги авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга, маданият дурдоналарига болаликдан бошлаб ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда ижтимоий аҳлоқсизликдан ҳимояланиш учун китобхонликка, нафис маданиятга одатлантириш даркор.

Ёш истеъдодларни қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш борасида ҳамда маънавий-маърифий соҳада кўрилаётган эзгу тадбирлар амалий самарасини беради. «… келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир»[2].

[1]Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази. Диаграмма: «Оила» маркази тадқиқотида оилавий ажримлар сабаблари аниқланди // https://kun.uz/news/2019/07/18/diagramma-oila-markazi-tadqiqotida -oilaviy-ajrimlar-sabablari-aniqlandi, (кўрилган муддати:18.01.2020).

[2] Каримов И. А. Баркамол авлод келажак пойдевори - Т.: Шарқ,1998, – Б. 24.

Хулоса сифатида бола тарбиясида миллатимизнинг аньанавий тарбиясида унутилаёзган “одатлантириш” услубини бобо ва бувиларимиздан мерос эканини ёдга солишни лозим деб ҳисоблаймиз. Айни вақтда фарзанд тарбиясида шарқ ҳалқлари фозиллик тарбиясини эринмай қайта ва қайта болага ўргатиши туфайли болада бажариш “расмийлашади”.

Натижада бола энди ота-она назоратисиз ҳам бажаради. Зеро эрта туриб юз-кўлни ювишни ота-она одатлатириши, ўзга ҳатти ҳаракатларни ҳам доимий назорат остида одатлантириш мумкин. Бобо ва бувилардан фарқли ёш ота-оналарнинг бола тарбиясида шу масалада “оқсаши” кузатилмоқда. Боз устига ўзларида ҳам тарбияга муҳтожлик бола олдида ўзларини ўрнак ва намуна қилиб кўрсата олмаслиги ҳам ёшлар феъл-атворида нохуш ҳатти-ҳаракатларга сабаб бўлмоқда.

Юксак ўзгариш ва ислоҳотлар даврида янги авлодлар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода ёшлар тарбиясида соғлом эътиқод, нафосат тарбияси оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солиши, оилавий бағрикенгликни шакллантириб миллий барқарорликка олиб келиши билан миллий аҳамият касб этади.

Биз оилавий тарбияда “одатлантириш” тарбия технологияси авлодларда муносабатларни мустаҳкамлаш, фарзандларни ота-оналарига меҳр-муҳаббатини фарзандлар иштирокида амалга ошириш ўзига хос тарбия технологияси эканлиги устида иш юритмоқдамиз. Дунё ҳалқлари одат ва аньаналар билан миллий тараққиётга эришган экан, биз олға сураётган технология тарбияда ижобий миллий эстетик тарбияга таянади. Бу тарбия қизлар ва ўғил болаларнинг тарбиясида гендер (аслида жинс) тарбиясини назарда тутади. Ўғил болаларни оилада ўғил, ота ва бобо мақомини босқичма-босқич босиб ўтишга тайёрлаш оиланинг муҳим вазифасидир.

Фақат ана шу тизимли тарбиягина миллий тарбиявий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ўғил болалардаги қизларга хос феъл-атвор, қизлардаги ўғил болаларга хос ахлоқни олдини олиб соғлом эр-йигит, барчин қизни тарбиялаши билан миллий хавфсизлик муаммосини ҳам ижобий томонга ҳал этади. Миллий ғоя, миллий тафаккур ва миллий мафкура эса ёшлар маънавиятида автоматик тарзда шаклланиб, жаҳон халқлари кўз ўнгида “Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти”.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ – МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АЛОҲИДА ТИЗИМИ

Ташмурадов У.Ж. *– ЎзМУ изланувчиси*

“Сиёсий маданият” тушунчасига турлича изоҳ берилади. Кўпинча сиёсий маданият – сиёсат ва маданиятнинг йиғиндиси деган фикр учрайди.

Бу масалага доир мавжуд нуқтаи назарларни инкор этмасдан туриб, умумлаштирувчи хулоса чиқариш мумкин: сиёсий маданият сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар мажмуи, кишиларнингсиёсий онгини, уларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари, эътиқодлари, мақсадларини ифодаловчи маънавий қадриятларнинг алоҳида тизимидир. Бу - шахс, жамиятнинг ва инсон маънавий бойлигининг такрор ҳосил бўлиши энг муҳим жиҳатларидан биридир. Тор маънода тушунганда сиёсий маданият реал мужассамланган сиёсат ёки сиёсий жараён эмас, балки у ёки бу социал-сиёсий бирликнинг сиёсат олами, унинг фаолият кўрсатиш қонунлари ва қоидалари тўғрисида тасаввурлар мажмуидир.

Шахсда сиёсий фаоллик, ўзини ўзи уюштира олиш қобилияти, социал муаммоларни ҳал қилишда иштирок этишга интилиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва муросага кела олиш маҳорати бирлашиб кетишини юксак сиёсий маданият белгиси деб ҳисоблаш мумкин.

Сиёсий маданиятни аввало конкрет ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларидан келиб чиққан ҳолда қараб чиқиш зарур. У анчагина даражада мамлакатнинг иқтисодий

ҳолатига боғлиқ бўлади. Унга ижтимоий ривожланишнинг турли босқичлари ўртасидаги ўзига хос давомийлик қонунлари хосдир.

Жамиятнинг экстремал ҳолати, иқтисодий, социал ва сиёсий тузилмаларнинг барҳам топиши шароитида сиёсий маданият маънавий ҳамда иқтисодий тангликлардан чиқишнинг ўзига хос шарти сифатида майдонга чиқмоқда. Буни шу билан изоҳласа бўладики, бундай туб ўзгаришлар биринчи ўринга кишиларнинг келажаги ҳал қилинишига боғлиқ бўлган масалаларни, масалан, жамият ва шахснинг сиёсий манфаатларини қандай қилиб мувофиқлаштириш мумкин; ижтимоиётда догматик тасаввурлардан халос бўлган инсон дунёқарашининг чинакам илмий негизлари қандай бўлиши керак;моҳиятан олганда илмий билишнинг янги соҳаси бўлмиш сиёсатшунослик синфий ёндашувнинг мавҳум-муросасиз постулатларига эмас, балки тинчлик, адолат ва эзгулик ғояларига асосланувчи давлат тизимида қандай ўринни эгаллаши керак; ва ниҳоят, янгиланган ижтимоий тузумда сиёсий маданиятнинг шахсга оид омиллари изчиллик билан ҳисобга олинувчи ҳуқуқий давлат қандай бўлиши керак сингари муаммоларни олға суради.

Жамият нормал-барқарор фаолият кўрсатган шароитда сиёсий маданиятнинг шаклланишини таъминловчи асосий шарт-шароитлар мажмуи ўтиш даври учун очиқдан-очиқ етарли эмас. Улар доираси анча кенгаяди, зеро сиёсий маданиятни шакллантиришда нафақат стихияли, балки бир мақсадни кўзловчи негиз ҳам иштирок этадики, у ижтимоий – сиёсий тартиботларнинг ахборий-мафкуравий фаолиятида, шунингдек оилада, диний уюшмаларда ўз ифодасини топади.

Бу тартиботлар ўртасида аудиовизуал оммавий ахборот воситалари-барча босма маҳсулот, радио, телевидение, кинематография марказий ўринни ишғол этмоқда. Уларнинг тезкорлиги ва жўшқинлиги, ҳужжатли ва бадиий шакллардан кенг фойдаланиш кишиларнинг маънавий ҳаётига, жамиятнинг муайян дунёқарашини шакллантиришга самарали таъсир кўрсатиш имконини беради. Оммавий ахборот воситалари сиёсий кампанияларни ёхуд у ёки бу сиёсий йўлларни қўллаб-қувватловчи жамоат фикрини уюштиради, ўзининг ҳаммабоплиги билан бир жинсли маданиятни шакллантиришга, ҳулқ-атвор мўлжалларини бирхиллаштиришга ёрдам беради. Лекин бугунги кунда қаттиқ рақобат сабабли оммавий ахборот воситалари бозори “ёввойи”, доим ҳам маданий бўлмаган шаклларни касб этганлигидек номатлуб фактни таъкидламаслик мумкин эмас.

Сиёсий маданият ҳолати социал-иқтисодий, сиёсий ривожланишдаги тангликни бартараф этиш усулларига, социал фаолият барча турларининг ролини оширишга, уни ундовчи кучларга боғлиқдир. Бу жиҳатдан олганда ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимини илғор йўсинда тубдан ўзгартириш муҳимдир, токи у шахсни такомиллаштириш учун зарур мўлжаллар беришга қодир бўлсин.

Янги сиёсий маданият жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан қайта қуриш, фан-техника тараққиёти ютуқларини рўёбга чиқариш, кишилар манфаатларига ва социал жиҳатдан туб ўзгартишларнинг ташкилий томонига эътиборни кучайтириш асосидагина бунёд этилиши мумкин.

Жамият конкрет тарихий даврда ўзаро ҳамкорлик қилувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ўзи ишлаб чиққан маҳсулотларни айирбошловчи индивидларнинг муайян тизимидан иборат бўлгани сабабли уларнинг манфаатлари ғоятда мураккаб тузилма касб этадики, унга шахсий, гуруҳий, синфий, ижтимоий эҳтиёжлар киритилади, бунинг устига уларнинг ҳаммаси ботинан ўзаро боғланган.

Иқтисодий муносабатлар, жамиятнинг социал тузуми сиёсат учун ҳам, маданият учун ҳам муштарак негизлардир, бу эса улар ўзаро ҳамкорлигининг мумкинлиги ва муқаррарлигини шартлайди. Иқтисодиётнинг жамланган ифодаси бўлган сиёсат ўзида бошқа социал омилларнинг – аҳлоқ, мафкура, дин, анъаналар ва ҳоказоларнинг ҳам таъсирини ҳис этади. Агар ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари давлат ҳамда ижтимоий тузумнинг моҳияти, характерини белгиласа, сиёсий маданият кўп жиҳатдан сиёсий тартиботлар шаклларини, улар фаолиятининг метод ва воситаларини танлашга таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида сиёсий муносабатлар орқали устқурманинг ғоятда фаол қисми сифатида моддий ишлаб чиқариш маънавий маданиятга билвосита таъсир кўрсатади. Сиёсий фаолиятнинг ўзи моддий қийматлар ва маънавий қадриятларни ҳосил қилиш билан боғланган эмас, унинг вазифаси – ана шу қиймат ва қадриятларни ҳосил қилиш ҳамда ўзлаштириш у ёки бу синфлар ва социал қатламларнинг манфаатларига мос келадиган шарт-шароитни таъминлашдир.

Иқтисодий ривожланишнинг турли жиҳатлари – индустриялаш, урбанизация, фаровонлик ва таълим ўзаро боғланган ҳамда битта асосий омилни ташкил этади, унга сиёсий жиҳатдан олганда демократия мувофиқ келади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган жамиятда, деб уқтиришади ғарблик олимлар, миқдоран ва нуфузи жиҳатидан асосий бўлган социал гуруҳлар ҳаддан ташқари камбағал ҳам, ҳаддан ташқари бадавлат ҳам бўлмайди; кескин, моҳиятан икки қутбли, мулкий ажралиб туриш йўқолади, кучли ўртача синф (ўрта қатламлар) ҳосил бўлади, ўзининг жамиятдаги мавқеи ва объектив манфаатларига кўра у демократик тартибнинг таянчини ташкил этади.

Фаровонлик даражаси кишининг сиёсий эътиқоди ва мўлжалларига сезиларли таъсир кўрсатади. Эмпирик тадқиқотларга таяниб, америкалик профессор С.М. Липсет моддий жиҳатдан таъминланган кишилар анча либерал, камроқ таъминланган кишилар эса – одатда, интолерант (тоқатсиз) бўлади деган хулосага келган. Бир қатор мамлакатларнингжамоат фикрини ўрганиш натижалари кўрсатишича, деб таъкидлайди у, социал мавқеи бўйича анча пастда бўлган қатламлар шаҳардаги ўрта ва юқори қатламларга қараганда сиёсий тизим сифатида демократияга камроқ даражада мойилдир. Чамаси, буни камроқ таъминланган қатламлар ўзларининг оғир иқтисодий аҳволини мавжуд сиёсий тартиб, реал сиёсий ҳокимият ва унинг ифодачилари билан боғлашлари сабабли изоҳлаб бўлса керак.

Етарлича таъминланган миллий фаровонлик компетентлари фуқаролар хизматини, касбий жиҳатдан тайёрланган бошқарув кадрларини шакллантиришнинг зарур базаси бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий ривожланиш паст даражада бўлган шарт-шароитда демократик негизда самарали бошқариш учун зарур бўлган умумтаълим ва касбий тайёрлик даражасига оммавий миқёсда эришиш қийин; бундай шароитда компетентлилик ва касбийлик талаблари кадрларни шакллантириш ва кўтаришдаги бошқача принциплар – қариндошлик, юртдошлик, садоқатлилик алоқалари ва бошқа алоқалар билан алмаштирилади. Давлат хизматига, сиёсий фаолиятга тамагирлик манфаатларини қондириш, тезроқ бойиш воситаси сифатида қараш самарали бошқариш тизими учун оғир оқибатларга олиб келадики, Собиқ Иттифоқнинг етмиш йиллик тарихи айни шуни исботлаб берди.

Шахснинг сиёсий қарашлари шаклланишига, унинг сиёсий фаолият субъекти сифатида оёққа туришига социал муҳит катта таъсир кўрсатади. Бунда шахс демократик эътиқод ва мўлжаллар шаклланиши ёхуд у авторитар ва бошқа нодемократик ғоялар ҳамда амалиётни афзал кўриши борасида жиддий тагмазин мавжуд.

Таълимдек маданият омили, кўп сиёсатшуносларнинг фикрича, шахснинг сиёсий онги ва ҳулқ-атворига айниқса кучли таъсир кўрсатади. Маълумки, саводсиз киши сиёсатдан четда туради. Буни саводсиз кишилар сиёсатга ҳеч ҳам дахлдор эмас деб тушунмаслик керак. Лекин билим олмаганликлари учун улар сиёсий лўттибозлик объектига айланишлари, ўз манфаатларига зид ҳолда экстремистик ҳаракатларга тортилишлари мумкин.

Хорижий сиёсатшунослик қатъиян хулоса чиқарган: кишининг маълумот даражаси қанча юқори бўлса, у демократик мўлжаллар, йўл-йўриқ ва ҳатти-ҳаракатларга сиёсий жиҳатдан кўпроқ йўналган ва асосийси, мойил бўлади. Бунга қўшилмасдан бўлмайди: ҳақиқатан ҳам, таълим сиёсий савияни кенгайтиради, кишининг сиёсий савияси қанча юқори бўлса, у демократик йўл-йўриқларга шунча кўпроқ эргашади, оппозицияга нисбатан кўпроқ сабр тоқатли бўлади, бошқа миллат кишиларига янада дўстона кайфиятда бўлади, кўп партиялилик тизимини афзал кўради.

Америкалик В.Кей деган бошқа сиёсатшунос АҚШда ўтказилган тадқиқотларнинг маълумотларини умумлаштириб, менимча, тўғри бўлган хулосага келди: кўпроқ таълим олган кишилар сиёсий ҳаётда иштирок этишни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар, улар сиёсий

жараёнга самарали таъсир кўрсатишга қодирмиз ва улар учун сиёсий ҳокимият йўли очиқ деб ишонадилар.

Шу билан бирга тилга олинган ҳаммабоп компонентлар ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда ўзига хос миллий шаклларда намоён бўлади, зеро миллий ўзликни англашни шакллантиришда соф миллий-маданий элементлар ҳам иштирок этади. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий маданиятнинг тегишли миллий, минтақавий ва айниқса муҳими, мунтазам моделларини ажратиш заруратини тақозо этади. Лекин бу мавзуни махсус ишлаб чиқиш жоиз.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС МАДАНИЙ МЕРОСИ

Кадирова У. *– Қоракалпогистон Республикаси 67-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси*

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврларга қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.[1]

"…Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъий назар, эркин, тинч ва бадавлатумр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши-бизнинг бош мақсадимиздир".[2] Бугунги кунда мамлакатимизда Юртбошимиз раҳномолигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад айнан мана шундан иборат.

Албатта, биз ўз диний қадриятларимизни улуғлаб, эъзозлаб яшар эканмиз, ҳозирги юксак технологиялар асрида мустаҳкам иймон-эътиқод билан бирга замонавий илм-фан, касб-ҳунар, хорижий тилларни пухта эгаллаш, инновациялар соҳасидаги ютуқларни чуқур ўзлаштириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш барқарор тараққиётга эришишнинг энг муҳим шарти эканини яхши тушунамиз.[3]

Бугун дунёнинг миллий қиёфаси хар-хил бўлиб, у инсонларнинг миллий ўзлигини идентиклигини англаш жараёнининг ривожланиши билан уйғун ҳолатда такомиллашиб ривожланиб бормоқда. Ўзлигини, миллий қадриятларини улуғлаган миллат юксак ҳурмат-эҳтиромга муносибдир[4].

Суқрот таъкидлаганидек, "Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдали ва нималарга қодирлигини яхши тушунади.У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана олади. Оқибатда ўзини кулфатлардан сақлайди". Гарчи, Марказий Осиё халқлари турли макон ва замонда яшаб ижод қилсалар-да, уларни муштарак тарихи, ўхшаш қадриятлари бир-бирига боғлаб туради. Дунёда халқлар, элатлар, миллатлар жуда кўп ҳар бирининг ўзига хос турмиш тарзи ва тариҳий келиб чиқиш илдизлари мавжуд бўлиб, улар ўз ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда, урф-одат ва қадриятларга амал қилишади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда "миллийлик", "миллий ғурур", "миллий туйғу", "ўзликни англаш", "миллий менталитет" тушунчаларига алоҳида илмий аниқлик

---

[1] Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.№2 Тошкент-"Ўзбекистон"-2018. - Б.44б

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //htt://uza.uz/oz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018.

[3] Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.№2 Тошкент-"Ўзбекистон"-2018.-Б.483

[4] Кадирова Х. Миллий урф-одат ва анъаналар идентикликни англаш омили сифатида. /Ижтимоий тараракқиёт журнали. №5. Т.2019. Б-70

киритилди ва бу ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар учун кенг имкониятлар эшигини очди. Халқимиз улуғ аждодлар меросини тиклаб, озод ва обод Ватан эркин ва фаровон турмуш барпо этиш имкониятига эга бўлди. Зеро, ҳар қандай инсон, миллат, жамият, давлат мустақил бўлгандагина ривожланиб, юксалиб, ўзлигини англаб тараққиётнинг барча босқичларига эришиши мумкин. Миллий ғурур эса, миллат ҳаётидаги ана шу омиллар билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимиз миллий ғурури, маънавий қадриятларни тиклаб, янада юксалтириш жамиятимизни тубдан янгилаш борасидаги энг долзарб вазифалардан бирига айланади. Зеро, маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришни асосий сабабларидан бири урф-одатлар, анъаналарнинг жамият ва инсон ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги миллий ғурури, миллий ўзлигини англаш ва унинг идентиклиги билан бевосита боғлиқлигидир[1].

Қорақалпоғистон Республикасида Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисми, Қорақум ва Қизилқум саҳроларига туташ ҳудудларда 20 асрнинг 30-йилларида археолог олимлар Яҳё Ғуломов ва Сергей Толстов раҳбарлигидаги археологик-этнографик экспедицияси томонидан катта илмий изланишлар олиб борилиб, турли даврларга, жумладан, тош асри ва сўнгги ўрта асрларга мансуб археологик ёдгорликлар топилиши, натижада қорақалпоқ аҳолисининг тарихи ва маданиятини қайта тиклаш ва ўрганиш имкони яратилди.

Ўзбек халқларининг маданий илдизлари каби, қорақалпоқ халқларининг ҳам маданий тарихий илдизлари жуда теран ва бой тарихга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу диёр ҳам турли халқларнинг маданий анъаналарининг қоришмаларини ҳам ўз ичига олган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг табиий-географик шароитига мос равишда ўсимлик олами, ҳайвонот дунёси таркиб топган бўлиб улар ўзига хос равишда биохилма-хилликни ҳам ташкил этади.

Табиий ресурслар (ресурс-французча сўз бўлиб, “яшаш воситаси” деган маъно беради) инсонларнинг яшаши учун зарур бўлган восита бўлиб, уни инсон табиатдан олади. Табиий ресурслар, жамиятга бевосита эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш воситалари орқали таъсир этади. Шу боисдан Қорақалпоғистон Республикаси табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни имкон қадар асраб авайлаш бугунги куннинг ҳам давр талабидир.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилганқорақалпоқ аждодлари сўнгги палеолит давридан бошлаб бу ерларда яшай бошлаганлар.Милоддан аввалги 5-минг йилликдан 2-мингйиллик бошларига қадар эса қорақалпоқ аҳолиси, асосан, Амударё бўйларида, Орол ва Каспий денгизлари ён-атрофидаги чўлларда яшаб келганлар. Милоддан аввалги 2-минг йилликнинг оҳирида бу ҳудудда суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланишган.

Иқлими, океандан йироқ, материк ичкаларисида берк ҳавзада жойлашганлиги сабабли бу ерда иклим қуруқ ҳамда кескин континентал. Шу сабабли ҳам иқлим шароити чўл ва чалачўл, дашт ҳамда воҳадан иборат мураккаб, табиий шароитга эга бу ўлка аҳолисининг иродасини “чарҳлаб” борган. Қорақалпоқ аждодлари чорвачилик, балиқчилик ва овчилик билан шуғулланганлар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоъизки, бу каби турфа тарздаги турмуш шароитига эга бўлган ҳалқнинг ўзига ҳос тарихий ўтмиши,қадрият ва маданияти бор.

Қорақалпоқ заминининг тарихи мамлакатимизнинг барча қадимий минтақаларининг тарихи каби жуда бой, хилма-хил ва қизиқарлидир. Бу ўлкани ўзига хос археологик топилмалар қўриқҳонаси ҳам дейиш мумкин. Қорақалпоқ диёри ҳақида сўз кетганда улуғларимиз “Қорақалпоқ халқи доимо юртимизнинг таянч тоғларидан ҳисобланган” деган сўзларини эслаб ўтиш жоиздир. Зеро, Қорақалпоқ халқи азалий бой тарихга эга бўлиб унинг миллий маданияти, жозибали санъати, мумтоз адабиёти, қадрият, удум ва анъаналари оламга машҳурдир. Бу заминда яшаётган туб аҳолининг ўтмиш анъаналари, маданий меросини

[1]Кадирова Х.«Socioloical Analysis of the Natsion's Identity, the Levels of Feeling the National Identity in Uzbekistan»/International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE).ISSN:2278-3075, Volume-9, Issue-1, November 2019., 3167-3171

асраб авайлаш, келгуси авлодга бус бутунлигича етказиш, миллий ўзликни англаш аввало ушбу халқ вакилларига боғлиқ.

Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақлайди ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири[1].

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши миллий маънавий меросимиз ва азалий қадриятларимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш учун кенг имкониятлар яратди.

Ҳар бир мамлакат халқлари ҳаётида миллий ўзликни идентикликни англаш муҳим ўрин тутади.Чунки, бу бир томондан шу мамлакатнинг ўзига хос томонларини англашга ва билиб олишга ёрдам берса, иккинчидан, агар жамият ўз маънавий имкониятларини, урф-одат ва анъаналарни ҳисобга олмаса “одамлар онгида маънавий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”[2]деб таъкидлаган эди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов.

YOSHLARNING MILLIY O’ZLIGINI ANGLASHDA YOSHLAR SOTSIOLOGIYASINING O’RNI

Rashidova Sh. *– O’zMU o’qituvchisi*
Mirzoyeva Sh. *– O’zMU I-bosqich talabasi*

Jamiyatning tarkibiy tuzilishi haqida fikr yuritilar ekan, asosan aholining tarkibi, ya’ni o’smirlikkacha bo’lgan va o’smir yoshlar , o’rta yoshdagilar va keksa yoshdagilar hisoblanib, yoshlarning umumiy aholi soniga nisbatan hajmi, o’rni va mavqeyi aniqlanadi va jahondagi turli mamlakatlarda turli darajani ko’rsatadi va bu sotsial holat bir xil emas, xilma-xilik demografik xususiyatlarga egadir.

Bizning mamlakatimizda esa – O’zbekistonda boshqa mamlakatlardan demografik xususiyatlariga muvofiq tubdan farq qiladi. Ayniqsa yoshlar (25 yoshgacha) bizda jamiyatimiz aholisining katta qismini, ya’ni 3/2 qismini tashkil etadi. Bu holat O’zbekiston mustaqillikka erishgandan keyin yanada sotsial-demokratik jihatdan jiddiy o’zgarishlarga olib keldi va bu o’zgarishlar davom etmoqda. Shu sababli bo’lsa kerak hozirgi davrda O’zbekistonni yoshlar mamlakati deyilishi bejiz emas. Respublikamizda aholi o’sishi jiddiy tus olmoqda.

Bundan kelib chiqadiki sotsiologiya fanida yoshlar sotsiologiyasi mavzusini o’rganish asosiy maqsad va vazifa qilib qo’yilgan, Chunki yoshlarda o’ziga xos yoshlik g’ururi, jasorati va salohiyatli intellectual mohiyat bor. Bu jarayonni o’rganishni hozirgi davr talabi taqozo etadi. Bunday ulkan mas’uliayatni esa o’z o’rnida yoshlar sotsiologiyasi bo’yniga oldi.

Yoshlarning intellectual-ruhiy kamoloti, ularning ma’naviy o’z-o’zini anglashi jarayonlari bilan bevosita bog’liqdir. Ayniqsa mamlakatimizning hozirgi taraqqiyot bosqichida bozor iqtisodiyotiga o’tish jarayonida o’ziga xos vujudga kelgan sharoitda yoshlar xarakterida ijtimoiy ideallarning (ko’proq g’ururning) susayib ketishiga, tushkunlikka tushishiga yo’l qo’ymaslik muhim vazifadir.

Yoshlarning milliy o’’zligini anglash sharoitida, ularning ijtimoiy (sotsial) manfaatlarini o’rganish hamda nazariy jihatdan tadqiq etish eng muhim vazifalardan hisoblanadi. Fikrlar xilma-xilligini e’tiborga olish nuqtai nazaridan mustaqillik sharoitida ijtimoiy manfaatlar bevosita mavjud konseptsiyalar orqali tahlil etishga va zamonaviy davrimiz sharoitlariga xos qarashlar tarzida ifodalab berilishiga jiddiy e’tibor berishimiz kerak.

[1] Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. YOSHLAR NASHRIYOT UYI. Тошкент -2019. -Б. -144 .
[2] Каримов.И. Маънавий юксалиш йўлида.-Т.: Ўзбекистон,1998. -Б.-5.

Sotsiologiya fani yoshlarni jamiyatdagi ijtimoiy, ma’naviy va ruhiy jihatdan o’ziga xos xususiyatga ega bo’lgan, o’z xarakterida tez-tez o’rganib tushkinlikka moyil bo’lgan yirik ijtimoiy guruh deb biladi va shu asosda o’rganadi. Yoshlarga nisbatan bunday xolisona yondashuv natijasida, ularning nafaqat yoshidagi tafovutlar, balki iqtisodiy farqli jihatlari, fe’l-atvor tiplari, shuningdek ijtimoiy-siyosiy mavqeyi, ma’naviy qiyofasi, ong tafakkuri darajalarini ham o’rganishni taqozo etadi. Bevosita bu jarayonlarni yoshlar sotsiologiyasi fani o’rganadi. Biroq yoshlarning ijtimoiy jihatdan bir-biridan farqlanishini ayrim sotsiologik mutaxasislar yoshlarning mutaxassisligiga muvofiq “quyi” va “yuqori” chegaralarini e’tiborga olishni, shu bilan turli guruhlarning ijtimoiy-iqtisodiy va kasbiy sifatlarini shakillanishining davomiyligiga qarab aniqlashga undamoqda. Jumladan, mutaxassis bo’lishdan qat’iy nazar, u bu kasbga 25 yoshgacha ega bo’lib mutaxassis bo’lsa, yosh olim bo’lish esa eng kamida 30 yoshlarda shakllanadi. Kasb bo’yicha yoshlik chegaralari u yoki bu mamlakatlarda bevosita mavjud ijtimoiy-siyosiy vaziyatga, tarixiy sharoitga bog’liqdir. Albatta bu sohada ijtimoiy tuzum karra rol o’ynaydi, jamiyatning ijtimoiy taraqqiyotiga kuchli ta’sir etadi. Shuning uchun jamiyatning ana shu ijtimoiy sohasini ilmiy o’rganish hozirgi davrning eng dolzarb muammolari hisoblanadi.

Ko’pgina jahondagi mamlakatlarda, ko’proq G’arb mamlakatlarida yoshlikning “quyi” chegarasini yoshiga muvofiq, yuridik huquqiy normativ-me’yoriy hujjatlarda belgilab qo’yganlar. Jumladan, yoshlik davri – 14yoshgacha; o’smirlik davri – 15-16;16-18 yosh miqdorida; fuqarolik yoshini esa 16-18 yoshdan keying davri sifatida huquqiy jihatdan belgilab qo’yganlar.

Yoshlarning mustaqil kasb-hunar faoliyati bilan shug’ullanish huquqi va imkoniyatlarini hisobga olishi, ijtimoiy-siyosiy hayotda ishtirok etish huquqi, o’z xatti-harakatlari uchun jamiyat a’zosi, fuqarosi sifatida javob berishga tayyorligi, uning qobiliyati, nikohga kirishib, uylanish imkoniyat huquqi, mehnatga nisbatan tayyorligi sohalari bevosita yoshlarga nisbatan belgilangan “quyi” chegarani tashkil etishini taqozo etishini takidlaydi, bu esa jahon tajribasida o’rtacha 14-16 yoshni tashkil etish zarur deb hisoblaydilar. Ana shu yoshdagi yoshlarni turli xil g’oyaviy, ma’naviy, axloqiy, moddiy hatto siyosiy ta’sirlarga olish, tarbiyaning xohlagan sohasiga o’z ta’sirini o’tkazib, tayyor jonli kuch, qurolga aylantirib olish mumkinligini, psixologlar ham, pedagoglar ham isbotlamoqdalar, bu yoshdagi yoshlarni salbiy, ijobiy tomonlarga burib yuborish qotil, buzg’unchi, ekstremist, terrorist qilib yuborish, yoki aksincha uni bu yoshda yaxshi tarbiya berib, kelajakda jamiyatning komil insonli mutaxassisi, noyob axlo, odob egasi, vatanparvar, insonparvar kadrlar qilib yuborish mumkinligini isbotlamoqdalar.

Shu sababli yuqorida ko’rsatilgan 14-16 yoshda yoshlarda beqarorlik, o’zgaruvchanlik holati ustun bo’lib 16-18 yoshlarda esa moslashuv jarayoni yuksakroq bo’lib, 18 yoshdan boshlab yoshlarda barqarorlik holati yuzaga chiqa boradi va salohiyatlilik davri boshlanib, jamiyat a’zosi, mamlakat fuqarosi nomiga loyiq bo’lib boradi. Shuning uchun ham 18yoshdan boshlanishini huquqiy jihatdan qat’iy qilib belgilaganlar.

Shuning uchun ham ta’kidlash lozimki, hozirgi rang-barangli davrda xorijdagi ayrim siyosiy-g’arazli kuchlar jamiyatning istiqboldagi, istiqbolli yoshlarni o’z ta’siriga olishga urinadi, qisman esa o’z maqsadiga erishishga ham vaqtinchalik muvaffaq bo’lmoqdalar.

Mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosati sohasida keng ko’lamli ishlar amalga oshirilmoqda. O’tgan vaqt ichida yoshlarni har tomonlama qo’llab-quvvatlash, ularning hauqu va qonuniy manfaatlarini himoya qilish, mamlakatimiz istiqboli uchun mas’uliyatni o’z zimmasiga olishga qodir, tashabbuskor, shijoatli yoshlarni tarbiyalash borasida alohida tizim yaratildi. Yosh avlodning sog’lom bo’lib o’sishi, sifatli ta’lim olishi va barkamol shaxs bo’lib voyaga yetishini ta’minlash kelajagimiz poydevoridir .

Yoshlar ilmiy izlanishlarning obyekti sifatida turli fanlar vakillari, jumladan sotsiologlar, iqtisodchilar, tibbiyot vakillari tomonidan o’rganilmoqda. Yoshlar o’ziga xos ijtimoiy guruh sifatida jamiyatning siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy hayot faoliyatidamuhim rol o’ynaydilar. Sotsiologlar yoshlar ijtimoiylashish bosqichini o’tayotgan, ta’lim olish bilan band bo’lgan, keyinchalik esa ma’lum bir ma’lumot, kasb va malakaga ega bo’lib, madaniy va boshqa ijtimoiy funksiyalarini o’zlashtirgan kishilarning bir avlodi sifatida tavsiflaydilar. Aynan aholining mazkur guruhi kelgusda mamlakatning taraqqiyot jarayonini belgilovchi kuch sifatida maydonga chiqadi.

Aholisining 1/3 qismini yoshlar tashkil etadigan O'zbekistonda aholining takror barpo bo'lish dinamikasi aynan mazkur ijtimoiy-demografik guruhninh reproduktiv xulq atvori bilan belgilanadi. Shu bois ham yoshlarning reproduktiv xulq atvorini o'rganish dolzarb masalalardan biri bo'lib hisoblanadi. Sotsiologlar reproduktiv xulq-atvorni ijtimoiy xulq-atvorning bir turi deb hisoblaydilar. Uni amalga oshirishda kishilarning shaxsiy individual ehtiyojlaridan tashqari, etnik, diniy qarashlar va aholi qatlamalarining o'ziga xos xulq-atvorlari ham namoyon bo'ladi.

O'zbekistonda aholining katta qismini yoshlar tashkil etganligi bois ham kelgusida demografik taraqqiyot, inson resurslarining takror barpo bo'lish dinamikasi asosan ushbu ijtimoiy-demografik guruhning reprodiktiv xulq-atvori, yosh oilalarning barqarorlik darajasi bilan belgilanadi.

IJTIMOIY HIMOYANI AMALGA OSHIRISHDA IJTIMOIY TA'MINOT TAMOYILLARI

Teshayev D. *– SamDU 3- bosqich talabasi*

Ijtimoiy ta'minot – keksaygan, mehnatga layoqatsiz bo'lgan va boquvchisini yo'qotgan fuqarolarga moddiy, tibbiy va ijtimoiy yordam ko'rsatish bo'yicha davlat tomonidan belgilangan ijtimoiy-iqtisodiy tadbirlar tizimi bo'lib, ijtimoiy himoyaning muhim tarmog'i.

Ijtimoiy ta'minot – ijtimoiy ishning bevosita amalga oshishi, amaliyotda namoyon bo'lishi hisoblanadi. Mustaqillik yillarida aholining barcha toifalarini ijtimoiy himoyalash va ta'minlash orqali turmush darajasi va yashash sharoitlari bir necha bor o'sdi. O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A. Karimov ta'kidlaganidek: „Haqiqatan ham, qariyb yigirma yillik mustaqil taraqqiyotimiz mobaynida O'zbekistonda yalpi ichki mahsulotning o'sishi 3,5 barobarni, aholi jon boshiga hisoblaganda esa 2,5 barobarni, aholining real daromadlari 3,8 barobarni tashkil etgani e'tiborga sazovordir. Ayniqsa, ijtimoiy-gumanitar sohada erishilgan marralar — aholini ijtimoiy himoya qilish uchun yo'naltirilgan davlat xarajatlarining 5 barobar ko'paygani, turmush darajasining sezilarli ravishda yaxshilangani va buning natijasida bolalar o'limi uch barobar kamaygani, odamlarning o'rtacha umr ko'rishi 67 yoshdan 73 yoshga, jumladan, ayollarning o'rtacha umr ko'rishi 75 yoshga yetganini mamnuniyat bilan ta'kidlasak arziydi, deb o'ylayman"[1].

Ijtimoiy ta'minotning o'ziga xos, maxsus tamoyillari ham mavjud bo'lib, bu tamoyillar ijtimoiy ta'minotning amalga oshirilishiga, u yoki bu shakldagi ijtimoiy yordam xususiyatlariga va boshqalarga taalluqli bo'ladi. Ijtimoiy ta'minot bilan ta'minlashning quyidagi tamoyillarini ko'rib chiqamiz:

1. Ijtimoiy ta'minotning umumiyligi va keng qamrovli tusga egaligi. Bunda fuqarolarni millati, jinsi, ijtimoiy mavqeyi va boshqa farqlaridan qat'i nazar muayyan ko'rsatkichlar mavjud bo'lgani taqdirda teng asoslarda ijtimoiy ta'minot olishlari tushuniladi.

2. Ijtimoiy himoyaning manzilli va aniq yo'naltirilganligi hamda boqimandalikka yo'l qo'yilmasligi. ijtimoiy himoya choralari o'zining salomatligi, ahvoli, yoshi, oilaviy sharoiti yoki boshqa obyektiv sabablarga ko'ra, o'zini o'zi mustaqil ta'minlashga qodir bo'lmagan, davlat va jamiyat ko'magiga muhtoj bo'lgan va muhtoj deb topilgan fuqarolar va oilalargagina ko'rsatilishi mumkin. "Bozor munosabatlari chog'ida o'z salohiyat va imkoniyatlaridan to'liq foydalanmagan holda davlat yordamiga ko'z tikishga yo'l qo'yib bo'lmaydi, zero, davlatning barcha fuqarolarini teng va yalpisiga ijtimoiy ta'minlash imkoni mavjud emas. Shu sababli mehnatga yaroqli fuqarolar eng avvalo, o'z kuch va imkoniyatlariga tayanmoqlari lozim. Ijtimoiy himoyaning aniq yo'naltirilganligi va manzilli tarzda amalga oshirilishi qonun hujjatlari bilan mustahkamlangan[2].

3. Ijtimoiy ta'minot uchun ajratiladigan mablag'ning yetarli darajadaligi. Ya'ni, pensiyalar miqdorini belgilash paytida turmush kechirish uchun zarur bo'lgan eng kam mablag' ko'rsatkichi,

[1] Karimov I.A. "Mamlakatimizda demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi". T., „O'zbekiston" NMIU, 2010, 4-5-b

[2] Karimov I. "Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi". 5-kitob. T. „O'zbekiston", 1997-yil. 288-bet

iste’mol dasturi tarkibiga kiruvchi eng zarur mahsulotlar va xizmatlar to‘plami uchun zarur bo‘lgan mablag‘ning eng kam darajasi e’tiborga olinishi ushbu tamoyil mohiyatini tashkil etadi. Bu tamoyil Konstitutsiyamizning 39-moddasida ham aks etgan: “Pensiyalar, nafaqalar, ijtimoiy yordam boshqa turlarining miqdori rasman belgilab qo‘yilgan tirikchilik uchun zarur eng kam miqdordan oz bo‘lishi mumkin emas”[1].

Ijtimoiy ta’minotning yetarli darajada bo‘lishi tamoyili BMTning 1966- yil 19-dekabrdagi “Iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro Pakt”ning 11-moddasi, 1-bandida nazarda tutilgan: „Ushbu Paktda ishtirok etuvchi davlatlar har bir kishi o‘zi va oilasi uchun yetarli oziq-ovqat, kiyim-kechak va uy-joy hamda turmush sharoiti to‘xtovsiz yaxshilanib borishini o‘z ichiga oladigan yetarli turmush darajasi bo‘lishi huquqini e’tirof etadi“[2]-degan qoidaga asoslanadi.

4. Ijtimoiy ta’minotning amalga oshirilishida fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, korxona va tashkilotlar, jamoat birlashmalarining bevosita ishtirok etishlari tamoyili. Mamlakatimizda fuqarolik jamiyati barpo etilayotganligi, kuchli davlatchilikdan kuchli jamiyatga tomon rivojlanib borilayotganligi namoyon bo‘lishi ko‘rinishlaridan biri — davlatga xos funksiyalar jamiyatga o‘tkaza borilayotganligida, avval davlat organlari bajarib kelgan vazifalar bosqichma-bosqich fuqarolar yig‘inlari, boshqa jamoat organlari zimmasiga yuklanayotganligida ko‘zga tashlanadi.

5. Mamlakatimizda xilma-xil shakllarda ijtimoiy ta’minotning amalga oshirilish tamoyili. Ijtimoiy ta’minotga oid qonunchilik hujjatlarida ta’minot har xil shakllarda, xususan, pensiyalar, bir martalik moddiy yordamlar, ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish, muayyan imtiyozlar va turlicha yengilliklar ko‘rinishida amalga oshirilishi nazarda tutilgan.

6. Ijtimoiy ta’minotni nodavlat, homiylar mablag‘lari hisobidan amalga oshirilishining davlat tomonidan har tomonlama rag‘batlantirilishi va qo‘llab-quvvatlanishi tamoyili. Odatda, fuqarolar ijtimoiy ta’minot uchun oldindan badallar to‘lamaydilar (qonunda inobatga olingan hollardan, yakka tadbirkor va dehqon xo‘jaligi a’zosi bo‘lgan fuqarolardan tashqari) va ijtimoiy ta’minot budjet mablag‘lari, budjetdan tashqari pensiya jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan amalga oshiriladi. Ammo kelgusida pensiya ta’minoti tizimlarida islohotlar qilinishi natijasida fuqarolarning shaxsiy mablag‘lari hisobiga parallel pensiya ta’minoti tizimlari ham vujudga keltirilishi mumkin[3].

7. Ijtimoiy ta’minotni amalga oshirilishi ustidan davlat va jamoat nazoratining o‘rnatilganligi tamoyili. Ijtimoiy ta’minotga oid mablag‘larni o‘z vaqtida va to‘liq hajmda to‘lanishi, maqsadga muvofiq va to‘g‘ri sarflanishi, ijtimoiyta’minotni amalga oshiruvchi davlat hamda jamoat organlari, ularning mansabdor shaxslari faoliyatining qonuniyligi ustidan umumiy nazoratni O‘zbekiston Respublikasi prokuratura organlari amalga oshiradi.

YOSHLARDA MEDIAMADANIYAT VA MEDIASAVODXONLIKNI SHAKLLANTIRISH

Nag’ashboyev Q. *– O’zMU “Madaniyatshunoslik” mutaxassisligi 1-kurs magistranti*

XXI asrning shu o’tgan 19 yili juda qisqa tuyulgani bilan, bu davr modaynida juda kata olamshumul voqea-hodisalar sodir bo’ldi, turli sohalarda yangi-yangi kashfiyotlar dunyo yuzini ko’rdi. Hayot shiddat bilan o’zgarib bormoqda. Bu shiddatli hayot sur’ati media vositalarida yaqqol ko’rinmoqda. Ishlab chiqaruvchi tashkilotlar yaratayotgan komputer moslamalari,

[1] O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 39-modda 2-band, Toshkent. 2014

[2] BMTning 1966- yil 19-dekabrdagi iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy huquqlar to‘g‘risidagi xalqaro Paktning 11-moddasi, 1-bandi

[3]Fuqarolarning jamg‘arib boriladigan pensiya ta’minoti to‘g‘risida“gi O‘zbekiston Respublikasi 02.12.2004-yil 2-dekabrdagi qonuni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Axborotnomasi 2005-y. 1-son, 6-modda; „Homiylik to‘g‘risida“ O‘zbekiston Respublikasining 02.05.2007-yil 2-maydagi Qonuni // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining Axborotnomasi, 2007-y. 5-son, 218-modda

telefon,televizor va noutbuklarning yangi modellari kun-xafta sayin ommaga havola qilinmoqda. Yaratilganiga hali ko'p vaqt bo'lmagan telefon yoki komputer qurilmalarining xafta-oy o'tmay, qurilmaning yana yangi rusumi yaratilinayotganiga guvoh bo'lmoqdamiz. Yoshlar juda ham ko'p vaqtlarini virtual olamdagi ijtimoiy tarmoqlarga sarflashmoqda. Buning natijasida yoshlar telefon va komputerlarga mukkasidan ketib, ota-onalari, qarindoshlari, do'st-birodarlariga haqiqiy hayotda juda oz vaqt ajratishmoqda. Bu kabi ijtimoiy tarmoqlar tufayli yoshlarning ruhiyati, muomala madaniyatiga putur yetmoqda. Bu ham yetmaganidek, virtual olamdagi g'araz niyatli kimsalarning tuzog'iga tushayotganligi ko'ngilni biroz xira qilmoqda.

Bu borada mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning "Albatta, biz mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni egallagan, mustahkam hayotiy pozitsiyaga ega bo'lgan yoshlarni tarbiyalash bo'yicha kata ishlarni amalga oshirmoqdamiz. Ammo xolisona tan olib aytadigan bo'lsak, bugungi kunda butun dunyoda aholining, birinchi navbatda, yoshlarning ongi va qalbini egallash uchun qanday keskin kurash borayotganini, diniy ekstremizm, terrorizm, giyohvandlik, "ommaviy madaniyat" kabi taxdidlar kuchayayotganini hisobga oladigan bo'lsak, farzandlarimiz tarbiyasi, ma'naviy-ma'rifiy sohadagi ishlarimizni bir zum ham susaytirmasdan, aksincha, ularni yangi bosqichga ko'tarishimiz zarur.", [1]- degan fikrlari ahamiyatga molikdir.

Hozirgi kunda milliy mentalitetimizga zid bo'lgan, jamiyatimizni o'z xavf-xatarlari bilan tashvishga solayotgan asosiy muammo, bu telefon va komputerdagi ijtimoiy tarmoqlar hamda internet orqali informatsion taxdidlar va mediamanipulyatsiya jarayonidir. Zero, jamiyatda mentalitet va millatidan qat'iy nazar, insonlarni umumiy bog'laydigan makon (infosfera)ga kirish natijasida inson uning tasiriga tushib qoladi va o'z milliy qadriyatlaridan uzoqlashadi. Global media muhitning yaratilishi, ma'lumotlar hajmining cheksiz o'sishi, reallikni buzuvchi zararli mediaviruslarning paydo bo'lishi insoniyatga katta xavf tug'diradi. U nafaqat medianing jamiyat ustidan bo'lgan hokimiyatini anglatadi, balki kibermakon (avtomatlashgan muhit)da milliy qadriyat va madaniyatning taqdiri haqida ham o'ylashga majbur etadi.Yoshlar bu kabi taxdidlar qurboniga aylanmasliklari uchun, media vositalari orqali targ'ib qilinayotgan ba'zi vayronkor g'oyalarga chap berib, ularga qarshi o'zlarida immunitet hosil qilishi kerak.Buning uchun yoshlarning mediamadaniyatini, mediasavodxonligini shakllantirish lozim.

Muxtaram Prezidentimizning "Biz yoshlarga doir davlat siyosatini hech og'ishmasdan, qat'iyat bilan davom ettiramiz. Nafaqat davom ettiramiz, balki bu siyosatni eng ustuvor vazifamiz sifatida bugun zamon talab qilayotgan yuksak darajaga ko'taramiz. Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz. "[2] – deya bildirgan fikrlari yurtimizda yoshlarga bo'lgan e'tibor juda yuqori ekanligini ko'rsatadi. Tanganing ikki tomoni bo'lganidek, medianing ham foydali tomonlari mavjud. U tufayli juda olis yurtlardagi yor-birodar,qavm-qarindoshlarimiz bilan ijtimoiy tarmoqlarda virtual aloqa o'rnata olyapmiz. Bundan tashqari media vositalaridan foydalangan holda, uyimizda o'tirgan holda xorijiy oliy o'quv yurtining masofaviy ta'lim dasturi orqali belgilangan davr mobaynida ta'lim olib, diplomga ega bo'lyapmiz. Shunisi ravshanki,hozirda media vositalaridan aholining turli qatlami: yosh-u qari,erkak-u ayol foydalanmoqda.

Media vositalarini rad etib, undan yuz o'girish juda mushkul. Axborotlashgan va medialashgan jamiyatdan salbiy jihat izlamasdan, ushbu tizimdan foydalanish madaniyatini yoshlarga o'rgatishimiz zarur. Hozirgi axborotlashgan davrda axborot va media vositalaridan foydalanuvchi yoshlar ongida, ular qabul qilayotgan axborotlarni,turli maqsadga yo'naltirilgan video va filmlarni foydali va foydasiz jihatlarga ajratadigan "filtr" yaratishimiz lozim. Aniqroq qilib aytganda, yoshlarning media vositalaridan foydalanish madaniyatini shakllantirishimiz

[1] Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O'zbekiston, 2017. 488 b.[17-bet]

[2] Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. – T.: O'zbekiston, 2018. 592 b.[145-146-bet]/

lozim. Media - vaqt o'tgan sari virtual olamda katta ta'sir doiraga ega bo'lmoqda. Bugungi kunda media olamida turli etnik va milliy madaniyatlar mavjud. Shu bilan birga, milliy qadriyatlar va an'anaviy san'at o'zining keyingi rivojlanish holatlarini kibermakondan olishi natijasida ularning bajaradigan tizimi o'zgarib bormoqda.

Medianing rivojlanishi va ommalashuvi natijasida turli mintaqalarda "madaniyatlar integratsiyalashuvi" jarayoni kuzatilmoqda. Bu esa ikki turli mintaqa mamlakatlarining madaniy yaqinlashuviga olib kelmoqda . Mediamuhitdagi shaxs faqat iste'molchiga aylanib qolishi mumkin. Unda ishlab chiqarishga oid g'oya va qiziqishlar qolmaydi. Dunyo jamiyati media vositalari ta'sirida bir maromdagi neototalitar tizimga o'xshab borayotgandek,go'yo. Ba'zida media vositalari orqali havola qilinadigan yolg'on, mantiqsiz ma'lumotlar,qabix maqsadda yaratilgan video va filmlar yoshlar ongiga salbiy ta'sir ko'rsatayotganligi achinarli bir holdir.

Hozirgi paytda qit'alar orasida madaniyatlar aralashuvi sodir bo'lmoqda. Bugungi kunda axborot globallashuvi jarayoni kuzatilmoqda. Hozir horijda ro'y berayotgan voqea-hodisalarni,ular hududidagi axborotlarni media vositalari bo'lmish radio,gazeta,televizorlardan, telefon va komputerdagi ijtimoiy tarmoq hamda internetdan bir necha soniya ichida boxabar bo'lishimiz mumkin. Axborot olami borgan sari katta kuchga aylanib borayotganligi ayni haqiqatdir.Axborotni tarqatuvchi asosiy maydon bu – internetdir. Yoshlar esa ularning eng ko'p foydalanuvchilaridir.Shuning uchun ba'zi yovuz maqsadli guruhlar o'z faoliyatini, targ'ibotini aynan internet orqali amalga oshiradilar. Gazeta-jurnallarda, radioda, televideniyeda keng yoritish mumkin bo'lmagan ba'zi ma'lumotlarni, internetda osonlik bilan talqin qilish mumkin. Shu sababli ham, internet orqali tarqatilinayotgan axborotlarni kuzatuvchilar soni ancha ko'pdir.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, shiddatli va tahlikali davrda yashayotgan ekanmiz, yoshlarda voqea-hodisalarni to'g'ri analiz qilish qobiliyatini shakllantirishimiz, axborot va yangiliklarni to'g'ri tahlil qilishni o'rgatishimiz davr talabi bo'lib qoladi. Buning uchun esa avvalambor, yoshlar tahsil oladigan ta'lim muassasalarga "mediamadaniyat" fanini kiritishimiz lozim.Ya'ni, ta'lim muassasalarida o'tiladigan "informatika va axborot texnologiyalari" fanidan tashqari yoshlarga internet va boshqa media vositalaridan to'g'ri foydalanish qoidalarini ko'rsatuvchi , rost va yolg'on axborotlarni bir-biridan farqlash yo'llarini o'zida aks ettiruvchi fanni kiritish zarur. Hozirgi paytda maktab dasturlariga kiritilishi kutilayotgan "tarbiya" fanini hech kechiktirmay, yangi 2021-2022 – o'quv yilidan kiritishni boshlashimiz lozim.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙЛАШУВ ЖАРАЁНИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Заретдинова Н. *– Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси*

Бугунги кунда олдимизга қўйган асосий мақсадларимиздан бири - фуқаролик жамиятини барпо этиш ва уни такомиллаштириш учун Ўзбекистон республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида[1] белгилаб берилган билимли, онгли, тафаккури озод, замонавий дунёқарашли, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ инсонларни тарбиялашга янада муҳим эътибор қаратиш ва бу масалалар таълим ислоҳотларининг бош вазифаси деб қабул қилинди ва уни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Шунинг учун мамлакатимизда ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тадбирлар давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартлари сифатида белгиланган.

[1] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. Т., 2017. 204 б.

Баркамол инсон - ўзида маънавий-ахлоқий ҳислатлар мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, юксак истеъдодли ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган маънавий жиҳатдан етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган ижодкор шахсдир.

Баркамол шахсни вояга етказиш ижтимоий-маданий қадриятларни инсоннинг ижтимоий интизоми ва унинг ихтисослик бўйича меҳнат фаолиятининг ажралмас ва табиий белгиларига, хусусиятларига айлаштиришдан иборат бўлиб, бўлажак мутахассиснинг инсонпарварлик сифати ва фазилатларининг устувор бўлишини таъминлашга қаратилади.

Ҳозирги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ёшларни шу юртга, шу Ватанга муносиб фарзанд сифатида тарбиялаш долзарб вазифалардан бирига айланди. Шунинг учун давлатимиз ва халқимиз таълим-тарбия ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари ёшларни етук инсон бўлишларига муносиб ҳисса қўшишига катта умид билан қарайди.

Ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнини мазкур тадқиқот мавзуси бугунги ҳаётимизнинг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб, уни ўрганишимизга асос бўлади деб қарор қилдиқ.

Ижтимоийлашувнинг муҳим хусусиятларини, ижтимоий институтлар тизимида ушбу ҳодисанинг шаклланиш мезонлари ва хусусиятларини ва касбий йўналтирилганлик шароитида шахсга ижтимоий таъсир омилларини аниқлашга имкон берадиган мустаҳкам назарий ва услубий база шакллантирилди.

XX асрнинг 30-йилларида, 40-йилларнинг охири - 50 йилларнинг бошларида илмий кундалик ҳаётда пайдо бўлган "социализация" тушунчаси гуманитар билимлар соҳасида кенг ва хилма-хил ишлатилади. Табиатан у кўп функцияли бўлиб, тезда фанлараро характерга эга бўлди. Унинг турли жиҳатлари кўплаб фанлар нуқтаи-назаридан ёритилган: улар социология (Т. Парсонс, Р. Мертон ва бошқалар), психология (Е.Эриксон, А.Гессерль, Л.К.Колберг ва бошқалар) ва маданий антропология (М.Мид, Р.Бенедикт, С.Клакон ва бошқалар).

Шундай қилиб, биринчи марта Э.Дюркгейм «ижтимоийлашув» муаммосини ўзининг жамиятни ривожлантириш социологик доктринаси доирасида кўриб чиқади. Унинг назариясига кўра, социализация жараёни болага замонавий жамият талабларига жавоб берадиган "ижтимоий роллар" тўпламини сингдириш нуқтаи-назаридан "стандарт" шахсиятни шакллантириш учун жуда муҳимдир. Э.Дюркгейм шахсни социализация қилишда асосий рол ўйнайдиган асосий ижтимоий институт сифатида асосий меъёрлар ва қадриятларни, стандарт шахсий хулқ-атворнинг ахлоқий тамойилларини баён қилиши керак бўлган давлатни ажратиб кўрсатади[1].

Э.Дюркгеймдан фарқли ўлароқ, Ж. Пиаже шахснинг интеллектуал ривожланиши назариясида ижтимоийлашув жараёнининг моҳиятини, ижтимоий ўзига хослик ва келажакдаги касбий фаолияти билан боғлиқ боланинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, индивидуализация даражасида батафсил ўрганишни амалга оширади. У интеллектуал ривожланишда ижтимоий муҳитнинг шахсга таъсир кўрсатадиган асосий ролни тайинлади[2].

Социолог Парсонс ўзининг ижтимоий ҳаракатлар назариясида Ж. Пиаже ва Э. Дюркгеймнинг қарама-қарши ёндашувларини бирлаштиради. Т. Парсонснинг мантиғи унинг тизимли зиддиятларни тартибга солиш ва вайронкор экологик омилларга қарши туриш қобилиятини таъминлайдиган унинг функционализм назарияси принциплари билан белгиланади. Бу Т. Парсонснинг хулосаси, социализацияни шахсни жамият таркибига қўшилиш жараёни сифатида белгилаш учун асос бўлган, бу икки таркибий қисмнинг ўзаро таъсирига асосланган: ижтимоий хулқ-атворнинг барқарор нормаларига эга бўлган жамият

[1] Дюркгейм Э. Социология: ее предмет, метод, назначение. Пер. с фр. А.Б. Гофман. -М.: Канон, 1995.; Конт О. Дух позитивной философии // Энциклопедия эпистемологии и философии науки. -М.: «Канон+», РООИ «Реабилитация», 2009.

[2] Пиаже Ж. Природа интеллекта / Избранные психологические труды. -М.: Просвещение, 1994. -С. 64.

ва ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга шахс деб ҳисоблаган[1].

Шахснинг босқичма-босқич ижтимоий ривожланишининг дастлабки назарияларидан бири америкалик психолог Э. Эриксон[2] томонидан илгари сурилган. У шахсни шакллантириш жараёнини индивидуал биологик омилларни таълим тасири ва ижтимоий-маданий муҳит билан интеграциялаш орқали амалга ошириладиган ижтимоийлашувнинг ҳар бир босқичида объектив равишда пайдо бўладиган алтернативаларни (ёш ва вазиятни) изчил ҳал этиш шаклида тушунган.

Бинобарин, социализация босқичлари ижтимоий ривожланиш даврлари билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо улар ҳар доим ҳам одамнинг ақлий ривожланиши даврларига тўла мос келмайди.

Биринчидан ижтимоийлашув - бу "жараён ва натижа", шунинг учун маълум бир босқичда ушбу жараённинг динамик мувозанати ҳолати "ижтимоийлашув меъёри" кўринишида маълум барқарорликка эришади. Ўз-ўзини ижтимоийлаштириш меъёрларнинг ўзи қуйидагича белгиланади: "биринчидан, муваффақиятли ижтимоийлашув натижасида шахсларга маълум бир жамиятнинг ижтимоий алоқалари, ижтимоий муносабатлари ва маданий қадриятларини қайта тиклаш ва уларнинг кейинги ривожланишини таъминлашга имкон берадиган; иккинчидан, унинг ёшини ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, инсон социализациясининг кўп қиррали стандарти сифатида; учинчидан, жамиятда ижтимоий меъёрлар ва маданий қадриятларни авлоддан-авлодга ўтказиш бўйича белгиланган қоидалар тўплами сифатида[3].

Ижтимоийлашув меъёрлари муайян бир жамиятнинг ижтимоий параметрлари туфайли социализациянинг ҳақиқий чегараси ҳисобланади. Бу меъёр инсонга социализация проекцияси каби кўринади, уни социализация агентлари ва шахснинг ўзи амалга оширадилар.

Иккинчидан, ижтимоийлашув "шаклланиш", яъни атроф-муҳитга таъсир қилишдан ташқари, "... маданият, алоқа ва таълим билан танишишнинг барча жараёнларини қамраб олади ...".

Кўриб турганимиздек, социализация қилинадиган муҳит ва социализация қилинадиган шахснинг ўзаро таъсир эҳтимоли бу ерда аниқ кўринади. Ушбу нуқтаи-назар таърифнинг яна бир версиясида таъкидланади, унда социализация “ижтимоий маданият тажрибаси (ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, хулқ-атвор, рол, муносабат, урф-одатлар, маданий анъана, жамоавий вакиллик ва эътиқод ва бошқалар) шахс томонидан ўзлаштирилиши ва фаол такрорланиши жараёни сифатида изоҳланади).

Ижтимоийлашув - бу шахсни таълим ва расмий тайёргарлик орқали шакллантириш ва ҳаётий шароитларнинг шахсиятига ўз-ўзидан таъсир этиш натижасидир[4].

Шу туфайли, ижтимоийлашув нафақат жамият учун, балки шахс учун ҳам муҳимдир, ижтимоий-маданий тажрибани узатиш ва ўзлаштириш жараёни, бу бутун қоидаларни, меъёрларни, муносабатларни, ролларни, стандартларни, қадриятларни ва бошқаларни ўз ичига олади, шу туфайли жамият ўз табиатини сақлаб қолади ва таржима қилади.

Биз онтогенетик ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, социализация жараёнини даврийлаштиришга, унинг ижтимоий-маданий маъносида ёндашувларни кўриб чиқамиз. Бизнинг фикримизча, бир-бирини истисно қилмасдан, балки бир-бирини тўлдирувчи ёндашувларни таҳлил қилиш мумкин. Н. Аберкромби ва бошқаларнинг социологик луғатида акс эттирилган, унда ижтимоийлашувнинг уч босқичининг таснифи берилган:

- Инитиал - боланинг оилада ижтимоийлашуви;

---

[1] Парсонс Т. Система координат действия и общая теория систем действия: культура, личность и место социальных систем // Американская социологическая мысль. -М.: Наука, 1996. -464 с.

[2] Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. М., 1996.

[3] Ковалева А.И. Социализационная норма в современном российском обществе // Автореф. дисс. … д.соц.н. М., 1997.

[4] Культурология XX век. Словарь. СПб., 1997. С. 430.

- Медиум - мактабда ўқиш;
- Тугалланиш - катталарнинг ижтимоийлашуви бу биринчи икки босқичда тўлиқ тайёрлай олмаган ролларни ижтимоий фаолларнинг қабул қилиш босқичидир[1].

Касбий ўзини-ўзи аниқлаш босқичида юқорида айтиб ўтилган рамкани аниқлаш билан бир қаторда, ушбу босқичга мос келадиган социализация механизмларини аниқлаш керак. Таклиф қилинаётган тадқиқот социализация назариясида шахс ўзининг ва умуман ижтимоий ҳаётнинг шарт-шароитларини яратувчи жамоат арбоби сифатида ҳаракат қилишини англашга асосланиши керак. Шахс ижтимоий муносабатларнинг объекти ва предметидир. Шунинг учун ижтимоий муҳит, маданият ва шахснинг ўзаро таъсири механизмларнинг маълум бир гуруҳлари ёрдамида амалга оширилади, улардан бири шахснинг социализация механизми, иккинчиси ижтимоий мослашув ва ички интеграция билан таъминланадиган ижтимоий муҳит ва маданиятни ўзгартириш механизми сифатида талқин қилинади.

Олиб борилган таҳлил замонавий социологларнинг кўпгина баҳолашларида социализация жамиятда ўз стратегиясини ишлаб чиқаётган шахслар ва жамият томонидан қабул қилинган меъёрлар ва қадриятлар тизими ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни сифатида қаралишини аниқлашга имкон берди. Ушбу таҳлил асосида биз ижтимоийлашувни шахснинг ҳаёти давомида содир бўладиган, аммо болалик даврида ва шахсни жамият ҳаётига киритишда ўзини намоён қиладиган тизимли жараён сифатида белгилаб кўрсатдик.

"Ижтимоийлашув" концепциясининг асосий социологик ёндашувларини таҳлил қилиш ушбу таърифнинг асосий хусусиятлари "ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни", "ўзини англаш" билан боғлиқ деган хулосага келишга имкон беради, бу ерда якуний натижа профессионал ўзини-ўзи белгилашдир. Шунинг учун шахснинг "социализация", "касбий йўналтирилганлик" ва "касбий ўзини-ўзи белгилаш" тушунчалари ўртасидаги тизимли давомийликдир, иккинчиси эса, иккиламчи социализациянинг ихтисослашган босқичига ўтишдир.

Тизимли жараён сифатида социализацияга ёндашув шахсга таъсир этувчи ижтимоий институтларнинг ўзаро муносабатини, шахсни шакллантириш жараёнини ва унинг ижтимоий муносабатлар тизимига киритилишини таъминлайди.

Шахсни ижтимоийлаштириш муаммосининг назарий ва услубий асосларини таҳлил қилишда, социализация шахсни ижтимоий институтларнинг тизимли таъсири остида, жамиятнинг ривожланиш тенденцияларига ижтимоий мослашув даражасини таъминловчи ташқи ва ички омиллар асосида жамиятга жалб қилиш жараёни деган хулосага келишини имкон беради. Шахсни социализация институтларининг таъсир объекти сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, социализация ва касбий ўзини-ўзи белгилаш субъекти сифатида ёшларни етарлича таҳлил қилишга эътиборни кучайтириш муҳим аҳамият касб этишини кўришимиз мумкин.

Касбга йўналтириш ижтимоий-маданий жараён сифатида, бир томондан, ижтимоий омиллар, бошқа томондан, шахсий хусусиятлар билан белгиланадиган индивидуал танлов орқали амалга оширилади. Т. Парсонс концепциясига кўра, унинг моҳияти индивидуал хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг касбий фаолиятнинг тегишли соҳаси билан ўзаро боғлиқлигини аниқлашда касбга йўналтиришни ўрганиш назариясига асосланади. Бундай ҳолда, касбга йўналтириш инсонга касбни ўрганишда ёрдам бериш ва унинг шахсий хусусиятларини ўрганиш жараёни сифатида намоён бўлади, бу эса ўз бизнесини оқилона танлаш билан якунланади.

А.Маслоу шахсни касбга йўналтириш ва ижтимоийлаштириш жараёни ўртасида узвий боғлиқлик борлигига ишонган, шунингдек, тадқиқот соҳасига касбий таълимнинг ажралмас таркибий қисми бўлган ва ижтимоий, касбий мослашувнинг сифатини белгиловчи индивидуаллаштириш ва ўзини-ўзи намоён этиш каби тоифаларни киритган. Бирор кишининг маълум бир касбга доимий қизиқишини ривожлантириш имконияти талабаларнинг ёш хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. М.Р. Гинсбург шахснинг ёш

[1] Аберкромби Н., Хилл С., Тернер Б.С. Социологический словарь. М., 2000. – С. 29.

хусусиятларини фарқлаш асосида касб танлашга тайёргарликнинг қуйидаги кетма-кет босқичларини аниқлади:

- 11 ёшдан 17 ёшгача - танловни синаш даври;

- 17 ёшдан 18 ёшгача - "ҳақиқий қарорлар" даври. Касбий ривожланиш назариясини ишлаб чиқишда Д. Сьюпер бу жараёнга (8 ёшдан 10 ёшгача)[1] ёш мактаб ўқувчиларини жалб қилиш орқали болаларни касб танлашга тайёрлашнинг ёш чегараларини кенгайтирди.

Хулоса сифатида касбга йўналтиришнинг шахсни ижтимоийлаштириш билан ўзаро боғлиқлиги, касбий йўналтириш жараёнининг табиати, мазмуни ва функцияларини чуқурроқ ўрганиб таҳлил қилиш керак. Талаба ёшларимиз олдида бир қатор ҳал этилмаган объектив ва субъектив муаммоларнинг ечимини социологик таҳлил ёрдамида ўрганиш зарур. Ёшларнинг касбий ўзини-ўзи белгилаш ва касбга йўналтириш мавзуларини тўлиқ очиб бериш учун ёшлар ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказиш долзарб аҳамият касб этади.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Мирисаева Б.М. *–ЎзМУ “Фалсафа ва мантиқ” кафедраси 2-курс магистри*

.

Жалолиддин Румий тасаввуф таълимотининг буюк назариётчиларидан бири Шайх ул-акбар Муҳйиддин ибн ал-Арабий (560/1165-638/1240) билан деярли бир даврда яшаган. Айтиш мумкин, Ибн ал-Арабий Румийнинг энг машҳур замондошларидан бири бўлгани каби Румий ҳам Ибн ал-Арабий яшаган даврнинг энг таниқли сиймоларидан бири эди. Ирфон оламининг бу икки улуғ намояндаси ўртасида мулоқот ё мукотиба юзага келганми ёки йўқ, бу ҳақда аниқ бир маълумотга эга эмасмиз. Аммо Румийнинг Ибн ал-Арабий таълимоти билан ошнолиги хусусида бир қанча тарихий ва нақлий далиллар мавжуд. Жумладан, эронлик таниқли олим Бадиъуззамон Фурўзонфарнинг аниқлашича, Ибн ал-Арабийнинг энг машҳур шогирдларидан бири-Садриддин Кунавий “Мавлоно (Румий-Ж.Х.) шуҳрат қозонган пайтларда Кунияда яшаб Муҳйиддин (Ибн ал-Арабий-Ж.Х.) тариқатидандарс берарди. Садриддин бошида Мавлоно усулини инкор этарди, аммо Сирожиддин Армавий орқали Мавлоно ва унинг қарашлари билан танишиб, унга боғланди ва шундай қилиб улар орасида дўстлик пайдо бўла бошлади. Уларнинг суҳбат ва мулоқотлари ўзаро ҳурмат ва самимият билан ўтарди. Мавлоно вафот этгач, Шайх Садриддин унинг жаноза намозини ўқиди”[2].

Агар Румийнинг бир муддат Дамашқда таҳсил олгани ва бу пайтда Дамашқ Ибн ал-Арабий мактабининг марказларидан бири бўлганлиги ҳисобга олинса, бу икки улуғ зотнинг учрашмаганлиги хусусидаги фикр шубҳа остида қолади. Таниқли румийшунос олим Муҳаммад Истеъломий Мавлононинг Дамашқда яшаган даври Ибн ал-Арабийнинг кексалик чоғига тўғри келиши ва манбаларда бу ҳақда маълумот учрамаса-да, бу улуғ муаллим ва қобилиятли толиби илм ўртасида маънавий робита мавжуд бўлган, деган мантиқий хулоса чиқаради[3]. Румий ва Ибн ал-Арабийнинг диний, ирфоний, фалсафий қарашларида фавқулодда ўхшаш жиҳатлар кам эмас. Айниқса, бу икки улуғ мутасаввифнинг ваҳдат ул-вужуд, Инсони комил, Ишқ, ваҳдат ва касрат. каби бир қанча ирфоний масалалар хусусидаги қарашлари ҳайратланарли даражада ўхшаб кетади. Аммо шунингдек, улар ўртасида тафовутлар ҳам оз эмас.

Фридрих Нитшенинг “Зардушт таваллоси” аслида Зардуштнинг эмас, балки Нитшенинг таваллолари, ўз-ўзига нисбатан исёнлари, бир умр унинг ичини кемириб юрган

---

[1] Сьюпер Д. Портал «Профориентир». [Электронный ресурс] // Д. Сьюпер www.cls-kuntsevo.ru / portaI _proforientir/prof.

[2]РумийМавлоноЖалолиддин. МаснавийиМаънавий / ФорсийданЖамолКамолтаржимаси. 3-4 китоб . – Тошкент-Техрон: Фан, Ал-Ҳудо, 2003йил. 56 б.

[3]Бадиуззамон Фурўзонфар. Шарҳи аҳволи Мавлоно. -Техрон, 1379 йил.114-120 б.

кўнгил ғалаёнлари ва дарду ҳасратларидир. Бу дарду ҳасратлар ичида ҳаёт ва ўлим баҳси алоҳида ўрин тутади. Нитше ҳам Румий сингари лаззатбахш лаҳзаларга асир бўлмасликни, алдоқчи зоҳирий гўзалликларга гирифтор бўлмасликни тавсия этади: “Агарда сиз ҳаётга кўпроқ ишонганингизда эди, унда сиз лаҳзаларга ўзингизни камроқ бағишлаган бўлардингиз... Ҳар томондан ўлимни тарғиб қилувчиларнинг саслари эшитилмоқда; ер ҳам ўлимни тарғиб қилиши керак бўлганлар билан тўлди”.[1]

Тасаввуф таълимотида ва айниқса, Мавлоно Румий ижодида нафсга қарши курашиш масаласи қайта-қайта ўртага ташланади. Нитше ҳам нафсга берилмай яшашни олий бахт деб билади: “Мен учун энг олий бахт шундаки, – дейди ўзига ўзи сизнинг кўп ёлғончига чиққан руҳингиз, - ҳаётга тили осилган итдай эмас, балки ҳирсу ҳавога берилмай қарашдир”. Ҳаётнинг моҳияти ҳақида фикр юритар экан, Нитше ирода фалсафасига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Унинг назарида, ҳаёт ва ирода тушунчалари уйғун нарса, чунки бири мавжуд бўлган жойда иккинчиси ҳам мавжуд бўлиши лозим: “Фақат ҳаёт бор ердагина ирода ҳам бор; лекин бу ҳаётга ирода эмас, бироқ – сенга шундай ўргатганман – бу ҳукм суриш иродасидир! Ҳаётнинг ўзидан кўра ундан юқорида яшаш кўпроқ қадрланади”[2].

Жалолиддин Румийнинг илм-маърифат ва билим олишга оид қарашларида илм билишнингсубстанцияси деган ғояни илгари сурган. Мутасаввиф ўзининг нафс тарбияси ҳақидаги қарашларида инсон ўзидаги ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов орқали нафсни ёки фазилатга ёки иллатга айлантириши мумкинлиги ҳақидаги қарашлари ҳамда Мавлоно яхши нарса ва ходисаларни кўришга интилиш Шахсни яхши ва ёмон билан таништиради, истиқболини кўра билишга ўргатади.

Ёмон нарсани кўришдан ўзини тийиш нафсни ва ҳирсни жиловлайди, иродасини мустаҳкамлайди, фикрини мусаффо тутади. Яхши нарса ва ҳодисаларни тинглашга интилиш яхши ва ёмон товушни англайди, ўз-ўзини яхши ва ҳодисаларни тинглаш орқали ривожлантиради, асабини даволайди.

Яхши амалларни бажаришга интилиш барчага ёрдам қўлини чўзишга ундайди, бағрикенглик моҳиятини англайди. Ёмон амаллардан ўзини тийиш Иймонни мустаҳкамлайди, бажараётган фаолиятини англайди, манманлик ва такаббурликдан юз ўгиради. Иймонлилик иймон тозалиги, омонлиги, кибру-ҳаводан холилик, иймонда сабр-қаноатлилик, кенг феълли, сабр қаноатли бўлиш, саҳийлик, халқлар ва миллатлар аро бағрикенглик, нафсни тия билиш, бойликка ҳирс қўймаслик, матонатли ва меҳнатсевар бўлиш, қалбга қулоқ солиб иш кўриш, виждонлик, ҳалоллик, ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солиш, сўзлашда яхши гапларни айтишкаби маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари ҳозирги кунда ҳам муҳим ўрин тутади.[3]

Жалолиддин Румийнинг илмий меросини ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда яхлит тизим сифатида илмий изланиш олиб бориш, маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, илмий-тарбиявий, ижтимоий-фалсафий қарашлари негизида замонавий таълим-тарбияни ривожлантириш бугунги куннинг объектив зарурияти дир. Мамлакатимизда буюк аждодларимизнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни эзгу анъаналаримиз руҳида тарбиялаш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”[4].

Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий” китобида кўнгилни турли хил ўхшатишлар асосида қиёслаган. Булардан энг асосийси “ойна” дир. Қалб ойнаси жуда кўп тилга олинади. “Ойна” рамзи тасаввуфий тизимнинг энг асосий тамойилларидан биридир. Тасаввуфда “Мен бир махфий хазина эдим, билинмоқни истаб, Одамни яратдим” ҳадиси шарифига асосан, Ҳақ

[1]Усмонов И. “Глобаллашувшароитидатарицатлар”. Т.: 2014 йил. 84 б.

[2]ИстеъломийМуҳаммад. “Маснавий”гамуқаддима. Т.:2000 йил 48-49 б.

[3]Румий Жалолиддин.“Ичингдаги ичингдадур”. Янги аср авлоди”, Т.: 2018 йил 140 -180 б.

[4]Избуллаева Г. “Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш”. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.-Т.:2018 йил. 8б.

таъоло исмларининг сифатлари зуҳур этган бир ойна эканлиги айтилади. Аҳмад Авний Қўнук “Табиат мартабаи илоҳийда собит бўлган асмоий суратларнинг интибоҳига (шакл ва суратининг кўринишига) имкон берилган ойнадан бошқа нарса эмас. Ва у ойнанинг, вужуди, шунингдек, зоти латифаи Ҳақнинг тўпланиши билан мавжуд бўлгани учун зоҳирдир” дейди. Бу муқаддас ҳадиси қудсий оламнинг яратилишига “муҳаббат”, “зуҳур” ва “маърифат” асос бўлганидан ва маърифатнинг камоли илоҳий суратни қабул қилишга ижозат этилган бир катта ойна билан мумкин бўлганидан “Зоти улуҳият” нинг латиф вужуди бу илоҳий суратнинг изини қабул қиладиган мартабага эришганки, бу мартабага “шаҳодат олами” дейилади.

“Шаҳодат олами” қанчалик илоҳий исмларнинг аҳком ва изларининг зуҳурига имкон берса ҳам, тамомила мужалла (жилоли, ёруғ) бир ойна бўлмагунча, илоҳий суратлар унда тўкис зоҳир бўлмайди. Шу сабаб “Шаҳодат олами” дан Ҳазрати Одамнинг яратилиши ва зуҳури, унинг жилоси сифатида воқе бўлгандир. Шундай қилиб олам, Ҳазрати Одам (а.с.) нинг вужуди билан бир миръоти мужалла (жилоли ойна) бўлганидан Ҳақни мутлоқ унда, илоҳий суратларини мушоҳада қилади. Лекин, бу мушоҳада, узоқдан ва ўз вужудидан ташқарида рўй берган бир нарсага қараш билан қўлга киритилган томоша хилидан эмас, балки бутун зарраларда шахсан зуҳур ва ҳузур билан бўлган завқий мушоҳададир. Олам ойна бўлгани билан тўла порлоқ ва жилоли эмас. Илоҳий суратларнинг аксини камоли билан қабул қилиб ва очиқ ҳолатда кўрсатувчи ойна бу оламда инсондир. Шунинг учун ҳам инсон илоҳий намунадир.

Ҳазрати Мавлоно Румий “Ичиндаги ичиндадур” китобида қуйидаги байтни келтириб ўтади: Байт: Эй инсон, сен номаи илоҳийнинг нусхасисан, Шоҳлик Жамолинингойнаси сенсан. Оламда неки бор, сендан холи эмас. Тилаган нарсангни ўзингдан иста, зеро ҳаммаси ўзингсан. Яъни: Нарса йўқким хорижи олам эрур, Ҳар не истарсен ўзингда жам эрур.[1] Мутасаввиф, Аллоҳ таъоло ўз нисбатлари ва шууноти (ишлари) бўлган асмои бениҳоясининг (сўнгсиз исмларининг) “айн” ларини (ўзакларини, ҳақиқатларини) кўришни хоҳлаган вақт уларнинг сувор-и мунакси (акс этган суратлари) бўла оладиган ойнанинг тузилишини тақозо этди; бу ойнага зарур бўлган ашёни яратди. Босқичма-босқич “Шаҳодат олами” га туширди ва оламни яратди. Олам жилони қабул қила оладиган бир ойна эди. Тунда Ҳазрати Одам (а.с.) ни яратиш билан “Олам ойнаси” ни жилоли қилди. Зеро, Ҳазрати Одам асмои тажаллийларнинг барчасини қабул қилиш даражасида қобилиятли эди. Таайюн (борлиқ) оламида Унинг таайюни (борлиғи) каби мукаммал ва мақбул бир таайюн йўқ. Мазҳари Одамда мутаайюн фақат Ҳақ таъоло бўлганлигидан, Аллоҳ таъоло Ўз зотини миръоти Одамда мукаммал мушоҳада этади.

Бинобарин, Ҳазрати Одам барча мартаба-босқичларнинг мажмуидир. Шу сабабли, “камоли истижло” (Аллоҳ зотининг Ўз зоти учун таайюнатида зуҳур этиши) Ҳазрати Одамнинг вужуди билан юзага келган. Албатта, инсон Аллоҳ таъолонинг комил тажаллигоҳидир, чунки у Унинг “энг юксак баён”и, “оламларининг йиғиндиси”дир. У борлиқнинг ойнасида катта оламнинг ёки асмоий васифати, илоҳий мартабанинг (куч-қудратининг) камоллари акс этган кичик оламдир. Шунинг учун, барча яратилганлар ичида фақатгина инсон Аллоҳ таъолонинг халифаси бўлишга ҳақлидир...”[2]

Румий ва чиний рассомлар моҳирлик бобида тортишиб қоладилар. Шунда подшоҳ уларни ўзаро мусобақа қилдиради. Иккала томонга айтганлари муҳайё қилинади. Хонанинг ярми чинийларга, ярми румийларга берилади. Чинийлар бўёқ ёрдамида деворга гўзал санъат асари бўлган сурат соладилар. Румийлар эса, ўзларига берилган деворни яхшилай бошлайдилар, токи рангсиз бир шиша бўлиб қолгунга қадар унга ишлов берадилар. Подшоҳ чинийларнинг санъат асарини кўриб тан беради ва навбат румийларга келганида, улар девор юзига қопланган пардани кўтарадилар. Не кўз билан кўрсинки, подшоҳ бу деворда чиний

[1]ИстиъломийМ. Илоҳий ишқ куйчиси Жалолиддин Румий. Ж. Муҳаммад таржимаси. Теҳрон, 2001 йил, 7-б. Форсча-ўзбекчалуғат.

[2]ҚораКарим. Кўзни юмгил кўзга айлансин кўнгил. СаодатМейлиеватаржимаси. Т., Ноширликёғдуси, 2011 й., 4-6-б.

рассомлар чизган суратнинг янада тиниқлашган нусхасини кўради. Ҳикоятда Румий ҳазратлари, инсон қалбини акс эттирганлар, десакхатобўлмайди. Чунки: Ойина софлиги фазли дил эрур, Акси сувратга басе қобил эрур, деган байт келтирилади. Яъни, деворнинг ошланиши – қалбнинг покланиши. Чиний рассомлар шариат эгалари бўлса, румийлар тасаввуф аҳллари бўлмиш тариқат кишиларидан бири эди.[1]

DERMATOLOGIC INFECTIONS IN ATHLETES

Toxtayev G.Sh., Safarov X.X. *– Tashkent Medical Academy*
Republican Scientific and Practical Center for Sports Medicine
Scientific supervisor: ***Sadikov A.A.***

Skin infections are common in athletes of all ages, particularly those involved in high-contact sports like wrestling. Infections can be transmitted from one athlete to another directly through skin – to – skin contact or indirectly through contaminated objects such as towels, mats, and equipment.

Although there are many different types of skin infections, symptoms commonly include lesions, blisters, or sores. An athlete who develops any of these symptoms should refrain from training and competition until he or she can be evaluated by a doctor. Prompt and proper treatment is needed to prevent an infection from worsening and to reduce the risk of teammates becoming infected. Professional athletes constitute a unique group of dermatological patients, since almost all of them face skin diseases during their sports careers. Sports activities can lead to the development of new or exacerbation of chronic dermatological diseases, which can negatively affect the athlete's results. There are so-called transitional states, which can be either specific or general, weakening the body and thereby predisposing to diseases.

These are the effects of stress, physical overstrain, overwork, unfavorable and dramatically changing environmental conditions, prolonged under – recovery after exertion, hard work, etc. It is shown that the first signs of the disease are manifested primarily when high demands are made on the body. Transitional states are important for pre Prevention and detection of the disease. Athletes whose activities are associated with daily training in swimming pools are exposed to constant contact of the skin with disinfectants that damage the skin, promote dehydration and degreasing of the upper layers of the epidermis, reducing the barrier function of the skin and leading to its dryness.

Athletes commonly present to primary care physicians, sports medicine specialists, and dermatologists, but they may also present to any specialty provider. preventing disruption of sports participation and achieving an appropriately timed return to play is challenging for both provider and patient. poorly managed infectious disease may result in detrimental consequences to the patient’s health and sports success. Furthermore, inaccurate diagnosis may lead to regional epidemics and other medical consequences, as well as substantial amounts of missed time from sports. Unnecessary missed time can result in increased morbidity as well as decreased athletic opportunities for the patient.

The incidence of skin-related infectious diseases has been estimated at 8.5% of high school sports-related conditions and injuries and 20.9% of college sports-related conditions and injuries. About half ofthese skin infections affect the head,face, or neck, likely secondary to direct skin-to-skin contact with infected opponents. Among high school athletes, the prevalence of skin infections in major categories is as follows: bacteria, 30%; herpes viruses, 20%; and tinea fungi, 20%.2 among collegiate athletes, the prevalence of skin infections have been reported as follows: herpes viruses, 47%; impetigo, 37%; tinea fungi, 7%; cellulitis, 6%; and methicillin - resistant Staphylococcus

[1]Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Ж. Камолтарж., – Т.: Фан, 2005 й., 1-китоб, 310-б.

aureus (MRSA), 3%.2 specific to herpes gladiatorum, numerous authors have estimated overall prevalence at about 20% of sports - related skin infections.

